“РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ҲИСОБОТ ВА АУДИТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Республика илмий-амалий конференцияси
МАТЕРИАЛЛАРИ
(2021 йил 24 сентябр)



САМАРҚАНД – 2021

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИСИНСТИТУТИ

“РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ҲИСОБОТ ВА АУДИТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Республика илмий-амалий конференцияси
МАТЕРИАЛЛАРИ
(2021 йил 24 сентябр)

САМАРҚАНД – 2021

“Рақамли иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисоби, ҳисобот ва аудитини халқаро стандартлар асосида ташкил қилишининг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари 2021 йил 24 сентябр куни. Самарқанд**,** СамИСИ, 2021. – 331 бет.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар:

С.Н.Ташназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор;
Х.Ў. Пўлатов – ассистент

Нашр учун масъуллар:

К.Б.Уразов – иқтисод фанлари доктори, профессор;
М.Қ.Пардаев – иқтисод фанлари доктори, профессор;
С.Н.Ташназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Мазкур китоб ўз ичига рақамли иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитнинг долзарб муоммолари бўйича ўтказилган республика илмий-амалий конференцияси материалларини қамраб олади. Унда бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитнинг назарий ва методологик муаммолари, соҳа субъектларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва аудитнинг халқаро стандартларини кенг жорий қилиш, жумладан молиявий ҳисоботни МҲХСлари талабларига мувофиқлаштириш, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” таълим йўналишини халқаро аккредитациядан ўтказиш, бухгалтерлар ва аудиторларни халқаро сертификатлаштириш, корхона ва ташкилотларда аудитни халқаро стандартлар асосида ўтказиш, молиявий назорат тизимини такомиллаштириш, корхоналар фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилишга бағишланган илмий тадқиқотлар натижалари ўрин олган. Бундан ташқари мазкур тўпламда рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида иқтисодиёт, маркетинг ва менежментнинг долзарб масалаларига бағишланган мақолалар ҳам киритилган. Ушбу тўпламда тадқиқот натижалари бўйича олинган хулоса ва таклифлар иқтисодиётимизнинг ривожланишига, бухгалтерия ҳисоби ва аудитни халқаро андозалар асосида ташкил этишга, таълим тизимини кредит-модул тизимига ўтказишга хизмат қилади..

Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, докторантлар, мустақил тадқиқотчилар, магистрантлар ва бакалаврлар, шунингдек корхоналар раҳбарлари, бухгалтерлар, аудиторларлар ва бошқа мутахассислар учун мўлжалланган.

Мақолаларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2021

I-ШЎЪБА. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КОРХОНАЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ: АМАЛИЁТ ВА ТАЪЛИМ

С.Н. Ташназаров - Самарқанд иқтисодиёт сервис институти “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси мудири, и.ф.д., проф.в.б.

Аннотация: Ушбу мақолада МҲХС ва АХСларини жорий қилиш борасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан келиб чиқадиган вазифалар, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” йўналиши бўйича олий таълим тизимида ўқув режадаги фанларни шакллантиришнинг долзарб масалалари ёритилган.

Аннотация: В статье описаны задачи, вытекающие из нормативных документов по внедрению МСФО и МСА, актуальные вопросы при формировании дисциплин в учебной программе в высшей школе по направлению «Бухгалтерский учет и аудит».

Annotation: This article describes the tasks arising from the regulatory documents on the introduction of IFRS and ISA, current issues in the formation of curricula in the higher education system in the field of "Accounting and Auditing".

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 8 октябрида “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони имзоланди. Ушбу фармонда: “Республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш ва олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш” белгилаб берилди. 2020/2021 ўқув йилининг ўзида 33 та олий таълим даргоҳини кредит-модуль тизимига ўтказиш кўрсатиб ўтилди.

Кейинги икки йил мабойнида Президентимизнинг молиявий ҳисоботни ва аудитни халқаро стандартларга жадал ўтказиш бўйича тўртта фармон ва қарорлари қабул қилинди (1-жадвал):

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Президентининг МҲХС ва АХСлари жадал жорий қилишга қаратилган фармон ва қарорларида белгиланган вазифалар

Фармон ва қарорлар	**МҲХС ва АХСларни жорий қилишга қаратилган вазифалр**
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил	1. 2020 йил 1 августга қадар бакалавриат таълими йўналишлари ва магистратура мутахассислигидаги

24 февралдаги ПҚ-4611 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори	«Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» фанлари бўйича МҲХСни чуқур ўрганишни назарда тутувчи янгиланган ўқув дастурларини тасдиқласин ва белгиланган тартибда таълим жараёнига жорий этсин 2. 2020 йилдан бошлаб тажриба-синов олий таълим муассасаларининг (Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти) ўқув дастурларини бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро аккредитациядан ўтказиш
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 июндаги ПҚ-5165-сон “Нодавлат таълим ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва таълим жараёнида ёшлар учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори	1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда 2022 йил якунига қадар Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти, Молия вазирлиги ҳузуридаги ўқув маркази ҳамда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги халқаро ташкилотларнинг аккредитациясидан ўтказиш чораларини кўрсин 2. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида ўқув дастурлари ва ўқитувчиларни халқаро ташкилотларнинг аккредитациясидан ўтказишга тайёрлаш доирасида юқоридаги олий таълим муассасаларининг ҳар бирига 2022 йилда 100 миллион сўмдан маблағ ажратилади; 3. Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти ва Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти халқаро аккредитациядан ўтган тақдирда, уларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш учун 2023 йилда 1 миллиард сўмдан бир марталик рағбатлантириш маблағлари ажратилади
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 августдаги №ПҚ-5210-сон “Аудиторларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори	1.Тажриба Синов ОТМ (Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти) баклавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари “Бухгалтерия ҳисоби” ва “Аудит” фанлари бўйича Аудитнинг Халқаро Стандартларини чуқур ўрганишни назарда тутувчи янгиланган ўқув дастурларини таълим жараёнига жорий этсин
2021 йил 27 август, ПФ-6300-сон “Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-	1. 2022 йил 1 январга қадар Олий аудит органларининг халқаро стандартлари (ISSAI) асосида ташқи аудит тадбирларини режалаштириш ва ўтказишни ташкил этиш, улар доирасида молиявий, самарадорлик ва мувофиқлик аудитларини ўтказиш, шунингдек, давлат молиявий

тадбирлари тўғрисида”ги Фармони	назоратида хавф-таҳлилни амалга ошириш стандартларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин; 2. бюджет ташкилотлари, давлат мақсадли жамғармалари ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларда ўтказилган барча давлат молиявий назорати тадбирлари, шу жумладан ички аудит хизматларининг аудит тадбирлари «Давлат аудити» дастурида рўйхатга олинади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2021 йил 16 июндаги видеоселектор йиғилишида сўзлаган маърузасида "...Яъни, бундан буён, ўқув режаси ва адабиётлар, фан дастурларини жорий этиш, профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкламаси ҳамда таълим шаклларини белгилашни олийгоҳ бошқарув кенгашининг ўзи ҳал қилади. Энди, ҳар бир кафедранинг фаолияти унинг илмий салоҳияти ва ёшларни селекция асосида илмий фаолиятга жалб этиш кўрсаткичларига қараб баҳоланади”- деб таъкидланди.

Ушбу юқоридаги қўйилган вазифаларнинг бажарилиши кредит модул тизимини жорий қилишни тақозо этади. Кредит модул тизимида илғор хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш вазифаси ҳам қўйилган. Агар 1000 талик рейтингда биринчи 100 ўринни олиб қарайдиган бўлсак, шундай 31 таси АҚШда жойлашган халқаро университетлар ўрин эгаллаган. Демак, АҚШ университетлари бу борада дунёда пешқадам ҳисобланади. Шунинг учун АҚШ тажрибасини ўрганиш ва бу борада маълум хулосаларни чиқариб олиш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Кредит-модул тамойилида иккита асосий масалага аҳамият берилади: талабаларнинг мустақил ишлашини таъминлаш; талабалар билимини рейтинг асосида баҳолаш

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналишини АҚШдаги кредит-модул тизимига ўтказишнинг 7 та таклиф:

1. АҚШдаги университетларидан ва бошқа Европа университетларидан андоза олиб, **ФАН КАТАЛОГИНИ** яратиш керак;
2. ўқув режасида акс этган фанларнинг дастурлари, яъни **СИЛЛАБУСИларини** яратишимиз керак;
3. кредит-модул тизими **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМГА** асосланади. Мустақил таълимни ташкил этишга устувор аҳамият қаратиш керак;
4. талабалар билимини **БАҲОЛАШ ТИЗИМИНИ** такомиллаштиришимиз керак;
5. дунё фанларини ўқитишга ўтар эканмиз. Энди, Гарвард ва бошқа халқаро университетларда ўқитилаётган **АДАБИЁТЛАРНИ** олиб келишимиз керак.
6. фанлар кесимида дарс машғулотларини олиб борадиган **ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРИ** расмий веб-сайтида очиқ-ойдин эълон қилиниши керак бўлади.
7. Кредит-модуль тизими такомиллашган **МОДУЛЛАРНИ** тақозо қилади

Фан каталогини яратишда аввломбор уларнинг ўзбек тилидаги таржимаси тўғри бўлиш керак. Шу пайтгача биз биз рус тилидан таржима қилиб келаётган эдик, натижада фанларнинг номланиши уларнинг асл номларига мувофиқ келмай қолган. Масалан, “Financial Accounting” рус тилида “Финансовой учет” деб олинган бўлса, биз уни рус тилидан “Молиявий ҳисоб” деб таржима қилдик. Аслида financial бу молиявий, accounting эса бухгалтерия ҳисоби бўлади. Шунинг учун “Молиявий Бухгалтерия Ҳисоби” деб номланса тўғри бўлади. Фанларнинг номини ёзишда яна битта қоида бор. Халқаро тажрибада фанларнинг номи бир нечта сўздан иборат бўлса ҳамма сўзлар (боғловчидан ташқари) бош ҳарф билан ёзилади. Шу боис, ушбу қоидалардан келиб чиқиб фанларни қуйидагича номлашни таклиф этамиз (2-жадвал):

2-жадвал

Дунёдаги бухгалтерия ҳисобига оид фанларнинг ўзбек тилидаги номланиши

Фаннинг инглизча номи	**Фаннинг русча номи**	**Фаннинг ўзбекча номи**
Principles of Accounting	Принципы бухгалтерского учета	Бухгалтерия Ҳисоби Принциплари
Accountant in Businesses	Бухгалтер в бизнесе	Бизнесда Бухгалтер
Financial Accounting 1	Финансовой учет 1	Молиявий Бухгалтерия Ҳисоби 1
Management Accounting 1	Управленческий учет 1	Менежмент Бухгалтерия Ҳисоби 1
Audit and Assurances	Аудит и Утверждения (сопуствующие услуги)	Аудит ва Эшуренс
Financial Accounting 2	Финансовой учет 2	Молиявий Бухгалтерия Ҳисоби 2
Management Accounting 2	Управленческий учет 2	Менежмент Бухгалтерия Ҳисоби 2
Financial Reporting	Финансовая отчетность	Молиявий Ҳисобот
Analyses of Financial Reporting	Анализ финансовой отчетности	Молиявий Ҳисобот Таҳлили
Corporate and Business Law	Корпоративный и бизнес право	Корпоратив ва Бизнес Ҳуқуқ
Performance Management	Менежмент эффективности	Бажарилишлар Менежменти
Financial Management	Финансовой менеджмент	Молиявий Менежмент

Taxation	Налоги и налогообложения	Солиққа Тортиш

АҚШдаги илғор университетлар тажрибасини ўрганиш асосида “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” йўналиши бўйича қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

Асосий фан блокига бухгалтерия ҳисоби бўйича қуйидаги фанлар:

- Молиявий Операцияларни Қайд Қилиш (Recording Financial Transactions);
- Бизнесда Бухгалтер (Accountant in Business);
- Бухгалтерия Ҳисоби Принциплари (Principles of Accounting);
- Молиявий Бухгалтерия Ҳисоби (Financial Accounting);
- Менежмент Бухгалтерия Ҳисоби (Management Accounting);
- Молиявий Менежмент (Financial Management);
- Аудит ва Тасдиқлаш (Audit and Assurence);
- Бухгалтерия Ҳисоби Ахборот Тизими (Accounting Information System).

Асосий фанлар блокига кирадиган мутахассис бўлмаган бошқа фанлар:

- Иқтисодий Математика (Business Mathematics),
- Бизнес ва Корпоратив Ҳуқуқ (Business and Corporate Law),
- Ташкилий Хулқ-Атвор (Organizational Behavior),
- Микро Иқтисодиёт Принциплари (Principles of Micro-economics),
- Бизнес Алоқалар (Business Communication),
- Корпоратив Молия (Corporate Finance),
- Солиққа Тортиш (Taxation),
- Менежмент Принциплари (Principles of Management),
- Молиявий Институтлар ва Бозорлар (Financial Institutions and Markets) ва бошқа фанлар.

Талаба танлови фанлари:

- Такомиллашган Менежмент Бухгалтерия Ҳисоби (Advanced Managerial Accounting),
- Молиявий Ҳисобот (Financial Reporting),
- Бухгалтерия Ҳисоби Назарияси (Accounting Theory),
- Молиявий Ҳисобот Таҳлили (Financial Statement Analysis),
- Такомиллашган Аудит (Advance Auditing),
- Такомиллашган Молиявий Ҳисобот (Advance Financial Reporting),
- Такомиллашган Молиявий Ҳисоб (Advance Financial Accounting),

Талаба танлови блокида **бухгалтерия ҳисобига тўғридан-тўғри оид бўлмаган фанлар:**

- Солиқ Ҳуқуқи (Laws of Taxation),
- Стратегик Менежмент (Strategic Management),
- Корпоратив Ҳуқуқ (Corporate law),
- Асосий Дастурий Таъминот (Essential Software) ва бошқа фанларни киритиш мумкин.

Юқоридаги таклифларни ўқув режаларни ишлаб чиқишда ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда бир қанча қоидаларга амал қилиш керак. **Биринчидан**, ўқув режа содда ва тушунарли бўлиши керак, уни алгаритм қилиб юбормаслик керак. Уни курслар кесимида аниқ тузилиши талаб этилади. Ўқув режа талаба учун мўлжалланган бўлиши керак. **Иккинчидан**, талаба ўқув режада асосий фанлар ва танлов фанларини ажрата олиши керак. Танлов фанларини кенг тарғиб қилиниши, талаба уни мустақил равишда танлашига имкон беришимиз талаб этилади. Шунинг учун талабага олдиндан талаба танлови фанларининг ўқув дастурлари берилиши керак. Унинг мазмуни билан танишиб чиқиши, кейин хулосага келиши керак бўлади. Ҳар бир танлов фанлари бўйича обзор маърузалари ташкил этилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. **Учинчидан**, юқорида таъкидлаганимиздек талаба мустақил таълимига алоҳида эътибор қаратилиши керак бўлади. Кредит-модул тизими талабаларнинг мустақил таълимига асосланади. Шунинг учун фан дастури ва селлабусларида мустақил таълимга ажратилган мавзулар ва саволлар аниқ кўрсатилиши керак. Мустақил таълим мавзулари ва саволлари асосий дарс жараёнида ўтиладиган мавзу ва саволлардан фарқ қилиши керак. Мустақил таълимга ажратилган мавзулар ва саволлар албатта талабаларни баҳолашнинг жорий, оралиқ ва якуний назоратларига киритилиши керак. Мустақил таълимни ташкил этиш ва назорат қилиш механизмлари ишлаб чиқилиши керак ва бу талаблар селлабусларда ўз аксни топиши керак.

Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” таълим йўналишини халқаро даражаларга олиб чиқишга, кредит-модул тизимини самарали жорий этишга ҳамда таълим сифатининг ошишига хизмат қилади.

СОЛИҚ АУДИТИНИНГ ТУРЛАРИ: МОҲИЯТИ, ФАРҚЛИ ВА ЎХШАШЛИК ЖИҲАТЛАРИ, МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

К.Б. Уразов,
и.ф.д. СамИСИ "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" кафедраси профессори

Қабул қилинган Харакатлар стратегиясига[1] мувофиқ республикамизда янги Солиқ Концепцияси[2] ишлаб чиқилди ва у 2019 йил 1 январдан амалиётга жорий этилди. Ушбу Концепция асосида республикамиз Солиқ кодекси[3] янги таҳрирда тасдиқланди ва 2020 йил 1 январдан кучга киритилди.

Юқоридаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ республикамизда солиқ назоратига қатор ўзгартиришлар киритилди. Чунончи, республикамиз Солиқ кодекси янги таҳририда шу пайтгча мавжуд бўлмаган "солиқ аудити" номли давлат солиқ назорати тури белгиланди. Давлат солиқ қўмитаси томонидан "Солиқ аудитини ўтказиш тўғрисида Низом"[4] тасдиқланди ва 2020 йил 30 июндан амалга киритилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, солиқ аудити нафақат давлат солиқ органлари томонидан ўтказилади. Бундай аудит мустақил аудиторлик ташкилотлари, шунингдек корхоналарнинг ички аудит хизмати ходимлари томонидан ҳам олиб борилади. Айнан шулардан келиб чиқиб, солиқ аудитини бугунги кунда учта турга ажратиш мумкин (1-расмга қаранг).



[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 4947-сон фармони билан тасдиқланган

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида" ПФ-5468-сон фармони билан тасдиқланган

[3] Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-599 сон Қонуни билан тасдиқланган

[4] Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 18 майдаги 2020-17-сон қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3251.

1-расм. Солиқ аудити турлари

Табиий равишда турли саволлар туғилади: нима учун солиқ аудитига эътибор кучайиб бормоқда? Бунинг негизида қандай заруратлар ётади? Солиқ аудити деб аталган назоратнинг бугунги кунда мавжуд бўлган юқоридаги учта тури ўзи керакми? Кўп жиҳатлари бўйича бир-бирига ўхшаш бўлган солиқ аудити турларини яхлитлаш, яъни бирлаштириш мақсадга мувофиқ бўлмасмиди? Бугунги кунда қайси солиқ аудити тури кўпроқ самарали ҳисобланади?

Ушбу муҳим саволларга жавоб топиш махсус иқтисодий фанлар, чунончи "Молия", "Солиқ ва солиққа тортиш", "Аудит", "Ички аудит", "Назорат ва тафтиш", "Бухгалтерия ҳисоби", Иқтисодий таҳлил" каби фанлар олдига мазкур масалаларни чуқур тадқиқ этишни, уларни жамият ва унинг ажралмас бўғинлари, аъзолари, инвесторлар, мулкдорлар ва давлат манфаатларидан келиб чиқиб, ҳал қилишни тақоза этмоқда.

Бизнингча, юқоридаги саволларга жавобларни топишни солиқларнинг моҳияти, аҳамиятидан, шундан келиб чиқиб улар аудитига бўлган заруратлардан бошлаш ўринлидир.

Маълумки, солиқлар дунёнинг барча мамлакатларида бюджет даромадларини шакллантириш ва давлат ғазнасини маблағ билан тўлдиришнинг бош манбаси ҳисобланади. Бу бевосита бизнинг республикамизга ҳам дахлдордир. Чунончи, расмий маълумотларга кўра[5], 2020 йил якуни бўйича республикамиз давлат бюджетининг даромадлари 161,7 трлн.сўмни, харажатлари 187,4 трлн.сўмни ташкил этди. 2020 йилда тўғридан-тўғри солиқлардан тушумлар 43,8 трлн.сўмни ташкил этди ва 1,5 баробардан зиёд ўсди, шу жумладан, даромад солиғи бўйича тушумлар 2019 йилга нисбатан 1,9 мартага ошди. Давлат бюджетнинг умумий даромадларида тўғридан-тўғри солиқларнинг улуши 25,4 фоиздан 33,0 фоизгача ўсди. Билвосита солиқлар бўйича тўловлар 47,8 трлн.сўмни ташкил этди (ўтган йилга нисбатан 3,7 фоизга камайди). Шу билан бирга, бюджет даромадлари таркибидаги эгри солиқларнинг улуши 44,3 фоиздан 35,9 фоизгача камайди. Ушбу тушумларнинг камайиши қўшилган қиймат солиғи бўйича тушумларнинг 11 фоизга, шунингдек айланмадан солиқнинг 31,7 фоизга камайиши билан боғлиқ. Ресурс солиқларидан бюджет даромадлари 21,3 трлн.сўмни ташкил этиб (ўтган йилга нисбатан 8 фоизга кўп), уларнинг бюджет даромадларидаги улуши 17,5 фоиздан 16 фоизгача камайди. Билвосита ва ресурс солиқларининг камайиши коронавирус пандемияси даврида иқтисодий фаолиятнинг чекланиши, тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзлари ва преференциялар берилиши, шунингдек ташқи талабнинг пасайиши билан боғлиқ бўлди.

Солиқларнинг муҳим давлат аҳамиятига моликлиги ҳар бир солиқчи томонидан уларни тўғри ҳисобланиши, ўз вақтида бюджетга тўланиши, солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар, ҳисоб ва ҳисоботлар реаллигини

[5] https://review.uz/post/rezultat-nalogovoy-politiki-v-uzbekistane-za-2020-god

таъминлашни тақоза этади. Бу, ўз навбатида, ушбу мақсадга эришишга хизмат қилувчи барча дастаклардан, чунончи солиқ аудитидан самарали фойдаланишни объектив зарурат қилиб қўяди.

Солиқ аудитига бўлган объектив заруратлар сирасига яна қуйидагиларни киритиш мумкин:

СОЛИҚ АУДИТИГА БЎЛГАН ЗАРУРАТЛАР

- Солиқларнинг корхоналарни муҳим актив ва мажбуриятларидан бири эканлиги;
- Солиқлардан қочишга солиқ тўловчида моддий нафнинг борлиги;
- Солиқлардан билмасдан қочиш сабабли жиноий, молиявий ва маъмурий жазога тортилиш хавфининг борлиги;
- Солиқлар қонунчилиги талабларининг узоқ муддатли эмаслиги ва тез ўзгарувчанлиги;
- Солиқ солиш қонунчилиги ҳужжатларини чуқур билмаслик ва уларни тўғри тушунмаслик;
- Солиқ ҳисоб-китобларининг турли кўрсаткичларга боғлиқлиги ва бу кўрсаткичларнинг кўплиги;
- Солиқ ҳисоб-китобларининг мураккаблиги;
- Солиқ ҳисоб-китоблари талабларига молиявий ҳисобнинг тўлиқ бўйсиндирилмаганлиги;
- Ахборот танқислиги;
- Ахборотларни тўғри шакллантиришнинг автоматик тизимларини яратилмаганлиги;
- Бошқа сабаблар.

улар тўғрисидаги ахборотларни молиявий ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлигини холис аудиторлик ташкилоти томонидан тузилган шартнома асосида экспертиза қилиш усули.

Ички аудит хизмати томонидан ўтказиладиган солиқ аудити – бу солиқлар ва тўловларни солиқ қонунчилиги талабларида амалга оширилганлиги ҳамда улар тўғрисидаги ахборотларни молиявий ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлигини функционал мажбурият сифатида текшириш.

Солиқ аудити турлари мақсадини, фикримизча, қуйидагича белгилаш мумкин (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Солиқ аудити турларининг мақсади

№	Солиқ аудити тури	Солиқ аудити турининг мақсади
1	Давлат солиқ органлари томонидан ўтказиладиган солиқ аудити	Солиқ тўловчилар-нинг муайян давр учун солиқларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашнинг солиқ қонунчилиги талабларига мувофиқлигини аниқлаш
2	Холис аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказиладиган солиқ аудити	Молиявий ҳисобот ҳаққонийлиги тўғри-сида холис аудиторлик хулосасини бериш учун солиқларнинг ҳисобланиши, тўланиши, имтиёзлари, улардан фойдаланиш, шунингдек солиқларга доир дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳолатини ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлиги тўғрисида исботу-далилларни йиғиш
3	Ички аудит хизмати томонидан ўтказиладиган солиқ аудити	Кузатув кенгашини ишончли ахборот билан таъминлаш,, текширувда аниқланадиган камчи-ликларни бартараф этиш юзасидан корхона бошқарув органларига тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш.

Солиқ аудитининг барча турлари олдига улар мақсадидан келиб чиқиб, аниқ вазифалар қўйилади. Чунончи, холис аудиторлик ташкилотлари ва ички аудит хизмати томонидан ўтказиладиган солиқ аудити олдида турган асосий вазифалар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- Солиқ тўловчи мақомини тўғри аниқланганлигини текшириш;
- Солиқ режимининг тўғри танланганлигини текшириш;
- Солиқлар ва тўловлар турларидан тўғри фойдаланилаётганликни текшириш;
- Солиқлар ва тўловлар турларини тўғри ҳисобланганлигини текшириш;
- Солиқлар ва тўловлар турларини ўз вақтида тўланганлигини текшириш;
- Солиқлар ва тўловлар турлари бўйича қарздорликларни ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлигини текшириш;
- Солиқлар ва тўловлар турлари бўйича солиқ имтиёзларини тўғри ҳисобланганлиги ва улардан тўғри фойдаланилаётганликни текшириш;
- Солиқлар ва тўловлар турлари бўйича молиявий санкцияларни ҳисоб ва ҳисоботда ўз вақтида ва тўғри акс эттирилганлигини текшириш;
- Солиқлар ва тўловлар турларини динамик ва статик жиҳатдан таҳлил қилиш, уларга ижобий ва салбий таъсир ўрсатаётган омилларни аниқлаш;

•Солиқлар ва тўловлар ҳисоби ва ҳисоботини такомилаштиришга қаратилган тавсияларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни тадбиқ қилинишига эришиш.

Ушбу вазифаларни холис аудиторлик ташкилотлари ва ички аудит хизмати томонидан олдиндан тўғри бажарилганлиги кейинчалик давлат солиқ органлари томонидан ўтказиладиган солиқ аудити олдига қўйилган вазифаларни бажарилишида муҳим ўрин тутади.

Солиқ аудити турлари кўп жиҳатлари бўйича бир бирига ўхшайди ва бир-биридан фарқланади. Уларнинг ўхшашлик жиҳатлари қуйидагиларда ёркин намоён бўлади.

Биринчидан, уларнинг барчасида солиқ аудити предметини ташкил қилувчи объектлар бир хил мазмунга эгадир. Бундай объектлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади.

СОЛИҚ АУДИТИНИНГ ОБЪЕКТЛАРИ

Солиқ солиш объекти - солиқ тўловчида солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов ҳисоблаб чиқарилиши ва (ёки) тўланиши юзасидан мажбурият келтириб чиқарувчи мол-мулк, ҳаракат, ҳаракат натижаси.

Солиқ солинадиган база - солиқ солиш объектининг солиқ ёки бошқа мажбурий тўловнинг ставкаси татбиқан белгиланган кўрсаткичлардаги қиймат, миқдор, физик ва бошқа тавсифлари.

Ставка - солиқ солинадиган базанинг ўлчов бирлигига нисбатан ҳисобланадиган фоизлардаги ёки мутлақ суммадаги миқдори

Ҳисоблаб чиқариш тартиби - солиқ даври учун солиқ солинадиган базадан, ставкадан, шунингдек имтиёзлар мавжуд бўлса, шу имтиёзлардан келиб чиқиб, солиқ ва бошқа мажбурий тўлов суммасини ҳисоблаш қоидалари.

Солиқ даври - у тугаганидан кейин солиқ солинадиган база аниқланадиган ҳамда солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси ҳисоблаб чиқариладиган давр.

Солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби - солиқ тўловчи томонидан солиқ идорасига солиқ тўловлари бўйича ҳисоботни белгиланган шаклда ва муддатда тақдим этиш

Тўлаш тартиби -солиқ тўловчи томонидан жорий давр учун ҳисобланган солиқ ёки бошқа мажбурий тўловлар суммасини белгиланган муддатларда солиқ идораси счётига ўтказиб бериш

Дебиторлик қарзлар - солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов бўйича солиқ органига уларнинг солиқ ёки бошқа мажбурий тўловлар ҳисоботида кўрсатилган суммасидан кўп тўланган қисми

Кредиторлик қарзлар - солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов бўйича солиқ органига уларнинг солиқ ёки бошқа мажбурий тўловлар ҳисоботида кўрсатилган суммасидан кам тўланган қисми

Солиқ имтиёзлари- солиқ тўловчиларга берилган афзалликлар, шу жумладан солиқ тўловларини тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти

Солиқ ва тўловлар ҳисоб-китоблари - Солиқ қонунчилигида белгиланган ҳисобот шакллари

Солиқ ва тўловларга доир бухгалтерия бошланғич ҳужжатлари ва ҳисоботлари - солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни ҳисобланиши, тўланиши, улар бўйича қаздорлик

Иккинчидан, солиқ аудитининг барча турлари бир хил кетма-кетликда ўтказилади. Одатда, дастлаб, билвосита солиқлар (акциз, ҚҚС), ундан сўнг харажатларга кирувчи солиқлар, кейин эса фойдадан солиқлар текширилиши лозим ҳисобланади.

Учинчидан, солиқ аудитининг барча турлари, одатда, индукция ёки дедукция усулига асосланади. **Индукция усулига** мувофиқ ҳар бир солиқ бўйича маълумотларни бошланғич ҳужжатлардан тортиб, то ҳисоботда акс эттирилган кўрсаткичгача тизимлаб чиқилади. **Дедукция усулида** текширишга ҳар бир солиқ бўйича унинг йиллик умумий суммаси асос қилиб олинади. Кейин ушбу йиллик сумманинг реаллиги дастлаб ҳисобот даврлари (ойлар, чораклар ва йил якуни) кесимларида гуруҳлаб чиқилади. Шу тартибда гуруҳланган маълумотлар кейин гувоҳлик берувчи бошланғич ҳужжатлар асосида тизимланади (2-расмга қаранг).



2-расм. Солиқ аудитини ўтказишнинг умумий методологик тартиби

Тўртинчидан, солиқ аудитининг барча турларида бир-бирига ўхшаш усуллар қўлланилади. Бундай усуллар бўлиб чунончи қуйидагилар ҳисобланади (2-расмга қаранг).



3-расм. Солиқ аудити турларида қўлланиладиган усуллар

Солиқ аудити турлари нафақат улар олдига қўйилган мақсад ва вазифалар бўйича, балки бошқа жиҳатлари бўйича бир-биридан фарқланади. Уларнинг асосийлари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Солиқ текширувлари турларининг фарқли жиҳатлари ва хусусиятлари

№	Фарқ-ловчи белгилар	Солиқ текширувлари турлари		
		Давлат солиқ аудити	Холис ташқи аудит	Ички аудит
1	Текширувнинг максимал муддати	30 кундан ортиқ давом этиши мумкин эмас	Шартномада келишилган муддатда	Ички аудит режасида белгиланган муддатларда
2	Текширув натижаларини расмийлаштириш	Солиқ аудити далолатномаси	Аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси	Ички аудит натижалари тўғрисидаги ҳисобот
3	Солиқ ҳисоби ва ҳисоботини тўғрилашга доир тавсиялар	Текширув натижалари бўйича солиқ ҳисоби ва ҳисоботида аниқланган тафовутларга келгусида йўл қўймаслик бўйича тавсиялар берилади	Солиқ ҳисоби ва ҳисоботидаги тафовуларни тўғрилаш бўйича аниқ тавсиялар берилади	Солиқ ҳисоби ва ҳисоботидаги тафовутларни тўғрилаш бўйича тавсиялар берилади ва улар ижроси назорат қилинади
4	Молиявий ва бошқа турдаги санкцияларни қўллаш	Молиявий ва бошқа турдаги санкциялар қўлланилади	Молиявий ва бошқа турдаги санкциялар қўлланилмайди	Айбдор шахсларга нисбатан жазо чораларини қўллашга доир тавсиялар раҳбариятга киритилади
5	Текширув натижалари бўйича мижозга етказилган зарарни қоплаш	Етказилган зарарни қоплаш суд қарори асосида белгиланади	Етказилган зарар шартнома шартларига кўра ёки суд қарори асосида қопланади	Корхонага етказилган зарар корхона раҳбарияти даъвосига кўра суд қарори асосида бел-гиланиши мумкин

Солиқ текширувлари турларининг юқорида келтирилган қисқача тавсифлари, уларнинг бир-бирига ўхшаш ва бир-биридан фарқли жиҳатлари ҳозирги пайтда мавжуд ва долзарб бўлган айрим муаммоларни ҳал қилишни тақоза этмоқда. Бундай муаммолар сирасига, бизнингча, қуйидагилар киради.

Биринчидан, солиқларни тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида бюджетга ўтказиб берилиши, шунингдек уларни ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилишига ўзининг тез таъсир доирасини ўтказа оладиган ички аудит ва холис ташқи аудитнинг ваколатлари, жавобгарлик ва масъулиятларини қонун ҳужжатларида янада кенгроқ ҳамда аниқроқ белгилаш мақсадга мувофиқ. Давлат солиқ аудитини ўтказиш даври ва муддатидаги чекловлар, чунончи, уни 2-3 йилда бир маротаба ўтказилиши солиқ тўловларидаги хатоликларни ўз вақтида аниқлаш ва тузатишга имкон бермайди. Бундай имкониятларни, биринчи навбатда, йил мабойнида узлуксиз олиб бориладиган ички аудит, шунингдек йил якуни ёки унинг чораклари кесимида олиб бориладиган холис ташқи аудит бера олади. Айнан ушбу аудит текширувлари солиқ органлари томонидан ўтказиладиган солиқ аудитига нисбатан солиқ тўловларидаги хатоликлар ва камчиликларни олдинроқ аниқлаш ва бартараф этиш орқали ҳам давлатга, ҳам корхоналарга кўпроқ самара беради. Чунончи, ташқи холис аудиторлик текшируви натижасида солиқ тўловчилар молиявий ҳисоботлари реаллигига ижобий хулосани берилиши ва уни мажбурий тарзда давлат солиқ органларига топширилиши давлат органларини ишончли ахборот билан таъминлашнинг муҳим гарови ҳисобланади. Шу боис ҳам, холис ташқи аудит иш ҳужжатларидан, чунончи аудиторлик ҳисоботи ва хулосасидан ишончли ва кафолатли ахборот манбаси сифатида фойдаланиш мумкинлигини қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамлаш лозим, деб ҳисоблаймиз,

Иккинчидан, солиқ текширувлари турларининг предмети, методи, текширув кетма-кетлиги ва уларни ўтказиш тартибларининг бир-бирига ўхшашлиги солиқ текширувларининг барча турлари учун яхлит бўлган тартибларини махсус меъёрий ҳужжатлар билан тасдиқлашни тақоза этмоқда. Республикамизда аудиторлик фаолияти, солиқ аудитига оид амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларида, маълумки, солиқ текширувларининг яхлит услубий тартиблари келтирилмаган. Чунончи, республикамизда солиқлар ҳисоби ва аудитига оид стандартлар яратилмаган. Давлат солиқ қўмитаси (ДСҚ) томонидан тасдиқланган махсус “Солиқ аудитини ўтказиш тўғрисидаги низом”да солиқ текширувининг ушбу турини ўтказишнинг фақат ташкилий жиҳатлари белгиланган, бироқ унда ҳар бир солиқни қандай кетма-кетликда ўтказиш, текширув натижаларини ифодаловчи аудит иш ҳужжатлари, уларни тузиш, аудит текшируви тўғрисидаги далолатномада (ҳисоботда) очиқлаш тартиблари аниқ ўз ифодасини топмаган.

Учинчидан, халкаро амалиётда солиқлар ҳисоби бўйича махсус тасдиқланган МҲХСлардан фойдаланилмоқда, чунончи фойдадан солиқларни тан олиш, ҳисоб-китоб қилиш, ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш тартиблари махсус 12-сон МҲХС “Фойдадан солиқлар”да белгиланган.

Фикримизча, солиқлар ҳисоб-китоблари, уларнинг ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш тартибларини тартибга солувчи стандартларни республикамизда қабул қилиш объектив заруратдир. Бундай махсус стандартларнинг қабул қилиниши барча турдаги солиқ текширувларини профессионал даражада ўтказишга, бунда умумбелгиланган яхлит тартибларга тўлиқ амал қилишга,солиқ органлари ва аудиторлар ўртасида турли асоссиз мунозаралар вужудга келишининг олдини олишга, текширувларга ажратилган вақтдан самарали фойдаланишга, энг муҳими, пировард натижада, давлат органлари ва бошқа фойдаланувчиларни реал ахборотлар билан таъминлашга имкон беради.

Бизнинг фикримизча, тадбиркорликка кенг йўл очиш, уни ҳар томондан қўллаб қувватлаш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашмаслик ва улар устидан олиб бориладиган назоратларни қисқартириш, қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг устувор вазифалари ҳисобланган ҳозирги пайтда солиқ текширувлари барча турлари ушбу вазифаларни муваффақиятли бажарилишида ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Бунинг учун солиқ текширувлари турларининг назарий, меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий ва услубий асосларини замон талабларига мос равишда такомиллаштириб бориш объектив заруратдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон фармони

2. “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон фармони

3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сон Қонуни билан тасдиқланган.

4. Аудиторлик фаолияти тўғрисида қонун (янги таҳрири). Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда 78-II-сон Қонун билан тасдиқланган.

5. “Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида Низом”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли "Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган.

6. Солиқ аудитини ўтказиш тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси ДСҚнинг 2020 йил 18 майда 2020-17-сон қарор билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3251.

7. https://review.uz/post/rezultat-nalogovoy-politiki-v-uzbekistane-za-2020-god

S.N.Tashnazarov- SamISI professori, i.f.d.,
G.A. Djumayeva-SamISI, MA-120 guruh magistranti

KORXONALARDA PUL OQIMLARI TO'G'RISIDAGI HISOBOT VA UNI XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH

Annotatsiya: Ushbu maqolada O'zbekiston sharoitida "Pul oqimlari to'g'risidagi hisobot" shakli, xalqaro amaliyotdagi hisobot shaklidan farqli tomonlari, hisobot shaklini takomillashtirish borasida fikr yuritilgan.
Kalit so'zlar: Pul oqimlari to'g'risidagi hisobot, investor, kreditor, operatsion faoliyat, investitsion faoliyat, moliyaviy faoliyat, kirim, chiqim.

Mustaqillik yillarida iqtisodiyotning rivojlanishi xalqaro darajada globallashuvi, respublikamizga xorijiy investitsiyalar(sarmoyalar)ning kirib kelishi, xususiylashtirishning rivojlanishi, turli mulkchilik shaklidagi ya'ni aksiyadorlik jamiyatlari, ma'suliyati cheklangan jamiyatlar, xususiy korxonalar, qo'shma korxonalarning tashkil topishi buxgalteriya hisobotida va uning nazoratida me'yoriy huquqiy asoslarning yangilanishini, takomillashtirilishini talab etmoqda. Bu borada "Buxgalteriya hisobi to'g'risida"gi Qonun, "Auditorlik faoliyati to'g'risida"gi Qonun, "Aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida"gi, Soliq Kodeksi kabi me'yoriy huquqiy hujjatlarning xalqaro tajribalarga asoslanib yangi tahriri amaliyotga joriy etildi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 24-fevraldagi PQ-4611-sonli "Moliyaviy Hisobotning Xalqaro Standartlariga o'tish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" gi qaroriga muvofiq xo'jalik yurituvchi sub'yektlarda yutiladigan moliyaviy hisobot shakllarini xalqaro me'yor talablariga moslashtirish nazarda tutilgan.

Pul oqimlari to'g'risidagi hisobot" korxonalarda yuritiladigan moliyaviy hisobot shakllaridan biri hisoblanadi. Ushbu hisobot shakli boshqa hisobot shakllari bilan birgalikda korxonaning eng likvid aktivlaridagi o'zgarishlarni, uning moliyaviy tuzilmasini (jumladan, likvidlik va to'lovga layoqatliligini), korxonalarning qiyoslama baholash maqsadida kelgusi pul oqimlarining joriy qiymatini modellashtirish imkonini beradigan doimiy ravishda o'zgaruvchi tashqi va ichki omillar sharoitida pul oqimlari harakatini tartibga solish layoqatini baholash va tushunishga xizmat qiluvchi axborot taqdim etilishini ta'minlaydi.

Xalqaro buxgalterlar assotsiatsiyasi (FASV Kengashi) taqdimotiga ko'ra, "Pul mablag'larining harakati to'g'risida"gi hisobotning asosiy maqsadi kompaniyaning

barcha investorlari va kreditorlarini pul mablag'lari harakati to'g'risidagi ma'lumotlar bilan yetarli darajada ta'minlashdan iborat.

"Pul oqimlari to'g'risidagi hisobot" boshqa hisobot shakllari ya'ni buxgalteriya balansi, moliyaviy natijalar to'g'risidagi hisobot shakllariga qaraganda keyinroq vujudaga kelgan hisobot shakli hisoblanadi. Xususan, respublikamiz va MDH davlatlarida ushbu hisobot shaklini joriy etish, xo'jalik yurituvchi sub'yektlarda yuritilishi XX asrning 90-yillar boshlariga to'g'ri keladi. Shu davr ichida respublikamizda bu hisobot shakli Moliya Vazirligi tomonidan bir necha marotaba o'zgartirilib, tarkibiy jihatdan xalqaro tajribaga tayangan holda yangilanib kelinmoqda. Bundan ko'rinadiki ushbu hisobot shaklini takomillashtirish, MHXS tavsiyasiga ko'ra korxonalarning qaysi soha yoki tarmoqqa moslashganini inobatga olib hisobot shaklini ularning faoliyatidan kelib chiqib takomillashtirishni taqazo qiladi.

Pul oqimlari to'g'risidagi hisobot ma'lumotlari birdek rahbar, menejer, investorlar, aksiyadorlar va kreditorlarga korxonaning haqiqiy moliyaviy holati haqida ma'lumot beradigan hujjat hisoblanadi. Chunki korxona hisobot davrida ko'p daromad yoki foyda olishiga qaramay kreditorlari oldidagi majburiyatlarini bajara olmay qolishi mumkin, ya'ni tan olingan daromad bilan kelib tushgan pul mablag'lari o'rtasida farq mavjud bo'ladi. Ushbu hisobotda korxonaning pul oqimlari harakati hisobot davri uchun aks ettirilib, unda joriy davrda qancha pul mablag'i haqiqatda kelib tushgani va haqiqatdagi chiqimi aks ettiriladi. Korxona faoliyati ko'p jihatdan pul mablag'lari bilan bog'liq bo'lib, ularning harakati korxonaning to'lov qobiliyatiga, likvidligiga bevosita ta'sir qiladigan omillardan biri hisoblanadi. Hozirgi kunda respublikamizdagi xo'jalik yurituvchi sub'yektlar pul oqimlarini 9-son BHMS "Pul oqimi to'g'risidagi hisobot" va 7-son BHXS "Pul oqimlari to'g'risidagi hisobot" ga asosan tuzadilar va shu axborotlar asosida kelgusidagi istiqbollarini belgilashda foydalanadilar. "Pul oqimlari to'g'risidagi hisobot " da korxonaning asosan uch faoliyat turi operasion faoliyati, investitutsion faoliyati va moliyaviy faoliyatidan pul oqimlarining kirimi va chiqimi aks ettiriladi. Ushbu hisobot shakli 2 usuldan bevosita usul va yoki bilvosita usuldan birini tanlagan holda tuziladi. Hisobot shaklini tuzish, to'ldirish, rasmiylashtirish me'yoriy-huquqiy hujjatlar bilan tartibga solinadi, lekin amaliyotda ko'pgina xo'jalik yurituvchi sub'yektlar ularni shunchaki rasmiyatchilik uchun tayyorlaydi va deyarli bu hisobot ma'lumotlaridan kelgusi istiqbolli rejalar tuzishda, strategiyalarni amalga oshirishda foydalanmaydilar.

Korxonalar amaliyotida pul oqimlari to'g'risidagi hisobotni tuzishda ayrim xatoliklarga yo'l qo'yilmoqda va uning ko'rsatkichlariga alohida e'tibor berilayotganligi yo'q. Buning asosiy sabablaridan biri hisobot shaklini mukammal darajada shakllanmaganligi bilan ham bog'liqdir. «Pul oqimlari to'g'risida»gi hisobot (4-shakl) shaklini takomillashtirish yuzasidan rivojlangan mamlakatlarda qo'llanilayotgan «Pul mablag'lari harakati to'g'risida»gi hisobot shaklining tasniflanishi bilan respublikamizda amal qilib kelayotgan «Pul oqimi to'g'risida»gi hisobot shaklining tasniflanishi o'rtasida ma'lum farqlanishlar mavjud. Bunday farqlanishlardan biri respublikamizda qo'llanilayotgan hisobot shaklida «Soliqqa tortish»lar alohida bo'linma sifatida tasniflangan. Vaholanki, rivojlangan

mamlakatlarda amal qilinayotgan hisobotda «Soliqqa tortish»lar birinchi bo'linmada, ya'ni xo'jalik faoliyatida pul mablag'larining harakati deb nomlangan bo'linmada aks ettirilgan. Bizning fikrimizcha ham to'langan soliqlar xo'jalik faoliyatida pul mablag'larining harakati deb nomlangan bo'linmada aks ettirilishi maqsadga muvofiqdir. Chunki soliqlar iqtisodiy mazmuniga ko'ra ham xo'jalik faoliyatida aks ettirilishi lozimdir.

Yana bir farqlanish royalti ko'rinishidagi pul oqimi "Pul oqimi to'g'risidagi hisobot" shaklining operatsion faoliyati bo'limida aks ettirilgan, "Mahsulot(ish, xizmat)larni ishlab chiqarish va sotish xarajatlarining tarkibi hamda moliyaviy natijalarni shakllantirish tartibi to'g'risida" Nizomda esa moliyaviy faoliyat daromadlari ekanligi ko'rsatilgan. Shunday qilib, hozir mamlakatimizda korxonalari faoliyatida amal qilayotgan «Pul oqimlari to'g'risidagi hisobot»ining me'yoriy asoslarini takomillashtirish talab qilinadi. Shu bilan birgalikda ushbu hisobotni tartibga soluvchi me'yoriy hujjatlar o'rtasidagi o'zaro ziddiyatli bandlarni tuzatish talab qilinadi.

MHXS larida buxgalteriya hisobotlaridagi ma'lumotlar ochiqlanishi lozimligi ko'rsatilgan, moliyaviy hisobotdagi ko'rsatkichlar, summalarning ochiqlanishidagi ahamiyatli summa qaysi mezonlarga yoki ko'rsatkichlarga bog'liq holda ko'rsatilishi lozimligini aniqlashtirish lozim.

Shuningdek, "Pul oqimlari to'g'risidagi hisobot" ko'rsatkichlari qiyoslanuvchanligi va taqqoslanuvchanligini hisobga olgan holda ikki davrga ya'ni o'tgan yil hamda joriy(hisobot) yili uchun ko'rsatilishi lozim.

Barcha xo'jalik yurituvchi sub'yektlar tashkiliy huquqiy shaklidan qat'iy nazar pul oqimlarining haqiqiy holatini bilish, nazorat qilish, boshqarish nuqtai nazardan "Pul oqimi to'g'risidagi hisobot" shaklini ichki hujjat sifatida har chorakda tuzishib rasmiylashtirib borishi maqsadga muvofiqdir.

Shu nuqtai nazardan "Pul oqimlari to'g'risidagi hisobot" shaklini takomillashtirish hisobot ma'lumotlarining ishonchliligini, samaradorligini, pul oqimlarini mafaatli boshqarish, kelgusidagi boshqaruv qarorlarini qabul qilishdagi ahamiyatini ochib berishda muhim rol o'ynaydi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston Respublikasining "Buxgalteriya hisobi to'g'risida"gi Qonuni 2016 yil 13 aprel.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev 2020 yil 24 fevraldagi PQ-4611-sonli "Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarori
3. 9-son BHMS "Pul oqimi to'g'risidagi hisobot" O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 4.11.1998 yilda qayd etilgan, №519
4. 7-son BHXS "Pul oqimlari to'g'risidagi hisobot" 1994 yil 1 yanvardan kuchga kiritilgan.

Савдо корхоналарида молиявий ҳисоботни халқаро стандартлар асосида ташкил етиш

Пўлатов Худойберди Ўктамович

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти асситенти

Tel.: +998937279555, e-mail: pulatov.xudoyberdi@mail.ru

Аннотация: савдо корхоналарининг бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг асосий механизми ҳамда ҳозирги замон талаблари асосида методологиясини ишлаб чиқиш, ҳуқуқий манфаатларини ҳам аниқлаш йўллари аниқ формулалар орқали кўрсатиб берилган

Калит сўзлар: Савдо, механизм, инсон манфаатлари, кўрсаткичлар, маҳсус тармоғ, товар-пул муносабатлари

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида президентининг 4611-сонли қарори қабул қилинди.

Республикамизда бухгалтерия ҳисоби тизими бўйича олиб борилган ва олиб борилаётган ислоҳатлардан мақсад, биринчидан бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга мослаштириш бўлса, иккинчидан хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш учун ҳуқуқий асосни берадиган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, учинчидан эса замонавий бухгалтерия ҳисобини юритиш учун бухгалтерлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишдан иборат.

Призденимизнинг мазкур қарорига биноан, 2021 йил 1 январдан бошлаб, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари

ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишига ўтиши белгиланган

Дар ҳақиқат ҳар қандай ислоҳотнинг тўғри, ўз вақтида юритилиши кадрлар масаласига, уларнинг сифатига боғлиқ. Давлатимиз раҳбарининг қарорида МҲХС бўйича кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада энг асосийси, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчиларини 2021 йил якунига қадар бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида “МҲХС бўйича молиявий ҳисобот” фанини муваффақиятли топширганлиги тўғрисида ҳужжатга ёхуд “Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер (CIPA)”, “Сертификатланган дипломли бухгалтер (ACCA)”, “Сертификатланган жамоатчи бухгалтер (CPA)” ва “Халқаро молиявий ҳисобот бўйича диплом (DipIFR)” сертификатларидан бирига эга камида уч нафар мутахассис миқдорида МҲХСни сифатли қўллаш учун етарли бўлган бухгалтерия хизмати ходимлари билан таъминлаш масаласидир.Бу борада енг бирнчи навбатда биз нафақат бухгалтерларимзни ўқитишмиз керак балки бухгалтерларни МҲХС бўйича ўқитадиган мактабларни ташкил қилишмиз керак.Хозирги кунда Республикамизда 4 та иниститут МҲХС бўйича танлаб олинган булардан Тошкент молия иниститути,Тошкент иқтисодиёт унверстети,Самрқанд иқтисодиёт ва сервис иниститути ва Фарғона политехника иниститути. Ана шу қийин бўлсада ҳал қилувчи масала ҳал этилса, қўйилаётган вазифа сифатли бажарилади. Бундан ташқари, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича жаҳоннинг муваффақиятли тажрибаларини оммалаштириш ҳамда соҳага оид олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини босқичма-босқич халқаро аккредитациядан ўтказиш юзасидан бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга ҳам устувор вазифа сифатида қаралади

Бугунги кунда дунёдаги 45 мингдан ортиқ трансмиллий корпорациялар ва йирик компаниялар ўзларининг 250 мингдан ортиқ шўъба ва боғлиқ компаниялари билан биргаликда МҲХСларига мувофиқ молиявий ҳисоботни ихтиёрийлик асосда тузмоқдалар ва бу компаниялар учун катта имкониятларни яратмоқда. Хозирги кунда МҲХСни қабул қилган давлатлар руйхати билан танишиб чиқсак.



1-расм ***МҲХСларини қабул қилган давлатлар***

Юқорида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг тараққий этиш қонуниятларини ўрганиш асосида муҳим хулосани чиқариш мумкин, агар 1494 йили “иккиёқлама ёзув” асосида ҳисоб ғояси яратилган бўлса, 1973 йили бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари яратилиши билан молиявий ҳисоботни халқаро инграциялашуви бошланган бўлса, 2030 йилларга бориб молиявий ҳисоботнинг дунё миқёсида тўлиқ халқаро гармонизацияси ва бир хиллигига эришилади.Дар ҳақиқат дунёни шиддат билан ўзгаришни инобатга олсак савдо корхоналарни хам МҲХС ни қўллаш зомон талаби десак хам муболаға булмайди.Хозирги кунда катта-катта савдо корхоналари Республикамизда ҳам фаолият юртиб келмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори корхоналаримизнинг жаҳон бозорларида ўз ўрнига эга бўлиши учун мустаҳкам замин яратади.Таклиф: хозирги кунда бухгалтерларни мажбурий сертификатлаш тизмни жорий қилиш тезлаштирлган тартибда ва кўпроқ МҲХС бўйича ўқув курсларни ташкил қилиш.

Toshkent Moliya instituti Magistratura bo'limi Buxgalteriya hisobi yo'nalishi BH-1 guruh magistranti Qutlimuratov Oybek Shukurulla o'g'li

Tel: +99 8 99 308 79 03 Email: emitentnds@mail.ru

Raqamli iqtisodiyot sharoitida korxonalarda buxgalteriya hisobini Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida tashkil etish va joriy qilish masalalari.

Annotatsiya: Ushbu maqolada elektron iqtisodiyot va uning afzalliklari, Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tishning maqsad va vazifalari, Raqamli iqtisodiyot sharoitida korxonalarda buxgalteriya hisobini Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida tashkil etish va joriy qilish masalalari yoritilgan.

Kalit so'zlar: Raqamli iqtisodiyot, Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari, Raqamli iqtisodiyot sharoitida korxonalarda buxgalteriya hisobini Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida tashkil etish va joriy qilish.

Hozirgi kunda axborot texnologiyalari jadallik bilan rivojlanib bormoqda va shunga hamohang ravishda insonlar uchun qulay bo'lgan online xizmat turlari ham rivojlanib bormoqda. Albatta bu online xizmatlar yordamida uydan chiqmagan holda istalgan xizmatlarni izlab topish va ulardan foydalanish mumkin, bu esa pul mablag'larining tejalishi, ish unumdorligining oshishi kabi foydali jihatlari bilan namoyon bo'ladi. Ushbu online xizmatlar raqamli iqtisodiyotning kichik bir ko'rinishini tashkil etadi. Raqamli iqtisodiyot dunyo bo'ylab barcha korxona va tashkilotlar bo'ladimi, ularning tarkibiy bo'linmalari bo'ladimi, jismoniy shaxslar bo'ladimi o'z yo'nalishiga mos ravishda foydalaniladi. Raqamli iqtisodiyotga korxonalar miqyosida qaraydigan bo'lsak, raqamli iqtisodiyot sharoitida korxonalar buxgalteriya hisobini Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida tashkil etish bu avvalambor korxonalarimiz uchun dunyo bozorlariga chiqish, turli chet el mamlakatlaridan hamkorlar topish va aloqalarni yo'lga qo'yish uchun zamin yaratadi va shu bilan birgalikda ishlab chiqarish tannarxini

pasaytirish, mehnat samaradorligini oshirish, raqobatbardoshlilikning o'sishi, yangi zamonaviy kasblarning paydo bo'lishi kabi ijobiy tomonlarini keltirishimiz mumkin.

Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish bizga nima uchun kerak?

Hozirgi kunda moliyaviy hisobotning xalqaro standartlaridan dunyoning 140 dan ortiq mamlakatlari foydalanib kelmoqda. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlar korxonalar moliyaviy holatini tasniflashning standartlashtirilgan fo'rmasini tashkil etadi. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlaridan dunyoning 140 dan ziyod mamlakatlari foydalanishini inobatga oladigan bo'lsak, ushbu mamlakatlar tadbirkorlari tushunadigan tilda moliyaviy hisobotlarni yozish biz uchun ham muhim ahamiyat kasb etmay qolmaydi. Respublikamizga investitsiya kiritmoqchi bo'lgan tadbirkorlar nafaqat qonunchilik holatini, balkim mavjud korxonalarga investitsiya kiritish nuqtai nazaridan ularning moliyaviy hisobotlarini tushunishi muhimdir. Dunyo miqyosida Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tilishi barcha tadbirkorlik sub`ektlari uchunfoyda keltiradi, ayniqsa investor korxonalar hisobotlarni tahlil qilib qaysi korxonalarga yoki qaysi faoliyat turlariga investitsiya kiritishlarini aniqlab oladi. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tishdan maqsad chetdan kelayotgan investorlarga moliyalashtirish uchun qaror qabul qilishda aniq va ishonchli malumotlar bilan taminlash sanaladi.

Moliyaviy hisobotlarning to'liq to'plami quyidagilarni qamrab oladi:[6]

- davr oxiridagi moliyaviy holat to'g'risidagi hisobot;
- davr uchun foyda yoki zarar va boshqa umumlashgan daromad to'g'risidagi hisobot;
- davr uchun kapitaldagi o'zgarishlar to'g'risidagi hisobot;
- davr uchun pul oqimlari to'g'risidagi hisobot;
- izohlar, ya'ni muhim hisob siyosatlarining va boshqa tushuntirish
- ma'lumotlarining qisqa bayonini qamrab olgan izohlar;
- oldingi davr boshiga moliyaviy holat to'g'risidagi hisobot, qachonki xo'jalik sub'ekti hisob siyosatini retrospektiv tarzda qo'llasa, yoki o'zining moliyaviy hisobotlaridagi moddalarni retrospektiv tarzda qayta hisoblashni amalga oshirsa o'zining moliyaviy hisobotlaridagi moddalarni qayta tasniflasa[7].

Respublikamizning investitsion jozibadorligini oshirish, xorijiy investorlarni zarur axborot muhiti bilan ta`minlash va xalqaro moliya bozorlariga kirish imkoniyatini kengaytirish maqsadida 2020 yil 24 fevralda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" gi PQ-4611-sonli qarori qabul qilindi. Mazkur qaror bilan aksiyadorlik jamiyatlari, tijorat banklari, sug'urta tashkilotlari va yirik soliq to'lovchilar toifasiga kiritilgan yuridik shaxslar 2021-yil

[6] Norbekov D.I, Ochilov I.K "Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari" fanidan O'quv-uslubiy majmua, Toshkent-2019, 29-bet

[7] M.Bonham and others.Generally accepted Accounting practice under IFRS. Ernst & Young LLP, United States, 2010.- part 1.p.167-168.

1-yanvardan boshlab, MHXS asosida buxgalteriya hisobi yuritilishini tashkil etadi va 2021-yil yakunlaridan boshlab moliyaviy hisobotni MHXS asosida tayyorlashi belgilab qo'yildi. Shuningdek ushbu qaror bilan 2021 yil yakuniga qadar MHXS bo'yicha sertificatga ega bo'lgan (CIPA, ACCA, SRA, DipIFR) yetrlicha kadrlar tayyorlash topshirig'i ham berildi.

Oliy ta'lim muassasalarining pedagog kadrlari ("Buxgalteriya hisobi" va "Audit" fanlari bo'yicha), talabalari va bitiruvchilari (o'qishni tugatgandan so'ng olti oy ichida) hamda davlat organlarining xodimlarini o'qitish xarajatlari o'quv kursini muvaffaqiyatli yakunlagan taqdirda O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi tomonidan akkreditatsiyadan o'tgan o'quv markazlari birgalikda belgilangan o'qitishning yagona qiymati bo'yicha akkreditatsiyadan o'tgan o'quv markazlariga qoplab beriladi;

Oliy ta'lim muassasalarining "Buxgalteriya hisobi" va "Audit" fanlari bo'yicha pedagog kadrlari, talabalari va bitiruvchilari (o'qishni tugatgandan so'ng olti oy ichida) hamda davlat organlari xodimlarining har biriga alohida quyidagi xarajatlar qoplab beriladi:[8]

- dastlabki ro'yxatdan o'tish xarajatlari — to'liq hajmda;
- imtihon topshirish uchun birinchi marta ro'yxatdan o'tish xarajatlari — ro'yxatdan o'tish summasining 50 foizi miqdorida imtihon topshirgunga qadar, ro'yxatdan o'tish summasining qolgan 50 foizi — imtihonni muvaffaqiyatli topshirgan taqdirda;
- imtihon topshirish uchun ikkinchi marta ro'yxatdan o'tish xarajatlari — ro'yxatdan o'tish summasining 50 foizi miqdorida imtihonni muvaffaqiyatli topshirgan taqdirda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" 2020-yil 24-fevraldagi PQ-4611-son qarori ijrosini ta'minlash maqsadida O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari bo'yicha o'qitish va buxgaltyerlarni xalqaro sertifikatlash doirasida imtihonlarni topshirish xarajatlarini qoplash tartibi to'g'risidagi vaqtinchalik nizomni tasdiqlash haqida"gi 38-sonli Qarori qabul qilingan. Ushbu qaror bilan Moliyaviy hisobotning xalqaro standarti bo'yicha o'qish va imtixonlarini topshirish xarajatlarini qoplash tartibi belgilangan.

Hozirgi kunda moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tishda mavjud muammolar jumlasiga Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari bo'yicha o'zbek tilida adabiyotlarning yo'qligi va Respublikamiz tadbirkorlari moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tishga tayyorlik darajasini keltirish mumkin. Lekin tahlil qilib ko'radigan bo'lsak Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlarini o'qitish bo'yicha sertsifikatsiyadan o'tgan o'quv tashkilotlarining materiallari va Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlarining o'zbek tiliga tarjimalaridan foydalanib ushbu muammolarni bartaraf qilish mumkin. Respublikamiz tadbirkorlari moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tishga tayyorlik

[8] 2020 yil 24 fevralda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" gi PQ-4611-sonli qarori

darajasi bu moliyaviy hisobotning xalqaro standartlarini to'liq tushunib yetgan malakali kadrlar yetishmovchiligi va ushbu sohada amaliyot tajribaga ega kadrlarning yo'qligidir. Bu muammolarning yechimi sifatida Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlarini o'qitadigan o'quv tashkilotlarining tashkil etilishi va ushbu o'qish va imtixon topshirish bilan bog'liq xarajatlarning davlat byudjeti mablag'lari hisobidan qoplab berilayotganligini keltirishimiz mumkin. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tishning yana bir foydali jihatlaridan biri bu strategic ahamiyatga ega bo'lgan bog'inlarda anchadan buyon ishlab kelayotgan, o'z ustida ishlamaydigan (robot) buxgalterlar bilim olishlariga yani moliyaviy hisobotning xalqaro standartlarini o'rganishi yoki yosh kadrlarga o'z o'rnini bo'shatib berishiga to'g'ri keladi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki raqamli iqtisodiyot sharoitida korxonalarda buxgalteriya hisobini Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida tashkil etish bu korxonalar uchun eksport-import operatsiyalarining rivojlanishiga, chet el investitsiyalarining kirib kelishining jadallashishiga, korxonalar raqobatbardoshliligiga, tannarxning pasayishiga va savdo-sotiq , xizmat ko'rsatish sohalarining rivojlanishiga katta tasir o'tkazadi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 24 fevraldagi "Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" gi PQ-4611-sonli qarori qabul qilindi va unga asosan aksiyadorlik jamiyatlari, tijorat banklari, sug'urta tashkilotlari va yirik soliq to'lovchilar toifasiga kiritilgan yuridik shaxslar 2021-yil 1-yanvardan boshlab, Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida buxgalteriya hisobi yuritilishini tashkil etadi va 2021-yil yakunlaridan boshlab moliyaviy hisobotni Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida tayyorlashi belgilab qo'yildi. O'zaro aloqalar o'rnatish uchun albatta iqtisodiy til bu moliyaviy hisobotlar hisoblanganligi uchun ham kichik biznes sub`ektlari ham o'zlari rivojlanishi va investitsiya jalb qilishlari, dunyo bozorlarida munosib o'rinlarni egallashlari uchun ham xalqaro standartlarni qo'llagan holda buxgalteriya hisobini yuritishi va moliyaviy hisobotlarni tuzishi bu albatta tadbirkorlik sub`ektlarining rivojlanishiga, bizneslarining kengayishiga zamin yaratadi.

MAMLAKATIMIZ IQTISODIYOTIDA BUXGALTERIYA HISOBINING O'RNI VA AHAMIYATI

SamISI "Buxgalteriya hisobi va audit" kafedrasi
BH-121 guruh talabasi Turg'unova R.

Hisobning paydo bo'lishi bevosita kishilik jamiyatining vujudga kelishi bilan bog'liq. Tarixiy ma'lumotlarga ko'ra, ibtidoiy jamoa tuzumi davrida hisobdan foydalanishgan. Qabila boshlig'i o'z qabilasini saqlab qolish uchun qaysi fasl qachon keladi, qabilasida qancha odam bor, ular uchun qancha oziq-ovqat to'plash kerak kabi hisob kitoblarni amalga oshirgan. Dastlab ular hisoblash uchun barmoqlardan foydalanishgan. Hozirga kelib esa inson tafakkuri mukammallashib borib, turli xildagi takomillashgan hisob-kitob uskuna (kalkulyator) larni yaratishmoqda. Bu esa bizga kerak bo'lgan hisobning natijasini qiyinchiliksiz, to'g'ri va tezda amalga oshishiga yordam beradi. Buxgalteriya esa bizga qabiladan kattaroq bo'lgan korxona (banklar, soliqlar, moliyalar, firmalar, budjed tashkilotlar va boshqa) larning katta- katta bo'lgan hisobotlarini o'zining schyotlari va formulalari yordamida oson va tez, tushinishga qulay tarzda to'g'ri va aniq bo'lgan ma'lumotlarni yaratishimizda yordam beradi.

Buxgalteriya hisobi-ichki boshqarish va tashqi iste'molchilarning maqsadlari uchun joriy va yakuniy axborotni olish bilan korxonalar, tashkilotlar va muassasalarning xo'jalik faoliyati ustidan uzliksiz va o'zaro bog'liq bo'lgan kuzatish va nazorat qilish tizimidan iborat. Dastlab buxgalteriya hisobiga buxgalteriyaning bajaradigan vazifalari asosida baho berish odat bo'lgan. Jamiyatning rivojlanib borishi bilan hisob ham, shu bilan birgalikda buxgalteriya ham takomillashib borgan. 1941 yilda Amerika buxgalterlar uyishmasi (American institute of sertified Accountants) tomonidan "Hisob moliyaviy xususiyatga ega voqea, hodisa va jarayonlarni tasniflash, registlar va schyotlarda pul birligini qayd etish hamda natijalarni yozuv bilan ifodalash bilan bog'liq san'atdir" degan ta'rif berilgan. Bozor iqtisodiyoti sharoitida raqobatning rivojlanishi buxgalterdan hisob ishlarini yuritish bilan birga ichki- tashqi foydalanuvchilarga axborot yetkazib berish, rejalashtirish, tahlil qilish va faoliyat natijalari bo'yicha xulosa qilish kabi vazifalarni ham bajarishni talab etmoqda.

Amerikalik olimlar B.Nidiz, H.Adereson va D. Kolduyellar buxgalteriya hisobi xo'jalik faoliyati va boshqaruv qarorlari qabul qiluvchilarini o'zaro bog'lovchi bo'g'in deb xulosa qiladi.

Buxgalteriya hisobi yordamida mamlakatning xo'jalikda mavjud bo'lgan har xil turdagi moddiy qiymatliklar va pul mablag'larining miqdori, boshqa korxona va tashkilotlar bilan hisob-kitoblar holati, undagi boshqa resurslarning umumiy hajmi haqida ma'lumotlar olinadi, tayyorlangan materiallar, ishlab chiqarilgan va sotilgan mahsulot hajmi hamda tannarxi aniqlanadi, foyda yoki zarar hisoblab chiqiladi, korxonaning rentabelligi hamda korxona va

ularning tarkibiy qisimlarining boshqa qator ko'rsatkichlari hisoblab aniqlanadi.

Buxgalteriya hisobi korxonalar faoliyatini o'rganib, unda sodir bo'lgan jarayonlar hisobini yuritar ekan, demak, buxgalteriya hisobining obyektlari aktivlar, majburiyatlar, xususiy kapital, zahiralar, daromadlar, xarajatlar, foyda, zararlar va ular harakati bilan bog'liq xo'jalik jarayonlari hisoblanadi.

Mamlakatimizda buxgalteriya sohasini xalqaro standartlarga o'tkazish maqsadida 2020- yil 24- fevraldagi Prezidentimizning " Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish bo'yicha qo'shimcha chora- tadbirlar to'g'risida" gi qarori qabul qilindi. Bunga ko'ra 2021-yil 1- yanvaridan boshlab, MHXS asosida buxgalteriya hisobi yuritilishini tashkil etish va 2021- yil yakunlaridan boshlab moliyaviy hisobotni MHXS asosida tayyorlash kerak ekanligi va buning uchun tezda Oliy ta'lim muassasalarga " Buxgalteriya hisobi va Audit " yo'nalishlari bo'yicha yetuk va malakali kadrlar tayyorlash vazifalari yuklatilgan. Va bu qarorga asosan buxgalterlar ACCA, CIPA, CPA, va DipIFR xalqaro sertifikatlarni olish zarur deb belgilangan. Hozirda yosh buxgalterlarning asosiy maqsadi ACCA sertikatidir. ACCA- bu buxgalterlar olishi kerak bo'lgan asosiy sertifikat hisoblanib, buni olgan buxgalter buxgalteriyadagi xalqaro standartlarni to'liq biladi deb hisoblanadi. Bu sertifikatni qo'lga kiritish anchagina mashaqqatli ish hisoblanadi.

Ko'proq buxgalterlar sertifikatga erishishi uchun barcha Oliy ta'lim muassalaridagi "Buxgalteriya hisobi va Audit" yo'nalishi bo'yicha o'quv dasturlar qayta ko'rib chiqilib, ACCA imtihonida bor bo'lgan o'quv dasturlar (F1,F2,F3, … F9 larni,) fan sifatida kiritilishi va malakali o'qituvchilar tomonidan o'qitilishi samarali natijasini beradi. Va shunga javoban biz talabalar ham dangasalikni yig'ishtirgan holda ko'proq izlanib barcha xalqaro sertifikatlarni qo'lga kiritishga kuchliroq harakat qilishimiz ham kerak.

Ю.Ш.Рахманова – СамИСИ ўқитувчиси

БУХГАЛТЕРЯ ҲИСОБИНИНГ ХАЛКАРО СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА ПУЛ ОҚИМИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТНИ ТУЗИШ

Аннотация: Мақолада пул оқими тўғрисидаги ҳисоботни БҲХС асосида тузиш ва уни такомиллаштириш масалалари татқиқ этилган ва татқиқот натижалари бўйича хулосалар берилган.

Калит сўзлар: миллий стандарт, пул оқими, хўжалик юритувчи субъект, пул маблағлари, пул эквивалентлари, инвестиция фаолияти, молиявий фаолият.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришлар бухгалтерия соҳасини ҳам ривожланишига катта замин яратмоқда. Бухгалтерия ҳисобини ҳалқаро стандартлар асосида ташкил этиш бугунги кундаги асосий муоммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Молиявий ҳисоботларни ҳалқаро стандартлар асосида тузиш уларни эълон қилиш мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот молиявий ҳисоботлар асосий шаклларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ушбу стандартнинг мақсади хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари бўйича мажбурий равишда ахборот тақдим этишини белгилаб қўйишдан иборат. Бу ахборот пул маблағлари оқими тўғрисидаги ҳисобот кўринишида бўлиб, унда ҳисобот даврида операцион, инвестиция ва молия фаолиятларида юз берувчи пул оқимлари ҳаракати тасниф этилади.” – деб белгиланган.



1-расм. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот бўлимлари.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, пул оқими ҳисоботи молиявий ҳисоботнинг умумлашган даромад, молиявий ҳолат ва капиталдаги

ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботлар қаторидаги асосий ҳисоботларидан бири ҳисобланади.

У ҳисобот даврида пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари таркибидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни, ҳисобот давридаги пул оқимларини операцион, инвестиция ва молиявий фаолиятлар бўйича таснифлаш орқали ёритиб беради.

Пул оқими хисоботлари ва уларни таҳлил қилиш жараёнида пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари ҳам муҳим аҳамият касб этиб, ушбу тушунчага бухгалтерия хисоби халқаро стандартида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган.

Жумладан, 7-сон бухгалтерия хисоби халқаро стандартининг 6-бандида пул маблағларини "нақд пул ва талаб қилиб олгунча депозитлар", пул маблағларининг эквиваленти эса "қисқа муддатли, белгиланган суммадаги пул маблағларига осон айлантириладиган ва қийматининг ўзгариши жиҳатидан аҳамиятсиз даражадаги рискка эга бўлган юқори ликвидли инвестициялар" - деб таърифланган.

Демак, пул маблағлари эквивалентининг сўндириш муддати 3 ойдан кам бўлиши керак. Бу ҳисобот кунидан бошлаб 3 ой эмас, балки шартнома ёки харид кунидан бошлаб инвестициянинг умумий муддатидир. Шунинг учун, агар ташкилотнинг 6 ойлик омонатга инвестицияси бўлса, бу пул маблағларининг эквиваленти сифатида таснифланмайди.

Пул маблағларининг эквивалентлари банкдаги омонатлар, депозит сертификатлари, пул бозоридаги молиявий инструментлар, корпоратив облигациялар, давлат облигациялари, евробондлар, банк овердрафтларини ўз ичига олиши мумкин.

Пул оқими хисоботи ва таҳлили йўналиши бўйича дунё бўйича жуда кўп олимлар турли хилдаги изланишлар ўтказишган.

Хусусан, рус олимлари Л.В.Панферова ва Н.В.Петухова томонидан эълон қилинган “Пул оқими тўғрисидаги хисобот бухгалтерия – молия хисоботининг асосий кўриниши сифатида” номли мақоласида пул оқими хисоботи тушунчаси АҚШда 1863 йилда “Dowlais Ironworks” компанияси бухгалтери томонидан компаниянинг қўшимча даромад манбаларини топиш учун яратилганлиги ҳамда ҳозирги кўринишда 1988 йилда ишлаб чиқилганлиги, шунингдек, пул оқими тўғрисидаги хисобот “MSFO-7” бухгалтерия тизими билан хамкорликда амалга оширилиши кўрсатилган.

Ташкилот пул оқими тўғрисидаги ҳисоботида “Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари” таркибига банк овердрафтдаги кредит балансни қўшса ҳам, одатда уни молиявий ҳисоботдаги “Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари” қаторига кирита олмайди. Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда банкнинг овердрафт суммаси жорий мажбуриятлар сифатида кўрсатилиши керак. Бундай ҳолатни ташкилот молиявий ҳисоботга изоҳларда ёритиб бериши керак.

Инвестицияларни (масалан, бондлар, облигациялар, депозит сертификатлари) пул маблағлари эквиваленти сифатида кўрсатиш учун, бу инвестицияларни ташкилот истаган вақтда аҳамиятли жаримасиз (масалан,

эрта ёки муддатидан олдин сўндириш учун олинадиган жарималар каби) пул маблағларига айлантира олиши мумкин бўлиши керак.

Агар ташкилотнинг қисқа муддатли омонати катта кредит-рискка (яъни контрагент мажбуриятини ёпа олмаслик рискига) дучор қилса, ушбу омонатни пул маблағлари эквиваленти ичига қўшиб бўлмайди.

Стандартнинг 7-бандида ҳеч қандай инвестициялар (капиталга, акцияларга, уставдаги улушга эга бўлганда) пул эквиваленти сифатида таснифланмаслиги таъкидланган. Бунинг сабаби шундаки, уларда одатда қиймат ўзгариши риски юқори.

Юқорида айтиб ўтилганидек, пул оқими тўғрисидаги ҳисобот - ташкилотнинг ҳисобот даври давомида пул оқимини кўрсатадиган ва тушунтирадиган жадвалдир. Ушбу жадвални операцион фаолият, инвестиция фаолияти, молиявий фаолият каби учта тоифадаги пул оқимларига бўлиш керак:

Операцион фаолиятдан келадиган пул оқимларига 7-сон БҲХС, 6-банди операцион фаолиятни "ташкилотнинг асосий даромад келтирувчи фаолияти, ҳамда инвестиция фаолияти ва молиявий фаолиятдан ташқари бошқа фаолият турлари" деб таърифлайди.

Операцион фаолиятдан олинган пул оқими қуйидаги маълумотни бериши мумкин:

Агар операцион фаолиятнинг пул оқимлари ижобий бўлса, бу ташкилот ўзининг операцион фаолиятини сақлаб туриши ва ҳаттоки инвестиция фаолияти (асосий воситалар сотиб олиш, облигацияларга инвестиция киритиш) ёки молиявий фаолият (дивиденд тўлаш, кредитларни тўлаш) учун зарур пул маблағларини ажрата олиши мумкинлигини билдиради.

Агар операцион фаолиятнинг пул оқимлари салбий бўлса, бу ташкилот операцион фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун инвестиция фаолиятидан (масалан, инвестициялардан тушган дивиденд даромадлари, инвестицияларни сотиш) ёки молиявий фаолиятдан (масалан, кредит олиш) қўшимча пул маблағлари талаб қилиниши кераклигини англатиши мумкин.

Операцион фаолиятнинг пул оқимлари тўғридан-тўғри (бевосита) ёки билвосита усул ёрдамида тайёрланиши мумкин. Ҳисобот қай усулда тайёрланган бўлишига қатъи назар, ҳар бир сарлавҳа остида (операцион, инвестицион, молиялаштириш) кўрсатилган жами суммаларга таъсир кўрсатмаслиги керак.

7-сон БҲХС 6-банди инвестиция фаолиятини "узоқ муддатли активларнинг ва пул маблағлари эквивалентларига кирмайдиган бошқа инвестицияларнинг харид қилиниши ва ҳисобдан чиқарилиши" деб белгилайди.

Инвестиция фаолиятига асосий воситалар, номоддий активлар ва инвестиция объектларини ҳарид қилиш учун тўловлар, асосий воситалар, номоддий активлар ва инвестиция объектларини сотишдан тушган пул оқими, бошқа ташкилотларнинг улушига бўлган ёки облигациялар, бондларни ҳарид қилиш учун тўловлар, бошқа ташкилотларнинг улушига бўлган инвестицияларни ёки облигациялар,бондларни сотишдан келиб

тушадиган маблағлар, инвестициялардан олинган дивидендлар, шўъба корхона ҳарид қилиш учун бўлган соф тўловлар, шўъба корхона сотилгандан келган соф тушум каби қуйидаги пул оқимлари киради.

Тадқиқот давомида олиб борилган ўрганишлар мамлактимизда ҳозирда пул оқими тўғрисидаги хисоботнинг миллий тизими асосан халқарор стандарларга суяниб қолганлигини ҳамда пул оқими тўғрисидаги хисобот юқорида келтирилган 1998 йилдаги миллий стандарт асосида олиб борилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Шу сабабли, миллий тизимни такомиллаштириш ҳамда ушбу жараёнга замонавий технология ютуқларини жорий қилиш орқали замонавийлаштиришимиз лозим.

Бундан ташқари, бугунги кунга келиб бухгалтерия хисоби миллий стандартларини ишлаб чиқиш жараёнида “MSFO-7” тизими хисобга олинмасдан ишлаб чиқилган ҳамда бугунги кунга келиб Республикамизда ушбу тизим бўйича мукаммал билим ва кўникмага эга бўлган мутахассислар етишмовчилиги кузатилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, пул оқимлари тўғрисидаги хисобот ўз ўрнида ҳамда тўғри тузилган тақдирда ҳисоботдан фойдаланувчилар учун корхонанинг пул оқимлари бўйича қабул қиладиган қарорларини тўғри қабул қилишига асос бўлиб ҳисобланади.

Амиров Асқар Актамович – ТДИУ
“Молиявий таҳлил ва аудит”
кафедраси мустақил изланувчиси

Хўжалик юритувчи субъектларда мажбуриятлар ҳисобининг меъёрий-ҳуқуқий асослари

Аннотация. Хўжалик юритувчи субъектларда мажбуриятлар ҳисобининг меъёрий-ҳуқуқий асослари асосида ташкил этилиши очиб берилган.

Калит сўзлар: мажбуриятлар, қисқа муддатли мажбуриятлар, узоқ муддатли мажбуриятлар, мажбериятлар хисоби, мажбуриятларни туркумлаш.

Бугунги кунда корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини пасайтириш, шунингдек, молиявий натижаларнинг ижобий бўлиши кўп жиҳатдан мол етказиб берувчилардан сотиб олинаётган материалларнинг таннархи билан боғлиқ. Шунингдек, мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларни тўғри юритиш корхона молиявий ҳолатини яхши бўлишини таъминловчи асосий омиллардан биридир. Ҳисоб ва назорат тизимини тўғри ташкил қилиш республикада фаолият юритаётган барча соҳа корхоналари учун алоҳида долзарб масаладир.

Мамалакатимиз шароб ишлаб чиқарувчи корхоналарида ҳам ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Натижада бу корхоналарнинг ички ва ташқи ҳисоб-китоб тизмилари, жумладан мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларни ҳам халқаро амалиёт даражасига етказиш зарурати юзага келмоқда. Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларнинг ҳозирги ҳолати барча корхоналарда ҳам яхши деб бўлмайди.

Корхоналарнинг молиявий – хўжалик фаолиятини тартибга солиш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш учун маблағларни айланиш жараёнидан чиқармасликка харакат қилиш лозим. Бунинг учун корхонада мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларни ўз вақтида, тўлиқ амалга ошириб бориш керак. Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисобининг назарий асосларини ўрганиш учун миллий амалиётда мажбуриятлар ҳисобининг назарий асосларидан фойдаланилади. Шунинг учун мавзудан четга чиқмаган ҳолда аввало корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш тартиби кейин мажбуриятларни ҳисобга олиш ҳолати ва шу асосида мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларнинг ҳуқуқий ва меъёрий тартибга солиниши кўриб чиқамиз.

Корхона фаолияти натижасида юзага келаётган мажбуриятларни уларнинг якуний молиявий натижаларига жиддий таъсир этишини эътиборга олиб мажбуриятлар ҳисобини тўғри ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг назарий, услубий ҳамда ҳуқуқий асослари бўлиб, ҳисоб соҳасига оид

қонуний меъёрий ҳужжатлар, йўриқномалар, тармоққа оид ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС), корхонада амал қилинадиган ҳужжатлар ҳисобланади.

Корхоналарда мажбуриятлар ҳисобини тўғри ташкил қилиш учун қуйидаги ҳолатларга эътибор бериш лозим:

- мажбуриятларни турли белгиларга кўра туркумланишини амалга ошириш;
- мажбуриятларни асосли тарзда баҳоланишини таъминлаш;
- мажбуриятларни бир тоифадан иккинчисига ўз вақтида ўтказилишини назоратга олиш;
- мажбуриятларни тоифалари (жорий ва узоқ муддатли), ҳамда юзага келиш муддатлари (тўлов муддати етиб келмаган ва тўлов муддати ўтиб кетган) бўйича молиявий ҳисоботда аниқ кўрсатилишини таъминлаш;
- муддати ўтиб кетган ва шартли мажбуриятлар бўйича маълумотларни асосли ёритиб беришларни таъминлаш[9].

М.М.Тўлахўжаева бошчилигидаги муаллифлар «Молиявий ҳисоботларнинг ҳалқаро стандартлари” га асосланиб «жорий мажбуриятлар – баланс ҳисоботи санасидан бошлаб бир йил давомида ёки унинг муддати бир йилдан кўп бўлганда оддий муомала жараёнида тўланадиган суммалар»[10] деб таъриф беришган.

Бизнинг фикримизча жорий мажбуриятлар – бу, корхонани у билан иқтисодий алоқа қилаётган хўжалик юритувчи субьектларга бир йил давомида тўланиши лозим бўлган кредиторлик қарзларидир. Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар ҳам корхонада жорий мажбуриятнинг бир кўриниши сифатида қаралади.

Счётлар режасида жорий мажбуриятларни ҳисобга олиш учун 6010 дан 6990 гача бўлган счётлар ажратилган. Корхоналарда жорий мажбуриятларнинг асосий турлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

-мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар–жорий қисми;

-корхонанинг алоҳида фаолият кўрсатувчи бўлинмаларига тўланадиган счётларнинг жорий қисми;

-муддати узайтирилган даромадлар;

-қисқа муддатли облигациялар;

-пул маблағлари ва мулк шаклида тўланадиган дивидендлар;

-харажатлар билан боғлиқ ҳисобланган мажбуриятлар;

-олинган бўнаклар ва қайтариладиган депозитлар;

[9] С. Махмудов “Акциядорлик корхоналарида мажбуриятлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш” диссертация автореферати Тошкент – 2006 й. 12 б.

[10] Тўлахўжаева М.М. ва бошқ. Молиявий ҳисоб. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Бизнес Фанлар ўқитувчилр Ассоциацияси. 2001. 146 б.

-келгуси давр даромадлари (хизмат кўрсатишдан олдин бўнак тариқасида олинган пул маблағлари, масалан, бўнак тариқасида олинган ижара тўлови);

-тўланадиган солиқлар ва мажбурий ажратмалар (турлари бўйича);

-банкнинг қисқа муддатли кредитлари;

-қисқа муддатли қарз мажбуриятлари;

-кафолат мажбуриятлари;

-иш ҳақи, таътил ва байрам кунлари тўловлари бўйича мажбуриятлар;

-шартли мажбуриятлар;

-узоқ муддатли қарз мажбуриятларининг жорий қисми;

-тўлаш муддати белгиланмаган (талаб қилиб олингунча) мажбуриятлар.

Жорий мажбуриятларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга ва корхона фаолияти учун ўта зарурдир.

Корхоналарда жорий мажбуриятлардан ташқари узоқ муддатли мажбуриятларни ҳисобга олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва бухгалтерия ҳисоби ҳамда молиявий ҳисоботларни тартибга солишга мўлжалланган бошқа меъёрий ҳужжатлар узоқ муддатли мажбуриятлар ҳисобини тўғри ва аниқ юритишини талаб қилади.

Б.Нидлз, Х.Андерсон, Д.Колдуэлларни фикрича, «узоқ муддатли мажбуриятлар корхонанинг фаолиятида муҳим молиявий манба – узоқ муддатли қарзлар, облигация ва вексел кўринишидаги мажбуриятлардир»[11].

В.Ф.Палий ва В.В.Палийларни таъкидлашича, «узоқ муддатли мажбуриятлар – бу корхона томонидан узоқ муддатга олинган (бир йилдан ортиқ) қарзлардир»[12].

О.Б.Бобожонов ва К.Ж.Жуманиёзовлар томонидан, «узоқ муддатли мажбуриятлар дебиторнинг (қарз берувчининг) ҳақиқий баланс санасидан ёки унинг фаолияти қисмидан бир йилдан ошиқ муддатда тўланиши мумкин бўлган қарзлардир»[13] деб талқин қилинмоқда.

Бизнинг фикримизча, узоқ муддатли мажбуриятлар – корхонанинг у билан иқтисодий алоқа қилаётган хўжалик юритувчи субъектларга бир йилдан ортиқ муддат давомида тўланиши лозим бўлган кредиторлик қарзларидир.

Счётлар режасида узоқ муддатли мажбуриятларни ҳисобга олиш учун 7010 дан 7990 гача бўлган счётлар ажратилган. Узоқ муддатли мажбуриятларнинг ҳисоби жорий мажбуриятлар ҳисобига ўхшаш бўлгани билан, унинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу хусусиятлар узоқ муддатли мажбуриятлар ҳисобини ташкил қилиш жараёнига баҳолаш ва ўлчаш тамойилларини қўллашда намоён бўлади.

---

[11] Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Д. Принципы бухгалтерского учета. – М.: Финансы и статистика, 2003. 301 б.

[12] Палий В.Ф., Палий В.В. Финансовый учет. – М.: ИД ФБК-ПРЕСС, 2001. – 26 б.

[13] Бобожонов О.Б., Жуманиёзов К.Ж.. Молиявий ҳисоб. – Т.: Молия, 2002. – 334 б.

Мажбуриятларни ҳисобга олишнинг иккинчи йўналиши ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра мажбуриятларни банк кредитлари ва қарзларга бўлиш орқали ҳисобга олиш амалга оширилади.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари мавжуд ҳисобот шаклларидан англаб олиш қийин бўлган ва акционерлар томонидан қарорлар қабул қилишда аҳамият касб этадиган маълумотларни молиявий ҳисоботда ёритиб беришни талаб қилади. Бу ҳолат мажбуриятлар ҳисобига ҳам тегишли. Шунинг учун бухгалтерия ходимларига мажбуриятларга ва айниқса шартли мажбуриятларга тегишли бўлган ҳамда эътибор беришни талаб қиладиган маълумотларни молиявий ҳисоботда ёритиб бериш вазифаси юклатилган.

Умуман олганда, мажбуриятларни ҳисобга олишнинг услубий ва ҳуқуқий асослари тўла шакллантирилган. Корхоналарда эса шу услубий асос бўйича мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоблашишларни тўғри ва ўз вақтида ҳисобга олиш зарур бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. С. Махмудов “Акциядорлик корхоналарида мажбуриятлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш” диссертация автореферати Тошкент – 2006 й. 12 б.
2. Шаулов Д.И., Кан У.Т. Корхоналарда бухгалтерия ҳисоби. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2001. 344 б.
3. Тўлахўжаева М.М. ва бошқ. Молиявий ҳисоб. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Бизнес Фанлар Ўқитувчилар Ассоциацияси. 2001. 146 б.
4. Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Д. Принципы бухгалтерского учета. – М.: Финансы и статистика, 2003. 301 б.
5. Палий В.Ф., Палий В.В. Финансовый учет. – М.: ИД ФБК-ПРЕСС, 2001. – 26 б.
6. Бобожонов О.Б., Жуманиёзов К.Ж.. Молиявий ҳисоб. – Т.: Молия, 2002. – 334 б.

УМУМЛАШГАН ДАРОМАДЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ ТАРКИБИ ВА ТУЗИЛИШИ

Рафеев Даврон Рафеевич
Доцент, и.ф.н., СамИСИ
Ахмедов Миржалол Абдусамад уғли
Магистрант, СамИСИ

Аннотация: *Мазкур мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро мезонлари асосида умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботни тузиш зарурияти ва уларнинг мазмуни баён этилган. Бу борадаги халқаро тажриба ўрганилиб, зарур таклиф ва тавсиялар берилган.*

Калит сўзлар: *Молиявий ҳисобот, ҳалқаро стандарт, инвестор, фойда ва зарар, бошқа тўплам даромад.*

Аннотация: *В данной статье разъясняется необходимость и содержание отчета о консолидированном доходе на основе международных критериев финансовой отчетности в экономике Узбекистана. Изучен международный опыт в этой области, даны необходимые предложения и рекомендации.*

Ключевые слова: *Финансовая отчетность, Международный стандарт, инвестор, прибыль и убыток, Прочий Совокупный доход.*

Abstract: *In this article, the need and the content of the report on the consolidated income based on the international criteria of the financial report in the economy of Uzbekistan are explained. International experience in this area has been studied and the necessary proposals and recommendations have been given..*

Key words: *Financial statements, International Standard, investor, Profit and loss, Other Comprehensive Income.*

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек мамлакатимиз иқтисодиётини жаҳоннинг ривожланган давлатлари амалиётида кенг қўлланилаётган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш, инвестицион жозибадорликни ошириш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бугунги кунда асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади.[14]

Халқаро молиявий ҳисобот деганда, МҲХС ёки АҚШнинг GAAP стандартларига мувофиқ ҳолда тузилган молиявий ҳисоботга айтилади. Ушбу икки турдаги стандарт дунёдаги барча фонд биржалари учун молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш қоидаларини тартибга солади ва шу биржалар томонидан тан олинади.

[14]Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. ПҚ-4611-сон 24.02.2020. www.lex. uz/docs/4746047 96 97

Халқаро молиявий ҳисоботнинг тўлиқ комплекти қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топади:

a) Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот;

b) фойда ва зарарлар ҳамда бошқа тўплам даромадлар тўғрисидаги ҳисобот;

d) хусусий капиталнинг ўзгариши тўғрисидаги ҳисобот;

e) пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот;

f) ҳисоб сиёсати ва ҳисоботга (тушунтиришлар) очиқлашлар

МҲХСлар асосида тузилган молиявий ҳисоботлар инвестицион муҳитни яхшилайди. Мамлакатга йирик компаниялар томонидан инвестицияларнинг кириб келишига имконият яратади.

Ҳар бир инвестор қайси соҳага инвиститсия киритмоқчи бўлса, ўша соҳанинг молиявий фаолият натижаси билан қизиқади. Чунки, инвесторнинг асосий мақсади фойда олиш бўлса, ҳўжалик юритувчи субьектнинг фаолияти натижаси доимо фойда ёки зарар билан тугайди.

Шу сабабли ҳам умумлашган даромадлар (молиявий натижалар) тўғрисидаги ҳисобот муҳим бўлган ҳисоботлардан саналади.

Фойда - бу хўжалик субъектига таъсир этадиган асосий ва асосий бўлмаган фаолият, ҳодисалар шароитлар натижасида капиталнинг кўпайиши бўлиб, хусусий капиталга тўланадиган капитал бундан мустаснодир.

Зарарлар - бу асосий фаолият ва барча хўжалик муомалалари, ҳодисалар, шароитлар натижасида хусусий капиталнинг камайиши бўлиб, ҳаражатлар èки хусусий капиталнинг тақсимланиши натижасидаги камайиш бундан мустаснодир.

Ҳозирги кунга келиб республикамизнинг кўплаб олимлари МҲХСлари бўйича тадқиқот ишлари олиб бориб, миллий стандартларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига уйғунлаштириш бўйича ўз таклиф ва хулосаларини бериб келмоқда. Жумладан, С.Ташназаров томонидан олиб борилган тадқиқот ишида “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни” “Умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот” ҳисобот ёки “Фойда ва зарарлар ҳамда бошқа тўплам даромадлари тўғрисидаги ҳисобот” деб ўзгартириш таклиф этилади.



Ҳалқаро стандартларга мувофиқ Умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот иккита таркибий қисмдан ташкил топади.



Умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботнинг таркибида фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот алоҳида ўрин тутади.

Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг мақсади даромад ва харажатларни ташкилотнинг асосий (одатдаги) фаолияти ва асосий бўлмаган (одатдаги бўлмаган) фаолияти натижасида юзага келиши асосида таснифлаб, асосий фаолиятнинг фойдаси(зарари), солиқ тўлагунга қадар фойдаси ҳамда соф фойдаси тўғрисидаги ахборотларни уларнинг даромад ва харажатлари омиллари билан биргаликда тақдим этишдан иборатдир. Соф фойда тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш ҳисоботнинг бош мақсадидир.[15]

“Фойда ва зарарлар тўғрисидаги” ҳисобот минимум қуйидаги моддаларни ўз таркибига олиши лозим:

- ✓ тушум;
- ✓ операцион фаолият натижалари;
- ✓ молиялаштириш бўйича харажатлар;
- ✓ иштирок этиш методи бўйича ҳисобга олинадиган ассоциациялашган ва шўъба корхоналарнинг фойда ва зарарларидаги ҳиссаси;
- ✓ солиқлар бўйича харажатлар;
- ✓ одатдаги фаолиятидан олинган фойда ёки зарарлар;
- ✓ фавқулоддаги ҳолатлар;
- ✓ ҳисобот давридаги фойда ёки зарарлар [1-сон БҲХС, 81,82-м.].

1-сон БҲХСнинг 86-95 моддаларида тўғридан-тўғри “фойда ва зарарлар тўғрисидаги” ҳисоботда ёки бўлмаса ҳисоботларга бериладиган изоҳларда акс эттирилиши талаб этиладиган моддалар қайд этилган.

Агар даромад ва харажат моддалари салмоқли бўлса, уларнинг характери ва миқдори албатта алоҳида очиқланиши керак.

Қуйидаги даромад ва харажат моддалари алоҳида очиқланиши талаб этилади:

a) Заҳиралар қийматини мумкин бўлган сотишнинг соф қийматига қадар ҳисобдан чиқариш;
b) ташкилот фаолиятини реструктуризация ва реструктуризация қилинган харажатлар бўйича ҳар қандай баҳоланган мажбуриятларнинг қайтарилиши;
c) мулк, бино, машина ва асбоб-ускуналар объектларининг чиқиб кетиши;
d) тугалланаётган фаолият;
e) суд тортишувлари бўйича муросага келиш;
f) бошқа баҳоланадиган мажбуриятлар қайтарилиши.

Компаниялар “фойда ва зарарлар тўғрисида”ги ҳисоботида ёки унга берилган изоҳларида харажатларнинг характери ёки уларнинг корхона доирасидаги функцияларига асосланган харажатлар таснифидан фойдаланган ҳолда харажатлар таҳлилини келтиришлари лозим.

Reckitt & Colman pls

2011 ҳисобот йили учун

[15] С. Ташназаров, Д. Ташназарова. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари: Олий ўқув юртлари магис мтратура мутахассисликлари учун – СамИСИ, 2018. – 421 б.

Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот*, **

(минг АҚШ доллар ҳисобида)

	2010 й.	2011 й.
1. ***Соф реализация***	4,308,490	4,285,445
2. Сотиш таннархи	2,712,570	2,695,400
3. ***Ялпи фойда [1-2]***	**1,595,920**	**1,590,045**
4. Реализация бўйича харажатлар	1,145,171	1,137,681
5. Тадқиқот ва ишланмалар харажатлари		
6. Умумий маъмурий харажатлар	6,415	3,485
7. Бошқа операцион даромадлар	256,035	265,436
8. Бошқа операцион харажатлар	15,650	15,323
9. Операцион фаолият натижалари [3-4-5-6+7-8]	180,200	179,381
10. Шўъба компанияларга инвестициядан олинган даромад		
11. Фоизлар бўйича соф харажатлар		
12. Бошқа операцион бўлмаган харажатлар-соф		
13. Операцион бўлмаган фаолият натижалари		

[10-11-12]		
14. Фойда солиғига қадар фойда [9+ёки-13]	**23,749**	**19,385**
15. Фойда солиғи		
16. Соликдан кейинги фойда [14-15]	2,845	4,245
17. Акционер камчилигининг ҳиссаси		
18. Соф фойда [16-17]	415	377
19. Акцияга фойда		
	8,419	7,839
	5,989	**3,971**
	17,760	**15,414**
	2,960	2,569
	14,800	12,845
	———	———
	——	—

	14,800	**12,845**
	0.074	0.063

**Изоҳ: Харажатлар функцияси бўйича таснифланган*

***Изоҳ: Ушбу фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот шакли ва ундаги моддалар "Разъяснения Международных Стандартов Финансовой Отчетности. КМСФО. International Accounting Standards Board-Алматы, 2005."да 28-бетдаги жадвалдан олинди. Муаллиф томонидан жадвал шакли ва маълумотлари қайта ишланди.*

Умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботнинг яна бир таркибий қисми бошқа тўплам даромадлар тўғрисидаги ҳисобот ҳисобланади.

Бошқа тўплам даромадлар тўғрисидаги ҳисобот даромадлар ва харажатлар моддаларини ўз ичига олади, қайсики улар фойда ва зарарлар таркибида тан олинмайди, улар бошқа МҲХСларда талаб этилади ва йўл қўйилади.

Бошқа тўплам даромадлар компонентлари ўз ичига олади:

a) қайта баҳолашдан қийматнинг ўсиши ўзгариши (16-сон БҲХС "Мулк, бино, машина ва асбоб-ускуналар" ва 38-сон БҲХС "Номоддий активлар");
b) 19-сон БҲХС "Ходимларни рағбатлантириш"нинг 93а-бандига мувофиқ тан олинган белгиланган тўловлар билан пенсия режаларидан актуар фойда ва зарарлар;
c) хорижий бўлинма молиявий ҳисоботини ўтказишда юзага келадиган фойда ва зарарлар (21-сон БҲХС "Валютани алмаштириш курси ўзгаришининг таъсири");
d) сотиш учун мавжуд бўлган молиявий активларни такроран баҳолаш натижасида юзага келган фойда ва зарарлар (39-сон БҲХС "Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш");
e) пул маблағларини хеджилаштиришда хеджилаштириш инструментларидан фойда ва зарарларнинг самарали қисми (39-сон БҲХС).

Ушбу халқаро стандартлар асосида тузилган фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот бир қанча хусусиятларга эга. Биринчидан, ҳисобот номланиши билан фарқ қилади. Бу ҳисобот фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот деб номланса, бизнинг амалиётимизда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот деб номланади. Бундан ташқари, ҳисобот харажатлар таркиби жиҳатидан бизнинг амалдаги ҳисобот шаклларидан фарқ қилади. Иккинчидан, тадқиқот ва ишланмалар харажатлари операцион харажатлар таркибига киритилмасдан, алоҳида модда сифатида қайд қилинмоқда. Учинчидан, операцион бўлмаган фаолият натижалари алоҳида кўрсатилган,

қайсики фойдаланувчиларда операцион фаолият ва операцион бўлмаган фаолияти натижаларини бир-биридан аниқ фарқлаган ҳолда кўриш имкониятига эга бўлади. Тўртинчидан, акцияга фойда кўрсаткичи ахборот тариқасида келтирилган, бу эса ҳисоботнинг фойдалигини оширади. Бешинчидан, бухгалтерия атамаларида фарқлар мавжуд.

Бизнинг фикримизча, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни номланишини ўзгартириш керак, чунки бир вақтнинг ўзида ҳам фойдага, ҳам зарарга еришиб бўлмайди. Масалан: фойда ёки зарарлар тўғрисидаги ҳисобот.

Фойдаланилган адабиётлар ва интернет манбалар:

1. IAS 1 "Представление финансовой отчетности".
2. https://nrm.uz/contentf?doc=467907_(ias)_1_predstavlenie_finansovoy_otchetnosti
3. 1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”.
4. http://lex.uz/nsbu
5. С. Ташназаров, Д. Ташназарова. “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари: Олий ўқув юртлари магистратура мутахассисликлари учун – СамИСИ, 2018. – 421 б.

Солиқ қонунчилигини такомиллаштириш масалалари

Ибрагимов Бобуршоҳ Боҳодир ўғли – “Нодир ҳимоя” адвокатлик бюроси, адвокат стажёр, фалсафа доктори (PhD), тел:+998946199001, bobursohibb@gmail.com.

АННОТАЦИЯ

Мақолада солиқ қонунчилиги такомиллаштиришнинг зарурлиги, унинг аҳамияти амалиёти таҳлил қилинган. Таҳлилар натижасида муаллиф томонидан Ўзбекистон солиқ сиёсатининг устувор вазифалари очиб берилган. Мамлакат солиқ сиёсати устувор йўналишлари ва вазифалари асосида солиқ қонунчилигини такомиллаштириш бўйича муаллиф тавсиялари берилган.

Калит сўзлар: солиқ қонунчилиги, соддалаштириш, солиқ тўловчилар, солиқ сиёсати, солиқ назорати, молиявий назорат, солиқ қонунчилигини такомилаштириш.

Тадбиркорлик субъектларини эркин фаолиятини таъминлаш, улар фаолиятига давлат органлари аралашувини тубдан қисқартиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш иқтисодиётни ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг муҳим устувор вазифаси ҳисобланади.

Давлат солиқ сиёсати ва тизимининг оқилона шаклланиши мамлакатда тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитларни яратишни таъминлайди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида *“солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш”* мамлакатдаги макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишдаги устувор вазифалардан бири ҳисобланади *[1]*.

Солиқ муносабатларини тартибга солиш тизими ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муайян муаммоларнинг мавжудлиги мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши дастурларини молиялаштиришнинг барқарор манбаларини таъминлашга салбий таъсир кўрсатади. Ушбу ҳолатлар давлат солиқ органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш, солиқ маъмуриятчилигининг шаффофлиги, солиқ муносабатларида манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик ҳамда назорат самарадорлигини сусайишига сабаб бўлади.

Шу сабабли мамлакатимизда солиқ сиёсатини оптималлаштириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларида:

- солиққа оид ҳуқуқий муносабатлар ва улар ривожланиш тенденциялари таҳлили, солиқ сиёсатининг ўрта муддатли ва истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш;
- солиқ солишнинг долзарб муаммоларини тадқиқ этиш ва солиқ органлари фаолиятини такомиллаштириш;
- солиқ назоратини тўлиқ рақамлаштиришга эришиш;
- солиқ низоларини судгача ҳал этиш имкониятларидан самарали фойдаланиш тизимини шакллантириш;
- солиқ солиш ва солиқ муносабатларини тартибга солиш тизимини унификация қилиш;
- солиқ тўловчилар солиқ мажбуриятлари тизими соддалаштириш эвазига ҳуқубузарликларни камайтиришга эришиш;
- солиқ қонунчилигини солиқ мажбурияти ва бурчларини ихтиёрий бажаришини рағбатлантириш йўналишида такомиллаштириш вазифалари долзарб ҳисобланади.

XXI- аср ахборот-технологиялар тизими ва улар маҳсулотларини ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларига изчиллик билан кириб келиши ҳамда қўлланилиши билан характерланади. Бу эса солиқ назоратини амалга ошириш ва уни самарадорлигини ошириш жараёнларини янада мураккаблаштиради.

Солиқ назорати ва маъмуриятчилигини такомиллаштириш масалалари бўйича Д.А.Савин [2] , Е.И.Комарова [3], Л.В.Челпанова [4], С.М.Миронова [5] каби хорижлик олимлар ва молиявий назоратни рақамлаштириш тўғрисида Ўзбекистонлик олимлар [6] тадқиқотлари мавжуд. Улар

томонидан молиявий назоратни ташкил этишни рақамлаштириш асосларини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқилган.

Лекин солиқ муносабатларини тартибга солиш тизими ва назоратини такомиллаштириш масалалари яхлит тизим сифатида ўрганилмаган. Шу сабабли солиқ тўловчилар томонидан давлат солиқ хизмати органига 2021 йил 1 ярмида жисмоний ва юридик шахслардан 17584 та мурожжатлар келиб тушган. Солиқ тўловчилар томонидан қилинган мурожжатлар сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 30 фоизга кўпайган[16]. Таҳилларимиз ушбу мурожжатларнинг 7843 таси (2020 йилда 4263 та) солиқ қонунчилиги бўйича тушинтириш бериш тўғрисида бўлса, 364 таси (2020 йилда 49 та) солиқ назорати тадбирлари натижаси бўйича қабул қилинган қарорлардан норозилик эканлигидан далолат бермоқда.

Солиқ муносабатлари ва назорат тадбирлари натижаси бўйича солиқ низолари сонининг камайиши солиқ тўловчилар ҳамда давлат солиқ хизмати органлари ўртасида ижобий муносабатлар шаклланиши, ўзаро ҳамкорликни яхшиланишига ва фаолият самарадорлигини ошиши учун хизмат қилади. Лекин таҳлиллар натижалари юқорида қайд этилганидек қонунчилик бўйича тушинтириш бериш сўраб этилган мурожаатлар сони 84 фоизга, солиқ органлари қарорларидан норозилик даражаси эса 7,5 баробарга кўпайган.

Қайд этиш зарурки, солиқ маъмуриятчилигини иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий таҳлилнинг истиқболи бу соҳада илмий тадқиқотларни амалга ошириш учун янги имкониятлар яратади. Ҳар қандай солиқ тизимида солиқ низоларини негизида:

- *ижтимоий эҳтиёжлар учун солиқ тўловчиларнинг даромадларининг бир қисмини давлатга ажратиш;*
- *сиёсий жиҳатдан, давлат қонунчилик ижросини таъминлашда куч ишлатишга оид муносабатлар мужассамлиги ётади.*

Солиқ муносабатларининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмлари илмий адабиётларда икки босқичга бўлинади.

Биринчи босқич солиқ тизимини шакллантиришни ўз ичига олади қонунчилик даражасида давлат маълум бир солиқ тизимини ўрнатади; яъни бевосита ва билвосита солиқлар турларини; пропорционал ва прогрессив солиқ ставкалари; имтиёзлар турлари ҳамда уларни қўллаш тартибларини, махсус ва соддалаштирилган солиқ режими; солиқни йиғишнинг техник ва ҳуқуқий механизмларини белгилаб беради.

Иккинчи босқичда эса солиқ муносабатлари субъектлари ўртасида солиққа оид муносабатларини тартибга солиш мақсадида солиқ маъмуриятчилигини қўллаш механизмлари шаклланишининг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

Солиқ муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш солиқ солиқ қонунчилигида муҳим аҳамиятга эга бўлиши билан бирга, жамиятдаги

[16] Soliq/uz сайти маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш учун хизмат қилади, деб хулоса қилиш мумкин.

Мавзу бўйича ўтказилган тадқиқотларимиз солиқ қонунчилигини соддалаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Шу мақсадда:

солиқ муносабатларини тартибга солишда учун амалга ошириладиган замонавий назорат механизмларида фойдаланиш учун ҳисоб ва ҳисобот тизимини ҳам такомиллаштириш зарур;

солиқ тўловчини солиққа оид мажбуриятларини бажаришни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш мақсадида солиқ қонунчилик меъёрларини соддалаштириш мақсадга мувофиқ;

солиқ назоратини тўлиқ рақамлаштириш эвазига инсон омилини назорат тизимидаги иштирокини минималлаштириш зарур ҳисобланади.

Ушбу таклифларни амалиётга жорий этилиши солиқ тўловчилар томонидан солиқ қонунчилиги меъёрларини ихтиёрий бажариш даражаси ўсиб бориши таъминланади. Натижада давлат бюджети даромадларининг барқарорлашуви ва ўз вақтида тўланишига эришилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида «ги ПФ4947-сонли Фармони. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2017 йил 13 февраль, 6-сон, 70-модда
2. Д.А.Савин. Зарубежный опыт организации служб налогового контроля // Сервис в России и за рубежом. – 2012. – № 7(34). – С. 138-144.
3. Е.И.Комарова. Развитие налогового контроля в России и оценка его эффективности.// Современные проблемы науки и образования. 2015 г.1-часть.
4. Л.В.Челпанова. "Развитие налоговых отношений в условиях совершенствования региональной системы налогового администрирования", 2012 г. Автореферат диссертация к.э.н.
5. С.М.Миронова. "Механизм разрешения налоговых споров в Российской Федерации :Финансово-правовой аспект", 2006 г. Автореферат диссертация к.э.н.
6. Isroilov.B.I., Abduganiyev U.Kh. Ibragimov B.B. Financial Control of Public Procurement to Prevent Corruption in the Development of Digital Economy. Advances in Economics, Business and Management Research, volume 138, 2nd International Scientific and Practical Conference “Modern Management Trends and the Digital Economy: from Regional Development to Global Economic Growth” (MTDE 2020). https://www.atlantis-press.com/proceedings/mtde-20/125939770

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАР РЕАЛЛИГИНИ БАҲОЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Жуманов Бобомурод Раматович
СамИСИ “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси магистранти

Аннотация: *Мақолада молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлардаги роли ва аҳамияти, молиявий ахборотдан фойдаланувчилар учун аудитор хулосаси халқаро стандартларга таянган холда ёритилган ҳамда таклиф ва тавсиялар берилган, инвестор талабини қониқтириш учун молиявий ҳисоботларнинг мақсад ва вазифалари ҳамда халқаро стандартларнинг молиявий натижалардаги ҳисобот кўрсаткичлари.*

Калит сўзлар: *инвестор, молиявий натижалар, халқаро аудит стандартлари, аудиторлик хулосаси.*

Аннотация: *В статье описывается роль и значение финансовой отчетности в международных стандартах, аудиторское заключение для пользователей финансовой информации на основе международных*

стандартов и даются предложения и рекомендации, цели и задачи финансовой отчетности для удовлетворения спроса инвесторов и показатели финансовой деятельности по международным стандартам.

Ключевые слова: *инвестор, финансовый результат, международные стандарты аудита, аудиторский отчет.*

Abstract: *The article describes the role and importance of financial reporting in international standards, an auditor's report for users of financial information based on international standards and provides suggestions and recommendations, goals and objectives of financial reporting to meet investor demand and financial performance indicators according to international standards.*

Key words: *investor, financial result, international auditing standards, audit report.*

Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва эркинлаштириш Янги Ўзбекистон хўжалик субъектларининг молиявий натижаларини халқаро стандартлар асосида аудиторлик текширувини ўтказилиши бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Чунки хўжалик юритувчи субъектлар чет эллик инвесторларни жалб қилиши учун молиявий натижаларни мустақил аудиторлик фирмаси томонидан аудит қилинган ва аудиторлик ҳулосаси билан молиявий натижалар ҳисоботини тақдим қилиши, одатда чет эллик инвесторлар томонидан талаб қилинади. Шу сабабли мамлакатимизда ташқи аудит томонидан молиявий натижалар ҳисоботини аудиторлик текшируви натижаларини расмийлаштириш ва уни тегишли молиявий натижаларни халқаро стандартларга мос ҳолда тузилганлигини тасдиқлаши учун аудитнинг халқаро стандартларидан фойдаланиши зарурияти пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори МҲХС соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича жаҳоннинг муваффақиятли тажрибаларини оммалаштириш, шу жумладан бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича нодавлат таълим ташкилотларини ҳамда соҳага олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини босқичма-босқич халқаро аккредитациядан ўтказиш юзасидан бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотлар (Сертификатланган дипломли бухгалтерлар халқаро ассоциацияси(Association of Chartered Certified Accountants-ACCA) ва бошқалар) билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириши айтилган.[17] Эндиликда текширувларнинг ҳар бир босқичи, жумладан якуний босқич ва аудиторлик хулосасини тақдим этиш жараёни ҳам ХАСларга мувофиқ ташкил этилади.

Текширув натижаларини расмийлаштиришда якуний ҳужжатлардан бири аудиторлик хулосаси, у молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторларнинг ёзма фикридир. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасида келтирилишича, аудиторлик хулосаси – аудиторлик

[17] *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги №-4611 сонли қарори*

ташкилотининг молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби юритиш тартибининг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисидаги фикри ёзма шаклда ифодаланган, хўжалик юритувчи субъект молиявий натижалар ҳисоботидан фойдаланувчилар учун очиқ бўлган ҳужжат бўлиб, у аудиторлик ҳисоботи асосида тузилади.[18]

Аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини тузиш ва тақдим этиш тартиби мамлакатимиздаги АФМС 70-сон «Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик хулосаси» деб номланган ва аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ АХС 1-сон “Молиявий ҳисоботлар аудити ва уларни кўриб чиқиш, ишонч билдириш ва бошқа турдош хизматлар кўрсатиш бўйича келишувларни бажарувчи аудиторлик ташкилотларида сифат назорати”, АХС 10-сон “Аудит келишуви шартларини келишиш”, АХС 200-сон “Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиш”, АХС 210-сон “Дастлабки аудит келишувлари – бошланғич қолдиқлар”, АХС 220-сон “Молиявий ҳисоботлар аудити сифатини назорат қилиш”, АХС 230-сон “Аудитни ҳужжатлаштириш”, АХС 300-сон “Молиявий ҳисоботлар аудитини режалаштириш”, АХС 320-сон “Аудитни режалаштириш ва бажаришда муҳимлик”, АХС 450-сон “Аудит ўтказиш жараёнида аниқланган бузиб кўрсатишларни баҳолаш”, АХС 500-сон “Аудиторлик далиллар”, АХС 501-сон “Аудиторлик далили – муайян моддаларни махсус кўриб чиқиш”, АХС 530-сон “Аудиторни танлаш”, АХС 600-сон “Махсус кўриб чиқишлар – гуруҳ молиявий ҳисоботларининг аудитлари (жумладан компонент аудиторлари ишлари)”, АХС 620-сон “Аудитор томонидан жалб қилинган эксперт ишидан фойдаланиш”, АХС 700-сон “Молиявий ҳисоботлар тўғрисида фикр ҳосил қилиш ва ҳисобот (хулоса) бериш”, АХС 705-сон “Мустақил аудитор ҳисоботи (хулосаси)да фикрни модификациялаш”, АХС 706-сон “Мустақил аудитор ҳисоботи (хулосаси)да тушунтириш параграфлари ва бошқа масала параграфлари”, АХС 710-сон “Қиёсий ахборот – қиёсий кўрсаткичлар ва қиёсий молиявий ҳисоботлар”, АХС 720-сон “Аудит ўтказиш жараёнида текширилган молиявий ҳисоботларни қамраб оладиган ҳужжатлардаги бошқа маълумотларга нисбатан аудиторнинг жавобгарлиги”, АХС 800-сон “Махсус масалалар – махсус мақсадли асосларга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботлар аудити”, АХС 805-сон “Махсус масалалар – айрим молиявий ҳисоботлар ҳамда молиявий ҳисоботдаги махсус элементлар, счётлар ёки моддалар аудити”, АХС 810-сон “Қисқартирилган молиявий ҳисоботлар бўйича ҳисобот (хулоса) тақдим этиш келишувлари” ва АХС 1000-сон “Молиявий инструментларни аудитдан ўтказишда махсус жиҳатлар” тартибга солинади. Бугунги кунда АФМС кўра аудиторлик хулосасининг икки тури мавжуд бўлиб яъни ижобий ва салбий.

Шунингдек, такидлаб ўтиш жоизки айрим ҳолларда аудитор хулоса беришдан бош тортиши мумкинлиги айтилган. Аудитнинг халқаро

[18] *Ўзбекистон Республикаси “аудиторлик фаолияти тўғрисида” 9.12.1992 йилдаги 734-XII-сон, 26.05.2000 йилдаги 78-II-сон Қонун таҳририда.*

стандартларига мувофиқ эса аудитор молиявий ҳисобот тўғрисида модификацияланмаган фикр (шак шубҳасиз ижобий), модификацияланган фикр билдириши мумкин. ХАС 705-сонга мувофиқ модификацияланган фикр – қўшимча изоҳлар билан фикр, салбий фикр ёки фикр билдиришдан бош тортиш тарзида расмийлаштирилиши мумкин.

Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнида Халқаро аудит стандартлари ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ташқи аудитни ўтказишга эҳтиёж кучаяди. Сармоя киритувчилар молиявий ҳисоботларнинг шаффофлигини аудиторлар халқаро стандартлар асосида текшириб тасдиқлашларини ёки халқаро стандартларга мувофиқ бўлган миллий стандартлар асосида иш олиб боришларини талаб қиладилар. Унга биноан эса аудитор модификацияланган фикр билдириши мумкин. Модификацияланган фикр – қўшимча изоҳлар билан фикр, салбий фикр ёки фикр билдиришдан бош тортиш тарзида расмийлаштирилиши мумкин. Қўшимча изоҳлар билан фикр билдиришни “шартли ижобий хулоса” деб қарайдиган бўлсак, энди миллий стандартимиз хулосанинг бу турини ҳам назарда тутади.

Стандартга мувофиқ молиявий ҳисоботларда бузиб кўрсатишлар мавжудлиги ва аудитор етарлича тегишли аудиторлик далилларини олиш имкониятига эга эмаслиги туфайли қўшимча изоҳлар билан фикр билдирилган аудиторлик хулосаси тузиши мумкин. Яъни, аудитор қуйидаги ҳолларда фикрни қўшимча изоҳлар билан ифодалаши лозим: биринчидан, етарлича тегишли аудиторлик далилларини олгач, аудитор бузиб кўрсатишлар алоҳида-алоҳида ёки умумий ҳолда молиявий ҳисоботлар учун муҳим ҳисобланади, лекин улар кенг қамровли эмас, деган хулосага келган бўлса ёки аудитор ўзига фикр ҳосил қилиш имконини берадиган етарлича тегишли аудиторлик далилларини олиш имкониятига эга бўлмаса, хулосага келиб бўлмайди, дейиш мумкин.

Халқаро стандартларга асосланган ва бойитилган янги таҳрирдаги 70 сонли АФМС қонунчилигимиз талабларига асосан, эълон қилингандан кейин уч ой ўтиб кучга киради. 2017 йилнинг 6 мартидан бошлаб эски «Молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси» номли стандарт ўз кучини йўқотади. Эндиликда ташқи аудиторлик текширувларини ўтказаётган аудиторлар хулосанинг бу каби турларини шакллантиришлари мумкин бўлади. Аммо, иккинчи томондан бу каби “шартли ижобий хулосалар” ундан фойдаланувчиларни чалғитишлари, аниқ тўхтамга келишда иккиланишларни юзага келтириши мумкин. Бу каби ноаниқликларнинг олдини олиш учун эса, АХС 706-сон “Мустақил аудитор ҳисоботи (хулосаси)да тушунтириш параграфлари ва бошқа масала параграфлари”да кўзда тутилганидек тушинтириш ва бошқа масала параграфларини киритиш лозимлиги тўғрисидаги пункт янги таҳрирдаги 70-сонли миллий стандартимизга киритилди. Стандарт талабларидан келиб чиққан ҳолда тузилган хулосалар фойдаланувчиларга вазиятни тушунарли тарзда очиб беришга қаратилган.

Шунингдек, янги таҳрирдаги стандартда аудиторлик хулосасининг кириш қисмида текширув тури мажбурий ёки ташаббус тарзида эканлиги аниқ кўрсатилиши лозимлиги айтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сонли “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида[19] ҳам мамлакатимизда молиявий ҳисобни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштириш вазифаси қўйилган. Бу эса мажбурий аудиторлик текширувидан ўтадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбурий аудит хулосаси ўрнига ихтиёрий аудиторлик текшируви хулосасини тақдим этишларининг олдини олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2016 йил 13 апрель, № ЎРҚ-404.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори. 2020 йил 24 февраль. ПҚ-4611.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сонли “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. https://nrm.uz/contentf?doc=573931_2019_yil
4. Халқаро аудит стандартлари

МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Боронов Бобур Фарходович
СамИСИ “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси доценти в.б.,
Абдурасулов Жамшидбек Ахмад угли
СамИСИ “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси магистранти

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
Ўзбекистон, 140100, Самарқанд шаҳар, А. Темур кўчаси, 9.
Тел. +998979273836, e-mail: jamshidbek.abdurasulov@mail.ru

Аннотация: *Мақолада мамлакатимизда инвестициявий жозибадорликни оширишнинг энг муҳим омиллари, иқтисодиёт учун ахамияти, инвестицион муҳит яратиш, инвестицияларни тўғри баҳолаш, уларни молиявий*

[19] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сонли “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. https://nrm.uz/contentf?doc=573931_2019_yil

ҳисоботларда акс эттиришни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.
Калит сўзлар: *Капитал, инвестиция, жозибадорлик, молиявий инструментлар, молиявий инвестициялар, молиявий мажбуриятлар, баҳолаш.*
Аннотация: *В статье представлены предложения и рекомендации по наиболее важным факторам повышения инвестиционной привлекательности страны, ее значению для экономики, созданию инвестиционного климата, точной оценке инвестиций, улучшению их отражения в финансовой отчетности.*
Ключевые слова: *Капитал, инвестиции, привлекательность, финансовые инструменты, финансовые вложения, финансовые обязательства, оценка.*
Abstract: *The article presents proposals and recommendations on the most important factors for increasing the investment attractiveness of the country, its importance for the economy, creating an investment climate, accurately assessing investments, improving their reflection in financial statements.*
Key words: *Capital, investments, attractiveness, financial instruments, financial investments, financial obligations, appraisal.*

Инвестициялар бу капитални кўпайтириш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва бошқа ташкилотлар фаолиятига киритиладиган молиявий маблағлардир. Инвестициялар мамлакатимиз иқтисодиёти учун ўта муҳим аҳамият касб этади. Республика иқтисодиёти шароитида давлат бюджети маблағларининг чегараланганлиги, давлат қарзларининг мавжудлиги молиявий секторда маълум қийинчиликларни туғдиради. Бундай шароитда корхоналар фаолиятини молиялаштиришни яхшилашда иккита манба мавжуд, қайсики иккаласидан ҳам самарали фойдаланиш талаб этилади: биринчиси, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш орқали ташкилотларнинг ҳамда жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини уларга фойдали шартларда жалб этиш, иккинчиси эса, бу корхоналарнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш орқали хорижий инвестицияларни жалб этиш.

Ташкилотларнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири бу бухгалтерия ҳисобини инвесторларга фойдали ва тушунарли бўлишлигини таъминлаш мақсадида Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида юритиш бўлиб ҳисобланади. Даставвал, Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ бухгалтерия ҳисоби субъектларига Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш ҳуқуқи берилди[20]. Эндиликда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар

[20] Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. 2016 йил 13 апрель. https://lex.uz/acts/2931253.

тўғрисида" ги Қарори[21] тасдиқланди. Унга кўра, 2021 йилдан бошлаб Республикамизда фаолият кўрсатаётган барча акциядорлик жамиятлари, банклар, суғурта ташкилотлари, устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик юритувчи субъектлар, йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган барча юридик шахслар ўзларининг молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида тузишга ўтадилар.

Юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллашдан асосий мақсад Республикамизда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг халқаро фонд биржалари, валюта биржалари, капитал бозорлари ва бошқа дунё бозорларга кириш, мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида қулай инвестицион муҳит яратиш бўлиб ҳисобланади.

Молиявий инвестициялар халқаро стандартларда қўлланиладиган молиявий инструментларнинг таркибий қисми сифатида уни ҳисобга олиш принциплари 7-сон МҲХС "Молиявий инструментлар: ахборотларни очиқлаш[22], 9-сон МҲХС "Молиявий инструментлар"[23] ва бошқа халқаро стандартларда белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти" тўғрисидаги Қонуннинг янги таҳрирининг 5-моддасида қуйидагича ёритилган[24]: "Инвестициялар мўлжалланган объектига кўра капитал, молиявий ва ижтимоий инвестиция турларига бўлинади. Инвестициянинг энг муҳим ва асосий турларидан бири молиявий активлар гуруҳига кирадиган молиявий инвестициялар ҳисобланади. МҲХСлари талабларидан келиб чиқиб, молиявий инвестициялар бозор қийматига эга бўлган молиявий актив сифатида қуйидаги турларга бўлинади (1-расм):

[21] Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Қарори. 2020 йил 24 февраль. ПҚ-4611.

[22] (IFRS) 7 "Финансовые инструменты: раскрытие информации" https://nrm.uz/contentf?doc=469461_(ifrs)_7_finansovye_instrumenty_raskrytie_informacii.

[23] (IFRS) 9 "Финансовые инструменты" https://nrm.uz/contentf?doc=470852_(ifrs)_9_finansovye_instrumenty.

[24] Ўзбекистон Республикасининг "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонуни. 2019 йил 25 декабрь. 598-сон. http://xs.uz/uzkr/post/investitsiyalar-va-investitsiya-faoliyati-togrisida.



1-расм. Молиявий инвестициялар таркиби[25]

Молиявий инвестицияларнинг ушбу таснифи уларни молиявий ҳисоботларда акс эттириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш даврида халқаро ва миллий стандартлар ўртасида кўпгина фарқлар мавжуд. Улар жумласига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

Биринчидан, халқаро стандартларда (32-сон БҲХС, 39-сон БҲХС, 10-сон МҲХС, 28-сон БҲХС) молиявий инвестиция атамасига таъриф берилмаган, унга ҳиссали инструмент сифатида таъриф келтирилган. Шу боис, миллий амалиётимизни молиявий инструментларга оид стандартлар билан бойитишимиз керак.

Иккинчидан, миллий стандартимизда инвестициялар қисқа муддатли, яъни бир йилгача ва узоқ муддатли – бир йилдан ортиқ муддатли инвестицияларга ажратилган. Халқаро стандартларда қайд қилинишича, агар ассоциациялашган корхоналар ҳамда ҳамкорликдаги тадбиркорликка киритилган инвестициялар 5-сон МҲХС “Сотиш учун мўлжалланган жорий бўлмаган активлар ва тугалланган фаолият” стандартига мувофиқ сотиш учун мўлжалланган деб таснифланмаган бўлса, у ҳолда узоқ муддатли актив сифатида тан олиниши қайд қилинган.

Учинчидан, халқаро стандартларда молиявий инвестицияларнинг ҳаққоний қиймат асосида бошланғич таннархи шаклланиши келтирилган, миллий стандартларда сотиб олиш қиймати асосида шаклланиши қайд қилинган. Молиявий инвестициялар ва молиявий мажбуриятларни ҳаққоний

[25] Муаллиф ишланмаси.

қийматда акс эттириш методологиясини жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Тўртинчидан, молиявий инвестицияларни қайта баҳолаш эмас, балки давомий баҳолаш тушунчасидан фойдаланиш лозим. Халқаро стандартларда молиявий инвестицияларни давомий баҳолаш уларнинг амортизацияланадиган қиймати ва ҳаққоний қиймати бўйича амалга оширилиши қайд этилган. Миллий стандартларимизга ҳам ушбу қоидаларни киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Бешинчидан, халқаро стандартлар ассоциациялашган корхоналар ва ҳамкорликдаги фаолиятга киритилган инвестицияларни баҳолашда "ҳиссали қатнашиш методи"дан фойдаланишни кўзда тутади. Миллий стандартларимизда эса, инвестициядан даромадлар дивиденд, фоизлар, ижара тўловлари асосида амалга оширилиши қайд қилинган. Ҳиссали қатнашиш методининг қўлланилиши инвесторларнинг корхоналар фойда ва зарарларидаги ҳиссасини адолатли баҳолаш имкониятини оширади. Корхоналарнинг инвестицион жозибадорлигини оширади.

Олтинчидан, халқаро стандартларда молиявий инвестицияларни ҳаққоний қийматидан амортизацияланадиган активларга қайта таснифлаш натижасида юзага келган фойда ва зарарларни акс эттириш тартиби келтирилган, қайсики бу жиҳатлар миллий стандартларимизда ўз ўрнини топмаган.

Еттинчидан, гудвилнинг юзага келиши, инвестиция киритилган даврининг бошида инвесторларнинг корхона идентификацияланадиган соф активлари ва мажбуриятларидаги ҳиссасининг инвестиция бошланғич қийматидан ошган қисми даромад сифатида тан олиниши қайд қилинган. Бу ўз навбатида, инвестицияларни тўғри баҳолаш, уларни молиявий ҳисоботларда акс эттиришни такомиллаштириш имконини беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, халқаро стандартлар ва миллий стандартлар ўртасида фарқлар мавжуд бўлиб, ушбу фарқларни амалдаги стандартларга ўзгартиришлар киритиш йўли билан уларнинг мувофиқлигини таъминлаб бўлмайди. Шу боис, мамлакатимизда молиявий инструментларга оид стандартлар ишлаб чиқиш зарур бўлиб, бошқа стандартларни эса, янги таҳрирда ишлаб чиқиш керак.

Шунингдек, халқаро стандартларда молиявий инвестицияларни ҳаққоний қийматидан амортизацияланадиган активларга қайта таснифлаш натижасида юзага келган фойда ва зарарларни акс эттириш тартиби келтирилган, қайсики бу жиҳатлар миллий стандартларимизда ўз ўрнини топмаган. Амалдаги тартиб инвестицияларни узоқ муддатли ва қисқа муддатли инвестицияларга таснифлашга асосланган. Халқаро стандартлар талабларига мувофиқ, сотиш учун мўлжалланган инвестициялар алоҳида акс эттирилиши талаб этилади.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган ушбу таклиф ва тавсияларнинг Республикамизда фаолият кўрсатаётган корхоналар амалиётига жорий этилиши миллий стандартларни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қилади ва мамлакатда инвестицион жозибадорликни оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. 2016 йил 13 апрель. https://lex.uz/acts/2931253.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 2019 йил 25 декабрь. 598-сон. http://xs.uz/uzkr/post/investitsiyalar-va-investitsiya-faoliyati-togrisida.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори. 2020 йил 24 февраль. ПҚ-4611.
4. (IFRS) 7 “Финансовые инструменты: раскрытие информации” https://nrm.uz/contentf?doc=469461_(ifrs)_7_finansovye_instrumenty_raskrytie_informacii.
5. (IFRS) 9 “Финансовые инструменты” https://nrm.uz/contentf?doc=470852_(ifrs)_9_finansovye_instrumenty.

Бухгалтерия ҳисобида брендларни баҳолаш масалари

Мардонов Мамед Шавкатович – Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали, mamed_104@mail.ru, +998933437489

Абстракт. Ушбу мақола корхоналарнинг инновацион фаолияти махсули бўлган, ишлаб чиқарилган, сотиб олинган ёки корхоналарнинг бирлашишидаги (қўшилиши) брендлар, уларнинг корхона даромадига қўшадиган улушининг ҳисобига бағишланган. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) va Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС) орқали брендларнинг товар белгилари ва савдо маркалар ҳисобининг асосий фарқлари ва уларни тан олиш ҳамда баҳолаш масалалри очиб берилган.

Калит сўзлар: брендлар, товар белгиси, савдо маркаси, брендни баҳолаш.

Кириш. Миллий иқтисодиётимизга инвестицияларни жалб қилиш орқали иқтисодиётимизни қуллаб қувватлаш учун биринчи навбатда инвесторлар учун барча ҳуқуқий шароитларни яратиш зарур. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларга ўтишни жадаллаштириш орқали

хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир Республикамиз Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”[26]ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисида”[27]ги Қарорлари қабул қилинди.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қабул қилиниши ҳамда хорижий ҳамкорлар билан иқтисодий муносабатларни ривожлантириши натижасида бухгалтерия ҳисобида янги бухгалтерия объектлари, хусусан номоддий активлар таркибида “Бренд” атамаси кириб келди. Ушбу атамани “Савдо маркаси” ва “Товар белгиси” билан боғлиқ ва фарқли жиҳатларини, уни тан олиш ҳамда баҳолаш мезонларини очиб бериш, уларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш услубиятини шакллантириш хозирги кунда долзабр ҳисобланмоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ривожланган мамлакатларда энг кўп тарқалган ва муҳим номоддий активлардан бири “Бренд” ҳисобланади. Бренд атамаси хорижий адабиётда кенг муҳокама қилинган ва тадқиқотчилар уларни концепция, ўлчов, бошқариш ва такомиллаштиришнинг бир неча усулларини таклиф қилишган. Тадқиқотчилар ўрганиш натижасида умумий бир тўхтамга келишмаган. Бунинг ўрнига улар истеъмолчиларга йўналтирилган индивидуал ёндашувни ёки қатъий даражадаги ёндашувни қўллаганлар.

Хорижлик олимлар брендга қуйидагича тариф беришган. Хусусан, Ж.Карферер брендлар номодий активлар синфига киради, унинг асосий вазифаси – дифференциация, корхона нуқтаи назаридан брендлар истеъмолчиларга ўз маҳсулот ва хизматларини аниқлашга имкон беради, шунингдек уларни рақобатлашаётган корхоналар маҳсулоти ва хизматларидан ажратиб туради[28]. С.Симонс ва С.Дибблар эса бренд – бу компания маҳсулоти ёки хизматини бошқа компанияларникидан фарқ

[26] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ПҚ-4611-сон. 24.02.2020
[27] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисида”ги Қарори 507-сон 24.08.2020
[28] Schuiling I., Kapferer J. N. Executive insights: real differences between local and international brands: strategic implications for international marketers //Journal of international marketing. – 2004. – Т. 12. – №. 4. – С. 97-112.

қиладиган ном, атама, дизайн, рамз ёки бошқа хусусият[29], ўзбекистонлик олимлардан И.Давлетов эса бренд – “товар белгиси” ва “Савдо маркаси” атамаларига нисбатан янча кенг тушунчадир. Бренд “Савдо маркаси” ва “Товар белгиси”ларидан фарқли равишда истеъмолчининг ушбу товарга нисбатан тасаввури ва ишончини, шунингдек, кам фарқланадиган таркибий қисмлар: қадоқлашнинг унчалик муҳим бўлмаган элементлари, товар рецептурасининг ва унга тегишли “Know-how” нинг ҳимояланиши, ишлаб чиқариш технологияси кабиларни ҳам ўз ичига олади[30]. – деб таъкидлайди.

Тадқиқот методологияси. Бухгалтерия сифатида объекти сифатида корхона бренди яратиш, актив ёки харажат сифатида тан олиш ва баҳолаш ҳамда уларни товар белгиси, савдо маркаларидан фарқли жиҳатларини асослаш учун қиёсий таҳлил, назарий моделлаштириш, индукция ва умумлаштириш усуллари қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистонда кенг қулланиладиган, кўпчилик бир хил деб тушинадиган атамалар бу товар белгиси, савдо маркаси ва брендлар улар фарқли жиҳатлари ҳамда брендларни тан олиш, баҳолаш усулларига тўхталамиз.

Товар белгиси. Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуни[31]га мувофиқ товар белгиси бу бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгилардир.

Савдо маркаси. Савдо маркаси – маълум манбанинг маҳсулотларини ёки хизматларини бошқаларникидан аниқлайдиган таниқли белги, дизайн ёки ифодадан иборат бўлган интеллектуал мулк тури. Хизматларни аниқлаш учун ишлатиладиган савдо белгилари одатда хизмат кўрсатиш белгилари деб қаралади[32]. Савдо белгисининг эгаси жисмоний ва юридик шахс бўлиши, пакетда, ёрлиқда, ваучерда ёки маҳсулотнинг ўзида жойлашган бўлиши мумкин.

“Савдо маркаси” атамаси “товар белгиси”га нисбатан кенгроқ тушунча ҳисоблансада, улар бир-бирига яқин ҳисобланади, чунки савдо маркаси ҳам товарларни худди шу турдаги бошқа товарлардан фарқлаш учун

[29] Simoes C., Dibb S. Rethinking the brand concept: new brand orientation //Corporate Communications: An International Journal. – 2001.

[30] И.Р.Давлетов. Бренд ва уни ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятлари “Аграр соҳани модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, таҳлил, аудит ва молия-кредит масалалари” мавзусидаги илмий-амалий конференцияси маъруза тезислари тўплами. Тошкент, 2012 йил, 8 май. 57-58 б.

[31] Ўзбекистон Республикасининг "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида” ги Қонуни 30.08. 2001, №267-сон.

[32] https://en.wikipedia.org/wiki/Trademark

идентификациялаш мақсадида фойдаланилади. Бунда савдо маркалари деганда компания ёки товарларнинг ўзига хос хусусиятлари ва тавсифларини ажратиб турувчи белгилардан ташқари, улар томонидан уйғотиладиган ҳисларни ҳам ҳисобга олиш кераклиги таъкидланади. Бундан келиб чиқадики, савдо маркасини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

“Товар белгси + репутация (обрў)[33]”.

Ўзбекистон иқтисодиётида “Бренд” атамаси деярли ишлатилмайди. Брендлар савдо макаларидан иккита асосий жиҳатлари билан фарқ қилади:

Биринчидан, товар белгиси нафақат доимий савдо белгиси бўлган битта ном, атама, дизайн ёки белгини, балки уларнинг ҳар қандай комбинациясини ўз ичига олиши мумкин. Демак, юқорида айтиб ўтилган таърифда аниқ кўрсатилмаган бўлса ҳам, бренд савдо белгилар тўпламини акс эттириши мумкин. Иккинчидан, истеъмолчиларнинг товар ҳақидаги тушунчалари нафақат товар белгилари каби график тарзда намойиш этилиши мумкин бўлган белгилар билан балки обрўси ва имиджи билан ҳам шаклланади.



1-Расм. “Товар белгиси”, “Савдо маркаси” ва “Бренд” атамаларининг фарқи

[33]И.Р.Давлетов. Бренд ва уни ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятлари “Аграр соҳани модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, таҳлил, аудит ва молия-кредит масалалари” мавзусидаги илмий-амалий конференцияси маъруза тезислари тўплами. Тошкент, 2012 йил, 8 май. 57-58 б.

Барча бухгалтерия концепцияларида актив таърифларида унинг қандай кретириялар асосида улчаш кераклиги кўрсатилмасдан, актив "келажакда иқтисодий фойда" келтириши кераклигини белгилаб қўйилган. Шу асосда сотиб олинган брендлар биринчидан, молиявий ҳисоботда актив сифатида эълон қилиниши мумкин, иккинчидан, корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган брендлар харажат сифатида тан олиш белгилаб қуйилган (МҲХС №38).

Брендни баҳолаш усуллари. Демак, брендларни актив сифатида тан олиш учун, унинг қийматини баҳолаш керак бўлади. Учта асосий тоифадаги баҳолаш усулларни: харажатлар, бозор қиймати ва даромад усулларини кўриб чиқамиз. Харажатлар усули брендни яратиш ёки сотиб олиш учун кетган сарфларнинг пулдаги қиймати. Номоддий активларга нисбатан ҳар хил шартлар қўлланилади. Масалан CocaCola каби брендларини яратиш учун нима сарфланган? Дастлабки пайдо бўлган машҳур брендларнинг ҳеч бири сотиб олинмаган, шунинг учун бренд қиймат мавжуд эмас. CocaCola 1890-йилларда ташкил топган ва шу вақтдан бери ўз брендини яратиб келмоқда; шунинг учун унинг қийматини аниқлаш учун капиталлаштирилиши мумкин бўлган ягона харажат йўқ. 130 йил давомида брендга сарфланган, уни дунё танитган барча энг машҳур реклама харажатларини ҳисобласа ҳам қийматини шакллантира олмайди. Чунки яширин рецепт, маркетинг ва бошқа омиллар ҳам брендни машҳур бўлишига ўзининг қийматини қўшган. Google ва Apple жуда машҳур брендлар, аммо улар ҳам уларнинг нархини аниқлашга ўринишларини истамайдилар.

Шунинг учун брендни харажатлар усулида баҳолаш мос вариант эмас, шунинг учун реклама, тадқиқот ва лойиҳалаш каби харажатларни капиталлаштириш брендни баҳолаш учун асос бўлмаслигини айтишимиз мумкин.

Бозор ёндашуви, бозорнинг мавжудлигини талаб қилади, аммо брендларда бозорлар мавжуд эмас. Улар камдан-кам сотилади ва улар кўпинча бизнесга қўшилади. Йўналтирувчи нуқтани белгилаш учун бозор мавжуд бўлмаганда, бозор ҳам товарни баҳолаш учун тўғри ёндашув эмас.

Бренд ўз эгаси учун фойдаланувчи жамоатчилиги томонидан келгусидаги иқтисодий манфаатларни баҳолаш - даромад усули ёки баҳолаш усули - энг мақбул ва долзарб усул бўлиб қолади ва кўпгина моделлардаги хусусиятлар у ёки бу кўринишда шаклланади[34].

[34] Salinas E. M., Pérez J. M. P. Modeling the brand extensions' influence on brand image //Journal of Business Research. – 2009. – Т. 62. – №. 1. – С. 50-60.



2-чизма. Бирлашган корхоналарда брендларни баҳолаш тизими

Дастлабки бренд тушунчаси 1990-йилларда тадбиркорлар томонидан эмас, балки харидорлар томонидан яратилган деган тушунча кенг тарқалган. Дастлабки концепциясида мижозлар капитали келгуси мижозлар томонидан ишлаб чиқарилган пул миқдорига нисбатан жорий қиймат қоидасини қўллаш орқали баҳоланган. Бу мижознинг умр бўйи ушлаб туриш капитали сифатида асосий йўналиши харидорларни сотиб олиш ва уларни сақлашга қаратилган. Аммо харидорларнинг танлови бренд номлари билан белгиланади ва мижознинг бренд орқали компанияга келиб тушган пул тушумини ифодалайди.

Бирлашган ёки қўшиб олинган корхоналарда брендларни ҳисобга олишнинг энг кўп ишлатиладиган усул – бу роялти усулдир. Бу аксарият бухгалтерия ҳисоби, банклар ва интеллектуал мулк тўғрисидаги қонунлар томонидан қўлланиладиган даромадга асосланган усул. Ушбу усулни ишлатиш жуда оддий ва кенг тарқалганлиги сабабли ишончли ҳисобланади. Агар бренд компания унга тегишли бўлмаса, товар белгисидан фойдаланганлиги учун учинчи шахсга роялти тўлаши керак деган тушунчага асосланади. Чунки компания товар белгисига эгалик қилганлик учун роялти тўламаслиги туфайли тежаб қолинган келажакдаги иқтисодий фойда қиймати капитализация қилинган жорий қиймат бўлиши керак. Ушбу ёндашувда

роялти ставкаси ҳамда товар кучи асосий таъсир этувчи омил ҳисобланади (2-чизмага қаранг).

Хулоса ва таклифлар. Савдо маркаси рўйхатдан ўтган бренд компания назорати остида бўлиб, унинг мижозлари ўртасидаги боғланиш бўлганлиги сабабли, бу компания учун келажакда иқтисодий фойда келтирадиган манба ҳисобланади. Бренд бу хусусиятга мувофиқ актив бўлиб, унинг шубҳали жиҳати ани ишончли баҳолаш имконияти мавжуд эмас. Бизнинг фикримизча, брендларни баҳолашнинг энг мақбул усул даромадлар усули ҳисобланиб, бу бренд ости корхоналарнинг ишлаб чиқаришини келажакдаги пул оқими бўйича ҳисобга олади. Бу усул ҳам брендларни баҳолашни осонлаштирмайди. Брендни баҳолаш брендни маркетинг, молиявий ва ҳуқуқий нуқтаи назардан батафсил текширишни ўз ичига олиши, брендни баҳолаш модели портфелда ёки бренд асосида стратегияни ишлаб чиқиш керак.

Корхоналар қийматининг аксарияти брендлар билан ифодаланиши мумкинлигини ҳисобга олсак, сотиб олувчи учун ушбу товар белгиларини, шу жумладан уларнинг қийматини, барқарорлигини ва кенгайиш имкониятларини батафсил тушуниши ва баҳолаши жуда муҳимдир. Шуни ҳисобга олган ҳолда бизнесни бирлаштирган компанияларда брендларни баҳолашни роялти усулини таклиф этамиз. Ушбу усулда бирлашган корхона брендни қиймати харажатларни капиталлаштириш натижасида, актив сифатида тан олиниб, акс эттириш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида” ги Қонуни 30.08. 2001, №267-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ПҚ-4611-сон. 24.02.2020
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисида”ги Қарори 507-сон 24.08.2020
4. Давлетов И.Р. Бренд ва уни ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятлари “Аграр соҳани модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, таҳлил, аудит ва молия-кредит масалалари” мавзусидаги илмий-амалий конференцияси маъруза тезислари тўплами. Тошкент, 2012 йил, 8 май. 57-58 б.
5. Salinas E. M., Pérez J. M. P. Modeling the brand extensions' influence on brand image //Journal of Business Research. – 2009. – Т. 62. – №. 1. – С. 50-60.
6. Schuiling I., Kapferer J. N. Executive insights: real differences between local and international brands: strategic implications for international

marketers //Journal of international marketing. – 2004. – Т. 12. – №. 4. – С. 97-112.
7. Simoes C., Dibb S. Rethinking the brand concept: new brand orientation //Corporate Communications: An International Journal. – 2001.
8. https://en.wikipedia.org/wiki/Trademark

PhD Абдуллаев З.Х. – ТДИУ СФ

Вафохожаева Д.М. – ТДИУ СФ

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларида гудвилни акс эттириш масалалари

Аннотация. *Ушбу мақолада маҳаллий ва хорижий олимларнинг гудвилнинг хусусиятлари ҳақидаги ёндашувлари ўрганилган. Шунингдек, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот маълумотлари асосида корхоналар бирлашганда қарорлар қабул қилишига таъсирини ҳисобга олган ҳолда, ошкор қилиш зарурлигини асосланган.*

Калит сўзлар: ички ишлаб чиқарилган гудвил, сотиб олинган гудвил, сотиб олиш ва бизнесни бирлаштириш, сотиб олиш усули.

Кириш. Глобаллашув шароитида кўплаб корхоналар рақобатдардошликка бардош бера олмай, бозорда ўз ўрнини юқотиши мумкин. Шунинг учун корхоналарнинг бирлашиш ва сотиб олиш операциялари натижасида бундай жараёнларнинг ўзига хос хусусияти бўлган гудвил каби номоддий активлар вужудга келади. Шуни таъкидлаш керакки, гудвил миқдори корхоналар активларининг баланс қийматига нисбатан иқтисодиёт соҳасига қараб фарқ қилади, баъзан 50%дан ошиши мумкин. Гудвил корхонанинг кўринмас қийматини акс эттиради, шунинг учун бу мураккаб аниқланадиган номоддий активларни ўрганиш фан ва амалиёт учун долзарб ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи. Илмий адабиётларда гудвилл билан боғлиқ энг долзарб муаммолардан бири бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда ички ишлаб чиқарилган гудвил ҳақидаги маълумотларни акс эттириш

имконияти ва зарурлиги ҳисобланади. Гудвил ҳақида иқтисодий адабиётларда асосан 2 та қараш бухгалтерия ҳисоби ҳамда иқтисодий ёндашув мавжуд. Кўпгина олимлар гудвилнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг мавжуд концептуал асослари бўйича ўрганган, хусусан Голов С.Ф., Городянская Л.В., Занони А., Кетти Ж., Костюченко В.Н., Ризаев Н.К., Давлетов И.Р., Уразов К.Б., Нурматов О. ва бошқалар ўзларининг илмий ишларида акс эттирган. Бироқ, иқтисодий ёндашув тарафдорлари: Брагг С., Вакун О.В., Дюба В.М., Травин В.В. ва бошқалар корхоналар бирлашиши ва сотиб олиниши операциялари натижасида эмас, балки ички ишлаб чиқарилган гудвиллни активларга киритиш имконини берадиган бухгалтерия ҳисоби қоидаларини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлаб ўтганлар.

Гудвил концепциясини ишлаб чиқишнинг бухгалтерия ҳисоби ёндашуви билан таққослаганда, иқтисодий ёндашув кенгроқ бўлиб, унга кўра, гудвил дастлаб компания томонидан ишлаб чиқарилади ва корхоналар бирлашиши ва сотиб олиниши операциялари пайтида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун, иқтисодий ёндашув вакилларининг фикрига кўра, бундай маълумотлар компаниянинг ҳисоботида ошкор қилиниши шарт, чунки бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига қарорлар қабул қилиш учун долзарб ва тегишли маълумотларни тақдим этишдир.

Гудвил тушунчасига бухгалтерия ёндашуви Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида (IFRS) очиб берилган, унга кўра, гудвил сотиб олиш усулини қўллашнинг охирги босқичи бўлиб, қолдиқ қиймати сифатида ҳисобланади. 3-сон МҲХС (IFRS) “Бизнесни бирлаштириш”да гудвилни алоҳида аниқланмаган, корхоналарни бирлаштириш натижасида олинган бошқа активлардан келиб чиқадиган, келажакда иқтисодий фойда келтирадиган актив сифатида таърифлайди. Амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот маълумотларида ички ишлаб чиқарилган гудвилни акс эттирмайди, чунки у 38 – сон “Номоддий активлар” МҲХС (IFRS)да белгиланган тан олиш тамойилларига мос келмайди. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларидаги ёндашувга кўра бухгалтерия ҳисобида гудвилни фақат сотиб олиш ва бизнесни бирлаштириш натижасида тан олишни назарда тутади, унга кўра сотиб олувчи сотувчининг бошқа хусусиятларга эга бўлган фазилатлари комбинацияси учун мукофот тўлайди.

Ички ишлаб чиқарилган гудвиллни бухгалтерия ҳисоби талабларига мувофиқ аниқлаш ва уни компания балансида актив сифатида қайд этиш

мумкин эмас, чунки таннарх баҳосини ишончли аниқлаш уни бошқа манбалардан алоҳида тан олиш ва компания томонидан назорат қилишнинг имконияти мавжуд эмас.

Шуни таъкидлаш керакки, гудвил ташкилот қийматига сезиларли таъсир кўрсатади. Кўпгина хорижлик олимлар ўз тадқиқотларида молиявий ҳисобот фойдаланувчиларининг қарор қабул қилишлари учун зарур бўлган маълумот сифатида ички ишлаб чиқарилган гудвилни кўрсатиш имкониятини кўриб чиқадилар ҳамда гудвил биринчи навбатда интеллектуал капиталнинг ривожланиши билан боғлиқлигини асослайдилар. Чунончи В.М.Дюба[35] муҳим камчиликлар орасида у интеллектуал капиталнинг таркибий қисмларини бухгалтерия ҳисобида ошкор қилмаслик ёки нотўғри кўрсатишни, Л.В.Городянская[36] гудвил - бу корхонанинг интеллектуал ресурсларидан фойдаланиш натижасида яратилган аниқланган ва аниқланмаган номоддий объектлар мажмуи, деб таъкидлайди. Корхоналарнинг ички ишлаб чиқарилган гудвилининг моҳиятини ўрганишда В.В.Травин[37] корхонанинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботида ушбу турдаги активлар тўғрисидаги маълумотларни акс эттириш зарурлигини асослайди, ички ишлаб чиқарилган гудвил таснифини беради ва алоҳида ҳисобдан фойдаланишни таклиф қилади. Олимлар ички ишлаб чиқарилган гудвилни баҳолашнинг турли усулларини: ортиқча фойда усули, муқобил усул, товар қиймати усули, тадбиркорлик фаоллиги индикатори ёрдамида баҳолаш усули, қолдиқ усулини таклиф қилишади. Бироқ, бу усуллар ички яратилган гудвилнинг фақат унинг алоҳида элементларининг нархини баҳолаш имкониятини беради.

Бизнинг фикримизча, бухгалтерия ҳисобида корхонанинг ички яратилган гудвилини кўрсатиш учун, кейинчалик гудвилни капиталлаштиришни назарда тутадиган ёндашув қўлланилиши, кейинчалик унга амортизация ҳисоблаш керак. Шунингдек, жорий бухгалтерия ҳисоби методологиясига мувофиқ, маъмурий ва тақсимлаш харажатларида акс эттирилган, ички гудвил доирасида актив сифатида акс эттирилган харажатлар тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор қилинишини ўзгартириш зарур деб ҳисоблаймиз. Биринчидан, бу фикр иқтисодий ва бошқа имтиёзларни, ишбилармонлик имиджини (кадрлар томонидан яратилган),

[35] Duba V.M. Concept of goodwill and intellectual capital // accounting and audit. - 2010. - No. 3. - pp. 31-34

36 Городянского Л. Гудвилл и воспроизводимые интеллектуальные ресурсы // Бухгалтерский учет и аудит. - 2009. - №5. - с.42-49

[37] Травин В.В. Особенности организации бухгалтерского учета внутреннего гудвилла как проявления социального капитала на микроэкономическом уровне // Вестник Житомирского государственного технологического университета. - 2010. - №2 (52). - с.192-199

ишбилармонлик алоқаларини сотиб олиш, ошириш ва яхшилаш билан боғлиқ харажатлар узоқ муддатли таъсир кўрсатишини назарда тутади. Шунинг учун бундай харажатлар давр харажатлари сифатида ҳисобдан чиқарилиши мумкин эмас.

Аммо шуни таъкидлаш керакки, ички ишлаб чиқарилган гудвилнинг қийматини уни ишлаб чиқариш харажатлари нуқтаи назаридан ўлчаш қийин. Харажатларнинг умумий қиймати: ходимларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш, бозорни ўрганиш ва савдо белгиларини, маркаларини яратиш ҳамда ривожлантиришга сарфланган харажатлар, биринчи навбатда, кутилган эффектни беради, бироқ, корхона инвестициялар таъсирида кутилган натижаларга эришилмаслиги мумкин, шунинг учун харажатлар таъсиридан келиб чиқиб, тахмин қилинган ички ишлаб чиқарилган гудвил қиймати баҳоланади. Бундай баҳолашда субъектив омилга сезиларли таъсир кўрсатиш эҳтимоли юқори ҳисобланади.



1-расм. Ички ишлаб чиқарилган гудвил қийматларининг гудвилга нисбати

Бу ерда 1 ва 2 - субъектив омил таъсирида баҳолаш пайтида вужудга келадиган гудвил қийматининг қисмлари;

3 - ички гудвил ва сотиб олинган гудвиллни баҳолаш усули ёрдамида аниқланиши мумкин бўлган гудвил қийматининг бир қисми.

Ички гудвилнинг мавжудлигини ва унинг даромадга таъсирини аниқлаш мумкин бўлган пайтда, уни яратиш билан боғлиқ харажатларни тахмин қилиш қийин ёки имконсиздир. Шунинг учун, молиявий ҳисоботда ички ишлаб чиқарилган гудвилни ошкор қилиш муаммосини ҳал қилиш усулларидан бири бухгалтерия ҳисоботидаги изоҳларда бундай харажатлар тўғрисидаги маълумотларни тузатиш ва тўплаш орқали амалга оширилиши мумкин, бу харажатларнинг таъсири корхонанинг рентабеллигига таъсири нуқтаи назаридан баҳоланиши керак.

Гудвил элементлари ҳақидаги маълумотларни бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда актив сифатида кўрсатиш учун бухгалтерия - таҳлил моделини яратиш ҳамда ишлаб чиқиш зарур. Бу, хусусан, корхоналарини сотиб олиш ва бирлаштириш чоғида юзага келадиган гудвилга тааллуқли бўлиб, фойдаланувчиларга якка ва бирлашган тадбиркорлик субъектларининг барқарорлиги ва истиқболлари тўғрисида тўлиқ маълумот беради. Ҳозирги вақтда молиявий ҳисоботга изоҳларда ички яратилган гудвил таъсирини ошкор қилиш талабларини ишлаб чиқиш керак. Агар корхона бирлаштирилган бўлса, у сотиб олинган гудвилл билан биргаликда топширилиши керак.

Хулоса. Корхоналар бирлашиши ва сотиб олиниши операцияларини амалга ошираётганда аниқланган гудвил ҳисобини ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга келдик.

1.Корхоналар бирлашиши ва сотиб олиниши операцияларини амалга ошираётганда аниқланган умумий гудвил ички ишлаб чиқарувчиларнинг гудвили, синергия ва ортиқча тўловдан келиб чиқадиган гудвилни ўз ичига олади.

2.Бухгалтерия ҳисобининг концептуал асосларида ички яратилган гудвилни ошкор қилишни назарда тутмайди, гудвил тўғрисидаги маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари учун корхоналарнинг ички гудвилининг бир қисми (бирлаштирилган)ни тан олиш ва ўлчашда универсал ёндашувни ишлаб чиқиш зарур.

3.Гудвил корхоналар қийматига таъсир кўрсатиши сабабли, молиявий ҳисоботда ички ишлаб чиқарилган гудвил ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш зарур. Бу масалани ҳал қилишнинг биринчи қадами сифатида молиявий ҳисоботнинг изоҳларида бундай маълумотларни акс эттириш бўлиши керак деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

1. Duba V.M. Concept of goodwill and intellectual capital // accounting and audit. - 2010. - No. 3. - pp. 31-34
2. International Financial Reporting Standards. www.ifrs.org/issued-srandards/list of-standards/ 2018.
3. 7-сон БҲМС «Номоддий активлар». ЎзР. АВ томонидан 2009 йил 14 февралда рўйхатга олинган, № 1485-1. http://lex.uz/nsbu.
4. Городянская Л. Гудвилл и воспроизводимые интеллектуальные ресурсы // Бухгалтерский учет и аудит. - 2009. - №5. - с.42-49
5. Давлетов И.Р. Аграр соҳада интеллектуал мулк объектларининг бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. -Т.: 2018
6. Пўлатов М.Э. Интеллектуал капитал ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. -Т.; 2017.
7. Ризаев Н.К. Интеллектуал мулк объектлари ҳисоби ва таҳлилини ташкил этиш методологияси, Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. -Т.: 2019.
8. Ризаев Н.К. Республикамизнинг инновацион ривожланишида интеллектуал мулк объектларнинг роли “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2018 йил
9. Уразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. Монография. -Т.: Фан, 2005. -236 б.;
10. Травин В.В. Особенности организации бухгалтерского учета внутреннего гудвилла как проявления социального капитала на микроэкономическом уровне // Вестник Житомирского государственного технологического университета. - 2010. - №2 (52). - с.192-199

Рақамли иқтисодиёт ва бухгалтерия ҳисоби.

Курбанов Зият Ниязович, Давлат солиқ қумитаси ҳузуридаги Фискал институт профессори, иқтисодиёт фанлари доктори.

Аннотация: *Мақолада рақамли иқтисодиётнинг назарий масалалари ёритилган. Рақамли иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисоби қандай ташкил этилади ва унинг методологиясида рўй берадиган ўзгаришлар ёритилган. Рақамли иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари кўрсатиб берилган.*

Калит сўзлар: *рақамли иқтисодиёт, “Криптовалюта”, “BlockChain”, “Bitcoin”, рақамли маҳсулотлар,бухгалтерия ҳисоби, счётлар.*

Аннотация: *В статье рассматриваются теоретические вопросы цифровой экономики. Рассматриваются основные направления совершенствования бухгалтерского учета в условиях цифровой экономики.*

Ключевые слова: *цифровая экономика, "Криптовалюта", "BlockChain", "Bitcoin", цифровые продукты, бухгалтерский учет, счета.*

Annotation: The article discusses the theoretical issues of the digital economy. The main directions of improving accounting in the digital economy.

Keywords: *digital economics, accounting, digitalization, distribution, digital resources, digitization*

Мамалакатимизда иқтисодий барқарорликни таъминлашда, ислоҳотларнинг амалий натижадорлигини оширишда рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва уни амалиётга кенг жорий этиш муҳим ҳисобланади.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва уни амалиётга кенг жорий этиш, бевосита бухгалтерия ҳисобининг ҳам методологиясини такомиллаштиришни талаб этади. Рақамли иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисоби қандай ташкил этилади ва унинг методологиясида нималар ўзгаради? Ҳозирги вақтда иқтисодчилар ўртасида рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши бухгалтерия ҳисобини ривожланишига қандай таъсир кўрсатади?- деган савол турибди. Бундай шароитда бухгалтерия ҳисобининг функциялари тўлиқ сақланиб қоладими?, унинг предмети ва методларида қандай ўзгаришлар бўлади, янги объектлари пайдо бўладими? - деган саволлар кўпайиб бормоқда.

Бизнинг фикримизча, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши асосида бухгалтерия ҳисобига янги талаблар қўйилади ва унинг янги объектлари намоён бўлади. Масалан, "Криптовалюта", "BlockChain", "Bitcoin" ва бошқалар. "Блокчейн — маълумотларни сақлаш учун тақсимланган реестр…" деган маънода ишлатилади. Блокчейн — бир-бири билан интернет орқали боғланган кўплаб компьютерларда бир вақтнинг ўзида ахборотларни сақловчи маълумотлар базаси бўлиб ҳисобланади. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши асосида активларнинг таркибида ўзгаришлар бўлиб, номоддий активларнинг улуши ошиб боради. Бу шароитда хўжалик юритувчи субъектлар операцияларни ягона регистрга ёзади ва сақлайди. Ягона регистр бухгалтерия ҳисоби ахборотларини тақсимлаш ва ўзора боғлиқлик тизимини таъминлайди. Бухгалтерия ҳисоби ахборотлари ягона регистрининг устунлик томони шундаки, бу шароитда ҳисоб ахборотларини бузиб кўрсатиш ёки йўқ қилиб юборишни умуман имкони бўлмайди. Чунки ахборатлар тақсимлаш ва криптография тизимлари билан ҳимояланган бўлади.

Баъзи иқтисодчилар бу тизимни " уч ёқлама ёзув" деб аташмоқда. Н.В.Емельяновнинг фикрича бу тизим ривожланади ва молиявий ҳамда

номолиявий ҳисоботларнинг ишончли базасига айланади.[38] Т.П.Карпованинг қайд этишича, ҳисобнинг янги объектларини, яъни инсон интеллектуал капитали, мижозлар базаси, инновацион маҳсулотлар, рақамли маҳсулотлар ва бошқа шунга ўхшаш объектларни алоҳида белгилаш мумкин.[39]

Рақамли иқтисодиётни шаклланиши шароитида бухгалтерия ҳисобининг бошланғич ҳужжатлари, методи, ҳисоб шакллари, ҳисоб регистрлари ва ҳисоботларида ўзгаришлар рўй беради.

Бухгалтерия ҳисобини рақамли иқтисодиёт шартларига мослаштириш бошлағич ҳужжатлардан бошланади. Бунга яққол мисол бўлиб электрон счёт фактура ҳисобланади. Электрон счет-фактурага ўтишнинг зарурият нима сабабдан келиб чиқди? Америкалик оператор “ЭДО Basware”нинг қўллаб қувватлаши асосида ”Billentis” компанияси томонидан чоп этилган «Электронные счета /электронные платежи. Оцифровка и автоматизация» (E-invoicing/E-billing Digitisation& Automation) номли ҳисоботда кўрсатилишича йилдан йилга тузилаётган счет фактураларнинг ҳажми (сони) 2-3 фоизга кўпайиши муносабати билан бизнесни ривожлантиришда электрон счет-фактура биринчи рақамга айланади. Бунинг асосида пул маблағларининг айланиши тезлашади ҳамда мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан иқтисодий муносабатлар яхшиланади. “Billentis” компаниясининг маълумотларига кўра 2017 йилда тузиладиган счет фактураларнинг сони бир йилда дунё бўйича 370 миллиард бўлса, Европа мамлакатлари бозорида 2016 йилги 36 миллиарддан 37 миллиардгача кўпайиши мумкин. Бу катта ҳажмдаги бошланғич ҳужжатларни электрон счет-фактура тузишга ўтиш йўли билан ҳал этиш мумкин. счет фактурага ўтишдан асосий мақсад ТМЗларни сотиш ёки сотиб олишда товар етказиб берувчилар ва харидорлар ўртасидаги ҳисоб китоб муносабатларини тезлаштиришдир.счет фактурани амалиётда қўллаш хориж мамлакатларида қандай йўлга қўйилган?

Хитойда солиқдан қочишнинг олдини олиш ва қонунчиликка риоя қилиш даражасини ошириш мақсадида замонавий ахборот технологияга асосланган “Олтин солиқ лоиҳаси “ (Golden Tax Project (GTP) деб номланган молиявий ислоҳатни амалиётга жорий қилинди.Бу молиявий ислоҳат бевосита ҚҚСга ҳам тегишлидир. Замонавий ахборот технологиядан

---

[38] **Емельянов Н.В. Влияние цифровизации экономики на развитие бухгалтерского учета. Научно-исследовательский электронный журнал «Экономические исследования и разработки/Economic development research journal». 2019.№1.**

[39] Карпова Т.П. Направления развития бухгалтерского учёта в цифровой экономике. / Т.П. Карпова // Известия Санкт-Петербургского Государственного Экономического Университета. - 2018. - №3 (111). - С. 52-57.

фойдаланишни такомиллаштириш ва қоғозсиз ҳужжатлар айланишини тезлаштириш мақсадида электрон архивлаштиришни ривожлантирмоқда.

Ҳиндистонда 2015 йил мартдан бошлаб қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар асосида барча счет фактуралар электрон шаклда берилиши шарт.

Индонезияда эса барча солиққа тортиладиган тадбиркорлар 2016 йил 1 июлдан бошлаб счет фактуралар (Faktur Pajak, FP) ва солиқ тўловлари электрон шаклда интернет орқали амалга оширишга мажбур қилиб белгиланган.

Қозоғистон Республикасида электрон счет фактура тузишга 2016 йил 1 январдан ўтилган. Қозоғистон Республикаси Солиқ Кодексининг (2017) 412-моддасига асосан 2019 йил 1 январдан бошлаб электрон счет фактура тузишга тўлиқ ўтиш белгиланган. Ушбу моддага асосан тадбиркор ҚҚС тўловчиси бўладими еки йўқми счет фактурани электрон шаклда тузишга мажбурдир.

Счет фактурага ўтишда Россия Федерациясида 2010 йил 27 июлдаги 229-ФЗ-сонли Федерал Қонун билан РФнинг Солиқ Кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш асос бўлди. Ушбу қонунга асосан РФнинг Солиқ Кодексида солиқ муносабатларида фойдаланадиган электрон ҳужжатлар рўйхати кенгайтирилди ва бу рўйхатга счет фактура ҳам киритилди.Счет фактурадан фойдаланиш РФнинг Солиқ Кодексининг 169-моддаси 1-бандида мустаҳкамлаб қўйилди. счет фактуранинг шакли эса РФ ФНСининг 2016 йил 24 мартдаги ММВ-7-15/155-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

Беларусь Республикасидасчет фактурани қўлланиши Саноат, Молия, Солиқ ва йиғимлар бўйича вазирликларининг 2017 йил 18 августдаги “Об особенностях использования бланков форм ТТН-1 и ТН-2 и выставления покупателю электронных счетов-фактур по налогу на добавленную стоимость” тўғрисидаги 5-1-68/438 / 15-1-17/307 / 2-1-9/01513-сонли буйруқлари билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг (2019) 47-моддасида ҳисобварақ-фактура қуйидагича эътироф этилган: “Товарларни (хизматларни) реализация қилишда юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар, агар мазкур моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу товарларни (хизматларни) сотиб олувчиларга ҳисобварақ-фактурани тақдим этиши шарт.

Ҳисобварақ-фактура, қоида тариқасида, электрон ҳисобварақ-фактураларнинг ахборот тизимида электрон шаклда расмийлаштирилади” (Кодекс, 2019).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июндаги “Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 522-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом”да “электрон ҳисобварақ-фактура” тушунчасининг таърифи келтирилган: “электрон ҳисобварақ-фактура

(кейинги ўринларда ЭҲФ деб аталади) — товарларни (ишлар, хизматларни) реализация қилиш ва сотиб олишни тасдиқлайдиган, ЭҲФ айланиш тизими операторлари орқали тақдим этиладиган ва қабул қилинадиган, қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган шаклларда расмийлаштирилган электрон ҳужжат.”

Мамлакатимизда рақамли маҳсулотларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилинди. Бунга яққол мисол бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16-августдаги “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот маҳсулотларидан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш ҳамда расмийлаштиришнинг божхона расмийлаштируви (декларациялаш) ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида низом” 670-сонли қарори ҳисобланади. Ушбу Низомда рақамли маҳсулотга қуйидагича таъриф берилган: **“Рақамли маҳсулотлар** – интеллектуал мулк объектларининг электрон нусхалари (рақамли товарлар), шунингдек электрон ахборот муҳитида моддий натижага эга бўлмаган муайян ҳаракатлар ёки муайян фаолиятни амалга ошириш, шу жумладан «булутли технологиялар» хизматини харид қилиш ва унга обуна бўлиш хизматлари (рақамли хизматлар)”[40].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, рақамли иқтисодиётни ривожланиши шароитида бухгалтерия ҳисобининг янги объектлари пайдо бўлади ва унинг методологиясини такомиллаштиришни талаб қилади.

Рақамли иқтисодиётни ривожланиши шароитида бухгалтерия ҳисобининг янги объектлари пайдо бўлишлигини ҳисобга олган ҳолда тегишли меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни таклиф қиламиз.

К.Б.Уразов - и.ф.д., проф., СамИСИ,
Ж.Ю.Сиддиқов – МА-120 гуруҳ магистранти, СамИСИ

ГИЛАМ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ВА УЛАРНИ ПАСАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

[40] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16-августдаги “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот маҳсулотларидан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш ҳамда расмийлаштиришнинг божхона расмийлаштируви (декларациялаш) ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида низом” 670-сонли қарори.

Аннотация: ушбу мақолада гилам ишлаб чиқариш харажатлари ва уларни пасайтириш йўллари очиб берилган.

Калит сўзлар: гилам, гилам маҳсулотлари, гилам ишлаб чиқариш, гилам ишлаб чиқариш технологик жараёни, ишлаб чиқариш харажатлари, таннарх, ўзгарувчан харажатлар, доимий харажатлар.

Аннотация: в данной статье раскрыты затраты на производство ковров и способы их снижения.

Ключевые слова: ковер, ковровые изделия, производств ковров, технология производства ковров, производственные затраты, себестоимость, переменные затраты, постоянные затраты.

Annotation: This article reveals the costs of carpet production and ways to reduce them.

Keywords: carpet, carpet products, carpet production, carpet production technology, production costs, cost, variable costs, fixed costs.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири — ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобланади. Корхоналар фаолиятининг молиявий натижалари, ишлаб чиқариш суръати ва уларнинг молиявий аҳволи унинг ишлаб чиқариш харажатларига бевосита боғлиқ. Ишлаб чиқариш харажатлари хўжалик фаолиятининг турли томонларини акс эттиради, барча ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш натижаларини ўзида жамлайди. Шу билан бирга, харажатлар бошқарув, мувофиқлаштириш ва назоратни талаб қиладиган асосий кўрсаткичлардан биридир.

Ҳозирги кунда гилам ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар фаолиятини баҳолашда таннарх муҳим ўрин тутади. Маҳсулотлар таннархини таҳлил қилиш эса гилам ишлаб чиқариш корхоналарида фойдаланилмаётган ички имкониятларни топиш ва ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишга ёрдам беради.

Маҳсулот таннархи корхоналар фаолиятининг асосий сифат кўрсаткичларидан бири бўлганлиги сабабли, гилам ишлаб чиқариш жараёнида асосий эътибор хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқарилган гилам маҳсулотлар таннархининг тўғри шаклланганлигига қаратиш лозим. Бунда ишлаб чиқарилган 1 бирлик гилам маҳсулотини ишлаб чиқаришда қайси турдаги харажатлар амалга оширилгани ва таннархда асосий салмоқни қайси турдаги харажатлар ташкил қилишини аниқлаб олиш жуда муҳим. Бу каби тахлилий жараёнлар маҳсулот таннархини пасайтириш ва корхона ички резервларини аниқлашга имкон беради.

Маҳсулот сотишдан олинадиган даромад ва сотиш ҳажми бевосита ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланган харажат қийматига боғлиқ. Ҳозирги кунда ҳар қандай корхона ўз маҳсулотининг сотиш баҳосини шунчаки ишлаб чиқариш таннархига зарур устама ҳаққини қўшиш йўли билан шакллантира олмайди, сотиш баҳосини ўртача бозор баҳоси даражасида чеклашга мажбур бўлади.

Рақобат устунлиги ҳар доим ишлаб чиқариш харажатлари рақобатчиларникидан паст бўлган ишлаб чиқарувчиларга тегишли бўлади. Аксинча, ишлаб чиқариш харажатлари катта бўлган корхоналар ҳар доим маҳсулот сотиш ва молиявий барқарорлик билан боғлиқ қийинчиликларга дуч келадилар, чунки уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотишда маҳсулотларига ўртача бозор баҳосидан келиб чиққан ҳолда нарх қўйишлари, барча харажатларни қоплаш ва фойда олиш учун етарли даромад олишга имкон бермайди. Шу сабабли маҳсулот таннархида қайси турдаги харажатлар ўрин олганини тахлил қилиш, бундан ташкари корхонада мавжуд ички имкониятлардан унумли фойдаланиш маҳсулот таннархини пасайтиришда муҳим рол уйнайди.

Гилам ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи субъектларда маҳсулот таннархини камайтиришда ускуналарнинг ишлаб чиқариш қувватидан тўлиқ фойдаланиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш энг самарали усуллардан биридир. Бунинг сабаби шундаки, корхонада амалга ошириладиган барча ишлаб чиқариш харажатлари ўзгарувчан ёки доимий бўлиши мумкин.

Ўзгарувчан харажатлар ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши билан бирга маълум нисбатда ўзгаради: ишлаб чиқариш ортса — харажатлар ҳам ўсади, ишлаб чиқариш камайса — харажатлар ҳам камаяди.

Бундай харажатларга маҳсулот ишлаб чиқариш учун хом-ашё ва материаллар сарфи, ишлаб чиқариш ишчиларининг иш ҳақи, ишлаб чиқариш ускуналарини ишлатиш вақтида энергия ресурслари сарфи ва бошқаларни киритиш мумкин.

Доимий харажатлар ишлаб чиқариш динамикасига деярли боғлиқ эмас, улар ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмидан қатъий назар мавжуд бўлади (ишлаб чиқариш ускуналарининг эскириши, ишлаб чиқариш биноларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш харажатлари, умумий эҳтиёжлар учун энергия харажатлари ва бошқалар). Мисол учун, гилам ишлаб чиқариш ускуналарининг қиймати юқорилиги инобатга олинса, бир ускунанинг ишлаб чиқариш қувватидан тўлиқ фойдаланмаслик натижасида ускунага ҳисобланган амортизация ажратмалари ой охирида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар таннархини ошишига олиб келиши мумкин.

Ҳар бир корхона ишлаб чиқариш технологик жараенининг ўзига хос хусусиятлари, ташкилий тузилмаси ва бизнес-жараёнлар занжиридан келиб чиққан ҳолда харажатларнинг умумий суммасида ўзгарувчан ва доимий харажатларнинг турли нисбатига эга.

Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш эвазига маҳсулот таннархини пасайтириш самарасини таҳмин қилиш учун, корхона ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил қилиш ва уларнинг ўзгаришини ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига нисбатан ҳисоблаш зарур. Биз ASIA CARPET TEXTILE МЧЖ корхонасининг фаолияти билан танишиш натижасида корхона томонидан технологик ускуналарнинг одатда 60-65% қувватда ишлатилишини аниқладик. Қуйида корхонада ишлаб чиқариладиган гилам маҳсулотларининг таннархига киритиладиган харажатлар таркибини таҳлил

қилиб, корхона фаолиятини ўрганиб, улардаги ўзгарувчан ва доимий харажатларни улушини корхона фаолиятидан келиб чиққан холда белгиладик ва шу асосда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш эвазига маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятларини ҳисоблаб чиқдик.

2-жадвал

Гилам ишлаб чиқариш харажатлари таркибидаги ўзгарувчан ва доимий харажатлар

(сўмда)

Харажат моддалари	Харажатлар улуши		15 000 бирлик маҳсулот учун харажатлар суммаси		
	Ўзгарувчан	Доимий	Жами	Ўзгарувчан	Доимий
Материал харажатлари	100%	0%	770 394 270	770 394 270	-
Меҳнат ҳақи харажатлари	70%	30%	28 840 221	20 188 154	8 652 066
Меҳнат ҳақи фондидан ижтимоий солиқ тулови	70%	30%	3 460 826	2 422 579	1 038 248
Амортизация ажратмалари	0%	100%	159 458 572	-	159 458 572
Коммунал харажатлар	90%	10%	25 954 206	23 358 785	2 595 421
Асосий ишлаб чиқариш харажатлари	**83%**	**17%**	**988 108 094**	**816 363 788**	**171 744 306**
Умумишлабчиқариш харажатлари	20%	80%	9 630 925	1 926 185	7 704 740
Жами ишлаб чиқариш харажатлари	**82%**	**18%**	**997 739 020**	**818 289 973**	**179 449 046**

Кўриб турганимиздек, ишлаб чиқариш бўйича корхонанинг жами ишлаб чиқариш харажатлари таркибида ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан ўзгарувчан харажатлар 83%, доимий харажатлар 22% ни ташкил қилмоқда.

Корхонада ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгарувчан ва доимий харажатларнинг мавжуд нисбатини инобатга олиб 25% га оширилса, яъни 18 750 м2 га оширилса, ўзгарувчан харажатлар ҳам 25% га ошиши, доимий харажатлар эса 15 000 м2 маҳсулот ишлаб чиқариш учун бир хил миқдорда қолиши керак.

Технологик ускуналар қувватидан тўлиқ фойдаланиш эвазига ишлаб чиқариш таннархининг ошиш миқдорини ҳисоблаб, уни гилам маҳсулотларини ишлаб чиқариш бирликларининг ортиш сонига бўламиз ва олинган натижани ишлаб чиқариш ҳақиқий ҳажмининг шу кўрсаткичи билан таққослаймиз (3-жадвал).

3-жадвал

Ишлаб чиқаришни ҳажмининг ошиши натижасида ишлаб чиқариш харажатлари динамикаси

(сўмда)

Ишлаб чиқариш ҳажми	15 000 м2			18 750 м2		
Асосий ишлаб чиқариш харажатлари	816 363 788	171 744 306	988 108 094	1 020 454 735	111 744 306	1 132 199 041
Бошқа харажатлари	1 926 185	7 704 740	9 630 925	2 407 731	7 704 740	10 112 471
Жами ишлаб чиқариш харажатлари	818 289 973	179 449 046	997 739 020	1 022 862 466	119 449 046	1 142 311 513
Бир бирлик маҳсулотнинг таннархи	66 516			60 923		

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики корхона узининг гилам ишлаб чиқариш ускуналари қувватидан максимал даражада фойдаланиши эвазига маҳсулот таннархини 8 % гача камайтириш (66 516 сўмдан 60 923 сўмгача) имконига эга бўлади.

Шунингдек, ишлаб чиқариш ускуналарини ишлатиш пайтида энергия ресурслари бўйича харажатларни тежаш, бунинг учун технологик ускуналардан тўғри фойдаланиш, уларни ўз вақтида ишга тушириш ва ўчириш ҳолатларига амал қилиш натижасида электроэнергия харажатлари камайтириш ҳам маҳсулот таннархини пасайишига сабаб бўлиши мумкин.

Гилам маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ушбу жараёнининг узлуксизлигини инобатга олганда, электр энергиясидан фойдаланиш коидаларига биноан энг юқори тариф қўлланиладиган тиғиз даврда электроэнергиядан фойдаланишни имкон даражасида чеклаш, имтиёзли тариф қўлланиладиган вақтлардан унумли фойдаланиш ҳолатларини йўлга қўйиш ҳам маҳсулот таннархини пасайтиришга сезиларли таъсир қилади.

Шунингдек технологик йўқотишлар, брак маҳсулотларини ишлаб чиқаришни олдини олиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, гилам ишлаб чиқаришда энг замонавий технологик асбоб ускуналардан фойдаланиш кабилар ҳам маҳсулот таннархини пасайатириш имконини беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, маҳсулот таннархини пасайтириш бугунги кунда ҳар қандай корхона, хусусан, гилам ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти учун жуда муҳим масалалардан биридир. Таннарх корхонанинг технологик қурролланиш даражаси, ишлаб чиқариш ва меҳнат шароитларини ташкил этиш, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси, моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ва ишлаб чиқариш ҳамда хўжалик фаолиятини тавсифловчи бошқа омилларни ўзида акс эттиради. Маҳсулот таннархини пасайтириш уни сифат даражасини ошириш, ресурслар тежамкорлигига эришиш орқали корхоналарга узининг молиявий салохиятини мустаҳкамлаш имконини беради. Бундан ташқари ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш корхонанинг бозоридаги рақобатбардошлигини сақлаш ва унинг ривожланиши учун зарур бўлган фойда ҳажмини ошишини таъминлайди. Шу сабабли, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришнинг янги усуллари ва омилларини доимий излаш, гилам ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ибрагимов А., Очилов И., Қўзиев И., Ризаев Н., Молиявий ва бошқарув ҳисоби./Ўқув қўлланма. -Т.: «IQTISOD-M OLIYA», 2008. 444 6.
2. Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х. Бошқарув ҳисоби/ — Т., Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008. — 252 бет.
3. Уразов К.Б., Пўлатов М.Э. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: «Инновацион ривожланиш нашриётматбаа уйи», 2020, 558 бет.
4. Уразов К.Б. Молиявий ҳисоб ва ҳисобот: ўқув услубий мажмуа.2018, 176 бет.
5. https://lex.uz/docs/3107036
6. https://president.uz/uz/lists/view/4057
7. buxgalter.uz
8. gazeta.norma.uz

Янгибоев Б. Я.

1. Иқтисод фанлари доктори, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти,

тел.90-607-70-77.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КОРХОНАЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ МОЛИЯВИЙ СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШ МАСАЛАЛАРИ.

Аннотация: Мазкур мақолада мамлакатимизнинг ҳисоб тизимида хўжалик юритувчи субъектлар талабига мос келадиган бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботларини тузиш ҳамда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг афзалликлари, аҳамияти ва шу билан бирга ҳисоб тизимидаги ўрнини ёритиб беришга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: ҳисобот, ҳисоб, молиявий ҳисоботлар, хўжалик юритувчи субъектлар, молиявий ҳисоботнинг миллий ва халқаро стандартлари.

Аннотация: В данной статье делается попытка раскрыть сущность составления финансовых отчетов всех хозяйствующих субъектов , а также преимущуство, значение и наряду с этим место в сиситеме финансовых отчетностей на основе международных стандартов.

Ключевые слова: отчетность, отчет, финансовые отчетности, хозяйствующие субъекты, Международные и национальные стандарты финансовой отчетности.

Annotation: The relevance of the chosen topic is confirmed by the fact that the current accounting system of the country has many unresolved issues in the process of preparing and analyzing financial statements based on international standards that meet the requirements of all users, as well as a small number of scientific works devoted to this topic. This article discusses the benefits of international financial reporting standards and their implications, as well as their role in the accounting system.

Key words: business entities, accuracy, cash flow and quality of profit, separate financial statements, "Interim financial reporting", International Financial Reporting Standards.

Ўзбекистонда мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ миллий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш масалаларига эътибор кучайтирилди. Бу борада **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 14 августда 475-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган** “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос” алоҳида

ўринга эга. Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни асосида ишлаб чиқилган ҳамда фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш асосини ташкил этувчи тушунчаларни белгилаб берди.

Мазкур концепция асосда бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини ривожлантириш, уларни қайта кўриб чиқиш, молиявий ҳисоботни тайёрловчи шахсларга бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларидан фойдаланиш, аудиторларга - молиявий ҳисоботларни бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига мос келиши бўйича хулосаларни тайёрлаш, молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга - молиявий ҳисоботдаги маълумотларни таҳлил қилиш каби мақсадлар қўйилган. Концептуал асос молиявий ҳисоботга, шу жумладан консолидациялашган молиявий ҳисоботга алоқадордир.

Молиявий ҳисобот кенг доирадаги фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган талабини қаноатлантириш учун тузилади ва даврий равишда тақдим этилади. Кўпчилик фойдаланувчилар учун молиявий ахборотнинг асосий манбаси молиявий ҳисобот ҳисобланади. Айрим фойдаланувчилар, тегишли ваколатлар бўлганда, молиявий ҳисоботда мавжуд бўлган ахборотга қўшимча ахборотни талаб қилишлари мумкин.

Молиявий ҳисоботлар бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари билан белгиланади. Молиявий ҳисобот ана шу ҳисоботларга асосланган ёки улар билан боғлиқ бўлган изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришларни ҳам ўз ичига олади. Бундай ахборотнинг саноат ва жуғрофий ҳудудларнинг фаолият турлари тўғрисидаги молиявий ахборотни акс эттириши, нархлар ўзгаришининг молиявий натижаларга таъсирини тушунтириб беришда ҳамда барча хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим қилишда концептуал асос сифатида амал қилишлари белгилаб берилган.

Мамлакатимизнинг бозор муносабатларига тўла ўтишига қаратилган бир вақтда жаҳон иқтисодий тизимига тўлақонли кириб бораётганлигининг ҳозирги шароитларида макроиқтисодий таҳлилнинг мутлақо янги усулларидан кенг фойдаланиш, ҳисоб ва ҳисоботларда халқаро стандартлардан тўла фойдаланиш заруриатини келтириб чиқармоқда. Бу ҳолатнинг ўзи ўз навбатида рақамли иқтисодиётга ўтиш ва шунга мос равишда халқаро стандартлардан фойдаланган ҳолда такомиллаштирилиб борилмоқда.

Бозор иқтисодиётининг ўзи рақамли иқтисодиётга ўтишга замин тайёрлади, десак анча тўғри бўлади. Бундай шароиларда бошқа фанлар қаторида “Бухгалтерия ҳисоби” фанида ҳам турлича мутлақо янги тушунчалар, талқинлар ва назарияларнинг, хусусан молиявий ҳисоб ёки ҳисобот тўғрисидаги турлича қарашларнинг юзага келиши бухгалтерия ҳисоби тизимидаги ислоҳотларни янада кенгроқ доирада давом эттиришни талаб қилади. Айниқса, дунёдаги аксарият кўпчилик мамлакатларнинг, шу жумладан Ўзбекистоннинг ҳам рақамли иқтисодиёт тамойилларига ва амалиётига ўтиши, тобора шаклланиб, такомиллашиб бораётган рақобат шароитига мос равишда барча талабларга жавоб бера оладиган ҳисобот тизимини ишлаб чиқиши бугунги куннинг долзарб масаласига айланиб улгурди. Натижада Ўзбекистоннинг жаҳон молия ва қимматли қоғозлар бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш учун етарли шарт-шароитлар яратилмоқда.

Мамлакатимиз ҳисоб тизимининг ривожида халқаро молиявий ҳисобот талабларининг ўзига хос ўрни бор, зеро юртимиз миллий иқтисодиётини пойма-пой ривожлантириш учун реал воқеликка илмий асосланган, барча талабларга тўла жавоб бера оладиган молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тузиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун барча статистик ва бухгалтерия ҳисоби бўйича етарли маълумотлар мавжуд.

Дунёдаги қатор давлатларнинг халқаро молиявий ҳисоблар стандартларига ўтаётганлиги боис, Ўзбекистоннинг ҳам бу жараёнлардан орқада қолиб кетмаслиги ва молиявий ҳисоблар халқаро стандартларига босқичма-босқич ўтиши заруриатини биринчи даражали вазифа қилиб белгилаб бермоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелда қабул қилинган **“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»** (Янги таҳрирда)ги қонунига мувофиқ 2021 йил 1 январдан бошлаб акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахсларнинг молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиши ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни халқаро стандартлар асосида тайёрлаши белгилаб қўйилди. Бунинг натижасида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлар асосида хорижий инвесторларни зарур ахборот билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисобот соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш масаласи ижобий ҳал қилинмоқда.

Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига кириб боришига тобора кенг имкониятлар яратилаётгани, барча хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоботлари молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларга мос бўлиши талаб этилади ҳамда бундай ёндашув воситасида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишимизни жадаллаштириш билан чет эл ва ички инвесторларга етарли шарт-шароитларни яратиш ва керакли ахборот коммуникация маълумотлари билан таъминлаш имкониятлари кенгаяди. Шунинг натижасида барча хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларни аниқлашда ва ҳисобга олишда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари ва миллий стандартларидан фойдаланиш имкониятлари туғилади.

Ҳозирги кунга келиб, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий натижаларни аниқлаш ва ҳисобга олишда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари ва миллий стандартларидан фойдаланиб келмоқдалар. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари 5 та ҳисобот шаклидан иборат бўлиб, ҳар бирининг ўзига хос мақсади ва йўналишлари мавжуд, жумладан, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари билан тартибга солинадиган “Алоҳида молиявий ҳисоботлар”, “Оралиқ молиявий ҳисоботлар”ни тузилишини, 27-сонли “Алоҳида молиявий ҳисоботлар”да қўшма корхоналар ва тадбиркорлик субъектларидаги инвестицияларга нисбатан бухгалтерия ҳисоби ва маълумотларни очиб бериш талабларини, 34-сонли “Оралиқ молиявий ҳисоботлар” да оралиқ молиявий ҳисоботнинг минимал таркибини белгилаш ҳамда оралиқ даврга тегишли тўлиқ ёки қисқартирилган молиявий ҳисоботларда тан олиш ва баҳолаш тамойилларини белгилашни тартибга солиниши инвесторларни уларнинг талабларига мос тушадиган маълумотлар билан таъминлашга имкон беради.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари 8 та ҳисобот шаклидан иборат бўлиб, уларда ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот, асосий хўжалик фаолиятидан тушган даромадлар, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, шуъба хўжалик жамиятларига сармояларни ҳисобга олиш ва консолидациялашган молиявий ҳисоботларни ифодалаш, бухгалтерия баланси, бухгалтерия баланси тузилган санадан кейинги хўжалик фаолиятининг назарда тутилмаган ҳолатлари ва юз берадиган ҳодисаларни ифодалаш каби бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти, унинг мақсади мақсадлари акс эттирилган.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида **2020 йил 24 февралда**

“Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги **Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ 4611-сонли қарори** қабул қилинди. Мазкур қарорга биноан, 18 та банддан иборат “**Йўл харитаси”** тасдиқлангани Ўзбекистоннинг ушбу йўналишдаги ҳаракатларига кенг йўл очиб бериши, шубҳасиз.

“**2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси**”да халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, шу жумладан етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш йўли билан, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестициялар ва кредитлардан самарали фойдаланиш вазифаси ҳам халқаро молиявий институтлар, жумладан, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари қўмитаси билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйишни долзарб масалалар қаторига кўтармоқда.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари - молиявий ҳисоботларни тузиш учун ҳужжатлар тўплами, молиявий ҳисоботларнинг тузилишини тартибга солувчи регламент бўлиб, ташқи фойдаланувчилар томонидан бирор-бир ташкилотга нисбатан иқтисодий қарор қабул қилиш учун фойдаланилади, бошқача айтганда хорижий инвесторларни мамлакатимизда фаолият юритаётган субъектларнинг акциялари, қимматли қоғозлари ва бошқа турдаги инвестицияларни киритишига жалб қилиши мумкин бўлган моддий бойликларнинг истиқболда ўсиши ёки пасайишини таҳлил қилиши учун зарур ахборотлар билан таъминлаш мумкин бўлади. Натижада мамлакатимиздаги йирик корхоналарга халқаро молия бозорларида иштирок этиш имкони яратилади. Масалан, республикамиздаги йирик корхоналарнинг хориж корхоналарнинг акция ва облигацияларини сотиб олиши эвазига ушбу корхоналарга инвестиция киритиш, пировардида корхонани ривожлантириш натижасида давлат бюджети даромадлар қисмига тушадиган маблағлар ҳажмининг ошишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек **“Жорий йилда мамлакатимизнинг халқаро молия бозорларига чиқиш имкониятлари янада яхшиланди, илк бор миллий валютада 2 триллион сўмлик давлат еврооблигациялари паст фоизларда жойлаштирилди. Бу йил республикамизда 197 та йирик, минглаб кичик ва ўрта корхоналар ҳамда инфратузилма объектлари барпо этилди.”**

Бугунги кунда эса муҳит тубдан ўзгарди. Ўзбекистоннинг ташқи дунёга кириши тўлиқ очилди. Шу маънода, эндиликда бухгалтерия ва аудит соҳаси мутахассислари олдига ҳисобдорликни янги дунё муносабатлари тизимига мос ҳолда йўлга қўйиш вазифаси юкланмоқда.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган барча хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисоботларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тузишга объектив зарурат пайдо бўлди. Бу борадаги барча Қонун ва қонуности ҳужжатларида назарда тутилган тартибга кўра миллий ҳисобларнинг халқаро стандартларини қўллаш тартиби жорий этилди. Ҳозирги цивилизация даврига келиб, мамлакатимизнинг ҳам дунё мамлакатлари қаторида жаҳон бозорларига фаол чиқиши, халқаро кредит олиши, хорижий инвестицияларни жалб қилиши учун молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тузиши лозим бўлади.

Солиқ муносабатларини тартибга солишнинг механизмлари

Ибрагимов Бобуршоҳ Боҳодир ўғли – фалсафа доктори (PhD), мустақил изланувчи, тел:+998946199001, bobursohibb@gmail.com.

АННОТАЦИЯ

Мақолада солиқ муносабатларини такомиллаштиришнинг зарурлиги, унинг аҳамияти амалиёти таҳлил қилинган. Таҳлилар натижасида муаллиф томонидан Ўзбекистонда солиқ муносабатларини тартибга солиш давлат солиқ сиёсатининг устувор вазифалари сифатида эътироф этилиши солиқ қонунчилиги меъёрлари асосида очиб берилган ҳамда муаллиф томонидан тегишли илмий хулосалар қилинган.

Калит сўзлар: *солиқ муносабатлари, соддалаштириш, солиқ тўловчилар, давлат солиқ сиёсати, солиқ базаси, солиқ тўловларини кечиктириш, инвестиция чегирмалари, солиқ имтиёзлари.*

Солиқ-давлат томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат бюджетига хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролардан ундириладиган мажбурий тўловдир. Солиқларнинг пайдо бўлиши нафақат товар ишлаб чиқариш ва жамиятнинг синфларга бўлинишида, балки давлатнинг пайдо бўлиши, унинг армия, судлар, мансабдор шахслар сақлаш ва бошқа харажатлар учун тегишли молиявий ресурслар талаб қилиниши билан ҳам боғлиқ.

Солиқлар дастлаб давлатнинг молиявий ресурсларни шакллантириш асосий манбаи ҳисобланар эди. Лекин кейинчалик, давлат мамлакат иқтисодиётини ташкил этиш ва унда ўз иштирокини таъминлашда солиқлардан иқтисодий муносабатларни тартибга солиш механизми сифатида ҳам фойдалана бошлади.

Солиқларнинг мамлакат иқтисодий ҳаётига таъсири кўп қиррали бўлиб. солиқ механизми воситасида ишлаб чиқариш ва қайта ишлаб чиқариш жараёнларга аралашиш иқтисодий жиҳатдан қулай ва оқилона бўлиши билан боғлиқ.

Мамлакатимизда солиқ муносабатларини тартибга солишга оид асосий қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси ва бошқа солиқ қонунчилиги меъёрий ҳужжатларида белгиланган. Солиқ муносабатларини тартибга солишда барча давлат томонидан қўлланиланиладиган асосий усуллари қуйидагилардан иборат:

- *солиқ тўловларини кечиктириш;*
- *инвестиция учун солиқ кредитлари бериш;*
- *солиқ таътиллари бериш;*
- *солиқ амнистияси бериш;*
- *солиқ имтиёзлари бериш;*
- *солиқ базасидан чегирмалар қилиш;*
- *солиқ режимларини танлаш;*

- *икки тарафлама солиққа тортишни олдини олиш халқаро келишувлар.*

Солиқ муносабатларини тартибга солиш энг истиқболли усули инвестиция учун солиқ кредитлари бериш ҳисобланади. Ушбу усулга кўра тегишли асослар мавжуд бўлса, солиқ тўлов муддати маълум бир муддатга ўзгаради. Бундай имтиёзлар илмий тадқиқот ишлари ва уларни ривожлантириш мақсадида, инновацион фаолиятни амалга ошириш, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга оид муҳим вазифани бажариш учун тақдим этилади.

Инвестициявий чегирмалар бериш мамлакатимиз амалиётида ҳам қўлланилади. Амалдаги солиқ қонунчилиги меъёрларига кўра инвестициявий чегирма:

✓ *янги технологик ускуналар қийматининг, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва (ёки) технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш харажатларининг ва (ёки) ахборот тизимларини яратишга доир инвестиция лойиҳалари доирасида маҳаллий ишлаб чиқаришнинг дастурий таъминотини сотиб олишга йўналтириладиган маблағлар суммаларининг 10 фоизи миқдорида;*

✓ *ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасининг 5 фоизи миқдорида қўлланилади.*

Бундан ташқари инвестициявий чегирма инновацион ишланмалар учун ҳам қўлланилади. Солиқ тўловчи томонидан илмий тадқиқотлар учун сарфланган харажатлари ҳам солиқ базасидан чегирилади. Лекин ушбу чегирмани қўллаш илмий тадқиқотлар учун амалга оширилган харажатларни:

✓ *янги маҳсулотни (товарларни, хизматларни) яратиш ёки ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни (товарларни, ишларни) такомиллаштириш;*

✓ *ишлаб чиқаришни ва бошқарувни ташкил этишнинг янги технологияларини, усулларини яратиш, улларни такомиллаштириш мақсадларига йўналтирилиши зарур ҳисобланади.*

Солиқ базасидан чегириладиган харажатлар тоифасига ер қаъридан фойдаланувчи солиқ тўловчи томонидан фойдали қазилмаларни қазиб олишни бошлашдан олдин геологик жиҳатдан ўрганиш, қидириш, фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир тайёргарлик ишлари учун амалга оширилган харажатлар, шу жумладан баҳолаш, жиҳозлаш, имзоли бонус ва тижоратбоп топилма бонусни тўлашга доир харажатлари ҳам киритилади.

Ушбу харажатлар фойдали қазилмаларни қазиб олиш бошланган пайтдан эътиборан солиқ тўловчининг жами даромаддан амортизация ажратмалари тарзида чегирилади. Солиқ базасидан чегириладиган ушбу тоифадаги харажатлар миқдори амортизация ажратмаларининг ҳар йилги суммаси солиқ тўловчи томонидан мустақил ҳисоблаб чиқилади. Солиқ тўловчининг ушбу харажатлари ҳисоб сиёсатида белгиланган амортизация нормаси асосида аниқланади. Қонунчилик мазкур тоифадаги харажатлар миқдорини шу тоифага киритилган ва амортизация ҳисобланадиган активлар жами харажатлар суммасининг 15 фоизидан ортиқ бўлмаслигини белгилайди.

Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муҳим солиқ муносабатларини тартибга солиш усулларидан бири солиқ тўловчилар (юридик ва жисмоний шахслар)га бериладиган чегирмалар бериш ҳисобланади. Ушбу ҳолатда солиқ

солинадиган базадан солиқ тўловчининг амалга оширилган харажатларини чегириш ва камайган солиқ базасига солиқ ҳисоблашга рухсат берилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига мувофиқ жисмоний шахслар (380-м.) солиқ солинадиган даромадларини солиқ ҳисобланадиган ойда ҳар бир ой учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,41 баравари миқдоридаги даромадлари солиқ солишдан озод этилади [1].

Солиқ бўйича жисмоний шахслар даромади бўйича чегирмаларни стандарт, ижтимоий, мулк ва касбий турларга бўлиш зарур, деган қарашлар ҳам мавжуд [2].

Солиқ ставкасини танлаш ва белгилаш ҳам алоҳида эътибор талаб қиладиган солиқларни тартибга солиш усули бўлиб, бюджетга йиғиладиган маблағлар миқдори айнан солиқ ставкаси даражасига боғлиқдир. Тадқиқотларимиз натижалари солиқ ставкасини белгилаш бюджетга тушумларни камайтирмайдиган, солиқ тўловчилар молиявий ҳолати ва иқтисодий фаолиятига салбий таъсир этмайдиган ва уларга фойда олиш имконини берадиган даражада бўлиши зарур, деган қарашларни тасдиқлайди [3].

Шунингдек солиқ муносабатларини тартибга солишда солиқ имтиёзлари ва санкциялардан ҳам кенг фойдаланилади. Солиқ муносабатларини тартибга солишнинг ушбу усулларидан тўғри ва ўз ўрнида фойдаланиш мамлакат солиқ сиёсати самарадорлигини таъминлаш учун хизмат қилади.

Мамлакатимизда солиқ имтиёзларидан иқтисодиёт соҳаларини ривожлантириш ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш учун кенг фойдаланиб келинмоқда. Мустақилликни дастлаб йилларида бозор иқтисодиёти талабларига мос банк тизимини шакллантириш, моддий техника базасини ривожлантириш, кредит ресурс базасини таъминлаш ва банклар томонидан кўрсатиладиган хизматлар турлари ҳамда сифатини ошириш мақсадларида банкларга бир қатор солиқ имтиёзлари берилди. Натижада ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз банк тизими ривожланди ва ягона давлат банки ўрнини иқтисодиёт соҳаларига хизмат кўрсатаётган миллий ҳамда хорижий банклар эгаллади [4]. Банклар томонидан юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатиладиган хизматлар тури ҳамда сифатининг халқаро талаблар даражаси таъминланди.

Худду шу каби солиқ имтиёзлари мамлакатимизда иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари, жумладан, тўқимачилик саноати, тиббиёт соҳаси, спорт-соғломлаштириш фаолияти, хорижий инвестецияни жалб этишни қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун ҳам жорий этилган [5].

Солиқ имтиёзлари тизими қуйидаги турларини ўз ичига олади: кечиктирилган тўлов, солиқ тўловчилар айрим тоифаларини солиқни тўлашдан озод қилиш, солиқ ставкаларининг камайтириш ва ҳоказо. Солиқ имтиёзларининг иқтисодий асослари ишлаб чиқарувчининг бозорга кириши тартиби ва шартларини олдиндан белгилаб берувчи географик, сиёсий, табиий ва иқлимий омиллардир. Давлатнинг солиқ сиёсати нафақат солиқ имтиёзларини тақдим этиш, балки ишлаб чиқарувчиларга ўз иқтисодий

салоҳиятидан фойдаланиш имкониятини бериш орқали бундай шароитларни тенглаштиришга қаратилган бўлиши керак.

Солиқ имтиёзлари тизими солиқ санкциялар тизими билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу тизимнинг таркибий қисмлари молиявий санкциялар - жарималар, жарималар, тўланмаган солиқлар ва маъмурий санкцияларнинг қўшимча айбловлардан иборатдир.

Шундай қилиб, солиқ муносабатларини тартибга солиш тизими давлат солиқ сиёсатининг мураккаб ҳаракати ва унинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат бўлади деган хулоса қилиш мумкин:

- ✓ *давлат харажатларини бюджет даромадлари билан қоплашни таъминлаш;*
- ✓ *солиқ тўловчилар манфаатларини таъминлаш;*
- ✓ *ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;*
- ✓ *мамлакат аҳолиси фаровонлиги учун зарур шароитларни таъминлаш ҳисобланади.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2019 йил 31 декабрь.
2. О.В. Березина. Вестник ТИСБИ, №4, 2000 г., О.Н.Кузнецова Международные налоговые отношения: проблемы и перспективы развития. Молодой учёный №21, 2014 г.
3. А.Темур. Темур тузуклари, Адолат, 2016 й.
4. stat.uz сайти.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 24 апрелдаги “Хусусий тижорат банкларини ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 1749-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 4-5-сон, 149-модда.

О.М. Эсанов – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси ассистенти

КОРХОНАЛАР КЎЧМАС МУЛКИНИ ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТДА АКС ЭТТИРИШНИ ТАРТИБГА СОЛИБ ТУРУВЧИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР, УЛАРНИ РЕСПУБЛИКАМИЗДА ҚЎЛЛАШ ЗАРУРАТЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ

Аннотация: Ушбу мақола корхоналар кўчмас мулкини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттиришни тартибга солиб турувчи халқаро стандартлар, уларни республикамизда қўллаш заруратлари ва аҳамияти ҳақида ёритилган.

Калит сўзлар: Бухгалтерия ҳисоби, ҳужжатлаштириш, МҲХС, БҲХС, баҳолаш, калкуляция, баланс.

Аннатация: В данной статье описаны международные стандарты учета и отчетности недвижимого имущества предприятий, необходимость и важность их применения в нашей стране.
Ключевые слова: Бухгалтерский учет, документация, МСФО, оценка, расчет, баланс.
Abstract: This article describes the international standards governing the accounting and reporting of real property of enterprises, the need and importance of their application in our country.
Key words: Accounting, documentation, IFRS, valuation, calculation, balance sheet.

Жоҳонда чуқурлашиб бораётган глобаллашув жараёнлари умумтан олинган халқаро меъёрлар ва стандартларга ўтиш ҳамда уларга амал қилишга бўлган талаблар кучаймоқда. Бу бевосита “халқаро бизнес тили” сифатида бухгалтерия ҳисоби ҳамда ҳисоботига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу борада ҳозирги кунда “1 та халқаро концептуал асос, 27 та Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари (БҲХС) ва 13 та Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) ва 33 та стандартларга интерпретациялар”[41] амалиётга тадбиқ қилинган бўлиб, улар турли соҳаларда фаолият юритаётган барча акциядорлик компаниялари, трансмиллий корпорациялар ва йирик компаниялар ўзларининг шўъба ва бошқа боғлиқ компаниялари билан биргаликда МҲХСларига мувофиқ молиявий ҳисоботларни ихтиёрийлик асосда тузиб келмоқдалар. Республикамизда ҳам ҳисоб ва ҳисоботни халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш, шу асосда молиявий ҳисоботнинг халқаро миқёсида гармонизациясига эришиш ҳамда илғор тажрибаларни ўрганиб, миллий даражада самарали фойдаланиш энг долзарб масаладир. Халқаро стандартларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида мамлакатимизда «700 дан ортиқ акциядорлик жамиятлари, 5008 та хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар»[42] МҲХСлар асосида молиявий ҳисобот тузишга ўтмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелда қабул қилинган “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” Қонуннинг янги таҳрири 22-моддасида

https://www.ifrs.org.ua/mezhdunarodny-e-standarty-finansovoj-otchyotnosti/; www.ifrs.org/issued-standards/list-of-standards/ [41]

[42] Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. Тошкент 2017. –Б.146.

“Халқаро стандартлар бўйича тузиладиган молиявий ҳисоботга доир талаблар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида белгиланади” деб қайд этилиши мамлакатимизда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг қўлланилишининг қонуний асосларини белгилаб беради.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясига бошқарув тизимида халқаро инструментлар ва стандартлардан кенг фойдаланишни кўзда тутувчи вазифалар киритилган.

Республикамизда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига ўтишининг зарурияти яна шу билан белгиланадики, дунё бозорларига чиқиш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтириш, дунё хом-ашё ва валюта биржаларига котировка қилиш, дунё банкларидан кредит олиш учун компания ва ташкилотлар томонидан МҲХСга мувофиқ молиявий ҳисобот тузиш талабини қўймоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳам бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига ўтиши ва ҳисоботини жаҳон андозалари даражасига чиқариш муҳим вазифа сифатида олдимизда турибди. Бунинг учун БҲХСни ва илғор хорижий тажрибаларни, соҳага доир жаҳон адабиётлари ва ҳужжатларини ўрганиш ҳамда уларни мамлакатимиз иқтисодиётининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жорий қилишдан иборатдир. Бу жуда ҳам долзарб масаладир. Ҳозирги кунда олдимизда бундан бошқа йўл ҳам бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам бу йўлда фақат мақсадимизга қараб ҳаракат қилишимиз керак.

Ҳозирги кунда шу мақсад йўлида миллий стандартларимиз халқаро стандартларга мувофиқ ҳолда такомиллаштирилмоқда. Шу жумладан корхоналар кўчмас мулкини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттиришни тартибга солиб турувчи халқаро стандартларни республикамизда қўллаш заруратлари ҳам пайдо бўлди ва бунинг аҳамияти корхоналарда кўчмас мулкларни

бухгалтерия ҳисобда ва ҳисоботларда тўғри акс эттирилиши тартибга солади. Бу бўйича ҳам ўрганиладиган ва амалиётга қўлаш лозим бўлган масалалардан биридир. Бунгунги кунда корхоналирнинг умумий активлари ичида катта қисмини бевосита кўчмас мулклар ташкил этади. Шунинг учун бу борада ишларни ҳам жадаллаштириш лозим бўлади. Бундан ташқари бизнинг миллий стандартларимизда кўчмас мулклар ҳисобини юритиш билан халқаро амалиёт бир қанча фарқлар мавжуд.

Бу борада Халқаро амалиётда кўчмас мулклар корхона асосий ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган, ижарага бериладиган, сотиладиган ва бошқа масалалардаги мулкларни алоҳида ҳисобини юритиш бўйича ҳар аълоҳида стандартлар мавжуд.Бу стандарсларга қуйидагиларни келтириш мумкин:

✓

-сон МҲХС “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш” стандарти;

✓

-сон БҲХС “Захиралар” стандарти;

✓

6-сон БҲХС “Мулк (ер), бино, машина ва асбоб-ускуналар” стандарти

✓

3-сон БҲХС “Қарзлар бўйи

✓

а харажатлар”

✓

0-сон БҲХС “Инвестициявий кўчмас мулк” стандарти

✓

-сон МҲХС “Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва давом эттирилмайдиган фаолият” стандарти

✓

6-сон БҲХС “Активларнинг қадрсизланиши” стандарти

✓

3-сон МҲХС “Адолатли (ҳаққоний) қийматда баҳолаш” стандарти

✓

1-сон МҲХС, “Бошқа компанияларга қатнашиш ҳиссаси тўғрисидаги ахборотларни очиқлаш” стандарти

✓

12-сон МҲХС, “Алоҳида молиявий ҳисобот” стандарти

✓

7-сон БҲХС (IAS), “Ассоциациялашган компанияларга инвестициялар ва қўшма корхоналар” стандарти

✓

а бошқа стандартлар.

Алоқа корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг долзарб муоммолри

Тадқиқотчи Ширинов У.А.

XXI асрда глобал ахборот жамиятига ўтиш жараёни кескин тезлашди. Замановий телекоммуникацион каналлар орқали ахборот билан тезкор билишиш имконияти давлатлар корхоналари ва кишилари ўртасида алоқаларни кенгайтирди, масофа сезиларли роль ўйнамай қўйди, ахборот бозори ривожланиши ва ҳаракатланишининг сифат жиҳатидан янги босқичи кириб келди.

Ҳозирги жамиятда кўпчилик соҳаларнинг ривожланиши анчагина даражада ахборот таъминоти қанчалик самарали ташкил этилганлиги билан белгиланади. Янги ахборот ва телекоммуникацион технологиялар иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Алоҳида компанияларнинг ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги, мамлакатнинг ички ва хорижий инвестерлар учун жозибадорлиги кўп жиҳатдан ахборот инфраструктураси ривожланиши даражасига боғлиқ. Сўнги йилларда “ахборот жамияти” атамаси кенг қўлланмоқда, унда “ахборотнинг олиниши, сақланиши, қайта ишланиши, узатилиши,

тарқатилиши ва ишлатилиши, яъни интерактив алоҳида мужассамлашган ўсиб бораётган техник имкониятлар ҳал қилувчи роль ўйнайди”.

Ахборот-коммуникацион технологиялар имкониятлари ўсиши Ўзбекистонга ҳам таъллуқлидир. 2010-2013 йилларда телекоммуникацион технология бозорларини ривожлантириш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Телекоммуникация технологиялари сохасини риожланиши Ўзбекистон иктисодиётида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар, ҳамда иқтисодий ислохатларнинг бош йуналишларидан бири хисобланади. Чунки бу йуналиш нафақат республикани ахборотлашган жамиятга айлантириш учун хизмат қилади, балки ахборот-коммуникациялар технологиялари ривожининг ҳозирги даврдаги асосий мазмуни шундан иборатки, у мамлакат иктисодиётини ривожланган давлатлар даражасига кўтариш учун ўзига хос етакчи тармоқ ролини ўйнайди.

Республикада телекоммуникация технологиялари ривожланишининг қонунчилик ҳуқуқий асосларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий актларда хисоб объектининг таснифий асослари яратилмаган. Телекомуникация хизматларининг алохида турлари бўйича махсулот таннархини калкуляция қилиш хозириги даврнинг долзарб муоммоларидан биридир. Биз телекомуникация хизматлари ҳисобини ёритишдан олдин, телекомуникация хизматлари турларини очиб берсак.

Телекоммуникация хизматларини қуйидагича таснифлаш мумкин.



1 чизма. Телекоммуникация хизматлари турлари.

Ўзбекистон ҳам умуммамлакат миқёсида ахборот коммуникациялар йўналишларидан бири, рақамли радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение тизимига ўтишдек ғоят муҳим ва катта ахамиятга молик ишлар амалга оширилмоқда. Радиоалоқа ва телерадиоэшиттиришнинг янги технологиялари XXI аср инфокоммуникациясининг энг замонавий соҳалардан бири ҳисобланади ва барча турдаги ахборотларни замон талабларига тўла жавоб берадиган тезкор шакллантириш, қайта ишлаш, узатиш ва қабул қилишни, сақлашни, жамиятни юксак савияда ахборотлаштиришни амалга оширадиган кўп функцияли видеоахборотлар тизимидир.

Мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш, очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш, одамлар онгида демократик қадриятларни шакллантиришда мустақил оммавий ахборот воситаларини, энг аввало, алоҳида аҳамиятга эга бўлган телерадиоэшиттириш фаолиятини ривожлантириш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Бугунги кунда телерадиоэшиттириш соҳаси 50 та телестудия, 13 та радиостанция, 36 та кабелли телевидение студияларидан иборат давлат ва нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларини ўзига қамраб олади.

Қуйидагилар Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

- аҳолини, шунингдек чет эл жамоатчилигини Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида рўй бераётган, ҳуқуқий демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш, мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган демократик ўзгаришлар тўғрисида кенг хабардор қилиш;
- аҳолининг таълим ва маданий савиясини ошириш, миллий анъаналарни, тарихий ва маънавий меросни сақлаб қолиш, фуқароларнинг онгида демократик қадриятларни шакллантириш, ёшлар ва ўсиб келаётган авлодни ватанпарварлик, ватанга муҳаббат ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган теле ва радиодастурлар сифатини, профессионал ва бадиий даражасини таъминлаш;
- Ўзбекистон МТРК телерадиоканаллари, таркибий бўлинмалари фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш, уларнинг иқтисодий мустақиллигини, ахборот хизматлари бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш, теле–радио кўрсатув ва

эшиттиришларини ташкил қилиш жараёнига бозор механизмларини тадбиқ этиш, ушбу соҳага мамлакатимиз ҳамда чет эл корхоналари, ташкилотлари ва молия институтларининг сармояларини жалб қилиш;

- замонавий талаблар ҳамда стандартларга мувофиқ техника базасини янада ривожлантириш, телерадиодастурлар тайёрлашга ахборот, компьютер ва медиатехнологияларни жорий этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- Ўзбекистон МТРК бўлинмалари ижодий ва техник ходимларининг касб маҳоратини такомиллаштириш, ижодий фаоллигини ошириш мақсадида уларни самарали қайта тайёрлаш, малакасини ошириш учун зарур ташкилий шарт-шароитлар яратиш;
- давлат ва нодавлат хорижий телерадиокомпаниялар, ахборот агентликлари, шунингдек халқаро ташкилотлар билан телерадиоэшиттириш соҳасида ахборот алмашиш бўйича самарали халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Телефон алоқаси хизматлари - телекоммуникация тармоқларига уланган мобиль ва стационар гўшаклар орқали мижозларга ҳақ тўлаш шарти билан ўзаро сўзлашувларни таъминлашга доир хизматлар.

Телефон алоқаси хизматлари икки турга бўлинади симли ва симсиз.

Интернет хизматлари - бу телекоммуникация тармоқларига уланган замонавий компьютер қурилмалари орқали фойдаланувчиларга турли мазмундаги ёзма ва тасвирий ахборотларни узатиш, қабул қилиш ва етказиб беришни, шунингдек ўзаро сўзлашувни таъминлашга доир хизматлар.

Бизни олдимизда турган асосий вазифа телекомуникация хизматлари ҳисобини такомиллаштириш, уни жаҳон андозаларига мос холда юритишини таъминлашдан иборат. Бунинг учун биз қуйидагиларни таклиф етамиз:

- телекомуникация хизматлари ҳисобининг методологик асосларини яратиш;
- радиоалоқа ва телерадиоэшиттириш хизматларини бухгалтерия ҳисоби объекти сифтида очиб бериш;
- телефон алоқаси ва интернет хизматларини ҳисоб обекти сифатида таснифлаш ва тавсифлаш;
- телекомуникация хизматларининг ҳар бир тури бўйича хизмат таннархи калкуляциясини такомиллаштириш.

УМУМЛАШГАН ДАРОМАДЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ ТАРКИБИ ВА ТУЗИЛИШИ

Рафеев Даврон Рафеевич
Доцент, и.ф.н., СамИСИ
Ахмедов Миржалол Абдусамад уғли
Магистрант, СамИСИ

Аннотация: *Мазкур мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро мезонлари асосида умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботни тузиш зарурияти ва уларнинг мазмуни баён этилган. Бу борадаги халқаро тажриба ўрганилиб, зарур таклиф ва тавсиялар берилган.*

Калит сўзлар: *Молиявий ҳисобот, ҳалқаро стандарт, инвестор, фойда ва зарар, бошқа тўплам даромад.*

Аннотация: *В данной статье разъясняется необходимость и содержание отчета о консолидированном доходе на основе международных критериев финансовой отчетности в экономике Узбекистана. Изучен международный опыт в этой области, даны необходимые предложения и рекомендации.*

Ключевые слова: *Финансовая отчетность, Международный стандарт, инвестор, прибыль и убыток, Прочий Совокупный доход.*

Abstract: *In this article, the need and the content of the report on the consolidated income based on the international criteria of the financial report in the economy of Uzbekistan are explained. International experience in this area has been studied and the necessary proposals and recommendations have been given..*

Key words: *Financial statements, International Standard, investor, Profit and loss, Other Comprehensive Income.*

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек мамлакатимиз иқтисодиётини жаҳоннинг ривожланган давлатлари амалиётида кенг қўлланилаётган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш, инвестицион жозибадорликни ошириш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бугунги кунда асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади.[43]

Халқаро молиявий ҳисобот деганда, МҲХС ёки АҚШнинг GAAP стандартларига мувофиқ ҳолда тузилган молиявий ҳисоботга айтилади. Ушбу икки турдаги стандарт дунёдаги барча фонд биржалари учун молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш қоидаларини тартибга солади ва шу биржалар томонидан тан олинади.

[43]Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. ПҚ-4611-сон 24.02.2020. www.lex. uz/docs/4746047 96 97

Халқаро молиявий ҳисоботнинг тўлиқ комплекти қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топади:

a) бухгалтерия баланси;

b) фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот;

c) қўйидагилардан бирини акс эттирувчи ҳисобот:

d) хусусий капиталнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

e) пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

f) ҳисоб сиёсати ва ҳисоботга (тушунтиришлар) очиқлашлар

МҲХСлар асосида тузилган молиявий ҳисоботлар инвестицион муҳитни яхшилайди. Мамлакатга йирик компаниялар томонидан инвестицияларнинг кириб келишига имконият яратади.

Ҳар бир инвестор қайси соҳага инвиститсия киритмоқчи бўлса, ўша соҳанинг молиявий фаолият натижаси билан қизиқади. Чунки, инвесторнинг асосий мақсади фойда олиш бўлса, ҳўжалик юритувчи субьектнинг фаолияти натижаси доимо фойда ёки зарар билан тугайди.

Шу сабабли ҳам умумлашган даромадлар (молиявий натижалар) тўғрисидаги ҳисобот муҳим бўлган ҳисоботлардан саналади.

Фойда - бу хўжалик субъектига таъсир этадиган асосий ва асосий бўлмаган фаолият, ҳодисалар шароитлар натижасида капиталнинг кўпайиши бўлиб, хусусий капиталга тўланадиган капитал бундан мустаснодир.

Зарарлар - бу асосий фаолият ва барча хўжалик муомалалари, ҳодисалар, шароитлар натижасида хусусий капиталнинг камайиши бўлиб, ҳаражатлар èки хусусий капиталнинг тақсимланиши натижасидаги камайиш бундан мустаснодир.

Ҳозирги кунга келиб республикамизнинг кўплаб олимлари МҲХСлари бўйича тадқиқот ишлари олиб бориб, миллий стандартларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига уйғунлаштириш бўйича ўз таклиф ва хулосаларини бериб келмоқда. Жумладан, С.Ташназаров томонидан олиб борилган тадқиқот ишида “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни” “Умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот” ҳисобот ёки “Фойда ва зарарлар ҳамда бошқа тўплам даромадлари тўғрисидаги ҳисобот” деб ўзгартириш таклиф этилади.



Ҳалқаро стандартларга мувофиқ Умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот иккита таркибий қисмдан ташкил топади.



Умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботнинг таркибида фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот алоҳида ўрин тутади.

Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг мақсади даромад ва харажатларни ташкилотнинг асосий (одатдаги) фаолияти ва асосий бўлмаган (одатдаги бўлмаган) фаолияти натижасида юзага келиши асосида таснифлаб, асосий фаолиятнинг фойдаси(зарари), солиқ тўлагунга қадар фойдаси ҳамда соф фойдаси тўғрисидаги ахборотларни уларнинг даромад ва харажатлари омиллари билан биргаликда тақдим этишдан иборатдир. Соф фойда тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш ҳисоботнинг бош мақсадидир.[44]

“Фойда ва зарарлар тўғрисидаги” ҳисобот минимум қуйидаги моддаларни ўз таркибига олиши лозим:

- ✓ тушум;
- ✓ операцион фаолият натижалари;
- ✓ молиялаштириш бўйича харажатлар;
- ✓ иштирок этиш методи бўйича ҳисобга олинадиган ассоциациялашган ва шўъба корхоналарнинг фойда ва зарарларидаги ҳиссаси;
- ✓ солиқлар бўйича харажатлар;
- ✓ одатдаги фаолиятидан олинган фойда ёки зарарлар;
- ✓ фавқулоддаги ҳолатлар;
- ✓ ҳисобот давридаги фойда ёки зарарлар [1-сон БҲХС, 81,82-м.].

1-сон БҲХСнинг 86-95 моддаларида тўғридан-тўғри “фойда ва зарарлар тўғрисидаги” ҳисоботда ёки бўлмаса ҳисоботларга бериладиган изоҳларда акс эттирилиши талаб этиладиган моддалар қайд этилган.

Агар даромад ва харажат моддалари салмоқли бўлса, уларнинг характери ва миқдори албатта алоҳида очиқланиши керак.

Қуйидаги даромад ва харажат моддалари алоҳида очиқланиши талаб этилади:

g) Заҳиралар қийматини мумкин бўлган сотишнинг соф қийматига қадар ҳисобдан чиқариш;
h) ташкилот фаолиятини реструктуризация ва реструктуризация қилинган харажатлар бўйича ҳар қандай баҳоланган мажбуриятларнинг қайтарилиши;
i) мулк, бино, машина ва асбоб-ускуналар объектларининг чиқиб кетиши;
j) тугалланаётган фаолият;
k) суд тортишувлари бўйича муросага келиш;
l) бошқа баҳоланадиган мажбуриятлар қайтарилиши.

Компаниялар “фойда ва зарарлар тўғрисида”ги ҳисоботида ёки унга берилган изоҳларида харажатларнинг характери ёки уларнинг корхона доирасидаги функцияларига асосланган харажатлар таснифидан фойдаланган ҳолда харажатлар таҳлилини келтиришлари лозим.

Reckitt & Colman pls

2011 ҳисобот йили учун

[44] С. Ташназаров, Д. Ташназарова. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари: Олий ўқув юртлари магис мтратура мутахассисликлари учун – СамИСИ, 2018. – 421 б.

Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот*, **

(минг АҚШ доллар ҳисобида)

	2010 й.	2011 й.
1. ***Соф реализация***	4,308,490	4,285,445
2. Сотиш таннархи	2,712,570	2,695,400
3. ***Ялпи фойда [1-2]***	**1,595,920**	**1,590,045**
4. Реализация бўйича харажатлар	1,145,171	1,137,681
5. Тадқиқот ва ишланмалар харажатлари		
6. Умумий маъмурий харажатлар	6,415	3,485
7. Бошқа операцион даромадлар	256,035	265,436
8. Бошқа операцион харажатлар	15,650	15,323
9. Операцион фаолият натижалари [3-4-5-6+7-8]	180,200	179,381
10. Шўъба компанияларга инвестициядан олинган даромад		
11. Фоизлар бўйича соф харажатлар		
12. Бошқа операцион бўлмаган харажатлар-соф		
13. Операцион бўлмаган фаолият натижалари		

[10-11-12]		
14. Фойда солиғига қадар фойда [9+ёки-13]	**23,749**	**19,385**
15. Фойда солиғи		
16. Соликдан кейинги фойда [14-15]	2,845	4,245
17. Акционер камчилигининг ҳиссаси		
18. Соф фойда [16-17]	415	377
19. Акцияга фойда		
	8,419	7,839
	5,989	**3,971**
	17,760	**15,414**
	2,960	2,569
	14,800	12,845
	———	———
	——	—

	14,800	**12,845**
	0.074	0.063

**Изоҳ: Харажатлар функцияси бўйича таснифланган*

***Изоҳ: Ушбу фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот шакли ва ундаги моддалар "Разъяснения Международных Стандартов Финансовой Отчетности. КМСФО. International Accounting Standards Board-Алматы, 2005."да 28-бетдаги жадвалдан олинди. Муаллиф томонидан жадвал шакли ва маълумотлари қайта ишланди.*

Умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботнинг яна бир таркибий қисми бошқа тўплам даромадлар тўғрисидаги ҳисобот ҳисобланади.

Бошқа тўплам даромадлар тўғрисидаги ҳисобот даромадлар ва харажатлар моддаларини ўз ичига олади, қайсики улар фойда ва зарарлар таркибида тан олинмайди, улар бошқа МҲХСларда талаб этилади ва йўл қўйилади.

Бошқа тўплам даромадлар компонентлари ўз ичига олади:

f) қайта баҳолашдан қийматнинг ўсиши ўзгариши (16-сон БҲХС "Мулк, бино, машина ва асбоб-ускуналар" ва 38-сон БҲХС "Номоддий активлар");
g) 19-сон БҲХС "Ходимларни рағбатлантириш"нинг 93а-бандига мувофиқ тан олинган белгиланган тўловлар билан пенсия режаларидан актуар фойда ва зарарлар;
h) хорижий бўлинма молиявий ҳисоботини ўтказишда юзага келадиган фойда ва зарарлар (21-сон БҲХС "Валютани алмаштириш курси ўзгаришининг таъсири");
i) сотиш учун мавжуд бўлган молиявий активларни такроран баҳолаш натижасида юзага келган фойда ва зарарлар (39-сон БҲХС "Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш");
j) пул маблағларини хеджилаштиришда хеджилаштириш инструментларидан фойда ва зарарларнинг самарали қисми (39-сон БҲХС).

Ушбу халқаро стандартлар асосида тузилган фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот бир қанча хусусиятларга эга. Биринчидан, ҳисобот номланиши билан фарқ қилади. Бу ҳисобот фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот деб номланса, бизнинг амалиётимизда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот деб номланади. Бундан ташқари, ҳисобот харажатлар таркиби жиҳатидан бизнинг амалдаги ҳисобот шаклларидан фарқ қилади. Иккинчидан, тадқиқот ва ишланмалар харажатлари операцион харажатлар таркибига киритилмасдан, алоҳида модда сифатида қайд қилинмоқда. Учинчидан, операцион бўлмаган фаолият натижалари алоҳида кўрсатилган, қайсики фойдаланувчиларда операцион фаолият ва операцион бўлмаган

фаолияти натижаларини бир-биридан аниқ фарқлаган ҳолда кўриш имкониятига эга бўлади. Тўртинчидан, акцияга фойда кўрсаткичи ахборот тариқасида келтирилган, бу эса ҳисоботнинг фойдалигини оширади. Бешинчидан, бухгалтерия атамаларида фарқлар мавжуд.

Бизнинг фикримизча, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни номланишини ўзгартириш керак, чунки бир вақтнинг ўзида ҳам фойдага, ҳам зарарга еришиб бўлмайди. Масалан: фойда ёки зарарлар тўғрисидаги ҳисобот.

Фойдаланилган адабиётлар ва интернет манбалар:

1. IAS 1 "Представление финансовой отчетности".
2. https://nrm.uz/contentf?doc=467907_(ias)_1_predstavlenie_finansovoy_otchetnosti
3. 1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”.
4. http://lex.uz/nsbu
5. С. Ташназаров, Д. Ташназарова. “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари: Олий ўқув юртлари магистратура мутахассисликлари учун – СамИСИ, 2018. – 421 б.

Тўраев Абдураҳим Нортожиевич – ТДИУ,

“Молиявий таҳлил ва аудит” кафедраси профессори

Хасанова Насиба Толлибой қизи – ТДИУ,

“Молиявий таҳлил ва аудит” кафедраси ассистенти

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ

Аннотация. Мақолада миллий ҳисоб асосида тузилган ҳисоботларнинг молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тузиш ва трансформация қилиш тартиби ёритиб берилган. Шунингдек, амалда мавжуд бўлган молиявий ҳисобот шаклларининг халқаро молиявий ҳисобот шаклларидан фарқли жиҳатлари ва уларни тузиш тартиби бўйича батафсил маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: молиявий ҳисобот, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, молиявий ҳолат тўғрисида ҳисобот, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, капитал ўзгариши тўғрисидаги ҳисобот

Бугунги кунда Моливий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (кейинги матнда МҲХС) бўйича тузилган молиявий ҳисобот янада кўпроқ режалаштириш, назорат ва капиталнинг бутлигини таъминлаш каби муҳим функцияларнинг ижросини таъминлаш, компаниялар томонидан молиявий, бошқарув ва стратегик қарорлар қабул қилиш учун асос бўлиб келмоқда. Бундай шароитда, халқаро молиявий ахборот алмашинув инструменти сифатида МҲХСни қўллаш алоҳида долзарблик касб этмоқда, чунки юртимиз хўжалик юритувчи субъектларларининг нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам тушунарли ва ишонч туғдирадиган ҳисоботларга ўтиши ҳисоб тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларининг жуда муҳим элементи ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботнинг транформациясини таърифлашда унинг қайси санадаги ҳолат бўйича ўтказилиши, унинг асосий мазмуни миллий стандартлар асосида тузилган ҳисоботни халқаро стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботга ўтказишга қаратилганлиги, трансформация жараёнида МҲХСларига мувофиқ ҳолатда қайта гуруҳлаштириш, қайта тан олиш, қайта баҳолаш, тўғирлашлар киритиш асосида халқаро талабларга жавоб берадиган ахборотларни шакллантирадиган янги тизимга ағдариш ва қайта ташкил қилиш жараёни эканлигига алоҳида урғу бериш лозим, деб ўйлаймиз. Молиявий ҳисобот бўйича тадқиқот натижалари асосида молиявий ҳисобот трансформациясига қуйидагича таърифни келтирамиз:

Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартлари (МҲХС) қўлланилиши мажбурий хусусиятдаги ҳужжат эмас, у тавсиянома характерига эга. Унда миллий стандартларидаги каби корхоналар тақдим этиши шарт бўлган молиявий ҳисобот шаклларини белгиламайди. МҲХСлари молиявий ҳисоботнинг асосий компонентлари ва уларда акс эттириладиган минимал ахборотлар таркибини белгилайди. МҲХСларини қўллаш компаниянинг мутлоқ ваколатидаги масаладир.

МҲХСларига исталган пайтда, тайёргарликсиз, тўғридан-тўғри ўтиб бўлмайди. Агарда тайёргарликсиз молиявий ҳисобот МҲХСлар бўйича трансформация қилинган тақдирда ҳам кутилган натижани бермайди. Шу боис, МҲХСларни биринчи марта қўллашда ёки миллий стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботни трансформация қилишдан олдин муҳит, шарт-шароит ва маълум тайёрганлик ишлари олиб борилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасидаги фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари, бошқа хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ва БҲМСларига мувофиқ молиявий ҳисоботни тузадилар. Юқоридаги имкониятларга эга бўлиш мақсадида компания молиявий ҳисоботни МҲХСлари асосида тузиш ва тақдим қилишни тақозо этади. Хўш, шундай катта имкониятларни очиб берадиган ҳамда компаниянинг шаффофлигини таъминлайдиган МҲХСлари асосида молиявий ҳисоботни тузиш қандай амалга оширилади? ва унга қандай эришиш мумкин? Бунинг иккита тан олинган йўли бор:

Биринчи йўли, БҲМСлари асосида тузилган молиявий ҳисоботни МҲХСлари асосида трансформация қилиш (1-расм);

Иккинчи йўли, миллий ҳисоб тизими билан ёнма-ён МҲХСларига мувофиқ параллел ҳисоб тизимини юритиш (2-расм).

Иккала йўлда ҳам битта талаб мавжуд. БҲМСлари ва МҲХСларини чуқур билиш, уларни қўллай олишда амалий компитенцияга эга бўлиш.

Биринчи йўл энг кўп қўлланиладиган, кам чиқимли ва нисбатан мураккаблик даражаси баланд эмас. Шуни таъкидлаш лозимки, молиявий ҳисобот трансформациясининг тартиб ва қоидаларини белгилайдиган МҲХСлари мавжуд эмас. Шу боис, ҳар бир корхона ўзининг ҳисоб сиёсатида трансформация асосларини мустақил ишлаб чиқиши лозим. Ушбу мақсадида трансформациянинг умумий ёндашувларини ишлаб чиқиш, тўпланган тажрибаларни умумлаштириш мақсадга мувофиқ.

Трансформация жараёнининг қуйидаги кетма–кетликда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

Биринчидан, миллий стандартлар бўйича тайёрланган молиявий ҳисобот компонентлари, шунингдек,бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ва бошқа ҳисобот моддаларининг кенгайтмалари акс эттирилган аналитик ҳисоб маълумотлари, керак бўлса бошланғич ҳужжатларни тайёрлаш лозим.

Иккинчидан, активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитал элементларини қайта классификациялаш, қайтадан баҳолаш ўтказиш. Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда ҳам ҳар бир тегишли моддани халқаро стандартларга мос ҳолда қайта классификация қилиш ва баҳолаш. Худди шунингдек, бошқа ҳисобот моддаларини ҳам бирма-бир халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш чораларини ишлаб чиқиш керак.

Учинчидан, **МҲХСлари даражасига етказиш учун тегишли тўғирлашлар киритиш, қўшимча проводкалар жадвалини ишлаб чиқиш керак.**

Тўртинчидан, **тегишли тўғирлашлар бухгалтерия проводкалари ёрдамида киритилгандан кейин МҲХСлари талабларига мувофиқ келадиган ҳисоботни тузиш.**

Бешинчидан, **МҲХСларига ўтишда атамалардан тўғри фойдаланиш муҳим роль ўйнайди. Миллий стандартлар асосида тузилган ҳисоботлардаги атамалар, кўрсаткичларнинг номланиши, уларнинг қисқармасини ҳалқаро стандартларга мос келадиган атамаларга ўтказиш лозим. Агарда кўрсаткич қайта гуруҳланиш ва баҳолаш асосидаги қиймати халқаро стандартларга мувофиқ келсада унинг номланиши мувофиқ бўлмаса, уни ўқиш қийинлашади, чалкашликларга олиб келади. Масалан, асосий восита эмас "Мулк, бино, машина ва асбоб-ускуналар" деб юритиш. Шу боис, атамалар тизимини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш лозим бўлади.**

Миллий стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботга трансформация қилишнинг ягона методологияси мавжуд эмас. Ҳар бир корхона ўзининг молиявий-хўжалик фаолияти хусусияти, ресурслари ва ходимларининг профессионал даражасидан келиб чиқиб трансформация жараёни методологиясини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ. Бизнинг фикримизча, ҳар бир корхона молиявий ҳисобот трансформацияси бўйича ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши шарт. Шу боис, компанияда молиявий ҳисобот трансформациясини амалга ошириш учун қуйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлиши керак:

- Компанияда МҲХСлари бўйича тузилган молиявий ҳисоботига зарурият бўлиши керак. Компаниянинг ички ва ташқи ахборот фойдаланувчиларида МҲХС бўйича тузилган молиявий ҳисоботдан фойдаланиш ва унинг асосида қарорлар қабул қилишига муҳит юзага келиши шарт;
- миллий стандартлар асосида тайёрланган молиявий ҳисобот объектив, ишончли, уйғун ва Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандартларига тўлиқ мувофиқ келиши керак. Аудиторлик хулосаси олиниши мақсадга мувофиқ. Фарқланишлар ва қалбакилаштириш ҳамда миллий стандартлар талабларидан четланишлар катта бўлган ҳолларда трансформация кутилган натижани бермайди. Чунки, БҲМСлари асосида тайёрланган молиявий ҳисобот МҲХСлари бўйича тузиладиган молиявий ҳисоботга хом-ашё ҳисобланади.

- корхонанинг замонавий менежмент тизими, хусусан, молиявий департамент бошқарув тизими, унинг таркибида молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими мавуд бўлиши керак.
- компания барқарор молиявий ҳолатга эга бўлиши керак. Барқарор бўлмаган, сурункали зарар билан ишлайдиган компаниялар молиявий ҳисоботини трансформацияси етарли шаффоф бўлмайди ва кутилган натижани бермайди.
- компанияда МҲХСларини биладиган, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот соҳасида чуқур профессионал тайёргарликка эга бўлган, иқтисодий математикани қўллай оладиган мутахассисларга эга бўлиши керак. Чунки, трансформация қийин, мураккаб ва профессионал ёндашувни талаб қиладиган жараён ҳисобланади. Чет тилини мукаммал биладиган ва соҳа бўйича хорижда малака оширган, хорижий компанияларда молия соҳасида ишлаган мутахассисларга зарурият мавжуд.

МҲХСни қўллашда айниқса биринчи ҳисоботни тузишга жуда катта эътибор қаратиш керак. Бу борада “МҲХС бўйича дастлабки ҳисоботни тақдим этиш жуда сермеҳнат ва мураккаб жараён бўлиб, кўрсаткичларни талқин қилиш чоғида малакали ёндашув, жуда катта ҳажмли ишончли ахборотни профессионал баҳолаш ва йиғишни талаб қилади. 2015 йил учун МҲХС бўйича дастлабки ҳисоботни тузиш учун компания ҳозирданоқ аввалги йиллар учун ҳисоботни трансформациялашни, активлар ва мажбуриятларни баҳолашни бошлаши керак. Жорий ҳисобот йилини «ёпгандан» кейин уни чоп этиш учун 2015 йилги МҲХС бўйича молиявий ҳисоботни тузиш керак” деган фикрлар тўлиқ ўринлидир.

МҲХСларига мувофиқ молиявий ҳисоботни тузишда **“Мазмуннинг шаклдан устунлиги”** тамойилига амал қилинади. Бу шуни англатадики, бизнинг миллий ҳисоб тизимимизда барча жараёнлар ялпи ва узлуксиз ҳужжатлаштирилади. Халқаро принциплар эса операциянинг қандай шаклда ва ҳужжатда расмийлаштирганлигига эмас, балки унинг иқтисодий моҳиятига эътибор қаратади. Масалан, адолатли қиймат асосида баҳоланиши кўп жиҳатдан жараённинг иқтисодий мазмунини тўлароқ тавсифлайди. Шу боис, халқаро стандартлар **адолатли баҳолашга** устувор аҳамият қаратади. МҲХСлари асосида тузилган молиявий ҳисоботнинг бош сифат тавсифларидан бўлиб унинг **уйғунлиги**, яъни қабул қилинаётган қарорларга қанчалик даражада таъсир кўрсата олиши ҳамда **ишончлилиги**, яъни ахборотларнинг қанчалик даражада объектив ва ҳаққоний жараёнларни акс эттириши бўлиб ҳисобланади.

1.Молиявий ҳисобот трансформацияси тушунчасига янги такомиллашган таъриф берилди ҳамда жараёни ва модели ишлаб чиқилган. Трансформация жараёнини амалга ошириш учта босқичга ажратилди:

тайёргарлик кўриш, процедурани амалга ошириш ва натижавий босқич. Ҳар бир босқичда амалга ошириладиган ишларнинг мазмуни, кетма-кетлиги мантиқан узвий боғлиқликда ёритиб берилди.

2.Халқаро ва миллий стандартлар ҳамда трансформация талабларига мувофиқ молиявий ҳисоботлар туркумланди. Бу масаланинг методологик ечими сифатида трансформация формулалари ва жадваллари ишлаб чиқилганлиги молиявий ҳисобот тузишни енгиллаштиради, унинг маълумотларини тўғрилигини ва ўзаро боғлиқлигини таъминлайди.

Ушбу хулосалар молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи фанини ривожлантиришга, мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини яхшилашга, молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштиришга, унда акс эттирилаётган ахборотларнинг объективлиги, ишончлиги ва уйғунлигини таъминлашга, ахборот фойдаланувчиларнинг зарур ахборотларни олиш имкониятларини кенгайтиришга, ҳисоботларнинг шаффофлик даражасини оширишга, молиявий таҳлилнинг ахборот имкониятларини кенгайтиришга, МҲХСлари асосида молиявий ҳисобот трансформациясини таъминлашга хизмат қилади. Ушбу хулосаларнинг амалиётга жорий қилиниши молиявий ҳисоботнинг потенциал хорижий инвесторларга ҳам тушунарли бўлишини таъминлайди, мамалакатда инвестицион муҳитни яхшилашга хизмат қилади, халқаро биржаларга молиявий ҳисоботларни тақдим этиш имкониятини оширади, қабул қилинаётган қарорларнинг ўз вақтидалигини ва самарадорлигини таъминлайди. Натижада, маҳсулот таннархини камайтириш, ресурслардан самарали фойдаланиш йўли билан иқтисодий самарага эришилади, компанияларнинг экспорт салоҳияти юксалади, маҳсулот рақабатбардошлигини оширади, ходимларни моддий рағбатлантириш учун имконият кенгаяди, бухгалтерлар ва аудиторларнинг профессионал малакаси ошади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Овчаренко В. Основные принципы, методика и проблемы составления консолидированной финансовой отчетности по МСФО. “Вестник МСФО” в Украине № 17, 4 августа 2015. https://product. ligazakon.ua/osnovnye-principy-metodika-i-problemy-sostavleniya-konsolidirovannoj-finansovoj-otchetnosti-po-msfo/

2. Трансформация бухгалтерской отчетности по МСФО. www.i-ias.ru/blog/competition_page/transformacia_msfo.html.

3.Трансформация отчетности по МСФО www.i-ias.ru/blog/competition-page/ 2018

4.Ташназаров С.Н., Ташназарова Д.С. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. СамИСИ, 2018. -421 б.

5. Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш (МҲХС ва илғор тажрибалар асосида). Монография. Т.: “Турон”, 2017 й.

Термиз Давлат университети

“Молия” кафедраси катта ўқитувчиси

Худайкулов Амир Меликулович

НОМОДДИЙ АКТИВЛАРНИ МУТЛАҚ ҲУҚУҚ БИЛАН СОТИШ ҲИСОБИНИНГ ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация. Номоддий активларни мутлақ ҳуқуқ асосида сотишнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган.

Калит сўзлар: актив, ҳисоб, аудит, бухгалтерия ҳисоби, номоддий активлар, мутлақ ва номутлақ ҳуқуқ

Бугунги кунда моддий кўринишга эга бўлмаган, лекин инсоният тараққиётига жуда катта ҳисса қўшаётган ва минглаб операцияларни ўта тезлик ва аниқликда қайта ишлаш имкониятига эга бўлган номоддий активларни замон талаблари асосида кенгроқ ўрганиш ҳамда улар ҳисобини аниқ юритиш етишиб келаётган ёш авлод олдида турган улкан вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу рукнда Сизга вазиятли асосда номоддий активни мутлақ ҳуқуқ билан сотишда юзага келадиган ҳисоб амалиётларини ёритиб беришга ҳаракат қиламиз.

Дейлик Шўрчи туманидаги “Мўмин текстиль” МЧЖ да тикиш машинасини ишлаб чиқариш бўйича дастурий маҳсулотга бўлган мутлақ ҳуқуқ мавжуд. Мазкур дастурий маҳсулотнинг дастлабки қиймати 25,0 млн. сўм, амортизацияси эса 11,0 млн. сўмни ташкил этади. «Мўмин текстиль”

МЧЖ Термиз шаҳридаги “Termiz Shindong-Spinning” қўшма корхонаси билан дастурий маҳсулотга бўлган мутлақ ҳуқуқдан воз кечиш бўйича шартнома тузди деб тасаввур қиламиз. Мазкур шартномага асосан дастурий маҳсулот 32,0 млн. сўмга баҳоланди ва “Termiz Shindong-Spinning” қўшма корхонасига берилди. Дастурий маҳсулотдан воз кечиш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказиш учун 449 325 сўм миқдорида давлат божи ундирилди (энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баробари миқдорида, яъни дейлик 149 775 * 3 = 449 325 сўм).

Шу ўринда Шўрчи туманидаги «Мўмин текстиль” МЧЖ ни ягона солиқ тўлови тўловчиси деб ҳисоблаганимизда, ушбу акциядорлик жамиятида юқорида келтириб ўтилган хўжалик жараёнлари қай йўсинда ҳисобда тўғри акс эттирилишини ва ундан пайдо бўладиган солиқ оқибатларини ифодалаб беришга ҳаракат қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2006 йил 14 январда 1539-сон билан рўйхатдан ўтказилган "Номоддий активларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан, номоддий активларни сотишдан олинадиган молиявий натижа сотишдан олинган тушум билан сотилган номоддий активларнинг қолдиқ (баланс) қиймати ҳамда ушбу активларни сотиш бўйича қилинган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Мазкур вазиятда дастурий маҳсулотни сотишдан олинган фойда 17550675 сўмни ((32 000 000 - (25 000 000 – 11 000 000) – 449 325)) ташкил қилади.

Ушбу ҳолатдаги ҳўжалик жараёнларини биз ҳисобда қуйидаги бухгалтерия счётлари корреспонденцияси билан тўғри акс эттиришимиз мумкин:

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм.	21-сон БҲМС бўйича счетлар корреспонденцияси		Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар
			Дебет	Кредит	
1.	Тикиш машинасини ишлаб чиқариш бўйича дастурий	32 000	4010-“Харидорлар ва	9220-“Бошқа активларнинг	Ҳуқуқдан воз кечиш бўйича

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм.	21-сон БҲМС бўйича счетлар корреспонденцияси		Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар
	маҳсулотни шартномага асосан бошқа юридик шахсга сотишни акс эттирганимизда		буюртмачи-лардан олинадиган счётлар” счёти	чиқиб кетиши” счёти	шартнома, ҳисоб-фактура
2.	Дастурий маҳсулотнинг дастлабки қийматини ҳисобдан чиқарганимизда	25 000	9220-“Бошқа активларнинг чиқиб кетиши” счёти	0430-“Дастурий таъминот” счёти	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
3.	Дастурий маҳсулотга ҳисобланган амортизацияни ҳисобдан чиқарганимизда	11 000	0530-“Дастурий таъминотнинг амортизация-си” счёти	9220-“Бошқа активларнинг чиқиб кетиши” счёти	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
4.	Дастурий маҳсулотдан воз кечиш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказиш учун давлат божи суммасини ҳисоблаганимизда	449,325	9220-“Бошқа активларнинг чиқиб кетиши” счёти	6990-“Бошқа мажбуриятлар” счёти	Тўлаш учун счет
5.	Давлат божи суммасини тўлаб берганимизда	449,325	6990-“Бошқа мажбурият-лар” счёти	5110-“Ҳисоб-китоб” счёти	Банк кўчирмаси
6.	Дастурий маҳсулот сифатидаги номоддий активимизни сотишдан олган фойдамизни акс эттирганимизда	17550,675	9220-“Бошқа активларнинг чиқиб кетиши” счёти	9320-“ Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда” счёти	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
7.	Сотилган дастурий маҳсулотимиз учун маблағ келиб тушганида	32000	5110-“Ҳисоб-китоб” счёти	4010-“Харидорлар ва буюртмачилар-дан олинадиган счётлар” счёти	Банк кўчирмаси

Ушбу дастурий маҳсулот сифатидаги номоддий актив объектини сотишда ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиладиган базага сотишдан олинган даромад киритилади.

Ягона солиқ тўлови масъулияти чекланган жамиятининг асосий фаолият турига тегишли ставка бўйича ҳисоблаб чиқарилади. 2017 йил 1 январдан бошлаб микрофирма ва кичик корхоналар томонидан тўланадиган ягона солиқ тўлови Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сон Қарорига 10-1, 10-2, 10-3-сон иловаларда белгилаб берилган ставкалар асосида ҳисобланади. Масалан, ишлаб чиқариш корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкаси, жумладан мазкур масъулияти чекланган жамият учун ҳам 5% ни, ягона солиқ тўлови суммаси эса 877,534 минг сўмни (17550,675 х 5%) ташкил этади.

Ўзбекистон “Камолот” ЁИҲ ни ривожлантириш жамғармасининг маҳаллий идоралари билан ўзаро бир-бирларини қўллаб қувватлаш тўғрисида кичик бизнес субъектлари билан тузган шартномаларига асосан (савдо корхоналари бундан мустасно) 2013 йил 1 январдан бошлаб мазкур хўжалик юритувчи субъектга ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммасининг 8 фоизи Ўзбекистон “Камолот” ЁИҲ ни ривожлантириш жамғармасига ўтказиб берилади[45].

Мазкур вазиятда Ўзбекистон “Камолот” ЁИҲ ни ривожлантириш жамғармасига 70,203 минг сўмлик пул маблағлари ўтказиб берилади (877,534x8%).

Хулоса қилиб айтганимизда, ягона солиқ тўловчи кичик бизнес субъектлари қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий равишда бюджетга тўлаб беришлари мумкинлигидан келиб чиқиб, тадбиркорларга берилаётган имкониятлардан янада кенгроқ фойдаланишимиз ва ҳисоб амалиётларини инсон манфаатлари учун янада такомиллаштиришимиз мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

О.М. Эсанов – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси ассистенти

КЎЧМАС МУЛКЛАРГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ОБЪЕКТИ СИФАТИДАГИ ТАСНИФИ ВА ТАВСИФИ

Аннотация: мақолада корхоналар кўчмас мулкига инвестицияларнинг моҳияти ва аҳамияти, шунингдек уларнинг ҳисобини олиб боришда муҳим аҳамият касб этувчи таснифий жиҳатлари очиб берилган.

Калит сўзлар: кўчмас мулк, бошланғич қиймат, корхоналар кўчмас мулки инвестиция, ҳисоб.

Аннотация: В статье раскрываются сущность и значение вложений в недвижимость предприятий, а также классификационные аспекты, играющие важную роль в их бухгалтерском учете.

Ключевые слова: недвижимость, начальная стоимость, вложения предприятий в недвижимость, учет.

[45] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ-1887-сон Қарорига 35-илованинг 14-банди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 30 майдаги 240-сонли Қарори билан тасдиқланган Низом.

Abstract: The article describes the nature and importance of investments in real estate of enterprises, as well as the classification aspects that are important in their accounting.

Key words: real estate, starting value, real estate investment in enterprises, account.

Ҳозирги кунда Республикамиз иқтисодиётни модернизациялаш ва у билан боғлиқ кўрсаткичларини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб уларнинг асосий бўғинни ташкил қилувчи корхоналар кўчмас мулкига киритилган инвестициялар ҳажми билан белгиланади. Республикамизда ушбу кўрсаткич йилдан йилга ошиб бормоқда

Президентимиз 2021 йил 30 сентябрь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро иқтисодий форум доирасидаги тадбирларда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Жаҳон банки, “Rothschild Co” компанияси ва ВТБ банки делегацияларини қабул қилди. Иқтисодиётни юқори суръатлар билан ривожлантириш учун фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш зарурлиги такидланди. Умуман олганда бугунги кунда Жаҳон банкининг 4.8 миллиард долларлик молиявий ресурсларини жалб этган ҳолда амалга ошириладиган 26 та лойиҳа ҳамкорлик портфелини ташкил этади. Энг муҳими форум доирасида Навоий кон-металлургия комбинатининг лойихалари учун 1 миллиард долларлик кредит линиясини ажратиш тўғрисида биринчи битиб имзолангани мамнуният билан қайт этилди.[46].

Республикамизда шунчалик катта миқдорда инвестициялар киритилаётган кўчмас мулкнинг ўзи нима? Кўчмас мулк таркибан ўз ичига нималарни олади? Кўчмас мулкга қандай сарфлар уларнинг қийматини оширади, қайсилари эса улар қийматига киритилмайди? Кўчмас мулкга киритилаётган инвестициялар ўзи нима ва уларнинг манбалари нималардан иборат? Кўчмас мулкларга инвестицияларни қайси белгилари бўйича таснифлаш ва тавсифлаш ва улар ҳисобини юритишда муҳим ҳисобланади?

Фуқаролик кодексининг *(бундан кейин - ФК)* **83-моддасига** мувофиқ мол-мулк фуқаролик ҳуқуқлари объекти сифатида кўчмас мулкка ва кўчар мулкка бўлинади. Кўчмас мулк деганда бир жойдан бошқа жойга унинг яхлитлиги ва мақсадли вазифасига зарар етказмасдан олиб ўтиб бўлмайдиган мол-мулк тушунилади. Унинг хусусиятларидан бири кўчмас мулкнинг албатта ер билан боғлиқлиги ҳисобланади: у ер юзасида (бино ва иншоотлар, кўп йиллик дов-дарахтлар) ёки унинг қаърида (фойдали қазилмалар, сув ресурслари ва ҳоказо) жойлаши тушунилади.

Корхоналар кўчмас мулки деганда бир жойдан бошқа жойга унинг яхлитлиги ва мақсадли вазифасига зарар етказмасдан олиб ўтиб бўлмайдиган ҳамда улар томонидан узоқ муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишда

[46] Ўзбекистон Республикас Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2021 йил 30 сентябрь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро иқтисодий форум доирасидаги тадбирларда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Жаҳон банки, “Rothschild Co” компанияси ва ВТБ банки делегацияларини билан учрашуви. //Янги Ўзбекистон, 2021 йил 1 октябрь

маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш учун тутиб туриладиган моддий активлар тушунилади. Бухгалтерия ҳисоби қонунчилиги ҳужжатларида, шу жумладан 5-сон БҲМС “Асосий воситалар”да[47], стандартнинг номидан кўриниб турибдики, ушбу моддий активлар «асосий воситалар» номи билан ҳам аталади.

Таркибига кўра корхоналарнинг кўчмас мулклари ўз ичига қуйидагиларни олади (1-жадвал)

1-жадвал

Корхоналар кўчмас мулки таркибига кирувчи моддий активлар[48]

№	Асосий капитал гуруҳи	Гуруҳга кирувчи моддий активлар ва уларнинг тавсифи
1	**Бинолар**	цех, омбор, лаборатория, идора, гараж, ўт ўчириш депоси ва шу каби меҳнат шароитини яратиб берувчи, товар-моддий бойликлар бутлигини таъминловчи объектлар; бинолар таркибига уларни нормал эксплуатация қилиш учун зарур бўлган барча коммуникациялар, яъни иситиш, вентиляция, сув ва газ таъминоти, лифт, ёнғинга қарши ва сигнализация қурилмалари, телефон алоқаси симлари тизимлари ҳам киритилади.
2	**Иншоатлар**	очиқ айвонлар, деворлар, сув миноралари, темир йўл шаҳобчалари, насос станциялари, каналлар, сув ҳавзалари, асфальтланган йўллар ва йўлкалар.
3	**Ер**	Халқарода кўчмас мулк объекти киритилади. Мамлакатимизда ҳам бу жараён бошланди.

Юқорида номлари зикр этилган кўчмас мулклар корхоналар умумий мулкида бажарадиган функциялари ва вазифалари бўйича катта аҳамият касб этади. Улар қиймати бўйича ҳам корхоналар умумий активларида катта улушга эга бўлади. Айнан шу боис ҳам, кўчмас мулклар корхоналарнинг асосий капитали сифатида эътироф этилади.

Корхоналар асосий капиталга нисбатан турлича сарфларни амалга оширади. Бухгалтерия ҳисоби қонунчилиги ҳужжатларига кўра ушбу сарфлар иккита гуруҳга ажратилади:

- ✓ капиталлашадиган сарфлар, яъни капитал инвестициялар;
- ✓ капиталлашмайдиган сарфлар.

[47] 5-сон БҲМС «Асосий воситалар» (Ўз.Р Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатга олинган)

[48] Уразов К.Б. Молиявий ҳисоб ва ҳисобот. 2-қисм.- Самарканд,2019, 24-25-бетларда келтирилган маълумотлар асосида тузилди.

Кўчмас мулкга инвестициялар деганда улар таннархига киритиладиган ва, мос равишда, уларнинг бошланғич қийматини ташкил қиладиган сарфлар тушунилади.

Бошланғич қиймат – бу тўланган ва қопланмайдиган солиқларни (йиғимларни), шунингдек активни ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган етказиб бериш ва монтаж қилиш, ўрнатиш, ишга тушириш ва исталган бошқа харажатларни ҳисобга олган ҳолда, асосий воситаларни тиклаш (қуриш ва қуриб битказиш) ёки харид қилиш бўйича қилинган харажатларнинг қиймати[49].

Кўчмас мулкларни харид қилиш билан боғлиқ харажатларга қуйидагилар киради:

- рўйхатга олиш йиғимлари, давлат божлари ва кўчмас мулкга бўлган ҳуқуқни харид қилиш (олиш) бўйича амалга оширилган бошқа шунга ўхшаш тўловлар;
- кўчмас мулк объектларини харид қилиш (барпо этиш) муносабати билан солиқлар ва йиғимлар суммалари (агар улар қопланмаса);
- кўчмас мулк объектларини харид қилиш (барпо этиш) билан боғлиқ ахборот ва маслаҳат хизматлари учун тўланадиган суммалар;
- кўчмас мулк объекти воситачилар орқали олинганда уларга тўланадиган мукофотлар;
- кўчмас мулкдан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун уни ишчи ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

Кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни тўлашга доир харажатлар қарз капитали ҳисобидан тўлиқ ёки қисман сотиб олинган кўчмас мулкларнинг бошланғич қийматига киритилмайди.

Бундан ташқари харид қилинган кўчмас мулк ҳақини тўлаш билан боғлиқ банк хизматлари, шу жумладан аккредитив очиш, хорижий валютани ўтказганлиги ва конвертация қилганлиги учун банкка воситачилик ҳақи тўлаш бўйича харажатлар, шунингдек шартномани тайёрлаш ва рўйхатга олиш харажатлари кўчмас мулкнинг бошланғич қийматига киритилмайди, балки улар юзага келган ҳисобот даврида харажатлар сифатида тан олинади.

Корхонанинг ўзи томонидан яратилган кўчмас мулкларнинг бошланғич қиймати мазкур мулкларни барпо этиш (қуриш, қуриб битказиш) бўйича ҳақиқий харажатлар суммаси миқдорида тан олинади.

Қурилиш даврида қурилиш учун олинган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар барпо этилган кўчмас мулкларнинг бошланғич қийматига киритилади.

Кўчмас мулкларга қилинган капитал инвестициялар кўчмас мулклардан фойдаланишда келгусидаги иқтисодий нафни оширса уларнинг бошланғич

[49] 5-сон БҲМС «Асосий воситалар» (Ўз.Р Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатга олинган)

қийматини оширади. Келгусидаги иқтисодий нафни оширмайдиган бошқа барча харажатлар улар амалга оширилган даврда харажатлар сифатида тан олинади, яъни бундай сарфлар (харажатлар) капиталлаштирилмайди.

Асосий воситаларни қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан таъминлаш, реконструкция, модернизация қилиш, техник қайта қуроллантиришга харажатлар, улар тугатилганидан сўнг, агар улар натижасида асосий воситалар ишлатилишининг дастлаб қабул қилинган меъёрий кўрсаткичлари (фойдали хизмат муддати, қуввати, қўллаш сифати ва ҳ.к.) яхшиланса (ошса), бундай объектнинг бошланғич қийматини оширади.

Кўриниб турибдики, кўчмас мулкга қилинган сарфларни капиталлашадиган ва капиталлашмайдиган сарфлар сифатида тўғри тан олиш ва ҳисобга олиш ўта муҳим ҳисобланади. Чунончи, капиталлашиши лозим бўлган сарфларни асосий капитал қийматига киритмаслик, бир томондан, улар амортизацияси (эскириши)ни нотўғри ҳисобланишига, иккинчи томондан жорий давр молиявий натижаларини нотўғри аниқланишига олиб келади. Мос равишда, асосий капиталга инвестициялар ҳисобидаги хатоликлар корхоналар томонидан тўланадиган фойда солиғини ҳам нотўғри ҳисобланишига олиб келади. Бу эса корхонага нисбатан турли молиявий санкцияларни қўланилиши натижасида салбий оқибатларни юзага келтириши мумкин.

Юқоридагиларнинг барчаси корхоналар кўчмас мулкига инвестициялар бухгалтерия ҳисобининг ўта муҳим ва масъулиятли объектларидан бири эканлигидан ҳам дарак беради. Корхоналар кўчмас мулкига инвестицияларни тўғри таснифлаш ва тавсифлаш, улар суммаларини реал тан олиш бухгалтерлар олдига мазкур объекга қилинган сарфларни мақоми, уларни капитализация қилиниши ёки қилинмаслигига меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда қўйилган тартибларга қатъий амал қилишдек талабни қўяди. Шунингдек, корхоналар кўчмас мулкга инвестицияларни нафақат қиймат, наф олиш, хизмат муддатини узайтириш, келиб тушиш манбалари, чунончи ташқи ва ички, миллий ва хорижий валюта турлари каби мезонлари бўйича таснифи ва тавсифи улар ҳисобини юритишда муҳим ҳисобланади

Тўраев Абдураҳим Нортожиевич -ТДИУ,

“Молиявий таҳлил ва аудит”

кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

Эшонқулов Азамат Абдирахимович - ТДИУ,

"Бухгалтерия ҳисоби" кафедраси ассистенти

КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТУЗИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация. *Халқаро стандартлар асосида консолидациялашган молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тузиш тартиби бўйича батафсил маълумотлар келтирилган.*

Калит сўзлар: *молиявий ҳисобот, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, консолидациялашган молиявий ҳисобот.*

Аннотация. *В статье представлена подробная информация о формах консолидированной финансовой отчетности на основе международных стандартов и порядке их подготовки.*

Молиявий ҳисобот халқаро стандартларининг мақсади -молиявий ҳисоботларни тақдим этишда турли хилма-хилликлар ва шарҳлар турини қисқартириш, маълумотларни таққослаш имконини яратиш ва сифатини ошириш, стандартларни умумийлаштириш. Ягона стандартлар халқаро даражада турли ташкилотлар фаолияти натижаларини самарали баҳолаш ва солиштириш имконини беради. Бироқ ушбу сайтда тақдим этилган стандартлар Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (IFRS) ва бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (IAS) битта жадвалда келтирилган бўлиб, бу стандартларнинг қайси бирини қандай ҳолатда қўллаш, улар иқтисодиётнинг қайси тармоқлари учун мўлжалланганлиги баён этилмаган.

Одатда, қуйидаги ҳолларда молиявий маълумот тўплаш талаб этилади:

1.Компаниялар гуруҳининг консолидациялаштирилган

(умумлаштирилган) бухгалтерия ҳисоботларини тайёрлаш. Гуруҳнинг консолидациялаштирилган молиявий жадвалларни, ушбу гуруҳни ташкил этувчи бир-бири билан боғлиқ бўлган ташкилотлар билан боғлиқ бўлган қонунчилик ҳужжатларида тартибга солинадиган молиявий ҳисобот консолидацияси жадвалларни тайёрлаш асосий тамойилларига мувофиқ амалга оширилади;

2.Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) мувофиқ тайёрланган молиявий (бухгалтерия) ҳисоботлар шаклида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тайёрланган молиявий (бухгалтерия) ҳисоботлар шакллари ўзгартириладиган молиявий маълумотларнинг ўзгариши;

3.Молиявий маълумотларга асосланган бошқарув ҳисоботларини қулай ва тушунарли шаклда шакллантириш, етарли бошқарув мақсадлари.

10-сон МҲХС “Консолидациялашган молиявий ҳисобот” МҲХСга мувофиқ консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш принципларини белгилайди. 10-сон МҲХС 2011 йил май ойида нашр эттирилган. 10-сон МҲХС 27-сон БҲХС “Консолидациялашган ва алоҳида молиявий ҳисобот” стандартининг консолидация бўйича қисмини алмаштиради. Ушбу стандарт қуйидаги “5 та пакет стандарт” таркибига кирувчи стандарт ҳисобланади ва уларнинг бирининг қўлланилиши бошқасининг ҳам қўлланилишини тақозо қилади:

10-сон МҲХС “Консолидациялашган молиявий ҳисобот”

11-сон МҲХС “Қўшма фаолият”

12-сон МҲХС “Бошқа компанияларга қатнашиш ҳиссаси тўғрисидаги ахборотларни очиқлаш”

27-сон БҲХС “Алоҳида молиявий ҳисобот”

28-сон БҲХС “Ассоциациялашган компанияларга инвестициялар ва қўшма корхоналар”

10-сон МҲХС асосида **Консолидациялашган молиявий ҳисобот (consolidated financial statements)** –бош компаниялар гуруҳининг молиявий ҳисоботи бўлиб, қайсики бош компания ва шўъба компанияларнинг активлари, мажбуриятлари, капитал, даромад ва харажатлар, пул оқимлари ягона компаниянинг активлари, мажбуриятлари, капитали, даромад ва харажатлари сифатида тақдим этилади. консолидациялашган молиявий ҳисоботга таъсирини кўриб чиқмайди.

Молиявий ҳолат тўғрисидаги консолидациялашган молиявий ҳисобот (КМҲ). Молиявий ҳолат тўғрисида КМҲ тузишдан олдин қуйидаги босқичлардаги ишлар амалга оширилади:

1-босқич. Шўъба компанияси (ШК) харид санасида ва ҳисобот санасида соф активлари (СА) қийматини ҳисоблаш.

Кўрсаткичлар	Харид	Ҳисобот

	санасида	санасида
Акциядорлик капитали	X	X
Эмиссион даромад	X	X
Қайта баҳолаш резерви (ШК МҲҲ бўйича)	X	X
Тақсимланмаган фойда	X	X
+/- тақсимланмаган фойда суммасига корректировка	-	(X)
+/- адолатли қийматига корректировка	X/(X)	X/(X)
+/- муддати узайтирилган солиққа корректировка	X/(X)	X/(X)
+/- бошқа корректировка (ҳисоб сиёсати, хатолар)	X/(X)	X/(X)
Жами	**X**	**X**

2-босқич. Гудвил ҳисоби.

1) Харид санасида:

Харид санасида гудвил = Бош компанияга (БК) инвестиция + харид санасида назорат қилинмайдиган қатнашиш ҳиссаси (НҚҚҲ) – харид санасида соф активлар (СА).

2) Ҳисобот санасида:

Ҳисобот санасида гудвил =Харид санасидаги гудвил – харид санасидан кейин гудвил қадрсизланиши.

3-босқич. Назорат қилинмайдиган қатнашиш ҳиссасини (НҚҚҲ) ҳисоблаш.

1) Харид қилиш санасида

НҚҚҲ харид қилиш санасида ҳисоблашнинг иккита методи амал қилади. Харид санасида ШКнинг САларига мутаносиб равишда:

- Харид қилиш санасида НҚҚҲ = % НҚҚҲ х Харид қилиш санасида СА
- Адолатли қиймати бўйича (тўлиқ гудвил)

2) Ҳисобот санасида:

Ҳисобот санасига НҚҚҲ = харид қилиш санасида НҚҚҲ + %НҚҚҲ х харид санасидаги СА ўзгариши

4-босқич. Гуруҳнинг тақсимланмайдиган фойдаси (ГрТФ)ни ҳисоблаш

БКнинг тақсимланмаган фойдаси	**X**
Бўлиши мумкин бўлган корректировка: **- БК томонидан эълон қилинган дивидендлар**	(X)
+ ШКдан олинадиган дивидендлар	X
БКнинг ҳисобот санасида жами тақсимланмаган фойдаси	X
+/- Харид қилиш санасидан кейинги ишлаб топилган ШК фойдасидаги ҳиссаси	X/(X)
- Гуруҳнинг реализация қилинмаган фойдаси (агар у ШК САларини ҳисоблашда ҳисобга олинмаган бўлса)	(X)

- **Реализация қилинмаган фойдадан муддати ўтган солиқ**	X
- **Харид қилиш санасидан гудвил қадрсизланиши**	(X)
- **Гуруҳнинг жами тақсимланмаган фойдаси**	X

Гуруҳнинг тақсимланмаган фойдаси молиявий ҳолат тўғрисидаги консолидациялашган ҳисоботнинг капитал бўлимида акс эттирилади.

5-босқич. Гуруҳнинг қайта баҳолаш резерви (ҚБР).

Гуруҳнинг ҚБР = БК ҚБР + харид қилинган санадан кейин ШК ҚБР ўзгаришидаги ҳиссаси.

Юқоридаги 5 босқичдаги ҳисоб-китоблар амалга оширилгандан сўнг умумий қоидага мувофиқ бош компания ва шўъба компанияларнинг актив ва мажбуриятлари сатрлар бўйича корректировкаларни ҳисобга олиган ҳолда жамлаш орқали молиявий ҳолат тўғрисида консолидациялашган молиявий ҳисобот тузилади (2-жадвал).

2-жадвал

Молиявий ҳолат тўғрисида консолидациялашган молиявий ҳисобот

МҲҲ моддалари	БК	ШК	Гуруҳ	Изоҳ
Айланма маблағлардан ташқари активлар: **Гудвил**	-	-	Г	2-босқичда амалга оширилган ҳисоб-китоблар
Шўъба корхоналарга инвестициялар	Б	-	-	Чиқариб ташланади
Мулк, бино, машина ва асбоб-ускуналар	Б	Ш	Б+Ш	+/- гуруҳ ичидаги узатишлар билан боғлиқ корректировкалар, бизнесни бирлаштиришда ШК активларини адолатли қиймати бўйича қайта баҳолаш
Номоддий активлар	Б	Ш	Б+Ш	+/- гуруҳ ичидаги узатишлар билан боғлиқ корректировкалар, бизнесни бирлаштиришда ШК активларини адолатли қиймати бўйича қайта баҳолаш
Бошқа айланма маблағлардан ташқари активлар	Б	Ш	Б+ш	+/- бўлиши мумкин бўлган корректировкалар
Жорий активлар: **Заҳиралар**	Б	Ш	Б+Ш	+/- бўлиши мумкин бўлган корректировкалар
Дебиторлик қарзлари	Б	Ш	Б+Ш	-гуруҳ ичидаги операциялар бўйича қарздорлик
Пул маблағлари	Б	Ш	Б+Ш	+гуруҳ ичидаги ҳисоб-китоблар бўйича пул маблағлари
Бошқа жорий активлар	Б	Ш	Б+Ш	+/- бўлиши мумкин бўлган

				корректировкалар
Хусусий капитал: Акциядорлик капитали	Б	Ш	Б	Фақат Б
Эмиссион капитал	Б	Ш	Б	Фақат Б
Қайта баҳолаш резерв	Б	Ш	ҚБР	5-босқичдаги ҳисоб-китоблар
Тақсимланмаган фойда	Б	Ш	ТФ	4-босқичдаги ҳисоб-китоблар
Назорат қилинмайдиган қатнашиш ҳиссаси	-	-	НҚҚҲ	3-босқичдаги ҳисоб-китоблар
Мажбуриятлар	Б	Ш	Б+Ш	- - гуруҳ ичидаги ҳисоб-китоблари бўйича қарздорлик

Изоҳ: *БК - бош компания, ШК – шўъба компания, Б-бош, Ш-шўъба*

Шу боис, акциядорлар манфаатларини қаноатлантириш мақсадида ҳар қандай бош компания ўзининг ҳисоботидан ташқари алоҳида консолидациялашган молиявий ҳисоботларини тузишлари талаб этилади. Консолидациялашган молиявий ҳисобот тузадиган компаниялар гуруҳига бош компания ҳамда у томонидан назорат қилинадиган барча шўъба компаниялар киради. Агар компания бош компания томонидан назорат қилинса, у ҳолда консолидацияланган молиявий ҳисобот бу компанияларнинг фаолият турларидаги мавжуд фарқлардан қатъий назар тузилади.

Шундай қилиб консолидациялашган молиявий ҳисоботлар асосида молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этишда халқаро стандартларни қўллаш уларни янада сифатини оширишга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сондли фармони

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. 24.04.2015 й. ПФ-4720.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли қарори

4. Ergasheva Sh.T., Ibragimov A.K., Rizayev N.K., Ibragimova I.R. Moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlari. O’quv qo’llanma. – T.: “Iqtisodiyot” nashriyoti 2019. – 227 b.

5. Овчаренко В. Основные принципы, методика и проблемы составления консолидированной финансовой отчетности по МСФО. “Вестник МСФО” в Украине № 17, 4 августа 2015. https://product.ligazakon.ua/osnovnye-principy-metodika-i-problemy-sostavleniya-konsolidirovannoj-finansovoj-otchetnosti-po-msfo/

6. Трансформация бухгалтерской отчетности по МСФО. www.i-ias.ru/blog/competition_page/transformacia_msfo.html.

7. Трансформация отчетности по МСФО www.i-ias.ru/blog/competition-page/ 2018

8. PricewaterhouseCoopers. Все права защищены. Этот материал подготовлен Академией PwC для экзаменов ДипИФР в 2016 году. 2219 с.

9. Ташназаров С.Н., Ташназарова Д.С. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. СамИСИ, 2018. -421 б.

10. Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш (МҲХС ва илғор тажрибалар асосида). Монография. Т.: “Турон”, 2017 й.

11. Интернет сайтлари:

http://www.icar.ru – International Center of Accounting Reforms (ICAR)

http://www.ifrs.org/Pages/default.aspx - International Accounting Standards Board and IFRS Foundation

Корхона харажатлари (таннарх)ни бошқарув мақсадларида таснифлаш асослари

Дилфуза Ташназарова – СамИСИ, таянч докторанти

Аннотация: ушбу мақолада корхона харажатларини бошқарув қарорларини қабул қилиш ҳамда ишлаб чиқариш харажатларини турли белгилари бўйича таснифлаш асослари келтирилган.

Аннотация: в данной статье приводиться основы классификация расходов предприятия для принятия управленческих решений и классификации производственных затрат по различным признакам.

Annotation: This article provides the basis for the classification of enterprise costs for making management decisions and the classification of production costs according to various categories

Корхона харажатларини молиявий ҳисобни юритиш ва ҳисоботни тузишда қўлланиладиган таснифий жиҳатлари уларни режалаштириш ва назоратини олиб бориш, шунингдек ички бошқарув қарорларини қабул

қилиш учун етарлича эмас. Шунинг учун корхонанинг харажатлари тўғрисида батафсил ахборотларни шакллантириш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу мақсадга эришиш учун, бошқарув ҳисобида корхоналар харажатларини, чунончи ишлаб чиқариш харажатларини қўшимча тарзда қуйидаги белгилари бўйича таснифлаш ҳам ўта муҳимдир. Таннарх элементлари, табиати (nature), функцияси ва хулқ-атвори (behaveiour) ва бошқа бир қанча белгилари бўйича таснифланади (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Корхона харажатларини бошқарув қарорларини қабул қилиш, режалаштириш ва назорат қилиш мақсадларида таснифлаш

Таснифий белги	**Харажат гуруҳи**
1. Таннарх элементлари бўйича	Материал харажатлар
	Меҳнат харажатлари
	Устама харажатлар
2. Таннарх объектига олиб борилишига (nature) **кўра**	Бевосита (тўғридан тўғри) харажатлар
	Билвосита (тўғридан-тўғри бўлмаган) харажатлар.
3. Тегишлилига кўра	Умумхаражатлар
	Жавобгарлик марказлари харажатлари
	Бир бирлик маҳсулот (иш, хизмат)нинг ўртача харажатлари
4. Таннарх драйвери (ишлаб чиқариш ҳажми ва бошқа омиллар)нинг таъсирига (behaveiour) кўра	Ўзгарувчан харажатлар
	Доимий (ўзгармас) харажатлар
	Яримўзгарувчан харажатлар
	Яримдоимий харажатлар
5. Бошқарув қарорларига боғлиқ ёки боғлиқ эмаслигига кўра	Релевант харажатлар
	Норелевант харажатлар

6. Юз беришини олдини олиш мумкин ёки мумкин эмаслиги кўра	Сақланиш мумкин бўлган харажатлар
	Сақланиш мумкин бўлмаган харажатлар
7.Назорат қилиниши имкониятига кўра	Назорат қилинадиган харажатлар
	Назорат қилиш имкони бўлмаган харажатлар
8. Меъёрланишига кўра	Меъёрлаштириладиган харажатлар
	Меъёрлаштирилмайдиган харажатлар
9. Муқобиллигига кўра	Муқобил харажатлар
10. Қайтарилмаслиги бўйича	Қайтарилмайдиган харажатлар
11.Дифференциланишига кўра	Ўсиб борувчи харажатлар
	Маржинал харажатлар

Тайёр маҳсулотнинг ишлаб чиқариш харажатларини турли белгилари бўйича таснифлаш натижаларини қуйидаги жадвалда расмийлаштирамиз.

2-жадвал[50]

Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш харажатларининг турли белгилари бўйича таснифланиши

Тасниф белгилари	Турлари	Турларининг қисқача тавсифи
Таннарх объектларига олиб бориш усули бўйича: бевосита ва билвосита харажатлар	Бевосита	Таннарх объетига тўғридан-тўғри олиб бориладиган харажатлар. Уларга тўғридан-тўғри материал харажатлар ва тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари киради
	Билвосита	Таннарх объектига тўғридан-тўғри олиб борилмайдиган, даставвал жамғариладиган, кейин маълум тақсимлаш мезонлари асосида таннарх объектига олиб бориладиган харажатлар киради.

[50] «Управленческий учет 1. Учебное пособие. (Байрашек А.З. Ванина М.С. и др)- Ассоциация преподователей бизнес дисциплин Узбекистана, 2003.» даги тасниф муаллиф томонидан қайта ишланган.

		Бундай харажатларга устама ишлаб чиқариш харажатлари киради.
Маҳсулот жами ҳажми ва бирлигига нисбатан ҳисобланганлигига қараб: умумий ва ўртача таннарх	Умумий	Ҳисобот даврида маҳсулотни жами бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган жами ишлаб чиқариш харажатлари
	Ўртача	Жами ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисобот давридан ишлаб чиқарилган жами тайёр маҳсулотларнинг эквивалент бирлигига нисбати. Маҳсулот бирлиги таннархи материал харажатлар бўйича ва қайта ишлаш харажатлари моддалари бўйича алоҳида ҳисобланиши мумкин. Алоҳида элементлар бўйича ҳисобланган маҳсулот бирлигининг таннархи жами бирлик таннархини беради
Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми (фаоллик даражасига) боғлиқлигига қараб: Ўзгарувчан, доимий харажатлар, ярим ўзгарувчан ва яримдоимий	Ўзгарувчан харажатлар	Маҳсулот ҳажми (фаолият даражаси)га тўғридан-тўғри мутонасиб (пропорционал) равишда ўзгарадиган харажатларга айтилади. Уларга мисол қилиб ишлаб чиқариш материал харажатлари, ишбай меҳнат ҳақи, сарфланган энергия (ёқилғи, электро-энергия) харажатларини келтиришимиз мумкин.
	Доимий харажатлар	Доимий харажатлар ўрганилаётган даврда маҳсулот ҳажми (фаолият даражаси)нинг катта ўзгариши диапазонида миқдор жиҳатдан ўзгаришсиз қолади. Ушбу харажатларга мисол қилиб амортизация харажатлари, назоратчилар, усталар иш ҳақи,

		ижара тўловларини олиш мумкин.
	Яримўзгарувчан	Яримўзгарувчан харажатлар ўз таркибига ўзгарувчан ва доимий компонентдаги харажатларни олади. Ушбу харажатларга мисол қилиб асбоб-ускуналарга хизмат кўрсатиш харажатларини келтириш мумкин.
	Яримдоимий харажатлар	Доимий харажатлар ишлаб чиқаришнинг аниқ бир релевант диапазонида доимий ҳисобланади. Релевант диапазон бу таннарх драйверининг маълум оралиғи бўлиб, қайсики унда таннарх билан маҳсулот ҳажми (фаолият даражаси) ўртасида амал қилувчи махсус боғлиқлик акс эттирилади.
Қабул қилинаётган қарорларга боғлиқлигига қараб	Релевант	Қарорлар қабул қилиш натижасида ўзгариб турадиган келгуси харажатлар ҳисобланади.
	Норелевант харажатлар	Қабул қилинадиган қарорларга боғлиқ бўлмаган харажатлар ҳисобланади
Ташкилотчилик даражасига боғлилигига қараб: Сақланиш мумкин бўлган ва сақланиш мумкин бўлмаган харажатлар	Сақланиш мумкин бўлган харажатлар	Сақланадиган харажатлар бу фаолиятни нормал ташкил қилган ҳолларда сақланиш мумкин бўлган харажатлар ҳисобланади. Масалан, жарима ва пенья харажатлари, нормадан ортиқча қилинган харажатлар
	Сақланиш мумкин бўлмаган харажатлар	Сақланиш мумкин бўлмаган харажатларга ҳар қандай ҳолатда юз бериши муқаррар бўлган харажатлар киради. Масалан, товарларнинг меъёрдаги камайишини киритишимиз мумкин
Назорат қилинадиган ва назорат қилинмайдиган	Барча харажатлар маълум бошқарув даражасида назорат қилинади. Жавобгарлик марказлари бўйича харажатлар тўғрисида ҳисобот тайёрланаётганда бухгалтерлар қуйи бошқарув поғоналарида харажатларни назорат	

харажатлар	қилинадиган ва назорат қилинмайдиган харажатларга ажратилади

Ушбу таснифлаш асосида хулоса қилишимиз мумкинки, харажатларни маълум белгилар асосида таснифлаш уларнинг ҳисобини тўғри ташкил этиш, бошқарув қарорлари учун зарур ахборотларни шакллантириш, харажатлар устудан назоратни ўрнатиш имкониятини беради. Таклифларнинг амалиётда қўлланилиши ишлаб чиқариш корхоналарида таннарх ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш, таннархни оптималлаштириш имкониятларини топиш, таннарх ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштиришга хизмат қилади.

II-ШЎЪБА. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХАЛҚАРО АУДИТ СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДАН ЎТКАЗИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ДАСТАКЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

К.Б.Уразов – СамИСИ “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси профессори, и.ф.д.
телефон:+99(891)520-65-83, E-mail: komil.urazov@inbox.ru
О.Х.Холиқулов – СамИСИ PhD докторанти
телефон:+99(899)800-76-10, E-mail: xox_774@bk.ru

ҚУРИЛИШ МАШИНА-МЕХАНИЗМЛАРИ ҲОЛАТИ, ҲАРАКАТИ ВА УЛАРГА ДОИР КАПИТАЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МАҲСУС САВОЛ ТАРЗИДА АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДАН ЎТКАЗИШ УСЛУБИЯТИ

Аннотация: *Мазкур мақолада қурилиш машина-механизмлари ҳолати, ҳаракати, ва уларга доир капитал инвестицияларни маҳсус савол тарзда аудиторлик текширувидан ўтказиш услубиёти ёритилган ва тадқиқ этилган.*

Калит сўзлар: *бухгалтерия ҳисоби, қурилиш машина-механизмлари, қурилиш иш фаолияти, аудит, қурилиш жараёнлари, аудиторлик текшируви, маҳсус саволлар, капитал инвестициялар, услубиёт, асосий воситалар.*

Аннотация: *В статье описывается и исследуется методология аудита состояния, движения строительной техники и капитальных вложений в них в специальном вопросе.*

Ключевые слова: *бухгалтерский учет, строительная техника, строительная деятельность, аудит, строительные процессы, аудит, специальные вопросы, капитальные вложения, методология, основные средства.*

Annotation: *The article describes and explores the methodology for auditing the condition, movement of construction equipment and capital investments in them in a special issue.*

Key words: *accounting, construction equipment, construction activities, audit, construction processes, audit, special issues, capital investments, methodology, fixed assets.*

Инновацион ҳамда рақамли иқтисодиёт жадал ривожланиб бораётган бир шароитда асосий босқичларида ҳам қурилиш ташкилотларида қурилиш машина-механизмлар ҳолати, ҳаракати ва уларга доир капитал инвестициялар ижобий йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда бошланган кенг қамровли ислоҳотлар, янги Ўзбекистонни барпо этиш сари ташлаётган дадил қадамларимизнинг бардавом бўлишини таъминлаш энг асосий вазифамиз бўлиши шартлидир. Иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга капитал инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилади.

2017 - 2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг ялпи ички

маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади[51].

2017-2021 йилларга мўлжалланган "Ҳаракатлар Стратегияси" да белгаланган қуйидаги асосий устувор вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратишимиз мақсадга мувофиқ саналади.

- ✓ ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш[52].

Ўзбекистон Республикасида иқтисодчи олимлар Н.А.Махмудова[53] бевосита юк кўтариш машина ва ускуналари кўпинча циклли режимда ишлаши ва юк кўтариш машиналарига ўзаро кинематик схемаси ва конструкцияли кран ва автоюклагичлар ҳолати ва ҳаракати тўғрисида назарий ва амалий кўникмаларни, Т.И.Асқархўжаев, Х.Н.Димитов, Р.О.Шукуров, А.О.Икрамов, С.И.Иброхимов, З.О.Мақсудов, М.Т.Умировлар[54] қурилиш машина-механизмларини ишлатиш ҳусусиятлари, яъни йўл қурилиш машиналарини сифат жаҳатдан уларни тавсифини илмий асослаб берганлар, республика миқёсида фаолият юритиб келаётган қурилиш ташкилотларида мавжуд жамики бухгалтерия операцияларини асослаб беришда асосий ҳисоб негизини ёритишда улкан амалий ва назарий билим кўникмаларни уйғунлаштиришда ўз хисасини қўшганлар. Қурилиш ташкилотларида машина ва асбоб-ускуналарни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва уларни ҳолати, ҳаракати ҳисобини такомиллаштириш борасида назарий ҳамда амалий жиҳатлари бўйича ҳозирги кунга қадар ҳалқаро ҳамда республика миқёсида бир қанча тартиб тамойиллари тадқиқ этиб борилаяпти[55].

---

[51] "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сони.

[52] "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сони.

[53] Н.А.Махмудова "Қурилиш машиналари ва механизмларини таъмирлаш". Касб-ҳунар коллежлари учун ўқув қўлланма. Т.: "Янги нашр".2007.11-бет.

[54] Т.И.Асқархўжаев, Х.Н.Димитов, Р.О.Шукуров, А.О.Икрамов, С.И.Иброхимов, З.О.Мақсудов, М.Т.Умиров "Йўл қурилиш машиналаридан фойдаланиш". Дарслик.-Т.: "Ношир".2011.6-бет.

[55] **[1].** O.Kh.Kholikulov "In the republic of uzbekistan value added tax in borrowing and loaning of machinery spare parts". Journal of Management Value & Ethics. RNI – MPENG/2011/46472 ISSN-2249-9512. Pages: 37-40. **[2].** O.Kh.Kholikulov "Methodology for auditing the work performed by construction machinery, cost of services and financial results in construction organizations". Journal of Management Value & Ethics. RNI – MPENG/2011/46472 ISSN-2249-9512. Pages: 54-60. **[3].**О.Х.Холиқулов, О.М.Эсанов. "Қурилиш ташкилотларида молия-вий натижалар аудитини ўтказишда қурилиш машина-механизмларни бухгалтерия счётларидаги ўрни". Научный журнал "Интернаука" №37(166). Москва 2020 йил. 63-бет. **[4].** К.Б.Уразов, О.Х.Холиқулов. "Ўзбекистон Республикасида қурилиш машина-механизмлар экспорт-импорт операцияларида валюта курс фарқлари ҳисобини зарурати". Учёный XXI века. Москва 2020.103-110 бетлар. **[5].** О.Х.Холиқулов, М.И.Исломова "Қурилиш машина-механизмлари бухгалтерия ҳисоби вазифалари ва қайта баҳоланишини бухгалтерия балансида акс эттиришнинг ҳусусиятлари". «Бизнес-Эксперт» журналига мақола берилган. №7-сон 2020 йил.127-131 бетлар. **[6].** О.Х.Холиқулов "Қурилиш ташкилотларида машина-механизмлар ҳисоб объекти сифа-тида таснифи ва улар иш фаолияти ҳисоби вазифалари". «Бизнес-Эксперт» журнали. №8-сон 2020 йи.98-102 бетлар. **[7].** К.Б.Уразов, О.Х.Холиқулов "Пандемия шароитида қурилиш машина-механизмлар ҳолатини бухгалтерия ҳисоби вазифалари ва қайта баҳоланишини бухгалтерия балансидаги ифодаси". Сервис 2020. №2-сон Маҳсус сон. 153-157 бетлар. **[8].** О.Х.Холиқулов "Рақамли иқтисодиёт шароитида қурилиш машина-механизмлари иш фолиятидан олинган даромадлар ҳисобини такомиллаштириш йўллари". Сервис 2020. №4-сон. 36-39 бетлар. **[9].** О.Х.Холиқулов "Қурилиш машина-механизмлари ва улар иш фаолияти аудитининг турлари ҳамда уларни назарий масалалари". Interfinans: *"Халқаро молия ва ҳисоб" илмий журнали. №2, апрель, 2021 йил. ISSN: 2181-1016.* Link:

Қурилиш ташкилотларида қурилиш машина-механизмлари асосан сотиб олиш эвазига кўпаяди. Бунда қуйидаги қисқа бухгалтерия ёзувлари акс эттирилади:

Дебет 0820 Кредит 6010, 6990
Дебет 0160 Кредит 0820

Ушбу бериб ўтилган бухгалтерия ёзуви аслида кенг қамровда ўритиб берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди, яъни қурилиш ташкилотлари ўзларининг асосий воситалари қийматини 5-сон БҲМС «Асосий воситалар»да келтирилган тартибда баҳолашлари, шунингдек жорий ҳисобда уларни бошланғич (тикланган) қийматида, бухгалтерия балансида эса қолдиқ қийматида акс эттиришлари лозим[56].

“СУФАТ И Д” қурилиш ташкилоти XCMG QY25K5-C (EURO-5) русумдаги автокран (қурилиш машина-механизм) ни “NAVOI PROM GRAND” МЧЖ дан қиймати 1 612 210 000 сўм (Божхона юк деклорациясини расмийлаштириш санасида). Юзага келган жамғарилган курс фарқи суммаси - 10 000 000 сўм. Ушбу операцияларни қуйидагича бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттириш мақсадга мувофиқдир. (4-жадвал)

1-жадвал[57]

Асосий восита (қурилиш машина-механизм) ларни импортига оид операцияларни бухгалтерия ёзувларида акс эттириш

№	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, (минг сўм)	Корреспонден-цияси*		Асос бўлувчи хужжат
			дебет	кредит	
1.	Қурилиш машина-механизм ҳақ эвазига сотиб олинди	1 612 210,0	0820	6010	шартнома, счёт-фактура
2.	Қурилиш машина-механизм фойдаланишга жорий этилди	1 612 210,0	0100	0820	далолатнома
3.	Қўшимча битимга кўра қурилиш машина-механизмнинг текинга берилиши акс эттирилди	1 612 210,0	6010	8530	шартнома, далолатнома
4.	Курс фарқи даромад сифатида акс эттирилди	10 000,0	6010	9390 9540	шартнома, ҳисоб-китоб

http://interfinance.uz/en/. **[10].** O. Kh. Kholikulov*. “Improving the status, movement and obsolescence account of construction machinery”. ACADEMICIA : An International Multidisciplinary Research Journal.Impact Factor: SJIF 2020 = 7.13, SJIF 2019 = 6.656, SJIF 2018 = 6.152, SJIF 2017 = 6.049, SJIF 2016 = 5.964.ISSN(online): 2249 –7137. DOI: 10.5958/2249-7137.2021.01048.X. Vol. 11, Issue 4, April 2021. **[11].** Urazov K.B, Kholikulov O.X. “Accounting for spare parts of construction machinery in the republic of uzbekistan and calculation of cost of services and financial financial results”. International Journal of Trend in Scientific Research and Development (IJTSRD).Special Issue on Innovative Development of Modern Research.Available Online: www.ijtsrd.com e-ISSN: 2456 – 6470. April 2021. **[12].**О.Х.Холиқулов “Қурилиш машина-механизмлари иш фаолияти аудитини турлари ҳамда дастлабки хужжатларнинг хусусиятлари”. “ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В **XXI** ВЕКЕ” илмий-амалий электрон журнал.№12 (том 3).2021 йил март. 1234-1248 бетлар.

[56] Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 5-сон БҲМС "Асосий воситалар".Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 09.10.2003 й. №114.

[57] “СУФАТ И Д” МЧЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан амалий ёндошилган.

Асосий восита (қурилиш машина-механизм) лар фойдаланишга берилганда унинг қиймати 0130-«Машиналар ва ускуналар» счёт дебети бўйича 0820-счёт билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Шунингдек, қурилиш ташкилотларида қурилиш машина-мехнизмлар ҳолати, ҳаракати ва уларга доир капитал инвестицияларни маҳсус савол тарзда аудиторлик текширувини ўтказиш услубиётида, яъни аудиторлик текширувини ўтказиш кетма-кетлиги пировардида аудитор ҳисоботини тузилиб бевосита ушбу ҳисоботдан фойдаланиш тартибини белгилаб бериш мақсадга мувофиқдир.



1-чизма[58]**.** Маҳсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботидан фойдаланувчилар таркибий тузилмаси.

Юқорида қайд этилган чизма бевосита қурилиш ташкилотларида қурилиш машина-механизмлар ҳолати, ҳаракати ва уларга доир капитал инвестицияларни маҳсус савол тарзида аудиторлик текширувидан ўтказиш услубиётини такомиллаштириш ҳозирги рақамли иқтисодиётни тубдан яхшилаш учун муҳим ҳисобланади. Рақамли иқтисодиёт ривожланиб бораётган бир шароитда хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан қурилиш ташкилотлари ўз маблағларини қурилиш машина-механизмлар иш фаолиятини самарадорлик кўрсаткичлари ва улар ишлаш вақтини тақсимлаш жараёнида хизмат кўрсатишни ташкил қилиш, қурилиш машина-механизмлар ҳолати, ҳаракати ва уларга доир капитал инвестицияларни маҳсус савол тарзида аудиторлик текширувидан ўтказиш учун қуйидаги асосий вазифаларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

❖ Қурилиш ташкилотларининг хўжалик фаолиятида қурилиш машина-

[58] Муаллиф О.Х.Холикулов томонидан тавсия сифатида ишланмаси.

механизмлар ҳолати, ҳаракати ва уларга доир капитал инвестицияларни маҳсус савол тарзида аудиторлик текширувидан ўтказиш кетма-кетлигини таъминлаш;

❖ Қурилиш машина-механизмлар ҳолати, ҳаракати ва уларга доир капитал инвестицияларни маҳсус савол тарзида аудиторлик текширувидан ўтказишни кузатиш жараёнида олинган маълумотларни миқдор кўрсаткичларда ифодалаш;

❖ Қурилиш машина-механизмлар ҳолати, ҳаракати ва уларга доир капитал инвестицияларни маҳсус савол тарзида аудиторлик текширувидан ўтказиш жараёнларини хужжатларда акс эттириш;

❖ Қурилиш машина-механизмлар ҳолати, ҳаракати ва уларга доир капитал инвестицияларни маҳсус савол тарзида аудиторлик текширувидан ўтказишни маҳсус ҳужжатларда қайд қилинган хўжалик муоммолаларини умумлаштириш ва гуруҳлаш;

❖ Қурилиш ташкилотларида мавжуд қурилиш машина-механизмлар ҳолати, ҳаракати ва уларга доир капитал инвестицияларнимаҳсус савол тарзида аудиторлик текширувидан ўтказиш жараёнларини узлуксиз назоратда олиб бориш ва унга таъсир этиш.

Мана шу жараёнларда қурилиш машина-механизмлари ҳолати, ҳаракати, ва уларга доир капитал инвестицияларни маҳсус савол тарзида аудиторлик текширувидан ўтказишни тўғри ташкил этиш ва қурилиш ташкилоти фаолияти ҳисобини самарали бошқариш учун маълум талабларга риоя қилиш кераклигини англатади.

Юқорида қисқача мазмуни тавсифланган тадқиқотлар асосида хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, қурилиш ташкилотларида қурилиш машина-механизмлар таркиби, ҳолати, ҳаракати ва улар иш фаолияти кўрсаткичлари самарадорлиги ҳамда қурилиш машина-механизмларни киримига доир капитал инвестицияларни маҳсус саволлар тарзида аудиторлик текширувидан ўтказиш тартиби ҳамда улар аудитини тўғри расмийлаштириш бухгалтерия ҳисоби ҳамда аудитнинг асосий мақсадларидан бири бўлиб ҳисобланади. Рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантиришда бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг ўрни беқиёсдир. Шунингдек, яширин иқтисодиётни камайтириш борасида ҳам ҳисоб маълумотларни назорат қилиш муҳим ҳисобланади. Мазкур келтирилган мулоҳазалар натижасида қуйидаги таклиф ва тавсияларни тадбиқ этдик:

I. Қурилиш машина-механизмлар ҳолати, ҳаракати ва улар иш фаолиятида доир миллий ва халқаро стандартларни бевосита уйғунлашувини таъмин этиш:

✓ қурилиш машина-механизмлар ҳолатига доир ҳалқаро стандартларни жорий этиш;

✓ қурилиш машина-механизмлар ҳаракатига доир ҳалқаро стандартларни жорий этиш;

✓ қурилиш машина-механизмлар иш фаолияти ҳисобига доир ҳалқаро стандартларни жорий этиш.

✓ қурилиш машина-механизмлар ҳолати, ҳаракати ва уларга доир капитал инвестицияларни маҳсус савол тарзида аудиторлик текширувини ўтказиш тартиби ва услубиётини миллий ҳамда ҳалқаро стандартлар асосида такомиллаштириш.

Юқоридаги бериб ўтилган таклиф ва тавсиялар қурилиш ташкилотларида қурилиш машина-механизмлар ҳолати, ҳаракати ва уларга доир капитал инвестицияларни маҳсус савол тарзида аудиторлик текширувидан ўтказиш услубиётини тубдан яхшилашга ва давомийлигини таъмин этишга хизмат қилади. Бу эса инновацион ва рақамли иқтисодиётни яширин ҳолатини камайтиришга асос бўлиб, миллий иқтисодиётимизни янада равнақ топишида асосий мезонлардан бири бўлиб ҳисобланади.

О.Х.Холиқулов – СамИСИ PhD докторанти
телефон:+99(899)800-76-10, xox_774@bk.ru

ҚУРИЛИШ МАШИНА-МЕХАНИЗМЛАРИ ВА УЛАР ИШ ФАОЛИЯТИНИ МАҲСУС САВОЛ ТАРЗИДА АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДАН ЎТКАЗИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ДАСТАКЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: *Ушбу мақолада қурилиш ташкилотлари машина-механизмлари ва улар иш фаолиятини маҳсус савол тарзида аудиторлик текширувидан ўтказишнинг ташкилий дастакларини такомиллаштириш масалалари ёритиб берилган.*

Калит сўзлар: *қурилиш ишлари, бухгалтерия ҳисоби, қурилиш машина-механизмлари, аудит, аудиторлик текшируви, маҳсус савол, иш фаолият, аудиторлик стандартлари.*

Аннотация: *В данной статье вопросы совершенствования организационного обеспечения аудита строительных компаний и их деятельности рассматриваются в виде специального вопроса.*

Ключевые слова: *строительные работы, бухгалтерия, строительная техника, аудит, аудит, особые вопросы, деловая активность, стандарты аудита.*

Annotation: *In this article, the issues of improving the organizational support for the audit of construction companies and their activities are considered as a special issue.*

Key words: *construction work, accounting, construction equipment, audit, audit, special issues, business activities, audit standards.*

Янги Ўзбекистон республикасини модернизация қилиш, инновацион иқтисодиёт ҳамда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, ушбу жараёнларини жадаллаштириш ва бозор иқтисодиёти шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси, жумладан қурилиш ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда уларда мавжуд қурилиш машина-механизмларини иш фаолияти ҳисоби ва улар аудитини ўтказишни узлуксиз таъминланганлигини амалга ошириш муҳим аҳамиятга касб этади. Қурилиш машина-механизмлар иш фаолиятини маҳсус саволлар тарзида аудитдан ўтказиш миллий ва ҳалқаро андозаларга тўла-тўкис талаб даражасини бажаришда хизмат қилади.

2017 - 2021 йилларда қишлоқ жойларда 15 мингта арзон уй-жой, 415 километрлик сув таъминоти қувурлари, 316 километрлик газ таъминоти

қувурлари ва 291 километрлик ички йўллар қуриш режалаштирилган. Якунланиб бораётган давлат дастури, яъни 2017-2021 йилларга мўлжалланган "Ҳаракатлар Стратегияси"да белгаланган қуйидаги устувор вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратишимиз муҳим саналади.

✓ миллий лойиҳалаш ва қурилиш ташкилотларини ташқи бозорларга киришига кенг жалб этишни таъминловчи комплекс тадбирларни амалга ошириш;

✓ лойиҳалаш ва қурилиш ташкилотларига моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги қурилиш технологияларини жорий этишга йўналтирилган солиқ ва бошқа турдаги имтиёз ва енгилликлар бериш[59].

Рақамли иқтисодиёт жадал ривожланиб бораётган бир шароитда, қурилиш тармоқларида асосий эътиборни қурилиш машина-механизмлар мавжудлиги, ҳаракати ва иш фаолияти ҳисоби ҳамда улар аудитини маҳсус саволлар тарзида ўтказиш кетма-кетлигини таъминлаш қурилиш ташкилотлари активларидан самарали фойдаланишга, унумсиз сарфларни ва нобудгарчиликларни бартараф қилишга қаратилган асосий мезон бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади – кенг халқ оммасига, аҳолининг барча қатламларида муносиб турмуш шароитини яратиб бериш ва доимий меҳнат ва турар жой билан таъминлашдан иборат. Бу эса, ўз навбатида, шаҳарларимиз ва қишлоқ жойларимизда замонавий турар жой комплексларни барпо этиш, қурилиш машина-механизмлар иш фаолияти ҳисоби ва улар назоратини, яъни маҳсус саволлар тарзида аудитдан ўтказишни ташкилий дастакларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу муҳим вазифаларни амалга ошириш қурилиш соҳасидаги ислоҳатларни янада чуқурлаштириш, замонавий қурилиш машина-механизмлар иш фаолияти тизимини янгича турда яратиш, уларни амалиётга кенг жорий қилиш, ҳозирги пайтда вужудга келган қурилиш машина-механизмлар иш фаолияти ҳисоби ва назоратини янгича ташкилий-иқтисодий бирликлари самарадорлигини оширишга, уларда масус саволлар тарзда аудитдан ўтказиш дастаклари негизи бўлган бухгалтерия ҳисоби, назорат ва иқтисодий таҳлилни қўйилаётган талабларга мос равишда такомиллаштиришга қаратилган чуқур тадқиқотларни олиб боришни тақозо этади.

Қурилиш соҳасида қурилиш машина-механизмлар иш фаолияти субъектлари иқтисодиёти, бу хизматлар самарадорлиги, шунингдек қурилиш ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби, аудит ва иқтисодий таҳлилни ташкил қилишнинг умумий жиҳатлари хорижий ва мамлакатимиз олимлари, чунончи, Ё.Абдуллаев, Н.Адамов, А.Вахабов, С.Вохидов, Э.Гадоев, Р.Дустмурадов, П. Камышанов, А.Каримов, Х.Лоббак, А.Ибрагимов, Ё.Исроилов, З.Маматов, Б.Нидлз, Н. Озеров, Ф.Палий, А. Пардаев, М.Пардаев, Я.Соколов, Ш.Хайдаров, Б.Хасанов, Ҳ.Мусаев, Ч.Хорнгрен,

[59] "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сони.

Д.Кудбиев, Д.Рафеев, К.Уразовлар қаламига мансуб ишларда қисман ўз аксини топган. Бироқ, ушбу манбаларда келтирилган фикр ва мулоҳазалар ҳозирги шароитда қурилиш соҳасида юзага келаётган кўплаб муаммоларни ҳал қилишга тўлиқ имкон бермайди.

Янги Ўзбекистнда фаолият юритиб келаётган қурилиш ташкилотларида мавжуд машина-механизмлар ҳаракати, ҳолати ва уларни иш фаолияти кўрсаткичлари бухгалтерия ҳисобида реал маълумотлар асосида таъминланиб бевосита махсус савол тарзида аудиторлик текширувидан ўтказишни ташкилий дастакларини ижобий йўлга қўйилиши ҳамда тубдан такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, қурилиш ташкилотларида машина-механизмлар иш фаолияти ҳисоби ва улар аудитини ўтказишда махсус саволлар тарзда ўтказиш ҳамда қурилиш ишларини бажаришга кетган ҳаражатлар ҳам мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали қуйидагича назорати йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқдир:

- қурилиш ишларини бажариш харажатлари ва фоизини аниқлаш ва бухгалтерия балансига киритиш мумкин бўлса[60].

Бевосита қурилиш ташкилотларида қурилиш машина-механизмларининг ҳисоб ва аудит объекти сифатида қурилиш ишларини бажаришга кетган ҳаражатлар ва улар иш фаолияти ҳисоб кўрсаткичлари ҳам муҳим ҳисобланади. 2020 йил 1 январдан бошлаб бевосита Республикамизда бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимида бевосита миллий ҳамда ҳалқаро стандартларни уйғунлашувини таъминлаш асосий вазифаларидан бири бўлиб қолди. Ушбу мулоҳазалар асносида, қурилиш машина-механизмлар бажарган қурилиш ишларига кетган ҳаражатлар ва улар иш фаолияти кўрсаткичларини самарали ифодалаш борасида ҳалқаро стандартларда қуйидагича ҳисобга олинган:

- асосий воситалар (қурилиш машина-механизм)ларни ва материалларни қурилиш майдонига олиб келиш ва олиб чиқиш бўйича харажатлар[61].

Қурилиш ташкилотларида қурилиш машина-механизмлари иш фаолиятини реал ҳисобини юритишда бевосита қилинган ҳаражатларни аниқ маълумотлар асосида ҳисобини юритиш учун бухгалтерия ҳисоби ва аудитда махсус савол тарзда аудиторлик текширувини ташкилий дастакларини такомиллаштирилишига алоҳида эътибор қаратиш муҳим саналади. Айтиб ўтиш жоизки, аудиторлик ташкилотлари махсус саволни текшириш чоғида аудиторлик хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ халқаро аудит стандартларини қўллашлари мумкин[62]. Шу боис қурилиш ташкилотларида қурилиш машина-мехназмлар иш фаолиятини махсус савол тарзда аудиторлик текширувини ўтказиш якунида, яъни натижалар бўйича аудитор ҳисоботи тузилиши мақсадлидир.

МАХСУС САВОЛНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА АУДИТОР ҲИСОБОТИ

[60] Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти БҲМС №17- "*Капитал қурилишга оид пудрат шартномалари*". 02.11.1998.58-сон.

[61] Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти БҲҲС№11 "*Қурилиш шартномалари*". 01.01.1995 й.

[62] Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (80-сон АФМС) «Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи». Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2003 йил 27-январдаги 13-сон буйруғи билан тасдиқланган.



1-чизма[63]. Қурилиш ташкилотларида маҳсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи тузилиш асослари.

Қурилиш ташкилотларида қурилиш машина-механизмлар иш фаолияти маҳсус саволлар тарзда аудиторлик текширувидан ўтказишнинг ташкилий дастакларини такомиллаштириш борасида қуйидаги вазифаларни таклиф сифатида тавсия қиламиз:

- ✓ Қурилиш машина-механизмлар хизматлари, улар сервиси, қурилиш машина-механизмлар иш фаолияти тушунчаларининг моҳияти ва аҳамиятини маҳсус савол тарзда очиб бериш;
- ✓ Қурилиш соҳасида қурилиш машина-механизмлар хизматлари ва улар иш фаолияти, сервис фаолиятини таснифий асосларини маҳсус савол тарзда аудиторлик текшируви ўтказиш йўлларини такомиллаштириш;
- ✓ Қурилиш ташкилотларида қурилиш машина-механизмлар иш фаолияти хизматлари сифати ва самарадорлигини аниқлаш ҳамда баҳолаш хусусиятларини маҳсус савол тарзда аудиторлик текшируви ўтказишни ташкилий дастаклари бўйича очиб бериш;
- ✓ Республика миқёсида ва Самарқанд вилоятида қурилиш машина-механизмлар иш фаолияти хизматлари ҳолати ва улар самарадорлиги

[63] (80-сон АФМС) «Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи» Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандартига асосан муаллиф О.Х.Холиқуловнинг ишланмаси.

кўрсаткичларига баҳо бериш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни ечишга доир тавсияларни маҳсус савол тарзда аудиторлик текшируви ўтказишни ташкилий дастаклари бўйича ишлаб чиқиш;

- ✓ Қурилиш ташкилотларида кўрсатилаётган қурилиш машина-механизмлар иш фаолияти хизматларини бирламчи ҳисоби хужжатларини маҳсус савол тарзда аудиторлик текшируви ўтказишни ташкилий дастаклари бўйича такомиллаштириш;
- ✓ Қурилиш ташкилотларида қурилиш машина-механизмлар иш фаолияти хизматларидан олинадиган даромадлар ҳисобини маҳсус савол тарзда аудиторлик текшируви ўтказишни ташкилий дастаклари бўйича такомиллаштириш;
- ✓ Қурилиш машина-механизмлар иш фаолияти хизматлари ҳаражатлари ва улар таннархини калькуляция қилиш методолгиясини маҳсус савол тарзда аудиторлик текшируви ўтказишни ташкилий дастаклари бўйича такомиллаштириш;
- ✓ Республика ва Самарқанд вилояти миқёсида қурилиш ташкилотларида мавжуд қурилиш машина-механизмлар иш фаолияти хизматларини ривожлантиришнинг 2030 йилгача бўлган истиқболларини маҳсус савол тарзда аудиторлик текшируви ўтказишни ташкилий дастаклари бўйича прогнозлаштириш;
- ✓ Ҳалқаро ҳамда республика миқёсида қурилиш ташкилотларининг қурилиш машина-механизмлари иш фаолиятини қурилиш ва ишлаб чиқариш соҳасида вужудга келган янги ташкилий иқтисодий бирликларда сервис сифати ва самарадорлигини ошириш йўлларини маҳсус савол тарзда аудиторлик текшируви ўтказишни ташкилий дастаклари бўйича асослаш.

Шу боис ҳам тадқиқотлар натижасида оламни билиш назарияси, дедукция, индукция, таҳлил, статистика, бухгалтерия ҳисоби ва аудит методини ташкил қилувчи махсус усуллардан кенг фойдаланилади. Қурилиш ташкилотларида қурилиш машина-механизмлари ва улар иш фаолиятини маҳсус саволлар тарзда аудиторлик текширувидан ўтказиш ҳам бухгалтерия ҳисоби аудитнинг асосий методларидан бири бўлиб ҳисобланади. Аудитор бевосита қурилиш такшилотларида қурилиш машина-механизмлари ва улар иш фаолиятини маҳсус савол тарзда аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиши лозимдир. Шу боис ҳам қурилиш ташкилотларида қурилиш машина-механизмлар иш фаолияти ҳисоби ва улар назоратини маҳсус саволлар тарзда аудиторлик текширувини ўтказиш борадасида қурилиш ташкилоти бухгалтерия ҳисобида алоҳида инобатга олишини тақозо этади.

БИЗНЕСНИ СОТИБ ОЛИШ ЖАРАЁНИ АУДИТИНИНГ ДОЛЗАРБ ЖИҲАТЛАРИ

Уразов Комил Бахрамович
СамИСИ "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" кафедраси профессори, и.ф.д.
Абдурасулов Жамшидбек Ахмад угли
СамИСИ "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" кафедраси магистранти

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
Ўзбекистон, 140100, Самарқанд шаҳар, А. Темур кўчаси, 9.
Тел. +998979273836, e-mail: jamshidbek.abdurasulov@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада Республикамиз иқтисодиётининг бош бўғини, мос равишда, бухгалтерия ҳисобининг асосий субъектлари бўлган корхоналарни қайта ташкил қилиш шаклларининг моҳияти, хусусиятлари ва уларни амалга ошириш тартиблари очиб берилган. Шунингдек, мақолада корхоналарни қайта ташкил этиш шароитида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни шакллантиришга қўйиладиган умумий талаблар кўрсатиб берилган.
Калит сўзлар: бошқарув, бирлаштириш, йириклаштириш, корхона, қайта ташкил этиш, қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш, бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот.
Аннотация: В данной статье раскрываются сущность, характеристика и порядок реорганизации предприятий, которые являются основным звеном экономики республики, соответственно, основными субъектами бухгалтерского учета. В статье также изложены общие требования к бухгалтерскому учету и финансовой отчетности в условиях реорганизации предприятий.
Ключевые слова: управление, слияние, объединение, предприятие, реорганизация, добавление, добавление, разделение, выделение, изменение, бухгалтерский учет, финансовая отчетность.
Abstract: This article reveals the essence, characteristics and procedure for the reorganization of enterprises, which are the main link in the economy of the republic, respectively, the main subjects of accounting. The article also sets out the general requirements for accounting and financial reporting in the context of enterprise reorganization.
Key words: management, merger, merger, enterprise, reorganization, addition, addition, division, separation, change, accounting, financial reporting.

Корхоналар, маълумки, ҳар қандай кишилик жамияти иқтисодиётининг асосий бўғини, мос равишда, бошқарув воситаси бўлган бухгалтерия ҳисобининг муҳим субъектлари бўлиб ҳисобланади. Корхоналар орқали моддий ва номоддий неъматлар яратилади, турли ишлар бажарилади, хизматлар кўрсатилади ҳамда улар истеъмолчиларга етказиб берилади. Корхоналар сонини кўпайтириш, уларни бирлаштириш, йириклаштириш, ҳамкорликдаги фаолият турларини ривожлантириш мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмини ошириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадини ошириш, одамлар ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Корхоналарни қайта ташкил этишни амалга ошириш шароитида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий

ҳисоботни шакллантириш маълум тартиб-қоидаларга амал қилишни тақоза этади. Бундай тартиб қоидалар ҳар бир давлатнинг тегишли қонунлари ва қонуности ҳужжатларида, шунингдек қўлланилиши тан олинган ҳалқаро стандартларда белгиланган. Чунончи, корхоналарни қайта ташкил этиш шароитида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни шакллантириш масалалари бизнинг республикамизда махсус 23-сон БҲМС «Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш»да, шунингдек бошқа стандартлар, қоидалар ва тартибларда ўз аксини топган. Қуйида республикамизда амалда бўлган 23-сон ва бошқа миллий стандартларига асосланган ҳолда корхоналарни қайта ташкил этишни амалга ошириш шароитида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни шакллантиришнинг асосий қоидалари ҳамда уларни амалиётга тадбиқ этиш механизмларига тўхталамиз. 23-сон БҲМСга мувофиқ (9-банд) қайта ташкил этишни амалга ошириш шароитида молиявий ҳисоботни шакллантириш қуйидагиларга асосланади:

а) муассислар ёки тегишли органларнинг қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорлари;

б) қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари;

в) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш ва ташкилий-ҳуқуқий шаклни ўзгартириш тўғрисидаги шартномалар;

г) топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш баланси;

д) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, рўйхатга олувчи орган: қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида қайта ташкил этишда янги вужудга келган корхоналар ҳақидаги ёзувни; қўшиб олиш шаклидаги қайта ташкил этишда қўшиб олинган корхоналарнинг охиргиси фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзувни Реестрга киритганини тасдиқловчи ҳужжат ва бошқалар.

Корхоналарни қайта ташкил этишда топширилувчи (қабул қилинувчи) активлар ва мажбуриятларни баҳолаш муассисларнинг қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори (шартнома)да белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади. Активлар ва мажбуриятларнинг ҳар бир тури учун активларнинг бошқа турлари учун қўлланадиган баҳолаш усулларидан фарқли алоҳида баҳолаш усули белгиланиши мумкин.

Топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансида акс эттирилган активлар қиймати топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансига иловалар (хатлаш ҳужжатлари, расшифровкалар)да келтирилган маълумотлар билан тегишли қиймат баҳосида мос келиши лозим.

Муассислар қарори (шартномаси)га мувофиқ қайта ташкил этишда топширилувчи мол-мулкни жорий бозор баҳоси бўйича баҳолаш қайта ташкил этилаётган корхона томонидан топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансини тузиш чоғида амалга оширилиши мумкин.

Топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансида қайта ташкил этилаётган корхона мажбуриятларининг баҳоси кредиторлик қарзи инвентаризация натижаларига кўра бухгалтерия ҳисоби счётларида ифодаланган суммада акс эттирилади, бунда корхона қайта ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ кредиторларга қопланиши керак бўлган зарарлар суммаси ҳисобга олиниши лозим.

Акциядорлик жамиятларининг корхоналар устав капиталидаги акциядорларнинг талабига биноан сотиб олиниши лозим бўлган акцияларини баҳолаш уларнинг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ аниқланган жорий бозор баҳосидан паст бўлмаган нархда белгиланган тартибда акциядорлик жамиятлари томонидан амалга оширилади.

Назарда тутилган барча таомиллар бажарилганидан кейин, белгиланган тартибда сотиб олинган, қайта ташкил этилаётган корхоналарга тегишли акциялар бекор қилинаётганида бухгалтерия ҳисобида устав капиталининг акциялар номинал қийматига камайиши акс эттирилади.

Агар акцияларни сотиб олишга амалдаги харажатлар миқдори акциялар номинал қийматидан катта бўлса, юзага келувчи фарқ қўшилган капиталнинг камайиши ҳисобига, қўшилган капитал миқдори етарли бўлмаган тақдирда эса, молиявий натижаларга (молия фаолияти бўйича харажатларга) қайта ташкил этилаётган корхона кўрган зарар сифатида киритилади.

Агар акцияларни сотиб олишга амалдаги харажатлар акциялар номинал қийматидан кам бўлса, юзага келувчи фарқ молиявий натижаларга (молия фаолияти бўйича харажатларга) қайта ташкил этилаётган корхона олган даромад сифатида киритилади.

Ўз фаолиятини тўхтатаётган қайта ташкил этилаётган корхона Реестрга тегишли ёзув киритилган санадан олдинги кунгача бўлган ҳолатга кўра якуний молиявий ҳисобот тузади.

Якуний молиявий ҳисобот "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари, "Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари"га мувофиқ, корхона илгари қабул қилган йиллик молиявий ҳисобот шакллари ҳажмида, ҳисобот йили бошланганидан

то Реестрга янги вужудга келган корхоналар ҳақидаги (қўшиб олинган охирги корхона фаолиятини тўхтатиши ҳақидаги) ёзув киритилган вақтга қадар ўтган давр учун тузилади.

Қайта ташкил этилаётган корхоналар бухгалтерия ҳисоби счётлари бўйича маълумотларни эмас, балки ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақида ахборот беришлари лозим. Шу боис бухгалтерия ҳисобининг барча тартибга солувчи (контр-актив ва контр-пассив) ва баҳолаш счётлари ёпилган бўлиши керак. Якуний молиявий ҳисобот тузиш учун фақат мол-мулк ва мажбуриятларни ҳисобга олиш счётлари бўйича қолдиққа эга бўлиши лозим.

Агар қайта ташкил этиш натижасида янги тузилган корхона муайян объектга нисбатан ўз ҳуқуқларини тасдиқлаш ва амалга ошириш имкониятини йўқотган бўлса, мазкур мол-мулкни қайта ташкил этилган корхона зарарларга ҳисобдан чиқариши лозим.

Топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансига асосан қайта ташкил этилаётган корхонанинг активлари ва мажбуриятларини топшириш санаси билан вужудга келган корхоналар ҳақидаги (қўшиб олинган корхоналарнинг охиргиси ўз фаолиятини тўхтатганлиги ҳақидаги) ёзув Реестрга киритилган сана мос келмаганлиги туфайли мазкур саналар оралиғидаги даврда қайта ташкил этилаётган корхона томонидан белгиланган тартибда йиллик (ёки оралиқ) молиявий ҳисобот тузилади ва тақдим этилади.

Бунда оралиқ ва йиллик, кейинчалик эса якунловчи молиявий ҳисоботнинг миқдорий кўрсаткичлари топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш баланси маълумотлари билан мос келмаслиги мумкин.

Оралиқ ва (ёки) йиллик молиявий ҳисоботга, якуний молиявий ҳисоботга тушунтириш ёзувида ёхуд топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансига изоҳларда шу даврда топширилаётган активлар ва мажбуриятлар қийматида содир бўлган ўзгаришлар ёритилиши лозим.

Хулоса қилиб юқоридаги қискача шуни таъкидалш мумкинки, корхоналарни қайта ташкил қилиш шароитида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш мураккаб жараён ҳисобланади. Ушбу шароитда, бир томондан, тугатилаётган корхоналарда, иккинчи томондан эса, янги ташкил қилинаётган корхонада кўплаб жараёнларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш лозим ҳисобланади. Чунончи, барча тугатилаётган корхоналарда тугатиш жараёнлари ҳисобда акс эттирилиши, тугатиш ва тақсимлаш баланслари тузилиши лозим. Қайта ташкил этишда вужудга келган янги корхоналарда уларнинг давлат рўйхатидан ўтган кунига таъсис ҳужжатлари (устав, таъсис шартномаси) ҳамда қўшиб обориш тўғрисидаги қарорлар ва шартномалар асосида дастлабки таъсис баланси тузилиши,

шунингдек, ушбу баланс моддаларини ташкил қилувчи барча узоқ ва қисқа муддатли активлар, устав капитали, маблағларни ташкил топтириш ўз манбаларининг бошқа турлари (қўшилган ва заҳира капитали, тақсимланмаган фойдаси ва бошқалар), узоқ ва қисқа муддатли мажбуриятларни тан олиш, баҳолаш, кирим қилиш ва ҳисобга олиш ишларини белгиланган тартиб-қоидалар асосида бажариш керак бўлиб ҳисобланади. Қўшиб олувчи корхонада тугатилаётган корхоналарни ихтиёрий равишда ёки харид усулларида қўшиб олиш жараёнларини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш зарурати пайдо бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси қонуни "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тўгрисида" (Янги тахрири), 26.04.1996 й. 223-I-сон;
2. Ўзбекистон Республикаси қонуни "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида", 06.12.2001 й. 310-II-сон;
3. 3-сон МҲХС (IFRS) “Бизнес бирлашувлари”;
4. 10-сон МҲХС «Консолидацияланган молиявий ҳисобот”;
5. 23-сон БҲМС “Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш”;
6. 8-сон БҲМС “Консолидацияланган молиявий ҳисоботлар ва шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар».
7. Плотников В.С., Плотникова О, В. Объединение бизнеса и консолидированная финансовая отчетность, Учебное пособие, -М.: Издательство: ИНФРА-М, 2018 г.
8. S.N.Tashnazarov Moliyaviy hisobotning nazariy va metodologik asoslarini takomillashtirish. Monografiya. - Publisher SIA OmniScriptum Publishing. GlobeEdit Publishing house. 2018. 280 p. ISBN-13:978-613-8-24050-1, 87-107- betlar
9.Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Дарслик – Т. “Иқтисод-Молия”, 2019.
10. Уразов К.Б. Бухгалтерия молиявий ҳисоби. Ўқув қўлланма. – Самарқанд, СамИСИ, 2013. - 226 бет.
11. 1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”. http://lex.uz/nsbu
12.Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йил 27 июнда 1484-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2005 йил 12 апрелдаги 37-сон буйруғи билан тасдиқланган 23-СОНЛИ БҲМС.

З.Х.Абдуллаев, PhD, ТДИУ СФ, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосари
С.И.Адҳамов, асисстенти. ТДИУ СФ, Бухгалтерия ҳисоби, молия, солиқ ва статистика кафедраси
Н.У.Эргашев, ТДИУ СФ, талабаси
Тел:+998939943400

Рақамли иқтисодиёт шароитида Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот аудитини масалалри

Аннотатция: Ушбу мақолада молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот аудитини ўтказиш масалалари тўғрисида тушунчалар ёритилган. Мақолада корхоналарда аудиторлик рискини аудитнинг халқаро стандартлари асосида аниқлаш босқичлари ва хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни халқаро стандартлар асосида тузиш масалаларига доир тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: молиявий ҳисобот, фойда ва зарарлар, аудиторлик риски, умумий аудиторлик хатарининг даражаси, ички хўжалик хатари, назорат тизими хатари, Ялпи даромадлар, харажатлар.

Рақамли иқтисодиётни реал бухгалтерия ҳисоби маълумотларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобини (БҲХС) ва молиявий ҳисобнинг (МҲХС) халқаро стандартларларига ўтказиш ва молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, 2020 йил 24 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4611 «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Бухгалтерия ҳисоби мақсадларида даромадлар ва харажатлар алоҳида муҳим объект сифатида қаралади ва ушбу кўрсаткичлар якуний молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (фойда ва зарар) елементлари бўлиб ҳисобланади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот берилган ҳисобот даврининг бошига ва охирига бўлган баланслар ўртасидаги боғловчи бўғин вазифасини бажаради. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда корхонанинг провард мақсади бўлган фойдасини ўзида акс еттирган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот хар қандай ички ва ташқи инвесторлар учун мухим ахборот манбаи бўлиб ҳисобланади. Ўшбу ҳисоботдаги кўрсаткичларнинг ишончлилиги, шаффофлиги ўз ўрнида аудиторлик текшируви жараёнида аниқланади. Шуни инобатга оладиган бўлсак Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот аудитнинг ҳам муҳим объекти бўлиб ҳисобланади.

Юқоридагиларни ижобий ҳал етиш ўз навбатида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит олдига ҳам бир қанча масалаларни долзарб қилиб қўяди, жумладан: хўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалга ошириладиган хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартлар талаблари асосида ҳисобда акс еттириш, молиявий хўжалик фаолиятини ва иқтисодий

барқарорлигини таҳлил қилиш, молиявий ҳисоботини ва бошқа молиявий ахборот тўғрилиги ва қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида аудиторлик текширувини ўтказиш бошқа малакали хизматлар кўрсатиш.

Аудиторлик текширувларини ўтказишда аудиторлик рискини белгтлаб олиш муҳим ҳисобланади, чунки аудиторлик текшируви натижаларидан кейин содир булиши мумкин бўлган хатолар ва улар оқибатида юзага келадиган жарималар аудиторлик хатарига боғлиқ. Аудитнинг 315–сон халқаро стандартида аудиторлик хатарига қуйидагича таъриф берилган: “Аудиторлик хатари– бу аудиторларнинг ўзларига боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги бўйича аудиторлик хулосасини беришда йўл қўйиши мумкин бўлган хатоларининг баҳоланган миқдори. Ушбу хатоларнинг миқдори,одатда,фоизларда ифодаланади, уни сўмларда ҳам ифодалаш мумкин. Аудиторлик хатарининг даражаси аудитор томонидан дастлабки кузатувни ўтқазиш вақтида аниқланади.”

Халқаро амалиётга мувофиқ дастлабки кузатиш вақтида баҳоланадиган умумий аудиторлик хатарининг даражаси қуйидаги умум қабул қилинган математик модел ёрдамида топилади:

AR = IR * CR * DR

Бу ерда: AR (Audit Risk) – умумий аудиторлик хатарининг даражаси, яъни молиявий ҳисоботга нотўғри хулоса бериш эҳтимоли;

IR (Inherent Risk) – ички хўжалик хатарининг даражаси, яъни ҳисобдаги хатолар эҳтимоли;

CR (Control risk) – назорат тизими хатари даражаси, яъни ички назорат тизимининг самарасизлик эҳтимоли;

DR (Detection risk) -хатоларни топа олмасликдан вужудга келадиган хатар даражаси, яъни хатони топа олмаслик эҳтимоли.

Ички хўжалик хатари (IR) - деганда хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботига ишончсизликни туғдирадиган ички хўжалик омилларидан вужудга келадиган хатар тушунилади. Бундай хатар, масалан, бош бухгалтерни ёки бухгалтерларни ҳисобот йилида кўп маротаба ўзгартирилганлигидан, уларни малакасини пастлигидан, меъёрий ҳужжатлар билан таъминланганликнинг паст даражасидан, бухгалтерия ходимлари ўртасида функционал мажбуриятларни тақсимланмаганлигидан, иш жараёнларидаги доимий узилишлар ва ходимларнинг мажбурий қўшимча таътилларга чиқариб юборилганлигидан, иш ҳақини ўз вақтида берилмаётганлигидан, сотиш ҳажмини ўтган йилларга нисбатан камайганлигидан ва бошқа ҳоллардан келиб чиқади. Ушбу хатарни аудитор қанчалик паст даражада белгиласа, у шунчалик хулоса қилишда кўп хатога йўл қўйиши мумкин, бу билан у ўзининг умумий аудиторлик хатари даражасини кам белгилаган ҳисобланади. Ички хўжалик хатари даражаси қанчалик юқори деб белгиланса, аудиторлик исботини талаб қиладиган далилларни йиғиш сони шунчалик кўп бўлиши лозим. Фақатгина аудиторлик исботини кўп йиғиб, аудитор ўз хатосини минимумга етказиши мумкин.

Назорат тизими хатари (CR) – бу аудиторнинг корхонада мавжуд ички назорат тизимининг мавжуд ҳолатига, унинг таъсирчанлигига берган баҳосидан келиб чиқадиган хатар. Ички назорат тизимининг мавжудлиги, унинг ҳақиқатда кучли таъсирининг борлиги, самарали фаолият кўрсатаётганлиги аудиторнинг хулосада кам хато қилишининг муҳим омили ҳисобланади. Назорат тизими хатарини паст даражада белгиланиши, албатта, аудитор томонидан йиғиладиган исботлар сонини камайишига олиб келади, бу ўз навбатида аудиторнинг умумий аудиторлик хатарини ошишига сабабчи бўлади.

Хатоларни топа олмасликдан вужудга келадиган хатар (DR) деганда аудитор томонидан ўтқазилган аудиторлик теширувида мавжуд хатоларни топа олмаганлигидан келиб чиқадиган хатар тушунилади. Аудитор исбот ва далилларни қанчалик кам тўпласа, ушбу хатарнинг даражаси шунчалик юқори бўлади, мос равишда аудиторнинг умумий аудиторлик хатари даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади. Аудитор исбот ва далилларни қанчалик кўп тўпласа, хатоларни топа олмасликдан вужудга келадиган унинг хатари шунчалик паст бўлади. Молиявий натижалар аудитини ўтказишда аудитнинг қандай турларидан фойдаланиш ўта муҳимдир. Ишимизда корхоналарда молиявий натижалар аудитиниким томонидан, қандай мақсадларда, мажбурийлиги ва ихтиёрийлиги, махсус саволлиги ва бошқа белгилари бўйича туркумларга ажратиш тавсия этилди ва уларнинг аниқ мақсад ва вазифалари белгиланди;

Корхоналарда аудиторлик текширувларини самарали ўтказилиши унинг режаси ва дастурини тўғри тузилганлигига боғлиқ. Корхоналарда молиявий натижалар аудити бўйича аудит режаси ва дастурини корхонанинг фаолиятининг хусусиятидан келиб чиқиб ишлаб чиқиш ва уларга қандай саволлар ва муожалалар киритилиши лозимлиги асосланиши лозим.

Аудитда уни тезлашувига ва арзонлашувига имкон берувчи усулларни қўллаш мақсадга мувофиқ. Бунга имкон берувчи усуллар, чунончи оғзаки сўровлар ўтказиш, аудит объектлари бўйича тестлар, компьютер ахборотлари технолгиялари, кузатиш, ташқи тасдиқлаш, қайта ҳисоблаш, аналитик таҳлилусулларидан фойдаланишнинг аҳамияти очиб берилди ва уларни қўллаш йўллари асосланди.

Биз томонимиздан олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулоса қилинди.

- корхоналарида молиявий натижалар таркиби ва унинг номланиши тармоқ хусусиятларини инобатга олиб номлаш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги муаммоларни ўрганишлар натижасида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Мамлакатимизда амалдаги аудит стандартларига аудиторлик таҳлилини ўзида акс еттирувчи ишчи стандартни ишлаб чиқиш, зеро ушбу стандартда молиявий хўжалик фаолиятини барча йўналишлари бўйича

динамик ва омилли таҳлилдан фойдаланиш йўналишлари кўрсаталиши лозим.

2. Корхоналарда хизмат қилаётган ички аудиторлар мунтазам молиявий хўжалик фаолият бўйича таҳлил ўтказиши лозим ва бунинг натижаларини потенсиал инвесторлар ва ички ахборот фойдаланувчиларига тақдим етиб бориш лозим, чунки таҳлил жараёнида корхоналарнинг ички имкониятлари(потенсиали) аниқланади ушбу имкониятлар корхона учун қўшимча фойда олиш манбаси бўлиб хизмат қилади.

3. Ташаббусли тарздаги аудиторлик текширувида аудитор аудитнинг дастурида алоҳида аудиторлик таҳлили учун вақт ажратиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, 2020 йил 24 февраль, ПҚ-4611-сон.

2. 1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 14.08.1998 да қайд этилган, № 474

3. 1-сонли БҲХС (IAS)“Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш”. 2007 йил 1 сентябрдан кучга киритилган.

4. 2-сон БХМС “Асосий хўжалик фаолиятидан тушган даромадлар”. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирги томонидан 26.08.1998 да қайд этилган, № 483

5. 300-сон АХС «Молиявий ҳисоботлар аудитини режалаштириш». 2009 йил 15 декабрдан кучга кирган

6. 320-сон АХС «Аудитни режалаштириш ва бажаришда муҳимлик». 2009 йил 15 декабрдан кучга кирган

7. С.Н.Ташназаров. Молиявий ҳисоботнинг халҳаро стандартлари: Олий ўқув юртлари магистратура мутахассисликлари учун дарслик. – Тошкент: 2019.

8. Тулаходжаева М.М, Илхомов Ш.И. Аудит. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2005.

Ш.К.Умарова – СамИСИ ассистенти

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИ РЕЖАСИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТУЗИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: мақолада аудит ўтказишда халкаро стандартлар асосида аудит режасини такомиллаштириш масалалари татқиқ этилган ва татқикот натижалари бўйича хулосалар берилган.

Калит сўзлар: аудит, халқаро стандартлар, аудит режаси, аудит риски, аудит қиймати, аудит жамоаси, аудит кўлами.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳатлар ўз самарасини бермоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда ҳалқаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳамда чет эл инвестицияларини жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Рақамларга алоҳида тўхталиб ўтилса, республикамизда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий хажми 2017 йилда 72155,2 млрд.сўмни ташкил этган бўлса 2019 йилга келиб 195927,3 млрд.сўмни, 2020 йил учта чорагида 138106,6 млрд.сўмни ташкил этган.[64] Инвестицияларни жалб этишда хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида тузиш ҳамда уларда аудиторлик текширувларини ўтказишда халқаро стандартларга асосланиш муҳим аҳамиятга эга. Шундай келиб чиқиб мамлакатимизда сўнгги йилларда халқаро стандартларни амалиётга жорий этиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий асослар ҳам яратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3946-сонли қарори, 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли қарори муҳим аҳамиятга эга. Мазкур меъёрий-хуқуқий хужжатлар талаблари асосида аудитни режалаштиришда ҳалқаро стандартларидан фойдаланиш лозим.

Халқаро амалиётда аудитни режалаштиришда 300-сон АХС, 315-сон АХС, 320-сон АХС, 330-сон АХСдан кенг фойдаланади. Аудитни режалаштиришда ҳолислик ва мустақиллик жуда муҳим ҳисобланади. Чунки одилона тузилган аудиторлик режаси аудиторлик текширувларининг самарадорлигини таъминлайди.

300-сон АХСда аудитор аудит кўлами, уни бажариш муддатлари ва йўналишини белгилайдиган ҳамда аудит режасини ишлаб чиқишда мўлжал бўлиб хизмат қиладиган аудит умумий стратегиясини белгилаши лозимлиги белгиланган.[65]

Аудит умумий стратегиясини белгилашда аудитор қуйидаги ҳаракатларни бажариши лозим:

---

[64] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тантанали маросимида сўзлаган маърузаси, 31.08.2021

[65] 2009 йил 15 декабрдан кучга киритилган

а) Келишувнинг келишув кўламини белгилайдиган хусусиятларини аниқлаш;

б) Аудитни ўтказиш муддатларини ва зарурий ахборот алмашинувилар хусусиятини режалаштириш учун келишув бўйича тақдим этиладиган ҳисоботларнинг мақсадларини аниқлаш;

в)Аудиторнинг профессионал мулоҳазасига кўра, келишув жамоасининг куч-ғайратини йўналтириш учун аҳамиятли ҳисобланадиган омилларни кўриб чиқиш;

г)Келишув бўйича бажарилган бошланғич иш натижаларини кўриб чиқиш ва, зарур ҳолда, келишув партнёри тадбиркорлик субъекти учун бошқа келишувларни бажариш жарёнида олган билимлар аудит учун ўринли ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш;

д) Келишувни бажариш учун зарур бўлган ресурслар хусусияти, ҳажми ва улардан фойдаланиш муддатларини аниқлаш.

Халқаро аудиторлик ташкилотлари томонидан тузилган аудит режаси наъмуналарини ўрганилди. Натижада корхоналарда аудит режасини қуйидаги 1-чизмадаги каби 8 та таркибий қисмдан иборат ҳужжат сифатида тасдиқлаш таклиф этилди.



1-чизма. Аудит режаси таркиби.

1. **Умумий қисм (Overview of audit strategy)да** аудит рисклари ва эътибор

қаратиш лозим бўлган соҳалар, ишнинг қиймати ва аудит кўлами тўғрисида маълумотлар келитирилган бўлади.

2. Аудит риски (Audit risks) қисмида аудит рискининг аҳамияти ва моҳияти ҳамда камайтириш учун бажариладиган амаллар батафсил ёритиб берилади.

3. Аудит қиймати (Audit materiality). Аудитнинг қиймати корхона даромадлари ва харажатлари суммаси, молиявий хўжалик фаолияти хусусиятларига боғлиқ ҳолда ҳисобланади.

4.Аудит қамрови (Scope of audit)да айнан корхонада қайси кўрсатгичлар ёки соҳалар текширилиши лозимлиги тартибланган ҳолда кўрсатилади.

5. Аудит жамоаси (Audit team)да аудиторлик текширувларида бевосита иштирок этувчи аудиторлик гуруҳининг таркиби келитирлган бўлади.

6.Аудитнинг вақт жадвали (Audit timeline)

Стандарт талабларини инобатга олган ҳолда аудиторлик жадвалида текширилиши лозим бўлган объектлар, қуйилган масалалар, текшириш усуллари ва ким томонидан текширилиши жадвал кўринишида келтирилган бўлади.

7. Мустақиллик (Independence)

- Аудиторлик гуруҳи ўз текширувларини мустақил олиб борадилар
- Аудторлик текширувлари давомида гуруҳ аъзоларига тазйиқ ўтказилмаслиги лозим
- Етарлича аудиторлик далиллари билан таъминланиши лозим
- Аудиторлар томонидан шахсий манфаатдорликка йўл қўйилмайди

8. Иловалар (Appendicies)

1. Шартнома қийматининг текширилиш объектлари бўйича тақсимоти
2. Аудиторлар сертификатларидан нусхалар
3. Аудитнинг ахборот манбалари.

Аудиторлик режаси юқоридаги тартибда тузилгандан сунг, режа “Кириш учрашуви” да учрашув аъзолари, яъни аудиторлик ташкилоти раҳбари ва аудиторлар, буюртмачилар томонидан муҳокама қилинади ва тасдиқланади. Аудиторлик режаси тасдиқлангандан сўнг бевосита аудиторлик текширувлари жараёни бошланади. Аудиторлик текширувлари давриида аудиторлик далилари тўпланади, текширилади, таҳлил қилинади ва амалга оширилган амаллар ҳужжатлаштирилади. Йиғилган ахборотлар чиқиш учрашувида муҳокама этилади ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади. Учрашувдан сўнг аудиторлик ҳисоботи ва тўғирловчи амаллар режаси тайёрланадиҳамда буюртмачига тақдим этилади. Аниқланган камчиликларнинг аҳамиятига қараб аудиторлик хулосаси берилади. Берилган тавсияларни амалиётга жорий этилишини кузатади.

Татқиқот натижалари бўйича хулосаларда муқобил режалаштириш аудиторлик текширувларида самарали натижаларга эришишда қуйидаги йўналишларда кўмаклашиши аниқланди:

- аудитнинг муҳим соҳаларига лозим даражада эътибор қаратилганини кафолатлашга ёрдам беради;
- аудиторга потенциал муаммоларни аниқлаш ва уларни ўз вақтида ечишга ёрдам беради;
- аудиторга аудитни самарали тарзда ташкил этиш ва унинг бажарилишини бошқаришга ёрдам беради;
- зарурий қобилият ва билимга эга бўлган аудиторлик гуруҳ иштирокчиларини танлашда, шунингдек гуруҳ иштирокчилари ўртасида ишларни тақсимлашда ёрдам беради.
- гуруҳ иштирокчилари ишини йўлга солиш ва назорат қилишни, шунингдек уларнинг ишини текширишни енгиллаштиради;
- аудиторлик ташкилоти ҳамда буюртмачи ўртасида ишончли ҳамкорликни таъминлайди;
- аудиторлик текширувлари самарадорлиги ҳамда мобиллигини оширади.

ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТЛАРИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Тўраев Абдураҳим Нортожиевич – ТДИУ,
“Молиявий таҳлил ва аудит”
кафедраси профессори
Саитова Дилбар Мухамедқуловна –Тер ДУ
магистратура талабаси

Аннотация. Ички аудит хизматининг ташкилий жиҳатларини халқаро стандартлар асосида юритиш тизими очиб берилган.

Калит сўзлар: аудит, ташқи аудит, ички аудит, ички аудит хизмати, ички аудитнинг халқаро стандартлари, ички аудит хизмати ходими, ички аудит хизмати ҳисоботи

Рақамли иқтисодиёт шароитида ички аудит хизматининг акциядорлик жамиятларини бошқаришда фаол иштирокчисига айланиши, ахборотлар воситасида уни назорат қилиш ва таҳлилини таъминлаш, ташкилий ҳамда иқтисодий қарорларни режалаштириш, фаолият натижаларини баҳолаш каби вазифалар турибди. Шу боис, хўжалик юритиш шарт-шароитларига муттасил ва тўлиқ мос келувчи ва акциядорлик жамиятлари фаолиятида юзага келиш эҳтимоли бўлган рискларни камайтирувчи назорат шаклларини, шу жумладан, ички аудит хизматининг ўзига хос иш услубиётини ва техникасини ташкил этишни мунтазам такомиллаштириш талаб қилинади. Корхонанинг ички назорат тизими ички аудит хизматининг мунтазам назорати остида бўлиши зарур.

Бунинг учун мамлакатимизда корпоратив бошқарувда ички назорат тизимини самарали ташкил қилиш ва ички аудит хизматини малакали

мутахассислар билан бутланишини таъминлаш мақсадида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Корхона ва унинг ходимлари фаолияти устидан мунтазам, таъсирчан ва ўз вақтида тўғри йўлга қўйилган иқтисодий-ҳуқуқий ишлар, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот каби воситалар асосида амалга ошириладиган назорат ўрнатилиши лозим.

Халқаро амалиётда ички аудиторлик текширувларини ўтказиш услубиётини ва ички аудитнинг халқаро стандартларини такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотларда хўжалик юритувчи субъектларнинг ички аудит хизмати фаолиятида ички аудитнинг халқаро стандартларидан фойдаланиш хусусиятлари, белгиланган талабларга риоя қилиш ҳамда республикамизда амалиётга жорий этишнинг афзалликлари ўрганилган.

Республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ички аудитнинг назарий ва ҳуқуқий асослари, ички аудит хизматини ташкил этиш механизмларини халқаро стандартлар талаблари асосида такомиллаштириш ҳамда ички аудит самарадорлигини баҳолашнинг услубий асосларини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда.

Халқаро амалиётда кенг фойдаланилаётган халқаро ички аудит стандартларини республикамизда ҳам қабул қилиш лозим. Ўзбекистон жамоат ташкилотлари орқали Ички аудиторлар институтига аъзо бўлиш, мамлакатимизда халқаро ички аудит стандартларидан фойдаланиш имконияти яратилмоқда.

Халқаро амалиётда ички аудит институти томонидан ишлаб чиқилган ички аудитнинг стандартлари қуйидаги мезонларни ўзида акс эттиради:

– сифат тавсифи стандартлари;

– фаолият стандартлари;

– амалий қўллаш стандартлари.

Ўзбекистон Республикасида очиқ турдаги акциядорлик жамияти низом жамгармаси энг камида 400 минг АҚШ долларига тенг бўлиши керак.

Ички аудит хизматини асосий вазифалари:

Ташкилотнинг ички ҳужжатларини тузишда ва назорат (буйруқлар, йўриқномалар, фармойишлар ва бош.) норматив актлар амал қиладиган ва ташкилотни таъсис этиладиган ҳужжатларга асосланиб бошқарилаётганини текшириш;

– Бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоботини ишончлилигини текшириш;

– Ташкилот фаолиятига ташқи омиллар таъсирини баҳолаш;

– Ташкилотни ташқи аудитдан ўтказишга тайёргарлиги;

– Солиқ ва бошқа органларни текширувларига ташкилотнинг тайёрлиги.

Ички аудиторлар мажбуриятлари ва ҳолати ишга ёлловчидан боғлиқ ҳолда кенг алмашиши мумкин. Ички аудит ташқига нисбатан ўзгача табиатга, маънога, мақсад ва структурага эга. Ички аудит хизмати (ёки баъзан номланишича, ички тафтиш, ички назорат хизмати) ташкилот доирасида тузилган мустақил бўлим бўлиб, унинг фаолияти текшируви ва

баҳоланиши бўйича систематик, ҳар кунлик ишни бажаради.

Ички аудит структураси асосланиши ва танловига ташкилий-ҳуқуқий шакл, соҳавий мансублик, фаолият ҳажми, бозорга ўтиш жараёнида ҳаракатлар эркинлиги даражаси, молия-хўжалик ривожланиш стратегияси, ахборот таъминоти системаси, кадрлар малакаси каби факторлар таъсир этиши мумкин.

Ички аудит хизмати ташкилотнинг ажралмас қисми сифатида ҳам давлат, ҳам фирма ичидаги ҳужжатлар, структуравий бўлинма низомлари ва лавозимлар инструкциялари, аудитор ва раҳбарият орасидаги шартномалари асосида ишлаши керак.

Ўзбекистонда ички аудит ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни амалга ошириш босқичларини ёритувчи қуйидаги халқаро стандартларни жорий этиш мақсадга мувофиқ бўларди:

“Мустақиллик ва объективлик. Ички аудит мустақил бўлиши, ички аудиторлар эса ўз мажбуриятларини бажаришда объектив бўлишлари керак”;

“Ташкилий мустақиллик. Ички аудит раҳбари ички аудит бўлинмаси ўз мажбуриятларини бажаришига имкон бериши мумкин бўлган бошқарув органига ҳисобот бериши керак. Ички аудит раҳбари бир йилда бир марта Кенгашга ички аудитнинг ташкилий мустақиллиги далилини тасдиқлаши керак”;

“Ички аудит ички аудит ҳажмини аниқлаш, ишларни амалга ошириш ва натижалар тўғрисида ҳисобот тақдим этиш жараёнига учинчи шахсларнинг аралашувидан холи бўлиши керак.

Ички аудит ўз мақсадларига эришишда ташкилот учун жуда катта харажатлар билан боғлиқ бўлмаслиги, далиллар хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолати ва ҳақида фикрни шакллантириш учун етарли даражада тўпланиши, ҳисобга олиш жараёнида яратилган ахборотлар қимматини ошириши, соғлом фикрга асосланиши зарур деб ўйлаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ш.М.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Т.: «Ўзбекистон» 2017.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720 сонли Фармони. 2015 йил 24 апрель.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори. 2015 йил 21 декабрдаги 2454-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори билан тасдиқланган «Корхоналардаги ички аудит

хизмати тўғрисида Низом». – Т.: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006. 42 (230)-сон

5. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: Адолат, 2014.

6. В.В.Бурцев. Внутренний аудит компании: вопросы организации и управлении . Финансовый менеджмент. -2003. - №4. –www.dis.ru/fm

7. Богомолова А.М., Голощапова Н.А. Внутренний аудит. Организация и методика проведения. – М.: «Экзамен», 1999.

8. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2004. – 42 б.

9. Ахмаджонов К.Б. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида ички аудит методологиясини такомиллаштириш. Иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2016. – 76 б

10. Интернет сайтлари
http://www..iia-ru.ru
http://www.iasc.org.uk

http://www.uzaudit.uz
http://www.naaa.uz
http://www. gki. uz.

О.М. Эсанов – СамИСИ, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси ассистенти

КОРХОНАЛАРДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ КЎРСАТГИЧЛАРИ АУДИТИНИНГ АХБОРОТ МАНБАЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақола корхоналарда асосий воситалардан самарали фойдаланиш кўрсатгичлари аудитининг ахборот манбалари ҳамда муҳим жиҳатлари ҳақида ёритилган.

Калит сўзлар: Бухгалтерия ҳисоби, Аудит, Аудитнинг ахборот манбалари, аудитнинг реаллиги, ҳужжатлаштириш, счётлар, счётларга икки ёқлама ёзув, баҳолаш, калкуляция, баланс.

Аннатация: В статье рассматриваются источники информации и важные аспекты аудита эффективности использования основных средств на предприятиях.

Ключевые слова: Бухгалтерский учет, Аудит, Аудит Источники информации, Аудит Реальность, Документация, Счета-фактуры, Двойные записи, Оценка, Расчет, Баланс.

Abstract: This article discusses the sources of information and important aspects of the audit of the effective use of fixed assets in enterprises.
Key words: Accounting, Auditing, Audit Information Sources, Audit Reality, Documentation, Invoices, Double Records, Evaluation, Calculation, Balance.

Асосий воситаларни аудиторлик текширувдан ўтказишда фойдаланиладиган манбалар бухгалтерлик ҳисобнинг корхонада қабул қилинган ташкилий шаклига ҳам боғлиқ. Булар ҳисобни қўлда юритиш шароитида: журнал-ордерлар, ведомостлар, карточкалар, автоматлаштирил-ган ҳисоб шароитида эса компютер дастурлари, машинаграммларидир. Лекин шуни унутмаслик керакки, ҳисобнинг ҳар қандай шакли шароитида ҳам асосий воситаларнинг ҳаракатига оид муомалалар (кирими, чиқими, хўжалик ичидаги силжиши, таъмирланиши) меъёрий ҳужжатлар ва дастлабки ҳужжатлаштиришнинг унификацияланган идоралараро шакллари билан расмийлаштирилиши лозим. Улар қаторига қуйидагилар киради:

- ✓ асосий воситалар бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш масалаларини тартибга соладиган асосий меъёрий ҳужжатлар;
- ✓ корхонанинг ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруги;
- ✓ асосий воситаларни ҳисобга олишда корхонада қўлланиладиган аналитик ва синтетик ҳисоб регистрлари;
- ✓ бухгалтерия ҳисоботлари;
- ✓ асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш (ички силжиш) далолатномаси (накладнойи) (АВ-1 шакл);
- ✓ таъмирланган, қайта жиҳозланган ва замонавийлаштирилган объектларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси (АВ-2 шакл);
- ✓ асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси (АВ-3 шакл);
- ✓ автотранспорт воситаларини ҳисобдан чиқариш далолатномаси (АВ-4 шакл);
- ✓ асосий воситаларни ҳисобга оладиган инвентарь карточка (АВ-6 шакл);
- ✓ асосий воситаларни ҳисобга оладиган инвентарь карточкалар рўйхати (АВ-7 шакл);
- ✓ асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга оладиган карточка (АВ-8 шакл);
- ✓ асосий воситаларнинг инвентар рўйхати (ишлатиш жойлари бўйича) (АВ-9 шакл).

Аудитор ушбу меъёрий ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари ва дастлабки ҳужжатларда асосий воситалар ҳаракатини расмийлаштириш учун жавобгар шахслар имзоларининг мавжудлиги ва ҳаққонийлигига эътибор қаратиб, барча реквизитларнинг тўғри тўлғазилганлигини аниқлайди.

Аудитор корхонанинг ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқда баён қилинган асосий воситаларни ҳисобга олиш услубиёти билан танишиб чиқиши лозим. Бунда хусусан қуйидагиларни аниқлаш зарур:

- ✓ объектларни асосий воситалар ва айланма маблағлар қаторига олиб бориш учун улар қийматининг белгиланган чегаралари;

- ✓ қийматидан қатъий назар асосий воситалар қаторига олиб бориладиган объектлар рўйхати;
- ✓ асосий воситалар бўйича амортизация ҳисоблаш усуллари;
- ✓ асосий воситаларни таъмирлаш учун қилинган харажатларни акс эттириш тартиби;
- ✓ ҳисобот йилининг 1 январ ҳолатига асосий воситаларни қайта баҳолаш кўзда тутилганлиги;
- ✓ асосий воситаларни инвентаризация қилиш муддатлари;
- ✓ асосий воситалар мавжудлиги ва ҳаракатига доир муомалаларни ҳисобга олиш учун ишчи счётлар режасида белгиланган счётлар рўйхати.

Асосий воситалар мавжудлиги ва ҳаракатига доир муомалаларни ҳисобга олишда қўлланиладиган ва текширувда аудитор томонидан жалб қилинадиган, синтетик ва аналитик ҳисоб регистрлари бухгалтерия ҳисобининг корхонада қўлланилаётган шаклига боғлиқ.

Асосий воситалар ҳаракатига доир муомалалар, одатда, дастлабки ҳужжатларнинг унификацияланган (ягона шаклга келтирилган) шакллари билан, айрим ҳолларда эса корхонада ишлаб чиқилган ва ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқ билан тасдиқланган дастлабки ҳужжатлар билан расмийлаштирилади.

Аудитор текширув чоғида молиявий ҳисоботнинг бухгалтерия балансидан кенг фойдаланади.

Бухгалтерия баланси (1-шакл)да корхонага мулкий ҳуқуқ асосида, тезкор бошқарув ва хўжалик юритиш учун тааллуқли бўлган асосий воситалар I - «Узоқ муддатли активлар» бўлимидаги «Асосий воситалар» моддасида бошланғич қиймати, эскириш ва қолдиқ қийматлари бўйича берилади. Асосий воситалар балансда НЕТТО баҳоси яъни қолдиқ қиймати бўйича акс эттирилади (белгиланган тартибга мувофиқ қиймати қопланмайдиган (амортизация ҳисобланмайдиган) асосий воситалар объектларидан ташқари).

Молиявий ҳисоботга тушунтириш ва изоҳларда №1 «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС) даги қоидалардан келиб чиқиб, қуйидагилар тўғрисидаги ахборотлар баён қилинади:

- ✓ асосий воситалар бухгалтерия ҳисобига қабул қилингандаги қийматининг ўзгариши (қўшимча қуриш, қўшимча жиҳозлаш, қайта жиҳозлаш ва қисман тугатиш ҳоллари ҳам қўшилиб);
- ✓ корхонада асосий воситаларнинг фойдали хизмат қилиш муддатларини белгилаш (асосий гуруҳлари бўйича);
- ✓ қиймати қопланмайдиган (амортизация қилинмайдиган) асосий воситалар;

Амалиётда асосий воситалар ҳаракатига оид муомалаларини ихтиёрий шаклдаги (ўзбошимча тузилган) ҳужжатлар билан расмийлаштириш каби қонунбузарлик ҳоллари учраб туради.

Асосий воситаларни аудиторлик текширувидан ўтказиш корхона фаолияти умумий аудитининг бир қисми ҳисобланади. Унинг мақсади

бухгалтерия ҳисоботи асосий воситалар бўлимининг ишончлилиги тўғрисида фикр шакллантириш ва корхонада асосий воситалар билан боғлиқ муомалаларни ҳисобга олиш ҳамда солиққа тортиш услубиётини ташкил этишнинг Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини аниқлашдан иборат. Асосий воситаларнинг аудити куйидаги меъёрий хужжатлар асосида амалга оширилади:

1. Ўзбекистон Республикаси "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Конуни. Янги тахрирда 2016 йил 13 апрелда тасдиғланган.

2. Ўзбекистон Республикаси "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Конуни. 2021 йил 25 февралда 677-сон билан тасдиғланган.

3. Ўзбекистон Республикаси Солик Кодекси (асосий воситаларнинг эскириш меъёрлари) 2020 йил холатига узгартиришлар билан.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 феврал ПҚ-4611 “Молиявий ҳисоботнинг халкаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори;

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли "Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чикариш ва сотиш буйича харажатлар таркиби хамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби хакидаги Низом".

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 6 майдаги 194-сонли "Лизинг операцияларини бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс этиш тартиби"нинг 2-иловаси.

7. "Инвентарлаш вактида аникланган мол-мулкнинг камомади ва ортикчасини бухгалтерия ҳисоби ва соликка тортиш тартиби ҳакидаги Низом". 2001 йил 20 июнда 56/2001-38-сон билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Солик кумитаси томонидан тасдиғланган. 2001 йил 23 июлда 1054-сон билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан руйхатга олинган.

8. "Балансдаги асосий воситаларни ҳисобдан чикариш тартиби хакида Низом". 2001 йил 28 февралда 26-сон билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиғланган.

9. "2001 йил 1 январ холатига кўра асосий воситаларни кайтадан бахолаш тартиби хакидаги Низом". 2001 йил 2 февралда РА-01/8-6а, 17-03/113А, 2001-32-сонлар билан Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат Солик қўмитаси Карори билан тасдиқланган.

10. Молиявий ҳисобот шаклларини тулдириш коидалари.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғи.

11. 1-сонли "Хисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот" Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС). 1998 йил 26 июлда 474-сон билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиғланган ва 1998 йил 14 августда Адлия вазирлиги томонидан руйхатга олинган.1-сонли "Хисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот" Ўзбекистон Республикаси БҲМСсига изохлар.

12. 5-сонли "Асосий воситалар" Ўзбекистон Республикаси БҲМСси. 2001 йил 2 июлда 60-сон билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиғланган ва 2001 йил 7 июлда 491-2-сон билан Адлия вазирлиги томонидан руйхатга олинган.

13. "Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хужалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисобвараклар режаси ва уни қўллаш ҳакида йурикнома" 21-сонли БҲМССИ. 2002 йил 9 сентябрда 103-сон билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиғланган ва 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан Адлия вазирлиги томонидан руйхатга олинган.

14. "Инвентарлашни ташкил килиш ва ўтказиш" Ўзбекистон Республикаси 19-сонли БҲМСси. 1999 йил 19 октябрда ЭГ/17-19- 2075-сон билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиғланган ва 1999 йил 2 ноябрда 833-сон билан Адлия вазирлиги томонидан руйхатга олинган.

15. "Молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси" 70-сонли Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти миллий стандарти (АФМС). 2001 йил 14 февралда 20-сони билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиғланган ва 2001 йил 10 мартда 1016-сон билан Адлия вазирлиги томонидан руйхатга олинган.

16. "Маълумотларни компьютерда кайта ишлаш шароитида аудит" Ўзбекистон Республикаси 11-сонли АФМСси. 1999 йил 91 сентябрда 76-сон билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиғланган ва 1999 йил 23 сентябрда 823-сон билан Адлия вазирлиги томонидан руйхатга олинган.

17. "Юридик шахслар мол-мулки буйича соликларни ҳисоблаш ва бюджетга тулаш тартиби тўғрисида"ги Йурикнома. 2002 йил январда 25, 2002 йил 13-сонлар билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Солик кумитаси томонидан тасдиғланган ва 2002 йил 11 мартда 1107-сон билан Адлия вазирлиги томонидан руйхатга олинган.

Асосий воситалар ҳисобини аудиторлик текширувидан ўтказиш босқичлари маълум кетма-кетликларда амалга оширилади. Асосий воситалар чиқими аудитини ўтказиш кетма-кетлигини 4 босқичга ажратиш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ЧИҚИМИ АУДИТИНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

Босқич	Босқичнинг номи ва унда амалга ошириладиган ишлар
1-босқич. Аудитни режалаштириш босқичи.	Ушбу босқичда аудит ўтказувчи субъектнинг ёзма буюртмаси қабул қилинади; аудит ўтказувчи субъект, шу жумладан асосий воситалар ҳисобининг дастлабки ҳолати ўрганилади, улар бўйича иш ҳажми ва қиймати, аудиторлик рискининг даражаси белгиланади; аудит ўтказувчи субъект номига асосий воситалар чиқими аудитини ўтказиш мажбуриятини олиш тўғрисида

	розилик хати тайёрланади, ушбу хатда асосий воситалар чиқими аудитини ўтказиш бўйича шартлар, жумладан аудиторлик риски даражаси, иш ҳажми ва қиймати, кўрсатилади; асосий воситалар чиқими аудитини ўтказиш тўғрисида шартнома тузилади; асосий воситалар чиқими аудитининг режаси ва дастури тузилади, аудиторлар ўртасида функционал мажбуриятлар ўзаро тақсимланади, уларга ёрдамчилар белгиланади.
2-босқич. Аудиторлик текширувини ўтқазиш босқичи	Ушбу босқичда тасдиқланган дастурга мувофиқ асосий воситалар танланган усуллар асосида текширишдан ўтказилади
3-босқич. Аудиторлик текшируви натижаларини жамлаш ва расмийлаштириш босқичи.	Ушбу босқичда аудиторлик текшируви маълумотлари (исботлари) ҳар бир асосий восита тури бўйича жамланади. Маълумотлар (исботлар) жадваллар кўринишида жамланади. Барча маълумотлар (исботлар) жамлангач, ёзма аудиторлик ҳисоботи тайёрланади. Аудиторлик ҳисоботида барча камчиликлар кўрсатилади ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилади.
4-босқич. Аудиторлик текшируви натижаларини тадбиқ этиш босқичи.	Ушбу босқичда асосий воситалар чиқими аудиторлик текшируви натижалари муҳокама этилади, аниқланган четланишлар бўйича тузатишлар, қайта ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Тузатилган ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси берилади.

КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ УЗЛУКСИЗЛИГИГА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА АУДИТОРЛИК БАҲОСИНИ БЕРИШ

К.Б. Уразов, и.ф.д., профессор (Сам ИСИ),
У. Абдурайимов Ма-120 гуруҳ талабаси

Иқтисодиётни рақамлаштириш жараёни аудиторлик фаолиятига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш ва ишлаб чиқариш тармоқларига янги замонавий техника-технологияларнинг кириб келиши асосида хўжалик субъектларининг

молиявий мустаҳкамлигини ошиши кейинги йилларда аудиторлик фаолиятини янада ривожланишига пойдевор бўлмоқда. Ўтган йилларда мамлакатимизда аудитнинг норматив-ҳуқуқий ва услубий базаси шакллантирилди, шунингдек, аудиторлик фаолиятини лицензиялашнинг соддалаштирилган ва муддатсиз тизими жорий этилди, бу аудиторлик хизматлари бозорининг шаклланишига ва маҳаллий аудиторлик ташкилотлари аудиторлик компанияларининг йирик халқаро тармоқларига киришини таъминлашга имкон яратди.

Мамлакатимизда аудиторлик фаолиятини ривожлантириш, бу борадаги қонунчиликни тартибга солиш ва мустаҳкамлаш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда [1]. Мазкур чора-тадбирлар, авваламбор, аҳолининг янги шаклланаётган бозор институтлари ва механизмларига нисбатан ишончини мустаҳкамлашга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда юртимиздаги акциядорлик жамиятлари ва бошқа тадбиркорлик субъектларининг миллий молиявий ҳисоботларини халқаро стандартларга ўтказиш тажрибаси кенгаймоқда [2].

“Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” деб номланган 1-сонли Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти (IAS) га кўра, фаолиятнинг узлуксизлиги ҳақидаги фаразга мувофиқ хўжалик юритувчи субъектга яқин келажакда ўз бизнесини амалга оширишни давом эттирадиган тадбиркорлик субъекти сифатида қаралади. Демак, қачонки мулк эгаси ўзига тегишли компания фаолиятини тугатишни ва хўжалик муомалаларини тўхтатишни ният қилмаётган бўлса ёки бошқа аниқ муқобил чораларни мавжуд эмаслиги унинг тугатилиши ҳамда (ёки) фаолиятини тўхталишига мажбур қиладиган ҳолатни келтириб чиқармаётган бўлса, хўжалик юритувчи субъект умумий фойдаланиш учун мўлжалланган молиявий ҳисоботларни фаолиятнинг узлуксизлиги асосида тайёрлаши лозим. Мазкур стандарт тадбиркорлик фаолиятини юритаётган ва жаҳон бозорига чиқишга интилаётган компания раҳбариятига Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) асосида молиявий ҳисобот тайёрлаб, фойдаланувчиларга тақдим қилаётган пайтда ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилиятини баҳолашини талаб қилади. Унга кўра компания учун МҲХС асосида молиявий ҳисобот тайёрлаш жараёнида фаолиятнинг узлуксизлиги ҳақидаги фараздан фойдаланиши у ўзининг одатдаги фаолияти жараёнида ўз активларини сотиш ҳамда ўз мажбуриятларини бажара олиш имкониятига эга бўлгандагина ўринли ҳисобланади.

1-сонли МҲХС (IAS) нинг 26 - бандида компания раҳбарияти фаолиятни узлуксизлиги тўғрисидаги фаразни баҳолаш учун ҳисобот санасидан кейинги энг камида 12 ойни қамраб олган (аммо, бу билан чекланмаган келажакка оид) барча мавжуд маълумотларни инобатга олиши лозимлиги таъкидланган. Ушбу стандартнинг 25–бандига асосан агар раҳбарият, баҳолашни амалга ошираётганда, тадбиркорлик субъекти фаолиятини узлуксиз давом этиши қобилияти тўғрисида аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шароитларга тегишли муҳим ноаниқликлардан хабардор бўлса, тадбиркорлик субъекти ушбу ноаниқликларни очиб бериши лозим.

Тадбиркорлик субъектининг ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилиятини баҳолаш учун тадбиркорлик субъекти раҳбариятининг жавобгарлигига қўйиладиган муфассал талаблар ва молиявий ҳисоботда очиб берилиши лозим бўлган бу билан боғлиқ маълумотлар компания фаолият кўрсатаётган мамлакат қонунчилиги ёки бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботлар тузиш йўналишини тартибга солувчи бошқа меъёрий ҳужжатлари билан белгиланиши ҳам мумкин.

Юқорида келтирилган ҳолатлар Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ хизматлар кўрсатаётган аудиторлик ташкилотларига МҲХСга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботлар аудитини ўтказишда тадбиркорлик субъекти молиявий ҳисоботни фойдаланувчилари (акциядорлар, банклар, суғурта ташкилотлари, хорижий ҳамкорлар) га тақдим қилаётган молиявий ҳисоботларини тайёрлашда “фаолиятнинг узлуксизлиги ҳақидаги фараздан” қанчалик даражада тўғри фойдаланганлигини баҳолаш вазифасини юклайди. Бу вазифани бажаришда эса аудиторлар “Фаолиятнинг узлуксизлиги ҳақидаги фараз” деб номланган 570-сонли Аудитнинг халқаро стандарти (АХС)дан “Аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиш” деб номланган 200-сонли АХСни эътиборга олган ҳолда фойдаланишлари лозим бўлади. Ушбу стандартнинг 9-бандига кўра, бу борадаги аудиторнинг вазифаси тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан молиявий ҳисоботларни тайёрлашда тадбиркорлик субъекти фаолиятининг узлуксизлиги ҳақидаги фараздан фойдаланишнинг мақбуллиги хусусида етарлича тегишли аудиторлик далилларини олиш ва олинган аудиторлик далиллари асосида тадбиркорлик субъектининг ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилиятига бўлган аҳамиятли шубҳаларни белгилаши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шароитлар хусусида муҳим ноаниқлик мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида фикр билдиришдан иборат. Мазкур фикр эса аудиторлик ташкилоти томонидан мижозга тақдим қилинадиган аудитор хулосаси борасида тегишли оқибатларни келтириб чиқаради.

Мижоз компания томонидан фаолиятнинг узлуксизлиги тўғрисидаги фараздан тўғри фойдаланганлиги тўғрисидаги маьлумот аудиторга унга тақдим қилинадиган иккита ҳужжат орқали маьлум қилиниши мумкин:

1. “Ёзма баёнотлар”5 580-сонли АХС талабига кўра аудиторга тақдим қилиниши лозим бўлган “Тақдимнома-хат” да;

2. Фаолиятнинг узлуксизлиги тўғрисидаги фараздан тўғри фойдаланганлиги тўғрисидаги маьлумотларни баҳолашга оид маьлумотнома.

Агар бундай баҳолаш ўтказилган бўлса, аудитор мазкур баҳолашни тадбиркорлик субъекти раҳбарияти билан муҳокама қилиши ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти алоҳида-алоҳида ёки биргаликда тадбиркорлик субъектининг ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилиятига бўлган аҳамиятли шубҳаларни белгилаши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шароитларни идентификация қилгани ёки қилмаганини аниқлаши ва агар аниқлаган бўлса, жавоб ҳаракатларини тадбиркорлик субъекти раҳбарияти

билан муҳокама қилиши лозим. Аудиторлик текшируви бошланишидан аввал мижоз компания раҳбарияти аудиторга юқорида келтирилган ҳужжатларни тақдим қилмаган бўлса, ёки бундай баҳолашни ҳали ўтказмаган бўлса, аудитор фаолиятнинг узлуксизлиги ҳақида фараз қилишни амалга оширишда фойдаланиш мўлжалланаётган асосни тадбиркорлик субъекти раҳбарияти билан муҳокама қилиши ва тадбиркорлик субъекти раҳбариятига алоҳида-алоҳида ёки биргаликда тадбиркорлик субъектининг ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилиятига бўлган аҳамиятли шубҳаларни белгилаши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шароитлар мавжудлиги тўғрисида расмий сўров юбориши лозим.

500-сон АХСнинг 12-бандига кўра, ҳар қандай ҳолатда ҳам аудитор тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан тадбиркорлик субъектининг ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилиятига берилган баҳони таҳлил қилиши лозим. Бундан ташқари, Бироқ, 200-сон АХСда кўрсатиб ўтилганидек, аудиторнинг муҳим бузиб кўрсатишларни аниқлаш қобилиятига ажратиб бўлмайдиган чеклашларнинг потенциал таъсири тадбиркорлик субъекти фаолиятининг тўхтатилишига олиб келиши мумкин бўлган бўлғуси ҳодисалар ёки шароитларга нисбатан кучаяди. Бинобарин, аудиторлик ҳисоботи (хулосаси)да фаолиятнинг узлуксизлигига тегишли бўлган ноаниқлик омиллари айтиб ўтилмагани тадбиркорлик субъектининг ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилияти кафолати сифатида қаралиши мумкин эмас.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, компания фаолиятининг узлуксизлиги ҳақидаги фараздан фойдаланиш ўринли ёки ўринли эмаслиги тўғрисида аудиторни етарли далилларга эга бўлиши аудитор томонидан текширилаётган молиявий ҳисоботда берадиган хулосаси шаклига бевосита таъсир кўрсатади. Масалан, аудитор аудиторлик текширувини ўтказиш жараёнида мижоз компания фаолиятининг узлуксизлиги ҳақидаги фараздан фойдаланиши мақбул, бироқ бу борада муҳим ноаниқлик мавжудлиги ҳолатига дуч келиши мумкин. Бундай ҳолатда, 570-сонли АХСнинг 18-бандига кўра аудитор қуйидагиларни аниқлаши лозим:

а) тадбиркорлик субъектининг ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилиятига бўлган аҳамиятли шубҳаларни белгилаши мумкин бўлган асосий ҳодисалар ёки шароитлар ва тадбиркорлик субъекти раҳбариятининг бундай ҳодисалар ёки шароитларга доир режалари молиявий ҳисоботларда мос равишда тавсифланганми;

б) тадбиркорлик субъектининг ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилиятига бўлган аҳамиятли шубҳаларни белгилаши мумкин бўлган асосий ҳодисалар ёки шароитлар билан боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжудлиги ва шу муносабат билан тадбиркорлик субъекти ўзининг одатдаги фаолияти жараёнида ўз активларини реализация қилиш ва ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмай қолиши мумкинлиги молиявий ҳисоботларда аниқ акс эттирилганми?

Агар молиявий ҳисоботларда маълумотлар аниқ акс эттирилган бўлса, аудитор модификацияланмаган фикрни ифодалаши, агар молиявий

ҳисоботларда маълумотлар аниқ акс эттирилмаган бўлса, аудитор, 705-сон АХСга мувофиқ, вазиятга қараб, қўшимча изоҳлар билан ўз фикрини билдириши ёки салбий фикр билдириши лозим.Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, МҲХС га мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботларни АХС асосида аудиторлик текширувидан ўтказиш жараёнида аудитор томонидан жиддий эътибор берилиши лозим бўлган масалалардан бири молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун муҳим бўлган масала бу мижоз корхона томонидан ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш ҳақидаги фараздан тўғри фойдаланганлиги юзасидан фикр билдириш ҳисобланади.

Кўриб чиққанимиздек, аудитор томонидан мазкур йўналишда тегишли аудиторлик таомилларини малакали тарзда қўлланиши натижасида тўлиқ ҳажмда ва сифатли аудиторлик далилларини йиғишга эришилиши аудиторлик текшируви якунига кўра мижозга тақдим қилинадиган аудиторлик хулосасининг шакли ва мазмунига бевосита ўз таьсирини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 19.09.2018 йилдаги 3946-сон қарори.

2. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 24.02.2020 йилдаги 4611-сон қарори.

3.Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС). Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги. https://www.mf.uz/uz/mf-resources-menu/mf-mezhdunarodnyestandarty.html

4.Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. http:www.minfin.ru Minfin.ru (2020)

Пашаходжаева Дилдора Джабборхоновна

"Бухгалтерия ҳисоби ва аудити" кафедраси иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа (Phd) доктори

Тел:+998(93) 991 88 84

Шамсикулова Мохинабону Фуркатовна

Самарканд иктисодиёт ва сервис институти МА-121 гурух магистранти

Рақамли иқтисодиёт шароитида корхоналарда бухгалтерия ҳисобини Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартлари асосида ташкил этиш ва жорий этиш масалалари

Аннотация: маколада рақамли иқтисодиёт шароитида корхоналарда бухгалтерия ҳисобини молиявий хисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этиш ва жорий этиш масалалари куриб чикилган. Бунда корхоналарда бухгалтерия ҳисобини молиявий хисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этиш учун килиниши керак булган масалалар очиб берилган.

Калит сўзлар:Рақамли иқтисодиёт, молиявий хисобот, халкаро стандарт, хорижий инвесторлар, тадбиркорлик субъектлари.

Кириш. XX асрда халқаро миқёсда турли давлатлар иқтисодиётини молиявий тизими ривожланиши уларнинг мулкларини купайишига кўмаклашишдаги кийинчиликлар халқаро бизнес тизимини мавжуд эмаслиги деб қаралади.

Иқтисодиётни ва молияни халқаро миқёсда интеграциялашуви ва глобаллашуви мулкларни кўпайтириш имкониятларини яратди. Жаҳон амалиётида бухгалтерия ҳисобини – молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини (МҲХС) ҳамкорлик тили, бизнес ва ишбилармонлик калити деб ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботлар бутун дунёда ташқи фойдаланувчилар учун кўпгина тадбиркорлик субъектлари томонидан тайёрланади ва такдим қилинади. Бундай молиявий ҳисоботлар турли давлатларда бир-бирига ўхшаш бўлиб туюлса ҳам, улар ўртасида турли ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлар ҳамда ҳар хил давлатларда миллий талаблар ўрнатилганида молиявий ҳисоботнинг турли фойдаланувчиларининг талаблари ҳисобга олинганлиги сабабли юзага келиши мумкин бўлган фарқлар мавжуддир.

[1]Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, 10-модда. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 142-модда.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш корхоналарда бухгалтерия ҳисобини Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартлари асосида ташкил этишга зарурият пайдо булди. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуннинг янги таҳририда ҳам бухгалтерия ҳисоби субъектлари белгиланган тартибда МҲХСларни қўллаш мумкинлиги эътироф этилди[1]

МҲХСларнинг турли хил миллий ҳисоб тизимига эга бўлган мамлакатларда қўлланилиши кўзда тутилганлиги сабабли улар таркибий тузилиши бўйича ҳам барча учун бир хил бўлиши керак. Ҳаракатдаги халқаро стандартлар таркиби бўйича уч қисмдан иборат. Биринчи қисм – кириш, иккинчи қисм – ҳисоб объектининг тавсифи (очилиши), учинчи қисм – бухгалтерия ҳисоби стандарти (хулосаси) деб аталади. МҲХСлар ўзларининг ўта мувофиқлиги билан ажралиб туради. Халқаро стандартлар ушбу соҳа бўйича энг асосий ва умумий йўналишларни белгилайди. МҲХСларни ишлаб чиқишга бундай ёндашиш уларнинг турли мамлакатларда қўлланилиш имкониятини оширади ва миллий ҳисоб стандартларининг халқаро стандартларга мувофиқлигини оширади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги пайтда нашр қилинган МҲХСлар бир-бирига боғлиқдир ва биргаликда ягона тизимни ташкил этади. Шундай қилиб, битта стандартнинг қўлланилиши шу узлуксиз тизимнинг бошқа қисмларини қўллашни талаб қилади, яъни битта стандартни бошқа стандартлардан ажратиб олган ҳолда қўллаш мумкин бўлмайди. Ўзбекистон Республикасида МҲХСларга ўтишда ўзига хос ва миллий иқтисодиётимизга мос йўл танланди. Бу халқаро стандартларга мувофиқ келадиган бухгалтерия ҳисоби бўйича миллий стандартларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш йўли бўлди. Ҳозирги кунда ишлаб чиқилган миллий стандартларимиз халқаро стандартларга мувофиқ келади[1]. Шу билан бир қаторда ҳозирги кунда корпоратив бошқарувга асосланган акциядорлик жамиятларида халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботни тузишга ўтилмоқда. Бу эса бевосита халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботни тузиш ёки миллий стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботни халқаро стандартларга трансформация қилиш орқали эришилиши мумкин. Биринчи йўл халқаро стандартлар асосида тўғри ва сифатли молиявий ҳисобот тузишга эришишни таъминлайди. Иккинчи йўлда эса трансформация жараёнида кўплаб муаммо ва тўсиқларга дуч келиш мумкин.

1 Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари тўплами. – Т.: «NORMA», 2011. –360-бет.

Лекин иккита йўлнинг ечимида ҳам халқаро стандартларнинг мазмун ва моҳиятини чуқур ўрганиш, унинг методологик масалаларини қўллай олиш, миллий стандартларимизни имкон қадар халқаро стандартларга мувофиқлаштиришимиз, дунё университетларида ўқитилаётган «Молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи» фанини ўрганишимиз, инглиз тилидаги адабиётларни ўзбек тилига таржима қилишимиз, бухгалтерия ҳисоби соҳасида халқаро атамаларни қабул қилишимиз, амалиётчи ходимлар ва илмий тадқиқотчиларни хорижий мамлакатларда тажриба алмашинишини ташкил этишимиз, амалиётчи бухгалтерларни сертификатлаш ишларини йўлга қўйишимиз керак бўлади. Мутахасислар «Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер (CIPA)», «Сертификатланган дипломли бухгалтер (ACCA)», «Сертификатланган жамоатчи бухгалтер (CPA)» ва «Халқаро молиявий ҳисобот бўйича диплом (DipIFR)» сертификатларидан (кейинги ўринларда — халқаро бухгалтер сертификати)га эга буладилар. Юкорида келтирилган сетификатларни кулга киритгандан сунг, бухгалтерларимиз корхоналарда бухгалтерия ҳисобини МҲХС асосида ташкил этишга тайер мутухасис булиб хисобланадилар.

Хулоса килиб шуни айтиш мумкинки, корхоналарда бухгалтерия ҳисобини Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартлари асосида ташкил этиш учун биринчи навбатда барча МҲХС соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича жаҳоннинг муваффақиятли тажрибаларини оммалаштириш, шу жумладан бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича нодавлат таълим ташкилотларини (кейинги ўринларда — аккредитациядан ўтган ўқув марказлари) ҳамда соҳага оид олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини босқичма-босқич халқаро аккредитациядан ўтказиш юзасидан бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотлар (Сертификатланган дипломли бухгалтерлар халқаро ассоциацияси (Association of Chartered Certified Accountants — ACCA) ва бошқалар) билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириб, ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаси асосида ўқув жараёнининг сифатини, имтиҳонларни ўтказиш ва натижаларини баҳолашнинг шаффофлигини таъминловчи МҲХС бўйича сертификатлашнинг самарали тизимини жорий этиб, шунингдек, МҲХС соҳасида талаб юқори бўлган мутахассисларни аккредитациядан ўтган ўқув марказларида ўқитиш бўйича ташкилий тадбирларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашиб, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини МҲХСга мувофиқ уйғунлаштирсак куйилган максадимизга эришамиз.

Адабиётлар:

1. Узбекистон Республикаси президентининг 24-февральдаги ПК-4611- сонли карори

2. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, 10- модда. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 142-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари тўплами. – Т.: «NORMA», 2011.

4. Международные стандарты финансовой отчетности: Издание на русском языке. – М.: «АСКЕРИ-АССА», 2016.

5. Ташназаров С.Н. Молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи: халқаро ва миллий жиҳатлари. Монография. – Т.: «Иқтисод-Молия», 2009 й. -168-б.

III-ШЎЪБА. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСЛУБИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Yahyoyev.T.I - SamISI assistenti

Qurilish korxonalarida moliyaviy holat tahlilining obyektiv zarurligi.

Beshinchi renissans davrida raqamlashtirish, raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish, har bir iqtisodiy jarayonni raqamlarda aks ettirish, ularni barcha o'qiy oladigan aniq bir shaklga keltirish iqtisodchi olimlarni birlamchi vazifasi bo'lib kelmoqda. Bugungi kunda mamlakatimizda barcha tarmoqlarni rivojlanishining yangi davri vujudga keldi desak mubolag'a bo'lmaydi. Endilikda mamlakatimiz iqtisodiyotining faqatgina ma'lum tarmoqlarini emas balki barcha tarmoqlarini birdek rivojlantirish, mamlakat YaIM da barcha tarmoqlarning hissasini birdek oshirish orqali iqtisodni rivojlantirishga va barqarorlashuviga erishish olib borilayotgan islohatlarning pirovard maqsadidir. Bu esa bevosita aholi turmush darajasini yaxshilashga xizmat qiladi.

Mamlakatning rivojlanayotganligini, uning yangilanayotganligini hamda ravnaq topayotganini hech bir soha qurilish sohasidek yaqqol ko'rsatib bera olmaydi. Yangi O'zbekistonni yaralishini qurilish sohasidan ayro tasavvur qilish mumkin emas. Bugungi kunda mamlakatimizda qurilish sohasi jadal rivojlanmoqda. Buni quyidagi ko'rsatkichlarda ham ko'rishimiz mumkin.

Mamlakatimizda qurilish sohasining asosiy ko'rsatkichlarini o'zgarish tendensiyasi.

1-jadval

	2016	2017	2018	2019	2020
Qurilish ishlari (*mlrd so'm*)	29 413.9	34 698.0	51 129.3	71 156.5	88 130.3
Qurilishda ish haqqi (*so'm*)	1 619 107.6	1 777 871.5	2 292 386.8	2 751 305.4	3 311 790.1
YaIM ulushi	5.0	4.8	5.0	6.0	6.0

% da					
Qurilish sohasida bandlik % da	9.5	9.5	9.0	9.9	9.6

Yuqoridagi jadval ma'lumotlaridan ko'rishimiz mumkinki mamlakatimizda qurilish sohasi jadal rivojlanish tendensiyasiga ega. Xususan, mamlakatimizda amalga oshirilgan qurilish ishlari 2020 yilda 2016 yilga nisbatan qariyb 3 barobarga, qurilish korxonalarida xodimlarga o'rtacha to'langan ish haqi esa 2 barobarga oshgan. Bu erishilgan natijalar albatta bugungi olib borilayotgan islohotlar natijasidir.

Raqamli iqtisodiyot sharoitida faqatgina axborotlarni yig'ish emas balki uni o'qish hamda tahlil qilish muhim masaladir. O'zbekiston Respublikasi Prizidenti mamlakatimizni 2016 yilda ijtimoiy- iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017 yilga mo'ljallangan eng muhim ustuvor yo'nalishlariga bag'ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma'ruzasini aynan "Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib –intizom va shaxsiy javobgarlik - har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak" deb bejizga nomlamagan. Bunda har bir soha hamda ushbu sohaga javobgar rahbarlar o'z faoliyati natijalarini hamda o'zgarish tendesiyalarini muntazam o'rganib borishi kerak. Buning uchun esa tahlilga zarurat tug'uladi. Qurilish korxonalarida moliyaviy holat tahlili esa qurilish faoliyatini boshqa tur faoliyatidan farqli jihatlari mavjudligi hamda mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirishda ahamiyatliligi sababli o'ta muhimdir. Qurilish faoliyatini tahlil nuqtai nazaridan boshqa faoliyat turlaridan farqli jihatlari quyidagilardan iborat.

1. Qurilish faoliyati uzoq davriylikka ega ekanligi;
2. Bajarilgan ish bo'yicha har bir hisobot davrida moliyabiy natijani aniqlashda muammolar vujudga kelishi;
3. Mehnat samaradorligini aniqlashni aniq tizimi mavjud emasligida (subpudratchi tashkilot xodimlari mehnat unumdorligi);

4. Qurilish korxonalarida xarajatlarni xususiyatiga ko'ra davriy tan olish tizimi mavjud emasligida;
5. Qurilish korxonalarini moliyaviy holatini ifodalovchi ko'rsatkichlarini xalqaro talablarga moslashtirilmaganligi;
6. Korxona tomonidan tendir asosida bajarish uchun olingan qurilish ishining daromadi aniqligi ammo unga sarflanadigan xarajatlar aniqlashtirilmaganligi.

Barcha korxonalar o'z faoliyati uning natijalari bo'yicha ma'lum axborotlarga ega bo'lishni, investorlar esa investetsiya kiritiladigan obyekt to'g'risida aniq va ishonchli axborot olishga shu bilan birga ushbu axborotlarni o'qish, obyektni hozirgi holatini baholash, risk darajasini to'g'ri aniqlashga intiladi. Korxonalarda o'z faoliyati qay darajada olib borilayotganligi, keyingi davrlarda korxonani yanada rivojlantirish, o'zida mavjud qo'shimcha imkoniyatlarni aniqlash hamda samarali boshqaruv qarorlarni qabul qilish uchun umumiy faoliyat davomida davomiy zarurat mavjud bo'ladi. Ammo boshqaruv apparati oldida yig'ilgan axborotlarni o'qiy olish , "raqamlarni gapirtirish" kabi dolzarb muammolar vujudga keladi. Korxona faoliyat natijalarini o'zida mujassamlashtirgan raqamlarni tahlilsiz "gapirtirish", ularni yetarli darajada "o'qish" mumkin emas. Shundan kelib chiqib aytishimiz mumkinki qurilish korxonalarida moliyaviy holat taxlili korxonaning ayni paytdagi moliyaviy holatini dinamik hamda tarkibiy o'zgarishlarni, faoliyat davomidagi omillar ta'sirini hamda mavjud foydalanilmayotdan imkoniyatlarni aniqlash dastagi hisoblanadi.

PhD Z. Abdullaev

Najimova Nigora Ibragimovna, SAM ISI MA-120 guruh magistranti
Tel 97(8955100) najimovanigora00@gmail.com

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA ISHSIZLIKNI OLDINI OLISH YO`LLARI

Annotatsiya: Ushbu maqolada texnologiya va raqamli iqdisodiyot rivojlanishi ta’sirida ishsizlikdarajasining oshishi va ushbu muommo yechimlari, O’zbekistonda ishsizlik holati va uni bartaraf etish chora-tadbirlari haqida so’z boradi.

Kalit so’zlar: Texnologiya, raqamli iqdisodiyot, ishsizlik, zamonaviy kasblar.

Аннотация: В данной статье речь пойдет о повышении уровня безработицы под влиянием развития технологий и цифровой экономики ,о решениях данного подхода, о ситуации с безработицей в Узбекистане и мерах по ее преодолению.

Ключевые слова: Технологии, цифровая экономика, безработица, современные профессии

Annotation: This article will focus on the increase in the unemployment rate under the influence of the development of technologies and the digital economy ,on solutions to this approach, on the situation with unemployment in Uzbekistan and measures to overcome it.

Keywords: Technologies, digital economy, unemployment, modern professions

Hozirgi iqtisodiy rivojlanish sharoitlarida mehnat bozorini tartibga solish mexanizmlarida faoliyat yuritishining ob’ektiv qonuniyatlarida xo’jalik va jamiyat hayotini raqamlashtirilishi bilan bog’liq jiddiy o’zgarishlar ro’y bermoqda. Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi sharoitida milliy iqtisodiyotda mehnat bozori

mehnat va ish o'rinlarini taqsimlash mexanizmi sifatida nafaqat talab va taklifning umumiy nazariyasi doirasida, balki jamiyatning iqtisodiy resurslarini iqtisodiy rivojlanishning ustuvor yo'nalishlari va sohalari tizimida qayta taqsimlash nuqtai nazaridan ko'rib chiqiladi. Hozirgi vaqtda turli tarkibiy tasnifdagi katta hajmdagi ko'p turdagi ma'lumotlarga ishlov berishning o'ziga xos sohasi sifatida qaraladigan, axborot va raqamli texnologiyalar qo'llaniladigan sanoat hamda xo'jalik ijtimoiy faoliyat ob'ektlari shunday yo'nalish va sohalar hisoblanadi.

Biz XXI asr "Texnologiyalar asri"da yashamoqdamiz. Bu eski gap. Lekin hech tafakkur qilib ko'rganmisiz, bu nima degani o'zi? Bugungi kunga kelib robotlar va avtomatlashtirilgan tizimlarning hayotimizdagi tutgan o'rni juda ortib bormoqda.Soddaroq qilib aytganda, inson omili zarur bo'lmagan barcha "qora ishlar" ni robotlar va sun'iy intelekt orqali boshqariluvchi tizimlar bajarmoqda. Buni hozircha ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatish sohalarida ko'rmoqdamiz.Misol tariqasida, Xitoyning "Xiaomi" kompaniyasi 2021-yil boshidan to'liq avtomatlashtirilgan tizimga o'tdi va robotlar soniyasiga 1 dona smartfon ishlab chiqarmoqda.Amerikaning "Tesla" kompaniyasi ham yaqin yillar ichida ishlab chiqarishni to'liq avtomatlashtirishni rejalashtirmoqda. Bunday korxonalar yildan yilga ko'payadi. Shubhasiz, qisqa vaqt ichida ushbu tizimlarning roli tibbiyot va ta'lim tizimida ham keskin ortadi. PricewaterhouseCoopers jahon tashkiloti va Oksford universiteti prognoziga ko'ra 2030-yilga kelib, 30% ish o'rinlarini robotlar egallaydi. Bu shuni anglatadiki, shundoq ham yuqori bo'lib turgan ishsizlik darajasi yanada ortadi.

Ishsizlik muammosi bizga ham notanish emas. Hurmatli Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev ushbu masalani hal qilishga jiddiy e'tibor qaratib kelmoqdalar. [1]Prezdentimizning 2021-yil 3-fevraldagi "2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha harakatlar strategiyasini"Yoshlarni qo'llab quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili"da amalga oshirishga oid davlat dasturi to'g'risida"gi PF-6155 sonli farmonlarida yuqoridagi muammo va uni yechimlariga alohida urg'u berilgan.

Jumladan, turizm sohasidagi bitiruvchilarni ish bilan ta’minlash maqsadida ish beruvchilar bilan hamkorlikni tashkil etishga qaratilgan onlayn-platforma yaratish,”Bir million dasturchi” loyihasi doirasida yoshlarni dasturlash tillarini o’zlashtirishga qiziqtirish orqali ularni ish bilan ta’minlash tizimini yo’lga qo’yish tashabbuslarini ilgari surganlar.Bundan tashqari, Prezdentimiz raisligida 2021-yil 27-yanvar kuni yoshlar bandligini ta’minlash va bo’sh vaqtlarini mazmunli tashkil etish chora-tadbirlari muhokamasi yuzasidan videoselektor yig’ilishi o’tkazildi. Majlisda bugungi kunda 30 yoshgacha bo’lgan yoshlar mamlakat aholisining 55 foizini tashkil qilishi, shundan 18-30 yosh orasidagi mehnatga yaroqli yoshlarimizning 17 foizi(844 ming) ishsiz ekanligiga to’xtalib o’tdilar.

Shuningdek, bu rasmiy raqamlar ekanligi,haqiqiy ko’rsatkichlar bundan ancha yuqori bo’lishi mumkinligini aytib o’tdilar.Yig’ilishda yoshlarning bo’sh vaqtini mazmunli tashkil etish,qobiliyatini yuzaga chiqarish uchun chora-tadbirlar belgilab berildi.Majlis so’nggida ushbu muammolar yechimi va davlat dasturlari amalga oshirilishi ustidan nazoratni shaxsan o’zlari olib borishini ta’kidladi.Bu so’zlar odamni quvontirmay qolmaydi, albatta.

Prezidentimizning yuqoridagi nutqlari, farmonlariga hamohang va qo’llab quvvatlagan holda maqola boshidagi muammoli vaziyatni yechishga doir o’zimning o’tkazgan kichik tadqiqotim va natijalarimni sizlar bilan bo’lishmoqchiman.Xalqimizda zaxarni zaxar kesadi degan hikmatli gap bor.Shunday ekan, texnika va texnologiya rivojlanishi sababli insonlar ishsiz qolar ekan ana shu texnika va texnologiyani nega o’zlari yaratmasliklari, ana shu sohaga oid yoki ehtiyoj ortib borayotgan kasblarni egallamasliklari kerak?

[1]2021-yil 3-fevraldagi “2017-2021 yillarda O’zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo’nalishi bo’yicha harakatlar strategiyasini”Yoshlarni qo’llab quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili”da amalga oshirishga oid davlat dasturi to’g’risida”gi PF-6155 sonli farmoni

Tadqiqotim davomida ushbu sohaga tegishli yoki talabgir bo'lgan qanday zamonaviy kasblar borligi bilan qiziqdim va quyidagi optimal bo'lganlarida to'xtaldim:

Sayt tuzish va dasturlash ishlar guruhi: mobil dasturlar tuzuvchi,flash dasturchi,web sahifani optimallashtiruvchi,SEO mutaxasis(saytlarda qidiruvlarni optimallashtiruvchi),sayt yaratuvchi web master.

Dizayn bilan bog'liq ishlar guruhi:web dizayner, grafik dizayner,kompyuter o'yinlari dizayneri, kiyim- kechak dizayneri,3D arxitektor.

Matn yozish va ishlov berish guruhi: Kopirayter(Reklamalar uchun ijodiy matn tuzuvchi),rerayter(Kopirayrter ishini optimal holatga keltiradi),SEO kopirayter, SEO rerayter,content menedjer.

Reklama ishlari guruhi: PR menedjer(firma imidji va savdo markasi tanilishiga ma'sul xodim), SMM menejer, internet marketolog.

Chet tillardan tarjima qilish bilan bog'liq ishlar guruhi:Badiiy matnlar tarjimoni,texnik tarjimon,sayt tarjimoni,kompyuter o'yinlari va o'rgatuvchi video darslar tarjimoni.

Boshqa kasblar: Masofaviy hisobchi(Buxgalter),video muharrir,onlayn maslahatchi mutaxasis(shifokor,psixolog,advokat),onlayn moliyaviy maslahatchi, vebinar o'tkazuvchi(har qanday sohaning ustalari bo'lishi mumkin),Blogerlik(You tube bloger yoki boshqa ijtimoiy tarmoqlarda).

Yuqoridagi kasblarga alohida to'xtalib o'tishning imkoni yo'qligi sababli ularning har biri to'g'risida internet tarmog'ida to'liq ma'lumotlar bor ekanligi, shuningdek respublikamiz hududida har qaysi uchun o'quv kurslari mavjud ekanligini ilova qilib ketmoqchiman. Aynan sizning hududinggizda sizga yoqqan soha bo'lmasa pullik onlayn kurslar, albatta, topiladi. Bu kasblarni egallash orqali siz salohiyat va mehnatinggizga bog'liq holda 300$ dan 5000$ gacha yoki undan yuqoriroq daromad topishinggiz mumkin bo'ladi. O'quv kurslari narxlariga

to’xtalsak, bu bo’yicha o’zimning “surishtiruv” ishlarimni olib bordim va o’quv markazlarini aylandim.Kurs narxlari 300 ming so’mdan 1 milliongacha baholangan, ya’ni o’rtacha 600 ming so’m. Aksariyat kurslar 3 oy davom etadi. Hisob kitoblarga ko’ra , bu kasblarni birini egallash uchun sizdan taxminan 1 800 000 so’m mablag’ va 3 oylik shijoat talab qilinadi.Maqolani o’qib turgan kimlardir bu mablag’ ancha katta ekanligini iddao qilayotgan bo’lishi mumkin. Ammo, qanchalik bahonalar izlamang bu bugungi kunda katta mablag’ emas. Qo’linggizdagi smartfon, qo’polroq qilib aytganda, uyinggizda boqilayotgan bitta qo’yning taxminiy narxi ana shunchani tashkil qiladi.So’zim oxirida rivojlanish o’z qo’linggizda ekanligi, hech kim sizga chetdan yordam bermasligini eslatib o’tmoqchiman

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Prezdentimizning 2021-yil 3-fevraldagi “2017-2021 yillarda O’zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo’nalishi bo’yicha harakatlar strategiyasini”Yoshlarni qo’llab quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili”da amalga oshirishga oid davlat dasturi to’g’risida”gi PF-6155 sonli farmoni.
2. Prezdentimiz raisligida 2021-yil 27-yanvar kuni o’tkazilgan yoshlar bandligini ta’minlash va bo’sh vaqtlarini mazmunli tashkil etish chora-tadbirlari muhokamasi yuzasidan videoselektor yig’ilishi.
3. http://lex.uz/nsbu
4. ***Ruziev Abdumalik Ortigalievich and Mahammadiev Mahsud Mardon Ogli Methodological Problems of Labor Market Evaluation in the Digital Economy.***

A.N.Xoliqulov – SamISI dotsenti, i.f.n.
D.Q.Usmanova – SamDU dotsenti, i.f.n.

Raqobatbardoshlikni baholashning nisbiy yondashuvlar

Har qanday mamlakatda ichki bozorda raqobatning mavjudligi bozor xo‘jaligi muvaffaqiyatli faoliyat ko‘rsatishining asosiy ko‘rsatkichi hisoblanadi, jahonning ko‘plab mamlakatlarida, shu jumladan, o‘tish iqtisodiyotyga ega bo‘lgan mamlakatlarda raqobat to‘g‘risida qonunlarning qabul qilinganligi va mazkur masalalar bilan shug‘ullanuvchi milliy tashkilotlarning tashkil etilganligi ushbu holatni tasdiqlab turibdi. Xususan O‘zbekistonda Monopoliyadan chiqarish va raqobatni rivojlantirish davlat qo‘mitasi (Monopoliyaga qarshi qo‘mita) tashkil etilgan bo‘lib, uning faoliyati respublika iqtisodiyotida raqobat muhitini yaratish, mulkchilikning turli shakllaridagi korxonalar va firmalar, shu jumladan, mulkchilikning turli shakllaridagi korxonalar va firmalar xo‘jalik faoliyatini yuritish uchun teng raqobat imkoniyatlarini barpo etishga yo‘naltirilgan.

Milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligi – bu iqtisodiyotning muxim ko‘rsatkichlari holatini tashqi parametrlarga nisbatan yalii baholashni o‘zida mujassam etgan qiyosiy tavsif hisoblanadi, shu sababli milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligi xalqaro raqobatda namoyon bo‘ladi.

Iqtisodiyotning raqobatbardoshligi namoyon bo‘lishning ko‘p darajali shakllariga ega:

- tovarning raqobatbardoshligi;
- xodimning raqobatbardoshligi;
- tovar ishlab chiqaruvchisining raqobatbardoshligi;
- tarmoqning raqobatbardoshligi;
- mamlakatning raqobatbardoshligi (yoki milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligi).

Bunda raqobatbardoshlikning barcha darajalari o‘rtasida jips ichki va tashqi o‘zaro bog‘liqlik mavjud. Mamlakat va tarmoqning raqobatbardoshligi pirovardida muayyan tovar ishlab chiqaruvchining raqobatbardosh tovar ishlab chiqarish qobiliyatiga bog‘liq. Milliy iqtisodiyotning "Barqaror strategiya, tuzilma va raqobatchilik" sifatida belgilangan raqobat jihatdan ustunligini shakllantirishning eng muxim omilini ko‘rib chiqamiz. Demak, mamlakatda kompaniyani tashkil etish va boshqarish tendensiyalariga ta’sir ko‘rsatuvchi ma’lum sharoitlarning mavjudligi ham ichki raqobatning xususiyatini belgilab beradi.

Ta’kidlash joizki, raqobat jihatdan ustunliklarni shakllantirish uchun mehnatga va xodimlarning kasbiy ko‘nikmalarini oshirishga shaxsiy qiziqtirish ham muxim rol o‘ynaydi. So‘nggi o‘n yilliklar iqtisodiy amaliyoti shuni isbotlamoqdaki, buyuk iqtidor va qobiliyat sohiblari millat uchun eng katta va ahamiyatli resurs hisoblanadi, chunki mamlakat erishayotgan yutuqlar ko‘p jihatdan ushbu iqtidor sohiblari tanlaydigan ta’limning darajasi va xiliga, qaerda ishlashni afzal ko‘rishiga, ularning ishlashiga va harakat qilishiga bog‘liq. Shuning uchun mamlakatlar insonlar nuqtai nazaridan nufuzli yoki undan milliy qahramonlar yetishib chiqadigan iqtisodiy faoliyatni raqobatbardosh qilishga intiladi.

Tovar raqobatbardoshligini baxolash asosan uch boskichdan iborat. bular quyidagilardan iborat:

Birinchi bosqich — bozorni taxlil etish va kiyos tarzida foydalanish uchun eng raqobatbardosh namuna-tovarni tanlash. Namunani tanlash raqobatbardoshlikni taxlil kilishning eng mas'uliyatli vazifalaridan biri xisoblanadi. By boskichda xatolarga yo'l ko'yish jami ish natijalarini yo'kka chikarishi mumkin. Namuna taxlil kilinadigan tovar mansub bo'lgan tovarlar guruxidan, shu bozorga xos, keng doirada xaridorlar xurmatini kozongan bo'lishi lozim.

Ikkinchi bosqich - ikkala tovarda kiyoslanadigan tomonlar majmuini belgilash. Shuni ta'kidlash lozimki, bozorga chikarish muljallanayotgan (loyixalanayotgan) tovar bilan bozorda bo'lgan tovarning parametrlari shunchaki oddiy kiyoslanadigan bo'lsa, raqobatchi tovarlar xaridorlar extiyojlarini kay darajada kondira olishi xamda xaridorlarning kelajakdagi talablariga kay darajada javob bera olishi masalasi e'tibordan chetda koladi. Shu sababli xar kanday loyixa eng mukammal ma'noda iste'molchilarning extiyojlarini anik-ravshan ifodalashdan boshlanmog'i lozim.

Uchinchi bosqich - tashkiliy parametrlar- yetkazib berish shartlari, yetkazib berishning butligi, kafolat muddatlari, shartlari va boshkalar.

Tovarning iste'mol parametrlari majmuini aniklash — uning raqobatbardoshligini taxlil kilishdagi eng muxim ish xisoblanadi. Shundan keyin bu parametrlarning ierarxiyasi belgilanadi, bunda istemolchi uchun eng muxim bo'lgan tomonlar birinchi o'ringa ko'yiladi.

M. Porter konsepsiyasiga asoslangan zamonaviy model mamlakatning umumiy xususiyatga ega bo'lgan va unda ishlab chiqaruvchilar raqobatlashadigan raqobat muhitini shakllantiruvchi 4 ta xususiyatdan iborat. Ushbu muhit raqobat ustunliklarini shakllantirishga ko'maklashishi ham yoki unga to'sqinlik qilishi ham mumkin.

Mezoiqtisodiyotning muayyan hududga "bog'langan"ligi mamlakatlar masshtabida ham, geoiqtisodiy masshtabda ham uning yetakchi (dominanta) funksiyalari o'rtasidagi o'zaro munosabatlarni saqlab qoladi.

Mintaqaning funksional yo'nalganligi, bir tomondan, umumiy ijtimoiy-iqtisodiy potensialini belgilab bersa, ikkinchi tomondan, u yoki bu funksiya doirasida raqobatchilikdagi ustunliklarni realizatsiya qilish uchun shart-sharoitlarni shakllantiradi. Funksional tipologiyaning klassik modelida (har qanday ancha soddalashtirilgan nazariy modelda bo'lganidek) u yoki bu mintaqa har xil turlarga mansub bo'ladi, masalan, agrar, agrar-industrial, industrial, rekreatsion va b. Bunday soddalashtirilgan tasnif mintaqaviy iqtisodiyotning ayrim yetakchi funksiyalarini ajratib ko'rsatish imkonini beradi. Bu tasnif asosini avvalam bor funksional-sohaviy yondoshuv tashkil qilishi mumkinki, bunda iqtisodiy faoliyatning nafaqat ustunlik qiluvchi yo'nalishlari, balki mintaqa uchun ixtisoslashgan (uning ixtisosligini belgilaydigan) yo'nalishlari ham mintaqa tasnifining asosi bo'ladi.

Mintaqalar bir-biridan ajralgan holda emas, balki o'zaro munosabatda, yagona iqtisodiy fazoda rivojlanar ekan, ularni tasniflashda (ayniqsa

raqobatbardoshlikni parametrizatsiyalash ma'nosida) ayrim g'arb olimlarining (A. Fishera, D. Bella va b.) tadqiqotlarida o'z rivojini topayotgan iqtisodiyotni bir qator sektorlarga ajratishga qaratilgan yo'nalish alohida ahamiyat kasb etmoqda desa ham bo'ladi. Bular: birlamchi sektor (qishloq xo'jaligi, tog'-kon ishi, baliqchilik), ikkilamchi sektor (ishlab chiqaradigan sanoat), uchlamchi sektor (transport, kommunal xo'jalik), to'rtlamchi sektor (savdo, moliya xizmatlari, sug'urta, ko'chmas mulk ustida o'tkaziladigan operatsiyalar), beshlamchi sektor (sog'liqni saqlash, ta'lim, ilmiy tadqiqotlar, davlat boshqaruvi sohasi, dam olish va ko'ngil ochish industriyasi).

Bu holda hudud (mintaqa, shahar va h.k.)ning raqobatbardoshligi mintaqaviy shart-sharoitlar va ijtimoiy ishlab chiqarish omillarining (shu jumladan, hududiy-lokalizatsion omilning, ya'ni global iqtisodiyotga mintaqa egallagan joy) yig'indisini ham, boshqa mezoiqtisodiyotlar bilan solishtirganda, ulardan samarali foydalanishni ham o'z ichiga sig'diradigan sintetik hodisa sifatida namoyon bo'ladi. Bunda ushbu omillardan foydalanish deganda, faqat xususiy va korporativ maqsadlarda emas, balki ko'proq butun hududiy umumlashmaning manfaatlarini hisobga olgan holda foydalanish ko'zda tutiladi.

Bu bilan bog'liq holda mintaqaviy iqtisodiyot raqobatbardoshligini tadqiq etishda tegishli ko'rsatkichlar (indikatorlar)ning bir butun yig'indisi bilan ish ko'rishga to'g'ri keladi. Raqobatbardoshlik muammosining ushbu jihatiga diqqatni qaratar ekanmiz, unga baho berishda hozirgi zamon iqtisodiyotida anchayin diversifikatsion yondoshuv yuzaga kelganini ta'kidlab o'tmay bo'lmaydi.

M.Porter ham mintaqa raqobatdardoshliligini baholashda (bu masala unda mamlakat raqobatbardoshligi konsepsiyasining o'ziga xos proeksiyasini tashkil etadi) umuman olganda xuddi shunga o'xshash yondoshuvdan kelib chiqadi12. Ushbu muallifga ko'ra, mintaqa raqobatdardoshliligi – bu mintaqaviy resurslardan, birinchi navbatda, ishchi kuchi va kapitaldan foydalanishning boshqa mintaqalarga nisbatan unumdorligi (mahsuldorligi). Unumdorlik esa yalpi mintaqaviy mahsulot (YaRM)ning aholi jon boshiga miqdori bilan, shuningdek uning dinamikasida belgilanadi.

Raqobatbardoshlikning rivojlanishi quyidagi to'rtta bosqichda amalga oshiriladi:

-ishlab chiqarish omillari asosidagi raqobatchilik;
-investitsiyalar asaosidagi raqobatchilik;
-nou-xaular asosidagi raqobatchilik va;
-boylik asosidagi raqobatchilik.

Dastlabki uchta bosqich iqtisodiy o'sishni ta'minlaydi, oxirgisi esa turg'unlik va inqirozni keltirib chiqaradi.

A.N.Xoliqulov – SamISI dotsenti, i.f.n.
D.Q.Usmanova – SamDU dotsenti, i.f.n.

Korxona raqobatbardoshligini aniqlashda risklarni boshqarish

Qadimgi zamonlardan risk foydani shakllantirish omili hisoblanadi. J.B.Sey va Kursel Seneylar fikricha risk foydaning faqat bir qismini shakllantirish omili hisoblanadi. 19 asrlarda odamlarning risk qilishga tayyorligi ular foydasining shakllanishi va o‘zlashtirilishiga olib kelishi bilan izohlanardi. Hozirgi kunda shakllanayotgan foydaning asosiy qismi riskni samarali boshqarishdan vujudga keladi.

“Risk” atamasi Yevropaning ko‘p tillarida mavjud. Misol uchun greklarda “ridsikon” so‘zi mavjud bo‘lib, u qoya, cho‘qqi ma’nosini bildiradi. Italiyaliklar tilida “risiko” so‘zi xatar, tahdid ma’nosini, “risicare” so‘zi qoyadan mohirona o‘tish ma’nosini bildiradi. Fransuzlardagi “risdoe” so‘zi tahdid, qoyani aylanib o‘tmoq ma’nosini beradi. Iqtisodiy lug‘atlarda risk – xavf-xatar, zarar va yo‘qotish ehtimoli, xavf ehtimoli yoki muvaffaqiyat umidida xavf tomon borish ma’nosida kelishi ko‘rsatilgan.

“Risk” so‘zi ispancha-portugalcha so‘zdan olingan bo‘lib, “suv ostidagi qoya” degan ma’noni bildiradi. Taniqli lug‘atshunos S.I.Ojegovning rus tili izohli lug‘atida “risk” - bu muvaffaqiyatga intilish, baxtli hodisaga umid” degan ma’no anglatadi deyilsa, mashhur Vebster lug‘atida riskka “xavf, zarar va talafot ehtimoli” deb qaralgan. Rus olimi A.Olshanskiy “risk” - bu zarar ko‘rish yoki manfaatni qo‘ldan chiqarish bilan bog‘liq ehtimollar o‘lchamidir”, degan ta’rifni keltiradi.

Risk nazariyasini o‘rganishda klassik maktab namoyondalari muhim hissa qo‘shishgan. A.Smit risk va foyda o‘rtasidagi o‘zaro proporsionallik tushunchasini oydinlashtirishga harakat qilgan. Uning ta’kidlashicha, “riskli holatlar yuqori bo‘lgan maydonda qonun bo‘yicha daromad kichik bo‘ladi, bu esa o‘z navbatida kutilayotgan daromad darajasini ko‘paytirish uchun usullar salmog‘i yanada ortib boradi”. Taniqli lug‘atshunos S.Ojegovning rus tili lug‘atida “risk - bu muvaffaqiyatga intilish, baxtli hodisadan umid” ma’nolarini anglatadi deyilsa, mashhur Vebstera lug‘atida “risk - bu xavf, zarar yoki talofat ko‘rish ehtimoli”, deb ifodalangan

Risk korxonalar faoliyatining barcha bosqichlarida mavjud bo‘ladi, biroq u ko‘proq kichik biznesning ilk bosqichi uchun xos bo‘lib, malaka yetishmasligi oqibatidagi tadbirkorlik operatsiyalarini yuritishdagi kamchiliklardan kelib chiqadi. Demak, kishilarning xohish-irodasidan qat’iy nazar, tadbirkorlik sirlarini o‘rganish natijasida mavhumlik bilan yuzma-yuz kelishga to‘g‘ri keladiki, uni oldindan belgilab bo‘lmaydi. Shuning uchun korxona rahbarining, tadbirkorning asosiy vazifasi riskdan qocha bilish emas, balki riskni seza olish, uning darajasini baholay olish va uning belgilangan chegaralaridan chiqib ketmaslik hisoblanadi.

Risk mohiyati tavsifida “mavhumlik”, “risk” va yo‘qotish tushunchalarini farqlash lozim. “Mavhumlik” - doimo amal qiladi va qaror qabul qilishning ayrim asosiy shartlari tasodifiy yoki no’malum bo‘lgandagina yuzaga keladi. “Risk” -

ro‘y berishi mumkin bo‘lgan kutilajak yo‘qotish, biroq uning yuzaga kelishi majburiy emas. Mavhumlikdagidan farqli tarzda riskning omillari oldindan ma’lum va ushbu holat ularni baholay olish va boshqarish imkonini beradi.

Mavhumlik va risklarning sanoat va kichik biznes korxonalarida shakllanayotgan foydaning yo‘qotishlarga bog‘liqligi Korxona rahbari foydani, havfsizlikni shakllantirish jarayonida mavhumlikka duch kelganda, u quyidagi ikki yo‘ldan birini tanlashi mumkin.

Birinchisi, qo‘shimcha ma’lumot olishga harakat qilib, muammoni yana bir bor tahlil qilish orqali uni kamaytirishga harakat qilish. Rahbar bu qo‘shimcha ma’lumotlarni o‘z tajribasi, bilimi va mushohada yuritish qobiliyati orqali uyg‘unlashtirib, ayrim natijalarga sub’ektivlik yoki tahliliy ehtimollik xarakterini beradi. Shu bilan birga, bu jarayonda ekspertlarni jalb qilib ham bu masalaga yondashishi mumkin.

Ikkinchisi, o‘tgan tajribalari asosida voqelikning ehtimoli to‘g‘risida raqamlarda ifodalangan xulosa chiqarish va shunga mos ravishda harakat qilish.

Xatarlar va texnologik xavfsizlik muammolarini ishlab chiqishda, xavf-xatarlarni tahlil qilish deb ataladigan xavf ko‘rsatkichlariga ta’sir qiluvchi turli omillarni hisobga olish va o‘rganishga tizimli yondashishga eng katta e’tibor beriladi. Xatarlarni tahlil qilish yoki xavflarni tahlil qilish - shaxslar, odamlar guruhlari, atrof-muhit va boshqa e’tiborga sazovor ob’ektlar uchun xavflarni aniqlash va xatarlarni bilish jarayonidir.

Sanoat faoliyatining turlarining xilma-xilligi, sanoat ob’ektlarining o‘ziga xosligi, ularning turli sanoat tarmoqlariga tegishliligi, xatarlarni tahlil qilish masalasining ko‘p o‘lchovliligini aks ettiradi. Texnologik tavakkalchilikni tahlil qilishning o‘ziga xos xususiyati shundaki, uni ko‘rib chiqish jarayonida texnik tizimlarning ishlamay qolishi natijasida yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan salbiy oqibatlar, xizmat ko‘rsatish xodimlari tomonidan yo‘l qo‘yilgan texnologik jarayonlarda uzilishlar yoki xatolar hisobga olinadi. Tabiiyki, muammosiz ishlab chiqarishda (zararli yoki zararli moddalar chiqindilari, oqava qilinmagan kanalizatsiya va h.k.) odamlar va atrof muhitga salbiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin.

Xatarlarni tahlil qilish uch asosiy savolga javob berishi kerak:

1. Nima yomon bo‘lishi mumkin? (Xavflarni aniqlash).
2. Bu qanchalik tez-tez sodir bo‘lishi mumkin? (Chastotani tahlil qilish).
3. Qanday oqibatlarga olib keladi? (Effektlarni tahlil qilish).

Xatarlarni tahlil qilishning asosiy elementi - bu salbiy oqibatlarga olib kelishi mumkin bo‘lgan xavflarni identifikatsiyalash (mumkin bo‘lgan buzilishlarni aniqlash).

Xatarlarni tahlil qilish natijalari zararli moddalar va materiallarni tashish va saqlash vaqtida ishlab chiqarish ob’ektlarining joylashishi va dizaynini aniqlashda sog‘lom va oqilona qaror qabul qilish uchun zarurdir. Xatarlarni tahlil qilish jarayonida, xususan favqulodda holatlarda, o‘z faoliyati davomida rahbar xodimlar tomonidan yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan turli xil vaziyatlarni rasmiylashtirish va ko‘rib chiqish keng qo‘llaniladi.

Ko‘p hollarda boshqaruv qarorlar qabul qilinishi kerak bo‘lgan noaniqlik, risklarni tahlil qilishning metodologiyasi, kursi va yakuniy natijalari to‘g‘risida

xulosa chiqaradi. Tahlil jarayonida qo‘llaniladigan usullar, birinchi navbatda, voqea sodir bo‘lgan taqdirda ehtimoliy yo‘qotishlarni identifikatsiya qilish va baholash, xavfsizlikni ta’minlash xarajatlari va loyihani amalga oshirishdan olingan imtiyozlarga qaratilishi kerak.

Xatarlarni tahlil qilish muayyan tahlil usulidan va hal qilinadigan vazifalarning o‘ziga xos xususiyatlaridan qat’iy nazar bir qator umumiy qoidalarga ega.

Birinchidan, umumiy vazifa - xatarlarning maqbul darajasini, xodimlarning xavfsizlik standartlarini, jamoatchilikni va atrof-muhitni muhofaza qilishni aniqlash.

Ikkinchidan, ruxsat etiladigan xavf darajasini belgilash, qoida tariqasida, yetarli yoki tasdiqlanmagan axborot sharoitida, ayniqsa, yangi texnologik jarayonlarga yoki yangi texnologiyalarga bog‘liq bo‘lsa.

Uchinchidan, tahlil davomida muammolar yetarli darajada yechilishi kerak, natijada olinganlardan sezilarli farqlar paydo bo‘lishi mumkin.

To‘rtinchidan, xatarlarni tahlil qilish muayyan natijalarga qiziqqan tomonlar o‘rtasida murosaga kelishi mumkin bo‘lgan ko‘p mezonli vazifalarni hal qilish jarayoni sifatida ko‘rib chiqilishi kerak. Xatarlarni tahlil qilish murakkab vazifani hal etish jarayoni sifatida belgilanishi mumkin, bu keng ko‘lamli masalalarni va texnik, iqtisodiy, boshqaruv, ijtimoiy va ayrim hollarda siyosiy omillarni har tomonlama tadqiq qilish va baholash xatti-harakatlarini ko‘rib chiqishni talab qiladi.

Xatarlarni tahlil qilishni boshlaydigan birinchi narsa - ishni rejalashtirish va tashkil etish. Xatarlarni tahlil qilish risklarni boshqarish jarayoniga kirishni ta’minlash uchun normativ-huquqiy hujjatlar talablariga muvofiq amalga oshiriladi, ammo risklarni tahlil qilishning vazifalari, vositalari va usullarini aniqroq tanlash odatda tartibga solinmaydi. Hujjatlar xavf-xatarni tahlil qilish jarayonida ko‘rib chiqilayotgan jarayonlarning murakkabligi, kerakli ma’lumotlarning mavjudligi va tahlilni o‘tkazadigan mutaxassislarning malakasi bilan mutanosib bo‘lishi kerakligini ta’kidlaydi. Shu bilan birga, oddiy va tushunarli tahlil usullari to‘liq va metodologik jihatdan xavfsiz bo‘lmagan murakkab usullarga ustun bo‘lishi kerak.

Shuning uchun, birinchi bosqichda quyidagilar zarur: - risklarni tahlil qilishni talab qiladigan sabablar va muammolar; - tahlil qilinayotgan tizimni aniqlab beradi va uning tavsifini beradi; - tahlil qilish uchun tegishli guruhni tanlanadi; xavfsizlik tizimi to‘g‘risidagi axborot manbalarini yaratish; - xatarlarni tahlil qilish chegaralarini belgilaydigan manba ma’lumotlarini va cheklashlarni ko‘rsatishi; - Xatarlarni tahlil qilish va qabul qilinishi mumkin bo‘lgan xavf mezonlari aniq belgilanadi. Barcha nizomlar ushbu xavfni tahlil qilish bosqichini hujjatlashtirish talabini o‘z ichiga oladi.

Xatarlarni tahlil qilishning navbatdagi bosqichi - bu xavflarni aniqlash. Asosiy vazifa (obekt haqida ma’lumot, tekshirish natijalari va bunday tizimlarning tajribasi) va tizimga xos bo‘lgan barcha xavf-xatarlarni aniq belgilash. Bu tahlilning hal qiluvchi bosqichidir, chunki ushbu bosqichda aniqlanmagan xavflar boshqa ko‘rib chiqilmaydi va ko‘zdan yo‘qoladi. Quyida muhokama qilinadigan

xavflarni aniqlash uchun bir qator rasmiy usullar mavjud. Kelajakdagi faoliyatni tanlash uchun oldindan xavf-xatarni baholash: - xavflarning ahamiyatsizligi sababli qo‘shimcha tahlilni to‘xtatish; - batafsil tahlil qilish; - xavflarni kamaytirish bo‘yicha tavsiyalar ishlab chiqish. Dastlabki vaboshlang‘ich tahdidlarni baholash natijalari ham yaxshi hujjatlashtirilgan. Asos bo‘lib, xavflarni tahlil qilish jarayoni xavflarni aniqlash bosqichida yakunlanishi mumkin.

Agar kerak bo‘lsa, xavflarni identifikatsiyalashganidan so‘ng, xavfni baholash bosqichiga o‘tiladi. Nihoyat, texnologik tizimning xatarlarni tahlil qilishning so‘nggi bosqichi xavf darajasini maqbul darajadan yuqori bo‘lgan holda xavf darajasini (xatarlarni boshqarish) kamaytirish bo‘yicha tavsiyalarni ishlab chiqishdir. Shu tarzda amalga oshirilgan ishlarga muvofiq, barcha normativ hujjatlarda hisobot tayyorlanishi belgilab qo‘yilgan, uning mazmuniga nisbatan talablar qat’iy ifodalangan va yuqorida sanab o‘tilgan masalalarga tegishli. Tahlil natijalarining ko‘pligi va kelishuv yechimlari ehtimoli xavflarni tahlil qilish ob’ektiv, ilmiy uslublar bilan tasdiqlanishi mumkin bo‘lgan qat’iy ilmiy jarayon emasligini ko‘rsatadi. Boshqa bir jarayon xatarlarni tahlil qilish bilan chambarchas bog‘liq - xavflarni baholash.

Xatarlarni baholash inson salomatligiga, mol - mulkka, atrof-muhitga va boshqalarga yetadigan xavfni tahlil qilish uchun xatarni aniqlaydigan jarayondir. Xatarlarni tahlili - tahlilning majburiy qismidir. Xavfni baholash chastota tahlilini, ta’sir tahlilini va ularning kombinatsiyasini o‘z ichiga oladi. Ingliz tilidagi adabiyotlarda ko‘pincha turli xil ma’nolarga ega bo‘lgan "xavflarni baholash", "xavfni baholash", "xavflarni baholash" so‘zlari ishlatiladi, lekin ular risklarni baholash sifatida tarjima qilinadi.

Xatarni baholash xavflarning qabul qilinadigan darajada xavf darajasini belgilash uchun identifikatsiya qilingan xavflarni maqbul xavf mezonlari asosida baholash kerak bo‘lgan bosqichdir va ushbu qadam tavsiyalarni ishlab chiqish va kamaytirish choralarini ishlab chiqish uchun asos bo‘lib xizmat qiladi. Shu bilan birga, maqbul xavf uchun mezonlar va risklarni baholash natijalari ham sifat jihatidan, ham miqdoriy jihatdan ifodalanishi mumkin.

Ta’rifga ko‘ra, riskni baholash chastota tahlilini va ta’sir tahlilini o‘z ichiga oladi. Biroq, oqibatlar kam bo‘lsa va chastota juda kichik bo‘lsa, bitta parametrni baholash kifoya qiladi.

Xavfni baholashga to‘rt xil yondashuv mavjud.

Birinchisi muhandislik. Oqibatlar va baxtsiz hodisalar statistikasi, ehtimoliy xavfsizlik tahlili bo‘yicha: hodisalar daraxtlari va qobiliyatsiz daraxtlarni hisoblash va hisoblash yo‘naltirilgan grafiklarga asoslangan jarayondir. Dastlabki yordamlari bilan, ular ma’lum bir asbob-uskunaning noto‘g‘ri ishlashiga qanday baho berishi mumkinligini taxmin qiladilar va muvaffaqiyatsizlik daraxtlari, aksincha, ba’zi kiruvchi hodisalarga olib kelishi mumkin bo‘lgan barcha sabablarni kuzatish uchun yordam beradi. Daraxtlar qurilganda, har bir senariyni amalga oshirish ehtimoli (har bir tarmoq) hisobga olinadi, keyin esa zavodda sodir bo‘lgan falokatning umumiy ehtimoli.

Ikkinchi yondashuv, model inson va atrof muhitga zararli omillar ta’siri modellarini qurishdir. Ushbu modellar korxonalarning normal ishlashi oqibatlari

hamda ular yuz bergan baxtsiz hodisalar oqibatida yuzaga kelgan zararni tasvirlab berishi mumkin. Birinchi ikki yondashuv hisob-kitoblarga asoslanadi, ammo bunday hisob-kitoblar uchun har doim yetarlicha ishonchli dastlabki ma'lumotlar yo'q. Bu holatda.

Uchinchi yondashuv, mutaxassis, qabul qilinadi: har xil hodisalarning ehtimoli, ular o'rtasidagi aloqalar va baxtsiz hodisalar natijalari hisob-kitoblar bilan aniqlanmaydi, balki tajribali mutaxassislarni so'roq qilish yo'li bilan aniqlanadi.

Va nihoyat, to'rtinchi yondashuv doirasida - ijtimoiy jihatdan - aholi turli xil xatarlarga munosabati, masalan, sotsiologik tadqiqotlar yordamida tekshiriladi

Xavfni aniqlash uchun bunday xilma-xil usullarning to'rtta usulini qo'llashi ajablanmasligi kerak.Turli xil vazifalarni bajarishda xavfni qandaydir hodisa yuzaga kelishi ehtimolligi, undan keyin unga zarar keltiradigan shkala miqdori yoki hatto bu ikki qiymatning kombinatsiyasi sifatida tushunish kerak.Xatarni tavsiflaganda, jamiyatning davom etishi uchun olgan foydasini hisobga olish kerak (foydasiz xavfni qabul qilish mumkin emas, hatto kam bo'lsa ham).Boshqacha qilib aytganda, xavfning kattaligi bitta raqam emas, balki bir nechta tarkibiy qismlardan tashkil topgan vektor

Shuning uchun biz qarorni qabul qilish nazariyasi bilan tavsiflangan ko'p mezonlarga asoslangan tanlov bilan muomala qilmoqdamiz. Xavfni baholash bilan bog'liq ko'plab noaniqliklar mavjud.Noaniqlik tahlili xavfni baholashning muhim qismidir. Qoida tariqasida noaniqlikning asosiy manbalari uskunalarning ishonchliligi va inson xatosi to'g'risidagi ma'lumotlar, shuningdek, amaliy favqulodda jarayon modellarining taxminlari

Xavfning kattaligini to'g'ri talqin qilish uchun noaniqliklar va ularning sabablarini tushunish kerak. Noaniqlik tahlili - risklarni baholashda ishlatiladigan dastlabki parametr va noaniqlik natijalarining noaniqlik natijalariga tarjimasi. Agar mumkin bo'lmagan joylarda noaniqlik manbalari aniqlanishi kerak.Tahlil natijalariga sezgir bo'lgan asosiy parametrlar natijada taqdim etilishi kerak

Murakkab va qimmatli hisob-kitoblar ko'pincha xavf-xatarni ta'minlayotganligini ta'kidlash muhim, uning aniqligi juda past. Murakkab texnik tizimlar uchun, agar zarur bo'lgan barcha ma'lumotlar mavjud bo'lsa ham, alohida xavf hisob-kitoblarining aniqligi bir martalik buyurtmaga ega emas.Bunday holatda, to'liq miqdoriy xavfni baholash ob'ektni xavfsizlik darajasini belgilashdan ko'ra turli xil variantlarni (masalan, jihozlarni joylashtirish) taqqoslash uchun ko'proq foydalidir.

Chet tajriba shuni ko'rsatadiki, xavfsizlik bo'yicha tavsiyalarning eng katta miqdori kam ma'lumot va mehnat sarf-xarajatlaridan foydalangan holda risklarni tahlil qilishning asosiy maqsadlariga erishish imkonini beradigan sifatli (bir qator muhandislik) risklarni tahlil qilish usullaridan foydalangan holda ishlab chiqilgan. Shu bilan birga, riskni baholashning miqdoriy usullari har doim juda foydalidir va ayrim hollarda ular, xususan, turli xil xatarlarni solishtirish yoki xavfli, murakkab va qimmat bo'lgan texnik tizimlarni o'rganish uchun yagona maqbul hisoblanadi.

Олтаев Шавкат Собирович – катта ўқитувчи, и.ф.н., СамИСИ,
+998973994098, shavkatoltayev1964@mail.ru

МАМЛАКАТИМИЗДА АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

Аннотация. Мақолада бугунги иқтисодий ислоҳотлар шароитида маҳаллий акциядорлик жамиятлари фаолиятини самарадорлигини оширишда хорижий инвестицияларнинг роли ва аҳамияти тадқиқ этилган ҳамда унинг янги тушунча сифатидаги мазмун-моҳияти тизимли ёндашув асосида ёритиб берилган. Шундан келиб чиққан ҳолда мақолада Ўзбекистонда АЖларини ташкил қилиш ва ривожлантириш масалалари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: акциядорлик жамияти, инвестиция, қимматли қоғозлар, акция, акциядорлик жамияти, номинал баҳо, акция даромадлилиги, самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг бир неча йил давомида фонд бозорининг инфратузилмаси шаклланишда давом этди, унинг меъёрий-ҳуқуқий базаси такомиллаштирилди, фонд бозори айланмаларининг изчил ўсиши кузатилди. Аҳолининг кенг қатламларини фонд бозорида иштирок этишга жалб қилиш, инвесторларни акционерлик соҳасида юз бераётган жараёнлар ҳақида хабардор қилиш мақсадида қимматли қоқозлар бозорида ахборотни ошкор қилиш тизимини яратиш ва ривожлантиришга қаратилган меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Бугунги кунда акциядорлик жамиятлари фаолиятини самарали ташкил этиш масаласига мамлакатимизда жиддий эътибор қаратилмокда ва бу борадаги ёндашувларни тубдан ўзгартириш мақсадида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан 2020 йилнинг 1 январигача хорижий инвесторларнинг акциядорлик жамиятларида уларга тегишли бўлган акцияларидан дивиденд тарзида олаётган даромадидан солиқ тўлашдан озод қилинди [2].

Тадқиқотлар ва ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, акциядорлик жамиятлари молиявий ресурсларни бошқаришда алоҳида олинган усуллар ва ёндошувлар тегишли молиявий ресурсларни бошқариш бўйича кўзланган самарани бермайди. Ўзбекистон акциядорлик жамиятлари амалиётига эътибор қаратадиган бўлсак уларда молиявий ресурсларни бошқаришда миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда маҳаллий молия бозоридаги вазиятларни эътиборга олган ҳолда молиявий ресурсларни бошқаришнинг зарур усул ёки услублари ишлаб чиқилмаган, бундан кўринадики, демак маҳаллий амалиётда молиявий ресурсларнинг аниқ механизм ва тамойиллари амал қилмайди.

Мамлакатимиз акциядорлик жамиятлари фаолияти, устав капитали ва молиявий ресурсларини шакллантириш ҳамда бошқариш масалалари бўйича

давлат иштирокининг юқорилиги табиий ҳолатдир, чунки кейинги 28 йил давомида акциядорлик жамиятлари фаолияти, устав капитали ва молиявий ресурсларини шакллантириш ҳамда бошқаришда бозор тамойиллари ва механизмлари кенг самарали жорий этилмади. Келгусида бу масалалар босқичма-босқич ижобий ҳал этилиши мақсадга мувофиқдир.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда самарали корпоратив бошқарув тизими инвестицион қарорлар қабул қилишда ҳал қилувчи омил сифатида қаралмоқда ва шу жиҳат сабаб корпоратив бошқарув тизими мавжуд бўлмаган компания рақобатбардош ва инвестицион жозибадор бўлиш учун бозорнинг тўлиқ иштирокчисига айланиш имкониятига эга эмас [3]. Жаҳон амалиётида сўнгги ўн йилликда корпоратив бошқарувга бўлган бундай жиддий эътиборнинг асосий мезони инвесторлар учун янада хавфсизроқ ва қулай муҳит яратиш истаги ҳисобланади [4]. Акциядорлик жамиятларини корпоратив бошқарув тизимини диагностикаси асосида баҳолаш жаҳоннинг турли компаниялари бизнес амалиётида қўлланиладиган асосий рейтинг кўрсаткичи сифатида эътироф қилинмоқда. Корпоратив бошқарув тизимини диагностикаси нафақат бошқарув ва назорат органлари фаолиятини самарадорлигини аниқлашни, балки акциядорлик жамиятларининг бошқарувида рўй бераётган жараёнлар динамикасининг талқинини ҳам билдиради. Акциядорлик жамиятларини фаолиятига нисбатан бундай замонавий ёндашув бошқарув ва назорат органларининг самарадорлигини ошириш, сезиларли даражада салоҳиятини кўтариш имконини беради. Демак, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолашда диагностиканинг инструментларини қўлланилишини тадқиқ этилишини талаб этади [5].

Хорижда қимматли қоғозлар бозорини, корпоратив бошқарувнинг моҳиятини кенг тадқиқ қилган олимларга Andreas Engertabc, Lars Hornu [6], David Cronin ҳамда Peter G.Dunne [7], Hadiye Aslana ҳамда Praveen Kumar [8] ларнинг илмий тадқиқотларини мисол келтиришимиз мумкин.

Мамлакатимизда ҳам бир қатор олимлар Д.Суюнов [9], Б.Беркинов [10], М.Хамидулин [11] ва бошқа етакчи амалиётчи олимлар томонидан корпоратив бошқарув тизимининг айрим жиҳатлари амалий ҳамда назарий методологик асослари тадқиқ қилинган. Бироқ, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини комплекс диагностика қилиш масаласи қамраб олинмаганлигини ва республикамизда корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш учун етарли тадқиқот ишлари мавжуд эмаслигини кўрсатиб турибди.

Тадқиқот методологияси. Илмий тадқиқот олиб боришда индукция ва дедукция, таққослама таҳлил, синтез, умумлаштириш, мантиқий ва таққослама таҳлил маълумотларини гуруҳлаш, миқдор ва сифат кўрсаткичлар ҳисоблаш каби услублардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Акциядорлик компаниялари ва улар таркибидаги корхоналар фаолиятининг самарадорлигини ошириш муаммолари глобал халқаро капитал миграцияси ва ишлаб чиқаришни трансмиллийлаштиришнинг миллий иқтисодиётни ривожлантириш

жараёнларига таъсири кўп қиррали, мураккаб ва кам ўрганилганлиги билан боғлиқ. Ўзбекистон учун ушбу муаммоларни тушуниш ва илмий асослаш муҳим аҳамиятга эга, чунки мамлакатда инновацион ривожланиш йўлига ўтиш ва ишлаб чиқариш комплексининг рақобатдошлигини янада юқори даражага етказишнинг стратегик вазифаси қўйилди. Муайян акциядорлик жамиятини муваффақиятли ривожлантириш учун у рақобатбардош устунликларни шакллантириш учун, шу жумладан, бозор иқтисодиётининг бошқа иштирокчилари олдида инвестиция капиталини жалб қилиш соҳасида қўшимча шарт-шароитга муҳтож.

Ҳозирги шиддатли замонда мамлакатнинг узоқ муддатли ривожланиш моделини белгилаш ва барча соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб қувватлаш зарур. Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш стратегияси «Buyuk Kelajak» экспертлари томонидан ишлаб чиқилиб, мамлакатимизни дунёнинг иқтисодий ривожланган 50та мамлакатига киришини таъминлашга қаратилган. Концепция давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш, инновациялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш каби асосий йўналишларни ўз ичига олади[5]. Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув ва корпоратив назорат органлари аъзоларининг фаолиятини тақдирлаш масалалари ва уларни шакллантириш ҳамда такомиллаштиришдан асосий мақсад аъзоларнинг фаолиятини янада ривожлантириш, самарадорлигини ошириш ва энг аввало жамият фаолиятига қизиқишни орттириш орқали акциядорлик жамияти иш фаолиятини самарали ривожланишига ўз таъсирини кўрсатишдан иборат.

Акциялар корпорациялар томонидан чиқарилади; акцияларни чиқариш - корпорацияларни шакллантиришнинг йўлларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Қимматли қоғозларни чиқариш корхоналарда катта молиявий сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради. Акциядорлар дивидендлар деб аталадиган корпоратив фойданинг бир қисмини олади. Дивидендлар фойданинг улушига, унинг сақланиб қолган ва истеъмол қилинадиган акцияларига нисбати, компаниянинг инвестиция сиёсати ва бошқа омилларга боғлиқ. Акциялар эгаси, шунингдек, бошқа бир қатор тадбиркорлик ҳуқуқларига эга, масалан, овоз бериш ҳуқуқи ва корпорация раҳбариятига сайланиш ҳуқуқи.

Акциядорлик жамиятлари оддий ва имтиёзли акцияларни чиқариши мумкин. Оддий акционерлик жамиятлари акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш йўли билан акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи, акциядорлик жамиятининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиш ҳуқуқи ва бошқалар каби бир қатор ҳуқуқларга эга. Улар бўйича дивидендлар ставкаси кафолатланган барқарор фоиз сифатида белгиланади.

Имтиёзли акциялар эгалари акциядорларнинг умумий йигилишида акциядорлик жамиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш чоғида овоз бериш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон фонд бозорининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган ва

“Акциядорлик жамияти” ташкилий-ҳуқуқий шаклининг тадбиркорлар учун умуман жозибадор эмаслигининг сабаби - амалдаги тартибларга кўра акциядорлик жамиятлари учун ҳаддан ташқари кўп талаблар белгиланганидир.

Буни яхшироқ англаш учун акциядорлик жамиятининг молиявий-иқтисодий фаолиятини назорат қилиш бўйича талабларни ўрганиб чиқиш кифоя қилади деб ўйлаймиз.

Хулоса ва таклифлар. Шундай қилиб, хулоса шуки ўрганилган халқаро тажриба, шунингдек, акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторлар, хорижий менежерларни жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида тақдим этилган солик имтиёзлари сабаб ташкилий-хукукий шакли акциядорлик жамияти булмаган корпоратив тузилмалар уз ташкилий-хукукий шаклини акциядорлик жамиятига узгартиришлари мумкин. Бу, уз навбатида, фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари сони узгаришига сабаб булади хамда фонд бозори амалиёти ва назарияси кимматли когозлар бозори тугрисидаги конунчиликдаги ушбу узгаришлар инвесторлар учун ошкор этилаётган ахборотнинг сифати ва хажмини сезиларли даражада яхшилайди ва натижада фонд бозорини инвестиция карорларини кабул килиш учун зарур булган фойдали маълумотлар билан реал равишда тулдириш имконияти пайдо булади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Узбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий курсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тугрисида” ги ПК-2699-сонли Карори. 2016 йил 27 декабрь

2. Расулов Н. Корпоратив бошкарувнинг иктисодий механизмларини такомиллаштириш негизида корхоналар ривожланиш самарадорлигини ошириш: Икт. фан. номз. ... дисс. иши - Т.: ТДИУ, 2010

3. Силова Е.И. Сравнительный анализ моделей корпоративного управления // Вестник Челябинского государственного университета, 2011, №32

4. Тагавердиева Д.С. Методы оценки эффективности корпоративного управления // Актуальные проблемы экономики и права, 2012, №2

5. Афоничкин А.И., Михаленко Д.Г. Модели и методы оценки эффективности организационной структуры системы корпоративного управления // Вестник Волжского университета им. В.Н. Татищева, 2013, №6.

6. Andreas Engertabc, Lars Hornu. Market standards in financial contracting: The Euro’s effect on debt securities// Journal of International Money and Finance//Volume 85, July 2018, Pages 145162.

7. David Cronin,Peter G.Dunne. How effective are sovereign bond-backed securities as a spillover prevention device?// Journal of International Money and Finance// Volume 96, September 2019, Pages 49-66.

8. Hadiye Aslana, Praveen Kumar. The real effects of forced sales of corporate bonds// Journal of Monetary Economics//Volume 95, May 2018, Pages 1-17.

9. Суюнов Д. Корпоратив бошкарув механизми: муаммо ва ечимлар.

Монография. - Т.: Академия, 2007. - 319б.

10. Беркинов Б. Корпоративные структуры (Основы создания и управления). - Т.: Изд-во Нац.б-ки Узбекистана, 2005. - 132с.

11. Хамидулин М.Б. Финансовые механизмы корпоративного управления. Монография. - Т.: Молия, 2008. -204с.

12. https://uzexpertsovet.com

13. http://uza.uz/oz/society/zbekiston-fond-bozori-rivozhlanishiga-nima-t-s-inli-ilmo-da-09-03-2018

Наврузова Фароғатхон Абдухамид қизи
Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети
Магистранти, navruzova777@umail.uz
Тел:+998998114983
Илмий раҳбар: и.ф.д., профессор Исроилов Боҳодир Ибрагимогвич, b.isroilov@tsue.uz

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

ОСОБЕННОСТИ СИСТЕМЫ САМОЗАНЯТОСТИ ГРАЖДАН В УЗБЕКИСТАНЕ

FEATURES OF THE SYSTEM OF SELF-EMPLOYMENT OF CITIZENS IN UZBEKISTAN

Аннотация: Мазкур тезисда Ўзбекистон Республикасида фуқаролар учун ўзини ўзи банд қилиш афзалликлари, шартлари ва уларни солиққа тортиш масаласи кўриб чиқилган.

Таянч иборалар: ўзини ўзи банд килиш, жисмоний шахслар, рўйҳатга олиш, ижтимоий солиқ, QR-код, пенсия, меҳнат стажи.

Аннотация: В данном тезисе рассматривается преимущества, условия и налогообложения самозанятости граждан в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: самозанятось, физические лица, регистрация, социальнқй налог, пенсия, трудовой стаж.

Abstract: This thesis examines the advantages, conditions and taxation of self-employment of citizens in the Republic of Uzbekistan.

Key words: self-employment, individuals, registration, social tax, pension, work experience

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳоли

бандлигини таъминлаш, улар даромадлари мутаносибдигига эришиш ҳамда ишсизлик даражасини пасайтириш ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналишининг асосиларидан бири сифатида эътироф этилган[1]. Бундай масалаларнинг ечими сифатида ўзини ўзи банд қилиш тизимини олиш мумкин.

Ҳозирги кунга келиб хориж амалиётида ўзини ўзи банд қилиш орқали фаолият юритиш амалиёти кенг тарқалган. Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар – бу ишга ёлланмаган ҳолда, даромад олиш мақсадида меҳнат бозорида хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажариш бўйича шахсий меҳнати билан мустақил қатнашувчи меҳнатга лаёқатли жисмоний шахслардир. Дунёнинг ривожланган давлатлари АҚШда 10,253 млн., Россияда эса 2,7 млн. га яқин[2] шахслар ўз-ўзини банд қилиш фаолияти билан шуғулланадилар.



1-расм. 2021 йилда иш билан банд аҳолига нисбатан ўзини ўзи банд қилиш улуши, %.[66]

Юқоридаги диаграммада берилган маълумотларга кўра, ўзини ўзи банд қилиш кўрсаткичи ривожланган мамлакатларда паст. Бунда 6,3% билан АҚШ энг паст ўринни, 22,4% билан Италия эса аксинча, юқори ўринни эгаллаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4742-сон қарорига асосан Ўзбекистонда 2020 йил 1 июлдан ихтиёрий равишда расман ўзини ўзи банд қилиш тартиби такомиллаштирилди. Мазкур Қарорга мувофиқ ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турларининг қамрови оширилди ва 67 тага кўпайтирилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги 806-сонли қарорига асосан ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга

[66] Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти расмий сайти – OECD (2021), Self-employment rate (indicator). doi: 10.1787/fb58715e-en (Accessed on 16 September 2021)

ошириш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланди ҳамда фаолият турлари биттага кўпайди. Илгари ушбу фаолият турлари 24 тани ташкил этган[2,3].

Ўзини ўзи банд қилган шахс мақомини олишнинг асосий шартларидан бири бу якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмаган бўлишидир. Бунда улар меҳнат фаолияти давомида ёлланма ишчиларни жалб қила олмайди ҳамда иш берувчига эга бўла олмайди. Ушбу талаблар бажарилмаган тақдирда ўзини ўзи банд қилган шахс мақомини йўқотади.

Ўзини ўзи банд қилган шахслар учун солиқ имтиёзи қўлланилади. Улар ҳақиқатда ишлаган вақтидан қатъи назар, базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 50 фоизи ижтимоий солиқ тўлайди. Ушбу сумма тўлиқлигича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилади ва ундан келиб чиққан ҳолда якка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган тартибда пенсия ҳисоблаш учун даромад ҳажми аниқланади[3]. Масалан, жисмоний шахс видео ва фотосуратга олиш хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланади ва ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида Давлат солиқ хизмати органида рўйхатдан ўтди. Мазкур фаолият билан 3 ой давомида шуғулланган холда ижтимоий солиқ тўлади. Бунда жисмоний шахснинг тўлаган солиқ суммаси амалдаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 75 фоизини ташкил қилди. Бу орқали у ўзи учун ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини таъминлайди.

Интернет тармоғи орқали хизматлар кўрсатувчи (ишлар бажарувчи) ўзини ўзи банд қилган шахслар (фрилансинг) кўрсатган хизматлари учун чет элдаги жисмоний ва юридик шахслар – норезидентлардан хорижий валютадаги тўловларни Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига тегишли маълумотларни киритмаган ҳолда Ўзбекистон банкларидаги ҳисоб рақамларига қабул қилиш ҳуқуқига эга. Интернет орқали хизматлар кўрсатувчи (ишлар бажарувчи) ўзини ўзи банд қилган шахслар (фрилансинг) контракт тузмасдан, келишув тўғрисидаги оммавий таклифни (оферта) қабул қилиш ёки электрон ёзишмалар алмашиш ёхуд ҳисоб-китоб фактураларни (инвойс), шу жумладан электрон шаклда тақдим қилиш йўли билан чет эллик жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш (ишлар бажариш) ҳуқуқига эга.

Масофадан туриб рўйхатдан ўтиш “SOLIQ” мобил иловаси ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилади. Бунда жисмоний шахс паспорт маълумотларини киритган ҳолда фаолият кўрсатиш жойи ҳамда турлари белгиланади. Ҳар бир ўзини ўзи банд қилган шахсга бериладиган матрицали штрих код (QR-код) ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхатдан ўтганликни тасдиқлайди.

2021 йил 1 январдан бошлаб меҳнат миграцияси йўли билан хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турларига тенглаштирилади. Уларга ўзини ўзи банд қилган шахслар учун белгиланган солиқларни тўлаш ҳамда пенсия миқдорини ҳисоблаш тартиби қўлланилади.

2021 йил 1 июль ҳолатига 852372 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган бўлиб, бу кўрсаткич 2020 йил 8 июль ҳолатига 43700 нафарни кўрсатади ва 19,5 бараварга ўсган.



2-расм. Ўзбекистонда 2020-2021 йилларда ўзини ўзи банд қилиш фаолияти динимикаси[67].

Юқорида берилган диаграммага кўра тармоқлар кесимида таҳлил қилинганда маиший хизматлар соҳасида 106 482 нафар, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасида 26 639 нафар, қишлоқ хўжалиги соҳасида 71 694 нафар, саноат соҳасида 51 575 нафар, ижтимоий хизматлар соҳасида 26 639 нафар, АКТ соҳасида 9 485 нафар жисмоний шахслар ўз-ўзини банд қилиш тизими асосида фаолият юритиб келмоқда.

Ўзини ўзи банд қилиш бир қатор иқтисодий функцияларни бажаради:

- Мамлакатда ишсизлик даражасининг камаяди;
- Иш билан банд бўлганлар фуқароларнинг умумий улушини оширади;
- Ишсизликни қисқартириш учун йўналтирилган дастурларни камайтириш орқали давлат бюджети харажатлари пасаяди;
- Иқтисодий фаол бўлган фуқароларнинг аниқ статистикасини шакллантиради;
- Фуқароларнинг турмуш даражасини ва даромадларини оширишга кўмаклашади;
- Ёшларни бандлиги таъминланиб, уларни иш билан таъминлаш масаласига ечим бўла олади;

Фуқаролар учун эса ўзини ўзи банд қилиш:

1. Қонуний равишда бизнес юритиш ва вақтинчалик ишдан даромад олиш имконини беради;
2. Содда ва қулай тарзда рўйхатдан ўтган ҳолда фаолият юритиш мумкин бўлади;
3. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод этилади;
4. Бир вақтнинг ўзида бир неча рўйхатга олинган фаолият турлари билан шуғулланиши имконига эга бўлади.

[67] Давлат солиқ қўмитаси расмий сайти (Электрон ресурс) – soliq.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

5. Ҳеч қандай бюрократияга йўл қўйилмайди. *Ҳеч қандай ҳисоботлар ва солиқ декларациясини(ихтиёрий равишда топшириш бундан мустасно) топширмайди.*
6. Банкда ҳисоб рақам очтириш шарт эмас.
7. Ўзини ўзи банд қилганларга меҳнат стажи ёзилади ва пенсия билан таъминланади.

Ўзбекистон иқтисодиёти учун янги бўлган ўз-ўзини банд қилиш фаолияти тизимини ривожлантириш мақсадида:

1. Янги турдаги фаолият турларини қўшиш орқали ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун фаолият (ишлар, хизматлар) турларини сонини ошириш.

2. Жисмоний шахс маълум бир сабабга кўра фаолиятини вақтинчалик тўхтатиб туриши мумкинлиги ва ушбу ойлар учун тўланган тўловни кейинги ойларга ҳисоб-китоб қилиш ёки қайтариш тўғрисидаги меъёрни қонунчиликка киритиш.

3. Аутсорсинг орқали юридик шахсларга хизмат кўрсатишга рухсат этиш таклиф этилади.

Ушбу тартибларни жорий этилиши фуқароларни ўз-ўзини банд этишга қизиқишини янада ортиши ва ишсизликни камайиши учун хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. АҚШ меҳнат статистикаси Бюроси расмий сайти (Электрон ресурс) – bls.gov
3. Федерал солиқ хизмати расмий сайти (Электрон ресурс) – nalog.gov.ru
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4742-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги “Ўзини ўзи банд қилган шахслар сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш хақида”ги 566-сонли Қарори.
6. Д.Т. Байтенизов, И.Н. Дубина, Т.А. Азатбек, Д.Ф. Дж. Кэмпбелл, Э. Г. Караяннис. Экономические функции самозанятости. Экономика. Профессия. Бизнес. 2018. №3 УДК 331.5 DOI: 10.14258/201834 – 18 б.

7. Степанова Ю.О. Самозанятость в Российской Федерации. Вопросы студенческой науки Выпуск №6 (34), июнь 2019.

Очилов Олмос Икром ўғли
ТМИ катта ўқитувчиси, +99891-251-02-51; Olmos.2013@mail.ru

ИНСОН КАПИТАЛИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Мақолада хўжалик юритувчи субъектларда инсон капиталига инвестициялар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳамда уларнинг омилли таҳлилини такомиллаштириш бўйича таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: инвестиция, инсон капитали, инсон капиталига инвестиция, омилли таҳлил, ходимлар рентабеллиги.

Инсон капиталига инвестициялар натижадорлигига таъсир этувчи омиллар ва уларни аниқлаш замонавий бошқарувнинг муҳим масалаларида бири ҳисобланади. Бугунги кунда республикамизда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида НИЗОМ” асосида амалга ошириб келинмоқда. Мазкур Низомда келтириб ўтилган қуйидаги кўрсаткичлар хўжалик юритувчи субъектларнинг инсон капиталига қилган инвестициялари самарадорлигига баҳо бериш учун хизмат қилади.

1. Меҳнат унумдорлиги.
2. Бир ходимга тўғри келадиган ўқитиш харажатлари.
3. Ходимлар қўнимсизлиги коэффициенти.[68]

Дарҳақиқат, юқорида кўрсатиб ўтилган кўрсаткичларнинг барқарор суръатларини таъминлаш бевосита инсон капиталига инвестициялар ҳажми ва улардан оқилона фойдаланишга боғлиқдир. Бироқ, инсон капиталига инвестициялар ҳажмининг ошиши ва унинг натижадорлигини таъминловчи юқорида келтирилган кўрсаткичлар ўзгариши ўртасида функционал боғлиқлик мавжуд бўлмаганлиги боис, биз ҳар битта омилнинг таъсирини алоҳида ҳисоблаш имкониятига эга эмасмиз. Бироқ, инсон капиталига қилинган инвестициялар фойдалилигини баҳолашнинг энг асосий кўрсаткичи сифатида қараладиган ходимлар рентабеллиги (битта ходимга тўғри келадиган фойда суммаси)га сотиш рентабеллиги, таълимга инвестициялар қайтими ва битта ходимга тўғри келадиган таълим инвестицияларининг таъсирини қуйидаги функционал боғлиқликдан келиб чиқиб ҳисоблашимиз

[68] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори, 2015 йил 28 июль, 207-сон. https://lex.uz/docs/2712352

мумкин.

$$Р_х = Р_с * ТИ_қ * ТИ_б \quad (1)$$

Бу ерда: $Р_х$ –ходимлар рентабеллиги (битта ходимга тўғри келган фойда); $Р_с$ –сотиш рентабеллиги; $ТИ_к$ –таълимга қилинган инвестициялар қайтими; $ТИ_б$ – битта ходимга тўғри келадиган таълимга инвестициялар.

Ходимлар рентабеллиги ва унга таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш тартибини амалий маълумотлар асосида очиб бериш мақсадида “Ғиждувон пахта тозалаш” АЖнинг маълумотларидан фойдаланган ҳолда қуйидаги жадвални тузамиз (1-жадвал).

1-жадвал

“Ғиждувон пахта тозалаш” АЖда ходимлар рентабеллиги билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили[69]

№	Кўрсаткичлар	Шартли белги	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (-,+)
1.	Ҳисобот даврининг соф фойдаси, минг сўм	СФ	8608577	16900658	8292081
2.	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум, минг сўм	СТ	135280942	299301580	164021138
3.	Ходимлар таълимига қилинган инвестициялар, минг сўм	ТИ	28278	7520	-20758
4.	Ходимларнинг йиллик ўртача сони, киши	ХС	568	592	24
5.	Сотиш рентабеллиги (1-сатр/2-сатр);	$Р_с$	0,064	0,056	-0,008
6.	Таълимга қилинган инвестициялар қайтими, минг сўм (2-сатр/3-сатр)	$ТИ_к$	4783,96	39800,74	35016,78
7.	Битта ходимга тўғри келадиган таълимга инвестициялар, минг сўм (3-сатр/4-сатр)	$ТИ_б$	49,79	12,70	-37,09
8.	Ходимлар рентабеллиги, минг сўм (1-сатр/4-сатр)	$Р_х$	15155,95	28548,41	13392,46

Жадвал маълумотлари кўрсатмоқдаки, корхонанинг соф фойдаси ва сотишдан соф тушуми суммаси ўтган йилга нисбатан сезиларли ошган. Бироқ, мазкур ўсиш сифат жиҳатдан ижобий динамикага эга эмас, сабаби сотиш рентабеллиги 0,008 ёки 0,8 фоизга пасайган. Шунингдек, корхона ходимларининг ўртача сони 24 кишига ошиб, таълимга инвестицияларнинг 20758 минг сўмга камайганлигини ҳам кузатиш мумкин. Таълимга қилинган инвестициялар қайтими ва ходимлар рентабеллигининг мос равишда 35016, 78 минг сўм ва 13392,46 минг сўмга ошганлиги соф тушум ва фойда

[69] Корхона маълумотлари асосида муаллиф томоидан тайёрланди.

суммаларининг кўпайганлиги ижобий ва таълимга инвестициялар ҳажмининг камайганлиги салбий таъсир кўрсатган.

Ходимлар рентабеллиги кўрсаткичига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш учун логорифмлаш усулидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Бунинг сабаби шундаки, логорифмлаш усулида ҳисоблаш натижаси омилнинг моделда жойлашувига боғлиқ эмас ва бошқа усулларга нисбатан аниқлик даражаси анча юқори ҳисобланади. Мазкур усул ёрдамида натижага омиллар таъсирини ҳисоб-китоб қилиш иқтисодий таҳлил назариясига бағишланган адабиётларда келтириб ўтилган қуйидаги формулалар орқали амалга оширилади.

$$1.\ \Delta P_{x_{P_c}} = \Delta P_x * \frac{\ln(P_c^1 : P_c^0)}{\ln(P_x^1 : P_x^0)} = 13392{,}46 * \frac{\ln(0{,}056 : 0{,}064)}{\ln(28548{,}41 : 15155{,}95)} = -2824{,}21$$

$$2.\ \Delta P_{x_{ТИ_к}} = \Delta P_x * \frac{\ln(ТИ_к^1 : ТИ_к^0)}{\ln(P_x^1 : P_x^0)} = 13392{,}46 * \frac{\ln(39800{,}74 : 4783{,}96)}{\ln(28548{,}41 : 15155{,}95)} = 45112{,}29$$

$$3.\ \Delta P_{x_{ТИ_б}} = \Delta P_x * \frac{\ln(ТИ_б^1 : ТИ_б^0)}{\ln(P_x^1 : P_x^0)} = 13392{,}46 * \frac{\ln(12{,}70 : 49{,}79)}{\ln(28548{,}41 : 15155{,}95)} = -28895{,}62$$

Ҳар битта омил таъсирининг йиғиндиси натижа кўрсаткичи ҳисобланган ходимлар рентабеллигининг ўзгаришига тенг бўлиши керак.

$$\Delta P_x = \Delta P_{x_{P_c}} + \Delta P_{x_{ТИ_к}} + \Delta P_{x_{ТИ_б}} = (-2824{,}21) + 45112{,}29 + (-28895{,}62) = 13392{,}46$$

Омиллар таҳлили натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин. Ҳисобот даврида сотиш рентабеллигининг 0,008 ёки 0,8 фоизга пасайиши ходимлар рентабеллигини 2824,41 минг сўмга ва битта ходим тўғри келадиган таълимга инвестицияларнинг 37,09 минг сўмга камайиши эса натижани 28895,62 минг сўмга камайтирган. Ходимлар таълимига қилинган инвестициялар қайтимини 35016,78 минг сўмга ортиши ходимлар рентабеллигини 45112,29 минг сўмга ошишига сабаб бўлган.

Юқорида келтириб ўтилган омилли таҳлил моделлари натижага омиллар таъсири функционал бўлган ҳолларда қўллинилади. Бироқ, инвестициялар ҳолати ва уларнинг самарадорлигига аҳамиятли таъсир этувчи, стохастик боғлиқликдаги бир қатор омиллар ҳам мавжуд. Ушбу омилларнинг таъсирини аниқ ҳисоб-китоб қилиш имкони йўқлиги сабаб уларни халқаро амалиётда кенг қўлланиладиган PEST-таҳлили усулидан фойдаланган ҳолда таснифлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

PEST-таҳлили ташқи муҳитнинг компания бизнесига таъсир этувчи сиёсий (**P**olitical), иқтисодий (**E**conomic), ижтимоий (**S**ocial) ва технологик (**T**echnological) жиҳатларини баҳолаш учун мўлжалланган маркетинг воситасидир.[70] Ушбу усул ва унда қўлланиладиган омиллар гуруҳларини атрофлича ўрганган ҳолда биз ундан инвестициялар самарадорлигига таъсир этувчи омилларни таснифлаш мақсадида қўллашга ҳаракат қилдик (2-жадвал).

Жадвалда келтириб ўтилган ҳар бир гуруҳга мансуб омиллар

[70] https://ru.wikipedia.org/wiki/PEST-анализ

инвестицияларнинг ҳаётийлик даври, яъни уларни лойиҳалаштиришдан токи амалга ошириб, якунига етгунига қадар ўз таъсирини кўрсатади. Инвестициялар омилли таҳлилида уларга таъсир этувчи бевосита ва ички омиллардан ташқари билвосита ва ташқи омилларни ўрганиш асосида хулоса қилиш зарур деб ҳисоблаймиз.

2-жадвал

Инвестицияларга таъсир этувчи омилларнинг PEST-таҳлили

Сиёсий (political) омиллар	Иқтисодий (economic) омиллар	Ижтимоий (social) омиллар	Технологик (technological) омиллар
- қонунчиликдаги ўзгаришлар; - давлатнинг турли миллатлараро тузилмаларга кириши; - иқтисодиёт соҳа ва тармоқларини давлат томонидан тартига солиниши; - рақобатни давлат томонидан тартибга солиниши; - локал ва глобал даражадаги сиёсий вазият унинг тебраниши; - давлат бошқаруви органларининг қарорлари.	- макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси; - инфляция даражаси; - қайта молиялаш ставкасининг ўзгариши; - миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан курси ва унинг динамикаси; - ишсизлик даражаси; - бозор конюнктурасининг ўзгариши; - солиқ юки ва солиқ қонунчилигининг ўзгариши.	- аҳоли турмуш даражаси ва яшаш тарзининг ўзгариши; - инсон капиталининг таркиби, сифати ва ривожланиши; - демографик ўзгаришлар; - ОАВ таъсирининг кучайиши; - диний омиллар, этник қарашлар ва миллий қадриятлар; - меҳнатни муҳофаза қилиш, инсон саломатлигини таъминлаш ҳолати.	- илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмалари тенденцияси; - инновацион ишланмалар ва интеллектуал мулк объектларининг ривожланиш даражаси; - соҳа ва тармоқларда технологияларни жорий қилинганлик ҳолати; - технологик инфратузилма ва унинг ҳолати.

Масалан, тадқиқот объектларимиздан бири ҳисобланган “Самарқанд Парранда” АЖда 2019 йилда кузатилган кескин иқтисодий пасайиш, яъни корхона ҳисобот даврида 14872307 минг сўм зарар кўрганлигининг асосий сабабларидан бири ишлаб чиқариш захиралари ҳисобланган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг ялпи касалланиши оқибатида сотилган маҳсулотлар таннархининг кескин ошиб кетиши ҳисобланади. Бу ўз навбатида ташқи омил ижтимоий омил саналади.

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, хўжалик юритувчи субъектларнинг капитал, молиявий ва инсон капиталига йўналтирган инвестициялари самарадорлиги ички ва ташқи омиллар таъсирида ўзгариб туради. Бу ҳолатда корхона бошқарувининг инвестициялардан самарали фойдаланиш йўлларини аниқлаш учун аниқ, илмий жиҳатдан асосланган, таҳлилий ахборотларга бўлган талаби ошади. Бу эса инвестициялар таҳлилини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларимизни амалиётда қўллаш

орқали хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция фаолиятини ривожлантириш имконини беради деб ҳисоблаймиз.

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.
Б.Р.Пардаев – “Ипак йўли” туризм халқаро университети эдвайзери.

МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЭЛЕКТРОН БИЗНЕС ВА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: мақолада маркетинг тадқиқотларини рақамли технология орқали электрон бизнес ва электрон тижоратни амалга ошириш йўллари ёритилган. Бунда маркетинг тадқиқотлари электрон бизнес ва электрон тижоратни амалга оширишнинг устувор вазифалари ҳам қараб чиқилган. Барча масалалар назарий жиҳатдан қаралган бўлиб, амалий йўналишларда тегишли ечимларни топишда қандай ёндошув қилиш лозимлиги ҳам ўз ифодасини топган.
Калит сўзлар: рақамли технология, рақамли технология хизматлари, электрон почта, рақамли технология таснифи, маркетинг қарорлари, рақамли технология ва маркетинг тадқиқотлари, сайтлар, анкеталар тўлдириш, электрон бизнес, электрон тижорат.

Ҳозирги пайтда бизнес оламига электрон бизнес ва электрон тижорат тушунчалари ҳам кириб келди. Шу туфайли ушбу масалани ўрганишда электрон бизнеснинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, уларнинг миқёси ва ривожланиш истиқболлари нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам қараб чиқишни тақозо қилади. Электрон бизнес тоифаларидан, бизнес-истеъмолчи, истеъмолчи-бизнес, бизнес-маъмурият, истеъмолчи-маъмурият каби боғлиқликларнинг мазмуни очиб берилиши мақсадга мувофиқ. Бунда рақамли технология маркетингнинг анъанавий маркетингдан фарқи ва ўзига хос хусусиятлари ҳам ўрганилиши лозим бўлади.

Дунё миқёсида глобал тармоқда замонавий маркетингда стратегик ва тактик режалаштириш масаласи ҳам мазкур соҳада ўрганилиши лозим бўлган муҳим ва устувор масалалардан биридир. Рақамли технология хизматлари таркибида Off-line ва on-line хизматларидан фойдаланиш нафақат вақтни, балки масофани ва шу билан боғлиқ бўлган катта ҳажмдаги харажатларни тежаш имконини беради. Ҳозирги пайтда кундалик ҳаётимизда кенг ўрин эгаллаб бораётган электрон почта хизматидан ҳам фойдаланиш жуда кўп муаммоларни ҳал қилиш имконини бермоқда. Мазкур мавзуни ўрганишда телеконференцияларни ўтказиш масаласига ҳам аҳамият берилишини тақозо қилади.

Замонавий ахборот технологияларидан турли жўнатмалар рўйхати, чатлар, рақамли технология-пейжерлар, ахборот тўплаш хизматлари каби имкониятлардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Аммо шуни эътироф этиш керакки, глобаллашув даврида рақамли технология тармоғида ахборот

хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳам ўта жиддий. Бунинг учун конфиденциаллик, аутентификация, тўлиқлик, шифрлаш каби имкониятлари ҳам мавжуд. Шифрлашнинг симметрик ва носимметрик усулларидан фойдаланиш йўлларини эътибордан четда қолдириб бўлмайдиган масалалар сирасига киради. Шунингдек, ҳар бир ходимнинг рақамли имзоси ҳам мавжуд. Ҳозирги пайтда электрон сертификатлар, протоколлар ва хавфсизлик стандартларидан ҳам фойдаланишни ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Рақамли технологияда маркетинг масалалари қаралганда тўлов тизимларига ҳам аҳамият берилиши лозим. Бунда электрон тўловларнинг асосий хусусиятлари билан бирга кредит тизимлари, дебет тизимлари ва электрон пуллар каби тушунчаларга ҳам алоҳида аҳамият берилади.

Маркетинг тадқиқотларида индивидуал истеъмолчилар билан ўзаро алоқалар масаласи ҳам эътибордан четда қолиб кетмаслиги лозим. Айнан глобаллашув даврида рақамли технология мулоқот доирасини кенгайтириш масаласи ҳам долзарб масалалар сирасига киради. Буларни инобатга олиб, аҳолининг рақамли технологиядаги иқтисодий фаоллигини ошириш ва мулоқат доирасини кенгайтиришга қаратилган тадбирларни ҳам ривожлантиришни тақозо қилади. Маркетингда мулоқот доираси манфаатлари ҳам инобатга олинади ва шу йўл билан рақамли технологияга чиқилишини таъминлаш лозим.

Рақамли технологиянинг коммуникатив тавсифномаларини ёритишда асосий эътибор, унинг маълум маънода анъанавий оммавий ахборот воситаларидан фарқ қилишига алоҳида аҳамият берилади. Бунда рақамли технология коммуникация моделлари, интерактивлик, гиперматн, мультимедиа, тармоқ навигацияси каби масалаларга ҳам алоҳида аҳамият берилишини тақозо қилади.

Глобаллашув даврида мижозлар билан ўзаро муносабатларни бошқаришда CRM тизимлари ва уларнинг таркиби, функциялари ва модулларига ҳам аҳамият берилади. Ҳозирги пайтда рақамли технологиядан фойдаланувчилар навигацияси, уларнинг сайтлари, Web-сайтлар, қидирув тизимлари, якуний сайтлар, корпоратив сайтлар, ахборот сайтлари ҳам мазкур мавзунинг устувор йўналишларидан биридир. Шу туфайли рақамли технология орқали маркетинг тадқиқотларини ўтказиш учун ҳар бир ходим ҳозирги пайтда ахборот технологияларининг илғор усулларини билмоғи, улардан ўз фаолиятларида фойдаланмоғи лозим. Чунки бугунги кунда, айниқса келажак истиқболда барча масалалар юзасидан илғор технологиялар ҳукумронлиги ошиб бораётган паллада, маркетинг тадқиқотларининг ҳам орқада қолиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди.

Шулардан келиб чиқиб, рақамли технологияда маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш масаласига алоҳида аҳамият берилиши лозим. Бунинг учун энг аввало, маркетинг ахборот тизими (МАТ) шаклланади ва ахборотлар қайта ишланади. Бунда ички ҳисобот тизими, маркетинг кузатув тизими, ахборотларни тақсимлаш, маркетинг каналлари ва маркетинг тадқиқотлари тизими ҳам тегишли ҳолатда ўрганилиши лозим. Чунки, глобаллашув даврида рақамли технологияда маркетинг тадқиқотларини

ташкил этиш ўзига хос хусусиятларга эга. Юқоридаги масалаларни ҳал қилмасдан унинг хусусиятларини тўлиқ англаш бироз мураккаб бўлади. Маркетинг тадқиқотлари ўтказиш учун рақамли технология воситалари, ахборот манбалари, маълумот тўплаш усуллари керак бўлади ва бунда рақамли технология-сўровларидан фойдаланиш анча муаммони ҳал қилиш имконини беради.

Рақамли технологияда ахборот излаш воситалари ва усуллари орқали ахборот ресурсларидан фойдаланган ҳолда қидирув тизимларини танлаш, улардан фойдаланган ҳолда ахборот излаш ҳамда улар асосида ахборот ресурслари таҳлилини амалга ошириш мумкин. Бунда асосий маълумотлар рақамли технологияда сўровлар ўтказиш йўли билан шакллантирилади. Бунда сўров ўтказиш жойлари ва кимлардан сўров олиш аниқ белгиланиши шарт, чунки ушбу ҳолатлар маркетинг тадқиқотлари мақсадига мос келган бўлиши лозим. Бунда энг аввало, сўров варақаси тузилади, Web-сайтга ташриф буюрувчилар ҳақида маркетинг ахбороти олинади, булардан фойдаланувчиларни таниб олиш усулларини қўллаган ҳолда ташриф буюрувчилар ҳақида статистик маълумотларга эга бўлинади ва улар таббий равишда тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда қайта ишланади.

Маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш учун рақамли технологияда товар сиёсати ва хизматлар бозори ҳам ўрганилади. Бунда товар ва товар сиёсати тушунчасининг моҳиятини очиб беришдан, товарнинг маркетинг муҳити, рақамли технология орқали сотиш учун энг самарали товар гуруҳлари, товарланинг таснифланиши,товарнинг ҳаётийлик даври, уларнинг рақобатбардошлиги каби масалалар. Сервис хизматини ташкил этиш. Янги товарларни ишлаб чиқиш. Юқори технологиялар соҳасида янги маҳсулот ишлаб чиқиш босқичларини тезлаштириш.

Глобаллашув даврида рақамли технологияда товарнинг ҳаётийлик даври ва маркетинг муҳитига таъсири, сотувдан олдинги ва кейинги хизмат кўрсатишни яхшилаш учун рақамли технологиянинг қўлланиши билан боғлиқ масалалар ҳам мазкур мавзуда устувор ўринга эга бўлиши лозим. Чунки, рақамли технология орқали кўрсатилувчи хизматлар бозори, рақамли технологияда хизматларни молиялаштириш, рақамли технология орқали банк хизматлари, рақамли технология орқали валюта ва фонд бозорларида ишлаш, рақамли технология-суғурта масалалари ҳам илғор замонавий усуллар орқали амалга оширилмоқда. Бундай шароитда рақамли технология орқали алоқа, рақамли технология хизматидан фойдаланиш ҳаётимизнинг барча соҳаларида устуворликни эгаллаб бораверади.

Маркетинг тадқиқотларида нарх сиёсати ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки харидор товарни жонли кўриб танлашдан кўра рақамли технологияда кўрганлиги ўртасида фарқ, харидорда бироз ишончсизликни туғдириши мумкин. Шу туфайли ушбу масалага ҳам алоҳида аҳмият берилиб, харидорлар ишончини қозониш бўйича тегишли тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади. Бунда рақамли технология тадқиқоти нафақат иқтисодий, балки муҳим ижтимоий самарадорликка, яъни харидорлар

ишончига сазовар бўлиш руҳиятини шакллантиради. Худди шундай ҳолат ҳамиша сақланиб қолиш чораларини кўришни тақозо қилади.

Способы применения электронного бизнеса и электронной коммерции в маркетинговых исследованиях	**Methods of applying electronic business and electronic commerce in marketing research**
Аннотация: В данной статье рассматриваются способы проведения маркетинговых исследований посредством электронного бизнеса и электронной коммерции с помощью цифровых технологий. Также рассматриваются ключевые этапы, приоритеты электронного бизнеса и электронной коммерции. Все вопросы были рассмотрены теоретически и отражены в подходе к поиску подходящих решений в практических областях. **Ключевые слова:** цифровые технологии, службы цифровых технологий, электронная почта, законы маркетинга, классификация цифровых технологий, маркетинговые исследования, сайты, заполнение анкет, электронный бизнес и электронная коммерция.	**Abstract:** This article discusses ways of conducting marketing research through e-business and e-commerce using digital technologies. Key milestones, e-business and e-commerce priorities are also discussed. All issues were considered theoretically and reflected in the approach to finding suitable solutions in practical areas. **Keywords:** digital technology, digital technology services, email, marketing laws, digital classification, marketing research, websites, questionnaires, e-business and e-commerce.

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.
Тел: (998)97 7930048
Мамаюнусова Мехрангиз Олимовна
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторанти.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ВА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси ва таълим хизматларини рақамлаштириш масалалари қараб чиқилган. Бунда хизмат кўрсатиш соҳаси, шу жумладан таълим хизматларининг моддийлик ва бевосита мулоқот нуқтаи назаридан турларининг мазмуни очиб берилган. Рақамли иқтисодиётнинг таърифи ишлаб чиқилган.
Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, рақамли хизмат кўрсатиш, иқтисодиётни рақамлаштириш, моддий неъматлар, номоддий бойликлар,

КИРИШ. Рақамли иқтисодиёт дунёни қамраб олган глобал соҳага айланиб улгурди. Бундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ҳаётга татбиқ этишимиз зарур”, деб уқтирган эди. Рақамли иқтисодиётнинг энг муҳим жиҳати, иқтисодиётни бошқаришда инсон омилини чеклаган ҳолда амалга ошириш эвазига, уни сахталаштириш имкониятини ҳам чеклайди. Бу жуда кўп ижобий ишларни амалга ошириш учун асос бўлади:

- иқтисодиётда коррупция кескин қисқаради ва унинг олди олинади;
- маълум маънода иқтисодиёт соҳасида тартиб-интизом ўрнатилади ва мутасадди ходимларнинг масъулияти ошади;
- иқтисодиётда ялпи ички маҳсулотни (ЯИМ) ва бошқа макро ва микро иқтисодиёт кўрсаткичларининг реал ҳажмини аниқлаш имконияти яратилади;
- иқтисодиётда нореал рақамларнинг иштирокига барҳам берилади ва тўғри бошқарув қарорларини қабул қилиш имконияти ҳам яратилади.

Юқоридаги устувор вазифаларни инобатга олиб, бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодий-итжтимоий ҳаётини рақамлаштиришга айнан рақамлаштириш орқали амалга ошириш зарурлигига катта аҳамият берилмоқда. Буларнинг бир йўналиши таълим тизимига ҳам дахлдордир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йилнинг 16-июнь куни бўлиб ўтган олий таълим тизимидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида Олий таълим тизимидаги устувор вазифалар белгилаб берилди. Булардан бири “профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун қоғозбозликни камайтириш,

соҳани рақамлаштириш орқали бюрократия ва коррупцияни кескин қисқартириш”[71] вазифаси қўйилгани бўлди. Ушбу вазифаларни самарали бажариш учун олий таълим муассасаларига академик ва ташкилий-бошқарув бўйича мустақиллик берилмоқда. Бу билан олий таълим муассасаларига ҳам мустақил қарор қабул қилиш ваколати бериладиган бўлди. Муҳими, олий таълим муассасалари, олий таълимда педагоглар ўртасида соғлом рақобат муҳити яратилмоқда. Бу ўз навбатида таълим хизматларининг самарадорлиги ва сифатини ошириш имкониятини яратади.

Таҳлил ва натижалар. Объектив заруриятдан келиб чиқиб, бугунги куннинг муҳим жиҳатларидан бири мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида ва таълим соҳасида ҳам рақамли технологияларни жорий қилишни тақозо қилади. Бундай шароитда **рақамли таълим, рақамли хизмат кўрсатиш** тушунчалари ҳам пайдо бўлмоқда. Бу ижтиоий ҳаётимига инновацион иқтисодиётнинг жадаллик билан кириб келиш имкониятини ҳам яратмоқда. Рақамли иқтисодиёт шароитида барча жараёнлар, шу жумладан дарсликлар, дарс ўтиш жараёнлари ва ва улардан амалиётда фойдаланиш ҳолатларининг ҳаммаси рақамлаштирилиши лозим. Бундай ишлар таркибига “иқтисодий таҳлил” фани ҳам киради.

Шуни қайд этиш жоизки, иқтисодий адабиётларда хизматлар 2 гуруҳга бўлиб ўрганилган. Ҳар қандай илмий қарашлар вақти келиб ўзгариши мумкин. Бугунги рақамли иқтисодиётнинг ҳаётимизга кириб келиши айнан олдинги қарашларга тегишли ўзгаришларни киритишни тақозо қилмоқда. Бугунги кунда эса, замон талабидан келиб чиқиб, уларни уч гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқ. Булар бевосита таълим хизматларига ҳам тегишлидир. Бу қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Хизмат кўрсатиш соҳаси, шу жумладан таълим хизматларининг моддийлик нуқтаи назаридан турлари

Т/р	Таълим хизматлари-нинг гуруҳлари	Таълим хизматларининг изоҳлари
1.	Моддий хизматлар	Таълим муассасаларини қурилиш, таъмирлаш ва рекогструкция қилиш, турли ўқув қуроллари билан жиҳозлаш, транспорт воситалари билан таъминлаш, алоқа воситаларини ўрнатиш, турли ўқув адабиётларини нашр қилиш хизматлари ва бошқалар
2.	Номоддий хизматлар	Ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, ўқитиш (дарс ўтиш), малака ошириш, концалтинг, аудиторлик хизматлари ва бошқалар. Янги ғоялар ва ихтироларни шакллантириш, инсон капиталида интеллектуал мулкни шакллантириш ва бошқалар.

[71] Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 16-июн куни олий таълим тизимидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида “Олий таълим тизимидаги устувор вазифалар белгиланди” номли маърузаси. @Zarnews_uz. 16 Июн 2021. 1457.

3.	Рақамли хизматлар	Турли ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиб ходимларнинг сонини, иш вақтини, иш натижаларини ҳисобга олиш, ўзаро муносабатларини масофадан туриб амалга ошириш, ғояларини шакллантиришга кўмаклашиш кабиларни келтириш мумкин.

Жадвалдан кўриниб турибдики, хизматлар асосан номоддий кўринишда бўлсада ҳар бир гуруҳи ўзига хослиги билан фарқ қилади. Одатда хизматлар кўрсатиш инсоният тарихи давомида истеъмолчи (мижоз) ва хизмат кўрсатувчилар ўртасида бевосита муносабат шаклида бўлиб, жонли мулоқот орқали амалга оширилиб келинган. Аммо рақамли иқтисодиёт ва технологиялардан фойдаланган ҳолда кўрсатиладиган хизматлар одатда мософадан туриб амалга оширилмоқда.Буларнинг ўзаро боғлиқлиги ва хусусиятлари қуйидаги жадвалда келтирилган (2-жадвал).

2-жадвал

Хизмат кўрсатиш соҳаси, шу жумладан таълим хизматларининг бевосита мулоқот нуқтаи назаридан турлари

Т/р	**Таълим хизматларининг турлари**	**Таълим хизматларининг изоҳлари**
1.	Бевосита мулоқот натижасида кўрсатиладиган хизматлар	Хизматлар асосан мижоз билан хизмат кўрсатув-чининг бевосита муносабатлари доирасида амалга оширилади. Жумладан, таълим хизматлари устоз билан ўқувчи, қўшиқчи билан тингловчи, тиббий хизматлар (уқалаш, укол қилиш кабилар) битта аудиторияда (бинода) жонли мулоқот орқали амалга оширилади.
2.	Масофадан кўрсатиладиган хизматлар	Алоқа хизматлари, пандемия шароитида таълим хизматлари, электрон тижоратда амалга ошириладиган буюртмалар, хабарлар, турли йиғинлар, мажлислар каби иқтисодий ва ижтимоий ҳаётий заруриятларда.

Масофадан кўрсатиладиган хизматларнинг афзалликлари, бевосита вақтни тежаш ва сифати билан фарқ қилади. Бу ерда инсоннинг жонли мулоқоти чегараланганлиги туфайли, коррупция элементларининг содир бўлишининг ҳам олди олинади. Шу жиҳатдан, ушбу хизматлар вақтни тежаш билан бирга ахборотларнинг ҳаққонийлигини таъминлашга қаратилган сифати ҳам ошиб боради.

Тадқиқотлардан кўриниб турибдики, масофавий хизматларнинг яна бир муҳим жиҳати, у маълум дастурлар асосида амалга оширилади. Бу ҳолат ҳам, ушбу хизматнинг юқори сифатлилигини сақлаб қолиш имкониятини яратади. Бундан фарқли ўлароқ, бевосита кўрсатиладиган хизматларда турли беқарорликлар юз бериши мумкин. Чунки, бундай ҳолатда кўрсатиладиган

хизматлар икки томоннинг кайфиятига, руҳий ҳолати каби бир қанча омилларга ҳам боғлиқ. Шу туфайли бундай ҳолатда кўрсатиладиган хизматлар сифати табиатан ўзгариб туриш хусусиятларига эга. Масаланинг айнан ушбу жиҳатлари ҳаётимизга кириб келган ва кенг кўламли ўрин эгаллаётган рақамли хизматларнинг катта афзалликларга эга эканлигидан далолат бериб турибди.

Бугунги кунда, мамлакатимизда ҳам хизмат кўрсатиш ва ушбу соҳасининг кейинги ривожланиш жараёнлари инновацион ва рақамли технологияларга асосланган ҳолда оширилади. Шу тариқа рақамли технологиялар барча иқтисодий ва ижтимоий ҳаётимизга изчиллик билан кириб келмоқда. Шу сабабдан, сўнги йилларда рақамли иқтисодиёт билан боғлиқ масалалар ҳам олимларимиз томонидан ўрганилмоқда. Жаҳон банки ушбу масалага эътиборни қаратиб, рақамли иқтисодиётни рақамли ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга асосланган иқтисодий, ижтимоий ва маданий муносабатлар тизими сифатида баҳоламоқда. Ушбу ғояга таяниб, В.М.Бондаренко “рақамли иқтисодиёт” бу яхлит тизимли тўртинчи саноат инқилобининг технологиялари билан мос келадиган, инсонлар ўртасидаги мураккаб муносабатлар муаммосининг ечим моделини топиш” [72] деган фикрга келади. Ҳақиқатда рақамли иқтисодиёт дунё тараққиётида бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Иқтисодий адабийтларда бундай хизматларга бугунги кун талабидан келиб чиқиб, ушбу жараёнларнинг мазмунини қамраб оладиган таърифларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, С.С.Ғулямов, Қ.Х.Абдурахманов, А.А.Абдувалиев, Р.Х. Эргашев, С.Н. Хамраева, Н.Х. Жумаев, М.Маҳкамова, Ғ.М.Парсаев, Б.Ш.Сафаров, Д.Қ.Усманова, М.А.Маҳкамова, О.М.Пардаев, С.А.Бабаназарова, М.О.Мамаюнусова кабилар[73] мазкур масала бўйича қимматли фикрларни айтганлар. Аммо рақамли иқтисодиётнинг таърифи бўйича ҳамон бир тўхтамга келинган эмас.

Буларни инобатга олиб ушбу тушунчанинг таърифларини катта мунозара майдонига айлантирмасдан ўзимизнинг қуйидагича таърифимизни беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. “**Рақамли иқтисодиёт деганда, рақамли ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда**

---

[72] Бондаренко В.М. Мировоззренческий подход к формированию, развитию и реализации “цифровой экономики” // Современные информационные технологии и ИТ-образование. 2017. Т. 13. №1. С. 237-251.

[73] Абдувалиев А.А. Рақамли иқтисодиёт: тенденциялар ва истиқболлар. Монография. – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020. – 190 бет., 13. Гулямов С.С., Эргашев Р.Х., Хамраева С.Н. Рақамли иқтисодиёт. – Т.: 2020. – 367 бет., Жумаев Н.Х. Рақамли иқтисодиёт нега керак ва у нима беради? 12.03.2020 10:52./3.2K. // https://uza.uz/oz/search/?q=%D0%B6%D1%83%D0% BC% D0%B0& where=&tags=&how=r &PAGEN_ 1=10Модель электронного образования Южной Кореи // http: // www.pressread.com /Uzbekistan/isf-new/20171010, Маҳкамова М. Рақамлаштириш нафақат одамлар турмуш тарзи, балки тафаккурини ҳам ўзгартиради. // “Халқ сўзи” газетаси. 232-сон. 2020 йил 4 ноябрь. – 4 бет., Рақамли иқтисодиётнинг назарий ва амалий масалалари. Монография. Ҳаммуаллифлар Қ.Х.Абдурахманов, М.А.Маҳкамова, О.М.Пардаев, С.А.Бабаназарова // М.Қ.Пардаевнинг умумий таҳрири остида. Монография. Т.: “Фан ва технологиялар нашриёт-матбаа уйи”, 2021. – 172 бет., Пардаев О.М., Мамаюнусова М.О. Макроиқтисодий таҳлилнинг иқтисодиётни бошқаришдаги ўрни ва унга рақамли иқтисодиётни киритиш масалалари. “Сервис” илмий-амалий журнал. 2020. 1-сон. – 37-41 бетлар., Parsaev G.M., Safarov B.Sh., Usmanova D.Q. Raqamli iqtisodiyot asoslari. Darslik. – T.: “Фан ва технологиялар нашриёт-матбаа уйи”, 2020. – 372 бет..

электрон маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқаришга асосланган ва электрон тижорат орқали тақсимланадиган иқтисодий, ижтимоий, маданий муносабатлар тизими тушунилади”[74]. Ушбу таърифни назарий жиҳатдан асослашда қуйидагилар инобатга олинди:

Биринчидан, рақамли иқтисодиётнинг ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши кўзда тутилганлиги. Бунинг натижаси моддий-буюмлашган кўринишга эга бўлмаган ҳолда номоён бўлиши. Чунки бунда аксарият ҳолда моддий буюм иштирок этмайди. Лекин инсоннинг жуда зарур ва муҳим эҳтиёжлари қондирилади. Жумладан, Ўзбекистонда туриб АҚШдаги бирорта биродарингиз билан телефон орқали мулоқат қилинишининг ўзи ҳам жуда каттажараённинг амалга оширилганлигидан далолат беради.

Иккинчидан, электрон маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқаришга асосланган ва электрон тижорат орқали тақсимланадиган истеъмолчиларнинг жуда кўплаб моддий ва номоддий эҳтиёжларини қондиришга қаратилганлиги билан фарқ қилади. Юқорида битта алоқа билан боғлиқ эҳтиёжини келтирдик. Бунга яна бир мисол, пандемия шароитида уйдан чиқиш мумкин бўлмаган паллада, уйдан туриб, эҳтиёжга зарур бўлган турли неъматларни электрон савдо йўли билан амалга оширилганлиги ҳам ушбу усулнинг ўзига хос хусусиятларидан далолат беради.

Учинчидан, бунда иқтисодий, ижтимоий, маданий муносабатлар тизимини қамраб олиш масаласи турибди. Бунда албатта рақамли техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда уларнинг турли шакллари, усуллари ва воситалари ёрдамида кўрсатиладиган хизматлар мажмуини ҳам эътиборга олиш лозимдир.

Тўртинчидан, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, рақамли иқтисодиёт шароитида рақамли хизматлар нафақат хизмат кўрсатиш соҳасида, балки ишлаб чиқариш ва бошқа ноишлаб чиқариш соҳалардан бўлган ижтимоий соҳаларда ҳам қўлланилади. Бунинг дарс жараёнларида қўлланилиши алоҳида мавз бўлиб ҳисобланади.

Ҳулоса қилиб айтганда, рақамли иқтисодиётни жорий қилиш орқали очиқ иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш учун зарур шароитларни яратилади, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий секторни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш имкониятлари ҳам яратилади, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлашга эришилади, “яширин” иқтисодиётга қарши курашиш, унинг ҳажмини кескин қисқартириш билан бирга, валютани эркинлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, барқарор монетар сиёсатни амалга ошириш учун замин яратади ва ниҳоят, иқтисодиётни ривожлантиришга доир стратегик вазифаларни рўёбга чиқаришга қодир малакали кадрларни тайёрлаш масалалари устувор

[74] Рақамли иқтисодиётнинг назарий ва амалий масалалари. Монография. Ҳаммуаллифлар Қ.Х.Абдурахманов, М.А.Маҳкамова, О.М.Пардаев, С.А.Бабаназарова // М.Қ.Пардаевнинг умумий таҳрири остида. Монография. Т.: “Фан ва технологиялар нашриёт-матбаа уйи”, 2021. – 11 бет.

вазифалар сифатида белгиланиб, уларнинг ижроси изчиллик билан таъминланиб борилади.

nilufarziaevna@gmail.com

Юлдашова Нилуфар Зиябаевна – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси мустақил изланувчиси

Аграр соҳада хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини шакллантириши.

Республикамизда аграр секторида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар янги босқичга ўтиб бормоқда. Ўтган босқичларни таҳлил қилганимизда, асосан иқтисодий муносабатларни шакллантириш, қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиялаштириш, солиқ ва суғурта механизмларини такомиллаштириш, ҳамда бошқариш тизимини такомиллаштириш каби масалаларга алоҳида аҳамият қаратилган. Ҳозирги даврда етиштирилаётган маҳсулотлар ва соҳада хизмат кўрсатилаётган хизматлар рақобатбардошлигини оширишнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш асосида етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини жаҳон стандартларига яқинлаштиришимиз даркор.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда аграр соҳани ўрни юқори, шу билан бирга соҳани қайта ишлаш тизимини ислоҳ қилиш, жадал ривожлантириш зарур. Шу билан биргаликда, рақамли иқтисодиёт шароитида иқтисодий ўсишни таъминлаш, бандлик муаммосини ҳал этиш, корхона ва ташкилотларда янги иш ўринларни ташкил этиш, сервис ишларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадларини ва фаравонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган хизмат кўрсатувчи корхоналар фаолиятини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аграр соҳада хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг асосий мақсади хўжалик ва корхоналарга хом-ашё етказиб бериш, агротехник ишларини амалга ошириш, техник хизмат кўрсатиш, молиявий ҳисоб-китоблар, тайёр ва яримтайёр маҳсулотларни сақлаш ва сотиш, консалтинг хизматлари борасида қулай шароитлар яратиш орқали иқтисодий тизимнинг самарали фаолият юритишини таъминлашга қаратилган. Бунда агросервис корхоналар техник ва агротехник, молия-кредит, ахборот ва воситачилик , ҳамда иқтисодий ва ҳуқуқий хизматларини кўрсатишда иштирок этиб, аграр секторда хўжалик ва ташкилотларнинг субъектларининг молиявий ва моддий ресурслар ҳаракатини боғловчи буғин ҳисобланади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида аграр сектордаги корхона ва хўжаликларга хизмат кўрсатувчи корхоналар ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш билан боғлиқ ягона занжирлар тизимида фаолият олиб боради. Бу

тизимда корхона ва хўжалик субъектлари уларга хизмат кўрсатувчи корхоналар билан ўзаро муносабатда бўлиб, бунда улар ўртасида ўрнатиладиган иқтисодий-ҳуқуқий алоқалар бозор тамойилларига қай даражада мос келишига боғлиқ.

Аграр соҳада хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг асосий вазифалардан бири корхона ва хўжаликларга қулай ва сифатли хизмат кўрсатишдир, яъни қишлоқ хўжалиги инфратузилма ташкилотлари корхона ва хўжаликлари билан ҳуқуқий ва уларга хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг ташкилий-иқтисодий асослари улар ўртасида тузиладиган шартномавий муносабатлари, хусусан солиқ, кредит ва лизинг бериш, суғурталаш билан муносабатларидан ташкил топади. Лекин, кейинги йилларда хизмат кўрсатиш корхоналари билан тузиладиган шартнома мажбуриятларининг ва шартномавий муносабатларни тартибга солувчи қонуний ва меъёрий хужжатлар талабларининг бажарилмаслиги кузатилган. Бу, ўз навбатида, бир қатор камчиликларни келтириб чиқаради:

- хизмат кўрсатувчи корхоналарда кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар бўйича аниқ ҳисоб-китоб юритилмаслиги натижасида дебитор ва кредитор қарздорликнинг мавжудлиги;
- хизмат кўрсатувчи корхона раҳбарларининг мавжуд бўлган корхона мутахасисларининг малакасини ошириш ва кадрларни тайёрлаш борасида аниқ тадбирлар ишлаб чиқилмаганлиги;
- хизмат кўрсатувчи корхона раҳбарлари томонидан дебитор ва кредитор қарздорликларни камайтириш борасида аниқ тадбирларни амалга оширилмаслиги;
- жойларда хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг самарали фаолият кўрсатишга маҳаллий ҳокимиятлар томонидан амалий ёрдам кўрсатилмаслиги.

Бундай ҳолатларни бартараф этиш мақсадида, корхона ва хўжаликлар ўртасида тузиладиган шартномаларни тартибга солувчи меъёрий хужжатларни яхши билиши ва ўзларининг ҳуқуқий муносабатлари бузилганда тегишли ташкилотларга мурожаат қилишлари орқали иқтисодий зарар кўришининг олдини олиш имконини беради.

Қишлоқ хўжалигида агросервис соҳасини ривожлантириш, унда банд бўлган ишчи ва хизматчилар даромадларини ошириш билан бир вақтда, қишлоқ хўжалигида ишловчилар даромадини ҳам юқори бўлишини таъминлаш, ушбу соҳада қўшимча иш ўринларини яратилиши натижасида қишлоқ ҳудудларида доимий иш билан таъминланмаганлар сонининг камайиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш, техник воситалари билан таъминланиши ва пировард натижада ўзимизда етиштирилган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорга сотилишини ривожланишига эришилиши хизмат кўрсатувчи корхоналарини ривожлантириш иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаштириш

жараёнида объектив зарурат ва долзарб масалалардан бири эканлигини белгилайди.

Агросервисда хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг фаолияти давомида энг катта муаммолардан бири – бу ўз маблағлари етарли миқдорда эмаслиги. Ушбу корхоналарнинг кредит олиш орқали катта миқдорда ресурсларни жалб қилиш имкониятига, фоизларнинг камлиги ва қарз муддатининг узоқлиги каби қулайликлар билан бир қаторда гаров ёки кафолат топиш муаммоси, кредит олишни тартибга солувчи меъёрий хужжатларнинг кўплиги каби ҳолатлар айрим ноқулайликларни туғдиради. Бугунги кунда мамлакатимиздаги барча тижорат банклари, Деҳқон ва фермер хўжаликларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш Вазирлигининг иш билан таъминлашга кўмаклашувчи Жамғармаси хизмат кўрсатувчи корхоналарни кредитловчи муассасалар ҳисобланади.

Аграр соҳада олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади бири – ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган хўжалик ва корхоналарнинг фаоллиги ва уларнинг самарадорлигини оширишга хизмат кўрсатувчи корхоналарни ташкил этиш ва бозор иқтисодиёти қонунлари асосида ривожлантириш ҳисобланади. Хизмат кўрсатувчи корхоналарга , ўз навбатида, қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- банклар;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш шахобчалари;
- транспорт хизмат кўрсатиш шахобчалари;
- зооветеренария хизматини кўрсатиш шахобчалари;
- МТП корхоналари;
- ёқилғи-мойлаш шахобчалари;
- минерал ўғит сотиш корхоналари;
- тайёр идишлар тайёрлаш ва қадоқлаш корхоналари;
- сувдан фойдаланиш уюшмаси;
- ахборот ва консалтинг хизмат кўрсатиш марказлари ва ҳоказолар.

Аграр секторда хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг фаолиятини самарали ташкил этмасдан туриб, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган хўжалик ва ташкилотларнинг ривожланишини таминлай ололмаймиз.

Хулоса қилиб, шуни айтиш мумкин, аграр соҳада фаолият юритаётган хўжалик ва корхоналарнинг барқарор ривожланиши бевосита хизмат кўрсатувчи корхоналарга боғлиқ, чунки уларнинг эҳтиёжларини қодирадиган ҳажмдаги хизматларни кўрсатишга қодир бўлган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларини жадал ривожлантириш ҳисобланади ва қишлоқ хўжалигида хўжалик ва корхоналарнинг хизмат кўрсатувчи корхоналар билан узвий боғловчи механизмнинг яратилиши орқали намоён бўлади.

Янгибоев Б. Я.

Иқтисод фанлари доктори, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти,

тел.90-607-70-77.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.

Аннотация: Мақолада рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида миллий иқтисодиётнинг барча соҳалари, шу жумладан хизмат кўрсатиш соҳасидаги аҳволни таҳлил қилишга ҳаракат қилинган ва хизмат кўрсатишнинг субъектларини янада такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилиб, айрим таклифлар берилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, ахборот технологиялари, хизмат кўрсатиш, пуллик хизмат кўрсатиш, маиший хизмат кўрсатиш, хизмат кўрсатиш субъектлари.

Аннотация: В статье делается попытка анализировать состояние всех отраслей национальной экономики, в том числе сферы оказания услуг в условиях цифровой экономики и рассмотрены вопросы совершенствования субъектов сферы оказания услуг и даны некоторые предложения по их совершенствованию.

Ключевые слова: цифровая экономика, информационные технологии, сферы оказания услуг, платное оказание услуг, бытовые услуги, субъекты сферы оказания услуг.

Annotation: The article makes an attempt to analyze the state of all sectors of the national economy, including the sphere of providing services in the digital economy, and considers the issues of improving the subjects of the sphere of providing services and gives some suggestions for their improvement.

Keywords: digital economy, information technology, service delivery, paid services, consumer services, service providers.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш барча давлатлар ва албатта хўжалик юритувчи субъектлар учун кечиктириб бўлмайдиган, ўта долзарб масала бўлиб қолмоқда. Хўш, нима сабабдан шундай? Рақамли иқтисодиётнинг ўзи нима ва у хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштиришга қандай таъсир кўрсатади?

Илмий адабиётларда ва матбуот саҳифаларида рақамли иқтисодиётга кўплаб таърифлар берилган, жумладан, хорижий манбаларда рақамли иқтисодиётга рақамли ахборот технологиялари ва иқтисодий агентлар ўртасидаги ўзаро боғланиш, бошқаларида эса уни хўжалик субъектларининг интернет билан боғланган ҳолдаги иқтисодий ривожланиш натижаси, айримларида рақамли технологиялар ва тегишли маҳсулотлар ва хизматларни яратиш, тарқатиш ва улардан фойдаланиш бўйича фаолият, деган таърифлар мавжуд.

Рақамли иқтисодиётга берилган бошқа таърифларни ҳам келтиришимиз мумкин. Дарҳақиқат, рақамли иқтисодиётга берилган бу каби таърифлар унинг моҳиятини тўғри ифодалаб беради, чунки рақамли иқтисодиётга технологиялар ва иқтисодий агентлар ёки интернет билан боғланган ривожланиш жараёни сифатида қараш ўринли бўлсада, аммо унчалик етарли эмас, чунки рақамли иқтисодиёт, аввало рақамли ахборот технологияларининг ривожланиши ва барча давлатлар ижтимоий-иқтисодий йўналишлари тараққиётини таъминлашга хизмат қилади.

Шу сабабдан рақамли иқтисодиётга ҳар бир мамлакат миллий иқтисодиётининг барча тармоқларига ва ижтимоий ҳаётининг турли жабҳаларига замонавий ахборот технологиялари ютуқларини жорий қилиш ва ундан унумли фойдаланиш натижасида иқтисодий-ижтимоий тараққиётни таъминлаш, деб таъриф берилса янада тўлароқ бўлар эди, деб ҳисоблаймиз.

Рақамли иқтисодиёт ахборот технологиялари билан боғланган электрон тижорат, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳалари билангина чекланиб қолмасдан, шу билан бирга, миллий иқтисодиётнинг хизматлар кўрсатиш, соғликни сақлаш, фан ва таълим, қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, архив, интернет-банкинг каби тармоқларига, ижтимоий ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаларига ҳам жадал кириб бормоқда ва уларнинг ҳар бирида юқори самара бериши таъминланмоқда.

Рақамли иқтисодиётнинг дастлабки пойдевори ахборот технологиялари ҳисобланади. Уни рақамли ахборот технологиялари, деб аташса тўғрироқ бўлар эди, чунки ахборот технологияларининг асосида тегишли рақамлар ётади. Уларнинг эволюцияси бир неча босқичларга бўлинади ва ўзига хос хусусиятларга эга. Шубҳасиз, рақамли ахборот технологияларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши жамият тараққиётининг талабидан келиб чиққан обьектив жараёндир.

Бугунги кунда рақамли ахборот технологияларини тарғиб қилишнинг асосий мақсади ҳар қандай стратегик вазифаларни ҳал этишга, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни оптимал бошқаришни амалга ошириш бўйича қарорлар қабул қилишга имкон берадиган даражадаги ахборот

технологиялари тизимини яратишдир. Бу эса рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шахсий компьютерларнинг пайдо бўлиши рақамли ахборот технологияларини ривожлантиришда муҳим босқич бўлди.

Янги ахборот технологиялари тизимларини яратиш ва ундан фойдаланиш - бу мавжуд эҳтиёжларни қондириш имкониятидир. Бундай ҳолатда барча фойдаланувчилар рақамли ахборот технологияларини илгари суришда фаол иштирок этадилар.

Рақамли иқтисодиёт миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларига дахлдор бўлиб, унинг таъсири хизмат кўрсатиш соҳасига ҳам бевосита дахлдордир. Хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиши, албатта, миллий иқтисодиётнинг ва аҳолининг талабига қараб ошиб боради, шу билан бирга товар ва хизматларни таклиф қилиш ҳам бу жараёнларда муҳим роль ўйнайди. Бу борада Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида **“Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш”** муҳим йўналиш сифатида белгилаб берилган.

Хизмат кўрсатиш соҳаларининг қай даражада бўлиши меҳнат унумдорлигининг ошиши ёки пасайишига асосий омил сифатида намоён бўлади. Мамлакат иқтисодий қудратини ва аҳоли турмуш шароитини оширишда, аввало, миллий иқтисодиёт соҳаларининг, айниқса ўрта ва кичик бизнес корхоналарнинг ҳолати асосий ўринни эгаллайди. Булар, ўз навбатида, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга катта таъсир кўрсатади, аҳолининг бандлигини таъминлайди ва ишлашга бўлган иштиёқини янада оширади.

Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси материаллари асосида хизмат кўрсатиш соҳалари субъектларининг фаолиятини таҳлил қилиб кўрганимизда, вилоятнинг туманлари бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар миқдори ўртасида сезиларли фарқлар борлиғи аниқланди. Бу кўрсаткичлар вилоятнинг Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида анча юқори эканлиги маълум бўлди.

Бунинг асосий сабабларидан энг муҳими вилоятнинг бошқа туманларидан бу ерларга келиб, меҳнат фаолияти кўрсатаётган аҳолининг миграциясидир, шу билан бирга, яшаш жойи бошқа туманларда бўлсада, мазкур шаҳарлардаги маҳаллий саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида

ишлаши мумкин бўлган қўшимча мигрантларни иш билан таъминлаш имкониятларининг мавжудлигидир.

Мамлакатимиз бўйича қазиб олинадиган газ ва нефть каби ер ости бойликларининг аксарият қисми вилоят ҳиссасига тўғри келаётганлиги сабабли, вилоятнинг республика бюджетига қўшадиган ҳиссаси анча салоҳиятли, чунки газ учун рента тўловининг 97 фоизи ва газ саноатида банд бўлганлар томонидан тўланаётган даромад солигининг 50 фоизи давлат бюджетига ўтказилади.

Республика бюджетига тутуши лозим бўлган солиқлар бир қисмининг вилоятда қолдирилаётганлиги хизмат кўрсатиш субъектларини миқдор ва сифат жиҳатидан яхшилаш имконини бераяпти. Ушбу ресурсларни вилоятнинг энг кам таъминланган худудларидаги махсус дастурларни амалга оширишга йўналтириш, қўшимча хизматлар кўрсатиш ишларига ва аҳоли бандлигини яхшилашга реинвестиция қилиш имконияти вужудга келмоқда.

Вилоят аҳолисига хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларининг хизмат кўрсатиш кўрсаткичларини туманлар кесимида 2018 - 2020 йиллардаги ҳолатини таҳлил қилиб чиққанимизда, вилоят аҳолисига маиший ва пуллик хизматлар кўрсатиш даражаси ўсганлиги, аммо юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, туманлар ўртасида тавофутлар сақланиб қолаётганлиги аниқланди.

Вилоят аҳолиси жон бошига маиший хизмат кўрсатиш кўрсаткичи 2018 йилда ўртача 96429 сўмни, 2020 йилда эса 119645 сўмни ташкил қилиб, 2020 йилда 2018 йилга нисбатан 1,2 баробар ошган. Вилоят аҳолиси жон бошига пуллик хизмат кўрсатиш даражаси 2018 йилда ўртача 837,4 минг сўмни, 2020 йилда эса 1233,1 минг сўмни ташкил қилиб, 2020 йилда 2018 йилга нисбатан 1,5 баробарга кўпайган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, Қашкадарё вилояти аҳолисига маиший ва пуллик хизмат кўрсатиб келаётган субъектларнинг, жумладан, савдо, умумий овқатланиш, транспорт, электр энергияси тармоқлари, газ ва сув таъминоти ташкилотлари бўйича хизмат кўрсатиш корхоналарининг сони йилдан йилга ошиб бораётганлиги кузатилмоқда. Уларнинг кўпчилиги рақамли иқтисодиётдаги янгиликлар билан чамбарчас боғланган, масалан, маънавий эскирган газ, сув, электр энергияси сарфларини аниқ ўлчайдиган “ақлли” ўлчагичларнинг ўрнатилаётганлиги, буларнинг корхона ва аҳоли учун қўлайликлар туғдираётганлиги фикримизнинг исботидир.

Хизмат кўрсатиш соҳалари субъектларининг ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан такомиллашиб бориши ва уларда рақамли технологияларга асосланган модернизация жараёнларининг кескин амалга оширилаётганлиги

натижасида аҳоли фаровонлигини юқори даражада таъминлаш учун замин яратилмоқда.

Янгибоев Б. Я.
Иқтисод фанлари доктори, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти,
тел.90-607-70-77.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШНИНГ МОЛИЯВИЙ ХАРАЖАТЛАРИ.

Аннотация: Мақолада рақамли иқтисодиётга ўтишнинг обьектив зарурлиги, бу борада чиқарилган ҳукумат қарорлари, Президент Фармонларидан цитаталар келтирилиб, рақамли иқтисодиётга ўтиш билан боғлиқ бўлган ички ва ташқи харажатлар турлари ва уларни имконият даражада тежаб ишлатиш борасида фикрлар берилган.

Калит сузлари: рақамли иқтисодиёт, ички харажатлар, ташқи харажатлар, мобиль тармоқ алоқалари, электрон ҳукумат, статистика стандартлар, рақамли иқтисодиётни статистик ўлчаш.

Аннотация: В статье делается попытка раскрыть оъективная необходимость перехода к цифровой экономики, прведены цитаты из постановлений Правительство и Указа Президента страны, даны предложений составу внутренных и внешных расходов по введению цифровой экономики и возможности умеренного сокращения этих расходов.

Ключевые слова: цифровая экономика, внутренные расходы, внешные расходы, мобильные связи отрасли, электронное правительство, статистические стандарты, статистическое измерение цифровой экономики.

Annotation: The article makes an attempt to reveal the objective need for the transition to the digital economy, citing materials on the level of its development on the example of other developed countries, the objective need for the transition of our country to the digital economy is highlighted. An attempt is made to determine the main directions for the development of statistics in the digital economy.

Keywords: digital economy, data mining, industry mobile communications, scientific infrastructure, statistical measurement of the digital economy, digital content.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш ва уни жадал суръатларда ривожлантириш қатор давлатлар учун устувор йўналишларнинг энг асосийсига айланиб бормоқда. Улар рақамли ривожланишни амалга ошириш даврининг узоқ давом этиши, устуворликларнинг узлуксизлиги, асосий ахборот-коммуникация технологияларини яратишдан бошлаб, ушбу соҳада мақбул

сиёсатни шакллантиришга ва рақамли технологияларни кенг жорий этиш дастурларини қўллаб-қувватлаши билан ажралиб туради.

Ҳозирги вақтда дунё рейтингида етакчилик қилиб келаётган йигирмата энг ривожланган мамлакатларда рақамли иқтисодиёт самараси сифатида йилига 2 трлн. АҚШ доллари миқдорида қўшимча маблағлар сарфланмоқда. Амалга оширилаётган бундай ҳаражатлар ҳисобига хўалик субъектларидаги меҳнат унумдорлигини 40 фоизга, ялпи ички маҳсўлотни камида 30 фоизга ошириш имконини бериши ҳисоб-китоб қилинган.

Шу билан бирга, рақамли иқтисодиётга ўтиш қўшиб ёзишга, яширин иқтисодиётнинг авж олиб кетишига ва шу каби иллатларнинг томир ёйишига тўсиқ бўлиб хизмат қилмоқда. Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек, бундай ижобий ишлар иқтисодий ўсишни юқори даражада таъминлаган ҳолда коррупция иллатинииг олдини олади ва унга барҳам беради.

Иқтисодчи олимлар томонидан 2022 йилга келиб дунё ялпи ички маҳсўлотининг қарийиб чорак қисми рақамли иқтисодиёт ҳиссасига туғри келиши башорат қилинаётган бир шароитда янги иқтисодиётни ривожлантириш зарурияти янада долзарб тус олмоқда.

Айрим манбаларда иқтисодий ривожлантиришда дунёда етакчилик қилиб келаётган давлатлардан бири ҳисобланган Англияда рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсўлотдаги улуши 12 фоизни ташкил қилгани ҳолда, мамлактимизда бу кўрсаткич 2019 йилда 2 фоизни ташкил қилмоқда, холос. Юртимизда 2023 йилга келиб, бу кўрсаткични 3 мартага ошириш кузда тутилган.

Дунёнинг кўпчилик тараққий этган давлатлари рақамли иқтисодиёт асосида ривожланаётган бир пайтда мамлакатимиз миллий иқтисодиёти барча тармоқ ва соҳаларини рақамлаштириш - жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув, дунё бозорида ўз ўрнига эга бўлиш, иқтисодий баркарорликни таъминлаш, самарадорликка эришиш ва фукароларимизга етарли қўлайликлар яратиб беришнинг асосий шартидир.

Рақамли иқтисодиётга ўтишнинг нақадар муҳимлиги бугунги пандемия шароитида ҳам яна бир бор исботланди. Таълим, давлат хизматлари, давлат бошқаруви тизими, савдо ва хизмат кўрсатишнинг ҳаммаси рақамли иқтисодиёт билан мустаҳкам боғланиб қолганлиги яна- да яққол кўриниб қолди. Йиллар давомида масофадан кўрсатилмаган хизматлар саноқли кунларда онлайн шаклига ўтказилди.

Экспертларнинг фикрича, келгуси 3 йилда иқтисодиётни рақамлаштириш орқали дунёдаги 22 фоиз иш ўринлари интернет технологиялари ёрдамида яратилади. Юртбошимиз таъкидлаб ўтганларидек,

«Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз? Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш - келгуси беш йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади».

Шу боис 2020 й илнинг 21 январида республика ҳукуматининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” тўғрисидаги қарорида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2020 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида юқоридаги мақсадлар учун зарур бюджет маблағларини ажратиши белгилаб қўйилди.

2020 йилнинг 28 апрелида “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида рақамли иқтисодиёт билан шуғулланадиган яхлит тизим яратилади, шу жумладан, “Электрон ҳукумат”, “иқтисодиёт тармоқлари ва қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш”, “IT парк”ларни ташкил этиш ва бошқариш каби вазифалар тўлиқ вазирлик ваколатига ўтади.

Шу билан бирга, қарорда янги лойиҳаларнинг молиявий манбалари ҳам аниқ кўрсатилган. “Электрон ҳукумат” доирасида 1,3 триллион сўмлик 104 та лойиҳа, иқтисодиётнинг реал секторида 5,3 триллион сўмлик 87 та лойиҳа, телекоммуникациялар борасида 15,1 триллион сўмлик 35 та, аграр соҳада 24 та, IT парклар бўйича 18 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган.“Бу ишларни келгуси 2-3 йилда тўлиқ амалга оширмасак, - деб таъкидлади Ш.Мирзиёев, ҳар бир кечиккан йилимиз мамлакатимизни 10 йил орқага тортади”.

Президентимиз вазирлик ва идораларда ахборот технологияларини қўллаш даражасига қараб ундаги раҳбарларнинг ойлик мукофот пулини ошириш ёки камайтириш тизимини йўлга қўйиш бўйича топшириқ берди. Келгуси беш йилда саноат корхоналарида ахборот технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига таннархни ўртача 13-15 фоизга пасайтириш мумкин. Шу боис Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига ижтимоий объектларни юқори тезликдаги интернет билан таъминлаш, тезкор мобил интернет қамровини йил якунигача 90 фоизга етказиш вазифаси қўйилди.

Бугунги кунда мавжуд серверлар тўлиб бораётгани, соҳадаги 300 дан ортиқ лойиҳани амалга ошириш учун 10 баравар кўп қувватли серверлар зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Ахборотларни қайта ишлайдиган марказларни кўпайтириш, хорижий кредитлар жалб этиб, лойиҳа қиймати 30 миллион долларлик “дата центр” қуриш бўйича кўрсатмалар берилди.

Албатта, юқорида айрим рақамларни келтирганимиздек, рақамли иқтисодиётга ўтиш катта миқдордаги маблағларни талаб қилади. Ялпи ички

маҳсўлотга нисбатан рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун ички харажатларнинг миқдори **“Рақамли Ўзбекистон – 2030”** миллий Дастурининг асосий кўрсаткичидир. Албатта, ҳар йили ўтказиладиган статистик кузатишлар ва рақамли иқтисодиётни жорий қилиш маълум молиявий харажатларни талаб қилади.

Ўзбекистон ва етакчи давлатларнинг статистик амалиётини ҳисобга олган ҳолда, корхона (ташкилот)лар ва уй хўжаликларининг рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва ривожлантириш харажатлари турларига қуйидагиларни киритишни **таклиф** қилмоқчимиз. Фикримизча, рақамли иқтисодиётга халқаро ва Ўзбекистоннинг статистика стандартлари тамойилларига мос келадиган харажатларнинг турлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун ички харажатлар - бу тармоқлар бўйича корхона (ташкилот)ларнинг, давлат, бизнес, олий таълим, нотижорат ташкилотлар ва хизматлар кўрсатиш, тарқатиш ва улардан фойдаланиши учун мустақил равишда ишлар (хизматлар) бажариш харажатлари, шунингдек, уй хўжаликлари учун рақамли технологиялар ва тегишли маҳсулотлар ва хизматлардан фойдаланиш харажатлари;

- рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун ташқи харажатлар – корхона (ташкилот)лар ва уй хўжаликларининг рақамли технологияларни, тегишли маҳсулотлар ва хизматларни кўрсатиш ва улардан фойдаланиш бўйича ҳақиқий харажатлари;

- рақамли технологияларни яратиш, тарқатиш ва ишлатиш билан шуғулланадиган ишчиларга тўланадиган ҳақ ва суғурта мукофотлари;

- ахборот -коммуникация технологияларини ишлаб чиқариш ва ишлатиш билан боғлиқ ходимларни ўқитиш харажатлари;

- рақамли технологиялар соҳасидаги тадқиқотлар, тажриба-конструкторлик ва бошқа ишланмалар ишларини олиб бориш бўйича харажатлари;

- рақамли технология ускуналарини сотиб олиш, ижарага бериш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш (ишлаб чиқариш машиналари ва ускуналарини ҳисобга олмаганда) харажатлари;

- учинчи томон ташкилотлари хизматларига тўлаш харажатлари таркибидан алоҳида рақамли технологиялар билан боғлиқ саноат машиналари ва ускуналарига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича) харажатлари;

- рақамли технологиялар билан боғлиқ махсус ускуналарни ўз уйида ишлаб чиқариш (иш ҳақи ва суғурта мукофотлари бундан мустасно) харажатлари;

- тайёр дастурий таъминотни сотиб олиш, ижарага бериш, модернизация қилиш, янгилаш ва техник қўллаб-қувватлаш харажатлари;

- уйда дастурий таъминот ишлаб чиқиш (иш ҳақи ва суғурта мукофотларидан ташқари) харажатлари;

- рақамли технологияларни яратиш, тарқатиш ва ишлатиш билан боғлиқ бошқа операцион харажатлар (саёҳат харажатлари, ишлаб чиқариш

таннархига киритилган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий бадаллар ва бошқалар);

- тайёр дастурий таъминотни сотиб олиш, янгилаш, техник қўллаб-қувватлаш ва ижарага бериш харажатлари;

- телекоммуникация хизматлари учун тўлов, шу жумладан Интернетга кириш харажатлари;

- ташкилотлар ва уй хўжаликларининг контент ва медиа сектори маҳсулотларини истеъмол қилиш харажатлари (рақамли контент бўйича);

- китоблар, даврий нашрлар ва бошқаларни нашр этиш (босмадан ташқари) кинофильмлар, видеофильмлар ва телевидение дастурларини ишлаб чиқиш, овоз ёзиш ва мусиқий асарларни нашр этиш соҳасидаги фаолият, радиоэшиттириш соҳасидаги фаолият, телевидение эшиттиришлари соҳасидаги фаолият, ахборот агентликлари, бошқа гуруҳларга киритилмаган ахборот хизматлари фаолияти харажатлари;

- ҳукумат йўл хўжалиги харажатлари, тадқиқот ва ишланмаларнинг ички харажатлари ва шу кабилар.

Бундан ташқари, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун ички харажатларни тўғри ҳисоблаш учун харажатлар элементлари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш иқтисодий фаолиятнинг барча турларига татбиқ этилиши керак.

Ҳозирги вақтда статистик кузатувлар доирасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш харажатларининг санаб ўтилган элементлари ҳақида фақат тарқоқ маълумотлар йиғилади. Мавжуд чекловларни камайтириш ва етишмаётган маълумотларни йиғишни ташкил этиш учун янада самаралироқ таклифлар ишлаб чиқиш, статистик кузатишнинг амалдаги мавжуд услубиётини такомиллатириб, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун харажатларни минимал даражада камайтириш юзасидан экспериментал ҳисоблаш амалга ошириш керак бўлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўишимиз лозимки, рақамли иқтисодиёт маълум миқдордаги харажатларни талаб қилиши шубҳасиз. Мисол учун, 2017 йил якунлари бўйича Россияда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун ички харажатлар ҳажми 3324,1 миллиард рублни ёки ЯИМга нисбатан 3,6 фоизни ташкил этган экан. Бу тахминан Россиянинг 2022 йилга мўлжалланган рақамли иқтисодиёти дастурида режалаштирилган миқдорга тўғри келади ва сарф қилинаётган маблағлар миқдори соғлиқни сақлаш, фан ва йўл хўжалиги харажатларининг биргаликдаги суммасидан кўпроқни ташкил қилар экан. ОЭСР, Евростат, Электралоқа Халқаро иттифоқи ва бошқа халқаро ташкилотлар сайтларида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун ички ва ташқи харажатларни ҳисоблаш ва баҳолаш бўйича таклифлар берилган бўлиб, бу таклифлардан Ўзбекистоннинг шароитидан келиб чиққан ҳолда фойдаланишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Янгибоев Б. Я.

Иқтисод фанлари доктори, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти,

тел.90-607-70-77.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА СТАТИСТИКАНИ РИВОЖЛАН-ТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.

Аннотация: Мақолада рақамли иқтисодиётга ўтишнинг обьектив зарурлиги, унинг миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларини, шу жумладан илм-фаннинг ривожланиши масаларига тўхталиб, статистика фани олдида турган долзарб масалаларга эътибор қаратилган ва рақамли иқтисодиёт шароитида статистика фанини ривожлантиришнингасосий йўналишларигни ёритиб беришга ҳаракат қилинган.

Калит сузлари: рақамли иқтисодиёт, интеллектуал таҳлил, мобиль тармоқ алоқалари, илмий инфратузилма, рақамли иқтисодиётни статистик ўлчаш, рақамли контент.

Аннотация: В статье делается попытка раскрыть оъективная необходимость перехода к цифровой экономики, приводя материалы по уровню развития её на примере других развитых странах освещается обьективная необходимость перехода нашей страны к цифровой экономике. Делается попытка определить основные направления развития статистики в системе цифровой экономике.

Ключевые слова: цифровая экономика, интеллектуальный анализ, мобильные связи отрасли, научная инфраструктура, статистическое измерение цифровой экономики, цифровой контент.

Annotation: The article makes an attempt to reveal the objective need for the transition to the digital economy, citing materials on the level of its development on the example of other developed countries, the objective need for the transition of our country to the digital economy is highlighted. An attempt is made to determine the main directions for the development of statistics in the digital economy.

Keywords: digital economy, data mining, industry mobile communications, scientific infrastructure, statistical measurement of the digital economy, digital content.

Инсоният ривожланишининг ҳозирги даврига келиб, рақамли иқтисодиётга ўтиш барча давлатлар, биринчи ўринда энг тараққий этган мамлакатлар – иқтисодий лидерлар учун жадал ривожланишнинг энг мақбул йўналишига айланиб улгурди. Жамият тараққиётидаги бундай ўзгаришлар бошқа мамлакатлар учун ҳам ўта долзарб масалага айланиб улгурди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Илм, ма’рифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифаларга мувофиқ ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва давлат бошқаруви тизимига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш орқали республика иқтисодиётининг рақобатбардошлигини янада ошириш масаларига кенг эътибор берилган.

2023 йилга келиб рақамли иқтисодиётнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улушини 2 бараварга кўпайтиришни назарда тутган ҳолда, шу жумладан, ишлаб чиқаришни бошқаришда ва молиявий-хўжалик фаолиятда ҳисобот юритишда статистик маълумотлардан кенг фойдаланиш ва ахборот тизимлари комплексини жорий қилиш, шунингдек, технологик жараёнларни автоматлаштириш орқали уни жадал шакллантириш масаларига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёнида илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, интеллектуал фаолият натижаларини ҳимоя қилиш ва тижоратлаштириш механизмларида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Бу - янги маълумотларни тўплаш, тўпланган маълумотлар ҳажмининг жадал ўсиб бориши, уларга ишлов бериш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқиш, яъни статистиканинг обьекти ҳисобланган масалаларга эътиборни кўпроқ жалб қилишга олиб келади. Муҳим илмий натижаларни эса турли мавзудаги маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш асосида олиш мумкин.

Иқтисодиётни рақамлаштириш миллий иқтисодиётнинг бошқа соҳалари қаторида фаннинг ҳам янада такомиллашиб боришига ва ривожланишига кенг йўлларни очади, тадқиқотчиларни янги рақамли воситалар ёрдамида ҳамкорликни мослаштиришга ундайди. Илмий тадқиқотлар учун рақамли платформаларни шакллантириш эксперимент ўтказиш, маълумот тўплаш ва қайта ишлаш ҳамда илғор илмий инфратузилмани масофадан туриб таъминлаш учун вақт ва моддий харажатларни сезиларли даражада камайтириб бориш заруриатини келтириб чиқаради.

Миллий иқтисодиёт ва инсон ҳаёти фаолиятининг турли жиҳатларини рақамлаштириш жамиятнинг ўзини ҳам, унда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар ҳақидаги маълумотлар миқдорини ҳам ўзгартиришга олиб келади.

Жамиятнинг тобора такомиллашиб бориши билан статистика маълумотларига бўлган талаб ва таклиф ўзгариб боради. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида статистикани ривожлантиришга оид ҳукуматимизнинг қатор қарорлари ва Президент фармонларининг қабул қилиниши бунинг яққол далилидир. Шу билан бирга, рақамли

технологияларнинг ривожланиши, статистик ишлов бериш ва таҳлил қилиш учун мос бўлган катта ҳажмли маълумотлар тўпламининг пайдо бўлиши туфайли янги имкониятларга олиб келмоқда.

Рақамли иқтисодиётда расмий статистика томонидан тақдим этилган маълумотларга бизнес, жамият ва давлатнинг талаблари ортиб бормоқда. Бу сўровга жавоб бериш учун, шу жумладан, янги жараёнлар ва ҳодисалар учун статистик кузатиш услубиётини ишлаб чиқиш зарур: бирламчи маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашни оптималлаштириш, ахборотни тақдим этишнинг янги шаклларини ва ундан барча манфаатдорлар томонидан мослашувчан фойдаланиш имкониятини тақдим этиш зарур бўлади.

Рақамли иқтисодиётда статистиканинг истиқболли модели ҳукумат қарорларида келтирилган. Шунингдек, у статистика тизимида муқобил маълумотлар манбаларининг, шу жумладан катта маълумотларнинг ролини ошириб боради.

Шу нуқтаи - назардан миллий иқтисодиёт барча манфаатдор фойдаланувчиларни замонавий, услубий жиҳатдан ишончли статистик маълумотлар билан таъминлайдиган маълумотлар марказига айланиши керак.

Статистик маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашнинг ташкилий схемаси кўп қиррали талабларга жавоб бериши керак. Бу талабларнинг бир вақтнинг ўзида қондирилиши муқаррар равишда турли манбалардан олинган маълумотларни бирлаштириш зарурлигига ва объектлар бўйича вақтлар қаторининг шаклланишига олиб келади. Шу муносабат билан, давлат ахборот тизимларида, шу жумладан идоравий ҳисоботлар доирасида тузилган маълумотлардан фаол фойдаланиш заруриати пайдо бўлади.

Статистик кузатишларнинг яхлит тизимини қуриш муқобил маълумотлар манбалари - катта маълумотлардан тўлиқ фойдаланишни назарда тутади. Шу билан бирга, ҳозирги вақтда давлат статистикаси фаолиятида янги маълумотлар манбасидан фойдаланиш имкониятини янада ошириш талабини қўяди.

Катта маълумотларнинг статистикага интеграциялашуви статистик кузатувларнинг халқаро миқиёсда тан олинган услубиёти билан уйғунлаштирилган таърифлар ва таснифларнинг ягона тизимига асосланган бўлиши керак.

Рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши янги ҳодисаларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб, улар, хусусан, анъанавий ишларни рақамли жараёнларни алмаштириш билан боғлиқ. Масалан, расмий статистика, тижорат соҳасида асосан, катта маълумотлар

таҳлилидан фойдаланган ҳолда истеъмолчиларнинг талабларини қунт билан ўрганиш орқали маркетинг ва сотиш каналларини оптималлаштиришда ва тегишли харажатларни камайтиришда биринчи натижаларга тез жавоб бериши керак. Шундай қилиб, уни онлайн харидлар ва етказиб бериш каби "анъанавий" рақамли битимлардан алоҳида аниқлаш керак.

Ҳозирги кунда рақамли иқтисодиётнинг кўп мақсадли, кўп босқичли мониторингининг ягона тизимини яратиш лозим. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланишини статистик жиҳатдан ўлчаш зарурати мавжуд бўлсада, бу соҳада халқаро стандартлар ҳали ишлаб чиқилмаган ёки шаклланмаган.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёнида статистик маълумотларни тўплашнинг анъанавий усулларини катта маълумотларни таҳлил қилиш билан алмаштириш бўйича таклифлар пайдо бўлмоқда, бу эса ягона услубий асос бўлмаса, улар тўғрисида нотўғри фикрнинг шаклланишига олиб келиши мумкин.

Шу муносабат билан халқаро статистика қуйидаги далилларга асосланган жавоблар бериши лозим бўлади:

- рақамли технологияларга талабнинг ривожланиш даражаси;

- рақамли технологиялар билан боғлиқ маҳсулотлар ва хизматларнинг мавжудлиги ва талаби;

- рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш динамикаси ва унинг иқтисодий ўсиш ва жамият фаровонлигига қўшган ҳиссаси;

- рақамли технологияларнинг бизнес юритиш, бандлик, меҳнат унумдорлиги ва бошқа ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларга таъсири;

- рақамли иқтисодиётда давлатнинг самарадорлиги, шу жумладан рақамли технологияларнинг кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатига таъсири;

- давлат, жамият ва бизнес ўртасидаги муносабатларни оптималлаштириш;

- рақамли иқтисодиёт соҳасида давлат сиёсати чора - тадбирларини амалга ошириш бўйича бюджет харажатлари самарадорлигини баҳолаш;

- глобал рақамли дунёда рақобатбардошликнинг афзалликлари ва чекланишларини баҳолаш ва шу кабилар.

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш кўлами, унинг шаклларни аниқлаш ва динамикасини баҳолаш учун статистикага тизимли ёндашув зарур. Бунинг учун концептуал аппаратни шакллантириш, маҳаллий тасниф ва статистик кўрсаткичлар тизимини, статистик кузатув дастури ва

маълумотларни йиғиш воситаларини ишлаб чиқишни такомиллаштириб бориш зарур.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, айниқса таснифлаш ва таҳлил масалалари сифатига устуворлик берилиши керак, чунки бу пировард натижада ташкил қилинаётган статистик маълумотларнинг сифатини ва уни турли жиҳатлар бўйича таҳлил қилиш имкониятини белгилаб беради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашимиз лозимки, ҳозирги вақтда мавжуд бўлган статистик маълумотларнинг таркиби, уларни умумлаштириш ва таҳлил қилишнинг ҳолати рақамли иқтисодиётнинг ривожланишини қисман тавсифлайди. Шу муносабат билан рақамли иқтисодиётни статистик ўлчаш масаласи алоҳида аҳамият касб этиб бораверади. Фикримизча, рақамли иқтисодиётни статистик ўлчашнинг йўналишлари бўйича қуйидагиларни **таклиф** сифатида алоҳида ажратиб кўрсатишни мақбул, деб ҳисобладик:

- рақамли иқтисодиётни ривожлантириш харажатлари;

- рақамли технологияларни яратиш ва тарқатиш, шу жумладан рақамли технологиялар соҳасидаги тадқиқотлар ва ишланмалар;

- интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли технологияларни узатиш;

- рақамли технологиялар билан боғлиқ янгиликлар;

- рақамли муҳандислик;

- инсон капитали ва меҳнат бозори, шу жумладан рақамли кўникмаларни эгаллаш ва ривожлантириш;

- бандлик муаммолари;

- иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларида рақамли технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги;

- давлат ва муниципал бошқарувни такомиллаштириш;

- рақамли контент ишлаб чиқиш (рақамли маҳсулотлар ва хизматлар: тасвирлар, видео, аудио, матнлар, ўйинлар ва бошқалар);

- электрон тижоратни ташкил қилиш;

- рақамли технологиялар ва улар билан боғлиқ товарлар ва хизматларнинг ташқи савдоси;

- рақамли муҳитга ишонч (киберхавфсизлик, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш);

- рақамли тенглик ва аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган (ҳимояга муҳтож) гуруҳларини (ногиронлар, чекка ҳудудларда яшовчилар, пенсионерлар ва бошқаларни) киритиш.

IV-ШЎЪБА. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТАРМОҚЛАР ИҚТИСОДИЁТИ, МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ МАСАЛАЛАРИ

Джумаев Асқар Хайдарович
СамДУ "Инсон ресурсларини бошқариш" факультетитининг "Тармоқлар иқтисодиёти" кафедрси катта ўқитувчиси.

Шарипов Шуҳрат Саидаҳмедович
СамДУ "Инсон ресурсларини бошқариш" факультетитининг "Тармоқлар иқтисодиёти" кафедрси ўқитувчиси ,Phd.

Тел:+998915265950. +998933360775.

Рақамли иқтисодий тизимларда халқаро туризмнинг ўзига хос турлари.

Аннотация. Мақолада сайёҳлик бизнесида рақамли ахборот воситаларининг аҳамияти, замонавий халқаро туризмнинг янги турлари, уларга таъсир этувчи омиллар ва ўзига хос бухгалтерия ҳисобининг қўлланилиши таъкидланиб илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилган.

Аннотация. В данной статье научно обоснованной форме рассматривается значение цифровых информационных технологий, новые виды современного международного туризма а также применение особенного бухгалтерского учёта соответствующего мировым стандартам в рамках международного туризма.

Annotation. In this article, in a scientifically grounded form, the importance of digital information technologies, new types of modern international tourism, as well as the use of special accounting that meets international standards in the framework of international tourism are considered.

Таянч иборалар: рентабеллик, когнитив туризм, рекреация, рекреацион туризм, маданий ва маърифий туризм, ҳалол туризм, OTOM(ATP).

❖

Замонавий сайёҳлик бизнесини тегишли ахборот воситалари ёрдамисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳатто энг оддий турни ишлаб чиқиш ҳам катта ҳажмдаги маълумотни талаб қилади. Бундай маълумотларга, халқаро ёки ички юк ташиш жадваллари ва тарифлари, хизматлар нархи, меҳмонхона класси ва бошқа туристик хизматлар кирарди. Илгари, фирма бундай маълумотларни махсус тузилган маълумотномалар тўпламидан олган.

Уларни йиғиб сақларди ва ўз мақсадларида ишлатар эди. Аста-секин кўп саҳифали файллар компютер ахборот технологиялари билан алмаштирилди.

XX асрнинг охирги йилларида туристик талаб асосан туристлар таклифи таъсири остида шаклланган бўлса, ҳозирги даврда вазият аксинча ўзгарган. Турисик бозорларнинг тобора кўпайиб бораётган ва молиявий ҳамда вақт имкониятлари кенг бўлган истеъмолчилар ўз эҳтиёжларини яхшироқ тушунадиган замонавий шароитда уларнинг талаби таклифнинг рентабеллигини(фойдалилигини) белгилайди. Шунинг учун туристик таклифни шаклланишига имкон бериш учун ҳозирда туристик талабни батафсил ва синчковлик билан ўрганиш ва прогноз қилиш жуда катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда ***минтақаларни ўрганиш(когнитив)*** туризми халқаро туризмнинг етакчи тармоқларидан бири айланган. Глобаллашув шароитида ўрганиш(**когнитив)** туризми нафақат туристик фаолият тури, балки халқларнинг маданиятлараро мулоқотини бошқаришнинг муҳим механизми, турли субъектлар даражасидаги ижтимоий шериклик тамойилларини амалга оширишнинг самарали усули сифатида қаралади. Ижтимоий тараққиётда маданият ҳақидаги янги тушунча ва кишилик жамиятларида маданий хилма-хилликни сақлаш зарурлигини англаш, минтақаларни ўрганиш(когнитив) туризмининг истиқболларини минтақавий ривожланиш омили сифатида кенгайтиради.

Экскурсия дастурлари таклифининг кўпайиши инсонларнинг муҳим ролини англаш учун ва унинг **рекреациясини** таъминлаш, инсоннинг маданий эҳтиёжларини рўёбга чиқариш учун маданий-маърифий машғулотлар ва ҳордиқ чиқариш, улар тарихини билиш учун шарт-шароитлар яратиш зарурлигини англаш билан боғлиқ дин, урф-одатлар, турмуш тарзи ва унинг ўзига хос хусусиятлари, умуман бошқа халқлар маданияти ўрганиш туризимни минтақаларни ўрганиш(когнитив) турини асосий мақсадидир. Когнитив туризмнинг асосини маданий капитал ташкил этади, у кундалик ва юксак бадиий, умумий ва аристократик ва бошқа маданият манбаларида ифодаланади.

Когнитив туризм жаҳон иқтисодиётининг муҳим тармоғи бўлиб, дунё минтақаларида ривожланишнинг ўта нотекис даражаси билан ажралиб туради, бу ҳам дунё давлатларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, аҳолининг турли ижтимоий ва демографик гуруҳларининг истеъмол талаби ва ҳаётий муносабати, **рекреацион** ва туристик ресурсларнинг нотекис тақсимланиши, давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг кўп ўлчовли сайёҳлик сиёсатининг фарқлари ҳамда уларнинг фарқланиши билан изоҳланади. Бундай фарқланишни фақат ахборот воситалари асосида киритилган

маълумотлар бўйича ва уларни қайта ишлаб дифференциялаш орқали амалга ошириш мумкин.

Юқорида *рекреация* ёки *туристик экскурсия таклифларини рекреациясини* таъминлаш ҳақида сўз юритилди. Шунинг учун ҳам "рекреация" тушунчасини аниқлаб олишимиз зарур. Рекреация сўзи польшалик поляклар тилида – байрам, таътил ёки вақтни хуш ўтказиш маъноларини англатади. Лотин тилида эса – тикланиш маъносини англатади. Француз тилидаги recreation сўзи - меҳнат фаолиятидан ташқи ҳолатда, яшаш жойидан бошқа маконда фаол дам олиш ва вақтни хуш ўтказиш маъноларини англатади. Умуман олганда рекреацион туризм, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда XX асрнинг охири ва XXI аср бошларида пайдо бўлган туризмнинг энг асосий турларидан бири ҳисобланади. ***Рекреацион туризм – бу кишиларнинг меҳнатдан ташқи ҳолатда ва ўз яшаш жойларидан бошқа маконларда дам олиш ҳамда жисмоний қобилиятларини тиклаш мақсадидаги саёҳат қилиш туридир.***

Туризмнинг бу тури кишиларнинг ўз ватанидан бошқа мамлакатда жисмоний ва маънавий қобилиятларини тиклаш мақсадида турли хилдаги соғлиқни тиклаш марказларида, санаторияларида дам олишини, у ёки бу мамлакатнинг табий-иқлим шароити, рельефи, флора ва фаунаси билан танишиш мақсадидаги саёҳатини ҳам ўз ичига олади.

XX аср ўрталаридан бошлаб ва XXI аср бошида халқаро туризмнинг таркибий тузилмасида жиддий ўзгаришлар юз берди. Минтақаларни ўрганиш туризмининг оқимларини географик тақсимоти ўзининг асосий хусусиятлари бўйича XX-асрнинг 70-80 йилларига келиб аллақачон ривожланган эди, лекин ҳозирги вақтда глобал ва маҳаллий жараёнлар таъсири остида доимий ўзгаришлар рўй бермоқда. XX асрнинг охирида дунё минтақалари бўйича халқаро туризм динамикаси муҳим фарқларни очиб берди ва у минтақаларни ўрганиш туризмини ривожланишининг асосий тенденцияларини ўзида акс эттиради.

Европа минтақаси **когнитив** туризмнинг асосий халқаро маркази бўлиб қолмоқда. Аммо, Шарқий Осиё ва Тинч океани минтақасида ёш сайёҳлик саноатининг ўсиш суръатлари юқори бўлганлиги сабабли, туризм нуқтаи назаридан эски туризм макони бўлган Европа ва Америка минтақалари улушининг барқарор пасайиши бошқа макроҳудудларга қараганда жуда кам даражада бўлса ҳам кузатилмоқда. Лекин, халқаро туризмдаги бундай ўзгаришларга қарамасдан Европа ва Америка ҳали ҳам жаҳон сайёҳлик бозорининг 3/4 қисмини ўзида жамлаган.

Маданий ва маърифий туризмнинг иккинчи минтақаси – ОТОМ(АТР)дир. Минг йиллар давомида маданий анъаналар алмашинуви

Осиё-Тинч океани минтақасидаги ноёб меъморий ёдгорликлар ва ибодат жойларининг ноёб комбинациясини белгилайди. Осиё соғлиқни сақлаш (курорт) туризмининг ривожланиши туфайли эмас, балки халқаро миқёсда сайёҳлар келиши бўйича етакчига айланди. Ҳозирги вақтда Хитой, Ҳиндистон ва Таиланд минтақани ўрганиш(когнитив) туризмнинг йирик халқаро марказларига айланмоқда.

Янги тажрибаларни излаш Африка ва Яқин Шарққа саёҳатга бўлган талабнинг ошишини белгилайди. Бирлашган турлар асосан Марокаш, Сурия, Жанубий Африка, Тунисга таклиф этиладиган ушбу ҳудудларда юқори суръатларда ривожланмоқда. Бироқ, даромаднинг асосий қисми пляждаги дам олишни ташкил этишдан келиб чиқади (БАА, Миср, Тунис). Танзания, Кения, Замбия, Зимбабве ва бошқа мамлакатларга минтақаларни ўрганиш туризми турларининг машҳурлиги аста-секин ўсиб бормоқда.

Халқаро туризмни ривожланишининг қизиқарли тенденцияларидан бири уларнинг миллий ва диний хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда туризмни ривожланиши учун махсус шарт -шароитлар яратиш (турар жой, транспорт, овқатланиш, саёҳат дастурлари ва бошқалар) бўлиши мумкин. Бу ёндашув, масалан, **"ҳалол" туризмини** (ислом қонунлари бўйича туризм) ривожланишига, Яқин Шарқдан туристлар оқимининг кутилаётган тез ўсиши шароитида ёрдам беради. Бошқа Осиё мамлакатларидан (масалан, Япония ёки Хитойдан) келган сайёҳларга махсус талабларни шакллантириш ҳақида ҳам гапириш мумкин, уларнинг таклиф этилаётган сайёҳлик имкониятлари ғарб цивилизацияси вакиллари томонидан қабул қилинганидан тубдан фарқ қилади.

Маданияти, урф-одатлари, менталитети бўйича ўз мамлакатлари аҳолисидан тубдан фарқ қиладиган чет эллик сайёҳлар оқими ҳам анъанавий тушунишдан кўра кенгроқ масалаларни қамраб олган маданий-маърифий туризмнинг янги ғоясини шакллантиради. Маданият, таълим ва кўнгилочар туристик маҳсулотни яратишни талаб қилади, бу сайёҳлар ташриф буюрадиган жамият ҳаётининг барча жабҳалари билан танишиш имконини беради. Бундай ўзгаришлар нафақат таркибга, балки саёҳат технологиясига ҳам тегишли.

Шундай қилиб, замонавий туризмни ривожланишининг асосий хусусияти - туристлар эҳтиёжларининг доимий ўзгариб турадиган хусусиятига мос келадиган сиёсий, иқтисодий ва жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг бошқа омиллари таъсирини ҳисобга олган ҳолда мослашувчан ва тез ўзгариши мумкин бўлган индивидуал туристик маҳсулотни яратиш зарурати билан изоҳланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, халқаро туризм ривожланишининг ҳозирги босқичи, шунингдек, инновацион технологияларни кенг жорий этиш билан тавсифланади ва алоҳида хизмат кўрсатиш соҳаларига қўлланиладиган халқаро стандартларга молик бухгалтерия ҳисобининг услублари қўлланилишини талаб қилади. Улар халқаро туризм инфратузилмасининг барча таркибий қисмларини такомиллаштиришда, замонавий инсоннинг турли хил ҳордиқ чиқариши ва саёҳат қилишида тобора мураккаблашиб бораётган эҳтиёжларини қондирадиган туристик фаолият турларини чуқурлаштириш ва кенгайтиришда, халқаро туризм бозорининг янги йўналишларни ишлаб чиқишда намоён бўлади. Халқаро туризмнинг вужудга келган янги турлари бўйича тадқиқот ишларини олиб борилиши ўзига хос янгича ёндашувни талаб қилади.

Библиографик маълумотномалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси. (2020). Ўзбекистонда туризм – 2019. https://uzbektourism.uz/ru/research.
2. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг туризм соҳасига доир расмий статистика саҳифаси. https://uzbektourism.uz/ru/research.
3. Александрова А.Ю. Халқаро туризм. М.: КноРус, 2010.464 б.
4. Воскресенский В.Ю. Халқаро туризм. Инновацион ривожланиш стратегияси. М.: УНИТИ, 2007.159 б.
5. Статистик илова // УНWTO халқаро туризм барометри. 2012 йил, январ. Т.10. Манзил: ҳттпс://тоурлиб.нет/wто/УНWTO_Барометер_2012_01.пдф.

Джумаев Асқар Хайдарович
СамДУ “Инсон ресурсларини бошқариш” факультетитининг “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедрси катта ўқитувчиси.

Замонавий рақамли иқтисодий тизимларда халқаро туризмни ривожланишининг асосий тенденциялари.

Аннотация. Мақолада ҳозирги даврда сайёҳлик бизнесидаги асосий тенденция, яъни туристик компаниялар капиталининг халқаро миқиёсда интеграциялашуви натижасида вужудга келган ўзига хос жиҳатларининг мазмун-моҳияти илмий-назарий жиҳатдан мукаммал асослаб берилган.

Аннотация. В данной статье, научно-обоснованно расскрыта сущность основных тенденции, возникаюшие в туристическом бизнесе в результате интеграции капиталов современных туристических компаний.

Annotation. In this article, the essence of the main trends arising in the tourism business as a result of the integration of the capitals of modern travel companies has been scientifically disclosed.

Таянч иборалар: корпоратив компаниялар, горизонтал интеграция, вертикал интеграция, диогонал интеграция, консолидация.

❖

Жаҳоннинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида вужудга келган рақамли иқтисодиёт шароитида замонавий туризмни ривожланишининг асосий хусусиятларидан бири - бу халқаро сайёҳлик оқимининг турли минтақалар ва мамлакатларда нотекис тақсимланишидир. Сайёҳлик оқими дунёнинг бир неча минтақаларида тўпланган, уларнинг ҳаракати асосан минтақалараро характерга эга. Туристик оқимлар асосан Европа ва Осиёда тўпланган. Шу билан бирга, Янги Дунё мамлакатларининг сайёҳлар алмашишидаги роли ошиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда қуйидаги нисбатлар кузатилмоқда: оммавий ёки гуруҳли туристлар, умумий сайёҳлар сонининг 20-30% ини ташкил қилади; қолган 70-80%-якка давлатларга саёҳат қиладиган якка сайёҳлардир. Сўнгги йилларда бу нисбат оммавий туризм фойдасига ўзгармоқда, бунинг сабаблари қуйидагича: кетма -кет таътил кунлари сонининг камайиши ва шу билан бирга таътилларнинг кўпайиши; ҳаво транспортининг арзонлиги; чартерли рейслар сонининг кўпайиши; туроператорларнинг оммавий туризмга бўлган қизиқишининг ортиши; катта афзалликларга эга бўлган янги йўналишларни қидириш; оммавий туризмда иш ўринлари сонини кўпайтириш; автобусда саёҳат қиладиган сайёҳлар сонининг кўпайишидир.

Дам олиш мақсадида саёҳатлар миқдори бизнес-туризм миқдорига нисбатан анча динамик равишда ўсиб бормоқда. Агар XX асрнинг 70-йилларида ишбилармонлар, яъни бизнес сегменти халқаро сайёҳлик бозорида устунлик қилган бўлса, ҳозирги пайтда бу нисбат рекреацион туризм томонга ўзгарди: сайёҳларнинг 60 фоизи ҳордиқ чиқариш учун, фақат 40 фоизи тижорат мақсадида. Ишбилармонлик туризмининг умуман жаҳон сайёҳлиги учун муҳим бўлишига қарамай, туризмни ривожланиши асосан дам олиш учун саёҳатчилар сонини кўпайиши ҳисобига амалга ошади деб тахмин қилиш мумкин.

XX аср охирига ва XXI аср бошларига келиб, халқаро саёҳат пайтида қолиш муддати ва йил давомида қилинган саёҳатлар сонининг кўпайиш тенденцияси кузатилмоқда. Биринчиси, асосан, кекса сайёҳлар, пенсионерлар

сонига боғлиқ. Шу билан бирга, жаҳон туризмида дам олиш кунлари ёки 2-3 кечада қисқа муддатли саёҳатлар сонининг кўпайиши ҳам кузатилмоқда. Бу ўз иш жойларида узоқ вақт узилишлар бўлмаслиги учун бир неча кунлик саёҳатга чиқмоқчи бўлган ёш сайёҳлар ҳисобидан амалга ошмоқда.

Мижозларнинг хизматларга бўлган талаби ошмоқда. Бу, айниқса, сайёҳлар тобора кўпроқ саёҳат қилиб, замонавий хизматлар ҳақида билиб олишларига тўғри келади. Сайёҳлар қанчалик тез -тез саёҳат қилсалар, шунча қулайликни хоҳлайдилар, кўрсатиладиган хизмат даражасини таққослайдилар, кўпинча бирор нарсани танқид қиладилар, шикоят қилишни талаб қиладилар.

Кейинги йилларда аҳолининг ҳаракатчанлиги анча ошди. Кўпчиликда машиналар бор, уларни жойидан осонгина олиб кетиш ва саёҳат қилиш мумкин. Саёҳат харажатлари ошди ва саёҳатчилар саёҳат пайтида кўпроқ пул сарфлай бошладилар. Ҳозирги вақтда ноанъанавий турар жой уйлари машҳур - тог кўчма уйчалари, овчилик уйлари, автоуйлар ва бошқалар. Туристик маҳсулот янада такомиллашиб бормоқда. Сўнги йилларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири – бу горизонтал ва вертикал деб аталадиган, яъни алоҳида компаниялар капиталининг ташқи сайёҳлик бозорларига бирлашиши ёки шу каби корхоналарни ёки тегишли (шерик) компанияларни қўшилиш орқали фаол кириб бориши бўлиб ҳисобланади.

Горизонтал интеграция - ***бу бир хил компанияларни бирлаштириш ёки сотиб олиш йўли билан алоҳида компаниялар капиталининг ташқи туризм бозорларига консолидацияси ва фаол кириб боришидир.*** Бу, айниқса, меҳмонхона бизнеси мисолида яққол намоён бўлади. Масалан, Шератон, Мариотте, Новотел, Софител, Ҳилтон ва бошқалар каби меҳмонхона занжирлари бутун дунёда кенг тарқалганини ҳамма билади. Йирик меҳмонхона корпорациялари кўчмас мулкни сотиб олиш, франчайзинг шартномалари, бошқарув шартномалари орқали ташқи бозорга фаол кириб борадилар.

Ҳозирги вақтда Шимолий Америка ва Европада уч мингдан ортиқ меҳмонхона тармоғи мавжуд, уларнинг ҳар бири камида ўн кишидан иборат. Улардан энг каттаси рейтингини «Ҳотелс» журнали мунтазам нашр қилиб туради. У меҳмонхона тармоғининг уч турини ажратади: *корпоратив компаниялар, меҳмонхона бошқаруви компаниялари* ва *мустақил меҳмонхоналар уюшмалари.*

Вертикал интеграция - ***бу туристик хизматларнинг турли соҳаларида компанияларнинг бирлашиши ёки қўшилиши орқали капиталнинг ташқи бозорга консолидацияси ва кириб боришидир.*** Туризмдаги интеграциянинг бу турини мавжуд учта Европа модели мисолида кўриб чиқиш мумкин: немис, инглиз ва француз.

Концентрация(улканлашув) жараёнлари нафақат горизонтал ва вертикал йўналишда, балки **диагонал** йўналишда ҳам содир бўлади. Биринчи иккисидан фарқли ўлароқ, ***диагонал интеграция ёки диверсификация дейилиб функционал ва технологик жиҳатдан боғлиқ бўлмаган корхоналарнинг комбинациясини ўз ичига олади.*** Кўп тармоқли тузилмалар битта катта афзалликларга эга. Улар молиявий ва иқтисодий хатарларни ўзаро компенсация қилиш имкониятини яратади, бунда баъзи тармоқларнинг зарари бошқаларнинг фойдаси билан қопланади.

Шундай қилиб, туризм энди тобора глобал миқёсда ривожланмоқда. Умуман олганда, дунёнинг турли минтақаларига халқаро сайёҳлар келишида кузатилаётган ўзгаришлар туризмни ривожланишининг глобал тенденцияларини такрорлайди. 1980-90-йиллар бошидаги иқтисодий инқирозлар туфайли сайёҳлар оқимининг ўсиш суръатларининг пасайиши, XX аср ва 2001 йилдаги терактлар, 2003 йилда САРСнинг тарқалиши, 2008-2009 йиллардаги молиявий-иқтисодий инқироз ва бошқа сиёсий-иқтисодий омилларнинг таъсири барча туристик минтақалар даражасида кузатилмоқда. Бироқ, ҳар бир минтақанинг ўзига хос ўсиш, пасайиш, турғунлик даврлари бор, улар маҳаллий омиллар таъсиридан ҳам келиб чиқади.

Кейинги йилларда меҳмондўстлик саноатининг кўплаб корхоналари йирик иқтисодий комплексларга бирлашиб, алоҳида минтақалар чегараларидан ўтиб, миллий тўсиқларни бузилишига олиб келди. Қисқа вақт ичида улар халқаро ҳаётнинг кўзга кўринган ҳодисасига айланди ва ўраб олувчи иплар тўри сингари дунё маконларини қамраб олди ва ишлаб чиқариш ҳамда капиталнинг юқори даражадаги контцентрацияси ва марказлашувига мос келадиган бу янги рақамли иқтисодий тузилмалар туристик хизматларнинг халқаро стандартларини ўрнатиш ва тарқатишга ёрдам беради. Сайёҳлик бизнесидаги бундай жараёнлар рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда олиб бориладиган тадқиқотларга алоҳида талабларни қўяди.

Туризм ривожланишининг ҳозирги тенденцияларини таҳлил қилиб, ҳар бир янги тенденция қарама-қарши ҳаракатни келтириб чиқараётганини кўриш мумкин. Бир қатор ҳолатларда, ривожланиш жараёнида бу тенденциялар аралашади, олдиндан айтиб бўлмайдиган натижа беради, бу эса асосий йўналишни аниқлашни қийинлаштиради. Шубҳасиз, замонавий туризмдаги вазият айнан шундай ва бир ёки бир нечта доминант(етакчи) тенденцияларни аниқ ажратиб бўлмайди. Шу билан бирга, туристик фаолиятнинг хилма-хиллиги бозорнинг етуклигидан далолат беради. Туризм шундай мураккаб ва кўп қиррали ҳодисадирки, унинг ривожланиши кўп

қиррали ва мураккаб бўлиб, бу борадаги тадқиқотларга алоҳида ёндашувларни талаб қилади.

Библиографик маълумотномалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси. (2020). Ўзбекистонда туризм – 2019. https://uzbektourism.uz/ru/research.
2. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг туризм соҳасига доир расмий статистика саҳифаси. https://uzbektourism.uz/ru/research.
3. Александрова А.Ю. Халқаро туризм. М.: КноРус, 2010.464 б.
4. Воскресенский В.Ю. Халқаро туризм. Инновацион ривожланиш стратегияси. М.: УНИТИ, 2007.159 б.
5. Статистик илова // УНWTO халқаро туризм барометри. 2012 йил, январ. Т.10. Манзил: ҳттпс://тоурлиб.нет/wто/УНWTO_Барометер_2012_01.пдф.

Alisher Suyunov
Independent researcher
Westminster International University in Tashkent
alisher.c@yandex.com

The production function using firm-level data: Are Uzbek firms productive?

Abstract

In this study, we shed some light on firms performance and its measurement through a production function. The research study provides a firm-level Cobb-Douglas production function for private sector of Uzbekistan identifying factor shares and total factor productivity as well as firms' hiring decisions.

Keywords: private sector, production function, productivity, Uzbekistan

Over the course of 2000–2020, economic growth of Uzbekistan fluctuated around 4–7% rate. This positive economic growth rate is not reflected upon employment rate sufficiently. Over 2007–2017 unemployment rate in Uzbekistan was accounted for around 5%, while it has been increasing steadily since 2018, arising a significant concern. Despite the Uzbek government's annual programs on job creation and employment policies, high unemployment rate phenomenon has been persistent for Uzbek economy. This trend has been exacerbated the recent COVID-19 outbreak, increasing the unemployment rate up to 10.5% and decreasing national economic growth to 1.7%. Under these conditions, for the Uzbek government, it is vital to take decisive actions to combat accelerating unemployment rate. The state is about to start reforms in business development and enhancing entrepreneurship aim to strengthen

entrepreneurial activities[75], reducing inefficient bureaucratic procedures and outdated laws to enhance business ecosystems. Private sector development initiatives are reflected upon the reduction of illegal or irrational government interventions**Error! Bookmark not defined.** to private firms' operations and regulation across sectors[76]. In addition, reforms on decreasing government share and sectoral deregulation create ample opportunities for businesses**Error! Bookmark not defined.** to acquire provision of government functions and reap benefits from state-owned enterprises' transparent privatisation[77]. These initiatives can be early signs of Uzbekistan's transition from state-led to market-driven growth.

Employment growth should be maintained through business-friendly macroeconomic policies, not solely administrative measures. Otherwise, those actions turn out to be harmful because inefficient allocation of resources, excessive bureaucracy, overstaffing, and hidden unemployment make the situation even worse. To avoid poor decisions, it is important to understand how private firms choose the combination of production factors and output to achieve their goals.

Being an indicator of economic welfare, economic growth is an increase in production output achieved by an economic community [1]. One way of understanding the mechanism of economic growth and measuring production growth is constructing a production function. As Saari and Oy [1] pointed out under the production function, it is important to maximise real income formation since maximising productivity may not be an optimal solution. When productivity is maximised, current output increases without new job creation, i.e. jobless growth. Therefore, in the economy with considerable unemployment rate, output growth does not contribute to employment growth. In other words, unemployed people remain to be unemployment in spite of positive economic growth rates. Saari and Oy [1], therefore, emphasised the importance of maximising real income. In this case, jobless people are provided with jobs having relatively low productivity, resulting in a negligible decline in average productivity. Despite a reduction in productivity, real income per capita and whole society's well-being increases.

Being the one of the most important concepts of neoclassical economic theory, a production function specifies a firm, industry, whole economy's output for all combinations of inputs [2], [3]. In this context, a profit maximising firms should obtain the maximum level of output by using various combinations of factors of production [3]. The widespread two-factor production function was introduced by Cobb and Douglas in 1928 [2]. As Cobb-Douglas argued, a true production function of a firm can be approximated by considering capital, labour, and total factor productivity (TFP) [2]–[4]. However, unlike labour and capital, measuring the third component — TFP is not as easy as it sounds. In typical single-factor productivity estimates, the units of output per unit of input are calculated, such as labour productivity which varies depending on the intensity of use of capital [4]. In this context, firms having high TFP produce higher

[75] Presidential Resolution PQ-4862 "*Aholini tadbirkorlikka jalb qilish tizimini takomillashtirish va tadbirkorlikni rivojlantirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida*"
[76] Presidential Resolution PQ-4845 "*Maishiy va qurilish chiqindilari bilan bog'liq ishlarni boshqarish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida*"
[77] Presidential Decree PF-6096 "*Davlat ishtirokidagi korxonalarni isloh qilishni jadallashtirish hamda davlat aktivlarini xususiylashtirishga oid chora-tadbirlar to'g'risida*"

outputs than their counterparts having relatively lower TFP using the same quantity of inputs.

In our study, we use 2019 round of World Bank Enterprise Survey which covers private firm's characteristics, gender and labour composition, access to finance, annual sales, cost of inputs and labour, bribery, licensing, infrastructure, trade, crime, competition, capacity utilisation, innovation and technology, and performance indicators [5].

Our estimates show, on average, Uzbek firms are relatively labour-intensive having the share of capital is 0.248, while the share of labour has been estimated to be 0.729. Using the YAKLM model specification, we found the share of capital is accounted for 0.187, while share of labour and intermediate goods/materials are 0.358 and 0.443 respectively in the context of Uzbekistan. Greater magnitude of intermediate goods and materials compared to other production factors stresses out the importance of intermediate goods and materials for domestic production. The cross-comparison of magnitude of the results implies Uzbek firms have become less labour-intensive since 2008. Similarly, the comparison of total factor productivity estimates indicates that Uzbek firms experienced a total factor productivity growth compared to 2008. Our estimate of total factor productivity for Uzbekistan is 1.94 in 2019 which is greater than TFP estimates for 2008. It suggests Uzbekistan's jobless growth observed over 2000–2020 could be attributed to a productivity growth.

Firms try to maximise their profits by choosing the most lucrative combination of capital and labour, especially labour costs are arguably one of key determinants of firms' demand to labour. We, therefore, estimate marginal rate of technical substitution, representing the degree of which one can replace one input with another one. The estimated production function suggests, for example, at the given point of $L_0 = 100$, i.e., medium-sized firm, $MRTS = 0.08$. This indicates on condition that output remains unchanged and production technology is the same, a firm should give up roughly 13 workers and increase capital by an additional unit. Meanwhile, for the small firm with $L_0 = 30$ and $MRTS = 9.14$, an additional worker can substitute approximately 10 units of capital. These results imply in small firms, labour is relatively more productive than capital compared to medium-sized firm in which capital productivity is much higher than labour productivity.

To conclude, our study showed that a productivity growth experienced by Uzbek economy could have resulted in a jobless growth since the output increased due to efficient use of factors of production, not through recruitment of additional workers. In the context of Uzbekistan, unlike medium- and large- firms, small firms tend to hire additional workers to increase production volume.

From policy perspective, it is important for policy makers to improve market conditions and access to finance in order to stimulate small entrepreneurship absorbing excess supply of labour force. This policy enables the government to provide productive employment opportunities to growing working-age population in Uzbekistan.

References

[1] S. Saari and M. Oy, “Production and productivity as sources of well-being,” 2011.
[2] X. Wang and Y. Fu, “Some Characterizations of the Cobb-Douglas and CES Production Functions in Microeconomics,” Abstract and Applied Analysis, vol. 2013, 2013, doi: 10.1155/2013/761832.
[3] G. Beer, “The Cobb-Douglas Production Function,” Mathematics Magazine, vol. 53, no. 1, Jan. 1980, doi: 10.1080/0025570X.1980.11976826.
[4] C. Syverson, “What Determines Productivity?,” Journal of Economic Literature, vol. 49, no. 2, Jun. 2011, doi: 10.1257/jel.49.2.326.
[5] World Bank, “Survey Methodology.” https://www.enterprisesurveys.org/en/methodology (accessed Jan. 03, 2021).

TURIZM FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHDA TELEKOMMUNIKATSIYA XIZMATLARIDAN FOYDALANISH

SamISI i.f.n., dosent Ibodullayev N.E.
SamISI MTF-120 guruh magistri Shirinova G.X.

Bugungi kunda telekommunikatsiya xizmatlari kirib bormagan sohaning uzi mavjud emas. Turizm faoliyatida ham telekommunikatsiya xizmatlaridan keng foydalanilmoqda.

Axborot texnologiyalari, telekommunikatsiya va elektron tijoratning jadal rivojlanishiga qaramay, ko'pchilik sayyohlik tashkilotlari faqat 90-yillarning o'rtalarida o'z faoliyatida Internetdan faol foydalana boshladilar.

Turizm faoliyatida telekommunikatsiya xizmatlaridan foydalanishning quyidagi afzalliklari mavjud:



1-rasm. Turizm faoliyatida telekommunikatsiya xizmatlaridan foydalanishning afzalliklari

Sotish vaqtida turistik xizmat - bu mijozga ko'rsatiladigan xizmatlar haqidagi axborot mahsulotidan boshqa narsa emas. Endi sayyohlik bozori ishtirokchilari o'rtasidagi raqobat, xizmat narxi va sifatidan tashqari, mijozning unga berilgan ma'lumotlarga ishonchi atrofida paydo bo'ladi.

An'anaga ko'ra, sayyohlik xizmatlarini ko'rsatuvchi provayderlar (mehmonxonalar, restoranlar, transport kompaniyalari, muzeylar va boshqalar) mijozlar bilan vositachilar turoperatorlar, sayyohlik agentliklari, mehmonxonalar tarmog'i, kompyuterlashtirilgan bronlash tarmoqlari orqali o'zaro aloqada bo'lishgan. Bugungi kunda virtual vositachilar - mehmonxonalar, aviakompaniyalar, sayyohlik kompaniyalari veb -saytlari mavjud. Bu turistga to'g'ridan -to'g'ri, sayyohlik agentliklari ishtirokisiz, ishlab chiqaruvchilar va vositachilarning istalgan kombinatsiyasida ma'lumot olish va xizmatlarga buyurtma berish imkonini beradi.

Internet orqali sotib olingan xizmatlarning to'rtdan uch qismi Amerika Qo'shma Shtatlarga to'g'ri keladi, bu erda sayyohlarning 60% dan ko'prog'i Internetga mos sayohatlarni topishadi. O'tkazilgan tadqiqotlar natijalari shuni ko'rsatadiki, turizm sohasida talab narxga bog'liq va kerakli ma'lumotlarni tez qidirish hal qiluvchi rol o'ynaydi, shuning uchun xaridorlar Internetda chiptalar va mehmonxonalarni qidirish va bron qilishni afzal ko'rishadi. 2018 yilda Qo'shma Shtatlarda sayyohlik xizmatlarini sotish onlayn texnologiyalar yordamida 54 milliard dollargacha yoki barcha tranzaktsiyalarning 23 foizigacha oshdi.

Aviachiptalarni onlayn sotish eng katta daromadni 23,3 milliard dollarga etdi, keyin mehmonxonalarni bron qilish (11,6 milliard dollar). Tarmoq xizmatlari hajmi ham yirik virtual sayyohlik agentliklarida, ham turoperatorlarning veb - saytlarida o'sib bormoqda. Tadqiqot natijalariga ko'ra, yangi onlayn - texnologiyalarni ishlab chiqish va joriy etish internetda sayohatni bron qilish sonining yanada oshishiga olib keladi va 2020 yilga kelib turoperatorlarning veb - saytlari orqali sotish hajmi 60% ga (2019 yilda 56%) yetishi mumkin.).

Agar Evropa bozorida 2015 yilda Internetda sayyohlik xizmatlarini sotish hajmi 7,6 million yevroni tashkil etgan bo'lsa (sotishning umumiy hajmining 3,4 foizi), 2018 yilda - bu hajmning 10 foizi. Buyuk Britaniya birinchi o'rinda - umumiy turistik operatsiyalarning 38%; Germaniyadan keyin 22%; Frantsiya - 12%; Finlyandiya, Islandiya va Skandinaviya mamlakatlari - har biri 11%. Qolgan Evropada onlayn-tranzaktsiyalar hajmi 8-9%ni tashkil etdi.

Internet hali ham Rossiyaning sayyohlik biznesida ahamiyatsiz rol o'ynaydi. Saytlar soni bo'yicha turistik biznes "ta'lim", "avto va moto", "qurilish", "tovarlar va xizmatlar" ni ortda qoldirib, beshinchi o'rinda. Hozirgi kunda Rossiyaning sayyohlik kompaniyalarining ko'pchiligi sayohatga xizmat ko'rsatish imkoniyatlarini reklama qilish uchun Internetdan katta e'lonlar taxtasi sifatida foydalanmoqda.

Internet -tranzaktsiyalardan foydalanish sayyohlik kompaniyasiga yangi auditoriyani jalb qilish va xizmatlar bilan ancha katta hududlarni qamrab olish, shuningdek, mijozlar bilan ishlashda vaqtni sezilarli darajada tejash imkonini beradi. Biroq, Rossiyada turlarni sotish xaridorning sayyohlik agentligiga shaxsan tashrifi bilan amalga oshiriladi. Hozirgi vaqtda Rossiya sayyohlik biznesini onlayn texnologiyalarga to'liq o'tkazish haqiqiy emas, chunki bu sohada aniq qonun hujjatlari yo'qligi, bozorning past darajadagi rivojlanishi, iste'molchilar tajribasining etarli emasligi.

Tahlil shuni ko'rsatadiki, iste'molchilar quyidagi sabablarga ko'ra onlayn xarid qilmaydilar:



2-rasm. Iste'molchilarning onlayn xarid qilmaslik sabablari.

Ilg'or texnologiyalarning rivojlanishi asta -sekin bosma nashrlarning o'rnini bosa boshladi, ularning o'rnida Internetda yoki boshqa shakllarda axborot va reklama nashrlari paydo bo'ldi.

Internetni yaxshiroq qidirish imkoniyatlari, Internetga ulanadigan yangi portativ simsiz qurilmalar, sayyohlik joylari va sayohatga oid barcha xizmatlar haqidagi ma'lumotlarning miqdori va sifatining oshishi sayyohlik va elektron tijorat sohasida ulkan o'zgarishlarni bildiradi. Internetdan foydalanuvchilar soni tez o'sib boradi, chunki telekommunikatsiya tizimlaridan foydalanish sayyohga mustaqil ravishda sayohatni rejalashtirishga imkon beradi: marshrutni tuzish, mehmonxonaga buyurtma berish va to'lash, ekskursiyalar, samolyot, poezd yoki kruiz chiptalari va boshqalar. Internet foydalanuvchilari sayohat va turizm haqida ma'lumot olishlari Internet nomlari va raqamlari bo'yicha Internet -korporatsiyasi (ICANN) sayyohlik biznesi uchun maxsus "Travel" yangi domenini ajratishga qaror qildi, u hozirda tarqatilmoqda.

Turizm faoliyatida telekommunikatsiya xizmatlaridan foydalanish turistlar uchun ham turistlarga xizmatlarni ko’rsatuvchilar uchun ham qulayliklarni yaratadi va ayrim xarajatlarni oldini olishga xizmat qiladi.

YAPONIYA IQTISODIYOTIDA TARKIBIY O'ZGARISHLAR VA UNDA INSON RESURSLARI BOSHQARUVI TAMOYILLARI

O'razaliyev Javlonbek,

Toshkentdagi Xalqaro Vestministr

Universiteti tayanch doktoranti

Annotatsiya. Yaponiya o'zining iqtisodiy mo'jizasi bilan dunyo ahlini hayratga solgan mamlakatdir. Xo'sh, buning tag zamirida nima yotibdi? Bu mamlakatda kasaba uyushmalarining o'rni qanday? Xodimlarning ishchanlik qobiliyatiga ularning psixologik holati ta'sir ko'rsatadimi? Mazkur maqolada shu haqida ma'lumot olasiz.

Kalit so'zlar. Keyretsu, deflyatsiya, daromadlar differensatsiyasi, "umrbod yollash", "kattalarga katta ish haqi".

Аннотация. Япония - страна, поразившая мир своим экономическим чудом. Так что же в итоге? Какова роль профсоюзов в этой стране? Влияет ли психологическое состояние сотрудников на их трудоспособность? Подробнее об этом вы узнаете из этой статьи.

Ключевые слова. Кейрецу, дефляция, дифференциация доходов, «пожизненный найм», «высокая заработная плата для взрослых».

Annotation. Japan is a country that has amazed the world with its economic miracle. So what's the bottom line? What is the role of trade unions in this country? Does the psychological state of employees affect their ability to work? You will learn more about this in this article.

Keywords. Keyretsu, deflation, income differentiation, "lifelong hiring", "big wages for adults".

Yaponiya iqtisodiyoti uchun eng muhim xususiyat – bu mamlakatdagi butun tadbirkorlik tizimiga o'z ta'sirini ko'rsatuvchi firmalarning vertikal integratsiyasi, ularning guruhlanishidir. Keyretsu – bitta ota-onaga ega tuzilma sifatida emas, balki boshqaruvda ulushli ishtirok bilan birlashgan turli-tuman industrial guruhlar sifatida tashkil etiladi. Keyretsu guruhlari tarkibiy jihatdan nisbatan kichikroq va u aksiyalarga birgalikda egalik qilish, guruhning yagona bankidan foydalanish, guruhning yagona savdo kompaniyasi prezidentlik kengashlari va umumiy filiallar tuzish orqali bosh menejerlar o'rtasida tijorat va loyiha koordinatsiyalari majburiyatlari, konsultatsiyalarini taqsimlab berish kabilarni o'z ichiga olgan turli-tuman vositalar bilan ta'minlab turilgan.

Ishlab chiqarish sanoatining 60 foizdan ziyodi mayda va o'rta kompaniyalarning subpudrat munosabatlari domiga tortilgan. Ushbu amaliyotning o'ziga xos tomoni uning uzoq muddatli aloqalarida bo'lib, uning yagona tashkiliy tavsifini belgilab beradi. Bugungi kunda hech bir yirik sanoat kompaniyasi yagona yuridik shaxs sifatida chiqmaydi. Boshqa g'arb mamlakatlarining "ikki qatlamli"

(bozor–korxona) tuzilmalaridan farqli ravishda, yapon iqtisodiy tizimi uch pog'ona (bozor– korxonalar guruhi–aynan korxona)dan iborat[78].

Keyretsu shaklidagi vertikal ishlab chiqarish integratsiyasi, kapitalning chatishib ketishi moliyaviy-sanoat guruhlarini yuzaga kelishiga sabab bo'ldi. Ular iqtisodiyotda yetakchilik rolini egalladilar. Odatda, ular yirik banklar, universal savdo va sanoat kompaniyalari tomonidan boshqariladi. Keyretsu konglomeratlari (monopolistik birlashmalari) ko'pincha boshqaruvda yetakchilik vazifasini bajaruvchi asosiy kompaniya atrofida guruhga birlashadi. Bunday kompaniya birlashgan savdo kompaniyasi yoki bank bo'lishi mumkin. Dastlab, keyretsu bosh banklar atrofida va tarmoq belgisiga ko'ra ko'p sonli pudratchi korxonalarni qamrab olgan holda tashkil etilgan.

Tadbirkorlar va ishchilar o'rtasidagi yapon munosabatlari ko'pincha uch "xazina":

– "sushi kayo" sifatida mashhur bo'lgan, ishchilarni bo'shatilish xavfidan himoya qiluvchi umrbod yollash;

– "nenko" – kompensatsiya majburiyatlar bo'yicha emas, balki xizmatchining yoshidan kelib chiqqan holda oshirib borilishini kafolatlovchi, xizmat muddatining oshib borishi bo'yicha ish haqi to'lash;

– kompaniya kasaba uyushmalariga to'liq ishonch orqali ko'rsatib o'tiladi.

Yaponiyada kasaba uyushmalariga birlashgan ishchilarning 80 foizdan ziyodi kompaniya tarkibida tashkil etilgan kasaba uyushmalarining a'zolari hisoblanadilar. Boshqa mamlakatlarda korporativ tamoyil bo'yicha emas, balki a'zolarning kasb-kori bo'yicha tashkil etilgan kasaba uyushmalari kengroq tarqalgan. Yapon tajribasining haqiqiy farqi shundaki, u ishchilar bilan boshqaruvchi tabaqa o'rtasidagi maslahatlar va axborot oqimlaridan foydalanadi. Bu odatda, har oy o'tkaziladigan uchrashuv-maslahat shaklini oladi, ularda boshqaruv siyosati, ishlab chiqarish rejalari va faoliyat usullari kabi muammolar ko'tariladi. Kasaba uyushmalariga birlashish ko'rsatkichlari darajasi Yaponiyaning yirik korxonalarida yuqoriligicha saqlanmoqda, biroq mayda firmalarda ular ancha past.

1978-yildan 2010-yilga qadar Yaponiya jahonda ikkinchi iqtisodiyot bo'lib keldi. Ammo so'nggi bir necha yillardan buyon mamlakat bir necha iqtisodiy muammolar markaziga aylanib qolmoqda. Lekin bu muammolarning paydo bo'lishi ancha uzoq davrlarga borib taqaladi. Ularni quyidagicha tasniflash mumkin:

1. Iste'mol:

– so'nggi yigirma yilda o'sish sur'atlarining o'rtacha 0%dan oshmaganligi;

78 Hatvany, Pucik, An Integrated Management System; Hideo Ishida, Transferability of Japanese; Kazuo Koike, Kaigai nihon kigyo no jinzai keisei [HRD in foreign Japanese companies], Tokyo: Toyo Keizai Shinposha, 2008.

– mamlakat iste’mol hajmining deflyatsiya oqibatida turg’un holatga kelib qolganligi;

– davlat qarzlari hajmining tinmay o’sib borayotgani;

– 2011-yilgi Fukushima zilzilasi hamda 2012-yilgi retsessiya natijasida iqtisodiyotda depressiya kayfiyatining saqlanib qolishi.

2. Monetar vaziyat:

– uzoq muddatli deflyatsiya;

– eksportga salbiy ta’sir ko’rsatayotgan o’ta barqaror iyena kursi.

3. Bandlik:

– nisbatan ishsizlikning past darajasi, ammo demografik vaziyat bilan bog’liq bir qator omillar ta’sirining namoyon bo’lishi;

– ayrim sohalarda mehnat resurslarining tanqisligi, xususan, qurilish sektorida;

– bandlikda ayollar ishtirokining past darajasi.

– qishloq xo’jlagi sohasida band bo’lganlar yoshining qarib, sonining kamayib borayotganligi.

Yaponiyada kompaniyalar emas, balki kasbga yo’naltirilgan yo’nalish mavjud. Yaponiya boshqaruvida ish haqi masalalari bo'yicha boshqarish va ishchilar o'rtasida qonuniy vositachi sifatida profsoyuzning faoliyati asosiy hisoblanadi. Xorijiy nazorat nazariyasida motivatsiya boshqaruvchining asosiy vazifalariga mos keladi. Boshqaruvning asosini rejalashtirish, tashkil etish va rag'batlantirishning nazorat funktsiyalari bilan bir qatorda boshqaruvi amaliyoti ham muhim bo'lgan. Motivatsiyaning eng asosiy vazifasi yangi g’oyani kiritish bilan alohida shug’ullanish zarur. G'arb va Yaponiyada motivatsiya ostida u ishga tashkilotning maqsadlarini da'vat qilish istagini ega bo'lgan shaxslar bunday qoida tushunib yetishi kerak. Bugun ham Yaponiyada motivatsiya nazariyasini G’arb motivatsiyasini o’rni kichikligini ko’rsatadi. Bir xodimning rahbar rolini aniqlash motivatsiya “X” va “Y” G'arb nazariyalarida Yaponiya menejerlarini taqsimlashi asosida tashkil qilinadi. “X” nazariyasi, masalan, uning tabiiy xususiyatlaridan odamlar boshqarish uchun kerak bo'lgan, ularni ishlashga majbur qilish tushkunlikka tushiradi deb bahs yuritadi[79].

Yaponiyada esa o'zgachadir. Yaponiyaliklarni mehnatsevarligi alohida bir xususiyatdir. Biz birinchi Yaponiya milliy xarakter belgisiga qarab asosiy xususiyatlarini baholashni o'rnatdi. Bu Yaponiyaning "Y" nazariyasi ta'siri kerakligini ko'rinadi. Nazariyaga ko'ra, tashqi nazorat va jazoli tahdid tashkilot maqsadlariga erishish uchun faqat vosita, odamlar yo'nalishiga emas.

Yaponiyada xodimlarni boshqarish, asosan an'anaviy usullari juda aniq bo'ladi. Biz insonlarning psixologik tomoniga qaraymiz. Bu Yaponiyada amaliyotlarga rioya qiish tasodif emas. Birinchi bo'lib mehnat bozoriga kirib va oldingi ishchilar pensiyasi, bir xil kompaniya bo'lgan umrbod ish bilan ta'minlash, tizimi, kichik ishlab chiqarish ustaxonalari asosida katta korxona tashkil etish

79 Michael Porter, Hirotaka Takeuchi, Mariko Akakibara, Can Japan Compete?, London: MacMillan Press Ltd., 2000.

o'tgan asrning oxirida Yaponiyada shakllana boshladi. Yaponiya ishbilarmon doiralari qisqa muddatli, taktik, qancha ko'proq yoki kamroq uzoq muddatli, strategik maqsadlariga nafaqat erishish balki manfaatdor bo'lishga bag'ishlangan va korxona ishchi kerak edi[80].

Yaponiya firmalari uchun ish haqi ortishi har yili amalga oshiriladi. Ushbu jarayon kasb-hunar ko'nikmalari holatiga va xodimlarning ta'limini hisobga oladi.

Yosh va tajriba asosan yapon firmalari va tashkilotlari uchun juda muhim. Yapon rahbarlari xodimlarning yoshi va tajribasiga qarab ajratishda juda qulay usuldan foydalanishadi. Yosh ishchilar ko'pincha muhokama qilish istagi bor va yoshi hamda xizmat davomiyligi bo'yicha mezonlar haqida bahslashsada, tajribali hamkasblari ularni osongina tinchlantirishadi. Chunki ular ham yosh bo'lganlarida ushbu tizimni manfaatdori ekanliklarini aytishadi. Hozirgi kunda demografik muommolarni hisoblab chiqadigan bo'lsak, Yaponiya aholisining tez suratlarda qarish jarayonini ko'rish mumkin. Aholi sifat ko'rsatkichlariga baho berishda uning daromad darajasi, salomatlik darajasi va ma'lumot darajasi e'tiborga olinadi.Bu ko'rsatkichlar inson taraqqiyoti indekslari deyiladi. BMT tomonidan 1996-yildan boshlab Inson taraqqiyoti indekslari aholi soniga baho berishda qo'llaniladi.

Birinchidan, turmush qurish va tug'ilish darajasi. Butun jahonda borgan sari turmush qurish va tug'ilish darajasi pasayib borayotgan bir paytda Yaponiyada bu ko'rsatkich allaqachon jahon bo'yicha eng past darajada hamda bu tendensiya davom etib kelmoqda. CIA World Factbookning ma'lumotlariga ko'ra, 2012-yilda jahon bo'yicha o'rtacha tug'ilish darajasi har 1000 nafar aholiga 19,15 ni tashkil etgan, Yaponiyada bu ko'rsatkich 2011-yila 8,3 ni tashkil etgan. Turmush qurish darajasi ham juda past (5,2, 2011). Xususan, 2011-yilda u har 1000 nafar aholi uchun 5,2 ga teng bo'lib, AQShda bu ko'rsatkich 9,8ni tashkil etmoqda. Yaponiyada turmush qurishning o'rtacha yoshi 31ga teng.

Yaponiyaning bunday demografik vaziyatga tushib qolishiga yapon xalqining turmush qurishdan avval o'z iqtisodiy kelajagi ta'minlanganlikka alohida e'tibor qaratishi ham sabab bo'lmoqda.

Bu tug'ilish darajasining pastligi yaponiya aholisining qarib borayotganidan dalolat bermoqda. Aholining yosh tarkibini tahlil qilar ekanmiz, 65 yoshdanoshgan aholi jami aholi soniga nisbatan 25 foizni tashkil etayotganini ko'ramiz. Bu kelgusi yillarda mehnat resurslari tanqisligi shuningdek ichki bozorda iste'mol hajmining keskin tushish holatiga olib kelishi mumkin bo'lgan muammolardan biri. Undan tashqari, iste'molchilar guruhida qariyalar ulushining yuqoriligi, xarid qilishga ehtiyojning past darajasining asosiy sababidir. Chunki yoshi o'tgan aholining o'rta yoshdagi aholiga nisbatan xarid faolligi juda past bo'ladi. Bu esa iqtisodiyotda ishlab chiqarilayotgan tovarlar ichki bozordan o'z xaridorini topa olmasligiga olib kelmoqda. Natijada Yaponiya hukumati immigratsiya hisobiga bu muammoni hal qilish mumkinligini ta'kidlamoqda. Lekin Yaponiyaning yuqori seysmik geografik hudud ekanligini inobatga olsak, bu ham uncha oson emas. Shuningdek, mamlakat

80 James C. Abbeglen, 21st-Century Japanese Management: New Systems, Lasting Values, Basingstoke: Palgrave MacMillan, 2006.;

aholisining monomilliy tarkibga egaligi - 127 mln. aholining bor yo'g'i 2 mln. nafarini boshqa millat vakillari tashkil etadi xolos (1,6 foiz). Bu ham immigratsiyani tezlashtirishda to'siq vazifasini o'taydi.

Bashoratlarga ko'ra, 2050-yilga kelib aholining o'rtacha yoshi 45 dan 53 ga teng bo'lishi mumkinligi taxmin qilinmoqda.

Yana bir muhim omil. Yaponiyadagi iqtisodiy faol aholi tarkibida 25 yoshdan 44 yoshgacha bo'lgan ayollar ulushini 2020-yilga kelib 73%ga yetkazish hisobiga mehnat samaradorligini oshirish ko'zda tutilgan edi. Yaponiya rivojlangan mamlakatlar orasida ishchi kuchi tarkibida ayollarning ulushi eng past bo'lgan hamda farzandli ayollar ishlashi uchun eng qiyin mehnat sharoitiga ega mamlakatdir.

Xususan, 2013-yilda Yaponiyada bu ko'rsatkich 60 %ni tashkil etgan bo'lsa, Norevgiya va AQShda bu ko'rsatkich mos ravishda 75% va 66% hamda Germaniyada 64% darajada bo'lgan[81].

Mehnat resurslari tarkibida bunday tendensiyaning avj olishiga Yaponiya uchun xos bo'lgan bir qator jihatlar sabab bo'lmoqda:

– birinchidan, yapon ishchilari orasida xoh ayol bo'lsin, xoh erkak sutkasiga 18 soatgacha ishlash holati kuzatiladi. Bu "yozilmagan tartib" yapon ayol ishchilari farzand parvarishiga yetarlicha vaqt ajrata olmasliklariga olib kelmoqda. Natijada 70% yapon ayol xodimlari birinchi farzandlari tug'ilishi bilan ishdan bo'shashlariga to'g'ri kelmoqda.

– ikkinchidan, ko'plab rivojlangan mamlakatlarda oiladagi farzand parvarishini nafaqat ayollar, balki erkaklar ham o'z zimmalariga olishlari odatiy holga aylanganiga qaramasdan, Yaponiyada bu vaziyat boshqacha: Shvetsariya, AQSh va Germaniyada erkaklar kuniga o'rtacha 3 soat vaqtlarini farzandlari bilan o'tkazishsa, Yaponiyada bu ko'rsatkich uch baravar kam – 1soatga teng.

– uchinchidan, yosh bolalarning ijtimoiy himoya masalasi: Tokiyo hukumat statistikasiga ko'ra 20 ming nafar yosh bolalar uchun bog'chalarda joy yetishmasligi kuzatilmoqda. Joy bo'lgan taqdirda ham narxi juda baland.

Yuqoridagilarning barchasi Yaponiya iqtisodiy muammolarining uchog'i uning ijtimoiy va demografik vaziyati bilan bog'liqligini ko'rsatmoqda: aholining qarib borishi, ischilar sinfi tarkibida ayollar ishtirokining past darajasi, tug'ilish va turmush qurish darajasi pastligi, aholi daromadlari differensatsiya ko'rsatkichining nisbatan past darajasi, byudjet harajatlari tarkibida ijtimoiy himoya ulushining yuqoriligi va hokazolar. 2008-yilgi jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi, Fukushima zilzilasi va ayniqsa 2020 yildagi Covid-19 pandemiyasi bunday murakkab vaziyatni yanada chigallashtirmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

81 Г.Абдураҳмонова "Инсон ресурсларини бошқариш" Дарслик. Тошкент: Фан, 2021

1. Hatvany, Pucik, An Integrated Management System; Hideo Ishida, Transferability of Japanese; Kazuo Koike, Kaigai nihon kigyo no jinzai keisei [HRD in foreign Japanese companies], Tokyo: Toyo Keizai Shinposha, 2008.
2. Г.Абдураҳмонова “Инсон ресурсларини бошқариш” Дарслик. Тошкент: Фан, 2021
3. Michael Porter, Hirotaka Takeuchi, Mariko Akakibara, Can Japan Compete?, London: MacMillan Press Ltd., 2000.
4. James C. Abbeglen, 21st-Century Japanese Management: New Systems, Lasting Values, Basingstoke: Palgrave MacMillan, 2006.;

Зухур Давронович Ниёзов Самарқанд иқтисодиётва сервис институти Банк иши кафедраси катта ўқитувчиси и.ф.н.
+998(90) 192 90 58 zuhur 1955@gmail.com
Илхом Бакиевич Вафоев Илмий ишларни тижоратлаштириш бўл. Бош.
Аблумажид Абдурахманов “AGROSYSTEMS” компания рахбари

Аграр соҳани ислоҳ қилишда агрохизматларнинг роли.

Анотация: Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини илм-фанга, маркетинг тадқиқотларига таяниб жойлаштириш, агро маслихатлар кўрсатишда мобил илова яратиш ва уни амалиётда жорий этиш пайти келгани. Ушбу соҳадаги самарадорликни хизматлар соҳасини такомиллаштириш йўли билан ошириш мумкинлиги тўғрисида фикр юритилган.

Калитли сўзлар: Қишлоқ, дехқон, фермер хўжалиги, аграр соха, рақамли иқтисодиёт, асосий капитал, инвестициялар, хосилдорлик, даромад, иновация, мобил илова, микроэлнментлар, кимёвий воситалар, экологик.

Расми статистик маълумотларга кўра мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг барча ерлари 20,7 миллион гектардан иборат бўлиб, шундан 4,0 милион гектардан сал камроғи ҳайдаладиган ерлар ҳисобланади, шундан 400 минг гектарда боғлар ва узумзорлар жойлашган. 2019 йилда амалдаги нархларда 224,3 триллион сўмдан ортиқ қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулоти етиштирилган, бу Ўзбекистон ЯИМ нинг 28,1 фоизига тенгдир

Соҳага тааллуқли иқтисодий кўрсатгичларни самарадорлик нуқтаи назаридан таҳлил қилиб кўрайлик.

Экин майдонлари 2016 йилда 3706,7 минг гектарни ташкил этган бўлса,охирги йилларга келиб 3309,4 гектаргача қисқарган. Ҳар йили аҳоли

сони камида ярим миллион кишига кўпайиб, ҳозирги кунда 35 миллион кишига етган. Жами ҳайдаладиган ерларнинг 85 фоизи фермер хўжаликларининг тасарруфида бўлсада, улар томонидан ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 26 фоизи ишлаб чиқарилади, жумладан ушбу хўжаликларнинг деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришдаги улуши 23,7 фоиз ва чорвачилик даги улуши 2,3 фоизни ташкил этади.

Деҳқон хўжаликлари тасарруфидаги экин майдонлари фермер хўжаликларига нисбатан 8 маротаба кам бўлсада, деҳқон хўжаликларида 133,5 триллион сўмлик маҳсулот етиштирилган, бу эса фермерларга нисбатан 90 триллион сўмга кўпдир.

Расмий статистик маълумотларга кўра 2019 йилда мамлакатимиз фермер хўжаликлари ер майдонлари бирлигидан ўртача ҳисобда 16-18 миллион сўмлик даромад олган бўлса, деҳқон хўжаликларининг гектар ҳисобига қўлга киритган ўртача даромади 318 миллион сўмни ташкил этган. Самарадорлик кўрсатгичларида жуда катта фарқ борлиги яққол кўзга ташланиб турибди ва бундай номутаносибликларни бартараф этишнинг асосий йўлларидан бири – бу аграр соҳага рақамли иқтисодиётни жорий этишдир. Фақат шу йўл билан деҳқон хўжаликларида етиштирилаётган маҳсулотлар миқдори ва ҳажмига аниқлик киритиш мумкин.

Охирги 3 йилда пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги 25 центнерга тенг бўлиб, унинг харид нархи 5 миллион сўмни ташкил этган Шундан 1 гектар пахтадан олинадиган даромад 12,5 миллион сўмни ташкил этишини кўриш мумкин. Бир гектардан олинадиган тўрт тонна буғдойнинг харид нархи 6 миллион сўмдан иборат. Турли сабаблар, жумладан ерларнинг унумдорлиги ва суғориш тизимидаги муаммоларга боғлиқ ҳолда фермер хўжаликларининг катта қисми юқорида қайд этилган пахта ва ғалладаги ҳосилдорликка эриша олмай келмоқда.

Аграр соҳани хизматларни такомиллаштириш йўли билан ислоҳ қилиш тўғрисида гап юритишдан олдин, қўйидаги омилларга аниқлик киритсак мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Биринчидан, асосий капиталга жалб этилаётган инвестицияларнинг фақатгина 6-7 фоизи аграр соҳага йўналтирилади. Натижада соҳанинг ташкилий сектори 11 миллион кишидан кўпроқ бўлган қишлоқ аҳолисининг кўпи билан 10 фоизини қамраб олиш имкониятига эга, холос. Юқори компетенцияга эга менежер- агроном камида 10 кишини иш ва юқори даромад билан таъминлашга қодир, аммо улар ўз фаолиятини дастурчилар билан ҳамкорликда амалга оширса, фермер хўжаликларида ишлаётганлар сонини бир неча маротаба кўпайтириш мумкин.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари,- гўшт, сут, тухум, мева, картошка, гуручни қиммат бўлишига йўл очиб қўйиб, ЯИМ миз кўпайиб боряпти деб ҳисоблаш мантиққа зид нарса. Озиқ-овқат маҳсулотлари қиммалашиши аҳоли саломатлигига жиддий салбий таъсир кўрсатишини исботлаб ўтиришга ҳожат ҳам бўлмаса керак. Қишлоқ аҳлининг аксарияти пуллик даромадининг 20 фоизини нонга сарфлайди.

Учинчидан, пандемия таъсирида жаҳон бозоридаги конъюнктура айнан озиқ-овқат маҳсулотлари, айниқса иммунитетни кучайтирадиган маҳсулотлар фойдасига ўзгарди, бу эса Ўзбекистон учун мисли кўрилмаган даражадаги имкониятлар яратмоқда.

Ўз-ўзидан аёнки гап экологик тоза маҳсулотлар тўғрисида бормоқда. Узоқ йиллар давомида бизлар ғалла ва сабзавотларни етиштиришда кўпроқ кимёвий воситаларга таяниб ишладик. Бир гектар ерга 1тонна минерал ўғитлар бермасак, кўнглимиз жойига тушмади. Бундай ёндашув мамлакатимиз энергетика тизимини ночор аҳволга солиб қўйгани ҳам айни ҳақиқат, нега деганда кимёвий йўл билан миллион тонналаб минерал ўғитлар ишлаб чиқариш учун Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган энергия ресурсларининг тўртдан бир қисми сарфланади. .

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини илм-фанга, маркетинг тадқиқотларига таяниб жойлаштириш пайти келди деган ғояни давлатимиз Президенти такрор ва такрор таъкидламоқда. Ушбу соҳадаги самарадорликни хизматлар соҳасини такомиллаштириш йўли билан ошириш мумкинлиги тўғрисида фикр юритмоқчимиз.

Биринчи навбатда гап аграр соҳани молиялаштириш тўғрисида. Аввало таъкидлаб ўтиш жоизки, Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси узоқ муддат давомида 14 фоиз даражасида сақланиб келмоқда, натижада нақд пуллар банкларни четлаб ўтишни давом этмоқда ва асоссиз пул эмиссияга сабаб бўлмоқда, нега деганда қийин аҳволдаги айрим фермер хўжаликлари 22-24 фоиз ставкадаги кредитдан фойдаланиш ва ҳаттоки “иккинчи нон”деб номланадиган- картошка етиштиришга манфаатдор эмас.

Мамлакатда ғалладан бўшайдиган бир миллион гектар майдонларда турли хил такрорий экинларни жойлаштириш имконияти мавжуд бўлсада ушбу ер майдонларида анъанавий тарзда асосан мош ва ловия экилади, нега деганда бунинг учун катта маблағ талаб этилмайди. Натижада бир гектардан олинадиган даромад яна эски ҳолатдаги энг паст даражада сақланиб қолаверади, бизнинг фикримизга кўра бундай ҳолатни тубдан ўзгартириш пайти келди.

Агрокимё хизматлари кўрсатадиган ташкилот фаолиятига ҳукумат қарорлари асосида барҳам берилди. Ушбу йўналишда вакуум пайдо

бўлмаслиги учун зудлик билан муайян чора тадбирлар ишлаб чиқилиши лозим. Юз берган янги шароитларда фермерлар уюшмалари Кенгаши, тадбиркорлик палатаси ролини қайтадан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Жойлардаги вазият ўрганилганда сабзавотлар ва картошкада турли хил зараркунандалар пайдо бўлиши авж олганлиги аниқланди, бу эса тадбирлар зудлик билан амалга оширилишини тақозо этмоқда.

Юқорида қайд этилган хизматлар билан бир қаторда агрономлар маслаҳати марказларини ташкил этиш энг долзарб вазифалардан бирига айланмоқда. Мисол учун, кенг кўламда инновацион технологиялар жорий этилиши- замон талаби, аммо томчилатиб суғоришга ўтиш, янги биологик воситалардан фойдаланиш, иссиқхоналардан йил давомида юқори самара билан фойдаланиш айнан юқори малакага эга мутахассисларнинг маслаҳатига боғлиқ. Бундай маслахат ва тавсияларин масофадан туриб мобил иловалар орқали етказиш ўзининг хартомонлама иқтисодий самарадорлилигини кўрсатади.

Жумладан; “AGROSYSTEMS” Мобил иловаси – Фермерлар, боғдорчилик, чорвачилик, дехқончилик, хусусий томорқа ва иссиқхона эгалари, шунингдек уруғчилик, минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар ишлаб чиқарувчи компания вакиллари учун ишлаб чиқилган дастур хисобланади. Тизим орқали фойдаланувчи қуйидаги тоифаларда маълумотлар олишлари мумкин: “ЯНГИЛИКЛАР”, “УРУҒЛАР ТАСНИФИ”, “ МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ВА КИМЁВИЙ ВОСИТАЛАР”, “Online ХАРИТА ”, “Online АГРОНОМ”, “УРУҒЛАР КАЛКУЛЯЦИЯСИ”, “ БОЗОР НАРХЛАРИ ”, “ QR CODE ”, “ ФЕРМЕР ПРОФИЛИ ”

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки мамлакатимиз аграр соҳаси амалиёти ва илм-фанга таяниб ишлаш борасида катта узилиш юз берган ва бундай ҳолатни бартараф этиш учун ҳаёт кўп вақт қолдирмаётгани муқаррар.

Korxonada marketing rejasining yo‘nalishlarini tanlash.

Musaeva SH.A. Marketing kafedrasi prof.v.b.
Usmonova D.I. Marketing kafedrasi dotsenti.
Usmanov F.SH. IK-219 gurux talabasi

Annotatsiya
Mazkur maqolada marketing rejasini rivojlantirishni taqozo qilish va marketing rejasi korxonaning marketing istiqbollarini ko‘rsatuvchi xujjat hisoblanib marketing rejasi nafaqat korxonaning strategiyasi, balki uning bugungi qadamlari, bo‘linmalarning samarali faoliyat ko‘rsatishi va faoliyatning samarasini baholash mezonlarini ko‘rib chiqilgan

Kalitli so‘zlar: Gilam, reja, korxona, tadbir, bo‘linma, tarmoq, internet magazin.

“Sam Antep Gilam” MCHJda marketing boshqaruvini takomillashtirish birinchi o‘rinda marketing rejasini rivojlantirishni taqozo qiladi. Marketing rejasi tor ma’noda korxonaning marketing istiqbollarini ko‘rsatuvchi xujjat hisoblanadi. Marketing rejasi nafaqat korxonaning strategiyasi, balki uning bugungi qadamlari, bo‘linmalarning samarali faoliyat ko‘rsatishi va faoliyatning samarasini baholash mezonlarini ham o‘z ichiga oladi. “SamAntepGilam” MCHJ korxonasining 2021 yilga ko‘zlagan maqsadlaridan kelib chiqqan xolda marketing rejasiga quyidagi tadbirlarni kiritish maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz (1-jadval).

1-jadval.

2021 yilda “SamAntep Gilam” MCHJsi bo‘yicha taklif qilinaetgan marketing rejasining taxminiy ko‘rinishi.

t/r	Marketing rejasining tadbiri	Tadbirning mazmuni, yo‘nalishi	Darajasi
1	Marketing rejasini tuzish va tasdiqlash	Marketing konsepsiyasini taxlil qilish; strategik taxlil asosida marketing maqsadini belgilash; marketing rejasining 2021 yil ko‘rsatkichlarini aniqlash	S; U
2	Ijtimoiy tarmoqlarda kompaniya yangi saxifalarini ochish (Odnoklassniki, Pinterest, YUtube kanal)	Mavjud ijtimoiy tarmoqlar reytingini aniqlash, saxifalar dizaynini taxlil qlishi va kompaniya saytlarini tashkil qilish	O; M.
3	Marketing bo‘limida CRM tizimini ishga tushirish	Internet savdo tizimining protseduralarini ishga tushirish,	O; A, M,

		bo‘limlar doirasida maqsadlarni taqsimlash, internet – magazin hisobotlarini tartibga kiritish.	B
4	Ijtimoiy tarmoqlarda kompaniya to‘g‘risida to‘liq ma’lumot kiritish	Ijtimoiy tarmoqlarga joylashtirish uchun ma’lumotlar tayyorlash (Google+, Market Place, YAndex tashkilot,mening biznesim)	O; M
5	Internet magazin uchun gilamlar kolleksiyasining fotosessiyasini o‘tkazish	Maxsus reklama tashkilotlari (mutaxassis fotograf-dizayner) orqali maxsulotlarning jozibador obrazini shakllantirish	O; M, ICH
6	“SamAntepGilam” MCHJ ni Madrid protokoli bo‘yicha ro‘yxatga olish jarayonini kengaytirish.	Gilam stoish konvensiyasi (bayonnomasi) bo‘yicha 12 xorijiy davlat bo‘yicha ro‘yxatga kiritish ishlarini amalga oshirish	S; M
7	YAngi tarmoqlarda korxona brendini ishga tushirish, uni tasdiqlash	Korxonaning brendini batafsil yoritish va uni siljitish	S; M
8	Kompaniyaning internet magazinini ishga tushirish	Saytni yaratish va ma’lumot bilan to‘ldirish, to‘lov tizimlariga qo‘shilish, tizimini test rejimida ishlatib ko‘rish.	S; ICH, M
9	2021 yil reklama kompaniyasini ishlab chiqish va tasdiqlash	Reklama strategiyasini tanlash, roliklar olish, reklama agentligini tanlash, muloqotlar turini tanlash, reklamani amalga oshirish	O; M.
10	Gilamlarga yangi turdagi yorliqlarni ishlab chiqish	Akrildan ishlab chiqilgan gilamlarga yorliqlar va tavsiyalarni yaratish, ularni ishlab chiqish va maxsulotga joylashtirish tartibini tasdiqlash	O; ICH, B
11	YAngilangan brendni tapqatish va rag‘batlantirish	Dilerlar, vositachilar, ta’minotchilar bilan muzokaralar o‘tkazish	O; RB
12	...	Kompaniya maqsadlariga erishish uchun boshqa turdagi choralarni kiritish	

Ushbu jadvalda birinchi qisqartmalardan “S“ belgisi strategik masalani, “O” belgisi esa operativ masalani ko‘rsatadi. Ikkinchi qisqartmalar mas’ul bo‘linmani anglatadi: M – marketing departamenti, U – umumiy (barcha bo‘limlar ishtiroki),

A – axborot texnologiya departamenti, B- buxgalteriya, ICH – ishlab chiqarish sexlari, RB – sotish departamenti va xokazolar.

Dunyo amaliyotida har bir ilmiy ishlanmalarni iqtisodiyotning real sektoriga joriy etishning samarali mexanizmi yo‘lga qo‘yilgan, ya’ni har qanday davlatning barqaror taraqqiyotining asosini innovatsion faoliyat tashkil etadi.

Avstriyalik olim Y.SHumpeter 1911 yilda innovatsion faoliyatning asosiy vazifalarini 5 ta tipik o‘zgarishlarini ko‘rsatib berdi. Unda u yangi texnika va yangi texnologik jarayonlar va ishlab chiqarishni yangi bozor ta’minotidan foydalanish (oldi-sotdi)ni, yangi xususiyatlarga ega ma’lumotlarni tadbiq etishni, yangi xom-ashyodan foydalanishni, ishlab chiqarish va uning moddiy-texnik ta’minotini tashkil qilishdagi o‘zgarishlarni, yangi sotish bozorlarini paydo bo‘lishi to‘g‘risida gapirib o‘tgan. U 1930 yillardan boshlab esa, innovatsion faoliyatni iste’mol tovarlarning yangi turlarini yangi ishlab chiqarish va texnik vositalar, bozorlarni tashkil etish shakllarini sanoatga tadbiq etish va ularda foydalanish maqsadida o‘zgarish sifatida talqin etgan. Ba’zida innovatsion faoliyatga jarayonli tizim sifatida qaraladi, shuning bilan yangilik kiritishni vaqtida rivojlanishi va yaqqol aks ettirilgan bosqichliligi tan olinadi.

Darhaqiqat, innovatsion faoliyat “SamAntepGilam” MCHJ korxonasi rivojlanishida ayniqsa, ishlab chiqarishni bozor talablariga moslashtirishda alohida o‘rin tutadigan yaxlit bir tizimdir ya’ni innovatsion faoliyat haqiqatdan maqsad bilan ko‘zlab qilingan barcha ilmiy, texnologik, tashkiliy, moliyaviy, tijorat, marketing harakatlardir. Innovatsion faoliyat shuningdek qandaydir aniq innovatsiyani tayyorlash bilan to‘g‘ridan-to‘g‘ri bog‘liq bo‘lmagan tadqiqotlar va ishlanmalarni o‘z ichiga oladi. Ishlab chiqarish faoliyati samaradorligini oshirishda esa bevosita uning o‘rni beqiyosdir.

Bozor iqtisodiyoti “SamAntep Gilam” MCHJ sidan bozor talabiga javob beruvchi raqobatbardosh mahsulotlarni yaratishni talab qiladi. Raqobatbardosh mahsulotlar esa, o‘z navbatida innovatsion yondashuvni (korxonaga ilg‘or texnologiyalar va asbob-uskunalarni jalb etish orqali ishlab chiqarish samaradorligi va mahsulot sifatini oshirishga erishish, ishlab chiqarishni tashkil etishda global

sifat standartlariga javob berish va qo‘l mehnatini kamaytirish...) talab qiladi ya’ni korxonaning rivojlanishi va yuqori sur’atlarda o‘sishiga bevosita o‘z ta’sirini ko‘rsatadi.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 26 iyundagi “Respublikada qo‘lda to‘qilgan gilamchilik sohasini rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” PQ-4759-son qarori.
2. Bekmurodov A.SH., Qosimova M.S., ergashxodjaeva SH.J. Strategik marketing. O`quv qo`llanma. 2010.-161 b.
3. Bekmurodov A.SH., Qosimova M.S. Safarov B.J., Musaeva SH. Marketingni boshqarish. O`quv qo`llanma. – T.: TDIU, 2007, 160-b.
4. Fattoxov A.A., R.N.Karimova. Bozorda distrubyutorlik faoliyati. O‘quv qo‘llanma. – T.: TDIU, 2009.-227b.
5. Qosimova M.S., Abduhalilova L.T. Marketing tadqiqotlari. – T.: TDIU, 2010.-157 b.
6. Qosimova M.S., Samadov A.N., Ergashxodjaeva SH.J. Tijorat korxonalari iqtisodiyoti. – T.: TDIU, 2010.163 b.

Mirzaxodjayev Alisher Botirovich, katta o’qituvchi, SamDU,

tel.915257713.batirovich75@gmail.com

Shermamatov Mirzobek Abdug’affur o’g’li, bakalavr, SamDU,
Tel.915591997.shermamatovmirzobek20@gmail.com

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA MEHMONXONALAR FAOLIYATI SAMARADORLIGINI BAHOLASHNING O’ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.

Annotasiya. Ushbu maqolada raqamli iqtisodiyot sharoitida xizmatlar sohasini rivojlantirishning zamonaviy tendensiyalari va mehmonxona faoliyati samaradorligini oshirish bo’yicha iqtisodiy asoslar, asosiy ko’rsatkichlarini aniqlash va baholash qoidalarini tahlil qilish bo’yicha mualliflarning taklif va xulosalari keltirilgan.

Kalit so’zlar. Raqamli iqtisodiyot, raqamlashtirish, mehmonxona majmuasi, samaradorlik, unumdorlik, rentabellik, zamonaviy yondashuvlar va usullar.

Dunyoda raqamli iqtisodiyotning jadal rivojlanishi davlatlar, tarmoqlar va korxonalarning raqobatbardoshligini oshirib va so’nggi o’n yilliklarda raqamli texnologiyalarni joriy etish muammosini o’rganish keng qamrovli bo’lib kelmoqda. Raqamli texnologiyalarni joriy etgan holda, xizmatlardan foydalanishni soddalashtirish, qiziqish parametrlari bo’yicha mahsulot qidirish vaqtini qisqartirish, konsalting xizmatlarini olish va xizmatlardan foydalanish xarajatlarini

minimallashtirish mumkin. Raqamlashtirish, bu xaridorlar va xizmatlarni sotuvchilari o'rtasidagi muloqotning yangi shakli bo'lib, turizm soxasida ham mahsulotni ilgari surishda muhim rol o'ynaydi.

Raqamli texnologiyalarni joriy etishning yuqori samarasini faqat dastlabki tadqiqotlarni o'tkazish, katta hajmli ma'lumotlarni olish va qayta ishlash, bu ma'lumotlarni zamonaviy "aqlli" usullar yordamida tahlil qilishda orqali olish mumkin.

Mehmonxona majmualarini rivojlantirishning zamonaviy tendensiyalari tashkiliy, boshqaruv va ijtimoiy muammolarni hal qilishga qaratilgan bulib, bularning ichiga rivojlanish istiqbollarining noaniqligi, tajribali, maxoratli va malakali kadrlarning yetishmasligi, menejmentning zaifligi, xizmatlar sifatining pastligi kiradi.

Korxonaning iqtisodiy samaradorligini o'lchash uning sifat va miqdoriy bahosini talab qiladi va uni takomillashtirishning eng muhim yo'nalishlarini to'g'ri aniqlash uchun mezon va ishlash ko'rsatkichlarini shakllantirish kerak. Tahlil qilish uchun turli formulalar va ko'rsatkichlar taklif qilingan, biroq ularning har birining o'z ijobiy va salbiy tomonlari, afzalliklari va kamchiliklari bor edi. Mehmonxona faoliyatining samaradorligini oshirish, bozor ulushini kengaytirish, daromadlarni ko'paytirish va mehmonxonaning band bo'lish darajasini oshirish maqsadida kompaniya faoliyatini strategik tahlil qilish uchun mehmonxonaning asosiy taxminiy ko'rsatkichlari to'g'risida o'z vaqtida ma'lumot olish zarur. Berilgan ma'lumotlarga asoslanib, mehmonxona ma'muriyati strategik biznes qarorlarini qabul qiladi.

Shunday qilib, har xil ma'lumotlardan tez va samarali foydalanish quyidagi sohalarda mehmonxona majmuasining samaradorligi va unumdorligini oshirishga imkon beradi:

• tarif siyosati, xona zaxiralari va mehmonlarga xizmat ko'rsatishni boshqarish;
• mehmonxona xizmatlarini sotish uchun barcha mavjud kanallardan foydalanish (Internet, GDS, call-markazlar va boshqalar);
• moliyaviy nazorat va audit uchun keng imkoniyatlar;
• bir nechta daromad markazlarini boshqarish (xonalar, restoranlar, barlar, fitnes, kir yuvish, biznes -markaz va boshqalar).

Mehmonxona majmualarining samarali ishlashining asosiy ko'rsatkichlarini aniqlash uchun quyidagi qoidalarni tavsiya qilish mumkin:

• o'lchangan jarayonlarning turli guruhlari uchun ishlashning asosiy ko'rsatkichlarini o'lchashning yagona yondashuvi va usullari;
• asosiy ko'rsatkichlarni aniqlash uchun ma'lumotlarning ishonchliligi va mavjudligi;
• asosiy ko'rsatkichlardan samarali foydalanish uchun foydalanuvchilar bilimga ega bulishi va ular bilan ishlash imkoniyati mavjud bo'lishi kerak;
• samaradorlik ko'rsatkichlarining cheklangan soni;
• asosiy ko'rsatkichlarning axborot mazmuni shundan iboratki, ular rejalashtirilgan va erishiladigan ishlarning natijalari cheklangan (chegaraviy) qiymatlari to'g'risida qo'shimcha ma'lumot beradi;
• asosiy ko'rsatkichlar bo'yicha qarorlar va harakatlarning samaradorligi.

• samaradorlik ko'rsatkichlari monitoringi.

Umuman olganda, mehmonxona majmualari unumdorligini oshirish quyidagilar orqali amalga oshiriladi:

• mehmonxona resurslaridan foydalanishni optimallashtirish;
• xarajatlarni tejash;
• mijozlarga xizmat ko'rsatish maqsadlarini samarali bajarish.

Xorijiy adabiyotlarni o'rganish va servis faoliyati unumdorligi (resurs-sarf yondashuvi) nuqtai nazaridan ko'rsatkichlarni tahlil qilish asosida quyidagilarni keltirish mumkin:

- servis faoliyati unumdorligi (resurs-sarf yondashuvi bo'yicha samaradorlik)ni o'sish darajasining turlichaligi xizmatlar ko'rsatish jarayonida ITTni ta'sirini har-xilligi, iste'mollarni xizmatlar iste'moliga jalb qilinish darajasi bilan asoslanadi.
- servis faoliyatida samaradorlik (unumdorlik) ko'rsatkichlari statistikasini o'rganish orqali shunday xulosa qilish mumkin: bir necha kategoriyadagi xizmatlarni samaradorligini baholashda resurs-sarf yondashuvi samaradorlik haqida bir muncha tor tasavvurni beradi, chunki u faqat iqtisodiy tomonini yoritadi. Bu hol ba'zi xizmat kategoriyalarida unumdorlik ko'rsatkichlarini ahamiyati pasayishini asoslaydi.

Shunday qilib, xorijiy tadqiqotchilarning tajribasi servis faoliyatining ba'zi turlari samaradorlikni baholashda resurs-sarf yondashuvidan foydalanishning chegaralanganligidan dalolat beradi va shuning uchun ham uning (servis xizmatlarini ba'zi turlarini) samaradorligini baholashda yangicha kompleks yondashuvning dolzarbligini keltirib chiqaradi.

Ta'kidlash joizki, O'zbekistonda mehmonxona biznesini rivojlantirishga katta e'tibor qaratilmoqda. Mamlakatimiz o'nlab yillar davomida chet ellik sayyohlarning qiziqishidan munosib ravishda bahramand bo'lib kelgan. Mamlakatimiz sayyohlik va mehmonxona biznesi rahbariyati oldida bugungi kunda koronavirus pandemiyasi tugaganidan so'ng bundan keyin qanday ishlash kerak, degan savol turibdi.

O'zbekistonda mehmonxona biznesini rivojlantirishning quyidagi muammolari ustuvor yechimlarni talab qiladi:

• moddiy -texnik bazaga sarmoya kiritishda qo'shimcha manbalarni jalb qilish uchun qulay shart -sharoitlar yaratish;

• soliq standartlarini qonuniy belgilash masalalarini hal qilish maqsadida sohaning o'ziga xos xususiyatlarini hisobga oladigan to'lovlarni belgilash;

• O'zbekiston sayyohlik sanoati korxonalari uchun amaldagi me'yoriy - huquqiy bazani xalqaro talablarga va chet elda o'xshash korxonalar faoliyati amaliyotiga yetkazish;

• markaziy va mahalliy hokimiyat organlari tomonidan sanoat korxonalarini moliyaviy- iqtisodiy qo'llab- quvvatlash konsepsiyasini ishlab chiqish;

• davlat darajasida mehmonxonalar tirbandligining oshishiga ko'maklashish mexanizmlarini ishlab chiqish va milliy sayyohlik mahsulotining chet yelda reklama qilinishini rivojlantirish.

Ko'rinib turibdiki, zamonaviy texnologiyalardan foydalanish, sotish, raqobatbardoshlik, mehmonlarning sodiqligi va xodimlarning samaradorligini oshirishi mumkin. Mehmonxona bozor sharoitidagi o'zgarishlarga moslashuvchan javob bera oladigan boshqariladigan korxonaga aylantirilmoqda, bu esa mehmonxona majmualari samaradorligini oshiruvchi texnologiyalar va usullarga sarmoya kiritishni to'liq daromadli qiladi.

Shunday qilib, turizmni raqamlashtirish turoperatorlar tomonidan tayyor turlarni onlayn xarid qilish, sayyohlar uchun mo'ljallangan mobil ilovalarni ishlab chiqish va joriy qilishni o'z ichiga olgan turli xil ko'rinishga ega bo'lmoqda. Kelajakda raqamlashtirish turizm yanada rivojlanadi an'anaviylarni almashtirish jarayoni oflayn ofislari bo'lgan kompaniyalar, rivojlanish parametrlari bo'yicha turlarni loyihalash, individual har bir mijoz tomonidan belgilanadi. Shunday qilib, iste'molchilarga sayohat xizmatlarini ko'rsatishda raqamlashtirish jarayonida eng yaxshi amalga oshira oladigan sayyohlik tashkilotlari qo'lga kiritadilar, bu ularni potensial mijozlar sonidan nafaqat haqiqiy mijozlarga, balki ularni sodiqlarga aylantiradi.

Ахроров З.О. – СамИСИ таянч докторанти
e-mail: z.akhroroff@gmail.com

Фойдани солиққа тортиш механизмининг микро ва макроиқтисодиётни барқарор амал қилишига таъсири

Аннотация. Мақолада фойдани солиққа тортиш солиқ муносабатлари таркибида муҳим аҳамиятга эгалиги таъкидланган ҳолда миллий солиқ тизимида фойда солиғининг аниқланиши ва солиққа тортиш механизми кўриб чиқилган. Микро ва макроиқтисодиётни барқарор амал қилиши учун фойда солиққа тортиш борасида хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Калит сўзлар: фойда, фойда солиғи, солиқ тизими, таннарх.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг фойдасини тақсимлаш уларнинг ички сиёсати ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, давлат ушбу жараёнга турли билвосита тартибга солиб турувчи воситалари орқали, жумладан солиққа тортиш тизими орқали таъсир қилади.

Айнан, солиқ тизими орқали давлат ва корхоналар ўртасида, бир томондан, давлат бюджетини шакллантириш, бошқа томондан йўналишлар бўйича ишлаб чиқарувчи фойдасини тақсимлаш муносабатлари вужудга келади. Фойда солиғи бўйича корхоналарга берилган имтиёзлар фойдани солиққа тортишнинг самарали тизимини ташкил этишда аҳамиятлидир. Улар ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантиришга ҳал қилувчи қарорларни қабул қилишда, корхона фаолияти ижобий молиявий натижаларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида, даромадларнинг ўсиши мамлакат

бюджетига тушумларни оширади, давлатни етарли молиявий ресурслар билан таъминлайди.

Фойда солиғи бевосита солиқ сифатида тан олиниб, у маҳсулот ишлаб чиқариш (хизматларни кўрсатиш, ишларни бажариш) соҳасидаги инвестицион жараёнларнинг барқарорлигини таъминлайди, иқтисодиётдаги инвестицион жараёнларнинг барқарорлигини қўллаб-қувватлайди, шунингдек капиталнинг қонуний ўсишини кафолатлайди[82]. Фойда солиғининг фискал функцияси, айниқса, иқтисодиётнинг инқирозий шароитларида муҳим ҳисобланади.

Фойдани солиққа тортишда фойданинг турли кўринишларини фарқлаш лозим. Корхона менежери ўз диққат-эътиборини маҳсулот таннархига, шунингдек солиқ чегирмаларига қаратган ҳолда соф фойда миқдорини оширишга ҳаракат қилади. Бошқача айтганда, корхона менежерида маҳсулот таннархига қилинган харажатлар ва эҳтимолий солиқ имтиёзларини қўллаш имконияти мавжуд.

Таъкидлаш лозимки, корхона менежери корпоратив молия стратегиясини олиб боришнинг келгусидаги таҳлилини тахмин қилишда фойда солиғини режалаштиришга алоҳида урғу беради.

Фойда солиғи аниқланиши бўйича корхона молиявий фаолияти натижасига, аниқроғи корхона раҳбарияти назорати остидаги омилларга боғлиқ бўлсада, солиқларни режалаштириш масалалари солиқ базаси ҳисоб-китоблари билан боғланган. Бу масалаларни иккита катта гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

1. Фойдани аниқлаш:
- ялпи фойдага киритиладиган ёки киритилмайдиган даромадлар;
- корхонанинг турли тўлов (харажат)ларини таснифлаш;
- солиққа тортиладиган фойдага даромадларни қўшиш вақти.

2. Эҳтимолий чегирмаларни аниқлаш:
- корхона капитализациясига қарши бўлган чегирмаларни асослаш;
- зарар ёки йўқотиш сифатидаги махсус чегирмаларни аниқлаш ва асослаш;
- дивидент ва фоиз кўринишидаги корпоратив тўловларни режалаштириш.

Корхона охирги молиявий натижасини шакллантиришда маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатларни тўғри аниқлаш муҳимдир. Таннархнинг тўғри аниқланиши фойда солиғи ҳисобининг муҳим босқичи ҳисобланади. Таннархнинг пасайтирилиши бир томондан, фойда миқдорини кўпайтиришга хизмат қилса, иккинчи томондан фойда солиғи суммасини оширади. Солиқ органлари томонидан фойда солиғи базасини қасддан

[82] Абдуганиева Г.К., Бабабекова Н.Б. Прогнозирование налогов. Учеб.пос. – Т.: Tafakkur bo’stoni, 2012. – с. 108.

камайтиришга олиб келинган ҳолатлар аниқланса, молиявий жарималарни қўллаш чоралари кўрилиши белгилаб қўйилган[83].

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти узлуксизлигини таъминловчи ва келгуси фаолиятига таъсир этувчи, шунингдек давлат бюджетини маблағ билан тўлдирувчи манбалардан бири фойда ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектлар фойдаси бюджетга тўланадиган фойда солиғининг объекти ҳисобланади. Республикамизда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бюджетга тўланаётган фойда солиғи ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Шу билан бирга, унинг бюджет даромадлардаги ҳиссаси ҳам ўсиб бормоқда (1-жадвалга қаралсин).

1-жадвал

2016-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида фойда солиғининг бюджет даромадларидаги ҳиссаси[84]

№	Кўрсаткичлар	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил (прогноз)
1.	Бевосита солиқлар, млрд. сўм	9852,8	11539,4	15656,2	31676,8	40584,6	32515,5
2.	Фойда солиғи, млрд. сўм	1215,1	1475,5	3502,2	16360,6	22058,7	26064,8
3.	Фойда солиғининг бевосита солиқлардаги ҳиссаси, %	12,3	12,8	22,4	51,6	54,4	80,2
4.	Фойда солиғи ставкаси, %	7,5	7,5	14	12	15	15

Ҳозирги кунда ишлаб чиқариш ва қайта ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар тармоғи кенгайиб бораётган бир вақтда ушбу корхоналарга 15 фоизлик солиқ ставкасининг амал қилиши ҳам тадбиркорларни янада қўллаб қувватлашга асос бўлиб хизмат қилмоқда десак муболаға бўлмайди. Бунинг натижасида қанчадан қанча ҳали ҳам яширин иқтисодиёт орқали тадбиркорлигини амалга ошириб, охир оқибатида қонун олдида жавоб беришга тўғри келаётганларнинг олди олиниб, ёш тадбиркорларнинг ривожланиши ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотларини дунё миқиёсида рақобатдошлигини таъминлашга хизмат қилади.

[83] Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон; 11.03.2020 й., 03/20/607/0279-сон. 346-модда

[84] Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрь ЎРҚ-657-сонли “2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни.

Шундай қилиб, фойда солиғи пул муносабатини ифода этиб, бу муносабатларда бир томонда давлат ва иккинчи томонда солиқ тўловчилар, яъни корхона (бирлашма, ташкилот)лар туради. Шу муносабатларни ташкил қилишни давлат ўз қўлига олган, чунки фойда солиғи унинг учун бюджетга даромад бўлиб тушади, солиқ тўловчилар учун харажат бўлади. Давлат билан солиқ тўловчилар ўртасидаги муносабатни Олий Мажлис қонун асосида белгилайди. Бундай муносабатнинг белгилаб берилиши фойда солиғини тўловчиларнинг розилигини англатади. Шунинг учун ҳам барча солиқ тўловчиларнинг Олий Мажлис томонидан белгиланиши икки томоннинг, яъни солиқ ундирувчи давлат билан солиқ тўловчилар ўртасидаги розиликнинг юксак демократик даражасининг амал этишидан далолат беради. Аммо томонларнинг келишиши ёки розилик даражаси шу Олий Мажлисда мутасадди ташкилот ва мутақассисларнинг таклифлари билан турли омилларни этиборга олган қолда тартиблаштирилиб турилиши мумкин.

Фойда солиғи объекти сифатидаги корхоналар даромадларининг асосий афзаллиги, биринчи навбатда, солиқ тушумлари ҳажми фойданинг қайси қисми хусусий капитал эгаларига тақсимланиши эмас, қайси қисми ишчи-хизматчиларга иш (меҳнат) ҳақи сифатида тақсимланишидир. Демак, давлат солиқ тушумлари нуқтаи-назаридан даромадларни тақсимланиши ҳисобга олмаслиги ва унга нисбатан ҳеч қандай таъсир кўрсатмаслиги лозим. Фойда солиққа тортилиши негизида давлат кўпроқ давлат бюджети тўлдирилиши бўйича манфаатдор бўлиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, корхона даромадлари таркибидаги фойдаси ишчи-хизматчиларга бериладиган иш хақи ҳисобидан капитал ўсиши ва ишлаб чиқариш қувватларининг ошишидан давлат манфаатдор бўлиши лозим.

Турли мамлакатларда юридик шахсларнинг молиявий натижаларидан ундириладиган солиқлар мавжуд. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир мамлакат солиқларни ундиришда ўзининг ички сиёсатига амал қилган ҳолда ёки тармоқлар иқтисодиётидаги соҳаларнинг давлат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрнидан келиб чиққан ҳолда иш юритади. Корхоналар молиявий натижасининг солиққа тортишда ягона ёндошув мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, ўзининг бюджет-солиқ тизими қуришга интилди ва ўзига хос солиқларини жорий қилишга киришди. 1991 йилда фойда солиғи кўринишида жорий этилган бўлсада, 1992 йилдан бошлаб тижорат асосида фаолият юритаётган барча турдаги хўжалик субъектлари даромад солиғини тўлашга ўтдилар. Бундай кескин ўзгаришларнинг ўзига хос сабаби сифатида иқтисодий нобарқарор бўлган бир шароитда корхоналарнинг фойда олмаслиги (зарар билан ишлаш эҳтимоли баландлиги), айнан даромад олишини эътиборга олган ҳолда давлат бюджетини тўлдиришга ҳаракат қилиш бўлиб ҳисобланади.

Солиқ қонунчиликларидаги ўзгаришлар унинг номланишига ҳам таъсир қилди. Фойда солиғи, даромад солиғи, даромад (фойда) солиғи, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи номлари билан ҳам аталди. Бугунги кунда солиқ қонунчилигига мувофиқ, фойдани солиққа тортишда

фойда солиғи амалда ўз механизмига эга бўлса ҳам, бундай атамалар бир мазмунга эга, улар ўз иқтисодий чегаралари билан бир-биридан фарқланмайди деб бўлмайди. Бу борада атамани тўғри танлаш унинг амалдаги қонунга мос равишда ҳаракатга келтириш долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда. Афсус, иқтисодий адабиётларда ҳам ушбу атамаларга нисбатан бефарқлик билан қараш ҳолатлари ҳам юз бермоқда. Бу эса охир-оқибатда фойда солиғи базасини аниқлашга, солиқ имтиёзларини белгилашда нотўғри ҳисоб-киобларни юритилишига, фойдани яшириш ҳолатларини юзага келтириб чиқармоқда.

Кўпчилик сингари Д.Мардиасмо ҳам, фойда солиғини фойда билан боғлайди. У фойда солиғи қонунчиликда кўрсатилган субъектив шартлар ва объектив талабларга риоя қилингандаги солиқ тўловчилардан олинади деб фикр келтиради[85].

Фойда солиғи корхонанинг охирги молиявий натижаларига боғлиқлиги сабабли корхона инвестицион жараёнлари ва капитални ўсиши жараёнига таъсир кўрсатади. Корхоналар учун бир томондан фойда солиғи асосий солиқ тури ҳисобланса, иккинчи томондан асосий солиқ юки бўлиб ҳам ҳисобланади. Солиқ юкининг ошиши турли вазиятли ҳолатларни юзага келтириши мумкин бўлади. Уни аниқлаш ва бартараф этиш эса янги тадқиқот ишларини олиб боришга ҳам замин яратиши мумкин.

Амалиётда солиқ қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда фойда солиғи деганда корхона, ташкилот ва бирлашмаларнинг ишлаб чиқариш фаолиятидан қўлга киритилган фойдасидан ташқари қимматли қоғозлар операцияларида (акция, облигацияларини чиқариш ва жойлаштиришдан олган девидентлар еки фоизлар куринишидаги даромадлар) даромадлар, шунингдек бошқа корхоналар фаолиятига катнашишдан қўлга киритилган даромадлар хам этиборга олинади. Умуман фойда солиғи тушунчаси корхона, ташкилот ва бирлашмалар фойдасининг марказлашган фойда (даромад)лар йиғиндисининг бир қисмини марказлаштирилиши билан боғлиқ муносабатларида ҳам ўз аксини топмоқда. Бу эса фойда солиқ муносабатларини амал қилувчи қонунлардан келиб чиққан ҳолда мазмунан такомиллаштирилиб туришини тақозо этади.

Фойда солиқ юкини пасайтириш орқали замонавий ва илғор ресурс тежовчи технологиялар асосида товарларни (маҳсулотларни) юқори сифатли ва истеъмол хусусиятларини таъминлашга ёрдам берадиган инновацион технологиялар тизими асосида инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарур. Самара келтирувчи солиқ имтиёзини амалиётга жорий этиш бўйича тезкор қарор қабул қилиш мақбул солиқ солиш базасини ва фойда солиқ ставкасини ўрнатиш имкониятларини яратади. Ҳар бир корхона самара келтирувчи тезкор қарор қабул қилиш орқали ишлаб чиқарилган товарлар сифатини яхшилаш ва инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мумкин.

[85] Mardiasmo D. Taxation, Publisher Andi, Revition Edition, 2013. – p. 55.

Усманова Дилафрўз, СамДУ, Инсон ресурсларни бошқариш факултети доценти,+998906000888, dilafruz849@gmail.com
Ҳазраткул Суяров, Рақамли иқтисодиёт йўналиши 2 курс магистранти,+998915275071 hsuyarov@bk.ru

ТАШҚИ САВДО ОПЕРАЦИЯЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛИШДА АЙРИМ МУАММОЛАР

Аннотация. Мақолада ташқи савдо операцияларни амалга оширишда қонун хужжатларда қабул қилинган тартиблар амалиётда тўлалигича жорий этилмаганлиги туфайли тир қатор муаммолар вужудга келмоқда. Шу борада хорижий инвесторларда республика ишлаш амалиётидан қониқмайди, бу эса келажакда инвестицион жизибадорликни пайсайишига олиб келмоқда.

Калит сўзлар. молиявий ҳисобот, инвойс, аванс, импорт ва экспорт шартномалари

Молиявий ҳисоботлар бутун дунёда ташқи фойдаланувчилар учун кўпгина тадбиркорлик субъектлари томонидан тайёрланади ва тақдим қилинади. Бундай молиявий ҳисоботлар турли давлатларда бир-бирига ўхшаш бўлиб туюлса ҳам, улар ўртасида турли ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлар ҳамда ҳар хил давлатларда миллий талаблар ўрнатилганида молиявий ҳисоботнинг турли фойдаланувчиларининг талаблари ҳисобга олинганлиги сабабли юзага келиши мумкин бўлган фарқлар мавжуддир.

Бугунги кунда ташқи савдо операциялари амалга оширилиши рақамли иқтисодиёт шароитида қулай имкониятлар яратилмоқда хусусан божхона декларацияларини масофадан туриб тўлдириб жўнатиш мумкин ва бошқалар, лекин баъзи муаммолар ҳам йуқ эмас.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сон қарорига кўра Хўжалик юритувчи субъектларга товарларни (ишлар ва хизматларни) экспорт ва импорт контрактларини тузмасдан, инвойслар асосида экспорт ва импорт қилишга, шунингдек, ушбу инвойслар бўйича тижорат банклари орқали хорижий шериклар билан ўзаро тўловларни амалга оширишга рухсат этилиши кузда тутилган булсада бундай товар моддий бойликлари (махсус товарлар бундан мустасно) экспорти 100 фоиз олдиндан тулов қилиниб ТСОЯЭА тизимига маълумотлар киритилган тақдирда ҳам товарларни экспорт килгандаги ноль даражали ставка қўлланилмаятганлиги ҳозирги куннинг долзарб муаммолари ҳисобланади.

Амалиётда кўплаб хужалик субъектлари экспорт-импорт операциялари бўйича муаммоларга дуч келмоқда, хусусан экспорт-импорт операцияларида қонунчиликда муддатлар белгиланган:

импорт контрактлари бўйича – товарларни республикага олиб кириш ва “эркин муомала учун чиқариш” режимига расмийлаштириш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш ёки улар учун тўланган пул маблағларини қайтариш муддати электротехника саноати тармоғи ташкилотларининг ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун технологик асбоб-ускуналарга нистабан тузилган импорт контрактлари бўйича - тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 270 календарь кун, бошқа импорт контрактлари бўйича тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 180 календарь кун дан ортиқ бўлмаслиги керак.

экспорт операциялари бўйича - тушум тушиши ёки товарларни қайта олиб кириш муддати электротехника ва электрмаиший маҳсулотлар экспорт операциялари бўйича - юк божхона декларацияси расмийлаштирилган кундан бошлаб 180 календарь кун;

қолган экспорт қилувчилар учун товарлар, ишлар ва хизматлар амалда экспорт қилинган кундан бошлаб 120 кундан ошиб кетмаслиги керак.

Агар кўрсатилган муддатлар 30 (кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун - 60) банк кунидан ортиқ бузилган бўлса, ТИФ иштирокчисидан республика бюджети даромадига жарима ундирилади. Унинг миқдори ўтказиб юборилган умумий муддатга боғлиқ бўлиб, тушмаган валюта ёки ўз вақтида расмийлаштирилмаган товарлар (бажарилмаган ишлар, кўрсатилмаган хизматлар) суммасига каррали равишда ҳисоблаб чиқилади: 180 кунгача – 10%, 180 кундан 365 кунгача – қўшимча 20%, 365 кундан ортиқ – қўшимча 70%.

Бироқ, янги қоидаларга биноан маҳаллий импорт қилувчилар ва экспорт қилувчилар жарима қўлланилишининг олдини олиш ва ҳатто бюджетга ундирилган жаримани қайтариб олиш имкониятига эгалар.

Бунинг учун валюта экспорт қилувчиларга тушиши, импорт қилувчилар эса товарларни олиб киришлари ва расмийлаштиришлари (ишлар бажарилишини ва хизматлар кўрсатилишини таъминлашлари) лозим:

- жаримани қўллаш масаласини кўриб чиқиш пайтига келиб – бу ҳолда жарима қўлланилмайди;
- суднинг жарима қўллаш тўғрисидаги қарорини ижро этиш пайтига келиб - қўлланилган жарима тўланмайди;
- жарима қўлланилганидан кейин 90 кунлик муддат ичида - тўланган жарима Давлат бюджетидан қайтариб берилиши лозим. Қайтариш тартибини Ҳукумат бир ой муддатда аниқлаштиради.

Агар контракт еврода тузилган бўлса, лекин тўлови долларда амалга оширилса бухгалтерия ҳисобида қайси курс билан номутаносиблик ёпилади бу тўғрисида тартиб қоидалар мавжутми ёки эскими яқин вақт ичида бундай масалада тартибга солувчи ҳужжат кўрмадик.

Мустақил тадқиқот қилиб солиштирма далолатномаси кўриб чиқилганда импорт контракларни декларациялари валюта тури еврода расмийлаштирилган лекин тўлов АҚШ долларида амалга оширилган бухгалтерияда бу номутаносибликни бартараф килиш учун декларацияларни расмийлаштирилган кундаги курс буйича Еврони АҚШ долларига конверсия қилиб олинган булиб дебитор карздорлик мавжуд эмас, ЕИСВО дастурида

эса тўлов қилинган сумма АҚШ долларидан еврога кайси асосли ҳужжат буйича конверсия қилиб кўрсатилганлигини банкдан сўраганимизда асосли ҳужжат тақдим қила олмади ҳамда ЕИСВО дастурида бундай вазиятда еврони Долларга 1.1872 коэффициентда конверция килиниб олинган бу коэффициент бошқа контрактларда ҳам кўзатилди бўлмасам ҳаммасини санаси хар хил бўлсада битта коэффициентда дастур ўзи алмаштириб олмоқда бу қачонги курс хеч ким билмайди ҳозирги кунда курс ҳар куни ўзгармоқда 37-сон БҲХС «Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар»га кура валюта операциялари ўша кунги курс буйича амалга оширилади ҳисобот даври охиридаги курсда функционал валютага ўтказилади бу дебитор ёки кредитор қарзнинг валюталар курслари фарқидан зарар ёки даромаднинг фойда солиғи ҳисоблашда, хомашё ва товарларни таннархига таъсир килади

Аниқлаштирилганда импорт контракти қайси валютада тузилган бўлса шу валютада ҳисоб китоб қилиниши керак экан шундай булса ҳам ЕИСВО дастуридаги 1.1872 коэффициентда конверсия ҳар куни ўзгариб боришини ҳисобга олиб масаланинг ечими сифатида 2020 йил 28 апрель ПҚ-4699 сон Президент Қарорининг 13 бандига асосан ушбу ноаниқликларнинг бартараф этилиши учун **Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги** ЕИСВО дастурини тузатувчиси «SBS-Infosoft» МЧЖ ёки «Wings Distribution» МЧЖ га тегишли курсатма бериши керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сон қарори

2.Ташқи савдо операциялари устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида низом

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрель ПҚ-4699 сон Президент Қарори

4. https://buxgalter.uz/

5. https://www.google.com/

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.02.2020 й. ПҚ-4611-сон "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.09.2017 й. ПФ-5177-сон "Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони

СамДУ "Инсон ресурсларини бошқариш"факультети докторантлари А.М.Амиров, Б.Қўзибоев

Рақамли иқтисодиёт шароитида туристик салоҳиятни баҳолашнинг назарий-услубий асослари

АННОТАЦИЯ

Туристик фаолиятнинг устувор йўналишларини баҳолаш, унинг истиқболини белгиловчи ва рақобатбардош туристик маҳсулотни яратувчи туристик ва рекреацион ресурсларнинг мавжудлигини ва улардан фойдаланишни тадқиқ этишни тақозо этади. Шунга асосан «туристик салоҳият» ва «туристик - рекреацион» тушунчаларини аниқлаштириш, шунингдек, ҳудуднинг туристик салоҳиятни баҳолашда комплекс ёндашувларни тизимлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Калит сўзлар: ҳудуднинг туристик салоҳияти**,** ҳудуднинг табиий салоҳияти**,** туристик-рекреацион салоҳият, комплекс баҳолаш усули**,** хусусий ва интеграл баҳолаш.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши туризмнинг ривожланиши билан тобора кўпроқ боғлиқдир. Бунда у нафақат рекреацион-туристик ихтисослашган ҳудудларнинг, балки кўп тармоқли, шунингдек табиий-иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларда қулай бўлмаган ҳудудларнинг иқтисодий ўсишининг реал омили бўлиб хизмат қилади. Туристик салоҳиятни баҳолашнинг назарий-услубий ёндашувларини ишлаб чиқиш муаммоларига бағишланган хорижий муаллифларнинг тадқиқотлари кўп йўналишли тавсифга эга бўлиб, у ёки бу усуллар ёрдамида қўлланилиб келинмоқда

Бу борада В.С.Орлова «туризм салоҳияти» маълум бир ҳудудда туризм фаолиятини ташкил этишнинг табиий, маданий-тарихий ва ижтимоий-иқтисодий шартларининг умумийлиги сифатида қаралиши лозим деб таъкидлайди [7]. Г.Н.Захаренко туризм салоҳиятини ушбу ҳудудда қизиқиш уйғотадиган, туристик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш учун туристик фаолиятнинг асоси бўлган, шунингдек, ушбу ҳудуднинг барқарор иқтисодий ривожланиш принципларига мос келадиган туристик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишни бошқариш, назорат қилиш ва ривожлантириш учун зарур бўлган турли хил моддий ва номоддий салоҳиятларнинг йиғиндиси сифатида изоҳлайди [3].

О.В.Серова ва А.Ю.Кулагин фикрича, ҳудуднинг табиий салоҳияти - уни шакллантирувчи табиий шароит ва ресурсларнинг уйғунлашувидан иборатдир [10]. М.А.Кривуля ҳудуднинг туристик салоҳияти моҳиятини аҳоли саломатлигини яхшилаш, меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш ва туризм соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган, турли хил туристик ва рекреацион хизматларни тақдим этишда маданий-тарихий ва ижтимоий-

иқтисодий шартларни ҳисобга олган ҳолда, маълум бир ҳудуднинг иқтисодий, ташкилий, инвестицион, ахборот, илмий-техник, табиий ва бошқа ресурсларнинг йиғиндиси сифатида талқин этади [4].

А.И.Литвакнинг таъкидлашича, туристларни жалб қилиш, дам олиш ва саёҳат пайтида уларнинг эҳтиёжларини қондиришни таъминловчи туристик-рекреацион ресурслар ва туризм инфратузилмаси объектларининг яхлитлиги, шунингдек туристик-рекреацион кластерни шакллантириш туристик-рекреацион салоҳият моҳиятини ўзида акс эттиради [5].

С.С.Хлебников табиий-ресурсли ва тарихий-маданий салоҳият (барқарор таркибий қисмлар), инфратузилма ва атроф-муҳит (мослашувчан), меҳнат ва молиявий салоҳият (ўзгарувчан) туристик ҳудудларнинг ресурс салоҳияти таркибини ташкил қилади, деб аниқлик киритади [11].

Н.В.Святохо ҳудуднинг туризм салоҳиятини табиий, тарихий-маданий объектлар ва ҳодисалар, шунингдек, маълум бир ҳудудда туристик фаолиятни ташкил этиш учун ижтимоий-иқтисодий ва технологик шарт-шароитларнинг йиғиндиси сифатида белгилайди [9].

А.В.Виноградов “ҳудуднинг туристик салоҳияти - иқтисодиёт, унинг тармоқлари, корхона ва ташкилотларнинг туристик маҳсулотни шакллан-тиришдаги ва туристик хизматларга бўлган эҳтиёжларни қондиришдаги қобилиятидир” деб таърифлайди. Шунингдек, у ҳудуднинг туристик салоҳияти - ушбу ҳудуднинг ресурс салоҳиятини ўз ичига олган мураккаб тизим бўлиб, ҳудуддаги туристик дестинациялар жозибадорлигини ифодаловчи табиий-иқлим ва маданий-тарихий омиллар уйғунлигидан иборат деб таъкидлайди [2].

Бизнинг фикримизча, туризм салоҳияти тўғрисида энг тўлиқ таъриф А.С.Лобанов томонидан берилган бўлиб, бу - ҳудуддаги туристик-рекреацион фаолиятнинг турли хавф-хатарлари доирасидаги моддий ва номоддий ресурсларнинг умумий жамланмасидир деб ифодалайди. Ушбу муаллиф фикрига кўра, моддий ресурсларга - туристик ва рекреацион инфратузилмани ташкил этувчи табиий ресурслар, номоддий ресурсларга эса - ҳудудий (маҳаллий) ҳокимият, туристик ташкилотлар ва дам олиш ҳамда туризм муассасаларнинг обрў-эътибори, тарихий-маданий мерос, ҳудуддаги инновацион фаолият киради. Ҳудудий хавф-хатар деганда, туристик хизматлар бозори шаклланаётган ёки ривожланаётган ҳудудда (табиий, иқтисодий, ижтимоий) юзага келиши ёки бўлмаслиги мумкин бўлган салбий ҳодисалар тушунилади [6].

Шундай қилиб, аксарият муаллифлар томонидан “туристик салоҳият – бу туристлар эҳтиёжини қондириш мақсадида туристик маҳсулотни шакллантирувчи ҳудудий табиий-ресурслар салоҳиятидир” деган таъриф келтирилади. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳудуднинг туристик салоҳияти нафақат табиий-ресурсларга боғлиқ бўлиб, балки рақобатбардош туристик маҳсулотни яратишга имкон берувчи ушбу ресурсларни самарали бошқариш ҳам унинг шаклланишида муҳим рол ўйнайди.

Шунга асосан, ҳудудий ресурсларни табиий келиб чиқиш белгилари ва бошқарув шаклларига қараб тизимлаштириш мақсадга мувофиқдир. Табиий

шаклланадиган туристик ресурсларга, ҳудуднинг табиий, тарихий, маданий, иқлимий, демографик ва экологик ресурсларни, бошқарув тавсифидаги туристик ресурсларга эса иқтисодий, ижтимоий, инфратузилмали ва ишлаб чиқариш ресурсларини киритишимиз мумкин.

Юқорида айтилганларга асосланиб, биз “туризм салоҳияти” тушунчасини - рақобатбардош туристик маҳсулотни яратишга ҳисса қўшадиган, ҳудуднинг табиий шаклланган ва бошқарув тавсифидаги ресурсларнинг йиғиндиси сифатида ифодалашимиз мумкин.

Туризмнинг ривожланиши, ҳудуднинг барча ресурслар тўпламига боғлиқлигига асосланиб, биз ҳудудий туристик салоҳиятни баҳолашнинг услубий қоидаларини янада батафсилроқ кўриб чиқиш зарур деб ҳисоблаймиз. Ҳудудларнинг туристик салоҳиятини баҳолашнинг мавжуд усулларини ўрганиш шуни кўрсатдики, уларнинг аксарияти комплекс ёндашув асосида шаклланган. Ушбу ҳодиса жараёни шуни изоҳлайдики, туризм - ҳар хил хизмат турларини бирлаштирувчи мураккаб таркибга эга бўлган соҳадир. Шу сабабли, маълум бир ҳудудда туризм фаолиятини ташкил этиш нафақат хизмат кўрсатиш соҳасини, балки туристик хизматлар бозорини шакллантиришга ҳисса қўшадиган тармоқларни ривожлантиришни талаб қилади ва бу ўз навбатда ҳудудий туризмни баҳолашда комплекс ва тизимли ёндашувни талаб қилади.

Салоҳиятли туристик-рекреацион ҳудудларини ўрганишнинг классик баҳолаш усули Ю.А.Веденин тадқиқотида келтирилган бўлиб, у дам олишни ташкил қилишнинг табиий шароитларини комплекс баҳолаш методологиясини тақдим этади. Унда асосий эътибор мавжуд имкониятлар, қулай иқлим шароитлари, қуёш нури, денгиз ёки кўлларнинг иссиқлик хусусиятлари, ҳаво намлиги ва бошқаларга қаратилган. Ҳар бир табиий омил 0 дан 5 баллгача бўлган шкалада баҳоланган [1].

С.Хлебников томонидан тақдим этилган комплекс баҳолаш усули, ҳудуднинг салоҳият жиҳатлари нуқтаи назаридан таҳлил қилишга асосланган (1-расм):

1. табиий ресурс ва тарихий-маданий;
2. ижтимоий-иқтисодий;
3. инфратузилма;
4. ишчи-ходимлар (кадрлар)



1-расм. Туристик ҳудудларнинг ресурс салоҳиятини баҳолаш [11].

Таҳлил қилинган ҳудуднинг ҳар бир салоҳияти учун математик ҳисоб-китоблар олиб борилади, шунингдек ушбу усулда анкета ва эксперт баҳолаш усули ҳам қўлланилади.Ушбу усулнинг камчиликлари, таҳлил қилинадиган маълумотни тўплаш ва ҳисоб-китоб қилишнинг мураккаблигини ўз ичига олади.

Шунингдек, яна бир муаллиф В.С.Орлова, туристик марказнинг имиджи, туристик инфратузилмани ривожлантириш, транспортнинг очиқлиги ва ҳудуднинг экологик хавфсизлиги, ушбу ҳудудга туристнинг иқтисодий қизиқиши, туристнинг хавфсизлиги каби мезонларга асосланиб ҳудуднинг туристик салоҳиятини интеграл кўрсаткич ёрдамида баҳолайди [7].

М.А.Кривуля таклиф этган усулда туристик салоҳиятни баҳолаш бир неча босқичларда амалга оширилади: 1)баҳолаш объектининг шаклланиши – табиий элементлар, уларнинг таркиби ва хусусиятлари; 2) баҳолаш субъектини аниқлаш; 3)субъектни тадқиқ этиш кўлами, мақсади ва хусусиятлари билан белгиланадиган баҳолаш мезонларини шакллантириш 4) баҳолаш шкалалари параметрларини ишлаб чиқиш; 5) хусусий ва интеграл баҳолаш кўрсаткичларига келтириш [4].

А.В.Виноградов ҳудуднинг туристик салоҳияти сифатини аниқлаш усулларига асосланган баҳолаш методикасини таклиф қилади. Бир қатор ёндашувлар каби, бу баҳолаш усули умумлаштирувчи кўрсаткичларни ажратиб кўрсатиш тамойилига асосланади. Буни амалга ошириш ўрганилаётган объектларни гуруҳлаш, таққослаш, потенциал туристлардан интервью олиш ва балл усулидан фойдаланиш орқали таъминланади [2].

Муаллифлар В.Г.Прудский, Л.Г.Буримова, Д.П.Голиков таклиф этган услубда ҳудудларининг туристик ва рекреацион салоҳиятини баҳолашнинг 51 индикаторларидан фойдаланилади ва улар 4 та ресурс гуруҳларига бирлаштирилган: соғлиқни сақлаш, инфратузилма, маданий ва табиий. Ушбу усулнинг афзаллиги катта ҳажмдаги кўрсаткичларни статистик таҳлил

қилишдаги имконияти бўлиб, уни қўллаш объективлик даражасини оширади [8].

Шундай қилиб, туризмни ривожланишига таъсир этувчи субъектив омилларни ҳисобга олган ҳолда, туристик салоҳиятни баҳолашнинг мавжуд усуллари комплекс ёндашувга йўналтирилганлигини қайд этиш мумкин. Албатта, аксарият муаллифлар таъкидлаганидек туризмни ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири бу табиий ресурсларнинг мавжудлиги ва бойлигидир.Туризм салоҳиятини баҳолашдаги мураккаблик унга алоқадор бўлган тармоқларнинг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлиб, ҳудудий туризмнинг шаклланишига таъсир этади ва шу билан бирга туризм саноатининг ҳудуд иқтисодиётига бўлган синергетик самарасини белгилайди. Бу эса ҳудудий рақобатбардошлик даражасини шакллантиришда туризм соҳасининг муҳим аҳамиятга эга эканлигини англатади.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган усулларда универсал тамойилнинг йўқлиги, хўжалик юритишнинг махсус тартибларига эга ҳудудларнинг туризм салоҳиятини баҳолашда қўллаш имконини бермайди. Шунинг учун туристик салоҳиятни баҳолашда унинг ҳудудий хусусиятлари ва ривожлантиришнинг ўзига хос шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда услубий қоидаларни қўллаш лозим.

Фойдаланган адабиётлар

1. Веденин Ю. А. Оценка природных условий для организации отдыха / Ю. А. Веденин, Н. Н. Мирошниченко // Изв. АН СССР. Сер. География. – 1969. – № 4. – С. 8–23.
2. Виноградов А.В. Методические основы управления туристическим потенциалом региона - СанктПетербург, 2010. – 22 с.
3. Захаренко Г.Н. Туристский потенциал региональной дестинации и эффективность его использования в индустрии туризма, Санкт-Петербург, 2011. – 23 с.
4. Кривуля М.А. Управление развитием туристического потенциала региона, Санкт-Петербург, 2012. - 20 с.
5. Литвак А.И. Интегральная оценка туристско-рекреационного потенциала региона , Кемерово, 2010. – 26 с.
6. Лобанов А.С. Развитие рынка туристических услуг Байкальского региона. Улан-Удэ, 2013. – 200 с.
7. Орлова В.С. Формирование, развитие и реализация туристического потенциала территории (на примере Вологодской области): автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук: 08.00.05 / Орлова Виктория Станиславовна. – Санкт-Петербург, 2011. – 26 с.
8. Прудский В.Г. Туристский потенциал регионов Российской Федерации : понятие, структура, оценка / В.Г. Прудский, Л.Г. Бурылова, Д.П. Голиков; Перм. гос. ун-т. – Пермь, 2005. – 77 с.

9. Святохо Н.В. Концептуальные основы исследования туристического потенциала региона / Н.В. Святохо // Экономика и управление. – 2007. – №2. – С. 30–36.
10. Серова О.В. Оценка ландшафтного туристско-рекреационого потенциала Республики Татарстан и Республики Башкортостан / О.В. Серова, А.Ю. Кулагин // Изв. Самар. науч. центра РАН. – 2006. – № 2. – Т. 8. – С. 574579.
11. Хлебников С.С. Интегральная оценка туристско-рекреационного потенциала региона, Сочи, 2013. – 27 с.

Шерзод Холмуродович Пардаев –
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти докторанти
+998939980173 *sherzodpardayev0782@gmail.com*

Рақамли иқтисодиёт шароитида ҳудудий товар-моддий ресурслар ҳаракатининг асосий шакллари ва босқичлари.

Аннотация: Ушбу мақолада товар-моддий ресурслар ҳаракатининг асосий шакллари ва босқичларининг қайта ишлаб чиқариш объектларига етказиб бериш билан боғлиқ кўп босқичли жараёнлардаги ўрни, аҳамияти ва уни такомиллаштириш имкониятлари ҳақида мулоҳазалар юритилган ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: Товар-моддий ресурслар, товар-хомашё бозори, транзит шакл, омбор шакл, саноат ва истеъмол маҳсулотлари.

Тарихдан маълумки товар-моддий ресурсларнинг ер юзининг барча ҳудудларда текис тақсимланмаган. Жамиятимизнинг шиддат билан ривожланаётган даврида бундай муаммога дуч келмасликнинг умуман иложи йўқ.

Шу мақсадда 2020 йил 1 майда ПҚ-4702-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳудуларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Шунга мувофиқ, биринчи марта туман ва шаҳарлардаги иқтисодий кўрсаткичлар, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш муҳити, инфратузилма ва мавжуд ресурслардан фойдаланиш даражаси ўрганиб чиқилди. Таҳлиллар асосида улардаги ушбу ривожлар ҳолати “яхши”, “ўрта” ва “қониқарсиз” ҳудудларга ажратилган. Хусусан, 48 та туман ва шаҳарлардаги ҳолат “яхши”, 119 тасида “ўрта” ва 33 тасидаги ҳолат “қониқарсиз” деб топилган. Баъзи таҳлилий хулосаларда республикамиз ҳудуларидаги мавжуд муаммолар бўйича “яшил”, “сариқ” ва “қизил” ҳудудларга тоифаланмоқда ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш масалалари кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабр куни Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатида “... **Учинчидан**, товар

ва молия бозорларида эркин рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда тадбиркорларга хомашё сотиб олиш учун тенг имкониятлар яратиш зарур. ...**Тўртинчидан**, иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат зоналарини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилади. Горвард университети тадқиқотларига кўра, мамлакатимиз 50 дан ортиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда барча имкониятлар ва нисбий устунликларга эга. Айниқса, нефтгаз-кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ҳамда "яшил иқтисодиёт" билан боғлиқ саноат тармоқлари иқтисодиётимиз "драйверлари"га айланиши учун барча етарли шароитлар мавжуд" деб эътироф этган ҳолда, республикамиз ҳудудларнинг ривожланиши учун муҳим омиллардан бири бу — уларнинг ўртасида транспорт-логистик алоқани таъминлаш эканлигини, барча аҳоли пунктларидан пойтахтимизга, энг йирик саноатлашган шаҳарлар ва ҳудудларнинг ўзаро иқтисодий алоқа қилиш имкониятини берадиган, ўзаро боғланган транспорт тармоғини яратишимиз лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, хомашёни қайта ишловчи корхоналарни ташкил этиш ва товар моддий ресурсларни айнан ўша ҳудудда ишлаб чиқариш, аҳолининг мавжуд эҳтиёжларини максимал даражада қондириш ва ишсизлик даражасини айнан шу масала орқали камайтиришга ҳисса қўшиш ҳудудий товар-моддий ресурлар ҳаракатини ташкил этишда бозор механизмларини ишлаб чиқиш шартлигини келтириб чиқаради.

Ҳудудларда ишлаб чиқариш ва товар ҳаракати муомаласини ташкил этиш муаммоларини ҳал этишда маркетинг воситаларидан фойдаланиш ҳудудни иқтисодий тизим сифатида намойиш этиш заруратини туғдиради.

Ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга товар-моддий ресурсларни илгари суриш ишлаб чиқариш ва истеъмол шартларига, етказиб бериш усулларига, молиявий фаолиятни ташкил этиш ва бажарилишига қараб фарқ қилади. Ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш борасида товар-моддий ресурсларнинг ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига ўтишининг ўзига хос хусусиятларига асосланиб, улар ишлаб чиқариш воситалари ҳаракатланишининг асосан транзит ва омбор шакллари фарқланади.

Транзит шакл асосан оралиқ омбор алоқалари иштирокисиз ишлаб чиқариш воситаларининг тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига ўтишини назарда тутади. Маҳсулотларни транзит орқали сотиш ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китобларда тижорат воситачилар иштирокида ёки улар иштирокисиз амалга оширилади. Бундай ҳолларда, биз товарлар ҳаракатининг бу шаклини товар оқимларини тақсимлаш тизимидаги асосий элемент эмас, балки талабни таъминлашдаги роли нуқтаи назаридан кўришимиз мумкин бўлади.

Таъминотнинг омбор шакли бизга белгиланган транзит меъёрларидан қатъий назар корхоналарнинг эҳтиёжларини қондиришга имкон беради, бу шакл асосан корхоналарнинг кичик ва ўрта бўғинлари учун анча қулайдир. Бу

шакл товар истеъмолчиларига кераксиз ресурларни яратмасдан, ҳақиқий эҳтиёж билан чамбарчас боғлиқ ҳолда керакли маҳсулотларни буюртма қилиш ва олиш имконини беради. Бу ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида товарлар ҳаракатида иштирок этувчи оралиқ бўғиннинг, яъни омборлардан зарур товар-моддий ресурслар бир марталик етказиб бериш ҳажми ва унинг айланиш даражасини чекламасдан олиб кириладиган воситачи корхонанинг пайдо бўлиши билан таъминланади.

Шунингдек товар ҳаракатининг омбор шакли ишлаб чиқариш корхоналарига зарур бўладиган моддий ресурсларни ўз вақтида етказиб беришнинг тўлиқ масалаларини ҳал қилади ва керакли товарларни етказиб бериш муддатларини аниқроқ мувофиқлаштиришга имкон яратади. Товар ҳаракатининг бу шаклида истеъмолчилар керакли воситаларни турли етказиб берувчилардан эмас, балки аниқ битта етказиб берувчи воситачи хизматидан фойдаланадилар. Шу билан бирга етказиб беришнинг омбор шакли ҳам маълум камчиликлардан холи эмас, бунинг сабаблари шундакаи, истеъмолчи корхоналар омборлардан, воситачи ташкилотларнинг дўконлари ва базаларидан ишлаб чиқариш воситаларини етказиб бериш, уларни сақлаш ва қайта ишлаш учун қўшимча харажатларни ўз зиммасига оладилар, бу эса ўз навбатида маҳсулот таннархининг ошишига олиб келади.

Ишлаб чиқариш воситаларининг ҳаракат усуллари ёки шакллари билан бир қаторда, ассортимент, сифат, вақт ва бошқалар бўйича етказиб бериш шартларини келишиш шаклларини, шунингдек ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги шерикчиликнинг давомийлигини ажратиб кўрсатиш керак. Бу эса ўз навбатида ўзаро муносабатларнинг кўп йиллик давом этадиган ишончли ва барқарор давом этишига кафолат беради. Истеъмолчилар учун иқтисодий алоқаларнинг барқарорлиги уларнинг зарур ишлаб чиқариш воситаларига бўлган эҳтиёжларини узлуксиз қондириш, заҳиралар ва улар билан боғлиқ харажатларни камайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва бошқалардан иборатдир.

Хулоса ўрнида, замонавий иқтисодий тизимда ҳудудий ишлаб чиқариш билан боғлиқ иқтисодий алоқаларнинг энг мураккаб жараёнларини соддалаштиришни, товар-моддий ресурсларни ўз истеъмолчиларига ўз вақтида етказиб бериш(Jast-in-Time) тизимини такомиллаштиршни, тарқатишнинг ва товар ҳаракатининг умумий харажатлари ва ишлаб чиқариш харажатларини минималлаштиришга имкон берадиган мавжуд муаммоларни бартараф этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ МАЗМУНИ ВА УНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ЎРНИ ХУСУСИДА

и.ф.д., Шадиева Г.М.
Самарқанд Иқтисодиёт ва Сервис институти

Рақамли иқтисодиёт турли мамлакатлар ва минтақаларда бир хил меъёрда ривожланаётгани йўқ, рақамли иқтисодиёт янги имкониятларни яратиш билан бир қаторда рақамли платформаларда муваффақиятли бизнес юритиш учун тўсиқларга ҳам дуч келиб уларни енгиб ўтиш йўлларини топиш лозим бўлади.

Инновацион иқтисодиёт шароитда истеъмолчи учун маълумотлар қиймат яратиш ва бошқа технологик даражада ишбилармонлик фаолиятини яратишга имкон берадиган янги ишлаб чиқариш омилига айлантирилмоқда. Шу муносабат билан рақамли иқтисодиётга ўтиш билан боғлик масалалар бугунги кунда барча дунё олимлари томонидан ўрганилган энг муҳим мавзулардан бирига айланмоқда. Сўнгги йилларда бизнес ва ижтимоий соҳа фаолиятида ривожланишнинг янги тўлқини рақамли технологияларнинг янги авлоди, яъни сунъий онг, робототехника, симсиз алоқа технологиялари ёрдамида рўй бермоқда. Бизнесни ва ташкилотларнинг нотижорат фаолият йўналишларини рақамлаштириш динамикаси жуда паст даражада кузатилмоқда. Шуни эътироф этиш лозимки, сўнгги ўттиз йил давомида ривожланган мамлакатларда иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамлаштириш давом этмоқда.

Мамлакат иқтисодиётини рақамли ўзгартириш йўлидаги асосий муаммоларни аниқлаш, шунингдек, рақамли маълумотларга асосланган бизнес моделларини аниқлаш зарурати бугунги кунда мавзунинг долзарблигини белгилайди.

"Рақамли иқтисодиёт" атамасининг аниқ таърифи мавжуд эмас (инглиз рақамли иқтисодиётидан) ва турли олимлар ушбу концепцияни изоҳлашга турли позициялардан ёндашмоқдалар. Хусусан, Бабкин, А.В “рақамли иқтисодиётни ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимини ўзгартирадиган технологиялар тўплами сифатида белгилайди” (Бабкин, 2019)

Бошқа олимлар (Черных, 2018; Акаткин ва бошқ., 2017) рақамли иқтисодиётни инновацион иқтисодий ўсишни рағбатлантириши мумкин бўлган юқори технологик элементлар тизимидир деб таъриф берадилар

Рақамли маълумотлар рақамли иқтисодиётнинг асосий таркибий қисмларидан биридир. Шуни таъкидлаш керакки, глобал Интернет Протокол (ИП) трафиги, маълумотлар оқими учун прокси 1992 йилда кунига 100 гигабайтдан (ГБ) 2017 йилда секундига 45000 Гб дан ошди ва дунё фақат маълумотларга асосланган иқтисодиётнинг дастлабки кунларидадир. Шу йўсинда 2022 йилга келиб глобал ИП-трафик секундига 150,700 Гбайтга этказилиши прогноз қилинмоқда86

Рақамли маълумотлар оқими бизнес учун муҳим манбага айланмоқда ва дунёда рақамли иқтисодиётни барпо этишнинг биринчи босқичини белгилайди.

Рақамли инфратузилма - бу рақамли шаклланишига имкон берадиган технологиялар ва ускуналар тўплами ҳисоблаш ва телекоммуникация воситалари, рақамли бозорлар, электрон тармоқларни ўз ичига олган космик майдонлир. Шуни эътироф этиш керакки, рақамли инфратузилма рақамли иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади, чунки у маълумотларни узатиш учун рақамли тармоқларни, машиналар ва жиҳозларнинг бирлашувини таъминлайдиган, ишлайдиган ускуналар нархини пасайтиришга ва фойдаланувчиларни сақлашга имкон беради. Рақамли инфратузилманинг кучи ҳозирги жараёнларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, янги технологияларни ривожлантириш ва такомиллаштириш учун талаб қилинади.

Рақамли тафаккур одамларнинг мавжуд ва янги муаммоларни ҳал қилиш, маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, истеъмолчиларнинг афзалликларини кузатиш, оригинал ечимларни яратиш, мижозлар ва шериклар билан ўзаро алоқада бўлиш ва ҳ.к. бунинг натижада ҳамма жойда рақамли фикрлашни ривожлантиришга олиб келади рақамли шаклланишига ёки

Мутахассисларнинг катта қисми ахборот ва билимларни бошқариш соҳасида ишлайдиган "ақлли" жамият.

Истеъмолчи учун қиймат яратиш нуқтаи назаридан энг кўп эътибор берилиши керак бўлган рақамли иқтисодиётнинг таркибий қисмларидан бири бу рақамли платформалар бўлиб, улар ўзгарувчилар тўпламининг ўзаро

[86] https://1economic.ru/lib/41294

таъсирини ва рақамли маълумотларга асосланган аниқловчи бизнес моделлари бўлиб ҳисобланади.

Доимий ишлаб чиқиш ва янги рақамли платформаларни жорий этиш кейинги бозор сегментини тўлдиришга ва рақобатдош устунликларга эга бўлишга қаратилган.

Рақамли платформалар иккита асосий гуруҳга бўлинади: тижорат ва нотижорат. Нотижорат платформалар фойда олишга йўналтирилмаган ва ҳар хил турдаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган. Тижорат рақамли платформалар орасида электрон тижорат платформалари воситачилар сайтлари орқали ҳам, тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчидан ҳам кенг тарқалган.

Рақамли платформалар бир қатор рақамли корпорациялар учун бизнес юритишнинг асосий усулига айланди. Бундан ташқари, ижтимоий рақамли платформалар, электрон тўлов тизимлари, таълим ва инвестиция платформалари сезиларли даражада ривожланди.

Рақамли маълумотлар ва платформалар асосида яратилган бизнес барча томонлар учун: ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар, харидорлар, воситачилар учун жозибадорлигини аниқлаштириш керак аниқ етарли бўлиши лозим.

Рақамли бизнесни ривожлантиришнинг афзалликлари қуйидаги турли хил ижтимоий-иқтисодий ва технологик муаммоларни ҳал қилишда аҳамият касб этади, жумладан:

- бизнес соҳасига сармояларни жалб қилиш;
- янги маҳсулотлар ва янги бозорларнинг пайдо бўлиши;
- Бизнес юритиш нархини пасайтириш;
- рақобатнинг кучайиши;
- янги касблар ва иш ўринларининг пайдо бўлиши;
- Меҳнат унумдорлигини ошириш;
- солиқларнинг кўпайиши;
- инновациялар тарқалишининг кучайиши;
- инновацион ўсиш ва бошқалар.

Ушбу афзалликлар компанияларнинг бизнес жараёнларини рақамлаштиришга бўлган интилишини олдиндан белгилаб беради, аммо аксарият корхоналари конвертация қилишда кўплаб муаммоларга дуч келмоқдалар.

Жиддий жисмоний мавжудликни талаб қилмайдиган корхоналар тўлиқ ва нисбатан осонликча рақамли платформаларга (хизматлар, банк ва молиявий операциялар, дастурий таъминот ва дастурларни ишлаб

чиқиш, кўнгил очиш бизнеси ва бошқалар) ўтишади. Кўпчилик ҳали бизнес жараёнларини бошқариш тизимларини автоматлаштирмаган, унчалик мослашувчан бўлмаган саноат корхоналари анча орқада қолмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлайдиган компаниялар, ҳеч бўлмаганда истеъмолчилар билан ўзаро алоқалар даражасида рақамлаштиришга интилмоқда. Маҳаллий, юқори даражада ихтисослашган кичик фирмалар ўзларининг иш унумдорлигини ошириш учун ўз бизнесларини тиклаш учун ечимлар қидирмоқдалар.

Бизнинг фикримизга кўра, биринчи навбатда мамлакатимизнинг рақамли иқтисодиётга ўтишини таъминлаш учун қуйидаги–муаммоларни ҳал қилиш лозим:

-меъёрий-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш,

- мутасадди ташкилотлар билан биргаликда тадқиқотлар олиб бориш,

- соҳа учун кадрлар тайёрлаш,

-бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар ҳажмини кўпайтириш (айниқса, инновация), шунингдек, рақамли фикрлашни ривожлантириш зарурати киради

Ривожланган мамлакатларда кичик ва ўрта бизнес иқтисодий ривожланишнинг асосига айланмоқда, ҳозирги пайтда Россияда кичик миқдордаги кичик компанияларнинг мақсади омон қолишдир.

Рақамли даражага ўтиш учун барча корхоналар ички бизнес жараёнларини, шу жумладан маркетинг, режалаштириш, логистика жараёнларини, ишлаб чиқаришни ва бошқаларни ўзгартириш зарур.

Ташкилот мижозга қандай қилиб қиймат яратишини, у билан ўзаро алоқада бўлишини ва бизнеснинг рентабеллигини таъминланишини тушунишга имкон беради.

Рақамли иқтисодиётда инновацион технологияларни яратиш ва ривожлантириш орқали янги бизнес моделлари пайдо бўлмоқда. Кўпинча бизнеснинг янги моделларининг асосий элементи интернет имкониятларидан кенг фойдаланиш ҳисобланади.

Инновацион бизнес моделлари доимо турли соҳаларда пайдо бўлади: таълим, соғлиқни сақлаш, энергетика, банк тизими, меҳнат бозори, логистика ва бошқалар. Шу билан бирга, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун зарур бўлган инновацион стартапларни яратиш

муаммоларини, шу жумладан хусусий инвестиция капиталининг етишмаслиги ва ваколатли кадрларнинг юқори нархини ҳисобга олиш керак.

Кўпгина янги бизнес моделлари охирги истеъмолчига ёки фойдаланувчига киришни таъминлашга интилади. Янги компаниялар рақамли технологиялар орқали истеъмолчилар учун қўшимча қиймат яратишга мойилдирлар.

Рақамли иқтисодиётда янги ҳам, мавжуд ташкилотлар ҳам фойдаланиши мумкин бўлган қуйидаги бизнес моделларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- электрон тижорат - рақамли электрон тижорат платформаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш Амазон, Алибаба бошқалар;
- Фойдаланувчилар учун имтиёзларга харажатларни тежаш, муаммони кўриб чиқиш учун турли мутахассисларни жалб қилиш ва ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш киради.
- бепул хизматлар - модел компаниянинг хизматларини бепул таклиф қилиш ва қўшимча хизматлар учун тўловларни олиш, масалан, веб-сайтга эълонни бепул жойлаштириш ва уни реклама қилганлиги учун ҳақ олиш асосида ишлаб чиқилган;
- шериклик - шериклар маҳсулотларини илгари суриш учун рақамли платформани яратиш.

хулоса

Назария ва амалиёт шуни кўрсатадики, иқтисодиёт муқаррар равишда ривожланиб боради ва у ёки бу тарзда анъанавий бизнес шаклларини ўзгартиришни талаб қилади. Рақамли маълумотларни фойдали даромадга айлантириш асосида янги бизнес моделлари пайдо бўлади.

Мавжуд шароитда, янада ривожланишни таъминлаш учун давлат ва коммунал хизматлар ишини рақамлаштиришга, тегишли меъёрий-ҳуқуқий базани ишлаб чиқишга, кичик ва ўрта корхоналарга инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун венчур капиталидан фойдаланиш имкониятини яратишга қаратилган ҳукуматнинг иштироки катта даражада талаб қилинади. Рақамли муҳитга ўтиш анъанавий тадбиркорликка хос бўлган бир қатор камчиликлар ва чекловларни бартараф этишга ёрдам беради ва ташкилотларнинг инновацион ривожланишини рағбатлантиради.

Проблемы с маркетинговыми исследованиями на мебельном рынке.

И.о.проф. кафедры маркетинга Мусаева Ш.А.

Аннотации

В этой статье при покупке мебельной продукции потребители используют широкий спектр информации, а именно: анализируют различную информацию, пытаются найти оптимальный вариант покупки, выбирают товар в соответствии со своим образом жизни, вкусом и способностями. Финансовые, технические, временные и психологические риски также принимаются во внимание, когда потребитель покупает продукт длительного пользования.

Ключевые слова: Рынок, продукт, потребитель, концепция, конкуренция, магазин, больница, ресторан, парикмахерская.

Согласно исследованию, при реализации маркетинга мебельной продукции нам пришлось изучить некоторые наши национальные особенности. То есть оказалось, что возможность и эффективность маркетинга существенно зависит от типа рынка, производимой и продаваемой продукции, масштабов конкуренции на рынке. В частности, важную роль играет отсутствие универсальных, стандартных, единых рекомендаций в применении концепции маркетинга, в практическом маркетинге все существенно различается в зависимости от внешних и внутренних факторов, потребительских характеристик.

В Узбекистане 5-6 лет назад в применении концепции маркетинга преобладал «валовой» подход, но сейчас широко применяется дифференцированный подход. Если проанализировать производимую мебельную продукцию по содержанию, 58% приходится на бытовую мебель, 39% - на корпоративную мебель и 3% - на прочую мебель. Значительная доля

в этом отношении составляет офисная мебель и специальная мебель для учебных заведений, магазинов розничной торговли, больниц, ресторанов, магазинов, складов, парикмахерских.

Анализ структуры производства мебели по регионам показал, что 52% бытовой мебели отправлено в Ташкент, 14% - в Ферганскую область, 10% - в Ташкентскую область, 47% офисной мебели - в Ташкент, 15% - в Самаркандскую область, 35% - в Ташкент. Кашкадарьинской области - 29%, Наманганской области - 20%.

Как было сказано выше, устойчивое развитие любой отрасли напрямую связано с производством и продажей товаров, которые только востребованы. Это, в свою очередь, требует эффективной организации маркетинговой деятельности сетевых предприятий, регулярного изучения мебельного рынка с учетом пожеланий потребителей, детального анализа факторов закупочного процесса. Технологические изменения, возрастающая роль социальных сетей, демографические изменения и рост покупательной способности женщин - ключевые аспекты, которые необходимо учитывать в маркетинговой работе производителей мебели и розничных торговцев. Мы сочли целесообразным сегментировать мебельную продукцию нашей страны на основе истории, культуры, обычаев, традиций и особенностей мебельной продукции при изучении их желаний.

Покупая мебельную продукцию, потребители используют широкий спектр информации, а именно: анализируют различную информацию, пытаются найти оптимальный вариант покупки, выбирают товар в соответствии со своим образом жизни, вкусом и способностями. Потребитель также принимает во внимание финансовые, технические, временные и психологические риски при покупке товара длительного пользования.

Только после того, как покупатель выяснит необходимость покупки бытовой техники, которая состоит из нескольких взаимосвязанных этапов,

можно будет приобрести и использовать ее. То есть общая необходимость заключается в решении следующих задач:

● определяет, какая мебель полностью удовлетворит его потребности;

● покупает товары на рынке, в фирменном магазине или в Интернете;

● В чем преимущества товара, каковы гарантии продавца, как долго этот товар можно использовать?

В какой степени СМИ влияют на покупку мебели: анализ показывает, что 52,5% населения покупают телевизор вместе с бытовой техникой, 43,1% - из рекламы в газетах и журналах, 49,7% - из посещений фирменных магазинов, 50,6% - из каталогов. использует брошюры.

Производителям мебели необходимо улучшить процесс позиционирования, чтобы получить конкурентное преимущество и обеспечить стабильное положение своей продукции на целевом рынке и в сознании потребителей, что явно отличается от продукции конкурентов. Предприятия в этой области прилагают значительные усилия для реализации маркетинговых мероприятий по формированию комплекса маркетинга. В результате возникает хромота в процессе позиционирования, которая играет важную роль в систематическом и эффективном ведении маркетинговой деятельности предприятий.

Неправильная организация процесса позиционирования производителей мебели может привести к следующим негативным последствиям:

- Если производитель не определяет позицию товара на рынке, в этом случае потребитель может выполнить эту задачу сам, и предприятие может не занять ожидаемую позицию и даже привести к формированию негативного имиджа;

- Специфика продукта, в которой четко не указаны особенности, отличающие его от конкурентов, или создание позиции, близкой к позиции конкурентов, - может служить отрицательно повлиять на потребителя, а не побуждать его к покупке продукта;

- Отсутствие четкой позиции продукта может затруднить формирование и согласованность маркетингового комплекса и даже привести к конфликту стратегий формирования каждого элемента маркетингового комплекса.

- Даже если позиция четко выбрана, но лимит узок, такая позиция может выступать в качестве силы, которая не позволяет компании расширять рынок существующих товаров и выводить на рынок новые продукты. Основная причина этого - использование единой стратегии бренда на предприятиях отрасли.

Исходя из вышесказанного, производители мебели должны сосредоточить внимание на двух основных направлениях при реализации процесса позиционирования:

- Определение точки соответствия или, другими словами, подобия позиционируемого продукта. То есть на основе исследования необходимо определить в сознании потребителей, какую категорию товаров предприятие отождествляет с товаром, а точнее, к какой категории оно относится. Это, в свою очередь, позволяет идентифицировать его прямых конкурентов на основе раскрытия специфики товарной категории.

- Определение точки дифференциации позиционируемого продукта. Это включает демонстрацию конкурентного преимущества продукта на основе выявления одной или нескольких отличительных черт, которые четко отличают его от конкурентов.

- Производители мебели должны учитывать следующие особенности отрасли, прежде чем позиционировать себя в вышеуказанных областях:

- Сложность производственного процесса и высокая отдача технологий. Производство современной мебели требует сложных технологий, что, в свою очередь, приводит к увеличению рыночной цены бренда.

- Длительность периода запуска производства мебели нового типа и модели. Средний срок запуска производства мебели новой модели крупными производителями мебели составляет 7-15 месяцев.

- Высокий спрос на качество продукции. Поскольку мебель - это продукт, который требует предварительного выбора, потребители ожидают, что продукт будет иметь длительный срок службы. Производители отрасли используют его для производства высококачественной фурнитуры, сохраняя при этом ее функциональные свойства, чтобы поддерживать высокий уровень качества продукции. По этой причине многие компании используют слова «качество» и «надежность» для позиционирования своей продукции.

Гарантийное обслуживание. Обычно стоимость гарантийного и послегарантийного обслуживания невысока, но в некоторых случаях может достигать 20-25 процентов от стоимости продукта. Также услуга послегарантийного сбора мебели может составлять до 10% от стоимости товара.

Потребитель тратит относительно много времени на выбор и процесс покупки товара. Маркетинговые исследования показывают, что на рынке потребительских товаров потребитель может потратить до 4 недель на выбор и покупку мебели.

Использованная литература:

1. Указ Президента Республики Узбекистан «Об организационных мерах по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы. 7 февраля 2017 года.

2. Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования». 20 апреля 2017 года.
3. Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-3655 «О мерах по совершенствованию системы оплаты труда работников высших и научных учреждений республики». 5 апреля 2018 г.
4. Зуб Анатолий Тимофеевич. Стратегический менеджмент: теория и практика. М .: Аспект Пресс, 2004.
5. Стручок красный. Львова Д.С., Гранберг А.Г. Стратегическое управление: регион, город, предприятие. М .: ЗАО "Экономикс", 2004 г.
6. Юлдашев Н.К., Болтабоев М.Р., Риксимбоев О.К., Ганиев Б.О. Стратегический менеджмент. Учебник.- Т .: ТГУ, 2003, С.102.
7. Косимова М.С., Ергашходжаева Ш.Ю. Маркетинг. - Т .: ТДИУ, 2004. - 260 с.
8. Беляевский И.К. Маркетинговые исследования: информация, анализ, прогнозирование. - М .: ФиС, 2004. - 164 с.
9. Дорошев В.П. Введение в теорию маркетинга. - М .: ИНФРА-М, 2000г.
10. Дойл Питер. Маркетинг - менеджмент и стратегия. / 3-е издание /. Перевод англ. под красным. Ю.Н.Каптуревского. - СПб .: Питер, 2002г.
11. Нормахматов Р.Н. Маматкулова Ш.Ю. Мусаева Ш.А. Учебное пособие по маркетингу Ташкент, 2013 г.
12. Ламбен Жан-Жак. Менеджмент, ориентированный на рынок. - СПб .: Питер, 2006. - 800 с.
13. Ергашходжаева Ш.Ю., Косимова М.С., Юсупов М.А. Маркетинг. Учебник. - Т .: ТДИУ, 2011. 202 с.
14. Портер М.Э. Конкурентное преимущество: как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость / Пер. s angl, E .. Калинина. - М .: Альпина Бизнес Букс, 2005, - 714 с.
15. Томпсон-мл., Артур, А., Стрикленд, 111, А., Дж. Стратегический менеджмент: концепции и ситуации для анализа, 12-е издание: пер. с англ. - М .: Издательский дом «Вильямс», 2003.
16. Бекмуродов А.Ш., Косимова М.С., Ергашходжаева Ш.Ю. Стратегический маркетинг. Учебник. 2010.-161 с.
17. Бекмуродов А.Ш., Косимова М.С., Сафаров Б.Ж., Мусаева Ш. Управление продажами. Учебник. - Т .: ТДИУ, 2007, 160-с.

ПОДГОТОВКА КАДРОВ В УСЛОВИЯХ МОДЕРНИЗАЦИИ И ЦИФРОВИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ

Старший преподаватель Самаркандского института экономики и сервиса
Ишонкулова Феруза Асатовна
Тел: 91 555 32 06
f_ishonkulova@mail.ru.

Аннотация: *В этой статье исследуется активизация процессов глобализации и цифровизации в высшем образовании и расширении учебных планов, повышения качества образования.*
Ключевые слова: *глобализация, высшее образование, платное образование, студенты, транснациональное образование.*
Annotation: *this article explores activation of global processes in higher education and broadening of educational plans, promotion of quality of education.*
Key words: *globalization, higher education, paid education, students, transnational education.*
Аннотация: Ушбу мақолада олий таълимдаги глобализация жараёнларининг фаоллашуви ва ўқув дастурларининг кенгайтирилиши**,** *таълим сифатининг оширилиши тўҳрисида тўхталиб ўтилган*
Калит сўзлар: *глобализация, олий таълим, пуллик таълим тизими, талабалар,трансмиллий таълим*

Глобализация как общемировой процесс является одной из основных сил, оказывающих влияние на формирование политики государств в различных сферах, включая и высшее образование. Уже в процессе обучения и развития перед человеком должны ставиться задачи учета глобальных процессов в мире, к которым ему необходимо научиться приспосабливаться. Важную роль в этом призвана сыграть система высшего образования, которая должна готовить специалистов для профессиональной деятельности в глобальном мире и управления глобальными процессами.

Среди основных причин активизации процессов глобализация в высшем образовании на современном этапе можно выделить: новые задачи, поставленные перед вузами формированием международного рынка труда, растущим значением информационных технологий и развитием экономики знаний; стремление отдельных государств и их интеграционных объединений воспользоваться преимуществами глобализации; действия образовательных организаций, направленные на решение их собственных задач, среди которых диверсификация предложения, рост финансовых поступлений через привлечение иностранных студентов на платное обучение; расширение учебных планов и обучение своих студентов в зарубежных вузах-партнёрах; расширение региональной сети вуза для эффективного использования своих ресурсов; повышение качества

образования и исследований за счёт участия студентов и преподавателей в международном процессе обмена знаниями и др.

Глобализация оказывает влияние на системы образования как напрямую (увеличение финансирования образования и науки, например в США, вызывает потребность в дополнительных инвестициях в эти области в странах Европы), так и косвенно (необходимость соответствия знаний и навыков, получаемых студентами, потребностям изменяющегося глобального рынка труда). Все высшие учебные заведения мира (университеты) в той или иной мере вовлекаются в процесс глобализации: одни – как субъекты, другие – как её объекты.

Глобализация – это трудный и противоречивый процесс, поэтому современные исследователи дают ему неоднозначные оценки.

Тем не менее нельзя не учитывать, что наступил такой момент исторического развития мировой сферы высшего образования, когда национальная обособленность вузов всё более вступает в конфликт с последствиями и перспективами глобализации экономики. Этот фундаментальный конфликт проявляется в различных вопросах:в признании университетских дипломов и специлизаций, процедурах международной аккредитации. Решение этих вопросов следует искать в таких формах глобализация высшего образования, как : мобильность студентов и преподавателей, интернационализация учебных планов, транснациональное образование, совместные программы, программы двойного и тройного диплома, различные виды торговли образовательными услугами. Эти формы глобализации можно рассматривать как пути решений международной интеграции национальных систем высшего образования.

Таким образом, глобализацию нельзя определить как исключительно отрицательное явление для организации университетского образования – её положительные следствия могут быть осознаны и использованы.

Управление процессами глобализации образования осуществляется различными международными институтами и организациями таких, как ООН, ЮНЕСКО, ОЭСР и другие.

Одной из ответных реакций высшего образования на процесс глобализации является развитие транснационального образования, создание транснациональных университетов и предоставление образовательных услуг на международном уровне. Под транснациональным образованием подразумеваются все виды программ высшего образования, или курсов обучения, или образовательных услуг, включая дистанционное образование, при осуществлении которых обучаемые находятся не в той стране, где расположен вуз, присваивающий квалификацию.

Транснациональное образование предлагает различные виды образовательных программ : от программ профессиональной подготовки ,переподготовки, курсов до программ получения различных квалификаций и даже учёных степеней.

Транснациональное образование знаменует собой реальный переход к этапу глобализации образовательных рынков, который сопровождается всеми проявлениями борьбы за рынки.

Спрос на высшее образование в мире ежегодно растёт на 6 % со значительным опережением услуг транснационального образования. Если транснациональное образование во всех формах в 2003 году получали более 2,0 млн студентов, то в 2025 году таковых ожидается 4,9 млн.

Образование становится трансграничным и благодаря применению вузами наиболее развитых стран разнообразных способов продвижения за рубежом собственных учебных программ в традиционной форме, в первую очередь путём создания представительств, филиалов и даже кампусов.

На сегодняшний день в Узбекистане таковыми являются филиалы в Ташкенте Вестминстерского международного университета, Сингапурского университета, американского Вебстерского университета, российского МГИМО и другие.

Основной причиной транснациональных университетов становится то, что всё больше вузов, расположенных в известных академических центрах, не удовлетворены количеством студентов, приезжающих к ним на обучение. С одной стороны, увеличение числа иностранных студентов привлекательно с экономической точки зрения, так как приносит вузу дополнительный доход. С другой стороны, вузы начинают испытывать определённые трудности, когда поток студентов из одной страны или региона становится таким большим, что его приходится ограничивать.

Исходя из вышесказанного, хотелось бы дать следующие рекомендации:

1.Транснациональное образование – это очевидный вызов национальным системам обеспечения качества образования. Исходя из позиции обеспечении прав потребителя, к нему необходимо применять процедуры лицензирования и оценки качества, проводить мониторинг функционирования университетов.
2.Быстрое развитие транснационального образования вызывает необходимость применения по отношению к этому явлению транснациональных форм и методов его регулирования, и должна носить систематический характер. Открытие филиалов иностранных вузов во всех областях нашего государства.

Использованная литература:

1.Послание Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева Олий Мажлису от 28.12.2020 года
2. Указ Президента Республики Узбекистан **«Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития** Республики Узбекистан с 2017-**2021 годах»** № УП-4947, г. Ташкент,7 февраля 2017 г.
3.Закон «Об образовании в Республике Узбекистан» от 23 сентября 2020 года
4.Актуальные вопросы развития образования в странах ОЭСР. Под ред. М.Ларионова М., 2015 год

Развитие сферы бытовых услуг в условиях цифровой экономики.

Артикова Шохида
докторант Самаркандкого института
экономики и сервиса
+99891527-44-82, artikova_1988@mail.ru
Бахриддинова Жасмина
студентка Самаркандского института
экономики и сервиса

Аннотация. В статье рассматривается ряд проблем, связанных с ролью и эффективным развитием сферы бытовых услуг в социально-экономическом развитии страны в условиях цифровой экономики.

Ключевые слова: сфера услуг, бытовые услуги, ценовая политика, уровень жизни, реформы, маркетинговая стратегия, востребованность.

Сфера услуг - важная составляющая национальной экономики нашей страны. Она играет достойную роль в социально-экономическом развитии страны, в частности, в удовлетворении потребностей, повышении уровня и качества жизни, формировании государственного бюджета. В качестве альтернативы, сектор услуг - это многоотраслевой и многопрофильный сектор.

Сегодня 49,8% занятых в экономике находятся в сфере услуг. Если проанализировать структурную структуру занятости в сфере услуг, большая доля приходится на такие виды деятельности, как оптовая и розничная торговля, образование, транспортировка и хранение, здравоохранение и социальные услуги.

В частности, в 2020 году в Самаркандской области произведено (оказано) услуг на 14 трлн 318,7 млрд сумов, темп роста по сравнению с аналогичным периодом прошлого года составил 102,6%. Объем услуг, оказанных малыми предприятиями и микро предприятиями, составил 2 трлн 379,8 млрд сумов, что на 95,1% по сравнению с аналогичным периодом прошлого года (16,6% от общего объема услуг по области). Объем услуг, оказанных населению индивидуальными предпринимателями, составил 7 трлн 509,9 млрд сумов, темп роста по сравнению с аналогичным периодом прошлого года составил 102,0% (52,5% от общего объема услуг по области).

В современных условиях инновационного развития экономики проводимые реформы будут направлены на повышение эффективности национальной экономики. Развитие сектора бытовых услуг, являющегося его неотъемлемой частью, является одним из важных направлений повышения качества жизни населения, удовлетворения его разноплановых потребностей.

На протяжении последних десятилетий сфера бытовых услуг прочно закрепила свои позиции в процессе воспроизводства ВВП. Ученые-аналитики считают, что спрос за последние годы на бытовые услуги

возрос порядком на 30%. Так как с***фера бытовых услуг, не только создает надежный пласт для трудоустройства населения, обеспечивает бюджет постоянным доходом, но и выступает одним из перспективных направлений бизнеса. Возросшая роль сферы бытовых услуг в обеспечении качества жизни населения, заставляет обратить большое внимание на данную сферу нематериального воспроизводства***

Бытовые услуги одним из первых предлагает потребителям новые качественные услуги и может охватить различные сферы бытовых услуг. Не будет преувеличением сказать, что с их появлением началась перестройка сферы бытовых услуг населению. ***Рынок бытовых услуг ежегодно расширяется, что обусловлено постоянным ростом потребности в новых услугах у населения.***

На современном этапе развития нашей экономики требования к количеству и качеству бытовых услуг растут. Бытовые услуги составляют существенную часть расходов населения, реализуя утилитарные потребности и социально значимые потребности людей в ремонте, организации праздничных и траурных мероприятий, стирке и глажке одежды, уборке помещений и т. д. По характеру производства к бытовым услугам относят:

– Ремонт, окраску, пошив обуви
– Ремонт и пошив швейных, меховых и кожаных изделий, головных уборов, вязание трикотажа
– Ремонт и техобслуживание радиоэлектронной аппаратуры, бытовых машин, изготовление металлических изделий
– Изготовление и ремонт мебели
– Химчистка, крашение и стирка
– Ремонт и строительство построек
– Техобслуживание автотранспорта
– Фотоателье, кино лаборатории, экспедиторские услуги
– Бани, парикмахерские, ритуальные и обрядовые услуги
–Прочие услуги

Мировая практика показывает, что наукоемкие отрасли, основанные на науке и технологиях, сегодня являются быстрорастущим сектором экономики, определяющим экономическое развитие мира. В развитых странах доля занятых в сфере услуг в экономике намного выше. В частности, это 79,5% в США, 78% в Великобритании и 76,6% в Швеции.

В нашей стране комплексное развитие сферы бытовых услуг, повышение уровня жизни населения и обеспечение устойчивого экономического развития за счет продуктивного труда являются актуальными задачами. Опережающими темпами развиваются банковские,

страховые, лизинговые, консалтинговые и другие виды рыночных услуг, способствующие развитию частного сектора и малого бизнеса в стране.

Существенная динамика наблюдается и в сфере услуг, оказываемых фермерским хозяйствам - за счет увеличения количества создаваемых машинно-тракторных парков, служб водопользования сельхозпроизводителей, зооветеринарных пунктов. Формируется производственная и рыночная инфраструктура по обслуживанию сельскохозяйства, оказанию транспортных услуг, упаковке и расфасовке продукции.

Важнейшей составляющей модернизационного процесса сферы услуг являются внешние и внутренние факторы. К *внешним факторам* можно отнести такие как информационные, социально-демографические, финансово-экономические, научные, инновационные, инвестиционные, правовые, экологические, внешнеэкономические.

Внутренние факторы это - личностные, квалификационные качества, ценовая политика, ресурсный и технологический потенциал, система учета и мониторинга, маркетинговая стратегия, рекламная деятельность.

Оказание бытовых услуг является наиболее сложным видом бизнеса среди других видов услуг. Проблемами ведения такого рода бизнеса, можно назвать низкую рентабельность подобного рода малых форм организаций, не высокую квалификацию специалистов, отсутствие надежного и современного оборудования, высокую конкурентоспособность и т.д.

В целях ускоренного развития сферы бытовых услуг, расширения видов и улучшения качества предоставляемых услуг предлагаем следующее:

- формирование конкурентной среды, содействие развитию субъектов малого и частного предпринимательства;
- расширение разнообразных инновационных услуг, новых средств связи;
- обеспечение технических возможностей доступности населения к полному переходу на цифровые системы телефонной связи и телевидения
- развитие финансовых услуг с внедрением новейших электронных, платежных технологий.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КЛАСТЕРЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАРИ

Исроилов Боходир Ибрагимович,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, и.ф.д.,
Очилов Илҳом Сайиткулович,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси (DSc), и.ф.н.,
Турғунбоев Ўткир Бегимович,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси (PHd),
iso7773@mail.ru, 90-3522236

Аннотация: *Мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида кластерларнинг ташкилий-иқтисодий масалалари келтирилган. Муаллифлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижалари асосида Ўзбекистонда кластерлар фаолияти самарадорлигини оширишга оид таклифлар тавсия этилган.*

Калит сўзлар: *кластер, агрокластер, самарадорлик, озиқ-овқат, иқтисодий, молиявий, замонавий, технология, инновация, интенсив, экспорт, импорт, маҳсулот.*

Ғарбий Европа мамлакатларида маҳсулот ишлаб чиқаришга кетадиган вақтнинг деярли 98 фоизи моддий-техник таъминот йўналишлари (хом-ашёни етказиб бериш, тайёр маҳсулотларни ташиш, уларни омборларга жойлаш ва сақлаш)га сарф бўлади. Умумий вақтдан ишлаб чиқаришга атиги 2 фоизгина, транспортировкага 50 фоиз сарфланади. Бундан ташқари Ғарбий Европа мамлакатларида барча фаолиятлар учун моддий-техник таъминот билан бўладиган харажатлар миллий ялпи маҳсулотнинг 13 фоиз қиймати миқдорини ташкил қилади. Бу қийматнинг тақсимоти қуйидагича: транспортировкага 41 фоиз, маҳсулотни сақлашга 21 фоиз, моддий захираларга 23 фоиз, маъмурий харажатларга 15 фоиз сарфланади[87].

Мамлакатимизда йилига ўртача 16 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот, полиз ва дуккакли маҳсулотлар, 1,5 миллион тоннага яқин гўшт, 10 миллион тоннага яқин сут ишлаб чиқарилса-да, уларни саноат усулида қайта ишлаш даражаси ўртача 15-20 фоизни ташкил қилмоқда. Агросаноат тизими яхши ривожланмаган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва саралаш хизматлари талаб даражасида эмаслиги ҳосилнинг қарийб 30 фоизи исроф бўлишига олиб келмоқда.

Мамлакатимизда етиштирилаётган сабзавот маҳсулотларининг бор-йўғи 3-4 фоизи, меванинг 11 фоизи экспорт қилинмоқда. Демак, бу борада ҳам ҳали ўрганилиши, жорий этилиши зарур бўлган жиҳатлар мавжуд. Мева маҳсулотлари экспорти бўйича юқори кўрчаткич АҚШ, Испания ва Мексика

[87]Мадалиев А.А. “Агросаноатни комплекс ривожлантиришда бошқарувни демократлаштириш асослари” Монография. – Т.: Наврўз, 2018 й.

давлатларига тўғри келса, сабзавот маҳсулотлари бўйича Хитой, Голландия ва Испания давлатларига тўғри келмоқда. Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотларининг ички истеъмол билан экспортга чиқарилиши орасидаги фарқни таҳлил қиладиган бўлсак, сўнгги йилларда ўртача 52,8% дуккакли маҳсулотлар экспортга, қолгани ички истеъмолга, узум 13,2%и, мева 9,6%и, сабзавот 4,6%и, полиз 1,7%и экспортга, мос равишда қолгани ички истеъмолга йўналтирилмоқда[88].

Маълумотларга кўра, меҳнат унумдорлигининг пастлиги ва ишлаб чиқариш маданиятининг қолоқлиги сабаб доннинг 20 фоизи, картошканинг 40 фоизи, сабзавот маҳсулотларининг 33 фоизи истеъмолчиларга етмасдан нобуд бўлади[89].

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш технологияси жуда орқада қолгани туфайли ҳар йили картошка, томат, карам, лавлаги, сабзи ҳамда бошқа сабзавот ва меваларнинг 20-40 фоизи исроф бўлмоқда. Жаҳон бозорини ўзлаштириш кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг кўриниши билан боғлиқ. Бунда маҳсулотларни навларга ажратиш, ўраш, қадоқлаш ва истеъмолчига ўз вақтида етказиб бериш назарда тутилмоқда[90].

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича муҳим ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга илғор техника ва технологияларни жорий этиш ишлари йилдан-йилга жадаллашиб, чекланган ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юксалиб борди. Амалга оширилган туб иқтисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида ўтган 2000-2020 йиллар оралиғида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари ошиб бориш динамикасига эга бўлди. Хусусан, бу кўрсаткич ўтган йилларга нисбатан ҳисоблаганда 2000-2020 йилларда ўртача 5,5 %дан юқори бўлди ва 2020 йилда 2,8%га тенг бўлди. Кейинги йилларда мамлакат ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти салмоғининг камайиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2000 йилда ялпи ички маҳсулот таркибида қишлоқ хўжалигининг салмоғи 34,4% га тенг бўлган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 28,2% гача пасайган[91].

2020 йилда ЯИМда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг улуши 28,2 фоизни ташкил этган, бунда қишлоқ хўжалигининг ўсиши 2,9 фоиз, балиқчилик хўжалигининг ўсиши 19,8 фоиз, ўрмон хўжалигининг ўсиши 1,7 фоизни ташкил этган. 2020 йилда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми 260,3триллион сўмни ташкил этган ва 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 3 фоизга ўсган. Мос равишда

[88]Saidov M., Ochilov I., Khasanov N, Muratova M. Peculiarities of Organization of Modern Clusters In Field of Fruit and Vegetable Production // International Journal of Advanced Scientific and Technology, Volume 29 №8, 2020, Scopus. - PP 3244-3253.

[89] https://parliament.gov.uz/upload/iblock/f31/hpymzyuxrtshfptgta%20pfkccpfxjknp eufdgecbbtuu%20azkugdvvjfxlvdie

[90] Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти–тўкин ҳаёт манбаи.-Тошкент. Ўзбекистон. -1997. -29 б.

[91] https://stat.uz/. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

соҳа 2019 йилда 3,1 фоиз ўсишга эришган эди. Шундай бўлса-да, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ўсиши давом этмоқда.

2000 йилда мамлакатимиз бўйича жами 3108,3 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилиниб, шунинг 3 фоизи, яъни 95,5 минг АҚШ долларига тенг озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт қилинган. 2020 йилга келиб эса жами 15102,3 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилиниб, шунинг 9 фоизи, яъни 1336,2 минг АҚШ долларига тенг озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт қилинган. Озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда, хусусан, жами экспорт мҳсулотлари ҳажмига нисбатан озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт улуши ўртача 6 фоизни ташкил этмоқда.

2017 - 2021 йилларда барча соҳаларга кластерлар тизими кенг жорий этилиб, 463 та агрокластерларнинг (122 та пахта-тўқимачилик, 1 033,8 минг га (3 млн тонна 100%), 157 та ғаллачилик, 1 038,1 минг га (7,2 млн тонна, 100%), 146 та мева-сабзавотчилик, 116 минг га (1 млн 567 минг тонна, 9%), 29 та шоличилик 21,1 минг га (98,7 минг тонна 16,5%) 9 та дориворчилик кластерларига 1406 га ер майдонлари бириктирилган) фаолияти самарали йўлга қўйилди.

Ялпи қишлоқ хўжалигини маҳсулотларининг 18,5 фоизи агрокластерлар томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу амалга оширилган ишлар натижасида сўнгги 5 йилда ҳудудларда 152 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Кластерлар томонидан соҳага илм-фан, инновация ютуқлари ҳамда илғор технологияларни жорий этиш натижасида, 2016-2020 йилларда пахта ҳосилдорлиги 26,4 ц/га дан 30 ц/га (+3.6ц/га), ғалла ҳосилдорлиги 57,8 ц/га дан 64,1 ц/га (+6,3 ц/га) оширилди.

Кластер тизимини жорий этиш натижасида маҳсулот етиштирувчилар моддий манфаатдорлигини 1,5 баробар оширишга эришилди. Жумладан, пахта хом ашёсини етиштиришда бир нафар ишчининг ўртача ойлик иш ҳақи 2017 йилда 750-800 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб 2,5 млн. сўмга (2,4 баробар кўп) етди.

Таҳлилларимиз натижасида, кластерлар фаолияти **ташкилий-иқтисодий жиҳатдан қуйидаги таклифларимиз** асосида режалаштирилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- кластерлар фаолиятига илм-фан ютуқларини, инновацион натижалар ва илғор тажрибаларни кенг жорий қилиш орқали ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги улушини 35 фоизга етказиш;

- кластерлар томонидан пахтани чуқур қайта ишлашда барча 5 босқични қамраб олиш (тола, ип-калава, мато, матони бўяш ва тайёр маҳсулот), мева-сабзавотни қайта ишлашдаги улушни 55 фоизга, ишлаб чиқаришдаги улушини 60 фоизга, донни қайта ишлашдаги улушини 45 фоизга етказиш;

- кооперация ва кластерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни 5-7 баробар, экспорт ҳажмини 2-3 баробар, қўшимча иш ўринларини яратишни 3-4 баробарга ошириш;

- кооперацион алоқаларни ривожлантириш, хусусан Ўзбекистон бозорларида кооперациялар улушини 15 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортидаги ва қайта ишлашдаги улушини 17 фоиз, қишлоқ хўжалигида иш билан таъминлашдаги улушини 15 фоиз дан ошириш;

- аграр соҳада тўлиқ бозор механизмаларни жорий этиш, маъмурий аралашувларни чеклаш, эркин рақобат муҳитини яратиш, давлат мулкларини бўлиб тўлаш шарти билан хусусийлаштириш, аграсаноат кластерлари ва кооперацияларнинг эркин фаолият юритишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

- аграсаноат кластерлари ва кооперацияларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш, хусусан кредитлаш, компенсация ва субсидиялаш борасида янги механизмлар жорий этиш;

- аграсаноат кластерлари ва кооперациялар учун солиқ ва божхона имтиёзларини жорий қилиш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишда преференциялар яратиш, имтиёз ва енгилликлар беришни назарда механизмларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилади.

Мазкур ташкифларимизни амалга ошириш натижасида аграсаноат кластерлари ва кооперациялар томонидан янги қўшилган қиймат занжирлари ва янги иш ўринлари яратилади, соҳани саноатлаштириш жадаллашади, янги инвестиция лойиҳалари амалга оширилади, аграр тармоқда замонавий хизматлар кўрсатиш соҳаси ривожланади, ишлаб чиқарувчиларнинг даромади ортиб, аҳоли кафолатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланади.

Шу ўринда таъкидлашимиз керакки, айни **пайтда мамлакатимизда агросаноат кластерларини ташкил этиш юзасидан ягона ёндашув мавжуд эмас,** хусусан, қабул қилинган 10 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда агросаноат кластерининг ҳуқуқий мақоми белгиланмаган, ташкил этиш тартиби, унинг мезонлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тугатиш асослари аниқ кўрсатилмаган.

Бу ўз навбатида аграсаноат кластерларини ташкил этиш ва тугатиш жараёнларида маъмурий аралашувларнинг (маҳаллий ҳокимликлар) кескин ошиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бунинг натижасида, яъни маҳаллий ҳокимликларнинг аралашуви орқали номуносиб кластерлар ташкил этилиши ёки аксинча яхши фаолият олиб бораётган кластерлар фаолиятини тўхтатиш ҳолатлари учрамоқда.

Энг асосийси, маъмурий аралашувлар олдини олиш мақсадида агросаноат кластери мақомини ҳамда ер ижара ҳуқуқини бекор қилиш фақат суд қарори асосида амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилиши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4549-сон Қарори.

2. Saidov M., Ochilov I., Khasanov N, Muratova M. Peculiarities of Organization of Modern Clusters In Field of Fruit and Vegetable Production // International Journal of Advanced Scientific and Technology, Volume 29 №8, 2020, Scopus. - PP 3244-3253

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги “Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илғор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-5200-сон Қарори.

4. Фролова О.А. Агропромышленные кластеры: российская модель/ Вестник НГИЭИ https://cyberleninka.ru/article/n/agropromyshlennye-klastery rossiyskaya-model.

5. Очилов И.С., Файзуллаев Ш. Ўзбекистон иқтисодиётида давлат хусусий шериклик ва маркетинг масалалари. Biznes-Эксперт, №5.- Тошкент: 2019. –Б 23-29.

6. http://www.fao.org/3/i1560e/i1560e00.htm Agro-based clusters in developing countries: staying competitive in a globalized economy.

7. Saidov M., Ochilov I., Yangibaev H. Cluster - An Innovative Structure Based on High Technologies in the Economy of Uzbekistan // Solid State Technology Volume: 63, Issue: 4, Publication Year: 2020 Scopus. - PP 205-212.

8. Перегудов Л.В., Саидов М..Х. Менеджмент и экономика высшего образования. -Т.: 2002.

9. Саидов М.Х., Очилов И.С. Ўзбекитон Республикаси давлат дастурлари ва истиқбол стратегияси, МОНОГРАФИЯ. -Т.: “Адабиёт учқунлари”, 2019 й.

10. Gulyamov S.S., Ochilov I.S. Factors on increasing efficacy of intellectual economy. European Journal of Scientific Research, «Paris University Press», France, №1(13), January-June, 2016.

Шерзод Холмуродович Пардаев –
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти докторанти
+998939980173 sherzodpardayev0782@gmail.com

Товар-моддий ресурслар ҳаракати ва таъминотини бошқариш усуллари

Аннотация: Ушбу мақолада товар-моддий ресурслар таъминотини бошқаришнинг замонавий, синалган ва барқарор усуллари ҳақида мулоҳазалар юритилган ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: Товар-моддий ресурслар, товар-хомашё бозори, транзит шакл, омбор шакл, саноат ва истеъмол маҳсулотлари , FMR таҳлил, VEN таҳлил, ABC ва XYZ таҳлил усуллари.

Товар-моддий ресурслар таъминотини бошқариш сиёсатини тўғри олиб бориш энг аввало, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишни, ҳамда ишлаб чиқариш заҳираларини самарали бошқаришни тақазо этади. Ишлаб чиқариш заҳираларини бошқариш

бир-бирига қарама-қарши бўлган икки тенденция: заҳираларнинг сақлаш ҳаражатларини қисқартириш ва ишлаб чиқаришни етарли заҳиралар билан таъминлашни мувозанатлаштириш деб қараш мумкин.

Товар-моддий ресурслар ишлаб чиқаришдан то истеъмолгача бўлган ораликдаги маълум нуқталарда заҳиралар кўринишида тўпланиши мумкин. Бундай заҳиравий кўринишлар одатда, тугалланмаган ишлаб чиқариш воситалари, ярим тайёр маҳсулотлар, транзит товарлар, хом-ашё ва тайёр маҳсулотлар кабилардан иборат бўлади.

Ҳар қандай ишлаб чиқариш корхоналари маҳсулот ишлаб чиқариш босқичида маълум бир товар-моддий ресурсларига эга бўлиши керак. Барча товар-моддий ресурслар ўз хусусиятларига кўра ресурслар қуйидагиларга бўлинади:

1. Табиий-моддий хусусиятига кўра:

- маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган хом-ашё, материаллар, ёқилғи, бутловчи қисмлар ва қадоқлаш воситалари;
- ишлаб чиқариш вақтида керакли бўлган ярим тайёр маҳсулотлар;
- тайёр маҳсулотлар;
- қайта сотиш учун сотиб олинган товарлар.

2. Манзил бўйича ишлаб чиқаришга йўналтирилган заҳиралар қуйидагиларга бўлинади:

- саноат корхоналари омборларда ва ишлаб чиқариш майдонларида жойлаштирилган заҳиралар. Бундай товар-моддий заҳираларни яратишдан мақсад – мунтазам етказиб бериш орасида ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашдан иборат. Бундай маҳсулотлар қабул қилингандан бошлаб ишлаб чиқариш учун заҳиралар рўйхатига олинади.
- товар заҳиралари – бу товар ҳаракати соҳасига кирган ва улгуржи ва чакана савдо корхоналари омборларида бўлган саноат корхоналарининг тайёр маҳсулотларидир. Улар одатда, истеъмолчиларга узлуксиз етказиб бериш мақсадида заҳирага олинади.

Ўз навбатида улар ҳам қуйидаги кўринишларга бўлинади:

- сотиш учун маҳсулот заҳиралари;
- транзит юклар;
- савдо заҳиралари.

Уларнинг умумийлиги шундаки, улар - айирбошлаш, сотиш учун ишлаб чиқарилган товар заҳираларидир. Бироқ, бу заҳиралар таъминот занжирининг турли қисмларида яратилган бўлиб, уларни бошқаришдаги ёндашувлар қоида тариқасида фарқ қилиши мумкин.

Бугунги кунда товар-моддий ресурсларни бошқариш катта аҳамиятга эга. Хом ашё, материаллар, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар тарнзит ёрдамида омборларга келиб тушганидан ишлаб чиқариш ёки сотиш

учун йўналтирилмайди. Одатда улар бир муддат махсус тайёрланган жойларда сақланади, уларга махсус ишловлар берилади.

Бундай сақлаш жараёни айрим пайтларида корхоналар учун жуда қимматга тушади.

Биринчидан, маҳсулотларни алоҳида тайёрланган махсус хоналар талаб қилинади.

Иккинчидан, сақлаш вақтида айрим маҳсулотлар айниши ёки айрим хусусиятларини йўқотиши мумкин.

Учинчидан, бундай ҳаракатдаги товар-моддий ресурслар учун маълум маблағ йўналтирилган бўлиб, одатда улар фойда эвазига қайтиши режалаштирилган бўлади.

Товар-моддий ресурларни самарали бошқариш, жамиятга аввалом бор ишлаб чиқариш муддатини қисқартириш, уларни сақлаш борасидаги жорий ҳаражатларни камайтириш, йўналтирилган молиявий маблағларнинг самарали қайтиши каби имкониятларни беради.

Шунинг учун товар-моддий ресурслар ҳаракатини бошқаришда бир қатор маҳаллий ва хорижий усуллари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. FMR таҳлил усули;
2. VEN таҳлил усули;
3. ABC таҳлил усули;
4. XYZ таҳлил усули.

FMR (Fastest, Medium, Rare) таҳлил – товар-моддий ресурларнинг айланиш частотаси тезлиги. Айрим адабиётларда FSN (fast moving, slow moving, non moving) таҳлил сифатида келтирилган. Ушбу таҳлил ёрдамида сотувдаги энг кўп талаб этилаётган товар гуруҳларини ёки уларнинг айланиш тезлигини аниқлаш ва шу орқали товар гуруҳларини мавқеи ва аҳамиятлилигига кўра шакллантириш мумкин бўлади.

Айланиш частота коэффиценти қуйидаги формула орқали топилади:

$$K_i = \frac{P_i}{\sum_{j=1}^{N} P_j} * 100\%$$

Бунда:

$\sum_{j=1}^{N} P_j$ – омбордан сотилган жами товарлар миқдори;

P_i - i-нчи товарнинг сотув миқдори.

Товар ассортиментларининг айланиш тезлигига кўра товарлар одатда 3 та тоифага ажратилади:

- F тоифаси – тез-тез талаб этиладиган товарлар (жами жами товарларнинг 80%);
- M тоифаси – камроқ талаб этиладиган товарлар гуруҳи (жами жами товарларнинг 15%);
- R тоифаси – онда-сонда талаб этиладиган товарлар гуруҳи (жами жами товарларнинг 5%);

Одатда ушбу гуруҳланиш ***Парето қонунига*** асосан ташкил этилган.

VEN (Vital Essential Non essential) таҳлили – товар ассортиментининг муҳумлилик даражаси бўйича сегментлаш. Бу таҳил усули

кўпинча тиббиёт ва ишлаб чиқариш соҳасида қўлланилади. У ҳам FMR таҳлили сингари 3та гуруҳга бўлинади:

- ***Ўта муҳим (Vital)*** – товар ассортименти таркибидаги ўта муҳим товарни билдиради, яъни ўша товарсиз корхона фойдаси кескин тушиб кетади ва фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлади;
- ***Зарур (Essential)*** – товар ассортименти таркибидаги зарур бўлган товарни англатади, яъни корхона ўша товарсиз фақатгина маълум муддат давомида фаолият кўрсатиши мумкин;
- ***Иккинчи даражали (Non essential)*** – яъни корхона бу гуруҳ товарларисиз ҳам фаолиятини давом эттириши мумкин.

ABC таҳлил – бу 1897 йилда Италиялик иқтисодчи ва социолог Вилфредо Парето томонидан илгари сурилган бўлиб, бунда элементларни умумлаштириш, саралаш ва гуруҳлаш каби усулар амалга оширилади. АВС таҳлили асосида ***Парето қонуни***, яъни барча товарларнинг 20 %и жами айланма маблағларнинг 80 %ини бериши ётади. АВС таҳлилига нисбатан Парето қонунини қуйидагича талқин этиш мумкин: 20 %ли позиция (ўрин)ни ишончли назорат қилиш, ҳар қандай фаолият тизимини 80 %га бошқариш имконини беради.

ABC таҳлил – бу товар ассортиментларини қуйидаги 3 тоифага бўлиб, таҳлил қилишдир:

- ***А тоифасидаги товарлар***, яъни корхонанинг энг қимматли товар ассортиментини ўз ичига олади. Бунда ассортиментнинг 20 %и – сотув ҳажмининг 80%ини;
- ***В тоифасидаги товарлар***, яъни корхонанинг оралиқ товарлар гуруҳини ўз ичига олади. Бунда ассортиметнинг 30 %и – сотув ҳажмининг 15 %ини;
- ***С тоифасидаги товарлар,*** яъни корхонанинг энг кам қимматли тоарлар гуруҳини ўз ичига олади. Бунда ассортиметнинг 50 %и – сотув ҳажмининг 5 %ини ташкил этади.

Таҳлил мақсадига қараб бир неча гуруҳлар сони ажратилиши мумкин. Кўпинча 3та, камдан-кам ҳолларда эса 4-5 та гуруҳларга ажратилади. Моҳиятан, АВС таҳлил – турли ҳил параметрлар бўйича ассортиментни *рейтинглаш* ҳисобланади. Бундай рейтинглаш ишларини воситачиларда ҳам (етказиб берувчилар), ресурсларда ҳам, харидорларда ҳам, узоқ муддатли сотувларда ҳам, умуман олганда етарли статистик маълумотларга эга бўлган барча йўналишларда қўллаш мумкин. АВС таҳлилининг якуний натижаси шундан иборатки, бунда объектлар умумий натижага таъсир этиш даражасига кўра гуруҳларга бўлинади.

АВС таҳлили баланссизлик (disbalans) тамойилига асосланади, ҳамда жараён мобайнида умумий натижага таъсирнинг элементлар сонига боғлиқ ҳолда график кўринишида тузилади. Бу график – ***Парето эгри чизиғи, Лоренц эгри чизиғи*** ёки ***АВС эгри чизиғи*** деб номланади. Таҳлил натижасига кўра ассортиментларнинг ҳар бир типлари умумий натижага қўшган ҳиссаларига боғлиқ ҳолда рейтинглаштирилади ва гуруҳлаштирилади. Логистика соҳасида АВС таҳлилни, одатда айрим маҳсулотларнинг жўнатилган ҳажмларини ва у ёки бу ассортимент типига қилинган мурожаатлар частотасини кузатиб боришда, шунингдек, истеъмолчиларни, улар томонидан қилинган буюртмалар миқдори ва ҳажми бўйича рейтинглашда ишлатилади.

АВС таҳлилини ўтказиш тартиби қуйидагича бўлади:

1. Таҳлил мақсадини аниқлаш (аслида нима учун бу таҳлилга муҳтожмиз?);
2. Таҳлил якунлангандан кейинги ҳаракатларни аниқлаш (олинган натижалар билан нима қиламиз?);
3. Таҳлил объекти (нимани таҳлил қиламиз?) ва параметрлари (қайси белгиси бўйича таҳлил қиламиз?)ни танлаш. Одатда АВС таҳлилининг объектини етказиб берувчи (воситачи)лар, товар (хизмат) гуруҳлари, тоифалари ҳамда типлари бўлиши мумкин. Ушбу объектларнинг ҳар бири тавсиф ва ўлчовлардан иборат бўлган турли ҳилдаги параметрларга эга: *савдо ҳажми* (пул ёки миқдор кўринишида), *даромад* (пул кўринишида), *товар захираси, айланиши* ва бошқалар;
4. Параметрлар аҳамиятининг камайиб бориш тартибидаги объектнинг рейтинг рўйхатини тузиш;
5. Ўсиб борувчи якун асосида жами маблағларга тўғри келадиган параметр улушини ҳисоблаш. Ўсиб борувчи якун асосидаги улуш – олдинги параметр маблағларига жорий маблағларни қўшган ҳолда ҳисоблаб топилади;
6. А, В ва С гуруҳларини ажратиб олиш: танланган объектларнинг гуруҳ қийматларини белгилаш.

Гуруҳларни танлашнинг 10 тага яқин усули мавжуд бўлиб, улардан амалда кенг қўлланиладиганлари *эмпирик усул*, *умумлаштириш усули* ва *чизиқли усул* ҳисобланади.

Эмпирик усул – бунда гуруҳларни бўлиш анъанавий нисбат (пропорция)га кўра амалга оширилади яъни 80/15/5.

Умумлаштириш усули – бунда объектлар улуши ва уларнинг натижадаги жами улуши умумлаштирилади. Шу тариқа унинг миқдорий қиймати 0 дан 200 % гача бўлган диапазон оралиғида бўлади. Гуруҳлар қуйидагича ажратилади:

- А гуруҳ – 100 %;
- В гуруҳ – 45 %;
- С гуруҳ – қолганлари.

Ушбу усулнинг афзаллиги – юқори эгилувчанлигидир.

Чизиқли усул – энг эгилувчан усул бўлиб, бунда АВС эгри чизиғидан тўғри чизиқ ўтказилади ва шу орқали аввал А гуруҳ, кейин эса С гуруҳ ажратиб олинади.

А, В ва С гуруҳ товарларига бўлган талабнинг эҳтимоли турли қонунларга бўйсинади. Шу нарса аниқки, кўпгина саноат ва тижорат корхоналарида сотув ҳажмининг таҳминан 80 % қиймати товар номенклатурасидаги бирликларнинг атига 10 %ини (А гуруҳ), 15 % қиймат – 25 % бирликни (В гуруҳ), 5 % қиймат – 65 % бирликни (С гуруҳ) ташкил этади.

АВС таҳлили логистик, ишлаб чиқариш, таъминот ва сотув каби тизимларнинг турли даражаларида ассортиментларни режалаштириш ва шакллантиришда кенг қўлланилади. Экспертлар АВС гуруҳ чегаралари (80/15/5)ни ўзгартиришда эҳтиёткорона ёндашиш кераклиги тўғрисида маслаҳат беришади. Чунки ўзгартирилган чегаралар бўйича берилган ахборот натижасида ташқи эксперт нотўғри хулосага келиши мумкин. Бу эса корхонанинг кейинги фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ҳисобланган АВС таҳлили АВС гуруҳлари учун чегараларни аниқ математик ҳисоб-китоблар ёрдамида белгилаб беради. У корхона рентабеллиги (яъни қийматлар йиғиндиси)га нисбатан нархларни оптималлаштириш (тоифалар сони)дан фойдаланилади. Ҳисобланган АВС таҳлили мисол тариқасида, биотиббиёт маълумотлари учун объектларни танлашда, бизнес жараёнларини бошқаришда ва мавжуд таклифлар дирасида банкротликни башоратлашда қўлланилган.

XYZ таҳлил – маълум вақт оралиғи мобайнида корхона ресурсларини истеъмол ҳарактеридан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, уларнинг истеъмолдаги ўзгаришларини аниқ прогнозлаш орқали таснифлаш имконини беради. Таҳлилни ўтказиш жараёнини 4 босқичда ифодалаш мумкин:

1. Таҳлил қилинаётган ресурсларнинг вариация коефицентини аниқлаш;
2. Вариация коефицентининг ўсиб бориши асосида ресурсларни саралаш;
3. X, Y, Z тоифалари бўйича ресурсларни ажратиш;
4. Таҳлил натижаларини график кўринишида тасвирлаш.

X тоифаси – бунда ресурслар истеъмолнинг бир маромда ўсиши, улар ҳаражатидаги деярли сезиларсиз ўзгаришлар ва юксак аниқликдаги прогнозлаш имкони билан ҳарактерланади. Вариация коеффициенти кўрсаткичи 0-10 % интервал оралиғида бўлади.

Y тоифаси – бунда ресурслар, улар истеъмолининг маълум тенденциялари (масалан, мавсум ўзгаришлари)ни аниқлаш ва прогнозлаш аниқлигининг ўртача имкониятлари билан ҳарактерланади. Вариация коеффициенти кўрсаткичи 10-25 % интервал оралиғида бўлади.

Z тоифаси – ресурслар истеъмоли доимий эмас, қандайдир тенденциялар мавжуд эмас, шунингдек, прогнозлаш аниқлиги паст. Вариация коеффициенти 25 %дан юқори.

Вариация коеффицентининг реал кўрсаткичи турли гуруҳлар учун қуйидаги сабабларга кўра фарқланиши мумкин:

- Сотувнинг мавсумийлиги;
- Тренд;
- Акциялар;
- Танқислик (дифицит) ва бошқалар.

XYZ таҳлилининг бир неча турлари мавжуд. Масалан, режадаги маълумотларни ҳақиқатдагиси билан солиштириб таҳлил қилиш. Бу эса прогноз кўрсаткичидан четланишнинг янада аниқ % (фоиз)ни ҳисоблаш имконини беради. Кўп ҳолларда XYZ таҳлилни ABC таҳлил билан биргаликда, гуруҳларнинг белгиларига кўра янада аниқ ажратиб олиш мақсадида фойдаланишади.

Вариация коеффициенти – бу ресурс кўрсаткичининг ўлчови бўйича ўртача квадратик четланишнинг арифметик ресурс кўрсаткичининг ўлчови бўйича ўртача квадратик четланишнинг арифметик ўртачага нисбати бўлиб, қуйидаги формулага асосан ҳисобланади:

$$V = \frac{q}{\bar{x}}, \qquad Q = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^{n}(x_i - \bar{x})^2}{n}}, \qquad \overline{x} = \frac{\sum_{i=1}^{n} x_i}{n}$$

Бунда,

V – Вариация коеффициенти;

σ – ўртача квадратик четланиш;

x **–** арифметик ўртача;

x**i-** і-чи статистик қатор;

n – статистик қаторлар сони.

ABC ва XYZ таҳлилларининг ***афзалликлари*** – уларнинг оддийлиги, аниқлиги ва тушунарлилиги, шунингдек автоматлаштириш имкониятидадир. ***Камчиликлари*** эса мураккаб, кучсиз тузилмаларга эга бўлган товар ассортиментлари бўйича тўғри хулоса чиқаришни таъминлаб бермайди.

Хулоса ўрнида, товар-моддий ресурслар ҳаракати ва таъминотини бошқариш тизимини такомиллаштирш, тарқатишнинг ва товар ҳаракатининг умумий харажатлари ва ишлаб чиқариш харажатларини минималлаштиришга имкон берадиган, юқорида қайд этилган таҳлилли усулларни амалиётга кенг жорий этиш билан товар ҳаракати билан боғлиқ мавжуд муаммоларни бартараф этишга ўз хиссамизни қўшишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шеннаев Хўжаёр Мусурманович
Тошкент молия институти доценти, иқтисодиёт фанлари доктори, (+99890) 996-1637, khshennayev@gmail.com

МДҲга аъзо-давлатлар иқтисодиётида суғурта тармоғининг ўрни

Аннотация. Ушбу илмий маърузада МДҲга аъзо-давлатлар иқтисодиётида суғуртанинг тутган ўрнига баҳо берилган бўлиб, ушбу соҳанинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи омиллар таҳлил қилинган. Илмий маърузада МДҲга-аъзо давлатларда суғуртанинг иқтисодиёт ривожланишидаги аҳамиятини оширишга қаратилган муҳим назарий ва амалий аҳамиятга молик хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: суғурта, суғурта сектори, суғурта бозори, ЯИМ, суғурта мукофоти, суғурта фаолияти.

Маълумки, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ)га 11 та давлат аъзо бўлиб ҳисобланади. Уларнинг ҳаммаси собиқ СССР тугатилгандан сўнг мустақил давлат сифатида ташкил топган. Шу ўринда қайд этиш лозимки, мазкур давлатлар янги барпо этилган кундан бошлаб узоқ йиллар давомида ҳукм сурган режали иқтисодиётдан бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга ўтиш сари кенг қамровли ислоҳотларни амалга оширишга киришди. Бугунги кун назари билан қараганда, МДҲга аъзо-давлатларнинг барчасида бозор муносабатларига хос тамойиллар аста-секинлик билан ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб бормоқда.

Биз ушбу илмий маъруза доирасида бозор инфратузилмасининг муҳим тармоқларидан бири бўлган суғурта соҳасининг МДҲга аъзо-давлатлар иқтисодиётида тутган ўрни хусусида ўз фикр-мулоҳазаларимизни баён этишга жазм қилдик.

Шубҳага ўрин қолдирмасдан таъкидлаш лозимки, МДҲга аъзо-давлатларнинг барчасида иқтисодиётни модернизациялаш ва ислоҳ қилиш

даражаси бир хил даражада эмас. Бу ҳолат, ўз-ўзидан суғурта соҳасининг ривожланишида ҳам ўз аксини топган. Қуйидаги жадвалда ушбу ҳамжамиятга аъзо-мамлакатлар иқтисодиёти ва суғурта секторининг ривожланишини ифода этувчи кўрсаткичлар келтирилган (жадвалга қаранг).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, МДҲ мамлакатларидан бирортаси жаҳон суғурта бозорида 0,5 фоиздан кўп улушга эга эмас. Ҳолбуки, Жаҳон банки маълумотларига кўра, Россия Федерацияси 2019 йилда ЯИМ ҳажми бўйича дунёда 11 ўринни эгаллаган. Тўғри, Россия МДҲ давлатлари орасида айтарли барча кўрсаткичлар бўйича юқори ўринни эгаллаган. Фақат, суғурта мукофотининг ЯИМдаги улуши бўйича Украина Россиядан бироз юқори кўрсаткичга эга бўлган.

жадвал

МДҲга аъзо-мамлакатларнинг иқтисодий ва суғурта секторини ривожланиш ҳолатини акс эттирувчи кўрсаткичлар[92]

(2019 йил)

Мамлакатлар	**ЯИМ ҳажми,** (млрд.АҚШ доллари)	**Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ хажми** (АҚШ доллари)	**Суғурта мукофотининг ЯИМдаги улуши** (фоизда)	**Аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти** (АҚШ доллари)	**Жаҳон суғурта бозоридаги улуши** (фоизда)
Россия Федерацияси	1,699,877	11,585,0	1,35	157	0,36
Қозоғистон	180,162	9,731,1	0,69	53	0,02
Украина	153,781	3,659,0	1,52	66	0,04
Беларусь	63,08	6,663,3	1,06	71,3	0,01
Ўзбекистон	57,921	1,724,8	0,4	7,9	0,004
Озарбайжон	48,048	4,793,6	1,2	39,8	0,01
Туркманистон	40,761	6,966,6	-	-	-
Арманистон	13,673	4,622,7	0,7	34,7	0,002
Молдова	11,955	4,498,5	0,8	34,8	0,001
Қирғизистон	8,455	1,309,4	0,2	2,9	0,0003
Тожикистон	8,117	870,8	0,3	2,6	0,0004

МДҲ мамлакатларининг 8 тасида ёки 72,7 фоизида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми 4000 АҚШ долларидан юқори. Таққослаш учун: G 7 гуруҳига кирувчи давлатларда (Италиядан ташқари) аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми 40000 доллардан ошади. Яъни, МДҲ мамлакатларининг тегишли кўрсаткичидан 10 баравар юқори ҳисобланади.

[92] Мазкур жадвал Жаҳон банки (World Bank) ва Swiss Re institute тадқиқот маркази ҳамда тегишли давлатларнинг Молия вазирликлари, Марказий (Миллий) банклари ҳамда молия бозорини тартибга солувчи давлат органлари расмий веб-сайтларидан олинган маълумотлар асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

Бизнинг фикримизча, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми қанчалик юқори бўлса, суғуртанинг ЯИМ улуши ҳам юқори бўлади, бинобарин, суғуртанинг иқтисодий ўсишга таъсири ҳам кучли бўлади.

Жадвал маълумотларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, 2019 йилда Тожикистонда суғуртанинг ЯИМдаги улуши 0,3 фоизни ташкил этган. Энг ачинарлиси, ушбу давлатда аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми 870,8 АҚШ долларига тенг бўлган. Жаҳон банки маълумотларига кўра, ушбу кўрсаткич бўйича Тожикистон дунёда 211 давлат ичида 189 ўринни эгаллаган. Мазкур мамлакатда аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти 2,6 АҚШ долларини ташкил этган.

Афсуски, МДҲга аъзо-давлат бўлган Туркманистонда суғуртани ривожланишига оид маълумотларни топишнинг имконияти мавжуд эмас. Фақат, ушбу давлатнинг ЯИМ ва унинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган салмоғи тўғрисидаги маълумотларни Жаҳон банкининг расмий веб-сайтидаги электрон ресурсдан олиш мумкин[93]. Швейцариянинг Swiss Re institute халқаро тадқиқот маркази томонидан ҳар йили эълон қилиб бориладиган жаҳон суғурта бозори ривожланишига оид статистик маълумотлар тўпламида ҳам, фақат, Россия Федерацияси, Украина ва Қозоғистон Республикалари бўйича маълумотларга кўзимиз тушади. МДҲнинг бошқа мамлакатлари суғурта секторининг ҳолатига оид маълумотлар Swiss Re institute халқаро тадқиқот маркази маълумотлар тўпламида мавжуд эмас. Юқоридаги жадвалда МДҲнинг бошқа мамлакатлари суғурта сектори бўйича келтирилган маълумотлар тадқиқотчининг турли манбалар, хусусан, Молия вазирликлари, Марказий (Миллий) банклари ва молия бозорини тартибга солувчи давлат органларининг расмий веб-ресурсларидан олинган ва ишончли ҳисобланади.

Юқоридагиларни умумлаштириб хулоса қилиш мумкинки, МДҲга-аъзо давлатларда иқтисодиётнинг унчалик тараққий этмаганлиги суғурта секторининг умумий ҳолатига ҳам салбий таъсир кўрсатган. Суғуртанинг иқтисодиёт ва аҳоли орасига кириб бориш даражаси, яъни суғурта мукофотининг ЯИМдаги улуши жуда паст. Худди шундай, аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти ҳам Россияни ҳисобга олмаганда 2019 йилда 100 АҚШ долларидан ошмаган. Демак, суғурта ва иқтисодий ўсиш бир-бирига чуқур боғланган. Агар иқтисодий ўсиш юқори бўлса, ўз-ўзидан, суғурта секторининг ривожланиши ҳам юқори бўлади ёки аксинча. Буни МДҲга аъзо-давлатларнинг кўрсаткичлари ҳам тасдиқлаб турибди.

Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятининг ривожланиши талаб даражасида эмас. Суғурта фаолияти соҳасидаги эксперт ва таҳлилчиларнинг фикрига кўра, мамлакатимизда суғурта фаолиятининг салоҳияти ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Ҳанузгача, суғуртанинг аҳолининг кенг қатламлари ичига кириб бориш даражаси қониқарсиз,

[93] Shennaev Kh.M. The Impact of Insurance on Economic Growth. nternational Journal of Economics, Commerce and Management, United Kingdom. ISSN 2348 0386 Vol. VIII, Issue 12, Dec 2020. SJIFactor - 6.932. p. 521.

аксарият фуқаролар суғуртанинг мазмун-моҳиятини тўғри талқин этмайди[94]. Натижада йиллар давомида суғурта мукофотининг ЯИМдаги улуши 0,5 фоиздан кам миқдорни намоён этиб келмоқда. Масалан, 2019 йилда суғурта мукофотининг ЯИМдаги улуши 0,4 фоизни ташкил этган. Ваҳоланки, ушбу кўрсаткич АҚШда 11,43 фоиз, Корея Республикасида 10,78 фоизга тенг. Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти 2019 йилда 7,9 АҚШ долларини ташкил этган. Бу жуда паст кўрсаткич ҳисобланади.

Суғурта фаолиятининг ривожланиши учун аввало иқтисодиёт ривожланган бўлиши лозим. Тан олиш керакки, сўнги йилларда МДҲ мамлакатлари, шу жумладан Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишга эришиш учун барча чоралар кўрилмоқда. Давлатга тегишли бўлган йирик монопол корхоналар хусусийлаштирилаяпти, тадбиркорлик фаолиятини эркин амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратилмоқда, хорижий инвестиция ва замонавий технологияларни жалб этиш бўйича ижобий силжишлар кузатилмоқда. Албатта, бундай саъй-ҳаракатлар истиқболда иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлаш асносида суғурта фаолияти тараққиёти учун шарт-шароитлар яратади.

Яҳёхонов Ниёзхўжа Баҳроил ўғли – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторанти
e-mail: niyozxon93@.bk.ru
тел: +998993119338

ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИГА РАҚАМЛИ МАРКЕТИНГ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Аннотация: мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятига рақамли маркетинг технологияларини жорий қилиш орқали уларни ривожлартиришнинг концептуал асослари унинг аҳамияти тўғрисида сўз юритилган. Рақамли маркетинг концепциясининг пайдо бўлиши ва унинг ривожланиш тарихи таҳлил қилинган..

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, “Рақамли Ўзбекистон-2030”, рақамли технология, рақамли маркетинг, рақамли маркетинг технологиялари, Web 1.0, Amazon, ижтимоий тармоқ.

XX асрни охири ва XXI аср бошларида маркетингнинг замонавий концепциялари шаклланди. Маркетингнинг замонавий концепцияларидан бири рақамли маркетинг концепцияси ҳисобланади.

[94] Шеннаев Х.М. Суғуртанинг макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти. // “Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашнинг ўрта муддатли истиқболида давлат молиясини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. 2019 йил 30 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси. – Тошкент. 2019. 40-б.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 5 октябр куни “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли Фармони[95] қабул қилиниши рақамли иқтисодиёт, ҳусусан рақамли маркетингни ривожлантиришнинг концептуал йўналишларини белгилаб берди.

Рақамли маркетинг атамаси биринчи марта 1990 йилларда ишлатила бошлаган. Унинг ривожланиши 1981 йилда биринчи шахсий компютер IBMнинг ишга тушурилиши билан бевосита боғлиқ. Рақамли аср Интернет пайдо бўлиши ва Web 1.0 платформасининг ривожланиши рақамли маркетингни жадал ривожланишига замин яратди. Web 1.0 платформаси фойдаланувчиларга керакли маълумотни топишга имкон берди, аммо бу маълумотни интернет орқали баҳам кўришга имкон бермади. Ўша даврда бутун дунё бўйлаб сотувчилар рақамли платформаларга бўлган ишонч деярли мавжуд эмас эди. Чунки ўша вақтда Интернет бу даражада кенг тарқалиб ривожланишини тасаввур қилишмаган.

Рақамли маркетинг - бу рақамли ахборот-коммуникация технологиялари ва электрон қурилмалардан фойдаланган ҳолда мижозлар ва бизнес шерикларини жалб қиладиган маркетинг. Кенг маънода рақамли маркетинг деганда рақамли ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда маркетинг фаолиятини амалга ошириш тушунилади[96].

Технологик ютуқлар натижасида анъанавий маркетинг агентликлари ва бўлимлари мижозлар базаси сезиларли даражада эскирди. Одамлар планшетлар, телефонлар ва компютерларга ўтдилар, бу эса рақамли маркетингни жадал ривожланишига замин яратди.

2021 йилда глобал "Рақамли ҳолат" ҳолат ўсишда давом этмоқда (1-жадвал). Айниқса, фаол ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчилар сони ортмоқда.

1-жадвал

Дунё аҳолисининг рақамли технологиялардан фойдаланиш ҳолати (2020-2021 йиллар январ ҳолатига)

Кўрсатгичлар	2020 (млрд. киши)	Жами аҳолига нисбатан % да	2021 (млрд. киши)	Жами аҳолига нисбатан % да	Ўтган йилга нисбатан ўсиш (млн. киши)	Ўтган йилга нисбатан ўсиш % да
Дунё аҳолиси сони Шундан:	7.75		7.83		81	1%
Ноёб мобил телефондан фойдаланувчилар сони	5.19	67%	5.22	66.6%	93	1.8%
Интернетдан фойдаланувчилар	4.54	59%	4.66	59.5%	316	7.3%

[95] https://lex.uz/docs/5030957

[96] Данько Т. П., Китова О. В. Вопросы развития цифрового маркетинга // Проблемы современной экономики. — 2013. — № 3 (47). — С. 261–265.

сони						
Фаол ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчилар сони	3.80	49%	4.20	53.6%	490	13.2%

Ушбу жадвалдан кўриниб турубдики, 2021 йил бошида дунё аҳолиси 7,83 миллиард кишини ташкил қилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хабар беришича, ҳозирги кунда бу кўрсаткич йилига ўртача 1 фоизга ўсиб бормоқда.

Бугунги кунда 5,22 миллиард киши мобил телефондан фойдаланмоқда, бу дунё аҳолисининг 66,6 фоизига тенг. Ноёб уяли алоқа фойдаланувчилари 2020 йил январидан 2021 йил январигача 1,8 фоизга (93 миллион) ўсди, мобил алоқаларнинг умумий сони 72 миллионга (0,9 фоиз) ошиб, 2021 йил бошида жами 8,02 миллиардга етди. 2021 йил январ ойида дунёдаги 4,66 миллиард киши Интернетдан фойдаланмоқда, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 316 миллионга (7,3 фоиз) кўп деганидир.

Ҳозирда дунёда 4,20 миллиард ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари мавжуд. Сўнгги 12 ойда бу кўрсаткич 490 миллионга ўсди ва ўтган йилги ўсишни 13 фоиздан ошди. Ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчилар сони ҳозирда бутун дунё аҳолисининг 53 фоизидан кўпроғига тенг.

Ижтимоий оммавий ахборот воситаларининг қабул қилиниши сўнгги бир йилда ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиларининг сони 13 фоиздан ошди, *ярим миллиардга яқин* янги фойдаланувчилар 2021 йил бошига қадар дунё миқёсида деярли 4,2 миллиардга етди.

Бугунги кунда дунёда кўплаб компаниялар рақамли маркетингдан кенг фойдаланиб келмоқда. Ҳусусан, рақамли маркетингни жадал ривожланишини биргина интернет орқали хизмат кўрсатувчи Amazon компанияси мисолида кўришимиз мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Amazonнинг 2016-2020 йиллардаги молиявий кўрсатгичлари

Йиллар	**Йиллик даромад (млн.дол.)**	**Ўтган йилга нисбатан ўсиш %**	**Йиллик тадқиқот ва ривожлантириш харажатлари (млн. дол.)**	**Ўтган йилга нисбатан ўсиш %**	**Йиллик соф фойда (млн. дол.)**	**Ўтган йилга нисбатан ўсиш %**
2016	135,987		16,085		2,371	
2017	177,866	130,80	22,62	140,63	3,033	127,92
2018	232,887	130,93	28,837	127,48	10,073	332,11
2019	280,522	120,45	35,931	124,60	11,588	115,04
2020	386,064	137,62	42,74	118,95	21,331	184,08

Манба: https://www.macrotrends.net/stocks/charts/AMZN/amazon/financial-statements

2020 молия йилида Amazon нинг маркетинг харажатлари ўтган йилга нисбатан 16 % га оширилиб, тахминан 22 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Шу боисдан унинг йиллик даромади ўтган йилга нисбатан 37,62% ўсиб,

386,064 миллиард АҚШ долларга етди ва соф фойдаси ўтган йилга нисбатан 84,08% га кўтарилиб, 21,331 миллиард АҚШ долларни ташкил қилди.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли маркетингни ривожлантириш, унинг концептуал асосларини яратиш ҳамда уларни такомиллаштириш, хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятига жорий этиш орқали ушбу субъектларни рақамли бозорда, ўз ўрнини эгаллаши ва мавқеини мустаҳкамлаш учун асосий восита ҳисобланади. Истеъмолчилар учун эса эҳтиёжларини арзон ва тезкор ҳамда сифатли қондиришга, компания брендини тарғиб қилиш ва компания билан ҳамкорлик ишларидаги энг самарали восита бўлиб хизмат қилади. Бунинг учун қуйдаги ишларни амалга оширишимиз лозим:

- хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятига рақамли маркетинг технологияларини жорий қилишнинг концептуал асослари, тизимли механизми ишлаб чиқиш;
- рақамли маркетинг технологияларини хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятига жорий этиш лойиҳаларини моделлаштириш бўйича концептуал йўналишлар ишлаб чиқиш;
- савдо ҳажмини ошириш ва мижозларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида буюртмачилар (мижозлар) билан ўзаро муносабат CRM механизмлари такомиллаштириш.

Ишанкулова Фарангис Азамовна, СамИСИ мустақил изланувчиси

Таълим хизматлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

Аннотация: ушбу мақолада таълим соҳасидаги ҳозирги амалга оширилаётган ислоҳотлар, таълим хизматлари тўғрисида чет эл ва маҳаллий олимларнинг фикрлари, мазкур хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари келтирилган.

Калит сўзлар: таълим, таълим хизматлари, таълим хизматларининг ўзига хос хусусятлари.

Бугунги кунда янги Ўзбекистонни шакллантиришнинг асосий омилларидан бири олий таълим рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ. Шу сабабли сўнгги йилларда мамлакатимиз раҳбари томонидан олий таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда охирги беш йилларда мазкур соҳада рўй бераётган янгиланишлар, амалга оширилаётган ислоҳотлар бошқа соҳаларга нисбатан анча олдинда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 29 сентябрда Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригида таъкидлаганидек, “Мамлакатимизда сўнгги йилларда илм-фан ва таълим-тарбия соҳасини давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантиришга қаратилган, оилада фарзанд туғилганидан бошлаб, камолот ёшига етгунга қадар уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топишига хизмат қиладиган яхлит ва узлуксиз тизим яратилмоқда. Биз бу жараёнда инсон капиталига эътиборни янада

кучайтириш, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этиш борасида муҳим дастур ва лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз. Масалан, беш йил олдин юртимизда 5 минг 211 та боғча фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда бу рақам 19 минг 316 тага, тизимдаги қамров 62 фоизга, 6 ёшдаги болалар ўртасида эса 77 фоизга етди. Мамлакатимизда янги турдаги ва янги сифат босқичидаги таълим масканлари, хусусан, Президент мактаблари, ижод мактаблари, ихтисослашган мактаблар фаолият юритмоқда. Ҳозирги кунга келиб, математика йўналишида 112 та, физика йўналишида 14 та, кимё-биология бўйича 87 та, информатика ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича 99 та, хорижий тиллар бўйича 207 та ихтисослашган мактаблар фаолият олиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Олий таълим соҳасида ҳам жиддий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Охирги беш йилда чет эллардаги нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда 67 та янги университет ва институтлар ҳамда филиаллари барпо этилиб, уларнинг умумий сони 144 тага етказилгани, қамров даражаси 3 карра ортиб, 9 фоиздан 28 фоизга етгани ҳам шундан далолат беради. Жорий ўқув йилида энг замонавий талаб ва стандартлар асосида ташкил этилган Янги Ўзбекистон университети дастлабки талабаларни ўз бағрига қабул қилди” [1].

Соҳага доир Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5598-сонли, 2020 йил 5 октябрдаги ""Рақамли Ўзбекистон - 2030" стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6079-сонли, 2020 йил 12 ноябрдаги "Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6108-сонли фармонлари эълон қилинди. Ушбу фармон, қарор ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда таълим тизимини ривожлантириш ва унинг сифатини оширишга алоҳида эътибор берилган.

Таълим хизматлари сифатини ошириш учун энг аввало, бу атамага таъриф бериш лозим. Таълим хизматларини кўрсатиш узоқ давом этадиган жараён бўлганлиги сабабли унинг рақобатбардошлиги бугунги кундаги долзарб масалалар қаторига киради. Ҳозирда "таълим хизматлари" тушунчасига чет эл ва маҳаллий адабиётларда турли хил таърифлар мавжуд.

В.В.Зыков мазкур тушунчага фуқарога умумий таълим ва махсус характерли билимлар, келажакда фойдаланиш учун амалий кўникмалар шаклида узатиладиган ўқув ва илмий маълумотлар мажмуи сифатида қараса, В.П.Шетининнинг фикрича, "таълим хизматлари" инсон, жамият ва давлатнинг кўп қиррали эҳтиёжларини қондириш учун ишлатиладиган билим, маълумот, кўникма ва малакалар тизимидир.

А.П.Панкрухин "таълим хизматлари" тушунчасига таълимнинг асосий мақсадларини амалга оширувчи хизматлар мажмуи сифатида қарайди, Л.В.Иванютина эса, истеъмолчиларнинг таълим олиш, шахсий интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришда эҳтиёжларини қондириш мақсадида таълим

дастурлари бўйича истеъмолчига билим, кўникма ва умумий таълим, касбий кўникмаларни беришга қаратилган мураккаб жараён, деб таъриф берган.

А.М.Стрижов "таълим хизматлари"га ўқув жараёни иштирокчиларининг ўзаро таъсири билан тавсифланган ва шахснинг таълим эҳтиёжларини қондиришга қаратилган мақсадли фаолияти, деб таъриф берган бўлса, Р.Н.Джапарованинг фикрича, "таълим хизматлари" тингловчилар билан тўғридан-тўғри мулоқот орқали тизимли билимларни бериш ва уларда маълум бир дарс тури учун тасдиқланган амалий кўникмаларни сингдиришдир.

О.В.Сангиновнинг фикрига кўра, таълим хизматларининг хусусияти шундаки, истеъмолчи таълим хизматига ҳақ тўлаб ёки тўламай келажакда иш ҳақи сифатида бу хизматдан даромад олишни кутади. Таълим хизматлари қўшимча хизматлар билан истеъмолчиларнинг турли хил эҳтиёжларини (ётоқхона, тиббий хизмат, спорт хоналари ва ҳ.к.) қондиради ва бу таълим муассасасига қўшимча даромад олиш имконини беради.

Мамлакатимиз олимларидан таълим хизматлари масалалари билан К.М.Алмакучуков [4], Г.Ахунова [5], Д.Назарова [6], Д.Набиев [7], А.О.Очилов [8] каби олимлар шуғулланишган ва тадқиқот ишлари давомида салмоқли натижаларга эришилган.

Масалан, М.Қ.Пардаевнинг фикрича, таълим хизматлари дейилганда инсоннинг, давлат, жамият ва бошқа билим олиш истагидаги субъектларнинг билимга бўлган узоқ муддатга мўлжалланган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, наф келтирадиган хизмат жараёни билан боғлиқ билим эгаларининг онгли фаолияти тушунилади[97].

Г.Н.Ахунова олий таълим тизимидаги маркетинг таҳлили асосида маркетологларнинг кучларини маркетинг хизматлари кўрсатиш бўйича республика марказида жамлаш ҳамда унинг зиммасига зарурий таълим йўналишлари (мутахассисликлар) бўйича мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қондириш йўлларини жорий этиш ва истиқболдаги имкониятларни ҳисобга олган ҳолда белгилаш, таълим хизматлари бозорининг аҳволини ўрганиш, кадрларни тайёрлаш ва бошқа масалаларни ҳақ тўлаш асосида бажариш бўйича функцияларни юклашнинг мақсадга мувофиқлигини асослаб берган.

А.О.Очиловнинг фикрича, таълим жараёни доимо сифатли таълим хизматларини кўрсатишга қаратилган, шунинг учун у турли хил инновацион ташаббуслар билан боғлиқ.

Д.Назарова ўзининг тадқиқотида ўқитиладиган фақат биттагина фан воситасида ўқувчини компетент шахс сифатида тарбиялаб бўлмаслигини, компетенциявий зарурийтлар асосида ишлаб чиқилган дастурлар кераклигини олға суради.

Юқорида келтирилган таърифлардан таълим хизматларининг қуйидаги бир неча хусусиятларини ажратиш мумкин:

- хизмат натижаларининг келажакда аниқланиши. Бу натижа истеъмолчининг келажакдаги иш шароитига, ҳаёт тарзига боғлиқ бўлиб,

[97] *М.Қ.Пардаев ва бошқалар "Таълим хизматлари ва уларнинг смарадорлигини ошириш масалалари". Монография. 2021 йил.*

таълим хизматини сотиб олган пайтдан бошлаб уни амалда қўллаш давригача узайтирилади, шунингдек таълим хизматларининг натижаси унинг истеъмолчиларининг фазилатларига боғлиқ (таълим ва билим даражаси, кўникмалари) бўлади.

- моддий аҳамиятга эга эмаслиги ва уларни тўплаш имкониятининг йўқлиги. Таълим хизматлари бошқа товарларга ўхшаб моддий кўринишга эга эмас, лекин натижаси инсон капиталини шаклланиши учун тўпланади.

- таълим хизматлари бир вақтнинг ўзида ҳам ишлаб чиқарилади, ҳам истеъмол қилинади, истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи ўртасида воситачилар бўлмайди.

- таълим хизматларининг рақобатбардошлиги жамият тараққиётига таъсир қилади, шунинг учун унинг сифатига давлат қизиқиши ва давлат назоратида туриши зарур.

- таълим хизматларини кўрсатувчилар нафақат таълим, балки тарбиявий хизматларни ҳам кўрсатадилар.

- таълим хизматларига бўлган талаб ошишидан олдин уни тайёрлаб қўйиш ёки бойлик сифатида сақлаш мумкин эмас. Бунинг асосий сабаби инсон томонидан олинган маълумотларнинг вақт ўтиши билан унутилиши ёки билимларнинг эскиришидир.

Олимларнинг берган таърифлари ва "таълим хизматлари"нинг асосий хусусиятларидан келиб чиқиб, "таълим хизматлари"га қуйидагича таърифни таклиф этамиз: таълим хизматлари - бу таълим истеъмолчиларининг шахсий, гуруҳий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш мақсадида уларга таълим, кўникма ва малакаларни беришга қаратилган комлекс жараёндир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги 637-сон Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 29 сентябрда Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табриги (president.uz).
3. Шевченко О.М. Сущность и особенности образовательной услуги, услуг, "Маркетинг в России и за рубежом" №3, 2011
4. Алмакучуков К.М. Технологии управления маркетингом в вузе // Высшее образование Кыргызской Республики. – 2008.
5. Ахунова Г. Ўзбекистонда таълим хизматлари маркетинги муаммолари: Монография. – Тошкент. – 2005.
6. Назарова Д. Таълим хизматлари маркетингида ахборотни бошқариш // Жамият ва бошқарув. – 2010. – 3. – 65-67-б.
7. Набиев Д. Совершенствование управления маркетингом образовательных услуг в условиях модернизации экономики. Автореф. ... докт. эконом. наук. – Ташкент, 2009. – 48 с.

8. Очилов А.О. Инновационное развитие высшего образования в Узбекистане (https://cyberleninka.ru/article/n/innovatsionnoe-razvitie-vysshego-obrazovaniya-v-uzbekistane/viewer)

Функции и перспективы отраслевой экономики, менеджмента и маркетинга в условиях цифровой экономики.

Соискатель Самаркандского института экономики и сервиса
Юсупова Нигина Тажиевна г. Самарканд. Узбекистан

***Цель работы**: Изучить перспективы особенностей развития отраслевой экономики, менеджмента и маркетинга в условиях цифровой экономике в Республике Узбекистан на основе принципов организации и условий, способствующих его развитию.*

Материалы и методы:

В целях ускоренного развития цифровой индустрии, повышения конкурентоспособности национальной экономики, а также обеспечения реализации задач в республике по указу президента Республики Узбекистан «Об утверждении стратегии цифровой Узбекистан-2030» и мерах по ее эффективной реализации была разработана программа по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах в «Год развития науки, просвещения и цифровой экономики».

Результаты исследований.
В республике реализуются комплексные меры по активному развитию цифровой экономики, а также широкому внедрению современных информационно-коммуникационных технологий во все отрасли и сферы, прежде всего, в государственное управление, образование, здравоохранение и сельское хозяйство.

Президент Шавкат Мирзиёев 28 апреля подписал постановление «О мерах по широкому внедрению цифровой экономики и электронного правительства». Документом предусмотрено **ускоренное формирование цифровой экономики** с увеличением ее доли в валовом внутреннем продукте страны к 2023 году в два раза.

Цифровая экономика определяется как экономическая деятельность, основанная на цифровых (информационных) технологиях. Для успешного конкурирования организации всё больше внедряют информационные системы управления, развивают продажи товаров и услуг через электронные каналы дистрибуции товаров и услуг.

Практически все предприниматели признают, что использование информационных технологий при правильном применении сказывается позитивно на бизнесе.

Данный процесс называется цифровой трансформацией. Исследователи из MIT определяют термин «цифровая трансформация» как «использование современных технологий для кардинального повышения производительности и ценности предприятий («Цифровая трансформация: дорожная карта для организаций с миллиардными оборотами»).

Цифровая трансформация затрагивает деятельность организаций, работающих во всех отраслях экономики, что приводит российскую экономику к росту конкуренции на внутренних и внешних рынках.

По мнению исследователей, государство может стимулировать цифровизацию экономических процессов следующими действиями:

- выступать как организатор общих технологических платформ, которые объединяют различные организации, либо как регулятор, директивно устанавливающий требования по использованию определённых технологических решений, так как без синхронизации процессов внедрения типовых технологических решений в целых сегментах экономики невозможно их широкое распространение;
- постоянно совершенствовать имеющуюся нормативную базу, регулирующую развитие цифровой экономики, и делать это в режиме диалога и учета мнений пользователей, разработчиков и провайдеров услуг, которые на практике будут сталкиваться с новыми видами объектов и субъектов информационных правоотношений, требующих юридического оформления;
- становиться самому участником общего процесса цифровизации отношений, в том числе развивая систему электронного правительства и перечень предоставляемых в электронном формате госуслуг;
- стимулировать и поощрять внедрение в организациях информационных систем, электронных услуг и вводить налоговые стимулы для развития цифровых технологий, а также трансграничной онлайн торговли;

- готовить в необходимых количествах кадры как самих IT- специалистов и программистов, так и квалифицированных пользователей, способных использовать постоянно обновляемые цифровые технологии;
- обеспечивать безопасность от киберугроз, а также уверенность у всех субъектов, в той или иной мере вовлечённых в цифровую экономику, что собираемые, хранимые и используемые ими данные защищены от возможных преступных действий;
- расширять международное сотрудничество и создавать привлекательные условия для притока и внедрение передовых информационных технологий во все сферы экономической деятельности

Для того чтобы повысить управляемость компании и сделать возможными проекты цифровой трансформации, необходимо построение эффективной процессноориентированной системы управления. И только компания, которая осознает свои основные бизнес-процессы, может стать цифровой компанией и вырваться вперед в конкурентной борьбе с менее осведомленными конкурентами

Степень развития в стране цифровой экономики, которая напрямую связана с уровнем развития информационно-коммутационных технологий (ИКТ), принято оценивать различными показателями: доля цифровой экономики в ВВП, размеры инвестиций в отрасль ИКТ, скорость интернета, его покрытие территории страны и доступность для использования населением, уровень развития электронной коммерции, доля госуслуг в системе электронного правительства, обеспеченность организаций специалистами в области ИКТ и др. Кроме этого, важными являются показатели в международных рейтингах, оценивающих степень развития в стране информационных технологий.

Значительную роль в обеспечении ускоренного развития цифровой индустрии в республике Узбекистана, формировании и поддержании имиджа страны на мировом рынке.

К настоящему времени экономика, менеджмент и маркетинг превратились в одно из ведущих секторов мировой экономики. В этой связи в Узбекистане уделяется особое внимание модернизации информационной индустрии, разработке и совершенствованию нормативно-правовой базы для устойчивого развития отрасли в соответствии с международными стандартами.

Абдувохобов Ш. СамДАҚИ стажер ўқитувчи

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ УЧУН ФОНД БОЗОРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШ

Аннотация. *Мақолада мамлактда фонд бозорининг аҳамияти ҳақида сўз боради. Жумладан, инвестицияларни жалб қилишда фон биозорининг ҳиссасини ҳамда бу масалани ёритиб бериш ва бу масалага бир қанча амалий таклифлар берилган.*

Калит сўзлар: *фонд бозори, инвестиция, иқтисодиёт, ривожланиш, стратегия.*

Кириш. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан бошланган ва бугунги кунда микро ва макро даражаларда интенсив тарзда кечаяётган жараёнларнинг таҳлили, Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Харакатлар стратегиясида белгиланган бешта устувор йўналишларнинг мазмуни миллий иқтисодиётни юксалтиришда, янги иш ўринларини яратишда, аҳоли реал даромадларини кўпайтиришда янги имкониятлар вужудга келаётганлиги тўғрисида асосли хулоса чиқариш имконини берса, жорий 2018 йилнинг “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш” йили деб эълон қилиниши эса бунга кенг замин яратади.

Лекин узил-кесил ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам йўқ эмас. Халқаро валюта фонди маълумотларига кўра, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички махсулот ҳажми бўйича Ўзбекистон дунё рейтингида 187 мамлакат ўртасида 134-ўринда турибди. Ваҳолангки, Ўзбекистон жуда бой табиий ресурсларга, катта иқтисодий салоҳиятга эга давлат. [1]

Таҳлил ва натижалар. 2017-2021 йилларда умумий қиймати 40 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг ЯИМдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади. [1]

Мустақилликни қўлга киритганидан сўнг замонавий бозор муносабатларини ривожлантиришни мақсад қилган Ўзбекистонда фонд бозорини шакллантириш эҳтиёжи юзага келиб, ҳозирги кунда у ўз иштирокчиларига ва ривожланган инфратузилмага эга бўлган барқарор фаолият юритувчи институтга айланди. Бугунги кунда Ўзбекистон фонд бозори муҳим ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Бу борада ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан муваффақиятларга эришилмоқда. Бу қуйидагиларда ўз ифодасини топмокда:

- фонд бозоридаги савдо айланмаларининг ўсиши;
- битимлар idенсификация;
- умумий савдо ҳажмида биржа сегменти улушининг доимий равишда ўсиши;

➢ бутун фонд бозори инфратузилмасининг ривожланиши; қонуний базанинг такомиллашиши.

Бугунги кунда хорижий инвесторлар учун Ўзбекистон ундаги барқарорлик, асосий энергия ресурсларининг нисбатан арзон қийматга эгалиги, зарурий хомашёнинг мавжудлиги, малакали ва юқори даражада рақобатбардош ишчи кучи каби кўрсаткичлар бўйича минтақадаги бошқа мамлакатлар орасида ҳар томонлама ижобий аҳамиятга эга бўлган ва манфаат келтирадиган мамлакат сифатида эътироф этилмоқда. Мамлакатимиз ҳукумати томонидан иқтисодий ўсишни янада жадаллаштириш, хусусан, ишлаб чиқаришга фақат юқори технологияларни жалб этиш мақсадида максимал даражада қулай ва жозибали инвестицион муҳитни яратишга ҳаракат қилинмоқда. Президентимиз томонидан 2017 йилда 21 та олий даражадаги ташрифлар амалга оширилди, 60 дан ортиқ давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Натижада 400 дан ортиқ битим ва келишувларга эришилди. Қарийб 60 миллиард АҚШ доллари хажмидаги савдо ва сармоявий шартномалар имзоланди. Қабул қилинган ҳужжат ва келишувларни ўз вақтида тўлиқ бажариш мақсадида 40 та “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди ва хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда амалга оширилмоқда.[1]

Хулоса қилиб айтсак, мамлакатимизда юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш мақсадида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали нафақат янги корхоналарни барпо этиш, балки собиқ Иттифоқ давридан қолган эскирган асбоб-ускуналарга эга корхоналарни энергия тежовчи илғор технологиялар билан янгилаш бўйича кўплаб ижобий муваффақиятларга эришилмоқда. Умид қиламизки, яқин келажакда бундай муваффақиятларнинг давоми сифатида мамлакатимизнинг хорижий инвестициялар иштирокидаги янги корхоналар фаолият юритувчи барча ҳудудларида замонавий такомиллашган хизмат кўрсатиш инфратузилмалари ривожлантирилади.

Кўплаб мамлакатларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар очиқ бозор шароитида рақобатбардош маҳсулот ва хизматлар таклиф эта оладиган корхоналарни миллий иқтисодиётга жалб этиш имконияти сифатида эътироф этилади. Жумладан, ҳар йили 3 миллиарддан кўпроқ тўғридан-тўғри хорижий инвестециялар жалб этилмоқда. Мамалакат иқтисодиётига киритилаётган инвестиция умумий ҳажмининг 85.5 фоиздан кўпроғи уларнинг ҳиссасига тўғри келади, давлат кафолати остида жалб қилинганлари эса 14.5 фоизни ташкил этади [9]. Албатта бу хорижий инвесторларнинг республика иқтисодиёти ишончлилигига, уни ривожлантириш истиқболларига қизиқиши ҳамда рағбати ортаётганидан далолат беради. Бундан ташқари, тўғрида-тўғри инвестициялар мамлакатларда, хусусан, ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларда иқтисодий ўсиш ва бандликни оширишнинг муҳим омили сифатида талқин этилади. Айнан шунинг учун ҳам, ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатлар орасида хорижий капиталнинг ушбу тури учун курашда юқори рақобат кузатилади.

Инвестициялар бўйича халқаро ҳисоботга кўра, сўнгги йилларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар қуйидаги 3 та асосий шаклда амалга оширилмоқда:

1. Сотиб олиш бирлашиш (Akquisitions & Mergers)
2. Нолдан бошлаб қилинадиган инвестициялар (Greenfield investment).
3. Қўшма корхоналар (Joint ventures).

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг энг катта ҳажми сотиб олиш бирлашишга тўғри келади (90% атрофида), 1% дан камроғи нолдан бошлаб қилинадиган инвестициялар ҳиссасига тўғри келса, 10% атрофида қўшма корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Қўшма корхона ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатлар учун алоҳида қизиқиш уйғотади. Иқтисодий адабиётда қўшма корхона иккига бўлинади: шартнома асосидаги қўшма корхона (Kontraktual - JV) ва капитал иштирокидаги қўшма корхона (Yequity - JV). Биринчи турдаги қўшма корхонада капиталнинг иштироки назарга тутилмайди, иккинчи турдагиси бўлса, тор доирадаги қўшма корхона сифатида эътироф этилади. Биринчи турдаги қўшма корхона фаолияти лицензиялар тўғрисидаги келишувлар, асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш жараёнини, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар билан боғлиқ риск омилисиз назоратни амалга ошириш имкониятини берадиган турли-туман шартномаларни ўзида қамраб олади. Одатда, қўшма корхона бўйича хорижий ҳамкорлар мажоритар иштирок этишга (50% дан ортиқ бўлган улуш) эришиш орқали ўз улушларини оширишга ҳаракат қиладилар. Масалан, 1970-1980 йилларда АҚШ корпорациялари қўшма корхоналардаги ўз улушларини 70-80% гача таъминлай олган. [5]

Жаҳон тажрибасига кўра, қўшма корхоналар асосан қуйидаги ҳолатларда вужудга келади: ҳамкорлар ва уларнинг мамлакатлари ўртасида катта фарқ мавжуд бўлган шароитда хорижий инвестор учун ўз хусусий рискларини тақсимлаш имконияти юзага келади. Масалан, Европа мамлакатларининг Таиландаги ишлаб чиқариш секторига йўналтирган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 16% и “нолдан бошлаб қилинадиган инвестициялар” ҳиссасига тўғри келса, қолган 84% и қўшма корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Бунда ривожланган мамлакатларнинг трансмиллий корпорацияларига хос бўлган сотиб олиш бирлашиш шакли деярли амал қилмайди [9].

Хусусан, бундай умумжаҳон йўналиш Ўзбекистон миллий иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг бошланғич даврида намоён бўлиб, бунда хорижий инвесторлар, айниқса Ўзбекистоннинг йирик инвестор мамлакатлари асосан қўшма корхона шаклидаги корхоналарни яратишга интилди (хорижий корхона мақомидаги корхонани яратишга нисбатан камроқ даражада эътибор қаратилди). Қабул қилувчи мамлакатда трансмиллий корпорациянинг технологик ишлаб чиқариш даражаси

қанчалик юқори шаклланса, мажоритар ваколатхоналар ёки 100% лик капиталга эга чет эл фирмаларини яратишга бўлган талаб шунчалик юқори бўлади. Шунинг учун ҳам жаҳон амалиётида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг қўшма корхона шакли сотиб олиш бирлашиш шакли сингари кенг тарқалмаган. Бир қатор мамлакатларда қўшма корхоналарнинг яратилиши бозордаги янгилик, бозордаги вазиятнинг алоҳида такомиллашмаган йўналишлари, миллий ҳукуматларнинг хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласи бўйича сиёсатлари билан белгиланади. Масалан, Беларусь Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги 4218 та тижорат ташкилотларидан фақат 54 таси трансмиллий корпорацияларнинг филиалларини намоён этган бир пайтда аҳоли жон бошига жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўйича етакчи мамлакатлар ҳисобланган Эстония, Венгрия, Словакия, Хорватия кабиларда бундай филиалларни минглаб учратиш мумкин [7].

Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиш даражасига қараб қонуний база такомиллашиб бормоқда, миллий корхоналарнинг мустаҳкамланиши, иқтисодий муносабатларнинг либераллашуви бўлса, хорижий капитални тартибга солиш соҳасида доимий равишда ижобий силжишларга олиб келмоқда. Хорижий тадбиркорлар учун қулайликлар яратиш, барқарорликни кафолатлаш, шунингдек, ишончнинг ортиши ўз ижобий натижаларини бера бошлади. Агар, 2001 йилда хорижий капитал иштирокидаги 1795 та корхонадан фақат 83 тасигина 100 %лик хорижий капиталга эга корхоналар бўлган бўлса (4,6%), 2010 йилда 4057 та корхонадан 1513 таси ёки (37,3%), 2016 йилда 4.2 мингтадан кўпроқ хорижий корхоналарни ташкил этди [3].

Мустақиллик йиллари мобайнида мамлакатимиз фонд бозорида қуйидаги муваффақиятларга эришилди:

- ❖ қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш соҳасида 115 дан ортиқ меъёри-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди;
- ❖ 30 мингдан ортиқ давлат корхоналари хусусийлаштирилди ва уларнинг базасида 1300 дан ортиқ акциядорлик жамиятлари фаолият кўрсатмоқда;
- ❖ ушбу акциядорлик жамиятлари томонидан 9,5 трлн.сўмдан ортиқ номинал қийматдаги акциялар муомалага чиқарилган;
- ❖ бугунги кунда Республикада 140 дан ориқ инвестиция институтлари фаолият кўрсатмоқда, савдо ташкилотчилари ва брокерлик компанияларининг тизими ҳамда икки босқичли депозитарий яратилди [7].

Ҳозирги пайтда “Тошкент” Республика фонд биржаси мамлакат қимматли қоғозлар бозоридаги асосий ташкилот ҳисобланади. Умуман, мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозори инфратузилмаси такомиллашиб бормоқда. Унга “Тошкент” РФБ дан ташқари қуйидагилар киради:

- икки босқичли депозитарийлар тизими;
- ҳисоб-китоб-клиринг палатаси;
- банкларарo савдо тизими;
- “Элсис-савдо” биржадан ташқари савдоларнинг электрон тизими;

- брокерлик идоралари;
- инвестиция фондлари;
- бошқарувчи компаниялар.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар ўз ижобий натижаларини бермоқда. Кенг кўламдаги истиқболларга эга фонд бозорини модернизация қилишда ўзаро манфаатли ҳамкорлик уни жаҳон стандартлари даражасига кўтариш имконини беради.

Бугунги кунда Корея фонд биржаси бундай жараёнларнинг фаол иштирокчиси ҳисобланади. 2010 йилнинг 28 октябрида Корея фонд биржаси билан Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ўртасида қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланган. Ушбу меморандум асосида бирлашган ишчи қўмита яратилган бўлиб, унинг таркибига қимматли қоғозлар бозоридаги вазиятни ўрганиш учун иккала томондан ҳам экспертлар кирган [6].

Қимматли қоғозлар бозорини ишончли ва самарали фаолият юритиши ҳамда уни тартибга соладиган қонуний базани ўрганиш учун зарур ахборот технологиялари масалалари бўйича тренингларни ташкил этишда ҳамкорлик йўлга қўйилган. Самарали ҳамкорлик учун бошқа бир муҳим бўлиб 2011 йилнинг 23 августида иккала тизим томонидан имзоланган Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорини модернизация килиш бўйича Бош битим ҳисобланади.

Корея фонд биржаси “калит билан топшириш” шарти асосида Ўзбекистоннинг фонд бозори учун Ягона дастурий – техник мажмуани жорий этиши керак бўлиб, ушбу мажмуа қуйидагилардан иборат:

- ❖ дастурий таъминот;
- ❖ серверли ва телекоммуникация хизмати кўрсатиш;
- ❖ маҳаллий мутахассисларни ўқитиш ва бир йил давомида кафолатли хизматни тақдим этиш;
- ❖ қонуний базани такомиллаштиришда кўмак бериш.

Мамлакатимизда фонд бозорини жаҳон талаблари асосида ривожлантириш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилмоқда:

- ❖ бозордаги профессионал фаолият имкониятлари кенгайиб бормоқда (масалан, фонд бозоридаги фаолиятни бошқа фаолият турлари билан бирга олиб боришга бўлган аввалги чекловлар бекор қилинди);
- ❖ инвесторлар, эмитентлар ва фонд бозорининг профессионал иштирокчилари учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирлар мунтазам равишда амалга ошириб келинмоқда;
- ❖ фаол ривожланаётган фонд бозори турли категориялардаги инвесторлар, шу жумладан аҳолига ўз қуйилмаларини диверсификация қилиш хамда бўш пул маблағларини қимматли қоғозларни харид қилиш ва улар бўйича даромадлар олишга йўналтириш имконини беради.

Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияларни жалб килишда фонд бозорларининг таъсирини ошириш учун қуйидагиларга эътибор берилса мақсадга мувофиқ бўларди:

1. Иккиламчи фонд бозорини ривожлантириш ҳамда унга аҳолининг кенг қатламлари ва кичик бизнесни жалб қилиш ҳали ҳам долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бундай муаммони ҳал этиш учун, биринчидан, ҳам биржа ҳам биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозори учун алоҳида-алоҳида рағбатлантирувчи тариф сиёсатлари бўлиши керак. Чунки йирик инвесторлар, кичик бизнес ва аҳолининг имкониятлари турлича бўлади. Иккинчидан, аҳолининг фонд бозори тўғрисидаги билимлари даражасини ошириш зарур.

2. Яна бир ҳал қилувчи омил ликвидли товарни таклиф этишдир. Ҳар қандай йирик корхонанинг ҳар қандай акцияларини сотиб олиш имкониятига эга бўлиши зарур. Бугунги кунда ушбу масала борасида тегишли давлат ташкилотларида зарур ишлар олиб борилмоқда (Масалан, Давлат рақобат қўмитасида).

3. Албатта, маълумотларнинг очиқлилиги таъминланиши керак. Агар инвесторлар акцияларнинг нима учун чиқарилаётганлигини, корхонанинг пуллари қаерга йўналтирилишини, уларнинг қайтиши ёки қайтмаслик хавфи, даромад қандай бўлишини билсалар, у ҳолда улар аниқ эмитентнинг қимматли қоғозларини харид килиш тўғрисида янада аниқ қарорлар қабул қиладилар ҳамда акцияларни осон сотиш мумкинлиги тўғрисида кафолат мавжуд бўлади.

Хулоса килиб айтсак, юқоридаги каби тавсиялар амалга оширилса, биринчидан, корхоналар ўз ривожланишлари учун анча молиявий маблағларни жалб этиши мумкин. Ахир майда акциядорларнинг бирлашган капитали катта маблағни ташкил этиши мумкин бўлиб, бу ўз навбатида, корхоналар учун ўз қўйилмалар портфелларини диверсификация қилиш ва активларнинг хилма-хиллигини ошириш имкониятини беради. Иккинчидан, бугунги кунда бутун дунёда қимматли қоғозлар даромадларнинг қўшимча манбаи ҳисобланади. Қимматли қоғозларни жалб ишда инвестициялар бўйича харажатларнинг кам бўлишини ҳисобга олсак, фонд бозоридаги операциялардан келадиган даромад муҳим даражада ошиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. http://Prezident.uz/uz/list/viev/1371- Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожотномаси
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасиг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси, 2017 й, 24декабр
3. Ахмедов О.М.Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни бошқариш. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва

жамият қурилиши академияси; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси. –Т.:Академия, 2011. -129 б.
4. Аллель Дж. Эффективные инвестиции. Как зарабатывать на росте и падении акций, инфляции, скачках цен на нефть … и не только / Пер.с англ. Под ред. В.В.Ильина. – СПб.: Питер,2009.-416 с.: ил. - (Серия «Трейдинг & инвестиции»).
5. Хазанович Э.С. Иностранные инвестиции: учебное пособие/ Э.С.Хазанович. 2-е изд., стер. - М.:КНОРУС, 2011.-312с.
6. Левенцев Н.Н., Костюнина Г.М. Международное движение капитала (Инвестиционная политика зарубежных стран): Учебник. - М.: Экономистъ, 2007. - 368 с.
7. Черкасов В. Е. Международные инвестиции. Учебно-практическое пособие. - М.: Дело, 2007. - 160 с. 8. Инвестиционная политика: учебное пособие / Ю.Н. Лапыгин, А.А. Балакирев, Е.В. Бобкова и др. //под ред. Ю.Н. Лапыгина. - М.: КНОРУС, 2005. - 320с.
8. Каримов И. А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
9. www.stat.uz

IMPROVING THE VALUE OF GOODS AND THE DEVELOPMENT OF OPTIMAL PLANNING ASSORTMENT

U. Kalandarov - Senior Lecturer at the Samarkand Institute of Economics and Service

Z. Bobodustov - Lecturer at the Samarkand Institute of Economics and Service

Annotation: One of the well-known criteria for optimizing by changing the structure of production, it makes sense only when it is aimed at increasing value for the consumer. Due to this change, the value of marketable products increases, which is the criterion of the maximum produced goods in a given range.

Keywords: criteria, consumer, optimization, value, modernization, modification, dependence, orientation, linear models, product.

At the transition stage of modernization of the economy, when the market is saturated and developed competition, business leaders realized the need to focus production activities on consumers and enterprises - manufacturers of products through optimization mechanisms using high marketing technologies.

Below is a model of the optimal planning of the production program of the enterprise, allowing to ensure such a harmonization of interests.

In practice, as a rule, simplified models are used.

The authors of such models are based on the assumption that there is a certain "fork" within which it is still practically impossible to estimate the relative value for the consumer of a particular release structure. And if this is so, then why not, within the framework of this uncertainty, provide an improvement in such indicators as the total volume of commodity output or profit. However, with a corresponding change in the structure of output, as a rule, there is a decrease in the value for the consumer of the structure of commercial products. [1,2]

Optimization by changing the structure of output makes sense only when, due to such a change, the value to the consumer of the structure of commercial products increases.

One of the known criteria, which aims to increase the value for the consumer of the structure of products, is the maximum production criteria in a given range. The use of such a criterion suggests that we know the best assortment of products produced (then it is accepted as an assortment condition). However, even if this relationship is not known to us in advance, the principles of decision theory under uncertainty, the experience and intuition of the marketer allow us to find a more or less acceptable approximation to the best assortment. [3]

This criterion has at least three significant drawbacks. The first drawback is that the criterion does not take into account that the best possible assortment may vary depending on the level of output achieved. The second drawback is that due to a small deviation from a given range, you can often get a significant increase in the output of individual products and the total release. The third drawback is that such a criterion can lead to the choice of capital investments that are expensive at cost and the reduced costs of technological methods.

The first drawback can be removed by several modifications of the criterion under consideration, the simplest of which is that the assortment is given by the type relations $y_g = \tilde{y}_g + \lambda(B_g - \tilde{y}_g)$

Where y_g product issue g-th species; $\tilde{y}_g$ the achieved level of g- output (or the value of the output of the g-th species in some rationalized plan structure not exceeding the total achieved); B_g - need; λ - maximized parameter.

A more accurate way to remove this disadvantage is to move from the criterion of maximizing output in a given assortment to the criterion of maximizing output in a variable range, which uses a more general form of non-linear dependencies of specific weights of different products in the total output on the achieved value of this volume.

In a number of works, criteria have been proposed that allow to partially or almost completely remove the indicated disadvantages of the maximum output criterion in a given assortment while maintaining the positive side of this criterion: orientation to the best from the consumer's point of view. [4]

The idea of the maximum profit offered in some works in different types minus penalties for deviating from a rationalized assortment is as follows. If the best assortment can be achieved without under-utilization of resources and without the use of expensive production demands, then the solution gives the maximum output in a rationalized assortment. If, due to a small deviation from this range, the output of other products can be noticeably increased or the choice of less expensive production methods is ensured, then this criterion provides a corresponding deviation. This deviation makes it possible for the solution to remain near the rationalized assortment and is in a sense a minimal deviation from it. The rationalized assortment itself varies according to the level of need achieved.

Criteria of this type can provide both an improvement in the start-up structure from the point of view of consumer interests and a reduction in production costs. They are more common than the commonly used requirements of maximum profit, maximum product output, maximum output of the final product in a given assortment, minimum cost, minimum standard deviation of the share of the stated demand from the unit, etc. As more general, they eliminate a number of disadvantages of these simplified criteria and use their relative advantages.

However, the proposed criteria of this kind, expressing the requirement of maximum profit minus penalties for deviations from a rational structure, are extremely difficult to use in the same enterprise that produces finished products and are included in the cost of the latter at cost.

In such a more general case, it is possible to take as a criterion the requirement of a minimum of total production costs and penalties for deviating output from needs.

From a mathematical point of view, such a criterion belongs to the same class as those proposed in a number of papers.

Parameters that measure the "cost" and "natural" components of the criterion (values η_g of the model below) can be built using information on the relative importance (usefulness) of certain types of products for the national economy or for consumers. These parameters can be constructed taking into account the relative importance of products, reflected in price ratios, and significance reflected through indicators of the elasticity of demand for products of the respective species.

The parameters η_g themselves can be considered as a task with an accuracy up to some common regulated parameter for them $\eta(\eta = \eta' \bullet \eta_g)$, with the help of which one can give greater importance to individual factors (cost or structural). The value of the specified parameter should be greater, the higher the expected percentage of satisfaction of the need.

In contrast to linear models with restrictions in the form of “forks” for output, in which decisions fall mainly on the boundaries of the “fork” ranges, solutions in a model with an assumed criterion for given η_g parameters that determine the greater or lesser importance of products are not obtained at the boundaries "Forks", and inside them.

Variation of the parameter η is by no means equivalent to variation of the “forks” in linear models. In the latter, it is assumed (when going from solution to solution) variation by 2G parameters (upper and lower forks), G is the number of variables.

As an optimality condition, an improved model of optimal current planning adopted, as noted above, is minimization of current production costs and penalties for deviations of the output of the final product of an enterprise from its needs:

$$\sum_k C_k x_k + \sum C^s x_f^s + \sum_l \sum_f n^{lf} Clf + \sum \frac{\eta_g}{B_g} \left[B_g - \left(\sum_{kýk^g} x^k - \sum_{q \neq g} \sum_{kýë^i} à_{gk} \bullet x_k \right) \right] \to \min$$

In the model limitations we cited, the specific features of watch factories and enterprises of spectacle optics are presented, for example, the presence of auxiliary instrumental production characteristic of the watch industry and spectacle optics, the presence of intermediate products (semi-finished products, etc.). It should be noted that although individual restrictions were contained in a similar or simpler form in other models, however, models containing just such a set of interrelated restrictions with just such a system of indicators are presented for the first time.

Thus, the proposed model of optimal planning is significantly more general than those previously used in instrument engineering and mechanical engineering.

It seems that the calculation of the optimal current plan should be carried out with the purpose of its use for the second of two planned years. The fact is that the equipment ordered in the middle of the current base year for the next planning year is received and installed during this planning year not in full compliance with the specification ordered and mainly by the end of the year. Because of this, the calculation of the optimal plan for the next planning year may be impaired. Therefore, it makes sense to carry out the initial calculation of the plan for the

second of two planned years, refining it as it is clarified, determined by the first versions of the model calculations, with the most significant variables being x_f^s.

When the year passes and the second planned year becomes the first, the task of optimal current production planning with given values of old and new fixed assets in the corresponding year can be solved for it. In cases where the fixed assets of some types during the year are significantly changing, this problem can be solved for individual segments of the year (for example, for quarters).

LIST OF USED SOURCES

1. Басовский Л.Е., Протасьев В.Б. Управление качеством: Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2010. 65-69 ст.

2. Пардаев М.Қ. Функционал қиймат таҳлилини такомиллаштириш йўналишлари. Монография. Т.:фан ва технология, 2013 й. 38-47 б.

3. Справочник по функционально-стоимостному анализу /П.П.Ковалев, Н.К.Моисеева, В.А. Сысун и др.; под ред. М.Г.Карпунина, Б.И.Майданчика.- М.: Финансы и статистика, 2012. 18-23ст.

4. Фатхутдинов Р.А. Стратегический менеджмент: Учебник. – 6-е изд., испр и доп. М.: Дело, 2013. 71-73б.

Очилов Олмос Икром ўғли - ТМИ катта ўқитувчиси

МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мақолада хўжалик юритувчи субъектлар молиявий инвестициялари таҳлилининг назарий масалалари тадқиқ қилиниб, уни такомиллаштириш бўйича муаллифлик ёндашувлари келтирилган.

Калит сўзлар: инвестиция, молиявий инвестиция, қимматли қоғозлар, улушли қатнашиш, таҳлил.

Хўжалик юритувчи субъектларниг инвестициялари таҳлили кўплаб хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Инвестициялар таҳлилига оид илмий ва ўқув-услубий адабиётлар талқини шуни кўрсатадики, инвестициялар таҳлилининг назарий, услубий ва амалий жиҳатлари атрофлича тадқиқ қилинган ва очиб берилган. Бироқ, инвестициялар амалга оширилгандан сўнг хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларида акс эттириладиган инвестицияларга оид ахборотлар асосида инвестициялар таҳлилини амалга ошириш, унинг самарадорлигига баҳо бериш нуқтайи назардан таҳлилни ташкил этиш, ўтказиш, кўрсаткичлар тизими ва усулларини белгилаш ҳамда натижаларини умумлаштириш

адабиётларда етарлича ёритилмаган ва илмий жиҳатдан тўлиқ тадқиқ қилинмаган. Шу боисдан, тадқиқотларда инвестициялар таҳлилига хўжалик юритувчи субъект тасарруф этаётган инвестиция активлари, уларнинг бизнес жараёнлари, молиявий ҳолат ва натижага таъсиридан келиб чиқиб таҳлил қилишнинг назарий, услубий ва ташкилий жиҳатларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Инвестициялар таҳлили иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми сифатида тематик ва батафсил таҳлили турларига асосланган ҳолда намоён бўлади. Зеро, инвестициялар бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил объектларидан бири ҳисобланади. Бироқ, инвестицияларнинг турлари бўйича таҳлил ўтказилганда унинг шакли ва мазмуни кескин ўзгаради. Шу боисдан тадқиқотлар натижасида инвестициялар таҳлилининг асосий йўналишлари ва уларнинг элементларини қуйидагича изоҳлаш таклиф этилди. (1-расм).

Йўналтирилган инвестициялар таҳлилининг муҳим элементларидан бири бу молиявий инвестициялар таҳлили ҳисобланади. Молиявий инвестициялаш корхона бўш маблағларидан самарали фойдаланишнинг мақбул усули сифатида намоён бўлади. Ушбу турдаги инвестицияларни белги ва хусусиятларига кўра бухгалтерия ҳисобида таснифлаш асосларини инобатга олган ҳолда уларни таҳлилини ҳам шу ёндашувлардан келиб чиқиб амалга оширишни лозим деб ҳисоблаймиз.



1-расм. Инвестициялар таҳлилининг асосий йўналишлари ва уларнинг элементлари

Молиявий ва капитал инвестициялар мақсадлари жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Капитал инвестициялар корхоналар, уларнинг фаолияти ва жараёнларни модернизация, диверсификация ва инновациялашга бўлган зарурат туфайли амалга оширилса, молиявий инвестициялар вақтинча бўш турган маблағлар ва иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш, қўшимча даромад олиш, корхонанинг молиявий, фискал ва бизнес стратегияларини реализация қилиш мақсадида йўналтирилади. Молиявий инвестициялар таҳлили ва унда ўрганиладиган масалаларни қуйидагича ифода этиш мумкин (1-жадвал). Молиявий инвестицияларнинг барча турлари бўйича таҳлилини амалга оширганда ретроспектив баҳолаш усули кенг қўлланилади. Шунингдек, назорат қилинадиган, ҳиссали қатнашиш асосидаги улушли инвестициялар, ассоциациялашган корхоналарга қилинган инвестициялар бўйича комплекс иқтисодий таҳлил ўтказиш зарур. Зеро, мазкур инвестицияларнинг даромадлилиги улар киритилган корхоналарнинг молиявий натижалари, молиявий барқарорлигига бевосита боғлиқдир.

Молиявий инвестициялар таҳлилида ушбу турдаги инвестициялардан олинадиган даромадларга ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоғи даркор.

1-жадвал

Молиявий инвестициялар таҳлилининг таркибий элементлари ва уларнинг мазмуни

Т/р	Молиявий инвестициялар таҳлили	Ўрганиладиган масалалар
1.	Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар таҳлили	Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан харид қилинган улушли, қарз қимматли қоғозлар ва деривативларга йўналтирилган инвестициялар таҳлили қилиниб, бунда қимматли қоғозлар бўйича техник таҳлил туридан кенг фойдаланилади. Акциялар, облигацияларнинг даромадлилиги, дивиденд ва фоиз шаклидаги даромадлар бўйича пул оқимлари таҳлили амалга оширилади.
2.	Даромад келтирувчи пул инструментларига қилинган инвестициялар таҳлили	Хўжалик юритувчи субъектларнинг депозитлар, фоизли қарзлар, пул эквивалентлари, криптовалюталар ва бошқа шу каби инструментларга йўналтирган инвестицияларининг даромадлилиги ва улар бўйича юзага келиши мумкин бўлган молиявий рисклар ўрганилади. Ушбу турдаги инвестицияларнинг жами инвестициялар таркибидаги улуши ва динамик таҳлили ҳам амалга оширилади.
3.	Бошқа корхоналар фаолиятида улушли иштирок этиш мақсадида йўналтирилган инвестициялар таҳлили	Хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа тадбиркорлик субъектлари устав капиталидаги улуши, унинг даромадлилиги, қоплаш муддатлари, молиявий таъсирининг ошганлиги натижасида эришилган иқтисодий нафларнинг қўлга киритилганлиги каби жиҳатлар миқдор ва сифат кўрсаткичлари ёрдамида таҳлил қилинади.

Жумладан, молиявий инвестициялардан олинадиган даромадларни қатъий белгиланган ва қатъий белгиланмаган даромадларга ажратиш мумкин. Облигациялар, имтиёзли акциялар, депозит ва фоизли қарзларга қўйиламалар, жамғарма сертификатлари каби молиявий инвестицилардан олинадиган даромадлар қатъий белгиланганлиги боис, улар бўйича рисклар даражаси ҳам пастроқ бўлади. Аммо, улушли қатнашиш бўйича

йўналтирилган инвестициялар, оддий акциялар, криптовалюталар ва бошқа спекулятив молиявий инструментларга инвестициялар бўйича даромадлар қатъий белгиланмаганлиги боис, уларнинг рисклилиги ҳам юқори бўлади. Шу боисдан, инвестициялар таҳлилида молиявий рисклар таҳлили ҳам алоҳида ўрин тутади. Шу ўринда, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш шароитида ҳисоб тизимининг олдига ҳам янгича вазифалар қўйилаётгани, эндиликда, бухгалтерлар томонидан молиявий ахборотларнинг ишончлилигини таъминлаш мақсадида айрим турдаги активлар бўйича йўқотишлар, зарарлар ва уларнинг қиймати қадрсизланишини олдиндан таҳлил қилиб, мавжуд рискларни баҳолаш вазифаси қўйилмоқда. Бу эса молиявий инвестициялар бўйича рисклар таҳлилини ўтказишни мажбурий тартибда амалга оширилиши зарурлигини кўрсатмоқда.

Бабахолов Шерзод Бахтиёрович

Тошкент Давлат аграр университети, Самарқанд филилаи мустақил тадқиқотчиси

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ТАЪСИРЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ БИЛИМ ВА МУНОСАБАТЛАРНИ БАҲОЛАШ: “SEVERITY INDEX”НИ ҲИСОБЛАШ

Аннотация: Иқлим ўзгариши ва унинг салбий таъсирларига мослашиш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, хусусан қишлоқ ҳудуди аҳолиси учун озиқ-овқат хавфсизлиги, даромадлари ва турмуш даражаси нуқтаи назаридан муҳим ҳисобланади. Шу боис, мазкур тадқиқот иши қишлоқ хўжалигида хўжалик юритувчи субъектларнинг иқлим омиллари ўзгариши таъсирлари тўғрисидаги билим ва муносабатларини баҳолашни мақсад қилади. Ушбу мақсадга эришиш учун ишда дунё тажрибасида кенг қўлланилган “Severity Index” (кескинлик индекси) ҳисобланди. Олинган “кескинлик индекси” (Severity Index) коэффициенти 81.3 % эканлиги ҳисобланди, яъни 5 баллик (Likert Scale) ўлчови баҳолаш мезонига асосан кузатилган иқлим ўзгариши таъсирлари Самарқанд вилоятидаги фермер хўжаликлари фаолиятига кучли даражада эканлиги исботланди.

Калит сўзлар: Қишлоқ хўжалиги, иқлим ўзгариши, “кескинлик индекси” (Severity Index)

Иқлим ўзгаришлари ҳозирга вақтда нафақат атроф-муҳит учун балки бутун бир жамият учун жиддий муаммога айланиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги ва унинг ривожланишига таъсир этувчи турли эндоген ва эгзоген омилларнинг салбий оқибатларига мослашиш ҳамда таъсир даражаларини камайтиришда янги инновацион технологияларнинг жорий қилиниши кейинги йилларда дунё қишлоқ хўжалигида қўлланилиб келинаётган муваффақиятли амалиётлардан бири ҳисобланади (Wilson et al., 2019). Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалигидаги мавжуд муаммоларни бартараф этишда аввало тармоқнинг асосий ишлаб чиқарувчилари, яъни фермер ва деҳқон хўжаликларининг мазкур муаммолар тўғрисидаги билим ва тасаввурлари ҳамда мавжуд имкониятларини баҳолаш ва шу асосида амалий тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки, кузатилаётган иқлим ўзгаришлари ва унинг салбий оқибатларини тўлиқ англамасдан ва бу тўғрисида етарли билим ва тасаввурга эга бўлмасдан туриб қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан муносиб адаптация чораларини амалда қўллаш имконини бермайди (Somda et al., 2017). Шу боис, диссертациянинг мазкур бобида фермер хўжаликларининг фаолиятлари давомида кузатилаётган иқлим ўзгаришлари ва таъсирлари тўғрисидаги билим ва тасаввурлари дунё тажрибасига асосланган ҳолда республикамиз қишлоқ хўжалик тизимида биринчи марта *“кескинлик индекси”* (Severity Index) ни ҳисоблаш орқали баҳоланди (Majid et al., 2019). *“кескинлик индекси”* (Severity Index) 1965 йилда АҚШ олими Палмер томонидан фанга жорий қилинган бўлиб, дастлабки тадқиқотларда қурғоқчилик индексини ҳисоблашда кенг фойдаланилган (Fieldhouse et al., 1965). Кейинчалик дунё олимлари Карл ва Бовлеслар ўзларининг тадқиқотларида қурғоқчиликлар давомийлиги ва мавжуд сув ресурсларининг қиймати индексларини ҳисоблашда фойдаланишган (Karl et al., 1983). Ҳозирги кунга келиб, *“кескинлик индекси”* (Severity Index) нафақат қурғоқчилик оқибатларини баҳолашда балки бошқа иқлим омиллари ўзгариши таъсирларининг кескинлик даражаси ҳамда уларнинг оқибатлари тўғрисидаги билим ва тасаввурларни ҳам баҳолашда дунё тажрибасида кенг қўлланилмоқда. Бу борада бир қатор дунё олимларининг тадқиқот ишларида ҳам қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг индивидуал тажрибаси, тасаввур ва билимлари уларнинг адаптация жараёнларини амалга оширишида асосий факторлар эканлиги таъкидлаб ўтилган (Semenza et al., 2008).

2. Методология

Таҳлилар ижтимоий-иқтисодий, демографик, иқлим ўзгариши, ишлаб чиқариш ва иқлим рискини бошқариш тўғрисидаги сўровнома маълумотлари асосида амалга оширилди. Тадқиқот сўровномаси фермер хўжаликлари кесимида шакллантирилди ҳамда Самарқанд вилоятидаги Оқдарё, Булунғур, Жомбой, Пайариқ ва Тайлоқ туманларида фаолият олиб бораётган 307 та фермер хўжаликлари билан “юзма-юз сўров” методикаси асосида 2020 йил натижалари бўйича ўтказилди. Сўровнома ўтказилган мазкур туманлар

Зарафшон дарёсининг юқори ва ўрта оқим қисмларида жойлашган бўлиб, сув таъминоти яхши ва қишлоқ хўжалиги экинлари учун қулай иқлим шароитига эга ҳисобланади.

Сўровнома маълумотлари асосида дастлаб фермер хўжаликларининг иқлим ўзгариши тўғрисидаги билим ва тасаввурлари "кескинлик индекси" (Severity Index) орқали баҳоланди. Ушбу индексни ҳисоблашда дунё тажрибасида кўплаб олимлар томонидан қўлланилган ҳисоблаш усулидан фойдаланилди (Majid et al., 2019). Фермер хўжаликларининг иқлим омиллари ўзгариши, унинг бевосита ўз фаолиятига ҳамда республика қишлоқ хўжалигига бўлган таъсирларига муносабатлари 5 баллик даражадаги жавоблар категорияси (Likert Scale) ўлчови қийматларида белгилаб олинди (Chyung et al., 2017). "*кескинлик индекси*" (Severity Index) қуйидаги формула бўйича ҳисобланди:

$$SI = \sum_{i=0}^{4} p_i \, q_i / n \sum_{i=0}^{4} qi \qquad (1)$$

Бу ерда:
SI = "кескинлик индекси" (Severity Index);
$(p_0 \;\; p_1 \;\; p_2 \;\; p_3 \;\; p_4)$ = фермер хўжаликларининг 5 баллик даража (Likert Scale) ўлчови қийматлари;
$(q_0 = 0, q_1 = 1, q_2 = 2, q_3 = 3, q_4 = 4)$ га мос равишда иқлим ўзгариши тўғрисидаги жавобларининг (тассаввур ва билимлари) кетма-кетлиги;
n = кузатувлар сони (фермер хўжаликлари сони).

Шунингдек, ушбу формула ёрдамида ҳисобланган "кескинлик индекси" (Severity Index)нинг коэффицентлари ва фермер хўжаликларининг тақдим этган жавоблари 5 баллик (Likert Scale) ўлчови қийматларига мос равишда қуйидаги меъзонларда баҳоланди ва тавсифланди.

q_0 = *Мутлоқ қўшилмайман, 0.00 ≤ SI ≤ 12.5;*
q_1 = *Қўшилмайман, 12.6 ≤ SI ≤ 37.5;*
q_2 = *Ўртача деб ҳисоблайман, 37.6 ≤ SI ≤ 62.5;*
q_3 = *Қўшиламан, 62.6 ≤ SI ≤ 87.5;*
q_4 = *Мутлоқ қўшиламан, 87.6 ≤ SI ≤ 100.*

3. Натижалар

Ҳисобланган "кескинлик индекси" (Severity Index)нинг коэффициенти 0 ва 12.5 оралиғида бўлса иқлим ўзгариши таъсири фермер хўжалиги фаолиятида кузатилмаган; агар 12.6 ва 37.5 оралиғида бўлса қисман кузатилган лекин ҳосилда йўқотишлар йўқ; агар 37.6 ва 62.5 оралиғида бўлса иқлим ўзгариши ўрта даражада таъсир кўрсатмоқда; агар 62.6 ва 87.5 оралиғида бўлса иқлим ўзгариши таъсири кучли даражада ва адаптация чоралари зарурдир; ва агар 87.6 ва 100 оралиғида бўлса иқлим ўзгариши таъсири кескин даражада. Бундай ҳолатларда экинлар ҳосилида 100% йўқотишлар кузатилиши мумкин ва адаптация чоралари зарурий

ҳисобланади. Юқоридаги 1-формула асосида “кескинлик индекси” (Severity Index) қуйидаги тартибда ҳисобланди, яъни 5 баллик (Likert Scale) меъзонлари кетма кетлигига мос равишда хўжаликлар томонилан берилган жавоблар сони 5 баллик даража (Likert Scale) ўлчови қийматларига кўпайтирилади ва умумий кузатувлар сонига бўлиш орқали ҳисобланади ва олинган натижа фоизда ифодаланади.

Ҳар бир фермер хўжалигининг иқлим ўзгариши тўғрисидаги билим ва тасаввурлари бўйича ҳисобланган “кескинлик индекси” (Severity Index) кўрсаткичлари 1-жадвалда акс эттирилган.

1-жадвал

Фермер хўжаликларининг иқлим ўзгариши тўғрисидаги билим ва тасаввурларининг “кескинлик индекси” (Severity Index)да ҳисобланган кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар тавсифи		**МҚ (1)**	**Қ (2)**	**ЎДҲ (3)**	**Қ (4)**	**МҚ (5)**	**Severity Index (%)**
Иқлим ўзгариши менинг фаолиятимга бевосита таъсир кўрсатмоқда	ЖБС	0	13	7	176	111	**81.35**
	ЖБУ (%)	0	4.2	2.3	57.3	36.2	
Қишлоқ хўжалик экинларида янги касалликлар кучаймоқда	ЖБС	7	40	20	163	77	71.25
	ЖБУ (%)	2.3	13	6.5	59.1	25.1	
Қурғоқчилик кучаймоқда	ЖБС	12	79	34	130	52	60.5
	ЖБУ (%)	3.9	25.7	11.1	42.3	16.9	
Иқлим ўзгаришини жиддий муаммо деб ҳисоблайман	ЖБС	2	16	24	199	66	**75.25**
	ЖБУ (%)	0.7	5.2	7.8	32.2	54.1	
Иқлим ўзгариши Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига аллақачон таъсир кўрсатди	ЖБС	2	30	33	203	39	70.1
	ЖБУ (%)	0.7	9.8	10.7	66.1	12.7	
Ёғингарчиликлар миқдори (тартибсиз ёмғирлар) кўпаймоқда	ЖБС	30	86	32	154	1	50.1
	ЖБУ (%)	9.8	28	10.4	50.2	1	

Ҳарорат кўтарилмоқда	ЖБС	0	50	28	165	64	70.25
	ЖБУ (%)	0	16.3	9.1	53.7	20.8	
Адаптация чоралари барчамиз учун зарур	ЖБС	0	48	16	134	109	**74.75**
	ЖБУ (%)	0	15.6	5.2	43.6	35.5	

Изоҳ 1: ЖБС-жавоб берувчилар сони; ЖБФ-жавоб берувчилар улуши (фоизда); МҚ (1) – мутлоқ қўшилмайман; Қ (2) – қўшилмайман; ЎДҲ (3) – ўртача деб ҳисоблайман; Қ (4) – қўшиламан; МҚ (5) – мутлоқ қўшиламан. Кузатувлар сони – 307 та.

Хулоса

Хўжаликларининг иқлим ўзгариши тўғрисидаги билим ва тасаввурларини баҳолашда ҳисобланган “кескинлилик индекси” (Severity Index) қуйи коэффициенти 50.1% ва юқори коэффициенти 81.3% ни ташкил қилади. Хусусан, “Иқлим ўзгариши менинг фаолиятимга бевосита таъсир кўрсатмоқда” деб ҳисоблайдиган хўжаликлар индекси 81.3% га тенг, яъни юқорида тавсифланган 5 баллик даража (Likert Scale) ўлчови баҳолаш мезонига асосан кузатилган иқлим ўзгариши таъсирлари Самарқанд вилоятидаги ўрганилган фермер хўжаликлари фаолиятига кучли даражада эканлиги асосланди. “Иқлим ўзгаришини жиддий муаммо” ва “Адаптация чоралари барчамиз учун зарур” деб ҳисоблайдиган хўжаликлар индекси 75.2% ва 74.5% га тенг бўлиб, бу вилоятда иқлим ўзгаришига қарши адаптация чораларини тармоққа жорий қилиш зарурлигини англатади. Демак, ҳисобланган индекс кўрсаткичларига асосан Самарқанд вилоятидаги фермер хўжаликлари иқлим ўзгариши ва таъсирлари тўғрисида етарли тасаввурга эга, иқлим ўзгариши тармоқ истиқболи учун жиддий муаммо ҳамда адаптация чораларини жорий қилиниши қишлоқ хўжалиги барқарорлиги учун зарур деб ҳисоблайди деган хулосага келдик.

Адабиётлар рўйхати

1. Majid, M.Z.A.; Mccaffer, R. Assessment of Work Performance of Maintenance Contractors in Saudi Arabia. J. Manag. Eng. 1997, 13, 91.;

2. Chyung, S. Y., Roberts, K., Swanson, I., & Hankinson, A. (2017). Evidence-based survey design: The use of a midpoint on the Likert scale. Performance Improvement, 56(10), 15.

3. Fieldhouse, D. J., & Palmer, W. C. (1965). climate of the Northeast: meteorological and agricultural drought.; Alley, W. M. (1984). The Palmer drought severity index: limitations and assumptions. Journal of Applied Meteorology and Climatology, 23(7), 1100-1109.

4. Karl, T. R. (1983). Some spatial characteristics of drought duration in the United States. Journal of Applied Meteorology and Climatology, 22(8), 1356-1366.

5. Somda, J., Zougmoré, R., Sawadogo, I., Bationo, B. A., Buah, S., & Abasse, T. (2017). Adaptation processes in agriculture and food security: Insights from evaluating behavioral changes in West Africa. In Evaluating Climate Change Action for Sustainable Development (pp. 255-269). Springer.

6. Khanal, U., Wilson, C., Hoang, V. N., & Lee, B. (2019). Impact of community-based organizations on climate change adaptation in agriculture: Empirical evidence from Nepal. Environment, Development and Sustainability, 21(2), 621-635.

Pardayeva Shahnoza Abdinabiyevna
Toshkent moliya instituti, tayanch doktorant

MOLIYAVIY HISOBOTNING XALQARO STANDARTLARI ASOSIDA XO‘JALIK YURITUVCHI SUBYEKTLARDA MOLIYAVIY NATIJALAR HISOBINI TAKOMILLASHTIRISH

Bugungi kunda rivojlangan davlatlarda joriy moliyaviy ahvolni bilishdan ko‘ra ularning kelajakdagi kutilishlariga bo‘lgan qiziqish yuqori hisoblanadi, ya’ni barcha xo‘jalik yurituvchi subyekt o‘tgan yoki joriy davrdagi erishgan natijalari bilan emas, yaqin va kelajakdagi o‘zgarishlar bilan o‘zlarining moliyaviy imkoniyatlari bilan yashovchanligini baholay oladilar.

Moliyaviy hisobotning tahlili va uni prognozlashtirishni rivojlantirishning muhim yo‘nalishlaridan biri moliyaviy hisobot shakllarini bir xil shaklda va mazmunda tuzish qoidalariga o‘tilishidir. MHXSlariga o‘tish, milliy standartlarimizni ularga yaqinlashtirish yuzasidan ushbu muammo ma’lum miqdorda o‘z yechimini topgandek ko‘rinadi. Ammo, xorijiy tajribadagi barcha tahlillar to‘g‘ridan to‘g‘ri milliy amaliyotga joriy etish aniq xulosalarga olib kelavermaydi. Ushbu holatni chet el amaliyotida keng qo‘llaniladigan U.Biver, E.Altman va Lislar tomonidan e’tirof etilgan va ommalashgan bonkrotlikni, mamlakatdagi iqtisodiy nochorlikni aniqlash va prognoz qilish modellarida ko‘rishimiz mumkin.

Bu modellarni O‘zbekiston amaliyotida bevosita qo‘llash aniq kutilgan natija bermaydi. Aniqroq aytadigan bo‘lsak, uning natijalari milliy iqtisodiyotning o‘ziga xos xususiyatlari, moliyaviy munosabatlarning shakllangan mexanizmiga to‘liq mos tushmaydi.

Mamlakatimizdagi yirik xo‘jalik yurituvchi subyektlarning birja va fond bozoridagi o‘rinlari ham ushbu modellarni to‘g‘ridan to‘g‘ri qo‘llashga asos hisoblanmaydi.

Bugungi kunda moliyaviy hisobotlar tahili va uni prognozlashtirishda eng asosiy ta’sir etuvchi omillardan biri moliyaviy koeffitsientni aniqlash hisoblanadi. Biroq, hozirda bu borada bir qator muammolar yuzaga kelmoqda. Bu

ko‘rsatkichlarning yagona birligi yaratilmaganligi hozirda asosiy muammolardan biridir.

MHXS yuzasidan prognozlashtirilgan moliyaviy hisobotlarni tuzishda quyidagi usullardan foydalanish tavsiya etiladi:

- Rejalashtirilgan ma’lumotlar asosida prognozli moliyaviy hisobotlarni tuzish;
- Haqiqatdagi moliyaviy hisobotdagi ma’lumotlar asosida prognozli moliyaviy hisobotlarni tuzish;
- Aralash usulda prognozli moliyaviy hisobotlarni tuzish.

Yuqoridagi usullardan birini tanlashda hisobotni tuzish tartibiga, to‘plangan moliyaviy hisobotlarning murakkabligiga, ma’lumot sifatiga e’tibor qaratilishi lozim. Aralash usul eng keng tarqalgan usullardan biri hisoblanadi. Rejalashtirish usuli esa odatda daromad hamda xarajatlarga nisbatan qo‘llaniladi. Xo‘jalik yurituvchi subyektlarda debitorlik majburiyatlarini prognoz qilishda 2 ta variantdan foydalaniladi. Birinchi variantda milliy standart yuzasidan aniqlangan debitorlik majburiyatlarini MHXS talablarini inobatga olib, uni moslashtirishni talab qiladi. Ikkinchi variantda esa debitorlik majburiyatlarini o‘tgan davrdagi haqiqiy qiymati MHXS bo‘yicha prognoz ko‘rsatkichi bo‘yicha hisob-kitob qilinadi.

Xo‘jalik yurituvchi subyektlarda asosiy vositalar prognozi uning harakati bilan bog‘liq ma’lumotlar asosida hisoblab chiqiladi.

Foyda va zararni prognozlash odatda 3-yil oralig‘ida amalga oshiriladi, ya’ni narxlar o‘zgarishining joriy holatida uni uzoq muddatga rejalashtirishning naflik darajasi juda past hisoblanadi.

Xo‘jalik yurituvchi subyektning moliyaviy natijalari to‘g‘risidagi hisobot bo‘yicha moliyaviy natijalarni tahlil qilishdan asosiy maqsad korxona foydasining o‘sish zaxiralarini hamda uning hajmini belgilovchi asosiy omillarni aniqlashdir. Ushbu maqsad quyidagi tahlil vazifalarini hal qilishni belgilab beradi:

- Moliyaviy ko‘rsatkichlari, daromad va xarajatlar dinamikasini baholash;
- Moliyaviy natijalar to‘g‘risida hisobotning alohida ko‘rsatkichlarini yakuniy moliyaviy natija shakllantirishga hissasini baholash;
- Moliyaviy natijalar ko‘rsatkichlarini o‘zgarish sabablarini aniqlash;
- Kelgusi davr uchun moliyaviy natijalarni bashorat qilish.

Xarajatni hisobga olish hamda uni tahlil qilish, boshqarishni optimallashtirish bo‘yicha quyidagi tartibda sezilarli farqlanishlar mavjud (1-jadval)

1 – jadval.

Xalqaro hisobot tahlili va uni prognozlashtirishning muhim jihatlari[98]

Moliyaviy hisobot tahlili	Moliyaviy hisobot prognozi
1. Jami pul oqimlari tahlili - Operatsion, investitsion va moliyaviy faoliyatdan pul oqimlari tahlili;	1. Pul oqimlarini prognozlash - Pul oqimlari kirimi va chiqimini prognozlash;

[98] Muallif tomonidan ishlab chiqildi

- Pul oqimlarini to‘g‘ri va egri usulda tahlil qilish; - Pul oqimlari hamda uni muhim samaradorlik ko‘rsatkichlarini baholash va prognoz qilish.	- Sof pul oqimini prognozlash.
2. Foyda va zarar tahlili - Foyda va zararni vertikal va gorizontal tahlil qilish; - Dinamik va trendli tahlil; - Operatsion va moliyaviy faoliyatdan foyda va zarar tahlili; - Sof foyda tahlili; - Soliq to‘lagunga qadar foyda va zarar tahlili.	2. Foyda va zarar to‘g‘risidagi hisobotni prognozlash - Ishlab chiqarish va davr xarajatlarini prognozlash; - Operatsion va moliyaviy daromadlarni prognozlash; - Daromad solig‘ini to‘lagunga qadar foyda summasini prognozlash; - Sof foydani prognozlash.
3. Moliyaviy holat tahlili - Moliyaviy salohiyat tahlili; - Mulkiy holat tahlili; - To‘lov qobiliyati tahlili; - Moliyaviy barqarorlik tahlili; - Iqtisodiy nochorlik tahlili va prognozi.	3. Moliyaviy holat to‘g‘risidagi hisobotni prognozlash - Uzoq muddatli va aylanma aktivlarni prognozlash; - Kapital va rezervlarni prognozlash; - Uzoq va qisqa muddatli majburiyatlarni prognozlash; - Iqtisodiy nochorlik (bankrotlik) prognozi.

Xulosa qilib aytganda, moliyaviy hisobotning asosiy shakli hisoblangan buxgalteriya balansi, moliyaviy natijalar to‘g‘risidagi hisobot shakllarining mazmunida moliyaviy ahvol va uning kelajakdagi o‘zgarishi, foyda miqdorini oshirish yuzasidan quyidagi jihatlarga ahamiyat qaratish lozim:

- Moliyaviy hisobotlarda analitik axborotlarning ochiqligini kengaytirish, uni tahliliyligini oshirish borasida ko‘rsatkichlarni bir xilda nomlash hamda metodologik jihatdan bir xil ko‘rsatkichlar tizimida moliyaviy holatni baholashga o‘tish joiz;

- Moliyaviy hisobot foydalanuvchilarining keng doirasi uchun axborot bazasini yaratish bo‘yicha Internet va elektron manbalarning makonini keng yo‘lga qo‘yish;

- Moliyaviy natijalar to‘g‘risidagi hisobotni ochib berishda gorizontal va vertikal qatorlar bo‘yicha moliyaviy hisobot moddalarini kengaytirish.

Musinov Dilshod Sultanovich

QISHLOQ XO‘JALIGIDA INNOVATSION FAOLIYATNI TASHKIL ETISHNING SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO‘LLARI

Annotatsiya: Ushbu maqolada iqtisodiy rivojlanish sharoitida tashkil etilayotgan qishloq xo‘jaligi korxonalarida yetishtirilayotgan mahsulotlarning, texnologiya, uskuna va boshqa vositalardan samarali foydalanishda innovatsiya usullarini joriy etish va qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini qayta ishlaydigan korxonalarni rivojlantirish maqsadida ularda yangi innovatsion g‘oyalar bilan ta’minlash imkoni ko‘rsatib berilgan.

Kalit so‘zlar: qishloq xo‘jalikda innovatsiya, innovatsion jarayon, innovatsion strategiya, mahsulot raqobatdoshlik darajasi, qishloq xo‘jaligi korxonalarining xodimlarini malakasi, mahsulotlarini qayta ishlash.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining iqtisodiy nochor korxonalarni moliyaviy sog‘lomlashtirish, modernizatsiyalash, texnik va texnologik jihatdan yangilash jarayoniga tijorat banklarining mablag‘larini kengroq jalb qilishni yo‘lga qo‘yishga qaratilgan “2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasini «Faol tadbirkorlik, innovatsion g‘oyalar va texnologiyalarni qo‘llab-quvvatlash yili»da amalga oshirishga oid davlat dasturi loyihasini ishlab chiqishga doir tashkiliy chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi[99] (2018 yil 8 may), iqtisodiyot real sektori bazaviy tarmoqlarining iqtisodiy o‘sishi barqaror sur’atlari va makroiqtisodiy mutanosibligi hamda barqaror ishlashini ta’minlash, sanoatning yetakchi tarmoqlari korxonalarini hamda kichik biznesni aniq manzilli qo‘llab-quvvatlashga qaratilgan “Iqtisodiyot tarmoqlari va sohalariga innovatsiyalarni joriy etish mexanizmlarini takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi (2018 yil 8 may) Farmonlari[100] shular jumlasidandir.

Innovatsiyali strategiyani ishlab chiqish va amalga oshirishga bo‘lgan yondashuvlarni takomillashtirish jarayonida, tashkiliy tuzilmalari, hamda tashkilotning kadr, axborot va resurs salohiyatidan foydalanish sifatini oshirish bazasida innovatsiyalarni boshqarish usul va uslublari tahliliga alohida e’tibor qaratiladi. Ammo, innovatsion jarayonlar samaradorligini oshirish imkonini beruvchi har qanday tadbirlar, albatta, raqobatdosh ilmiy mahsulot ishlab chiqarish va undan daromad olishga yo‘naltirilgan bo‘ladi.

Amaliyotda esa mazkur shartlarni bajarish, innovatsion strategiyaning muayyan turini tanlashdan oldin, real vaziyat va potensial imkoniyatlar to‘g‘risida axborotga ega bo‘lish uchun, ishlab chiqarish faoliyatining asosiy jihatlarini majmuaviy tahlilni talab qiladi. Bunday tahlilning sxematik ko‘rinishi 1-rasmda ko‘rsatib o‘tilgan.

[99] O’zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoyishi, №F-5155, 28.12.2017.
[100] O’zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori, №PQ-3698, 08.05.2018.



1-rasm.Qishloq xo‘jaligi korxonasi faoliyatida innovatsion strategiyani tanlashning asosiy shartlari[101]

Ishlab chiqarilishi taklif etilayotgan mahsulot raqobatdoshligi darajasini baholash jarayonini yengillashtirish uchun, bunday mahsulotni tanlash mezonlarini anik belgilab olish lozim. Odatda, bu umumiy ishlab chiqarish hajmida eng katga ulushga ega bo‘lgan mahsulot, yoki ishlab chiqaruvchi o‘z bozor mavqyeini mustahkamlapshi rejalashtirgan prinsipial yangi mahsulotdir.

Innovatsion strategiyani tanlashda, yangi mahsulotlar raqobatdoshlik darajasini faqatgina taqqoslash uslublari yordamida real baholash mumkin bo‘lib, bunda taqqoslash bazasi sifatida dunyodagi eng yaxshi analoglarning (agarda mavjud bo‘lsa) texnik-iqtisodiy, ekologik va ijti moiy tavsiflari olinadi.

Baholash natijalari har doim ham real raqobatdoshlik darajasiga to‘g‘ri kelmaydi. Bu quyidagi sabablar tufayli ro‘y berishi mumkin:

- umumishlab chiqarish maqsadidagi mahsulotni ekspluatasiya qilishning tarmoq xususiyatlari (uskunalar yuklamasi darajasi, texnologik jarayonlar spesifikasi, ishlab chiqarilayotgan mahsulotlar;
- tadqiqot va ishlanmalar to‘g‘risidagi axborotni o‘z ichiga olgan yagona axborot bazasining yo‘qligi;

[101] Komiljonov B.I. “Innovatsiyaviy menjment uslublarini takomillashtirish” // O’quv qo’llanma. 2007 y.

- mahsulot raqobatdopshigini baholashning amaldagi uslubiyoti tomonidan nazarda tutilgan ko‘rsatkichlar tizimining cheklanganligi.

Baholash mezonlarining birinchi guruhi, tadqiqot loyihasi maqsadga muvofiqligi to‘g‘risida qaror qabul qilish jarayonida qo‘llaniladi. Baholash mezonlarining ikkinchi guruhi esa, innovatsion loyihaning yakuniy bosqichida, olingan va kutilayotgan natijalar mosligini tavsiflash uchu n ko‘llanilishi mumkin.

Har ikkala guruhning umumiy belgisi shundaki, ular loyiha to‘g‘risidagi quyidagi axborot ma’lumotlari asosida barpo etiladi:

- loyihaning ishlab chiqaruvchi umumiy innovatsion strategiyasiga muvofiqligi;
- loyiha obyekta o‘tadigan innovatsion sikl bosqichlarining xususiyatlari;
- fundamental, amaliy, ishlab chiqarish, marketing va boshqa ma’lumotlar;
- tadqiqot va ishlanmalarning ulardan amaliy foydalanish sohasi nuqtai nazaridan miqyosi va ahamiyati;
- tadqiqotlarning o‘ziga xosligi va yangiliga;
- innovatsion loyihani bajarish muddatlari;
- moliyalashtirish manbalari;
- loyiha ishtirokchilari va ularni jalb etish shartlari.

Loyihalar boshqaruvi amaliyoti tahlilining ko‘rsatishicha, innovatsiyalar, loyihalar va innovatsion strategiyalarni baholash mezonlarini tanlash, obyektning o‘ziga xos belgilari, sharoitlari, texnik va tashkiliy imkoniyaglariga bog‘liq bo‘ladi. Ammo har qanday holatda ham, ko‘rib chiqilayotgan natijalarning iqtisodiy, ijgimoiy va boshqa noiqtisodiy oqibatlarini baholash ko‘rsatkichlari ularning tarkibiga kiritilishi lozim. Chunki aynan ushbu ko‘rsatkichlar yordamida korxona innovatsion faoliyatining monitoringi va tahlilini amalga oshirish mumkin bo‘ladi.

Korxona miqyosida innovatsion faoliyat ma’lum bir vaqt uchun mo‘jallangan bo‘lib, davriy dinamik o‘sishi bilan iqtisodiy yuksalishning manbai sifatida namoyon bo‘ladi. Ushbu holat korxonalar innovatsion holatining o‘sish davridagi tebranish sfatida mavjudligidan va amalga oshirilishidan dalolat beradi.

Korxonalarda innovason faoliyat ilmiy texnikaviy, texnologik, tashkiliy, moliyaviy va tadbirlar majmuasi sifatida rivojlanadi.

Hozirda innovatsion faoliyatni bir qancha modellari ishlab chiqilgan. Shulardan biri korxonalarda innovatsion jarayonning chiziqli modelidir. Bu model quyidagi chizmada keltirilgan.

Korxona faoliyatining mustaqil yo‘nalishlari uchta o‘zaro bir-biri bilan bog‘liq ta’sirini ko‘rish mumkin:

1.Konseptual qarorlar qabul qilish (qondirilmagan ehtiyojni tadbirkorlikning yangi modelini, moliyaviy boshqa omillarni hisobga olingani);

2.Yangi texnologik qarorni ishlab chiqarish (texnologiyaviy vositalar, uskunalar, texnologik jarayonlar, xodimlarni tayyorlashni o‘z ichiga oladi);

3.Innovatsion texnologiyani korxona faoliyatiga joriy etish.

Aytish joizki, investitsiya faoliyatining integrasiya modeli ham mavjuddir. Ushbu model innovatsion jarayonning integral parallel holatlarini hamda oldingi modelning asosiy elementlarini o‘zida aks ettiradi.

Iqtisodiyotni jadallashuvi va raqobat muhitini murakkablashuvi sifatida innovatsion faoliyatni samaradorligini oshirish korxonaning kundalik amaliyotida asosiy jarayon bo‘lib korxonaning uzoq muddatga mo‘jallangan ta’minlashdek bo‘lgan muhim omili hisoblanadi.



3.2-rasm[102].

Bu omil orqali korxona faoliyatining umumiy samaradorligi, shuningdek ijtimoiy-iqtisodiy ko‘rsatkichlarni o‘sish holatlarini aniqlashda muhim vosita bo‘lib xizmat qiladi.

Yuqorida ta’kidlangan innovatsion faoliyat xususiyatlari asosiy omillari va shakllantirish unsurlarini qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishini muhim tarmog‘i o‘simchilikda innovatsion faoliyatning asosiy xususiyatlari, elementlari va yo‘nalishlarini tahlil etib chiqaylik.

Ilmiy adabiyotlarni izoh berishicha, innovatsiya nuqtai nazaridan o‘simchilikdagi 3 ta asosiy yo‘nalish sifatida ko‘rish mumkin:

1.Agrotexnik:

- intensiv almashlab ekishni qo‘llash;
- qishloq xo‘jalik (o‘simlikchilik) ekinlarini yuqori unumli navlari va durugaylaridan foydalanish;
- sug‘orish va meliorasiya tizimni kengaytirish, yaxshilash va takomillashtirish;

[102]Taraxtiyeva G.K. “Innovatsion menejment”. –T.: “Fan va texnologiyalar” . 2013, 27 bet.

- o‘simliklarni himoyalashda samarali mineral o‘g‘itlar himiyaviy va biologik vositalarini qo‘llash.

2.Texnikaviy texnologik:

- o‘simlikchilikda yuqori unumli mashina va mexanizmlardan foydalanish;
- yangi texnologik (masalan, tomchilab sug‘orish)ni amaliyotda foydalanish;
- mahsulotni qadoqlash va sotishda yangi idish (tara) va o‘rash vositalaridan foydalanish;
- mahssulotni saqlash bazasini kengaytirrish.

3.Tashkiliy-iqtisodiy:

- ishlab chiqarishni ixtisoslashtirish va konsentratsiyalash jarayonlarini taraqqiy ettirish;
- mehnatni moddiy rag‘batlantirish va tashkil etishni oqilona tashkil etish;
- mahsulotni sotish usullari va shakllarini takomillashtirish;
- yuqori malakali mutaxassislarni yaratish ishlab chiqarishga tadbiq etish va sotishni modernizatsiya va diversifikasiyalash.

Ushbu yo‘nalishning birinchi qismida agrotexnik innovatsiyalarning turlari va xususiyatlari keltirilgan. Bunday innovatsiyalar ekinlarning yuqori unumli navlari va duragaylaridan foydalanish, sug‘orish tizimini kengaytirish, o‘simlikchilikda yangi biologik vositalaridan foydalanish jarayonlarini ifodalaydi.

Ta’kidlash joizki, qishloq xo‘jaligida ilmiy texnika taraqqiyoti, innovasilyalarning xilma-xil yo‘nalishlarini yaratish va undan foydalanish qo‘yilgan maqsadga bog‘liqdir. Agar maqsad yerni qayta ishlashga qaratilgan bo‘lsa, u holda maqsadni amalga oshirish uchun yangi ilmiy texnologiyalardan foydalanish kutilgan samarani beradi.

Qishloq xo‘jaligi korxonalarida yoki zamonaviy tarmoqli fermer xo‘jaliklarda innovatsiya jalb etish yo‘nalishlardan biri xo‘jaliklarda tashkiliy-iqtisodiy tadbirlarini amalga oshirish nazarda tutiladi. Bu jarayon ishlab chiqarishni ixtissoslashtirish va yiriklashtirish yoki ko‘p loyihalarni yaratish zarurligidan kelib chiqadi, shu bilan birga yangi yoki takomillashtirilgan mahsulotni sotish usullari shuningdek innovatsion jarayonda ishtirok etuvchi xodimlarni rag‘batalantirish va ularni qayta tayyorlash hamda malakasini oshirish ham qishloq xo‘jalikda innovatsiyalardan foydalanish samaradorligiga xizmat qiluvchi vositalardan biri ekanligidan da’vat etadi. Bunday samaradorlik ko‘rsatkichlari kelgusida innovatsiyalar orqali yanada rivojlanib boradi.

Izlanishlarimiz natijasida xulosa qilib aytish mumkinki, fan - texnika taraqqiyoti asrida innovatsiyalarni yaratish va uni sanoat korxonalari faoliyatiga joriy asosiy masalalardan biri bo‘lib qolmoqda.

Shu jihatdan bu tizimni yanada takomilashtirish uchun quyidagilarni amaliyotga joriy etish maqsadga muvofiqdir:

- tashkil etilayotgan qishloq xo‘jaligi korxonalarida yetishtirilayotgan mahsulotlarning, texnologiya, uskuna va boshqa vositalardan samarali foydalanishda innovatsiya usullarini joriy etish;

- yangidan tashkil etilayotgan qishloq xo‘jaligi korxonalarida moliyaviy barqaror rivojlantirishga erishish uchun innovatsion tashabbuskorlikni qo‘llab-quvvatlash;
- qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini qayta ishlaydigan korxonalarni rivojlantirish maqsadida ularda yangi innovatsion g‘oyalar bilan ta’minlash;
- qishloq xo‘jaligi korxonalarining xodimlarini malakasini oshirish bilan bog‘liq faoliyatni yaxshilashga doimo e’tibor berish va innovatsion fikrlarini inobatga olish;
- rivojlangan davlatlar kabi qishloq xo‘jaligi korxonalarida innovatsiya faoliyatini samarali tashkil qilish;
- qishloq xo‘jaligi korxonasi faoliyatini tubdan o‘rganish va tahlil qilish hamda innovatsiyalarni joriy qilish qoidalariga mosligini tekshirishni yo‘lga qo‘yishni takomillashtirish.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoyishi, №F-5155, 28.12.2017.
2. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori, №PQ-3698, 08.05.2018.
3. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning Oliy Majlisiga Murojaatnomasi. Xalq so’zi gazetasi.2017 yil 22-dekabr soni.
4. Taraxtiyeva G.K. “Innovatsion menejment”. –T.: “Fan va texnologiyalar” . 2013, 27 bet.
5. Komiljonov B.I. “Innovatsiyaviy menjment uslublarini takomillashtirish” // O’quv qo’llanma. 2007 y.
6. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. Ilmiy-elektron jurnal. www.iqtisodiyot.uz

Musinov Dilshod Sultanovich

QISHLOQ JOYLARIDA AHOLINING ISH BILAN BANDLIGINI TA’MINLASH

Аннотация: В статье разработаны выводы и рекомендации по повышению доходов и уровня жизни населения путем улучшения занятости населения в сельских местностях в условиях инновационного развития.

Ключевые слова: занятость, труд, безработица, рынок труда, трудоспособное население, трудовые ресурсы, инфраструктура, вакансии.

Mamlakatimizda keyingi yillarda qishloq joylarida aholini ish bilan bandligini ta‘minlashga jiddiy e‘tibor berilmoqda. Aholini ish bilan bandligini ta‘minlash birinchi navbatda, qishloq joylari aholisining foydali mehnat bilan band bo’lishini, uning mehnat daromadiga ega bo’lishi, mamlkat uchun uning ishlab

chiqarish yoki xizmat ko'rsatishdabandligini, aholini yashash sharoitini va turmush sifatini yaxshilashga olib keladi.

Bizga ma'lumki, yurtimiz qishloq joylarida har yili milliy iqtisodiyotni barqaror rivojlantirish, hududlar bo'yicha mehnat resurslaridan yanada to'liq va oqilona foydalanish, aholining ijtmioiy muhofazasini ta'minlashga qaratilgan tegishli Dasturlar qabul qilinayapti.

Qishloq mehnat bozorining e'tiborga molik o'ziga xos xususiyatlari quyidagilar hisoblanadi:

– qishloq joylarida aholining asosiy qismini yoshlar tashkil etishi;

– qishloq joylarida yuz minglab ishsizlarning, shuningdek, ishchi kuchining talabva taklif bo'yicha nomutanosiblikning mavjudligi;

– ayrim qishloq joylarida ishsizlik va norasmiy sektorda ish bilan bandlikningyuqori darajasi kuzatiladi.

Samarqand viloyati bo'yicha 2010-2016 yillar davomida «Aholini ish bilan ta'minlash Dasturi»ning bajarilishi quyidagi jadvalda ko'rsatib o'tilgan 1-jadval). Samarqand viloyatida 2010-2016 yillarda ish bilan bandlikka ko'maklashish markazlariga jami murojaat qilganlar 2 marta (37,2 %)ga kamaygan. Shundan ish bilan bandlik markazlari yo'llanmasi bilan ishga joylashganlar mazkur yillar davomida 35,1 % (2 marta)ga kamaygan. Viloyatda ishsiz maqomini olganlar o'rganilayotgan davrda 160,0%ga o'sish tendensiyasiga ega bo'lsa, kasbga o'qitish va malakasini oshirishga yo'naltirilganlar ulushi 86,5 %ga kamaygan

1-jadval

Samarqand viloyatida "Aholini ish bilan ta"minlash hududiy Dasturi"ning bajarilishi

Ko"rsatkichlar	2010 y.	2011 y.	2012 y.	2014 y.	2015 y.	2016 y.	2010-2016 y.y.da o"sish, (%)
BKM ga ish so'rab urojaat qilganlar(ming kishi)	78,4	74,2	74,6	42,2	38,5	37,2	2 marta kamaygan
BKM lar yo'llanmasi bilan ishga joylashganlar (ming kishi)	77,4	73,1	73,5	40,1	37,7	35,1	2 marta kamaygan
Ishsiz maqomini olganlar (ming kishi)	1,0	0,9	1,1	2,0	1,8	1,6	160,0
Kasbga o'qitish va malakasini oshirishga yo'naltirilganlar (kishi)	652	1056	1125	587	582	564	86,5
Haq to'lanadigan jamoat ishlariga yo'naltirilgan (kishi)	3245	5500	5609	1365	1106	936	3 marta kamaygan
Ishsizlik nafaqasi tayinlanganlar (kishi)	1154	1053	1116	90	105	102	11 marta kamaygan

Korxonalarda mavjud bo‘sh ish o‘rinlari (birlik)	3582	2690	2763	3201	3783	5075	141,7

Manba: Samarqand viloyat Bandlik va mehnat munosabatlari Bosh boshqarmasi ma‘lumotlari asosida tuzilgan.

Shuningdek, bandlikka ko‘maklashish markazlari yo‘llanmasi bilan ishga joylashganlar bu davrlar mobaynida kamaygan. Ishga joylashganlar hissasining ish so‘rab murojaat qilganlarga nisbatan bu davrlar oralig‘ida kamayib borish tendensiyasi ko‘zatildi. Bunday o‘zgarishlar asosan yangi va qo‘shimcha ish o‘rinlarining yaratilishi hisobiga amalga oshirilgan [2].

Samarqand viloyatida ―Aholini ish bilan ta‘minlash hududiy Dasturi‖ning bajarilishi tahlil qilinganda, haq to‘lanadigan jamoat ishlariga yo‘naltirilgan 3245 tadan 936 kishiga kamaygan. Shu bilan birga, ishsizlik nafaqasi tayinlanganlar 1154 kishidan 102 kishiga kamaygan hamda korxonalarda mavjud bo’sh ish o’rinlari 141,7 %ga ortgan.

Bu esa ish bilan ta‘minlashga ko‘maklashuvchi davlat ish bilan bandlik jamg‘armasining passiv yo‘nalishlariga sarflanishining tejalishi ish bilan ta‘minlashning faol yo‘nalishlariga sarflanadigan mablag‘larni moliyalashtirishni kengaytirish uchun manba bo‘lib hisoblanadi.

2-jadval

2016 yilda Samarqand viloyati tuman (shahar) bandlikka ko„maklashish Markazlariga murojaat qilganlardan xotin qizlar va yoshlar tarkibi

Ko’rsatkichlar	**Jami, viloyat bo’yicha**	***Shundan,***	
		Xotin-qizlar	**Yoshlar**
Bandlikka ko’maklashish markazlariga murojaat qilganlar	37228	12334	19658
Bandlikka ko’maklashish markazlari tomonidan ishga joylashtirilganlar	35191	11684	18846
Ishsiz deb e‘tirof etildi	1645	520	359
Kasb urganishgayullandi	564	175	233
Haq to’lanadiganjamoat ishlariga jalb qilindi	936	354	465
Ishsizlik nafaqasi tayinlanganlar	102	42	11

Manba: Samarqand viloyat Bandlik va mehnat munosabatlari Bosh boshqarmasi ma‘lumotlari asosida tuzilgan.

Mamlakatimizda mehnatga layoqatli aholini ish bilan ta‘minlash qancha dolzarbligini to‘la tasavvur qilish uchun demografik vaziyatga bir nazar tashlaylik. Bizda aholining tabiiy o‘sishi keyingi yillarda bir oz sekinlashganiga qaramasdan,

hamdo‘stlik mamlakatlari orasida eng yuqoriligicha saqlanib turibdi. Keyingi yillarda, respublikamizda aholining o‘sishi o‘rtacha 1,5% ni tashkil etmoqda. Bu esa, mehnat resurslarini mutanosib ravishda o‘sishiga olib kelmoqda.

Bugungi kunda bandlikka ko’maklashishning faol siyosat choralarini amalga oshirish, ya‘ni ish o’rinlarini yaratish, avvalo yoshlarni va ijtimoiy himoyaga muhtoj aholi toifalarini ish bilan ta‘minlash, tadbirkorlik faolligini rag’batlantirish chorasiniko’rish zaruratini keltirib chiqardi.

O’zbekiston Respblikasi Prezidenti Sh.Mirziyoev ta‘kidlaganidek: –Bugunning o’zida har bir bitiruvchini aniq bir tashkilotga biriktirishni ta‘minlash bilan birga, uning bo’lajak ish joyi, ish haqi va ijtimoiy sharoitlarini aniq belgilash zarur.

Samarqand viloyat Bandlik va mehnat munosabatlari Bosh boshqarmasi ma‘lumotlariga ko’ra, 2016 yilda Bandlikka ko’maklashish markazlariga ish so’rab murojaat qilganlarning 97,2% ish bilan ta‘minlangan (5-jadval).

2016 yil davomida Samarqand viloyati qishloq joylarida tashkil etilgan yangi ish o’rinlari soni 76128 tani tashkil qiladi. Viloyatda ishsiz sifatida ro’yxatdan o’tganlar soni

318 nafarni tashkil qiladi. Samarqand viloyati bo’yicha qishloq joylarida bandlikka ko’maklashish markazlariga ish so’rab murojaat qilganlar Narpay, Nurobod va Urgut tumanlarida 100 % ish bilan ta‘minlangan bo’lsa, ish so’rab murojaat qilganlarning Oqdaryo tumanida 90,8%, Paxtachi tumanida 94,3%, Qo’shrabod tumanida 94,4% va Kattaqo’rg’on tumanida 95,5% ish bilan ta‘minlanishning past darajasini tashkil etadi. Viloyat qishloq mehnat bozorida yangi ish o’rinlarini tashkil etilgani Bandlikka ko’maklashish markazlariga murojaat qilganlardan fuqarolardan 2 barobarga ko’pdir.

Bunga sabab viloyatda bo’sh ish o’rinlari yarmarkalarini tashkil qilinishi ham mehnat bozoridagi ta‘sirchan siyosatning muhim uslubi sanaladi. Bundan maqsad – ish izlovchilarni taklif etilayotgan bo’sh joylari bilan tanishtirish, shuningdek, ularga qishloq mehnat bozori, mavjud bo’sh ish o’rinlari va yangi kasbga o’qitish to’g’risida to’liq malumot berishdan iborat.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‟yxati

1. Mirziyoev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat‘iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo’lishi kerak. – T.: ―O’zbekiston‖, 2017.
2. Abdurahmonov Q.X. va boshqalar. Inson taraqqiyoti. Darslik. – T.: ―Fan vatexnologiyalar‖, 2013 y, – 474 b.
3. Xolmo’minov Sh.R. Mehnat bozori iqtisodiyoti (o’quv qo’llanma) – T: TDIU, 2004.
4. Shoyusupova N., Arabov N., Nasimov D. Ijtimoiy siyosat va ijtimoiy himoya. – T.:
―Iqtisodiyot‖, 2014 y, – 496 b.
5. htpp: //www.samarqand.uz – Samarqand viloyat hokimligi veb-sayti.

Турдиева Шохиста Баҳриддин қизи
ТДИУ Рақамли Иқтисодиёт факултети Тютори

МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Бугунги кунда мамлакатни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ривожланишида инвестицияларнинг аҳамияти каттадир. Бизга маълумки, ривожланган мамлакатлар тажрибасига асосан хорижий инвестициялар мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва самарали ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласини иқтисодий ўсишнинг муҳим омили сифатида кўриб чиқиш лозим. Бу борада Президентимиз айтаганидек, “...чет эл инвесторлари учун ўз капиталини тезроқ олиб чиқиб кетмасдан, уни қайта инвестиция қилишга ундайдиган рағбатлантириш тизимини яратиш”[103] лозим.

Маълумки, асосий капиталга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва корхоналар ташкил этиш натижасида қабул қилувчи давлатда солиқ тушумларини кўпайтириш ва бюджет даромадларини ошириш мумкин

2019 йил 189,9 трлн сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилиб, уларнинг 70,7 фоизи ёки 134,3 трлн сўм жалб этилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилган бўлса, корхона, ташкилот ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан 29,3 фоиз ёки 55,5 трлн сўм молиялаштирилди.

Мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида асосий капиталга инвестициялар ҳажми кескин ошиб, ўтган йилга нисбатан 33,9 фоизни ташкил этди.

Хорижий инвестициялар ўзи билан, биринчи навбатда, илғор технологияларни жалб этилишига туртки бўлади. Хорижий инвесторлар ўзларининг бозордаги ўрнини сақлаб қолиш мақсадида турли тадқиқотлар ва изланишларни олиб бориш имкониятларига эгадирлар. Айнан, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ривожланган рақобатбардош фирмалар ҳисобланиб, улар харажатларнинг катта қисмини фан-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари учун сарфлашга ҳамда ишлаб чиқариш фаолияти учун янги фан-техника ютуқларини жорий этишга қодир бўладилар.

Инвестиция дастурига мувофиқ 2020 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан асосий капиталга қарийб 233,2 трлн. сўм капитал қўйилмалар ўзлаштирилиши режалаштирилган, бунда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларнинг – 7,1 млрд. доллар, давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар – 2,7 млрд. доллар ўзлаштирилиши режалаштирилган. 2020 йилда ижтимоий, инфратузилма ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган 2 мингдан зиёд объектлар фойдаланишга топширилиши режалаштирилган:

[103] Ш.М.Мирзиёев. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

жумладан, 206 та йирик ишлаб чиқариш қувватлари, 240 та ҳудудий ишлаб чиқариш объектлари, 1,6 мингта ижтимоий ва инфратузилма аҳамиятига эга объектлар.

Аммо, қисқа вақт ичида коронавирус касаллиги (COVID-19)нинг глобал миқёсда кенг тарқалиши деярли барча давлатлардаги иқтисодий ва ижтимоий вазиятга салбий таъсир кўрсатиб, унинг таъсир кўлами кенгайишда давом этмоқда. Бунинг оқибатида 2020 йилнинг I чорагида иқтисодиётга йўналтирилган инвестицияларни ўзлаштириш ҳажми 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 10,2 фоизга қисқариши кузатилди..

Асосий капиталга инвестициялар ва чакана савдо ўсиш суратларининг тенденциясини қуйида келтирилган чизмада кўришимиз мумкин:



Умуман олганда, бугунги кунда республикамизда шаклланган ишбилармонлик муҳити қулай инвестициявий жозибадорликнинг муҳим таркибий қисми ва омили бўлиб, Ўзбекистонда Жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган методологияга мос ва мамлакатимизда бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш, арзонлаштириш ва уларнинг очиқлигини таъминлашга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар тизими яратилган.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги маълумотларига кўра, 2019 йил давомида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан инвестицияларни ўзлаштириш ҳажми 220,7 трлн сўмга етказилиб, тасдиқланган йил прогнозига нисбатан 2 баробарга ўсди. Қайд этилишича, асосий капиталга инвестициялар хажми 189,9 трлн сўмни, 2018 йил кўрсаткичларига нисбатан ўсиш темпи эса 1,3 баробарни ташкил этди. Асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2018 йилда 30 фоиздан амалдаги 36,2 фоизга қадар ўсди (умумий инвестициялар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2019 йил натижалари билан 42,1 фоизни ташкил этди). Ҳисобот даврида 2,8 мингдан ортиқ ижтимоий, инфратузилма ва ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди: 145 та йирик ишлаб чиқариш объектлари,167 та йирик ҳудудий лойиҳалар, 2,5 мингдан зиёд ижтимоий ва инфратузилма объектлари.Инвестиция фаолиятининг сезиларли ўсиши 13,3 млрд. долларни ташкил этган хорижий инвестицияларнинг оқими ва ўзлаштирилиши билан бевосита боғлиқ бўлиб, унда:тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар – 9,3 млрд. доллар (шундан асосий капиталга – 6,6 млрд. долл.;)давлат кафолати остидаги хорижий

инвестициялар ва кредитлар – 4,0 млрд. доллар (шундан асосий капиталга – 3,2 млрд доллар) ўзлаштирилди.Бунда ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларнинг умумий инвестициядаги улуши 37 фоизга етказилди (таққослаш учун 2018 йилда бу кўрсаткич 10,5 фоизни ташкил этган).Марказий Осиё мамлакатларида хорижий инвестицияларнинг ўсиши ўртача 8-10 фоизни ташкил этган бўлса, Ўзбекистон Республикасида бу кўрсаткич 2018 йилнинг шу даврига (2,9 млрд.доллар, шундан асосий капиталга – 1,6 млрд доллар) нисбатан 3,2 баробарни ташкил этди (9,3 млрд доллар, шундан асосий капиталга – 6.6 млрд доллар) ва Марказий Осиё мамлакатлари орасида ўсиш суръатлари бўйича республика етакчиликни таъминлади.Хорижий инвестицияларни республикага жалб қилиш бўйича асосий хорижий ҳамкорларга Хитой, Россия ва Германия айланган. Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция киритадиган давлатлар умумий сони 50 тадан ошди. Йирик инвестор-давлатларнинг умумий жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлардаги улуши 34 фоизгача қисқарди.2018 йил кўрсаткичларига нисбатан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб қилишнинг фаол ўсиши электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш (ўсиш – 7,5 баробар), металлургия (ўсиш – 4,6 баробар), тўқимачилик (ўсиш – 2,5 баробар), чарм-пояфзал (ўсиш – 2,1 баробар) ва нефть-газ (ўсиш – 2 баробар) тармоқларида кузатилди.Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар оқимининг ўсиш суръати ҳудудий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларда ҳам мустаҳкамланиб бориб, уларнинг умумий ҳажми 2019 йилда 4,8 млрд долларни (шундан асосий капиталда – 4,2 млрд доллар) ташкил этиб, 2018 йил мос даврига нисбатан 4 баравар ва 2017 йилга нисбатан 24 баравар кўпайди.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётига жалб этилган инвестицияларнинг ҳажмини кўпайтириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш керак, деб ҳисоблаймиз:

- солиқ юкини камайтириш ва инвесторлар учун солиққа тортиш тизимини соддалаштириш соғлом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлашга қаратилган солиқ сиёсати ва божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш;

-инвестиция киритиш учун энг қулай шароитлар яратишга қаратилган, инвестиция фаолияти соҳасидаги унификация қилинган меърий – ҳуқуқий базаларни яратиш;

- иқтисодиётни ривожлантиришда аҳоли қўлида тўпланган бўш пул маблағларни инвестицион жараёнларга жалб қилиш одамларда тадбиркорлик ҳиссини кучайтириш;

- инвестицион лойиҳаларни сифатини ошириш, лойиҳаларни капитал қуйилмалар самарадорлиги талабларига мос келиши мақсадида доимий равишда фаолият юритадиган инвестицион лойиҳалар кўргазмасини ташкил қилиш.

- маҳаллий ва хорижий инвесторларни керакли статистик ахборотлар билан таъминлайдиган электрон ахборот базасини яратиш;

-чет эл инвесторлари учун ўз капиталини тезроқ олиб чиқиб кетмасдан, уни қайта инвестиция қилишга ундайдиган рағбатлантириш тизимини яратиш;

- иқтисодиётнинг базавий тармоқларини индивидуал лойиҳалар бўйича хусусийлаштириш; - биржа бозорларида ва бошқа бозорларда акционерлик

жамиятлари акциялари пакетларининг бир қисмини хорижий инвесторларга сотиш;

Хулоса ўрнида айтиш керакки, ушбу тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши ва инвестиция муҳитининг барқарорлигини таъминлашга ва шу асосда миллий иқтисодиётга ички ва ташқи инвестицияларни фаол жалб этилишига имкон беради, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947 сонли Фармони.// Decree (2017) of the President of the Republic of Uzbekistan
2. Lech Kurowski,David Sussman Investment Project Design: A Guide to Financial and Economic Analysis O'Connor 62 Whitney Drive, UK London, UK. 2004
3. R.X.Karlibayeva. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. O’quv qo’llanma. Toshkent-2011.124 bet.
4. H.H. Imomov. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. O’quv qo’llanma. Toshkent-2010.188 bet.
5. Sh.N.Fayziev, M.N.Hodjaeva, H.M. Davlyatov. Investitsyalar auditi va baholash. O’quv qo’llanma, Toshkent 2011. 146 bet.
6. В.А.Подсорин. Экономическая оценка инвестиций. Учебное пособие. М.: МИИТ. 2011 – 116 стр
7. Вахрин П.И. Инвестиции. Практические задачи и конкретные ситуации: Учебное пособие. – М.: Издательско-торговая корпорация “Дашков и Ко”, 2003.-212 с.
8. Инвестиции: учеб. /А.Ю. Андрианов, СВ. Валдайцев, П.В. Воробьев и др. -2-е изд., перераб. и доп.- М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. -584с
9. Qoriyeva Yo.K., Nematov I., Nabiyev D, Kattayev N. Xorijiy investitsiyalar. O’quv qo’llanma. TDIU-2011y. -167 b.
10. Салихов С. Инновацион фаолиятни бошқариш. Ўқув қўлланма. ТДИУ-2013 йил. -189 б.
11. Староверова Г.С.и др. Экономическая оценка инвестиций. Учебное пособие-М.КНОРУС.2008.-496с

Turdieva Shohista Bahriddinovna
Tutor of the faculty "Digital Economy" of TSUE

USE OF INTERNET TECHNOLOGIES IN THE PROCESS OF PROMOTION OF GOODS AND SERVICES OF A TRADING COMPANY

Annotation
This article discusses the promotion of goods and services of a trading enterprise, using Internet technologies, in particular, using search engine optimization, contextual advertising, Google Maps service, promotion in social networks and E-mail marketing.

The product promotion strategy is one of the key elements of the marketing plan of any company, it fixes the goals of advertising campaigns, the basic principles and approaches of brand marketing communications, the general long-term strategy for promoting the product to the market. Marketing involves shifting the focus from production to consumer problems. The focus on the needs of the consumer is not only structural and technological problems, but also a serious organizational, structural, psychological restructuring of the entire work of any enterprise.

The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On the approval of the strategy" Digital Uzbekistan-2030 "and measures for its effective implementation" notes that "within the framework of the digital transformation of regions and industries in 2020-2022, it is envisaged:
an increase from 78 to 95 percent of the level of connection of settlements to the Internet, including by increasing to 2.5 million broadband access ports, laying 20 thousand kilometers of fiber-optic communication lines and developing mobile communication networks "[104]

In this regard, it is relevant to use Internet technologies in the process of promoting goods and services of an enterprise. Internet marketing has a certain set of tools to achieve this performance. In our opinion, in order to improve the process of promoting the services of a commercial enterprise, as well as promoting its website, it is necessary to use the following promotion methods:
– Search Engine Optimization (SEO);
– Contextual advertising;
– Google Maps services;
– Promotion in social networks (SMM);
– E-mail marketing or thematic mailings;
– Content marketing;
– Blogs, forums.

[104] Указ Президента Республики Узбекистан «Об утверждении стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» № УП-6079 от 5 октября 2020 г.// Национальная база данных законодательства, 06.10.2020 г., № 06/20/6079/1349

The most popular, effective and expensive tools on this list are SEO and contextual advertising. Their combination allows you to reach the largest number of target audience. The other means listed above are usually used as auxiliary ones. By analyzing their use, you can determine the performance of each and correctly allocate funds to support any of them.

Search engine optimization (SEO). According to statistics, every month about half a billion users make 11 billion searches in search engines. About 90% of them go to the site from there. About 70% of Internet users ignore contextual advertising, using organic search results for referrals. About 40% of all shoppers come to online stores through search engines. Thanks to them, approximately 46% of users learn about new projects, services and products. Thus, the importance of search engine optimization in a merchant's marketing campaign cannot be underestimated.

The data obtained in the course of the NPD Group research suggests that approximately 55% of buyers come to the site through Yandex and Google. At the same time, the conversion of page visitors in clients is 15 times higher than the translation of any other traffic sources. Improving online service delivery through search engines has the highest ROI (return on investment) at 42%. For example, banner ads have a similar index in 4% of cases. [105]

Even in the absence of a budget, the achieved results will remain the same for a long time.

Search engine optimization is designed to bring the website of a commercial enterprise to the TOP to the highest possible positions in the search results (Fig. 1).

This requires that it meet the requirements of Google and Yandex in terms of design, usability, content and structure. Therefore, a project aimed at promoting your service on the World Wide Web, claiming to be successful at the top, must have the following indicators:

– Unique, structured, concise and non-fake content.

– Design that matches the theme of the site.

– Functional and convenient navigation for quick search and jump to the desired section.

– Competent structure, namely, it is necessary to have contact sections, information about the company, current promotions and offers.

[105] https://sales-generator.ru - Internet Marketing Agency



(Fig.1 TOP addresses of websites of companies in Google selling windows)

Based on the foregoing, we can conclude that optimization is not only about improving the content in search engines, but also about improving the functionality (usability), attracting targeted traffic and increasing the interest of the target audience to the company's website as a whole.

More than a billion people use Google Maps every month. People use Google Maps to search for cafes, shops, clinics, car services, and more. Specify the coordinates of the company's office on Google Maps, and customers will not have to waste time to go to the site to find out contact numbers and opening hours - all the necessary information will be available directly on the search page. Such a service will make the company more attractive in the eyes of the client and serve as a kind of advertising. The cost of the service in Uzbekistan is from 490,000 soums. Marketing tool Contextual advertising directs advertising of any service to a potential client. As a rule, this type of information dissemination is located at the top of the search engine results and correlates with the user's request. Simply put,

the user sees an advertisement for what he is looking for. Thus, with proper tuning, maximum matching can be achieved.

According to statistics, from 3 to 40% of visitors go through contextual advertising, and only 0.3% of visitors go through banner ads. It also has a high conversion rate of users to customers.

This type of advertising is the main method of promoting a website on the Internet, just like the method of search engine optimization. Together they complement each other well. If it takes about three months to get SEO results, then contextual advertising gives results immediately. You definitely cannot do without it if you need to tell the target audience about the current promotions and offers on the company's services.

One of the major advantages of this type of information dissemination in order to improve the service is that the advertiser pays for the result obtained, not for the planned one. This is achieved through the use of a click-through payment system, as opposed to payment for impressions. The cost of contextual advertising in Uzbekistan is from 540,000 soums.

By constantly communicating with forum participants, you can form a specific target audience. The main task, and at the same time the difficulty in promoting at thematic conferences, is to provide information about your activities to users not in the form of advertising, but as an appropriate advice. To use this method effectively, you need the following:

– Service data should meet the needs of the forum audience.

– Information should be useful and well-founded and presented in the form of advice.

– You cannot use direct advertising.

The advantages of this method are that it does not require large financial costs to attract users to the website of the merchant. However, to be effective, you will need to spend a certain amount of time to establish communication with the most active and authoritative participants in the forum, i.e. agricultural companies.

SERM - Online Merchant Reputation Management. After gaining a certain popularity of the company in the market, they inevitably start talking about it. There are enough pages on the Web where you can leave an opinion about the company, its services and products. These communities form an objective assessment of the company. You can either try to control such activities or ignore them. Better, of course, to follow the first path.

You can create such a resource yourself, where you will receive information from users and with its help you can improve your service and make it the way end users want it to be. Thus, you can improve your activities, achieve a perfect hit with the target audience on the Internet and not spend money on focus groups.

E-mail marketing is about sending out letters by e-mail. Letters are sent with the full consent of the client, who can always unsubscribe. For e-mail marketing to work effectively, it is necessary to correctly compose the text of the letter. It should contain complete information about what services it offers, which most

fully tells about the service that interested the customer. Moreover, the letter should not cause negative feelings in the recipient.

In our opinion, when using integrated Internet marketing in a trade enterprise, it is necessary to pay special attention to the promotion of services through social networks. Everybody has cell phones and almost all citizens of the Republic of Uzbekistan are connected to social networks Telegrams, Facebook, etc.

Since social networks are created for communication and exchange of information, it is not surprising that they are used to promote various kinds of services. Their obvious advantage is their wide audience coverage. Daily attendance of the top three social networks: VKontakte - 31.5 million, Odnoklassniki - 46.6 million, Facebook - 21.6 million. These large projects

Thus, effective promotion of goods involves constant monitoring of performance, assessment of the effectiveness of your chosen path. The analytical tools of Internet marketing allow you to quickly assess the effectiveness of your actions, and therefore, make timely adjustments to the promotion strategy, and, thus, spend money and efforts only on what really makes a profit.

МУНДАРИЖА

I-ШЎЪБА. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КОРХОНАЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ		
С.Н. ТАШНАЗАРОВ	Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари: амалиёт ва таълим	4
К.Б. УРАЗОВ	Солиқ аудитининг турлари: моҳияти, фарқли ва ўхшашлик жиҳатлари, муаммолари ва ечимлари	10
S.N.TASHNAZAROV G.A. DJUMAYEVA	Korxonalarda pul oqimlari to'g'risidagi hisobot va uni xalqaro standartlar asosida takomillashtirish	19
ПЎЛАТОВ Х.	Савдо корхоналарида молиявий ҳисоботни халқаро стандартлар асосида ташкил етиш	22
QUTLIMURATOV O.	Raqamli iqtisodiyot sharoitida korxonalarda buxgalteriya hisobini moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida tashkil etish va joriy qilish masalalari	25
TURG'UNOVA R.	Mamlakatimiz iqtisodiyotida buxgalteriya hisobining o'rni va ahamiyati	29
Ю.Ш.РАХМАНОВА	Бухгалтеря ҳисобининг халкаро стандартлари асосида пул оқими тўғрисидаги ҳисоботни тузиш	31
АМИРОВ А.	Хўжалик юритувчи субъектларда мажбуриятлар ҳисобининг меъёрий-ҳуқуқий асослари	35
РАФЕЕВ Д., АХМЕДОВ М	Умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот таркиби ва тузилиши	39
ИБРАГИМОВ Б.	Солиқ қонунчилигини такомиллаштириш масалалари	45
ЖУМАНОВ Б.	Халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботлар реаллигини баҳолаш масалалари	49
БОРОНОВ Б., АБДУРАСУЛОВ Ж.	Молиявий инвестициялар ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш	53
МАРДОНОВ М	Бухгалтерия ҳисобида брендларни баҳолаш масалари	58
АБДУЛЛАЕВ З.Х., ВАФОХОЖАЕВА Д.М.	Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларида гудвилни акс эттириш масалалари	65
КУРБАНОВ З.Н.	Рақамли иқтисодиёт ва бухгалтерия ҳисоби	70
К.Б.УРАЗОВ, Ж.Ю.СИДДИҚОВ	Гилам ишлаб чиқариш харажатлари ва уларни пасайтириш йўллари	74
ЯНГИБОЕВ Б. Я.	Рақамли иқтисодиёт шароитида корхоналарда бухгалтерия ҳисобининг молиявий стандартларига ўтиш масалалари	79
ИБРАГИМОВ Б.	Солиқ муносабатларини тартибга солишнинг механизмлари	83
О.М. ЭСАНОВ	Корхоналар кўчмас мулкини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттиришни тартибга солиб турувчи халқаро стандартлар, уларни республикамизда қўллаш заруратлари ва аҳамияти	86

ШИРИНОВ У.А.	Алоқа корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг долзарб муоммолри	90
РАФЕЕВ Д., АХМЕДОВ М	Умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот таркиби ва тузилиши	94
ТЎРАЕВ А., ХАСАНОВА Н	Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида трансформация қилиш жараёни	100
ХУДАЙКУЛОВ А.	Номоддий активларни мутлақ ҳуқуқ билан сотиш ҳисобининг ташкилий жиҳатлари	106
О.М. ЭСАНОВ	Кўчмас мулкларга инвестициялар бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги таснифи ва тавсифи	109
ТЎРАЕВ А., ЭШОНҚУЛОВ А	Консолидациялашган молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тузишнинг ташкилий жиҳатлари	114
ТАШНАЗАРОВА Д.	Корхона харажатлари (таннарх)ни бошқарув мақсадларида таснифлаш асослари	119
II-ШЎЪБА. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХАЛҚАРО АУДИТ СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДАН ЎТКАЗИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ДАСТАКЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ		
К.Б.УРАЗОВ, О.Х.ХОЛИҚУЛОВ	Қурилиш машина-механизмлари ҳолати, ҳаракати ва уларга доир капитал инвестицияларни маҳсус савол тарзида аудиторлик текширувидан ўтказиш услубияти	125
О.Х.ХОЛИҚУЛОВ	Қурилиш машина-механизмлари ва улар иш фаолиятини маҳсус савол тарзида аудиторлик текширувидан ўтказишнинг ташкилий дастакларини такомиллаштириш	130
УРАЗОВ К., *АБДУРАСУЛОВ Ж*	Бизнесни сотиб олиш жараёни аудитининг долзарб жиҳатлари	135
З.Х.АБДУЛЛАЕВ, С.И.АДҲАМОВ, Н.У.ЭРГАШЕВ	Рақамли иқтисодиёт шароитида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот аудитини масалалри	140
Ш.К.УМАРОВА	Рақамли иқтисодиёт шароитида аудиторлик текшируви режасини ҳалқаро стандартлар асосида тузишни такомиллаштириш	144
ТЎРАЕВ А., САИТОВА Д	Ички аудит хизматининг ташкилий жиҳатларини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш	147
О.М. ЭСАНОВ	Корхоналарда асосий воситалардан самарали фойдаланиш кўрсатгичлари аудитининг ахборот манбалари	150
К.Б. УРАЗОВ, У. АБДУРАЙИМОВ	Корхоналар фаолияти узлуксизлигига халқаро стандартлар асосида аудиторлик баҳосини бериш	155
ПАШАХОДЖАЕВА Д., ШАМСИКУЛОВА М	Рақамли иқтисодиёт шароитида корхоналарда бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этиш ва жорий этиш масалалари	160
III-ШЎЪБА. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСЛУБИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ		

YAHYOYEV.T.I	Qurilish korxonalarida moliyaviy holat tahlilining obyektiv zarurligi.	164
Z. ABDULLAEV, NAJIMOVA N	Raqamli iqtisodiyot sharoitida ishsizlikni oldini olish yo`llar	167
A.N.XOLIQULOV, D.Q.USMANOVA	Raqobatbardoshlikni baholashning nisbiy yondashuvlar	172
A.N.XOLIQULOV, D.Q.USMANOVA	Korxona raqobatbardoshligini aniqlashda risklarni boshqarish	175
ОЛТАЕВ Ш.	МАМЛАКАТИМИЗДА АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ	180
ИСРОИЛОВ Б., НАВРУЗОВА Ф.	Ўзбекистонда фуқаролар ўзини ўзи банд қилиш тизимининг ўзига хос жиҳатлари	184
ОЧИЛОВ О.	Инсон капиталига инвестициялар самарадорлиги таҳлили	189
М.Қ.ПАРДАЕВ, Б.Р.ПАРДАЕВ	Маркетинг тадқиқотларида электрон бизнес ва электрон тижоратни амалга ошириш йўллари	193
М.Қ.ПАРДАЕВ, МАМАЮНУСОВА М	Рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси ва таълим хизматларини рақамлаштириш масалалари	197
ЮЛДАШОВА Н	Аграр соҳада хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини шакллантириши.	202
ЯНГИБОЕВ Б. Я.	Рақамли иқтисодиёт шароитда хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш.	205
ЯНГИБОЕВ Б. Я.	Рақамли иқтисодиётга ўтишнинг молиявий Харажатлари.	209
ЯНГИБОЕВ Б. Я.	Рақамли иқтисодиётда статистикани ривожлан-тириш йўналишлари.	214
IV-ШЎЪБА. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТАРМОҚЛАР ИҚТИСОДИЁТИ, МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ МАСАЛАЛАРИ		
ДЖУМАЕВ А, ШАРИПОВ Ш	Рақамли иқтисодий тизимларда халқаро туризмнинг ўзига хос турлари.	220
ДЖУМАЕВ А	Замонавий рақамли иқтисодий тизимларда халқаро туризмни ривожланишининг асосий тенденциялари	224
SUYUNOV A.	The production function using firm-level data: are uzbek firms productive?	228
IBODULLAYEV N.E., SHIRINOVA G.X.	Turizm faoliyatini rivojlantirishda telekommunikatsiya xizmatlaridan foydalanish	231
O'RAZALIYEV J.	Yaponiya iqtisodiyotida tarkibiy o'zgarishlar va unda inson resurslari boshqaruvi tamoyillari	234
НИЁЗОВ З.Д., ВАФОЕВ И., АБДУРАХМАНОВ А.	Аграр соҳани ислоҳ қилишда агрохизматларнинг роли.	240
MUSAEVA SH.A., USMONOVA D.I., USMANOV F.SH.	Korxonada marketing rejasining yo'nalishlarini tanlash.	244
MIRZAXODJAYEV A, SHERMAMATOV M	Raqamli iqtisodiyot sharoitida mehmonxonalar faoliyati samaradorligini baholashning o'ziga xos xususiyatlari.	247
АХРОРОВ З.О.	Фойдани солиққа тортиш механизмининг микро ва	250

	макроиқтисодиётни барқарор амал қилишига таъсири	
УСМАНОВА Д., ҲАЗРАТКУЛ С	Ташқи савдо операциялари амалга оширилишда айрим муаммолар	255
А.М.АМИРОВ, Б.ҚЎЗИБОЕВ	Рақамли иқтисодиёт шароитида туристик салоҳиятни баҳолашнинг назарий-услубий асослари	258
ПАРДАЕВ Ш.	Рақамли иқтисодиёт шароитида ҳудудий товар-моддий ресурслар ҳаракатининг асосий шакллари ва босқичлари.	263
ШАДИЕВА Г.М.	Рақамли иқтисодиётнинг мазмуни ва унинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни хусусида	266
МУСАЕВА Ш.А.	Проблемы с маркетинговыми исследованиями на мебельном рынке.	271
ИШОНКУЛОВА Ф.	Подготовка кадров в условиях модернизации и цифровизации экономики	277
АРТИКОВА Ш, БАХРИДДИНОВА Ж	Развитие сферы бытовых услуг в условиях цифровой экономики.	280
ИСРОИЛОВ Б., ОЧИЛОВ И., ТУРҒУНБОЕВ Ў	Рақамли иқтисодиёт шароитида кластерларнинг ташкилий-иқтисодий масалалари	283
ПАРДАЕВ Ш.	Товар-моддий ресурслар ҳаракати ва таъминотини бошқариш усуллари	287
ШЕННАЕВ Х	Мдҳга аъзо-давлатлар иқтисодиётида суғурта тармоғининг ўрни	293
ЯҲЁХОНОВ Н.	Хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятига рақамли маркетинг технологияларини жорий қилишнинг концептуал асослари	296
ИШАНКУЛОВА Ф.	Таълим хизматлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари	299
ЮСУПОВА Н.	Функции и перспективы отраслевой экономики, менеджмента и маркетинга в условиях цифровой экономики.	303
Абдувохобов Ш.	Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш учун фонд бозорларининг аҳамиятини ошириш	306
U. Kalandarov Z. Bobodustov	Improving the value of goods and the development of optimal planning assortment	312
Очилов О.И.	Молиявий инвестициялар таҳлилини такомиллаштириш	316
Бабахолов Шерзод Бахтиёрович	Қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгариши таъсирлари тўғрисидаги билим ва муносабатларни баҳолаш: “severity index”ни ҳисоблаш	319
Pardayeva Sh.A.	Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida xo‘jalik yurituvchi subyektlarda moliyaviy natijalar hisobini takomillashtirish	324
Musinov D.S.	Qishloq xo‘jaligida innovatsion faoliyatni tashkil etishning samaradorligini oshirish yo‘llari	327
Musinov D.S.	Qishloq joylarida aholining ish bilan bandligini ta‘minlash	332
Турдиева Ш. Б.	Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлан-тиришда инвестицияларни жалб қилишнинг аҳамияти	336
Turdieva Sh.B.	Use of internet technologies in the process of promotion of goods and services of a trading company	340

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ҲИСОБОТ ВА АУДИТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Республика илмий-амалий конференцияси
МАТЕРИАЛЛАРИ
(2021 йил 24 сентябр)

Манзил: Самарқанд шаҳри, А.Темур кўчаси, 9-уй